

САВДО ИҚТИСОДИЁТИ МУАММОЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

САВДО ИҚТИСОДИЁТИ МУАММОЛАРИ

Ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ
«IQTISOD-MOLIYA»
2016

65.9(5У)421
С126

УЎК: 380.1(075)
КБК: 65.422
С 14

и.ф.д., проф. **М.Қ.Пардаевнинг** умумий таҳрири остида

Тақризчилар: и.ф.д., проф. **Р.А. Сейтмуратов;**
и.ф.д., проф. **К.Б. Ўразов**

С 14 **Савдо иқтисодиёти муаммолари:** Ўқув қўлланма/ Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги; Т.: «Iqtisod-Moliya», 2016. 504 б.

Ўқув қўлланманинг мақсади магистрларга савдо корхоналари фаолияти бўйича чуқур билимлар бериш; уларнинг кўсаткичларини таҳлил қилиш усулларини чуқур ўрганишни таъминлаш; бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда савдо соҳасини прогнозлаш ва режалаштириш усул-услубларини баён этиш, уларни амалиётда қўллаш йўлларини талабаларга тушунтириш, бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларни баҳолай билиш; тижорат муаммоларини ҳал қилишга ижодий ёндашиш; ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳотларни савдо соҳасида амалга оширилиши юзасидан стратегик ва жорий қарорларни ишлаб чиқиш, уларни амалиётда ижросини таъминлаш, савдони ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш йўлларини аниқлаш каби масалалар тўғрисида назарий ва методологик билимларга, кўникмаларга эга бўлишини таъминлашдан иборат.

Ўқув қўлланма 5А230102 – Иқтисодиёт (хизматлар соҳаси) магистратура йўналишида таълим олаётган магистрларга мўлжалланган. Ундан олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил-изланувчилар, талабалар, малака ошириш курслари тингловчилари, соҳа раҳбарлари ва мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

СамИСИ ўқув-услубий кенгашининг 2015 йил 26 май 10-сонли баённомаси билан нашриётда чоп этишга тавсия қилинган.

СамИСИ илмий кенгашининг 2015 йил 29 сентябрдаги мажлисида (2-сонли мажлис баёни) қараб чиқилди ва ўқув қўлланма сифатида нашр қилишга тавсия этилди.

УЎК: 380.1(075)
КБК: 65.422я73

ISBN 978-9943-13-602-1

© «Iqtisod-Moliya», 2016
© Муаллифлар жамоаси, 2016

КИРИШ

Мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантириш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Дастлабки босқичда мулкчиликнинг турли шаклларини ташкил қилиш, улар асосида бозор инфратузилмасини яратиш, иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган иқтисодий механизмларни тубдан янгилаш масалалари устувор қилиб белгиланди ва уларга асосан эришилди. Ушбу жараёнда савдо соҳаси ҳам янги шароитига мослаштирилди. Мазкур соҳа асосан хусусий ва бошқа нодавлат мулки шаклига эга бўлди. Унда тадбиркорлик муҳити билан бирга рақобат муҳити ҳам шаклланиб борди ва бу жараён йилдан-йилга чуқурлашиб бормоқда.

Мазкур ҳолатлар савдо соҳаси корхоналари ва шохобчаларининг моҳияти ва табиатини ўзгартирди. Мазкур соҳанинг товарлар ва хизматлар бозоридаги ўрни, мавқеини ва аҳамиятини тубдан янгиланишга олиб келди. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, бозор муносабатларига ўтишнинг бошланғич даврида савдо соҳасида мулк муносабатлари тубдан ўзгартирилди, соҳада хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш амалга оширилди.

Иккинчидан, ушбу соҳада давлат ва кооператив савдога асосланган режали иқтисодиёт ҳукм суриб келаётган монопол фаолиятга ва у билан боғлиқ иқтисодий механизмларга барҳам берилди.

Учинчидан, савдо корхоналари ва шохобчаларининг мақсад ва вазифалари, олдинги маъмурий-бошқарув тизимидагига нисбатан бутунлай янги тус олиб, тақсимот тизимига хизмат қилиш барҳам топиб, бозор муносабатларига асосланган ҳақиқий савдо тизими шакллантирилди.

Тўртинчидан, бозор муносабатлари шароити савдо соҳаси корхоналари ва шохобчалари фаолиятини юритиш тартибини янгилади ва бу соҳада эркин тадбиркорлик шакллантирилди.

Бешинчидан, ушбу соҳада ҳар хил ташкилий тузилмалар, вертикал бошқариш тизими каби бошқарув тизими барҳам топди ва улар ўрнига нодалат уюшмалар каби ҳуқуқий шакллар вужудга келди.

Олтинчидан, соҳа фаолиятида ташқи муҳит, хусусан савдо жараёни ўзгарди, савдо ходими таварни ўзи топадиган ва ўзи сота-

...SURS MARKAZI
50022

диган бўлди, шунга мувофиқ уларнинг микро, мезо ва макро даражадаги алоқалари бозор муносабатлари шароитига мослаштирилди.

Еттинчидан, ушбу соҳада иқтисодий механизмлар ҳам тубдан ўзгарди. Олдин фақат товар айланмаси режасининг бажарилиши учун курашилган бўлса, энди манфаатлар кўлами кенгайди. Бундан мулкдор ҳам, савдо ходими ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам, аҳоли ҳам манфаатдор бўлишлиги ва уларнинг манфаатларига зид бўлмаслигини тақозо қилмоқда.

Саккизинчидан, савдо соҳасида маъмурий тарзда товар таксимотлари кўрсаткичларини режалаштириш ўрнига иқтисодий унсурлардан бир қанчаси, хусусан: иқтисодий эркинлик, мустақил ўз-ўзини бошқариш, мулкни тасарруф этиш ва унга эгалик қилиш, ўз ресурларини мустақил ишлатиш, ўзини-ўзи маблағлар ва товарлар билан таъминлаш, иқтисодий ва хуқуқий жавобгарлик кабилар кириб келди.

Бундай шароитда савдо корхоналари ва шохобчаларининг иқтисодий-молиявий барқарорлиги жуда кўп омилларга боғлиқ бўлиб қолди. Уларни тадқиқ қилиш ва тизимлаштириш, янги шароитда савдо корхоналарининг эркин фаолиятини таъминлаш масалаларида тегишли объектив муаммолар келиб чиқмоқда. Мазкур муаммоларни бугунги кунда ўрганиш ва уларни босқичма-босқич ҳар жиҳатдан ҳал қилиш масаласи ўта долзарб масалалар сирасига киради. Шу жиҳатдан, мазкур ўқув қўлланма соҳа ходимлари учун нафақат, назарий ва балки муҳим амалий аҳамиятга ҳам эга.

Ҳар бир соҳада, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, шу соҳа мутахассисларига, уларнинг малакаси, тажрибаси, билим савияси, касбий маҳорати ва кўникмаларига боғлиқ.

Юқорида келтирилган объектив заруратдан келиб чиққан ҳолда, ушбу соҳа учун юқори малакали раҳбарлар, иқтисодчилар, менежерлар, тадбиркорлар ва маркетологларни тайёрлашни, уларга савдо соҳасини бошқариш ва ва соҳа иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида чуқур билимлар ва кўникмалар беришни ҳам тақозо қилмоқда.

Ушбу талабдан келиб чиқиб, барча мавзулар бозор муносабатлари хусусиятларини инобатга олган ҳолда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий ва хуқуқий ислоҳатларнинг савдо соҳасига жорий қилиниш жараёнини замон талабларидан

келиб чиққан ҳолда ёритиш, савдонинг муаммолари ва уларнинг ечимлари тўғрисидаги масалалар ёритилди.

Ўқув қўлланманинг тузилиши ва шаклланиши иқтисодий фанлар олдига қўйилган ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан бўлиб, савдо соҳаси учун малакали етук мутахассислар, иқтисодчилар, менежерлар, маркетологлар ҳамда савдо соҳасидаги тадбиркорларга корхонани бошқариш механизмларини хаётда қўллаш учун чуқур билим ва кўникмалар беришга қаратилган.

Ўқув қўлланма 5А230102 – Иқтисодиёт (хизматлар соҳаси) магистратура йўналишида таълим олаётган магистрларга мўлжалланган. Ундан олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил-изланувчилар, талабалар, малака ошириш курслари тингловчилари, соҳа раҳбарлари ва мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

I боб. САВДО ИҚТИСОДИЁТИ МУАММОЛАРИ КУРСИНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий фанларнинг ўрни ва аҳамияти

1.2. Савдо иқтисодиёти муаммолари курсининг предмети, мазмуни ва вазифалари

1.3. Савдо иқтисодиёти муаммолари курсининг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлиги

1.4. Савдо иқтисодиёти муаммолари курсининг усуллари

* * *

1.1. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий фанларнинг ўрни ва аҳамияти

Илмий иш, илмий фан, ҳаётдаги ҳар хил ҳодисаларни ўрганади ва улар билим тармоқлари ўртасида қатъий тақсимланган бўлиши шарт. Чунки фанлар ўз соҳасини, чегараланган соҳани ўрганади. (бу тўғрисида батафсил кейинроқ тўхталамиз).

Инсон ҳаётининг ва фаолиятининг бирламчи негизини моддий борликка боғлиқлиги ташкил қилади.

Инсон қандай фаолият билан шуғулланмасин, қандай иш юритмасин, доимо ўз мақсадига эришиш учун зарур бўлган моддий воситаларга дуч келади.

Кўз олдингизга келтиринг, бир гуруҳ одамлар, янги ўзлаштирилмаган ерга кўчиб келди. Нимадан иш бошлайди? Уларнинг асосий мақсади нима бўлишидан қатъий назар, энг аввало, яшаш учун зарур бўлган моддий воситаларни яратиш, топиш, бирламчи масалага айланади. Улар нималар?

Инсонларнинг асосий, зарурий эҳтиёжлари бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой яратиш учун ерни ўзлаштириш, ўрмонлардан дарахтларни кесиш, уй қуриш, матолар ишлаб чиқиш, чорвачилик ва ҳайвонот (мол, қўй, товуқ, эчки кабилар) билан шуғулланиш каби ишлардан бошлайди. Кейинчалик, уларга ўзларини юқорироқ, (маънавий, диний, эстетик) эҳтиёжларини қондириш учун

қандайдир меъёрда зарур бўлган меҳнат харажатларини сарф қилиш зарурияти туғилади. Буларга, нималар киради? Мактаб, шифохона, масжид (церковь). Бундай иншоотларни қуриш учун меҳнат ва моддий воситалар сарфланади.

Уларга ўқитувчи, мулло, врач, (ҳаким, табиб) кабилар керак бўлади. Уларни эҳтиёжларини таъминлаш керак бўладими? Албатта керак! Булардан ташқари, инсониятнинг эҳтиёжи кенг, унга маданий хордиқ чиқариш иншооатлари керак ва ҳоказолар.

Шундай қилиб инсониятнинг мақсади қандай бўлишидан қатъий назар, доимо ва ҳар ерда, ҳар қачон, у моддий воситаларсиз ҳаёт кечира олмайди. Лекин моддий бойликлар инсон эҳтиёжини қондириш нуқтаи назаридан бир хил аҳамиятга эга бўлмайди.

Инсон назарида бу моддий бойликлар икки хил категорияга бўлинади. Уларнинг **бир қисми унга табиатан** берилган бўлиб, улардан фойдаланиш учун инсониятдан ортиқча меҳнат ва моддий харажатлар сарф қилиш талаб қилинмайди. Буларга ҳаво, қуёшнинг нури, сув кабилар киради. (бу ерда ҳаётнинг бошланғич босқичи тўғрисида гап кетяпти.) Албатта илмий – техник тараққиёт асосида инсоннинг ривожланиши бу гуруҳ моддий борликлар учун ақлий ва жисмоний меҳнатни, моддий ресурсларини сарф қилиш заруриятини туғдиради. Булар табиатан берилган инъом ҳисобланади. Улар эркин тақсимланади, ҳаммани эҳтиёжига яраша, сарф қилган меҳнатни ёки жамиятда тутган ўрни, мавқеидан қатъий назар. Иккинчи категория моддий борлиқ ҳаётда чегараланган бўлиб, инсоннинг меҳнати билан, табиатдаги моддий борлиқни ўз эҳтиёжига мослаштириш натижасида ишлаб чиқилади.

Бу **иккинчи категория** моддий бойликлар кам, ёки уларни олиши чегараланган бўлиб, уларни ишлаб чиқиш учун меҳнат моддий ва молиявий харажатлар зарур бўлади. Шунинг учун ҳам улар хўжалик юритиш натижасида вужудга келган воситаларга киради.

Мана бу моддий бойликлар хўжалик юритувчиларни ва иқтисодий назариётчиларни қизиқтирадиган, улар ўрганадиган, тадқиқот қиладиган жараёндир.

Шуни таъкидлаш жоизки, бу моддий бойликни кичик бир қисми йўқ бўлса, ёки исроф қилинса, у йўқотиш, зарар сифатида қабул қилинади, чунки уни ўрнини тўлдириш учун янгидан ресурсларни харажат қилиш, вақт сарфлаш зарур бўлади. Шунинг учун бу бойликлар алоҳида аҳамиятга сазовор бўлиб, улар инсонларнинг моддий фаровонлигига боғлиқдир. Улар хўжалик юритувчининг

алоҳида эътиборига олинади, баҳоланади. Хўжалик юритувчилар, истеъмолчилар, бу типдаги моддий борлиқни тежамли сарфлашга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам уларни ишлаб чиқиш, мақсадга мувофиқ ҳисоб – китоб асосида, хўжалик фаолияти юритиш натижасида вужудга келади.

Хўжалик фаолиятининг мақсадга мувофиқлиги икки томонлама характерга эга.

Биринчидан, техникавий, яъни табиий ресурсларни инсон эҳтиёжларига энг янги, қулай воситалар асосида мослаштиришдир. Хўжалик фаолиятини техник томонларини техник фанлар ўрганади. **Иккинчи томони** – инсон фаолияти меҳнати билан боғлиқ бўлиб, инсонларнинг манфаати билан боғлиқ, яъни кам харажат қилиб, кўп натижага интилиш, кўпроқ эҳтиёжни қондиришга интилиш.

Бу томондан хўжалик фаолият юритишни иқтисодий принциплари вужудга келади. Бу муносабатларни иқтисодчилар, иқтисодий фанлар ўрганади. Инсоният тарихига назар ташласак, жамиятни ташкил қилинишида сиёсат ва иқтисодий жиҳатлардаги фарқлари аниқланади.

Сиёсат инсоният ҳаётда тарихан онгли (фаҳм орқали) тартибга солиш орқали жамиятни бошқаришни таъминлаган. Давлат бошқаруви ғояси ўша даврлардан, доҳий (қабила бошлиғи), қариялар кенгаши, халқ мажлиси кабиларда ўз аксини топган.

Қадимий шарқда эрамиздан 3000 йиллар олдин нарсаларни кирага бериш, ундан фоиз олиш, солиқ олиш каби категориялар ишлатилган. Қадимий Мисрликлар, Греклар олди – сотди, пул, баҳо, савдо, фойда, кредит каби иқтисодий категорияларни ишлатганлар. Ўзбек тилидаги «Иқтисодиёт» - арабча сўз бўлиб, тежамкорлик маъносини англатади ва грекча «Оикономиа» (Экономика), яъни «Оикос» - уй, хўжалик ва «номос» - қоида, тартиб, қонун мазмунини билдирувчи сўзлар бирлашмасидан олинган бўлиб, уй хўжалигини қонуни, бошқариш мазмунини билдиради. Шунинг учун ҳам бўлса керак, иқтисодий фанлар ўрганадиган категориялар қадимги Греция, Миср олимлари қаламига мансуб бўлган асарларда учрайди (Сократ, Ксенфонт, Платон, Аристотель, Эпикур).

Қуръоннинг Юсуф сурасида берилган маълумотлар бўйича эрамиздан 3000 йиллар олдин Юсуф пайғамбар Миср шоҳига: «Мени шу ернинг хазиналари устига қўйинг, чунки мен (уларни) тўла – тўкис сақлайдиган ва (тўғри тасарруф қилишни)қилишни биладиган кишиман» деб айтганлар. Бундан келиб чиқадики, инсонлар қадимдан хазиналарни сақлаш, сарф қилишни иқтисодий томонларини билган.

Ибн шу парсани айтиш жоизки, қуръоннинг «Талоқ» сурасида «Оллоҳ барча нарса учун миқдор – ўлчам қилиб қўйгандир» деб ёзилган. қуръонда Мерос, судхўрлик, садақа, омонат, закот, фитр каби иқтисодий категориялар ҳам ишлатилган.

Марказий Осиё алломаларининг асарларида иқтисодиётга тааллуқли гоялар, хўжалик юритиш бўйича фикрлар кўпдан кўп учрайди. Уларнинг қаторига Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, А.Темур, Улуғбек, А.Навоий, Бобур каби мутафаккирларни ижодлари киради. Темур тузукларида иқтисодиётга, давлатни бошқаришга оид ва ҳозирги замонда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш йўл – йўриқлари ва қоидаларини топиш мумкин. Унда давлатни таркибий тузилишидан тортиб, давлат бюджети даромадлари ва харажатларини шакллантириш, меҳнатни тақдирлаш, маош тўлаш, солиқ ундириш, жарималар, иному эҳсонлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

А.Темур асарларида давлатнинг иқтисодий сиёсатини асосини ташкил қилган категорияларга хазина (бюджет)ни киритган. А.Темур ибораси билан айтганда, давлатнинг тақдирини ҳал қиладиган уч нарса мавжуд, улар подшоҳ, хазина ва аскар ҳисобланади. Давлатнинг даромади, харажатлари, солиқ, маош (иш ҳақи), моддий ва маънавий рағбатлантириш, нафақа, жарималар, иному – эҳсонлар кабилар хазинанинг элементлари сифатида қаралган. Иқтисодий масалаларга А.Темур алоҳида эътибор берган, унинг еттита вазиридан иккитаси махсус шу масалаларга жавоб берган. Биттаси эгасиз қолган мол – мулкларни тасарруф этиш ишлари вазири, иккинчиси, салтанатнинг кирим–чиқим ишларини бошқарувчи вазир, яъни молия вазири. «Тажрибали, ишбилармон вазирлар салтанат устунларидир. Улар мамлакат ободонлиги. Хазина бойлигини доимо кўзда тутадилар. Давлат, салтанатга фойда келтирадиган ишларни бажаришга тиришиб ҳаракат қилади» - деб «Темур тузукларида « ёзилган.

А.Темур барча давлат арбобларига, ходимларига, хизматчиларига уларни лавозими даражаларига қараб меҳнатига ҳақ тўлатган. Энг асосийси, бу масалани ҳал қилишда табақалаш (дифференция) қоидасини ишлатган. Масалан, оддий сипоҳий минган отининг баҳосида, баҳодирлар 2-4 от баробарида, ўнбоши қарамоғидаги аскарга нисбатан икки баробар, юз боши ўн бошидан уч баробар ортиқ маош олиши белгилаб қўйилган. Амир ул – умароларнинг маоши ўз қўл остидагилардан ўн баробар ортиқ бўлиши белгиланган.

Ижтимоий маданий тараққиёт ривожланиши билан давлат бошқарув функциялари мустаҳкамланиб ва турғунланиб борган. Иқтисодий ҳаётда бундай эмас. Ибтидоий жамият давридан то капиталистик тузумгача бир – бири билан онгли равишда

бирлашмаган якка хўжаликларни кузатамиз. ҳар бир хўжалик субъектлари ўз ташаббуси, ўз ихтиёри, таваккалчилигига асосан иш юритган. Уларнинг бирлиги, жамиятнинг ва халқ хўжалигининг иқтисодий муносабатлари орқали амалга оширилган.

Ижтимоий меҳнат тақсимоти чуқурлашиши, бозор муносабатлари шаклланиши билан хўжалик юритишни онгли равишда тартибга солиш ғояси туғила бошлайди. Чунки у уюштирилмаган иқтисодий фаолиятни (минглаб хўжалик субъектларини) онгли равишда тартибга солмаслик ижтимоий ҳалокатларга олиб келиши мумкин. Ҳозирги замон савдо шохобчалари ва иқтисодиёти (халқ хўжалигининг) уюштирилган, давлат томонидан тартибга солинадиган хўжалик субъектлари бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, тарихдан иқтисодий назария шаклланиб келган ва иқтисодиёт (экономика) атамаси ишлатиб келинган. Ҳозирги кунда «Иқтисодиёт» бир неча хил мазмунда ишлатилади.

Биринчидан, «Иқтисодиёт» деганда, хўжалик (халқ хўжалиги, тармоқ ҳудуд, бирлашмалар, корхоналар ва фирмалар) тушунилади;

Иккинчидан, «Иқтисодиёт» бу ишлаб чиқариш, тақсимот, муомала ва истеъмол фазаларида вужудга келган инсонлар, хўжалик субъектлари ўртасида моддий ва бошқа бойликлар билан боғлиқ муносабатлардир;

Учунчидан, «Иқтисодиёт» бу сиёсат, яъни давлат сиёсати, давлатлараро алоқалар ва ҳоказолардан иборатдир.

Ва ниҳоят тўртинчидан, «Иқтисодиёт» бу фан.

Фан – бу табиат, жамият ва тафаккур, ижтимоий тараққиётни таҳлил қилиш ва умумлаштирилган билимлар йиғиндисига тушунилади. Бу билимлар орқали инсоният табиат сирларини чуқур ўрганиш имкониятига эга бўлади, техника ва технологияни ҳамда ижтимоий тараққиётни муҳим муаммоларини ҳал қилади.

Ижтимоий меҳнат тақсимоти чуқурлашиши, бозор муносабатлари шаклланиши билан хўжалик юритишни онгли равишда тартибга солиш ғояси туғила бошлайди. Чунки у уюштирилмаган иқтисодий фаолиятни (минглаб хўжалик субъектларини) онгли равишда тартибга солмаслик ижтимоий халокатларга олиб келиши мумкин. Инсоният ижтимоий – иқтисодий фаолият юритиш жараёнида учта бир – бирига боғлиқ бўлган муаммоларга дуч келади. Булар қанақа муаммолар?

Биринчидан, нима ишлаб чиқариш ва қанча миқдорда?

Иккинчидан, қандай ишлаб чиқариш ва қанча харажатлар зарур бўлади?

Учинчидан, ким учун ишлаб чиқарилади ва улар қандай тақсимланади?

Жаҳон амалиётидан маълумки, ривожланган давлатлар ҳам, юқоридаги масалаларни ҳал қилишда бир талай негатив ҳодисаларга дуч келмоқда.Буларга, **инқироз (кризис) лар, монополизм, инфляции, ишсизлик,** истеъмол бозоридаги номутаносиблик, ресурсларни, товар ва хизматларни дефицитлиги, пул муомаласидаги нуқсон ва камчиликлар кабилар киради.

Келтирилган учта фундаментал муаммони ҳал қилиш, келтирилган камчиликлар, нуқсонларнинг ечимини топиш ўз ўзидан ҳал бўлмайди. Бунинг учун уларни ҳал қилиш усуллари ва механизмини тўғри топиш, истеъмолчилар талабини тўла қондириш йўлларини излаш, юқори самарали ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, уни бошқариш, тармоқлараро ва хўжалик субъектлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни боғлаш, сотувчи билан истеъмолчилар орасидаги муносабатларни такомиллаштириш, иқтисодий ҳодисаларни уйғунлаштириш каби масалаларни ҳал қилиш зарурияти туғилади.

Президентимиз *ўзларининг* ***"Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари"*** *номли асарларини бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўлларини излашдан иборат эканлигидан бошлаб, жаҳон молиявий инқирозининг мазмун-моҳияти, келиб чиқиш сабабларига батафсил тўхталиб ўтдилар. «Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди»*[1].

Британиянинг нуфузли газеталаридан бири бўлган «ГАРДИАН» жаҳон молиявий инқирозининг асосий айбдорлари рўйхатини эълон қилди. мазкур рўйхатнинг олдинги ўринларида АҚШнинг таниқли сиёсатчилари ўрин олган бўлиб, унда инқироз фақатгина иқтисодиёт ривожланишининг навбатдаги ҳаракатлантирувчи кучи эканлиги таъкидлаб ўтилган. Аксарият молиячи-иқтисодчилар вужудга келган

молиявий инқирознинг ҳақиқий сабабларидан бири сифатида ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни ҳаддан зиёд ортиқча эркинлаштириш сиёсатининг «меваси» эканлигини, яъни «ўз-ўзини бошқарувчи бозор» ғоясини илгари суриш орқали давлатнинг миллий иқтисодиётга ва хусусан молиявий бозорларга аралашувини чекланганлиги билан ҳам изоҳламоқдалар[1].

Монополия *– бозорда якка ҳукмронлик. Ўз ҳукмини ва тазйиқини истеъмолчиларга ўтказа олишга қодир куч.*

Инфляция *- мамлакатда баҳонинг умумий даражасининг кўтарилиши жараёнидан иборат бўлиб, илгари бунинг сабабини қоғоз пуллардан ахтаришар эди. Лекин пул чиқариш қаттиқ назорат остига олинганда ҳам инфляция ҳолати мавжудлиги аниқланган, яъни гап фақат давлатнинг пул чоп этиши имконияти мавжудлигида эмас экан. Унинг сабаблари кўп ва улар бир неча хил кўринишда бўлади. Иқтисодий ислоҳотлар, ишлаб чиқариш тузилишининг кенг ҳажмдаги ўзгариши, умуман, бир иқтисодий тизимдан иккинчисига ўтиш каби ўзгаришлар, албатта, инфляция билан боғлиқ бўлади. Чунки, бундай ҳолатлар талаб ва таклиф мувозанатининг ўзгариши, пулга бўлган ишончнинг пасайиши, нарх-навонинг тезлик билан ўзгариши, аксар ҳолларда, унинг кўтарилиб бориши натижасида юз беради.*

Бунинг икки томони таъсирлидир: биринчиси талаб инфляцияси бўлса, иккинчиси харажатлар инфляциясидир. Тижорат, фирмалар, ҳукумат юзага келадиган зарурияглар туфайли ишлаб чиқариладиган товарларга нисбатан кўпроқ пул сарф этади. Бу таклифга нисбатан талабнинг ўсишига олиб келиб, ўз навбатида, баҳоларнинг кўтарилиши билан якунланади. Харажат инфляцияси ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиб бориши воситасидир. Бундаги баҳонинг ўсиши ресурсларга харажатларнинг ортиб бориши ва бунинг эса товарлар баҳосида ўз аксини топиши инфляцияни кучайтиради. Айтайлик, энергия, хомашё ва материаллар қимматлашуви харажатлар инфляцияси сабабларидир. Бунда иш ҳақининг ўсиб бориши, кўтарилаётган баҳоларни олдиндан кўзлаб, ишчиларнинг иш ҳақини ошириш учун уринишлар ва шунга ўхшаш бошқа ҳаракатлар кучаяди ва бу инфляцияда ўз аксини топади.

Инфляциянинг олдини олишда нормал товар-пул муомаласи жараёнини таъминлаш, унинг учун пулнинг маълум миқдорда бўлиши, унинг на кўп ва на оз бўлишига қарши кураш энг маъқул йўл. Бу талаб ва таклиф мувозанатини таъминлайди. Баҳо кўтарилишининг олдини олишга қаратилган барча чора-тадбирлар инфляцияга қарши қаратилган ҳаракат ҳисобланади.

Ишсизлик *деганда бекор юрганлар тушунилмайди, балки иш қидириб маҳаллий меҳнат органларидан рўйхатга ўтганлар ҳисобланади. Шу туфайли оддий бекорчи билан ишсизнинг фарқи бор.*

Ишчи деганда ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ёки қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахс тушунилади.

Ишсизлик малакасини қараб чиққанда унинг турларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Ишсизликнинг қуйидаги турлари мавжуд: ***фрикцион, структуравий, ихтисослашган, даврий, мавсумий, ихтиёрий ва ишдан ишсизлик.***

Буларни ҳал қилиш назарий ва амалий билимларни мустаҳкам эгаллаган, олинган билимларни муайян илмий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий вазифаларни ҳал этишда ижодий қўллай оладиган, уни ниҳоясига етказиш бўйича оптимал қарор қила оладиган мутахассисларга кўпроқ боғлиқдир.

Бундай маҳоратларга, кўникмаларга эга бўлиш иқтисодий фанларни ўрганиш орқали амалга ошиши мумкин.

Бозор муносабатлари раҳбарларга янги иқтисодий фикрлашни, янгича иш юритишни, минглаб субъектлар ва истеъмолчилар билан ўз фаолиятини, жараёнларни ўз манфаати ва мақсадига йўналтиришни, уларни чуқур таҳлил қилиш, келажак учун режалаштириш каби муаммоларни ҳал қилиш йўлларини билиш талабларини қўяди. Буларсиз рақобатчилик шароитида ҳар қандай корхона, фирма инқирозга учраб қолиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Савдода жамиятни ривожлантирувчи иқтисодий қонунлар кўриниш шакллари ўз аксини топади. Шундай экан, савдони бошқариш асосида иқтисодий қонунлар талабларини объектив ҳолда кўра билиш ва унга асосан қарорлар қабул қилиш зарур бўлади. Масалан, иқтисодий қонунлардан бири меҳнат унумдорлигини иш ҳақкига нисбатан тезроқ ўсишидир. Бу қонуннинг талаби бузилса, пул муомаласи мувозанати бузилишига олиб келиши, ортиқча пул вужудга келиши, инфляция, товарлар дефицити пайдо бўлиши каби ноўрин ҳодисалар вужудга келиши муқаррардир.

Иқтисодиёт фанлари ва амалиёт хўжаликни оқилона ва самарали бошқариш учун унга мос хўжалик юритиш механизмини ишлаб чиққан. Унга мос иқтисодий дастаклар (баҳо, солиқ, фойда, иш ҳақи кабилар) категориялар, кўрсаткичлар, усулларини (иқтисодий ёки маъмурий усуллар, режалар, нормаллаштириш кабилар) хўжалик юритувчилар ўз мақсадларига мувофиқ бошқарув объектларида ишлатадилар. Савдо иқтисодиёти муаммолари фани юқорида келтирилганларнинг мазмуни ва моҳиятини очиб беради,

уларни хўжаликни бошқариш учун ишлатиш шакл ва усулларини ўргатади. Ҳар қандай хўжалик субъекти, жумладан, савдо умумий овқатланиш шохобчалари ўз кўрсаткичларини иқтисодий ҳисоб – китоблар орқали асослашлари зарур.

Бу жараёнларни амалга ошириш учун иқтисодиётни малакали тушунадиган мутахассислар зарур.

Бундай мутахассисларни тайёрлашда савдо иқтисодиёти муаммолари бошқа иқтисодий фанлар билан бир қаторда катта аҳамиятга эга.

«Савдо иқтисодиёти муаммолари» иқтисодий фанлар тизимида алоҳида ўрин тутади. Иқтисодий фанлар бир қанча мустақил фанлардан иборатдир ва улар бир – бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, мураккаб тизимни ташкил қилади.

1.2. Савдо иқтисодиёти муаммолари курсининг предмети, мазмуни ва вазифалари

Объект лотинча «обжестум» сўзидан олинган бўлиб, ўзбекча нарса, буюм мазмунини билдиради. Фалсафада эса, объект сўзи биздан ташқарида ва бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган борлиқ, воқелик, моддий дунё, мавжудод мазмунида киши фаолияти, диққат-эътибори қаратилган ҳодиса, предмет ёки шахс маъносида ҳам ишлатилади. Оддий ҳаётда объект корхона, ташкилот, муассаса ёки бирор бир фаолият ўтказиладиган жой маъносида ишлатилади. Ҳар қандай фаннинг ўрганадиган, унинг мақсади қаратилган объекти мавжуд. Савдо иқтисодиёти муаммолари фанининг объекти нима ҳисобланади? Савдо деганда, бозор, магазин, ларёк, яъни савдо билан шуғулланадиган жой, бино кўз олдимизга келади. Лекин бинони, магазин ёки ларёкнинг жойлаштирилиши, қурилиши, архитектураси ва бошқа техникавий жиҳатлари объект сифатида ўрганадиган фанлар мавжуд.

Савдо иқтисодиёти муаммолари фанининг методологияси, унинг мақсади, диққат-эътибори савдо фаолиятида содир бўлаётган иқтисодий жараёнга қаратилади. Яъни савдода рўй бераётган иқтисодий реалликни ўрганишга қаратилади.

Биз юқорида келтирилган «Объект» сўзини фалсафий мазмунидан келиб чиқсак, Савдо иқтисодиёти муаммолари фанининг эътибори унда содир бўлаётган иқтисодий жараёнлар, яъни товарларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларчиларга етказишда рўй бераётган иқтисодий жараёнларга қаратилади.

Бу ерда товарларни ташиш, сақлаш, қадоқлаш каби технологик жараёнлар эмас, ушбу жараёнларни ва олди – сотди жараёнида рўй бераётган иқтисодий жараёнларни кўз олдимизга келтиришимиз лозим.

Предмет сўзининг мазмуни икки хил, биринчидан, нарса, моддий восита, ҳодиса сифатида, иккинчидан, хаёл, фикр қаратилган нарса, унинг мазмуни ёки фаолият қаратилган ҳодиса, жараён деб тушунилади.

Фан предметини аниқлашда биз сўзнинг иккинчи мазмунидан келиб чиқиб аниқлашимиз зарур.

Савдо иқтисодиёти муаммолари иқтисодиёти фани ўз объектида рўй бераётган реал иқтисодий жараёнлар, ҳодисаларни ўрганиб, уларнинг аҳамияти, ҳолати ва келажагини ёритиб, маълумот ёки хулосалар беришни ўрганиши зарур.

Ушбу фаннинг объекти бўлмиш савдо жараёнида рўй бераётган иқтисодий реаллик қандай, қачон ва нимада намоён бўлади, ҳозирги ҳолати ва келажакда қанақа натижа беради? – деган саволларга жавоб бериш учун фаннинг предметини, унда қўлланиладиган усулларни, мақсад ва вазифаларни назарий жиҳатдан асосли аниқлаб олишимиз зарур. Бунинг учун савдо фаолиятида намоланадиган иқтисодий жараёнлар, (реаллик), ҳодисалар қандай воситалар орқали вужудга келишини аниқлаб олиши керак.

Умуман, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш (ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол) жараёнидаги фаолиятлар, жумладан, савдода ҳам содир бўлади.

Жамиятда такрор ишлаб чиқариш жараёни қуйидаги омиллар орқали ҳаракатда бўлади:

Биринчи омил – инсон омили, унинг меҳнати;

Иккинчи омил – меҳнат воситалари, яъни капитал;

Учинчи омил- табиий ресурслар, ер;

Тўртинчи омил - тадбиркорлик.

Бу омиллар орқали жамиятда инсон эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликлар яратилади, ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга етказилади, истеъмол ташкил этилади. Бу жараёнда «ер – меҳнат - капитал» тадбиркорлик орқали бирлаштирилади. Бу омилларни бирлашиши натижасида техник – технологик, илмий техник, ижтимоий – сиёсий, маданий – маънавий ва маърифий жараёнлар қаторида иқтисодий жараёнлар ва ҳодисалар ҳам рўй беради. Бу иқтисодий жараёнлар ва ҳодисалар жараён иштирокчиларининг (Давлат, тармоқ, соҳалар, жамиятлар,

бошқармалар, концернлар, корпорациялар, корхоналар ва х.к.)хўжалик механизмида ўз аксини топади.

Бундан келиб чиқсак, савдо иқтисодиёти муаммолари фани ўз объектида содир бўлаётган хўжалик механизмини ўрганишга қаратилган деб хулоса қилиш мумкин.

Бу масалани бизлар 4 мавзуда батафсил ўрганамиз.

Савдо иқтисодиёти муаммолари фанини ўрганиш тўғрисида гапирар эканмиз, албатта, унинг асосий вазифларини аниқлаб олишимиз керак.

Савдо иқтисодиёти муаммолари фанининг вазифалари қуйидаги асосий омиллардан келиб чиқади.

Биринчидан, савдонинг иқтисодиётда тўтган ўрнидан.

Савдони ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш, истеъмол жараёнининг қон-томирларига ўхшатиш мумкин. Савдо истеъмол товарларини истеъмолчиларга етказади, айирбошлашни таъминлайди. Савдонинг самарали ишлашидан бутун жамиятнинг ривожланиши, халқнинг моддий ва маънавий фаровонлиги, уларни эркин вақти, давлатнинг ташқи иқтисодий алоқаларини мустаҳкамланиши;

Иккинчидан, савдо фаолиятида рўй бераётган иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни доимий ўзгариб туриши, унга кўпгина омиллар таъсир қилиш натижасида шаклланади;

Учинчидан иқтисодий кадрларга қўйиладиган талаблардан (уларнинг касбий махорати, билимдонлиги, тадбиркорлиги, башорат қила билишлиги ва ҳоказолар) келиб чиқадиган омиллар. Келтирилган фазилатлар савдо иқтисодиёти муаммолари фанини ўрганишда шаклланиб боради.

Бу омиллардан келиб чиқиб, савдо иқтисодиёти муаммолари фанининг асосий вазифаларини қуйидагича ифодалаш мумкин.

Савдо иқтисодиёти муаммолари фанининг асосий вазифалари:

- иқтисодий ҳодисалар ва жараёнларни ўлчов бирликлари, кўрсаткичлари ва критериялари (баҳолаш мезонлари) аниқлаш усулларини ўрганиш;
- савдо хўжалик механизмини ўрганиш, баҳолаш, келажакка башорат қилиш;
- бўлажак иқтисодчи мутахассисларни савдо корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш, режалаштириш, келажагини башорат қилиш усуллари билан қуроллантириш;
- барча турдаги савдо корхоналарининг ривожланиш тенденциялари ва қонуниятларини аниқлаш, таклифлар бериш;

- савдо корхоналарида бирлаштирилган омиллардан (ер, капитал, меҳнат, тадбиркорлик) самарали фойдаланиш йўлларини ўргилаш.

1.3. Савдо иқтисодиёти муаммолари курсининг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлиги

Инсоният тараққиёти фаннинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, фан инсоният жамияти тараққиётини таъминлаган.

Фан жуда мураккаб, кўп қиррали, кўп хил ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги билимлар тизими сифатида намоён бўлган. Шу билан бир қаторда ижтимоий онг сифатида ҳам қаралиши зарур.

Билимлар йиғиндиси (тизими) ва ижтимоий онг сифатида фан инсоният жамиятининг ривожланишини маълум бир босқичда шакллана бошлаган.

Милоддан аввалги II мингинчи йилнинг охири ва I минг йилликни бошларида Вавилонда далаларни ўлчашда, ирригацион қурилмалар ва биноларни қуришда математика ва геометрия кенг қўлланганлари тарихий манбаларда келтирилган. Бизда ҳозир қўлланилаётган 1 соатнинг 60 минутлиги, 1 минутнинг 60 секундлиги, айланманинг 360 градуслиги ўша даврларда ўйлаб топилган ва амалда қўлланилаган. Шибу даврдан тиббиёт (медицина), кимё (химия), зоология, ботаника, биология, грамматика, тарихшунослик шакллана бошлаган.

Бу даврда фан ягона бўлган, ҳаммаси фалсафа деб ҳисобланган. Масалан: Грецияда милоддан аввалги VIII-VII асрларда табиатни кузатувчилар ва амалий кўникма эга бўлган шахслар файласуф деб ҳисобланган.

Буюк файласуф (философ), астроном, геометриянинг асосчиси ***Пифагор*** *милоддан аввалги V-IV асрларда яшаб ўтган.*

VI асрнинг иккинчи ярмида Жанубий Италиянинг Элеи шаҳрида материалистик фалсафа мактаби яратилиб, у "Элеи мактаби" деб номланиб шарқ ва гарбга машхур бўлган.

Фаннинг вужудга келиш даврини ибтидоий жамиятнинг шаклланиши ва ривожланиши шароитида инсон фикрлаш қобилиятининг вужудга келиши, меҳнат қуролларини ясашни ва маданий воситаларни (қояларга расмлар чизиш) яратишни бошлаган даврдан ахтариш керак деб ҳисоблаймиз.

Тарихий тадқиқотлар шундан далолат беради, ибтидоий одамларнинг фикр юритиши асосида меҳнат қуролларини яратиш ва диний дунё қарашлари "Юқори палеолит" асридан пайдо бўла

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
50022

бошлаган. Бу аср тарихий манбаларга қараганда эрамиздан олдинги XV ва XIV минг йилликларга тўғри келади.

Милоддан аввалги VI-IV асрларда фалсафа нафақат бошқа фанлар билан тиғиз боғлиқ бўлган, айтиш мумкинки у уларни ўз ичига олган.

Милоддан аввалги III – асрга келиб фалсафадан махсус фанлар ажралиб чиқиб, алоҳида ва тез ривожлана бошлаган.

Милоддан аввалги V-IV асрларда "Тубсиз кичик миқдорлар" назариясини ***Анаксагар*** *(милоддан аввалги 500-429 йиллар) илгари сурган. У* ***Демокрит****(милоддан аввалги 460-370 йиллар) ва* ***Эвдокс Книдский*** *(милоддан аввалги 408-355) асарларида ўз аксини топиб, амалда геометрияда ва, айниқса, стереометрияда (шар ҳажмини ўлчаш, конус ва ҳ.к.) ишлатилган.*

Ксенофонт *(милоддан аввалги 430-353 йиллар) ўз асарларида тарихий, сиёсий, иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар тўғрисида ёзган.* ***Ксенофонт*** *иқтисодиёт фанига асос солган.*

Ўзининг кўп қиррали илми билан ***Эратосфен*** *қойил қолдиради (милоддан аввалги 276-193 йиллар). У математика, физика, география, тарих, филология ва хронология фанларини мукаммал билган. У ерни думалоқ шар сифатида ифодалаб, Александрия (Искандария) да куннинг ботишида офтобнинг ердан четланишини кузатиб, ер шарининг узунлигини 39700 км деб ҳисоблаган, ҳақиқатда эса ер шарининг ўзунлиги 40000км дир.*

Юқорида келтирилганлар қаторига дунёга машҳур бўлган қуйидаги олимларни келтириш мумкин. Файласуф олим ***Гераклит*** *(милоддан аввалги VI-аср охирида); Афиналик астроном* ***Метан*** *(милоддан аввалги V-асрнинг II-ярми), у грекларни ой календари кун календари билан солиштириб йил давомини 365 кун эканлигини аниқлаган. Уни тузган календари ҳозирги ишлатилаётган Юлиан календаригача ишлатилган. Буюк тиббиётчи* ***Гиппократ*** *(милоддан аввалги V-IV аср)файласуф, файласуф* ***Сакрот*** *(милоддан аввалги 496-369 йиллар),* ***Платон*** *(милоддан аввалги 429-347 йиллар) Академия деб номланган фалсафий мактабни асосчиси,* ***Аристотель*** *(милоддан аввалги 384-322)* ***иқтисодиёт фанини отаси*** *деб ҳисобланади.*

Қулдорчилик фармацияси даврида фан ягона бўлган ва бўлинмаган. Фалсафа деб юритилган. Ижтимоий меҳнат тақсимоти таъсири остида жамият тармоқлар, соҳаларга ажралгани каби фан ҳам ҳар хил турларга бўлиниб келган, такомиллашган, тармоқлашган, интеграциялашган ва ривожланиб келмоқда.

Умуман фанлар тизими жамиятнинг таркибини намоён қилади. Барча фанлар иккита катта гуруҳга ажратилади. Табиий-техник фанлар ва ижтимоий фанлар.

Бу фанларнинг бир – бири билан боғлиқлиги мавжуд. Фанларнинг бир – бири билан боғлиқлиги уларнинг усулларидан, объектларидан, субъектларидан ва ниҳоят бир – бирини маҳсулидан фойдаланишдан келиб чиқади. Чунки табиий ва техник фанлар ҳам, ижтимоий фанлар ҳам ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларини ўрганиш билан чамбарчас боғлиқдир.



1.3.1-чизма. **Иқтисодий фанлар тизими**

Ижтимоий фанларнинг назарий ва методологик асосини фалсафа ташкил қилади. Ижтимоий фанлар тизимида иқтисодий фанлар алоҳида ўринга эга. Иқтисодий фанлар бир қанча мустақил фанлардан иборатдир ва улар бир – бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, мураккаб тизимни ташкил қилади.

1.3.1-чизмада иқтисодий фанлар тизими келтирилган. Чизмада келтирилган фанлардан ташқари айрим соҳалар, иқтисодий жараёнларга оид бошқа иқтисодий фанлар ҳам мавжуддир.

Барча иқтисодий фанлар бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқликда бўлиб, ҳар бирини жамият иқтисодиётини ривожлантириш ва такомиллаштиришда ўзига хос аҳамияти бор.

Объект лотинча «обжестум» сўзидан олинган бўлиб, ўзбекча нарса, буюм мазмунини билдиради. Фалсафада эса, объект сўзи биздан ташқарида ва бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган борлиқ, воқелик, моддий дунё, мавжудод мазмунида киши фаолияти, диққат эътибори қаратилган ҳодиса, предмет ёки шахс маъносида ҳам ишлатилади.

Оддий ҳаётда объект корхона, ташкилот, муассаса ёки бирор бир фаолият ўтказиладиган жой маъносида ишлатилади.

Ҳар қандай фаннинг ўрганадиган, унинг мақсади қаратилган объекти мавжуд.

Савдо иқтисодиёти муаммолари фанининг объекти нима ҳисобланади? Савдо деганда, бозор, магазин, ларёк, яъни савдо билан шуғулланадиган жой, бино кўз олдимизга келади. Лекин бинони, магазин ёки ларёкнинг жойлаштирилиши, қурилиши, архитектураси ва бошқа техникавий жиҳатлари объект сифатида ўрганадиган фанлар мавжуд.

Савдо иқтисодиёти муаммолари фанининг методологияси, унинг мақсади, диққат-эътибори савдо фаолиятида содир бўлаётган иқтисодий жараёнга қаратилади. Яъни савдода рўй бераётган иқтисодий реалликни ўрганишга қаратилади.

Биз юқорида келтирилган «Объект» сўзини фалсафий мазмунидан келиб чиқсак, савдо иқтисодиёти муаммолари фанининг эътибори унда содир бўлаётган иқтисодий жараёнлар, яъни товарларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларчиларга етказишда рўй бераётган иқтисодий жараёнларга қаратилади.

Бу ерда товарларни ташиш, сақлаш, қадоқлаш каби технологик жараёнлар эмас, ушбу жараёнларни ва олди – сотди жараёнида рўй бераётган иқтисодий жараёнларни кўз олдимизга келтиришимиз зарур.

Предмет сўзининг мазмуни икки хил, биринчидан, нарса, моддий восита, ҳодиса сифатида, иккинчидан, хаёл, фикр қаратилган нарса, унинг мазмуни ёки фаолият қаратилган ҳодиса, жараён деб тушунилади. Фан предметини аниқлашда биз сўзнинг иккинчи мазмунидан келиб чиқиб аниқлашимиз зарур.

Савдо иқтисодиёти муаммолари фани ўз объектида рўй бораётган реал иқтисодий жараёнлар, ҳодисаларни ўрганиб, уларнинг аҳамияти, ҳолати ва келажагини ёритиб, маълумот ёки хулосалар беришни ўрганиши зарур.

Ушбу фаннинг объекти бўлмиш савдо жараёнида рўй бераётган иқтисодий реаллик қандай, қачон ва нимада намоён бўлади, ҳозирги ҳолати ва келажакда қанақа натижа беради? – деган саволларга жавоб бериш учун фаннинг предметини, унда қўлланиладиган усулларни, мақсад ва вазифаларни назарий жиҳатдан асосли аниқлаб олишимиз зарур.

Бунинг учун савдо фаолиятида шаклланадиган иқтисодий жараёнлар, (реаллик), ҳодисалар қандай воситалар орқали вужудга келишини аниқлаб олиши керак.

Умуман, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш (ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол) жараёнидаги фаолият юз жумладан, савдода ҳам содир бўлади.

Жамиятда такрор ишлаб чиқариш жараёни қуйидаги омиллар орқали ҳаракатда бўлади:

Биринчи омил – инсон омили, унинг меҳнати;

Иккинчи омил – меҳнат воситалари, яъни капитал;

Учинчи омил- табиий ресурслар, ер;

Тўртинчи омил - тадбиркорлик.

Бу омиллар орқали жамиятда инсон эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликлар яратилади, ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга етказилади, истеъмол ташкил этилади.

Бу жараёнда «ер – меҳнат - капитал» тадбиркорлик орқали бирлаштирилади.

Бу омилларни бирлашиши натижасида техник – технологик, илмий техник, ижтимоий – сиёсий, маданий – маънавий ва маърифий жараёнлар қаторида иқтисодий жараёнлар ва ҳодисалар ҳам рўй беради.

Бу иқтисодий жараёнлар ва ҳодисалар жараён иштирокчиларининг (Давлат, тармоқ, соҳалар, жамиятлар, бошқармалар, концернлар, корпорациялар, корхоналар ва ҳ.к.) хўжалик механизмида ўз аксини топади. Бундан келиб чиқсак, савдо иқтисодиёти муаммолари фани ўз объектида содир бўлаётган хўжалик механизмини ўрганишга қаратилган деб хулоса қилиш мумкин.

Бу масалани бизлар 4-маърузада батафсил ўрганамиз.

Савдо иқтисодиёти муаммолари фанини ўрганиш тўғрисида гапирар эканмиз, албатта, унинг асосий вазифларини аниқлаб олишимиз керак. Савдо иқтисодиёти муаммолари фанининг вазифалари қуйидаги асосий омиллардан келиб чиқади.

Биринчидан, савдонинг иқтисодиётда тўтган ўрнидан.

Савдони ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш, истеъмол жараёнининг қон-томирларига ўхшатиш мумкин. Савдо истеъмол товарларини истеъмолчиларга етказади, айирбошлашни таъминлайди. Савдонинг самарали ишлашидан бутун жамиятнинг ривожланиши, халқнинг моддий ва маънавий фаровонлиги, уларни эркин вақти, давлатнинг ташқи иқтисодий алоқаларини мустаҳкамланиши;

Иккинчидан, савдо фаолиятида рўй бераётган иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни доимий ўзгариб туриши, унга кўпгина омиллар таъсир қилиш натижасида шаклланади;

Учинчидан иқтисодий кадрларга қўйиладиган талаблардан (уларнинг касбий махорати, билимдонлиги, тадбиркорлиги, башорат қила билишлиги ва ҳоказолар) келиб чиқадиган омиллар. Келтирилган фазилатлар савдо иқтисодиёти муаммолари фанини ўрганишда шаклланиб боради.

Бу омиллардан келиб чиқиб, савдо иқтисодиёти муаммолари фанининг асосий вазифаларини қуйидагича ифодалаш мумкин.

Савдо иқтисодиёти муаммолари фанининг асосий вазифалари:

- иқтисодий ҳодисалар ва жараёнларни ўлчов бирликлари, кўрсаткичлари ва критериялари (баҳолаш мезонлари) аниқлаш усулларини ўрганиш;
- савдо хўжалик механизмини ўрганиш, баҳолаш, келажакка башорат қилиш;
- бўлажак иқтисодчи мутахассисларни савдо корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш, режалаштириш, келажагини башорат қилиш усуллари билан қуроллантириш;
- барча турдаги савдо корхоналарининг ривожланиш тенденциялари ва қонуниятларини аниқлаш, таклифлар бериш;
- савдо корхоналарида бирлаштирилган омиллардан (ер, кАпитал, мехнат, тадбиркорлик) самарали фойдаланиш йўлларни белгилаш.

1.4. Савдо иқтисодиёти муаммолари курсининг усуллари

Ҳар қандай илмий фан ўрганадиган предметдан келиб чиқиб, ўз усулларини (методларини) яратган. Метод грекча «методос» сўзи-

дан олинган бўлиб, тўғридан тўғри «Бирон нарсага йўл топиш» маъносини билдиради. ўзбек тилида метод сўзи усул маъносига тўғри келади.

Фан усули (методи) деганда табиат ва жамиятда содир бўлаётган ҳодисалар ва жараёнларни билиш, ўрганиш ва тадқиқ қилиш учун фанда қўлланиладиган воситалар мажмуаси тушунилади. Усул – бизнинг фикримизча, жамият сирларини объектив фикрлаш, назарий мушоҳада қилиш ва амалиётга жорий этиш воситалари сифатида қаралиши мумкун.

Усул, фалсафий маънода қаралса, фан ўрганадиган предметни инсон фикрида нусхаланиши ёки шаклланишини билдириб, уларни ўрганиш қуроли сифатида қаралади.

Онгли равишда, илмий асосланган фан усулларини қўллаш, ҳар бир фан учун янгиликлар яратиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Қадимги ислом дунёсида олимлар табиат ва жамиятни ривожланишини, тафаккурни такомиллаштиришни ўрганишда «Ривожланиш-шаклланиш» назариясини ишлатишган. Ушбу назария асосида фикр юритишни «Оллоҳ-инсон-модда-вақт-иқтисодий равнақ» усули ишлатилган. Шу билан бирга, билиш жараёнинг ривожланиши асосида илмий фикр юритишнинг умумий усуллари ҳам яратилган. Улар қаторига деалектика, индукция, дедукция, анализ ва синтез кабилар киради.

Келтирилган усулларни қисқача мазмунини ёритиб ўтамиз.

Боболаримиз ишлатган «Ривожланиш - шаклланиш» назарияси, Оллоҳнинг яратувчанлиги, унинг бирламчилигини асослаб, кейин инсон – модда – вақт – иқтисодий равнақка қараб ривожланиш амалга оширишни асослайдиган фикр юритиш усулидир.

Диалектика-грекча «диаиектике» сўзидан келиб чиқиб, табиат, жамият ва тафаккурнинг умумий қонунларини ўрганиш усули сифатида вужудга келган.

Қадимий фалсафа табиатда ва жамиятда бутун борлиқ ўзгарувчанлигини асослаган, ҳодисалар, жараёнларнинг бир ҳолатдан иккинчи қарама-қарши ҳолатга ўтишини исботлаган. Аристотель диалектикани эҳтимол фикрларни исботлаш тўғрисидаги фан деб қараган. Бутун борлиқ, мавжудодни ҳар бири ҳам бор, ҳам йўқ; ўзи ўзига тенг ва тенг эмас; ўзига ўхшайди ва ўзидан қарама-қарши ҳолатга ўтади. Шунинг учун ҳам борлиқ тўла қарама-қаршиликдан иборат, ягона ва кўп; мангу ва ўтувчан; ўзгармас ва ўргарувчан; тинч ҳолатда ва ҳаракатда; ўзига ўхшайди ва ўзидан қарама – қарши ҳолатга ўтади. Бу жараёнларни ўрганиш усули сифатида деалектика вужудга келган.

Диалектика – оддий мушоҳададан абстракт фикрлаш, ундан амалиётга ўтишни билдиради.

Аслида, тарихда диалектика – тортишув ўтказиш қобилияти, яъни савол – жавоб орқали тортишув ўтказиш қобилияти ҳамда нарсалар, тушунчаларни шакллар ва турларга таснифлаш маҳорати деб тушунилган. Шундай қилиб фалсафанинг табиат, жамият ва тафаккурни ўрганиш усулига диалектика деб тушунилади.

Иқтисодий реаллик ҳам бутун жамиятдаги борлиқнинг бир қисмидир.

Шунинг учун, иқтисодий реалликда содир бўлаётган ҳодисалар ва жараёнларни ўрганишда барча иқтисодий фанлар, шу жумладан, савдо иқтисодиёти муаммолари фани ҳам диалектика усулидан кенг фойдаланади.

Индукция лотинча «индуктио» сўзидан олинган бўлиб, хабар олиш маъносини билдиради. Фикр юритишнинг бир тури бўлиб, тадқиқ қилиш усулидир. Умуман, индукция тадқиқот қилишда, хулосаларни асослашда хусусий миқдордан, айрим воқеликдан умумийликка ўтиш усулидир. Иқтисодий жараёнларнинг таҳлил қилишда умумий назорат билимга эга бўлиш учун унинг алоҳида томонлари, эмперик асослари ўрганилиб, хулоса қилинади.

Дедукция лотинча «дедукстио» сўзидан олиниб сўзма – сўз «чиқариш» маъносини билдиради. Дедукция ҳам индукция каби фикр юритишни бир тури ва тадқиқ қилиш усули бўлиб, индукция усулининг тескарисини англатади. Дедукция усули ишлатилганда умумийликдан хусусийликка қараб фикр юритилади ва тадқиқот олиб борилади.

Индукция ва дедукция мантиқий фикр юритишга асосланган. Иқтисодий тадқиқотлар ўтказилишидан айрим белгиларни таҳлил қилиб, унинг асосида умумий жараёнга баҳо бериш ёки унинг тескари ҳоллари юз беришига кўп тўқнашамиз.

Анализ ва синтез грекча «аналйсис» ва «сйнтесис» сўзидан олинган бўлиб анализ – бўлиш ва ажратиш, синтез – мувофиқлик, муносиблик маъносини билдиради. Анализ ва синтез тадқиқот усули бўлиб, умумий мазмуни яхлитликни алоҳида таркибий бўлимларга (хусусийликка) ажратиш ва яхлитликни алоҳида таркибий бўлимлардан умумийликни яратиш жараёни тушунилади. Булар ҳам тадқиқотни мантиқий усулларидандир. Иқтисодий амалиётда бу усуллардан кенг фойдаланилади. Бунга асос бўлиб, «Иқтисодий таҳлил назарияси», «Хўжалик фаолиятининг иқтисодий таҳлили» деган фанларнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Савдо иқтисодиёти муаммолари илмий фан сифатида юқорида келтирилган фалсафанинг усулларидан ва бошқа фанларда ишлатиладиган кўп арсеналли усул ва услубларни ўз предметини ўрганишда ишлатади. Улар қаторига солиштириш, гуруҳлаш, индекс, занжирли боғлаш, балансли боғлаш, графиклар, иқтисодий математик ва бошқаларини киритиш мумкин. Табиий йўналтирилиши бўйича бу усул ва услублар иқтисодий жараён ва ҳодисаларни таҳлил қилиш, илмий тадқиқот ўтказиш, прогнозлаш режалаштириш қуроллари сифатида ишлатилади. Бир қатор аломатлари бўйича бу усуллар сон ва сифат таҳлили, солиштириш, кузатиш, экспремент ўтказиш, системали таҳлил, моделлаштириш, экстрополяция, интерполяция кабиларга бўлинади. Шулар билан бир қаторда, статистик, математик, башорат (гипотеза), монографик, эксперт усуллари кенг ишлатилади.

Таянч иборалар: *жамият, иқтисодиёт, фан, иқтисодий фанлар, моддий борлиқ, объект, предмет, иқтисодий ўсиш, савдо, савдо иқтисодиёти, савдо иқтисодиёти муаммолари, усул, вазифа.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Моддий борлиқ нима, улар қандай турларга бўлинади?
2. Инсоният ҳаётда қандай муаммоларга дуч келади?
3. Фан нима?
4. Иқтисодиёт сўзининг мазмунини ёритиб беринг?
5. Иқтисодиёт фанлари тизимига қандай фанлар киради?
6. Савдо иқтисодиёти муаммолари фанининг объекти нима?
7. Савдо иқтисодиёти муаммолари фанининг предмети нима?
8. Савдо иқтисодиёти муаммолари фани қандай усуларни ишлатади?

II боб. САВДО СОҲАСИ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ТИЗИМИДА

2.1. Товар муомаласи соҳасининг моҳияти

2.2. Бозор муносабатлари тушунчаси, қонунлари ва қоидалари

2.3. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

2.4. Бозор муносабатлари шароитида савдонинг моҳияти, аҳамияти, функциялари, вазифалари, ривожланиш босқичлари

* * *

2.1. Товар муомаласи соҳасининг моҳияти

Инсоният тараққиётининг негизини ижтимоий меҳнат тақсимоти белгилайди. Ижтимоий меҳнат тақсимоти инсоннинг яшаш эҳтиёжидан келиб чиқади.

Ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида товар ишлаб чиқариш билан бир қаторда товар айирбошлаш вужудга келган. Товар ишлаб чиқариш инсониятни тараққиёт тарихи билан чамбарчас боғлиқ.

Товар айирбошлашни объекти ишлаб чиқариш учун ва инсонлар эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлган моддий бойлик бўлиб ҳисобланади. Маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчига етказиш моддий ва иқтисодий мазмунга асосланганлиги сабабли товар алмашуви жараёни 2 хил шартга жавоб бериши шарт:

биринчидан, инсонни қандайдир эҳтиёжини қондира билиши (сифат нуқтаи назаридан шаклан ва мазмунан ҳар хил бўлиши мумкин);

иккинчидан, алмашув объекти бошқа объектга эквивалент бўлиши, яъни иқтисодий нуқтаи назардан, тенг бўлиши керак.

Мана шу хусусиятлар натижасида хўжалик маҳсулотлари бир – бири билан солиштирилади. Ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёж қондирилади. Улар кераклиги (зарурлиги) натижасида бошқа маҳсулотлар билан айирбошланади, уларни солиштириш имконияти вужудга келади, «Т-Т» шаклида.

Ҳар қандай маҳсулот инсонга зарур бўлганлиги сабабли ишлаб чиқарилади. Истеъмол қучига эга бўлиши керак. Шу сабабли бошқа маҳсулот билан алмаштирилиши мумкин бўлади.

Ушбулардан келиб чиқиб, товар – меҳнат маҳсулоти бўлиб, ўз эҳтиёжи учун эмас, сотиш учун ишлаб чиқарилган, инсониятни бирон бир эҳтиёжини қондирадиган маҳсулотдир. У истеъмол қийматига ва қийматга эга бўлади.

Бошланғич даврда оддий товар айирбошлаш (Т-Т) амалда ишлатилган.

Ижтимоий меҳнат тақсимотини ривожланиши натижасида фақат айирбошлаш, яъни сотиш учун ишлаб чиқариш шаклланиб, товар айирбошлаш учун умумий бўлган эквивалент – пул вужудга келган. Пулни вужудга келиши натижасида оддий товар айирбошлаш (Т-Т) товар – пул муомаласига (Т- П -Т) айланади ва товар – пул муомаласи вужудга келган.

Товар – пул муомаласи, бу ишлаб чиқарувчилар орасидаги ва ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги ижтимоий – иқтисодий муносабатдир.

Тараққиёт натижасида айирбошлаш доимий ижтимоий жараёнга айланган (Т –П – Т; П – Т – П...).

Оддий товар айирбошлашда (Т-Т) олди – сотди жараёни ажралмас бўлган, кейинчалик пул вужудга келиши билан бу жараён замон ва маконда ажралди, яъни бу жараён Т–П; П –Т; П –Т – П; Т – П – Т; П –П кабиларга бўлинади.

Товар ишлаб чиқариш жараёни, ишлаб чиқариш – истеъмол жараёнидан такрор ишлаб чиқариш жараёнига айланиб, ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол фазалари вужудга келган.

Шундай қилиб, айирбошлаш жараёнини қуйидагича ифодалаш мумкин.

Т - Т – Т
П – Т – П
П –Т – П' ёки П – Т – П + и

Ишчи кучи
П – Т ——————— ИЧ – Т' – П'
Меҳнат воситалари

Бу ерда: **ИЧ** – ишлаб чиқариш
« » - яратилган қўшимча қиймат

Товар айирбошлашни ривожланишининг тарихий эволюцияси натижасида айирбошлаш жараёнида хўжалик алоқалари ва ижтимоий муносабатларнинг мураккаб мажмуи вужудга келиб, уларнинг элементлари ҳаракат жараёнида ўзларига мансуб махсус функциялар бажара бошлайди.

Айирбошлаш - бу инсонлар ўртасида уларнинг фаолиятлари билан ўзаро алмашуви ёки меҳнат маҳсулини ўзаро алмашуви жараёнидир.

Бу жараён ишлаб чиқариш ва унинг асосида шаклланган тақсимот бир томондан ва иккинчи томондан истеъмол ўртасида амалга оширилади.

Бозор муносабатлари шароитида ҳамма нарса айирбошлаш билан боғлиқ бўлади, ҳамма нарса сотилади ва сотиб олинади.

Айирбошлаш жараёнида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва унга сарфланган харажатлар ижтимоий тан олинади, ишлаб чиқаришни такрорлашга моддий шароит яратилади, инсоният эҳтиёжи қондирилади, шахсни ривож топишига шарт – шароит яратилади, ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга кўмаклашади, яъни имкон яратади, такрор ишлаб чиқариш жараёнини доимий, динамик жараёнда ҳаракат қилишини таъминлайди ва ҳ.к. Айирбошлаш бошланғич даврларда ҳудудий бозорлар доирасида чегараланган бўлса, ижтимоий меҳнат тақсимоти ривожланиши ва товар – пул муомаласини кенгайиши натижасида айирбошлаш ҳудудий чегарадан чиқиб жаҳон бозорини вужудга келтирди. Натижада ижтимоий иқтисодий муносабатлар кенгаймоқда, ер юзида рўй бераётган тараққиёт амалга ошмоқда ва ҳ.к. Товар – пул муомаласи ва айирбошлаш негизида бозор вужудга келган.

2.2. Бозор муносабатлари тушунчаси, қонунлари ва қоидалари

Товар айирбошлаш жараёни бозорда амалга оширилади. Бозор эса ўз вақтида бозор иқтисодиётининг асосий субъектларидан бири ҳисобланади. Бозорда икки хил категориядаги субъект учрашади, бири сотиш ниятида бозорга таклиф билан чиқади, иккинчиси сотиб олиш ниятида бозорга талаб билан чиқади.

Бозорда сотиб олувчи (талаб) ва сотувчи (таклиф) ўртасидаги иқтисодий муносабат рўёбга чиқади.

Бозор деганда оддий тилда олди – сотди жараёни амалга ошириладиган жой тушунилади.

«Бозор» деса бизларни кўз олдимизга қайнаб ётган деҳқон ёки чайқов бозори келади. Лекин бу тариф ҳақиқий бозорни тўла англатмайди.

Илмий, ижтимоий – иқтисодий нуқтаи назардан илмий асарларда, ўқув ва оммабоп адабиётларда бозор тўғрисида ҳар хил тушунчалар мавжуд.

П.Самуэльсоннинг «Экономика» асарида бозорни – «... бозорлар жамиятни ва савдо ишлаб чиқариш фаолиятини боғловчи механизм сифатида намоён бўлади», деб таърифлайди[1].

Ф.Котлер бозорни «Мавжуд ва потенциал товар сотиб олувчилар мажмуаси», деб таърифлайди[2].

К.Р.Макконел ва С.Л.Брюлар бозорни маҳсулот ва хизматни сотувчи ва сотиб олувчиларни қўшувчи механизм деб аташади[3].

А.С.Усманов бозорга шундай таъриф беради: «Бозор тушунчаси кенг маънода – бу товар айирбошлаш соҳаси деб, товар айирбошлаш бор экан, бозор ҳам мавжуд»[4] дейди.

Н.Тўхлиевни фикрича, «Бозор товар ишлаб чиқариш қонунлари асосида ташкил қилинган айирбошлаш, товар ва пул муомаласи муносабатларининг йиғиндиси, ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги муҳим боғловчи бўғиндир».[5]

А.Солиев ва А.Усмоновлар бозорга қуйидагича таъриф беради: «бозор ўзига хос ижтимоий-иқтисодий муносабатлар жараёни бўлиб, унда товарлар ва хизматлар айирбошланади ва ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар манфаатлари тўқнашади ва бир бири билан келишади».[6]

Э.Сариқов ва Э.Маматовлар «Энг яхшиси бозорни ҳаридорлар ва сотувчиларга нархларни айирбошлашга имконият берадиган тизимдир, деб таърифласак бўлади», деб таъкидлайдилар.[7]

Бозорга берилган бундай бир – биридан фарқланадиган тарифларни кўплаб мисолни келтириш мумкин.

Бозорни илмий, ижтимоий – иқтисодий нуқтаи назардан таърифларини бозорга таъриф бериш борасида чет эл ва республикамиз олимлари ўртасида ягона фикрга келмаганлигини таъкидлаб ўтиш билан мақсадимиз терминларни, таърифларни

---

[1] Самуэльсон П., «Экономика» Т., INAO, «АЛГОН» ВНИИСИ, 1992, с.36.
[2] Котлер Ф. «Основы маркетинга». М., Прогресс, 1990 с 54
[3] Макконелл К.р., Брю С. А. Экономикс. принципы, проблемы и политика. М., республика. 1992.т.1.с.77.
[4] Усманов А.С Научные основы регулируемых рыночных отношений. Ташкент: PLSHTLI «Ўчинформагпром». 1992.с.30.
[5] Тўхлиев Н. Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли. Тошкент: «Ўзбекистон»,1999. 13 б
[6] Солиев А., Усмонов А. Маркетинг., Тошкент, «Ўқитувчи». 1997.9 б.
[7] Сариқов Э, Маматов М. «Иқтисодиёт ва бизнес», Тошкент, «Шарқ». 1997 22 б.

тўғри аниқлашни илмий ва амалий аҳамияти катта эканлигини кўрсатиб ўтишдан иборатдир.

Илмий жиҳатдан бир хил нарсага ҳар хил тушунчалар, тарифлар бериш кўп ҳолларда нотўғри тасаввурга олиб келиши, натижада уни моҳиятини тўғри очиб беролмасликка олиб келиши мумкин.

Амалий нуқтаи назардан бу ҳол мутахассислар ўртасида ўзаро тушунишни қийинлашишига, ўқув адабиётларини яратишда тушунмовчиликларга олиб келиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Бизнинг фикримизча, бозор тушунчасини биринчидан, уни иқтисодиётнинг хўжалик субъекти нуқтаи назардан ва иккинчидан назарий, ижтимоий – иқтисодий нуқтаи назардан таърифлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бозор – бозор иқтисодиётининг хўжалик субъекти сифатида, ҳаридор ва сотувчилар тўқнаштирувчи ва келиштирувчи хўжалик объектидир (жой, корхона, фирма, биржа, савдо, хизмат шохобчалари ва ҳ.к.)

Назарий ва ижтимоий – иқтисодий нуқтаи назардан бозор тушунчасига алмашув жараёнида содир бўладиган, бозор муносабатлари қонун ва қоидаларидан келиб чиқадиган ижтимоий – иқтисодий муносабатлардан келиб чиқиш зарур.

Бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиётининг субъекти сифатида товар – пул муомаласига боғлиқ бўлган муносабатларни намоён бўлишини таминлайди. Бозорнинг моҳияти, барча хўжалик субъектлари (бозор субъектлари – уй, оила хўжалиги, ишлаб чиқариш, давлат), инсон ва жамиятдаги айирбошлаш муносабатларининг мажмуасини англатади.

Қисқа қилиб айтганда, бозор – бозор муносабатлари қонун ва қоидаларга асосланган айирбошлаш жараёнида ҳаридор ва сотувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимидир.

Бозорда–бутун жамиятдаги кўп қиррали иқтисодий муносабатлар, яъни ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол жараёнида вужудга келадиган, алоҳида принципларга асосланган муносабатлар намоён бўлади.

Кенгроқ маънода бозор – бу бозор муносабатлари қонун ва қоидаларига асосланган айирбошлаш яъни, олди – сотди жараёнидаги иқтисодий фаолиятнинг шакл ва турлари бўлиб, у ишлаб чиқарувчи, товар етказувчиларни (таклиф вакиллари) бир томондан ва истеъмолчилар, ҳаридорларни (талаб вакиллари) иккинчи томондан бирга тўқнаштириш ва келиштириш жараёнини таъминлайдиган бозор иқтисодиётининг субъектидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, аввал бозор муносабатлари тушунчаси, унинг қонунлари ва қоидаларига қисқача тўхталиб ўтамиз. Бозор муносабатлари инсоният тараққиётидаги иқтисодий тизимни бир модели бўлиб ҳисобланади. Масалан инсон тараққиётида кузатилган иқтисодий тизимларга, натурал хўжалик (ибтидо жамияти), феодал тизими, ҳарбий тизим, маъмурий тизим, (социализм), бозор иқтисодиётига асосланган тизимларни киритиш мумкин.

Ҳар қандай иқтисодий тизим ўзида шундай механизмни намоёнлаштирдики, унда табиий ресурслар, ишчи кучи, технология, тадбиркорлик ва бошқарув маҳоратлари мужассамлашган бўлиши керак.

Иқтисодий тизимнинг бош мақсади моддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш орқали инсоният эҳтиёжларини кўра билиш ва қондириш бўлиб ҳисобланади. Бу вазифани бажариш учун инсоният ўз тараққиётида энг самарали иқтисодий тизим моделини яратишга интилиб келган.

Ҳозирги кунда бутун жаҳон тан олган, энг самарали иқтисодий тизим модели – бу бозор муносабатлари модели ҳисобланади.

Бозор муносабатлари ҳар хил давлатларда уларнинг шарт – шароитларидан келиб чиқиб ҳар хил бўлиши мумкин. Шу сабабли бозор иқтисодиётини ҳар хил моделлари мавжуд.

Масалан: АҚШ, Япония, Швеция, Турция, Россия, Ўзбекистон ва ҳ.к.

Бозор муносабатлари – бу товар – пул муомаласи муносабатларига ва ўзининг қонун – қоидаларига асосланган ижтимоий – иқтисодий тизим моделидир.

Бозор муносабатлари ўзига хос қонун ва қоидаларга эгадир.

Бозор иқтисодиётига тааллуқли иқтисодий қонунлар тўғрисидаги иқтисодчи олимнинг фикрига тўхталиб ўтамиз.

Россия иқтисодчи олимлар жамоаси томонидан, профессор Б.А. Райзберк раҳбарлигида чоп этилган «Курс экономики» дарслигида (М. «ИНФАРМ», 1997. 74 -96 бетлар) иқтисодиётни қонуниятлари (қонунлари) тўғрисида фикр юритилиб қуйидагилар бозор иқтисодиётига мос қонунлар сифатида келтирган. Эҳтиёжни юксалиб бориши қонуни; ресурсларни чегараланганлиги қоидаси; ишлаб чиқариш имкониятлари чегараси ва алмаштирилган харажатларни ортиб бориш қонуни (бу ерда «алмаштирилган»деган сўз «вмененных» сўзини таржимаси сифатида муаллиф томонидан ишлатилмоқда ва бу ерда бир товарни ишлаб чиқаришни иккинчиси

билан алмаштиришга боғлиқ бўлган харажатлар назарда тутилмокда); даромадларни камайиб бориш қонуни; доирадаги (чегарали) фойдалиликни камайиб бориши қонуни; фойдалиликни максималлаштириш қоидаси (бу ерда «Фойдалилик» маҳсулот (товар ёки хизмат) ни инсон эҳтиёжини қондира олиш салоҳияти (қобилияти) назарда тутилади); талаб қонуни; таклиф қонуни; пул муомаласи қонуни; Энгел қонуни – шахсий истеъмол таркибини даромадга боғлиқлиги.

А.Ўлмасов ва Н.Тўхлиевлар «Бозор иқтисодиёти» луғат – маълумотномада (Тошкент. қомуслар бош таҳририяти. 1991) бозор муносабатлари қонунларига талаб ва таклиф қонуни ва пул муомаласи қонунини киритиш билан чегараланган.

А.Ўлмасов ва А.Ваҳобовларнинг «Иқтисодиёт назарияси» Олий ўқув юртлари учун дарслиги (Тошкент. «Шарқ», 2006) қонунларини умумиқтисодий ва айрим иқтисодий тизимларга хос махсус қонунларга ажратилиб, биринчисига – меҳнат тақсимоти, жамғариш, меҳнат унумдорлигини ошиб бориши, эҳтиёжларнинг юксалиш қонунлари, иккинчи типига – талаб қонуни, таклиф қонуни, меъёрий нафлик қонуни, рақобат қонунлари келтирилади. Иккинчи типдаги қонунлар бозор иқтисодиётига мос қонунлар деб таъкидланади.

Ш.Шодмонов, Р.Алимов ва Т.Жўраевларнинг «Иқтисодиёт назарияси» дарслигида (Тошкент. «Молия». 2002, 276.) Иқтисодий қонунларни 3 гуруҳга бўлиб, уларга:

Умумий иқтисодий қонунлар – вақтни тежаш қонуни; эҳтиёжларни тез ўсиб бориш қонуни; такрор ишлаб чиқариш қонуни; ишлаб чиқариш муносабатларини ишлаб чиқарувчи кучлар хусусияти ва ривожланиш даражасига мос келиши қонуни ва бошқалар:

Хусусий ёки даврий иқтисодий қонунлар - талаб қонуни; таклиф қонуни; қиймат қонуни;

Махсус ўзига хос иқтисодий қонунга - қўшимча қиймат қонуни киритилган.

Бу ерда биз иқтисодий қонунлар тўғрисида мунозара ва мулоҳазалар қилмаймиз, бу бизнинг мақсадга кирмайди.

Бу қонунлар ва уларни олимлар томонидан талқинини маълумот учун келтирмокдамиз. Бизнинг фикримизча, бу масала аллақанча чигал ва мунозарали масала бўлиб, иқтисодчи олимлар томонидан чуқур ўрганишни, тадқиқот қилишни талаб қилади.

Энди бозор иқтисодиётининг қоидаларига тўхталиб ўтамиз.

Бозор иқтисодиётининг қоидаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

I. Бизнесни, тадбиркорлик фаолиятини иқтисодий, хўжалик эркинлиги (шахсни, оилани, социал гуруҳни)

Бу эркинлик фаолиятни, ҳаётни барча қирраларига тегишли бўлиб уларга ўз хоҳиши билан ижтимоий ҳаётга иштирок этишини билдиради.

Бу қоида кишиларга бир томондан мулкчилик, иккинчи томондан тадбиркорликни конкрет хаётда амалга ошириш имкониятини беради.

Бозор иқтисодиётида эркинлик деганини абсалют эркинлик деб тушунмаслик керак. Эркинлик ҳар қандай иқтисодий тизимда, энг аввало, қонунлар, қоидалар, иқтисодий дастаклар орқали чегараланган. Шу сабабли бозор иқтисодиётининг иккинчи қоидаси:

II. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш

Лекин бозорни ўзи эмас бозор иқтисодиёти, бозор муносабатлари тартибга солиниб турилади.

Бозор эркинлиги доимо иқтисодий жавобгарлик ва тадбиркорлик, таваккалчилик билан боғликдир.Бозор иқтисодиётини тартибга солиш иқтисодий дастаклар орқали яъни солиқ, молия, кредит, банк тизими, юридик қонунлар, баҳони чегаралаш, монополияни чегаралаш ҳисоботлар (бухгалтерия, статистика, тезкор) ва бошқалар орқали амалга оширилади.

Бозор муносабатлари ишлаб чиқариш баланс истеъмол ўртасидаги муносабатда истеъмол приматини, уни юқори туришини белгилайди. ҳамма истеъмолчини талабини қондириш учун (ишлайди) фаолият кўрсатади. Шу сабабли учинчи қоида:

III. Истеъмол примати.

Юқоридагилар билан бир қаторда бозор иқтисодиётида қуйидаги қоидалар ҳам амал қилади:

IV. Бозор шароитида баҳони шаклланиши.

V. Муомалани шартнома (контракт) асосида бўлиши.

VI. Молия ва пул муомаласи таъсири остида ишлаш.

VII. Иқтисодиётни очиқлиги. Тадбиркорлик ва ташқи алоқаларга ҳам тегишли, албатта, чегараланган ҳолда.

VIII. Рақобат. Бозор иқтисодиёти рақобатсиз бўлмайди.

IX. Бозор муносабатлари иқтисоднётнинг барча қирраларига, бутун регионига тегишлидир. Бозор муносабатлари умумийдир.

Юқорида келтирилган қоидалардан келиб чиқиб бозор иқтисодиётини тўла ва сифатли шаклланиши учун зарурий шароитлар бўлиши керак. Қандай шароитлар?

I. Мулк муносабатларини ривожланишини (кўп мулкчиликни шаклланиши), уларни тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, ишлаб чиқарувчиларни нисбий иқтисодий мустақиллигига эришиши, улар мулкига ишлаб чиқариш воситаларига меҳнатининг натижасида эга бўлишлигини таъминлаши зарур.

II. Маъмурий буйруқбозликдан кечиш, давлатнинг бозор субъектлари хўжалик фаолиятига аралашмаслигини таъминлаш. Уларнинг эркинлигини таъминлаш.

III. Иқтисодиётнинг монополлашишига йўл қўймаслик. Табиий монополиялардан ташқари-транспорт, алоқа, электро таъминот, сув таъминоти, газ таъминоти кабилар.

IV. Бозор инфраструктурасини мавжуд бўлишлиги (чакана ва улгуржи савдо шохобчалари, умумий овқатланиш корхоналари, товар ва хомашё биржалари, валюта ва қимматли қоғозлар биржаси, меҳнат биржаси, тижорат банклари, ахборот таъминоти, ярмаркалар, аукционлар, божхона, реклама, солиқ инспекциялари кабилар).

V. Бозор муносабатларини, бозор механизмининг ҳуқуқий таъминланиши.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб, ўз қоидаларига эгадир. Бу қоидалар қуйидагилардан иборат:

I. Иқтисодиётни сиёсатдан устун бўлиши, уни мафкурадан озод бўлишини таъминлаш.

II. Бозор муносабатларини шакллантиришда Давлатни бош ислоҳотчи бўлиши. Давлат томонидан амалга оширилиши, тартибга солиниши. Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётини шаклланиши қуйидагича этапларида амалга оширилиб келинмоқда:

2.1. Маъмурий буйруқбозликни бартараф этиш.

2.2. Мулкчилик ислоҳотлари

2.3 Ҳуқуқий ислоҳатлар.

2.4. Инфраструктурани яратиш.

2.5. Эркинлаштириш кабилар.

III. Қонуннинг устуворлиги.

IV. Кучли ижтимоий сиёсатни олиб бориш.

V. Бозор иқтисодиётига босқичма – босқич ўтиш.

Конкрет шароитида бозор 3 хил функцияни бажаради:

1) талаб ва таклифни мувофиқлаштириб бориш;

2) баҳони мувофиқлаштириш;

3) рақобат муҳитини яратиш орқали хўжалик субъектлари фаолияти самарадорлигини оширишга имконият яратиш.

Бозор муносабатлари натижасида:

- ишлаб чиқариш омиллари, ер, капитал ва меҳнат айирбошлаш объектига айланади;

- пул айирбошлаш воситаси ва айирбошлаш объектига ҳам айланади.

Бозор уч хил элементлардан иборат бўлади:

1. Таклиф
2. Талаб
3. Баҳо

Ушбу элементлар қаторида уларни католизатори, доимий ҳаракатга келтирувчи омил сифатида рақобат туради.

Бозор жамият таркибидан, уни ривожлантирувчи омиллардан келиб чиқиб ҳар хил турланади.

I. Иқтисодиётни очиқлиги нуқтаи назардан:

1.1. Эркин ёки очиқ (легал) бозор.

1.2. Соядаги ёки ёпиқ хуфёна бозор.

II. Ишлаб чиқариш омиллари ва муомала объектлари нуқтаи назардан:

2.1. Табиий ресурслар бозори (ер, табиий бойликлар).

2.2. Капитал (молиявий) бозори; (пул, валюта, қимматли қоғозлар, акция, облигация, инвестиция).

2.3. Меҳнат бозори; (иш кучи, иш жойи).

2.4. Товарлар бозори; (ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол товарлари)

2.5. Хизмат бозори;

2.6. Ахборотлар бозори;

2.7. Уй – жой иншоотлари бозори.

Бу умумлаштирилган ҳолдаги таркиб, булар яна таркибланади.

III. География жойлашиши нуқтаи назардан.

3.1. Халқаро, жаҳон бозорлари (жаҳон биржалари) (нефт, пахта, олтин);

3.2. Жойлардаги бозорлар (шаҳар, қишлоқ, маҳалла).

Жамиятда учта асосий иқтисодий субъектлар товар – пул муносабатларига асосан алоқа қилиб туради. Булар давлат, корхона ва уй (оила) хўжалигидир.

Буларнинг муносабатлари икки томонлама характерга эга бўлади. Давлат билан бозор субъектларининг муносабатлари асосан қонунлар, қонуний ҳужжатлар билан тартибга солинади, лекин хўжалик алоқалари (олди - сотди) шартномалар, келишувлар, давлат буюртмалари, контрактлар, давлат субсидиялари орқали амалга оширилади.

Бозор субъектлари (корхона, уй хўжалиги)нинг алоқалари, муносабатлари шартномалар асосида амалга оширилади.

Бозор тизимида иқтисодий субъектларнинг бир – бири билан олди – сотди муносабатларининг предметларини келтирамиз (2.2.1-жадвал).

2.2.1-жадвал

Бозор субъектларининг олди-сотди предметлари

Бозор субъектлари	Сотиш предметлари	Сотиб оладиган предметлари
I. Давлат	Ер, ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, уй – жой, лицензия, давлат ташкилотлари ва муассасаларининг хизматлари	Давлат ва жамиятга зарур бўлган товарлар (давлат бошқарув органлари, мудофаа ва ҳоказолар), хизматлар, ишчи кучи, жиҳозлар, Фан – техника ютуқлари ва бошқалар
II. Корхона	Товарлар, хизматлар, ўзига тегишли моддий неъматлар, интеллектуал мулк	Ер, табиий бойликлар, моддий ресурслар, ишчи кучи, товарлар, хизматлар, қимматбаҳо қоғозлар
III. Уй (оила) хўжалиги	Ишчи кучи, (меҳнат), ўзига тегишли моддий неъматлар, товарлар, хизматлар.	Истеъмол товарлари, хизматлар, моддий неъматлар

Хўжалик фаолияти ва хўжалик ишлари билан ҳар бир шахс, фуқаро қадимдан шуғулланиб келган. Улар ўз – ўзини таъминлаш масаласини ҳал қилиш билан шуғулланишади. Бундай хўжалик юритиш шаклига уй (оила) хўжалиги деб юритилади ва у жамиятнинг бирламчи, бошланғич бўғинидир.

Уларнинг белгиларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

❖ шахсий эҳтиёжни қондириш. Улар ишлаб чиқарган нарсасини ўзи ёки оиласи истеъмол қилади, улар ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ҳисобланадилар. ҳозирги замонда уй (оила) хўжаликлари ортиқча маҳсулотларини сотиш учун бозорга ҳам

чиқади. Бундай ҳолларда оила хўжалик фаолиятидан қўшимча даромад манбаи сифатида фойдаланилади ва улар қисман жамиятни, бошқаларни эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилган ҳисобланади. Бундай ҳолда уй хўжалигининг маҳсулоти товар шаклига айланади;

❖ улар фаолиятида шахсий мулкидан фойдаланилади (айрим ҳолларда кредит ёки ссудалардан фойдаланиши эҳтимолдан ҳоли эмас);

❖ асосан ўз иш кучини ишлатишади, ёлланма ишчи кучидан фойдаланиши ҳам мумкин;

❖ фаолиятида ишлатиладиган барча ресурслардан самарали фойдаланишга ва кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга интилишади;

❖ юридик шахс мақомига эга бўлмайди, уларга ҳокимиятдан рухсатнома олиш шарт эмас;

❖ фаолият юритишда мустақил қарорлар қабул қилади ва ниҳоят, улар ўз таваккалчилиги асосида иш юритади.

Жамиятнинг асосий бўғинини, ишлаб чиқариш ва хизматни бозор ва жамият учун амалга оширувчи, ўз хўжалик фаолиятини ўз эҳтиёжи (талаби) учун эмас, ташқи, бошқалар эҳтиёжини (талабини) қондиришга йўналтирувчи субъектлар бўлиб, корхоналар ҳисобланади.

2.3. Ўзбекистонда бозор муносабатларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги жаҳон тарихига ижтимоий дунёқарашда, жаҳон ҳамжамиятининг жуғрофий-сиёсий (геополитик) тузилишида туб ўзгаришлар даври бўлиб киради. Жаҳон янги даврга қадам қуйди. Бу даврнинг ўзига хос белгилари, бир томондан, давлатлар ва халқлар ўртасида яқинлашув жараёнлари ва ҳамкорликнинг кучайиши, яхлит сиёсий ва иқтисодий маконларнинг вужудга келиши, ягона халқаро меъёрлар (нормалар), қоидалар ва андозаларга ўтиш бўлса, иккинчи томондан, социалистик лагернинг емирилиши, тоталитар тузумларнинг тугатилиши, унитар тизимлар ўрнида ёш мустақил давлатларнинг пайдо бўлишидир. Ер куррасининг олтидан бир қисмида туб ислоҳотлар давом этмоқда. Бу эса янги тузилган мустақил давлатларда давлат қурилиши ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш муаммолари минтақаларнинг доираларидан ташқари чиқиб, ҳақли равишда умумжаҳон тусини олганидан яққол далолат беради.

Собиқ социалистик ва бошқа мамлакатлар воқелиги келтириб чиқарган янги ҳодисалар, муносабатлар ва жараёнлар эндиликда анъанавий тушунчаларга мос келмаяпти. Мулкчилик, ишлаб чиқариш муносабатлари, ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш омиллари, бошқаришнинг бозор ва режали тартибга солиш механизмлари, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаси ва ижтимоий йўналтирилган фаолияти каби бошқа тушунчалар умуман янги мазмун касб этмоқда.

Ақидага айланиб қолган «капиталистик» ва «социалистик» тушунчалари ўртасида чегара қолмади ҳисоби. Уларни сунъий равишда ажратиш мустақил ривожланиш ва жаҳон ҳамжамияти билан яқинлашув йўлига ўтган мамлакатдаги ижтимоий тараққиётга тусиқ бўлади, холос.

Тафаккурнинг мафкуравий ақидаларидан холи бўлган, ҳар бир мамлакатнинг ва бутун жаҳон маърифатпарварлигининг сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтиши шакллари ва йўлларининг хилма-хиллигини кўрсатиб берадиган янги тури ва услубини яратиш зарурати етилди. Ҳозир ижтимоий, шу жумладан, иқтисодий ривожланишнинг ҳаммабоп, ҳар қандай мамлакат учун бирдай тавсия этиш мумкин бўлган андозалари йўқлиги аниқ - равшан бўлиб қолди. Ижтимоий ривожланишнинг турли маданий, маърифий, тарихий анъаналарнинг нодирлиги ва ўзига хослигига таянадиган шакллари ва усуллари хилма-хиллиги умум томонидан эътироф этилди.

Тоталитар тузум шароитида орттирилган бутун тажриба шундан далолат беради, аниқ-равшан тарихий, ижтимоий-иқтисодий, миллий-руҳий, демографик, табиий-иқлим ва бошқа шароитларни, минтақаларнинг объектив фарқини ҳисобга олмайдиган сиёсат ва хўжалик тажрибаси инқирозга учраши муқаррардир. СССР парчаланиб кетгани, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик услубини тарғиб қилувчи ва юқоридан кўрсатма билан (директив) режалаштиришга ҳамда ресурсларни марказлаштирилган тартибда, ўзбошимчалик билан тақсимлашга асосланган социалистик хўжалик юритиш усулининг тарихий тажрибаси барбод бўлгани буни яққол исботлаб турибди.

Тоталитар тизим вайрон бўлаётган даврда собиқ иттифоқни республикалар ўрнида тузилган мустақил давлатларда иқтисодий қурилиш ва демократик ўзгартиришларга мутлақо янгича ёндашувлар ва нуқтаи назарларни асослаб бериши муҳим аҳамиятга эга. Бу давлатлар ўзини мустақил деб эълон қилгани ҳар бир

суверен республика ўз манфаатларига мос келадиган мустақил ички ва ташқи сиёсатни ўтказиш ниятида эканини билдиради.

Ҳозир ҳар бир республикада иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ислоҳ қилиш муаммолари ечими зўр бериб изланаётгани, ўз дастурий ёндашувлари ишлаб чиқилаетгани ҳам ҳақиқатдир. Бу дастурларни ўрганиш шундан далолат беради, уларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиётини барпо этишга қаратилгани ҳолда, ислоҳотни амалга ошириш усули, босқичлари ва муддати билан бир-биридан тубдан фарқ қилади. Уларда кўзда тутилган чора-тадбирлар маълум даражада Ўзбекистоннинг манфаатларига ҳам тааллуқлидир, чунки республикалар ўртасида таркиб топган иқтисодий алоқалар ҳозир ҳам давом этмоқда. Бундай шароитда ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўли ва андозасини танлаб олиш жуда катта аҳамиятга молик. Бу йўл ва андоза иқтисодиёти бозор муносабатлари асосига қурилган ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибасига, шунингдек, Ўзбекистан халқининг миллий, тарихий мероси, турмуш тарзи, анъаналари ва руҳияти хусусиятларига таяниши лозими.

Бозор муносабатларига ўтишнинг консерватив андозаларидан тортиб радикал андозаларигача, тадрижий (эволюцион) ривожланиш андозасидан тортиб то «фалаж (шок билан) даволаш» тарзидаги жадаллаштириш андозасигача бўлган жаҳон тажрибаси бу андозаларни амалга оширишнинг турли кўламлари ва муддатларини ўрганишга имкон беради. Лекин айни шу тажриба маълум андозалардан кўр-кўрона нусха кўчиришга уринилаётган жойларда ислоҳот, одатда, муваффақиятсизликка учраётганидан далолат бермоқда. Бунинг сабаби шундаки, дунёда бир-бирига ўхшайдиган иккита одам бўлмаганидек, иккита бир-бирига ўхшаш давлат ҳам бўлмайди. Агар айнан нусха олинса мамлакатнинг ўзига хос шарт-шароитлари, мавжуд имкониятлари, яқин ва олис ҳамкорлик билан кўп йиллар давомида таркиб топган иқтисодий ҳамда маънавий алоқалари эътибордан четда қолади.

Республикада иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга тубдан янгича ёндашувни, бунда сифат жиҳатидан янги вазифалар ҳамда шароитларни, амалий тажрибани ҳисобга олишни, асосан, ўз кучига таянишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишда республиканинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оладиган, Ўзбекистоннинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келгуси тараққиётига тўла-тўкис мос келадиган мутлақо янги андоза, ўзига хос йўл зарур. Энг муҳими — бизнинг бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуришдан бошқа йўлимиз

йўқ. Тўпланган тажриба, илмий таҳлил (анализ) ва ақл - идрок шундан далолат бермоқда.

Ўзбекистонни ҳуқуқий демократик давлат сифатида қарор топтиришнинг дастурий қоидалари, республиканинг бозор муносабатларига ўтиш, ички ва ташқи сиёсатни шакллантириш принциплари, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий устуворликлари ва йўналишлари «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида баён қилиб берилган, кейинги нашр ва нутқларда ривожлантирилган ҳамда уларга аниқлик киритилган.

Ушбу нашр — илгари ўртага қўйилган қоидалар ва ғояларни муаммовий умумлаштирибгина қолмай, шу билан бирга, республикада ва бошқа мамлакатларда иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида тўпланган амалий тажрибага асосланиб, бу қоидалар ва ғояларни янада чуқурлаштиради. Аслини олганда, гап бозор муносабатларига ўтишда ўхшаши бўлмаган, бетакрор яхлит андозамизни ишлаб чиқиш, ўз йўлимизни танлаб олиш ҳақида бормоқда. Бу йўл — уч таркибий қисмдан иборат:

– ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор муносабатлари миллий андозаси моҳиятининг тавсифи (характеристикаси);

– қатъий марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига асосланган йўлига ўтишнинг энг муҳим принциплари;

– иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг, тангликдан чиқиб олишнинг, барқарорликни ва муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг аниқ йўналишлари.

Республиканинг бозор муносабатларига ўтишида ўз йўлидан изчиллик билан бориши демократик ўзгартиришлар, республикани ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш, унинг халқаро обру-эътиборини мустаҳкамлаш учун пухта моддий негиз яратади. Фақат иқтисодий турмуш тарзига асосланибгина унга мос келадиган давлат тузумини ва кучли сиёсий тузилмани (структурани) барпо этиш мумкин.

2.4. Бозор муносабатлари шароитида савдонинг моҳияти, аҳамияти, функциялари, вазифалари ва ривожланиш босқичлари

Савдонинг келиб чиқиши ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида товар ишлаб чиқаришни ва товар муомаласи, айирбошлашни вужудга келиши билан боғлиқ.

Тарихан савдони фойда олиш мақсадида моддий бойликларни қайта сотиш учун сотиб олиш деб тушунилган. Савдо жараёнини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$П - Т - П^{1} \ldots Т - П^{1} \ldots$$

Савдони товар айирбошлашни шакли (формаси) нуқтаи назардан қаралса, савдонинг вазифаси макон ва замон жиҳатидан бир – биридан ажралиб турган ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги алоқани боғлашдан иборат бўлган.

Савдо мустақил ижтимоий-иқтисодий функция бажариб, бошқа иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи хўжалик тармоқлари қатори унинг фаолиятида ҳам мулкдор (мулк эгаси), ёлланган хизматчилар, меҳнат, тадбиркорлик, фойда кабилар ўз аксини тарихан топган.

Савдо ишлаб чиқаришнинг биридан иккинчисига, иккинчисидан учинчисига ва ишлаб чиқарувчи қўлидан истеъмолчи қўлига маҳсулотларни етказиш вазифасини бажарган.

Савдо жараёнида маҳсулотлар товарга айланади. Чунки товар сотиш учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотлардир.

Маҳсулот бирон – бир эҳтиёжни қондирмаса, яъни уни истеъмол қиймати зарурият топмаса, унинг қиймати қопланмайди ва уни ишлаб чиқарувчи инқирозга учраши эҳтимолдан узоқ бўлмайди.

Савдони шаклланиши инсоният тараққиёти тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Ибтидоий жамиятда алоҳида қабилалар эҳтиёжидан келиб чиқиб маҳсулотлари билан айирбошлашган.

Бир вақтлар туз пул ролини ўйнаган. қайси қабилани тузи бўлса, ўшалар билан барча қолганлар маҳсулотини айирбошлашга қизиққан.

Савдони ривожланишида тилни билиш катта аҳамият тутганлиги сабабли қадимда бир – бирини тилини билмаганлар учун, сўзлашмай маҳсулот алмаштириш вужудга келган. Бошқа юрт ёки элдан келганлар маҳсулотини денгиз бўйига қўйиб узоқда кутган, ерликлар кейин келиб маҳсулот ёнига **олтин қўйиб кетиб, қараб туришган**, агар маъқул бўлса, маҳсулотни қолдириб, олтинни олиб кетган ёки яна юқоридаги жараёнида биз ташқи савдони бирламчи бўлиб, вужудга келишини кўрамиз.

Бунга ўрта асрлардаги арабларнинг карвон савдоси типик мисол бўлиши мумкин (Буюк ипак йўли, биржалар). Биржаларни олсак, тарихдан пул, товар, фонд биржалари вужудга келган.

Биржа деганда доимий ишлаб турувчи (ҳар куни), ўхшаш турлар бўлган товарлар бозорига тушунилади. Товарлар бирлиги

келтирилмайди, уларни эталони намойиш қилинади. Масалан XVII аср Амстердам акция биржаси, Ливерпул пахта биржаси, Липцег китоб биржаси, Прага шакар биржаси, Нью – Йорк керосин, пахта, кўмир, темир биржалари.

Шундай қилиб, савдо тарихдан ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар алоқаларини қондиришга катта ҳисса қўшган. Улар йўл алоқаларини такомиллаштириш ва пул – кредит муносабатларини ривожлантиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшган.

Юқорида келтирилган мисоллардан келиб чиқсак, ички ва ташқи савдо ривожланиши жараёнида бирламчи ўрин улгуржи савдога тааллуқли. Иккиламчи бўлиб чакана савдо бошланган.

Савдога қандай таъриф бериш мумкин?

Бунинг учун савдонинг қандай хусусиятлари борлигини аниқлаб олиш керак.

Савдонинг хусусиятлари:

1) савдо – бу товар айирбошлаш, олди-сотди шакли;

2) савдо – бу товарларни ишлаб чиқарувчилардан шахсий истеъмолчиларга етказиш;

3) савдо – бу товарларни қишлоқдан – қишлоққа, шаҳардан – шаҳарга, ҳудуддан – ҳудудга, давлатдан – давлатга етказиб бериш жараёнидир;

4) савдо – сотувчи билан сотиб олувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатдир;

5) савдо – иқтисодиётнинг (халқ хўжалигининг) хўжалик юритувчи субъекти, тармоғи;

6) савдо – бозор элементлари (таклиф, талаб ва баҳо) намоён бўладиган жараён.

7) савдо – хизматнинг алоҳида тури бўлиб у **бир томондан** ишлаб чиқарувчиларга хизмат қилади, **иккинчи томондан** истеъмолчиларга, **учинчи томондан** Давлатга хизмат қилади ва **тўртинчидан** у бошқа иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига ҳам хизмат кўрсатади,уларни хизматларидан истеъмолчи сифатида фойдаланади ва улар билан алоқада бўлади.

Савдо – биринчидан, товарларни сотиш билан боғлиқ бўлган хўжалик алоқалар ва товар айирбошлаш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни англатади;

- иккинчидан, иқтисодиёт тармоғи сифатида ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида мустақиллашган савдо корхоналари мажмуасидир.

Савдонинг моҳияти (таърифи)дан келиб чиқиб, унинг бажарадиган функцияларини аниқлаш зарур.

Савдо – ўз моҳиятидан келиб чиқиб қуйидаги ижтимоий – иқтисодий функцияларни бажаради:

Биринчидан, товар айирбошлаш шакли сифатида товарлар қийматини айирбошлаш;

Иккинчидан, иқтисодиёт тармоғи сифатида товарларни ишлаб чиқишдан истеъмолчиларга етказиш.

Биринчи функция натижасида товарларни қиймати сотилади, унга сарф қилинган ижтимоий меҳнат қопланади ва қўшимча қиймат вужудга келади.

Иккинчи функция натижасида товарларни истеъмол қиймати истеъмолчиларга етказилади, истеъмолчилар томонидан тан олинади, сотилади ва мулк шакли ўзгаради.

Амалий нуқтаи назардан истеъмол товарларини тақсимоти тугайди.

Савдо ижтимоий – иқтисодий функцияларни бажариш билан бир қаторда ташкилий – иқтисодий, техник – технологик функцияларни ҳам бажаради.

Ташкилий – иқтисодий функциялар:

1. Таклифни имкониятларини ўрганиш;
2. Талаб ва эҳтиёжни ўрганиш;
3. Баҳони шакллантириш;
4. Товарлар рекламасини ташкил қилиш;
5. Шартномалар тузиш ва буюртмалар бериш;
6. Истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш.

Техник – технологик функциялар:

1. Товарларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга етказишни ташкил қилиш (транспорт корхоналари билан алоқа ўрнатиш, товарларни сон ва сифати бўйича қабул қилиш ва ҳ.к.)
2. Товарларни сақлаш;
3. Товарларни қадоқлаш;
4. Товарларни транспорт воситаларига юклаш, тушириш.

Бозор муносабатлари шароитида савдонинг ижтимоий шакллари ва ташкилий – иқтисодий таснифи тубдан ўзгарди. Собиқ иттифоқ даврида республикада давлат савдоси, кооператив савдо ва колхоз бозори мавжуд бўлган бўлса, ҳозирги кунда мулк муносабатлари ўзгариши, децентрализация жараёни амалга ошганлиги муносабати билан давлат савдоси бутунлай хусусийлаштирилиб, унинг умумий товар айланишдаги ҳиссаси 1 % гача миқдорга қисқартирилди.

ҳудди шундай кооператив савдо ҳам хусусийлаштирилди, уни ҳиссаси 9 % атрофида. Колхоз бозори бутунлай барҳам топди, уни ўрнига деҳқон бозорлари шаклланди.

Савдонинг бутунлай янги шакли, яъни хусусий савдо вужудга келди, шундай қилиб савдонинг мулкий шакллари бутунлай янгиланди, нодавлат сектор шаклланди.

Савдода вертикал бошқарув тизими бутунлай барҳам топди. Баҳолар эркинлаштирилди. Хўжалик алоқалари бозор иқтисодиётига мослаштирилди.

Ташкилий тузилмалар бутунлай янги таркибда тузилди.

Вазирлик ва бошқармалар йўқ қилинди. Акционерлик жамиятлари, компаниялар, хусусий фирмалар, якка тартибдаги савдо шохобчалари вужудга келди.

Матлубот кооперацияси тизимида матлубот таъминот – савдо акционер компаниялари ташкил қилинди. Туманларда эса, туман матлуботсавдо ишлаб чиқаришса савдо кооперативлари ташкиллаштирилди.

Савдонинг иқтисодиётда тутган ўрни, аҳамияти, савдонинг хусусиятлари, бажарадиган функцияларидан келиб чиқади.

Савдо аҳоли ҳаётини таъминлайдиган алоҳида соҳа бўлиб ҳисобланади. Уни иштирокида ишлаб чиқарилган товарлар истеъмолчилар томонидан ижтимоий тан олинади, товар таклифи билан истеъмолчилар талаби келиштирилади.

Товар таклифи билан истеъмолчилар талабини келиштириш орқали савдо ишлаб чиқаришга фаол таъсир қилади, у ишлаб чиқариш ҳажмини ва таркибини (ассортиментини) белгилашга таъсир қилади.

Савдонинг ишлаб чиқариш билан алоқаси – уларни хўжалик алоқалари, тижорий ишлар орқали амалга ошади.

Жамиятда савдо корхонасисиз ишлаб чиқарилган истеъмол товарлар истеъмолчиларга етиб бормайди.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнини қайтарилиб туришига савдо реал иқтисодий имкониятлар яратади. ҳар қандай ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари ўзи ишлаб чиқарган товарини сотилишини таъминлаш шарт, акс ҳолда, унинг фаолияти тўхтатиб қолиши мумкин. Савдо корхоналари ишлаб чиқарувчиларга ўз харажатларини қоплаш ва тегишли даромад олиш имкониятини яратади.

Савдо ушбу вазифаларни бажариш орқали ишлаб чиқарувчиларга хизмат қилади.

Ишлаб чиқарувчилар тўғридан – тўғри истеъмолчиларни (бу ерда аҳоли назарда тутилмоқда) ўз товарлари билан таъминлаш имкониятига эга эмас ва уни бажара олмайди. Шу билан бирга, савдо ишлаб чиқарувчиларни вақтни тежайди ва такрор ишлаб чиқаришни тезлаштиради.

Худди шундай савдо халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан ҳам алоқада бўлади. Савдо тақсимотини реал ҳолда амалга ошишини таъминлайди.

Савдо - пул, кредит, молия тизимини мувофиқлаштирилиши жараёнини намоён бўлишига таъсир қилади (пул эмиссияси, касса режаларини бошқариши, инфляция, миллий даромадни шаклланиши) ва ҳ.к

Савдонинг асосий вазифаларидан бири истеъмолчиларга хизмат қилиш бўлиб ҳисобланади.

Истеъмол такрор ишлаб чиқариш жараёнининг тўртинчи ва охирги фазаси. У маҳсулотлар ҳаракатининг охирги босқичи.

Истеъмолда (ишлаб чиқариш ва шахсий) товарларни истеъмол қиймати намоён бўлади, тан олинади.

Савдонинг шахсий истеъмол билан алоқаси аҳолининг истеъмол товарларига эҳтиёжини қондириш амалга ошади.

Савдода алоҳида шахс ёки истеъмолчилар гуруҳи учун мос келадиган товарлари истеъмол ассортименти шаклланади. Узлуксиз савдо амалга оширилади, яъни талабни узлуксиз қондириб бориш жараёни таъминланади.

Шахсий истеъмол орқали инсоният ишчи кучини такрор (қайта) ишлаб чиқаради. Бу эса ишлаб чиқаришни ривожлантиришга манфаат туғдиради, чунки ҳар қандай тармоқ ишчи кучи билан узлуксиз таъминланиши зарур.

Савдода эҳтиёжни шакллантириш орқали истеъмол таркибига, аҳолининг умр ва яшаш даражасини оширишга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Масалан, товарларни реклама қилиш орқали (товарларнинг истеъмол функцияси, сифати, баҳоси ва ҳ.к.) аҳоли эҳтиёжини шакллантириш. Реклама, ҳар хил турдаги савдо шохобчаларини ташкил қилиш (элита ёки арзон баҳодаги савдо шохобчалари ташкил қилиш каби) орқали аҳолининг ижтимоий-иқтисодий гуруҳлари орасида истеъмол даражаси ва таркибини тартибга солишдек мураккаб вазифани амалга оширади.

Савдо ҳар хил фойдали маслаҳатлар бериш орқали оқилона истеъмолни шакллантиради. Бу эса аҳолининг ҳаётини ва истеъмол даражасини ортишига олиб келади.

Савдо шохобчаларида прогрессив савдо технологияларини жорий этиш, харидорларга зарурий шарт-шароитлар яратиш билан аҳолининг товар сотиб олиш харажатларини (товар сотиб олишга ва истеъмол учун сарфланган меҳнат ва моддий харажатлар), товар сотиб олишга сарфланган вақтини тежашга ижобий таъсир қилади. Аҳолининг бўш вақти эса жамиятнинг бойлиги, унинг тараққиёти учун асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Савдода аҳолини вақтини тежашга имконият яратиш орқали уларни бўш вақтларини оширади.

Бозор олди-сотди жараёнига эҳтиёж туғилиши натижасида инсонлар ўртасида ушбу жараён билан боғлиқ бўлган муносабатлар вужудга келиши шаклланган. Бозор бирламчи бўлиб вужудга келган, кейинчалик товар айирбошлаш жараёни «савдо» деб юритилган. «Савдогар» - «Тамкор» сўзини пайдо бўлиши милоддан олдинги икки мингинчи йилларни ўртасига тўғри келади. Савдонинг келиб чиқиши, шаклланиши ва ривожланишининг тадқиқот қилиш натижасида, тарихий манбаларни ўрганиш асосида муаллифлар томонидан савдода бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари аниқланди. Ушбу босқичлар жамият тараққиётида юз берган энг йирик ҳодисалар ва жараёнларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди.[8]

Тарихий маълумотлар шундан дарак берадики, ибтидоий жамиятида милоддан олдинги V-IV минг йилликларда қабилаларни вужудга келиши, деҳқончилик ва чорвачиликни (Буюк ижтимоий меҳнат тақсимоти тарихда милоддан олдинги IV минг йиллик даврига тўғри келади. Ушбу даврда Осиё, Ўрта Осиё, Европа, Шимолий Африка, Палестин, Миср, Эрон, Ироқ ва Кавказ ҳудудларида «Қулдорчилик» жамияти вужудга келган) вужудга келиши натижасида қабилалар ўртасида товар алмашуви (Т-Т) «бартер» жараёни вужудга келган. Ушбу даврда одамлар ҳайвонлар терисидан ип ясашни, ундан кийим-кечак тикишни ҳам ўрганган.

Ушбу давр, бизнинг фикримизча, савдонинг ривожланишини биринчи босқичи деб ҳисобланиши мумкин.

Савдонинг ривожланишини иккинчи босқичи мулк муносабатларини (хон мулки, хусусий мулк, шахсий (истеъмол) мулк) чуқурлашиши, инсониятнинг юқори, ўрта ва пастги ижтимоий синфларини вужудга келиши, санъат, адабиёт, маданият ва савдо-сотиқни ривожланиши, муомала воситаси сифатида кўрғошин, кумуш, олтин, мис ва қатор рангли металларнинг ишлатилиши нати-

[8] Всемирная история. М.: «Госполитиздат» т. I - 1955, т. II -1956, т. III -1957 т. IV -1958.

жасида товар - пул – товар муносабатларини шаклланиши даврини ташкил қилади. Бу давр тараққиётнинг милоддан олдинги иккинчи минг йиллиги ва биринчи минг йилликнинг X-VI асрларига тўғри келади. Ушбу даврда Греция, Вавилон, Осиё ва бошқа давлатлар ўзининг металл тангаларига эга бўлган.

Улуғ мутафаккир Абу Райхон Беруний ўзининг «Минералогия» асарида ушбу масала бўйича «Белгиланган савдо шаклларига келсак, халқлар ва давлатлар тўғрисида бизгача етиб келган малумотларига қараганда, у айрим метал воситасида амалга оширилмоқда, улар одамлар учун қиматбаҳо бўлиб қолган ва одамлар қалбида уларга иштиёқ туғилган...» деб таъкидлаган.

Тараққиётнинг учинчи босқичи Шарқ давлатлари билан Ғарб мамлакатларининг савдо-сотиқ муносабатларини ривожланишига асос солган савдо йўли «Буюк ипак йўли»ни (милоддан олдинги VII-I асрлар ва милодийнинг XV асригача) вужудга келиши ва ривожланиш даврига тўғри келади. Ушбу давр феодализм тузумига тўғри келади.

Савдо тараққиётининг тўртинчи босқичи инсоният жамиятининг феадал тузумининг инқирози (вайрон бўлиши) ва капиталистик ижтимоий тузумни вужудга келиш давридан унинг XIX асрнинг охиригача ривожланиш даврини ўз ичига олади. Ўрта Осиё мамлакатлари капиталистик тузум босқичини ўтмаган. Шу сабабли бу мамлакатлар учун савдони ривожланиш босқичлари учинчи ва тўртинчи даврни бирлаштиришни тақозо қилади. Ушбу даврлар учинчи босқич ҳисобланади. Ушбу даврнинг бошида кенг маънодаги бозор механизми шакллана бошлаган, у жамият иқтисодий муносабатларининг қон-томирига кириб борган. Пул-товар-пул муносабатлари товарлар бозори чегарасидан чиқиб, иқтисодий организмнинг бошқа соҳаларини ҳам қамраб ола бошлади.

1769 йил 10 январда Екатерина II Россияда қоғоз пул (ассигнация)ни жорий қилиш тўғрисида монифестга имзо чеккан[9].

Ушбу даврдаги бозор муносабатлари қуйидаги ҳодисаларга асосланган:

- биринчидан, саноатни қишлоқ хўжалигидан, шаҳарни қишлоқдан узоқлашиши;
- иккинчидан, саноатни ичида ижтимоий меҳнат тақсимотини чуқурлашиши;
- учинчидан; қайта тайёрлаш саноатини кенг ривожланиши натижасида бозорлар чегарасини кенгайишига олиб келганлиги;

[9] Мир новостей №2 (839) 13 января, 2010 года.

- тўртинчидан, бозор баҳоларини шаклланишининг янги механизмини вужудга келиши. Бозорда баҳоларни (бир хил товарларга) қандайдир тенглаштириш жараёни содир бўлиши, монопол баҳоларининг вужудга келиши, давлатнинг баҳони белгилашга аралашуви;

- бешинчидан, улгуржи савдонинг янги тури, товар биржаларини вужудга келиши, айниқса, хомашёлар, қимматбаҳо қоғозлар ва рангли металлар биржалари;

- олтинчидан, рақобатни кенг ривож олиши;

- еттинчидан, ишлаб чиқаришда, олди-сотди жараёнида ва бошқа тармоқларда монополияларни вужудга келиши, трансмиллий халқаро компанияларнинг шаклланиши;

- саккизинчидан, пул умумий айирбошлаш воситасига айланиши. Пулни бошқа функциялари ҳам ушбу даврда шаклланган ва такомиллашиб келмоқда (қиймат ўлчови, тўлов воситаси, хазина тўплаш ва жамғариш воситаси).

Ва ниҳоят, ушбу даврда кўплаб мамлакатларда истеъмол товарлари бозори (савдо) мисли кўрилмаган тараққиётга эришди. Унинг моддий-техника базаси ривожланди, янги типлари вужудга келди, ихтисослашиш чуқурлашди, савдонинг янги шакллари вужудга келди, савдо капитали йириклашди, савдода монополиялар, йирик трансмиллий компаниялар вужудга келди.

Савдода бозор муносабатларини шаклланиши ва ривожланишининг бешинчи босқичи ер юзида XX асрнинг бошида рўй берган революцион ўзгаришлар ҳамда иккинчи жаҳон урушидан (1939-1945 йиллар) кейинги даврда ер юзида социалистик тузумни вужудга келиши ва XX асрнинг 90-йилларида ушбу тузумни инқирозга учраш даврини ўз ичига олади. Ўрта Осиё мамлакатлари учун бу давр тўртинчи босқич ҳисобланади.

Савдони ривожланишининг бешинчи босқичи ер юзидаги собиқ социалистик тузум қурган давлатларига (СССР, Хитой, Монголия, Ветнам, Польша, Венгрия, ГДР, Югославия, Чехословакия, Альбания, ҳозирги Куба)га тегишли. Ушбу давлатларда маъмурий буйруқбозлик тизими шаклланиб, уларда савдо муносабатлари марказлашган ҳолда тартибга солиниб, директив тартибда ривожлантирилиб, баҳолар давлат томонидан тўла тасдиқланиб, товарлар ҳам давлат томонидан тақсимланган. Ушбу даврда собиқ Совет Иттифоқи Республикаларида давлат, кооператив ва колхоз савдолари шакллантирилиб, мулк муносабатлари давлат ва кооператив мулкларга асосланиб ривожланган. Ушбу давлатлар XX

асрнинг охирига келиб инқирозга учрадилар ва бу даврда кўплаб мустақил, бозор муносабатларига асосланган давлатлар шаклланди. XX асрнинг 90-йилларининг охиридан бошлаб ушбу давлатларда саноатни ривожланишининг **олтинчи босқичи** бошланди. Ўрта Осиё давлатлари учун бу **бешинчи босқич** деб ҳисобланиши керак.

Таянч иборалар: *Товар, ижтимоий меҳнат тақсимоти, такрор ишлаб чиқариш, айирбошлаш, товар муомаласи, бозор иқтисодиёти, бозор, субъект.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Товар деб нимага айтилади?
2. Ижтимоий меҳнат тақсимоти нимани англатади?
3. Такрор ишлаб чиқариш қандай фазалардан ташкил топади?
4. Бозорнинг таърифини айтинг?
5. Бозор қандай турларга бўлинади.
6. Бозор қандай функцияларни бажаради?
7. Бозорда қандай субъектлар иштирок этади?
8. Бозор қандай элементлардан иборат?
9. Бозор муносабатларимоҳиятини ёритиб беринг?
10. Бозор муносабатлари қандай қоидаларга асосланади?
11. Бозор иқтисодиётига ўтиш учун қандай шароитлар бўлиши керак?
12. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг устувор йўналишлари?

III боб. САВДО СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ, ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Тадбиркорликни моҳияти ва аҳамияти

3.2. Тадбиркорликнинг умумий қоидалари, субъектлари, шакллари ва турлари

3.3. Тадбиркорликнинг ҳуқуқий-иқтисодий асослари

3.4. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўналишлари

3.5. Савдода тадбиркорлик, унинг самарадорлик мезони ва кўрсаткичлари

* * *

3.1. Тадбиркорликни моҳияти ва аҳамияти

Иқтисодиёт ҳар хил фаолиятлар мажмуаси бўлиб, унинг натижасида моддий бойликлар яратилиб истеъмолчига етказилади.

Иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи воситалар «ер – капитал - меҳнат ва тадбиркорлик».

Тадбиркорлик нима?

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «Тадбиркорлик» бу «Тадбиркор» деб, «Тадбиркор» эса «Тадбирли» деб, «Тадбир» эса 1. Бирон ишни, мақсадни амалга ошириш, рўёбга чиқариш воситаси: шунинг учун пухта ўйлаб тузилган, ишлаб чиқилган амалий чоралар мажмуи. 2. Чора, илож деб тушунтирилган.

«Ишбилармон» сўзи ишни, ишнинг кўзини яхши биладиган; уста деб таърифланган.[10]

Тадбирли киши тадбиркор ҳисобланади. Тадбиркор инсон келажакни ўйлаб иш бошлайди. Тадбир билан иш бошлайдиган кишилар – тадбирли, тадбиркор кишилар ҳисобланади.

Тадбиркорлар - бунёдкор, яратувчи, ишбилармон деб юритилади.

Тадбиркорлик ўз ичига ижтимоий муносабатларни қамраб олган ижтимоий-иқтисодий ҳодисадир. Унда ҳуқуқий, руҳий, ташкилий,

[10] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: «Рус тили» нашриёти, 1981. – 343 б.

иқтисодий ва тарихий томонлар мавжуд. Мазмуни ва моҳияти бўйича унумли фаолиятни англатади.

Исломнинг асосий манбаи – "Қуръони Карим" дир. Унинг ҳар бир ояти бандлари покликка, иймонга чорлайди. Унинг 293 ояти бевосита иқтисодий тафаккурга бағишланган. "Қуръони Карим" инсонларни ҳалол меҳнат қилишга, тежамли бўлишга, меҳру шафқатга, ҳалолликка ундайди. Шунингдек, у инсонларни барча моддий неъматлардан, ресурслардан унумли фойдаланишга чорлаган. "Қуръони Карим" да мулкчиликка ҳам алоҳида эътибор берилган. Исломда мулк тушунчаси, унинг моҳияти одамлар кўлидаги бойлик – бу Оллоҳнинг бойлиги, одамлар эса фақат унинг ердаги бошқарувчилари эканлигини тан олишдан иборат.

Олдинги асрларда яшаб ўтган буюк алломаларимиздан Имом Малик бин Анаса, Имом Исмоил ал Бухорий, Имом Муслим бин-Ал Хажжож, Имом Абу Давуд-Абу Исо ат-Термизийларнинг қолдирган буюк илмий меросларда ҳам тадбиркорликни ривожлантириш борасида қимматбаҳо ғоялар илгари сурилган.

Буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг "Темур тузуклари"да давлатни идора қилишда кимларга таяниш, тожу тахт эгаларининг ҳуқуқи ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини сақлаш, саркардаларнинг маоши, мамлакатларини бошқариш тартиби, давлат арбоблари, қўшин бошлиқларининг бурч ҳамда вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқалар хусусида гап боради.

Аслида эса «Тадбиркор» ва «Ишбилармон» терминлари бир-бирига яқин тушунчалар бўлиб, улар ташаббускор, эпчил, уддабурон, серҳаракат инсонларни номлайдиган терминлардир.

Ушбу терминлар ҳақида сўз кетганда Амир Темурнинг бундай инсонларга берган баҳосини келтириб ўтиш ўринли бўлади. Амир Темур ўзининг «Темур тузуклари» номли китобида шундай дейди: «Тажрибали, ишбилармон вазирлар салтанат устунларидир. Улар мамлакат ободонлиги. Хазина бойлигини доимо кўзда тутадилар. Давлат, салтанатга фойда келтирадиган ишларни бажаришга интилиб ҳаракат қилади».[11]

Яна бир мисол: Мирза Абдулқодир Бедил (1644-1721). Инсон ва ҳаёт масалалари Бедил ижодий фаолиятининг белгиловчи хусусияти бўлган. У «Ишбилармонликка ёки олдиндан кўра олишга ишон, аммо буларнинг ҳаммасидан имкониятинг доирасида белгила» деб тадбиркорларга маслаҳат берган (Бедил, Куллиёт, Гар унсир, 43-бет).

[11] Амир Темур «Темур тузуклари». – Т.: «Шарқ», 2005. – 76 б.

Тадбиркорлик тушунчаси XVI асрдан бошлаб иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар фикрини ўзига жалб жалб эта бошлади. Ж.Б.Сей, А.Маршалл, В.Зомбрамб, Й.Шумпетер, Ф.Нойтлар тадбиркорлик илмининг асосчилари ҳисобланади.

XVIII асрнинг бошида иқтисодий назарияга биринчи бўлиб тадбиркорлик тушунчасини инглиз иқтисодчиси Р.Катильон киритган. У тадбиркорликни фойда олиши чегараланмаган ва баҳоси аниқ товарларни сотиб оладию, лекин сотиш баҳоси ноаниқ бўлади, у таваккалчи, таклифни талабга мословчи, деб баҳолайди. Жан Батист Сей тадбиркорни воситачи, ишлаб чиқариш омилларининг координатори, тажриба ва билим эгаси деб таърифлайди. Зомбарт эса тадбиркорликдаги таваккалчилик фақат сиёсатда, савдодагини бўлмай, бошқа соҳаларга ҳам хос деб, уларни қароқчи ва босқинчилар билан тенглаштиради. Шумпетерни олсак, у тадбиркорликнинг 5 муҳим томонини: истеъмолчиларга номаълум янги товарлар ишлаб чиқариш; янги ишлаб чиқариш воситаларини қўллаши ва мавжуд товарларнинг тижорийлигини таъминлаши; янги товарларни ўзлаштириши; янги хомашёларни ишлатиши; тармоқни такомиллаштиришини кўрсатиб беради. Тадбиркор мулкдор бўлиши шарт эмас, у ёлланувчи бўлиши ҳам мумкин. Тадбиркор янги комбинацияларни амалга оширувчи шахсдир, деб таъкидлайди.

Дастлабки босқичларда тадбиркорликнинг энг муҳим аломати бирон бир шахс – тадбиркор фаолиятининг фойдали ёки зарарлилигини белгиловчи ноаниқлик омили ҳисобланган. Тадбиркорнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаси турли бозорларда талаб билан таклиф орасида мувозанат ўрнатишга доир таваккалчилик фаолиятидан иборат, деб тан олинган.

Кейинчалик "сармоя эгаси" ва "тадбиркор" тушунчалари бир-биридан фарқлана бошланди. Тадбиркор сармоянинг муомалада юришни кўпайиб боришини таъминлайди ва бу борада у венчур сармоядори, яъни жалб қилинган молиявий маблағларни усталик билан тасарруф этувчи шахс сифатида ишни юритиб боришга ўз ғоялари, билими ва кўникмаларини татбиқ қилиб, кўп фойда олиш мақсадида ўша маблағларни таваккалли ишларга сарфлайди.

Р.Контильондан кейин неоклассик мактаб номояндалари асарларида ўзига хос таваккалчилик асосида рақобатлашиб, савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхона эгасини тадбиркор деб ҳисоблай бошлайдилар. Бундай талқинда тадбиркорнинг даромадига таваккалчилик учун тўлов деб қаралди, бу даромаднинг

бўнак (аванс) қўйилган сармоядан келадиган даромад ва иш хақидан тафовути ҳам ана шундай деб тушунишди. Олинадиган даромаднинг тарзи хусусий сармоядор ва менежернинг тадбиркорликка доир вазифаларини бир-биридан фарқлаб туради, лекин бу вазифаларни битта жисмоний шахснинг ўзи ҳам бажариши мумкин.

Тадбиркорликнинг таваккалчилик ва инновация фаолиятига доир вазифаларни бирлаштириш мумкинлигига И.Фон Тюнен тўлиборини қаратди. Унинг тасаввурига кўра, тадбиркорнинг даромади таваккалчилик фаолиятидан келадиган даромаддан ва янгиликни қўллаш туфайли иқтисодий самарага эришиш натижасида олинадиган даромаддан ташкил топади.

Инновация фаолиятининг тадбиркорликка доир асосий функционал тавсиф эканлигини Й.Шумпетер асослаб берган: унинг нуқтаи назарига мувофиқ, тадбиркор катта хусусий хўжалик фаолияти бошидаги иқтисодий хаётни ўзгартиришга қодир ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётида ҳал қилувчи шахс сифатида намоён бўлади. Й.Шумпетер тадбиркорни иқтисодий ўсишининг табиий омили сифатида ижтимоий-иқтисодий тараққиётида доимо марказий ролни ўйнайдиган шахс, деб таърифлайди. Агар тадбиркорлик вазифасининг моҳияти ишлаб чиқаришни ислоҳ қилишдан иборат бўлса, тадбиркорлик фаолиятининг мазмуни маҳсулотни тайёрлаш имкониятининг очилиши ва ундан амалда фойдаланилиши, технологиянинг қўлланилиши, янги хомашё манбаларининг ишлатилиши ва янги бозорларнинг топилиши, ишлаб чиқаришнинг қайта ташкил қилиниши ва ҳоказо туфайли ишлаб чиқариш ва муомала омилларининг янги уйғунликларини амалга оширишдан иборат бўлади. Й.Шумпетер тадбиркор учун мулк эгалиги мақомининг шарт бўлиши эканлигини инкор қилиб, тадбиркорлик вазифаси ходимларнинг турли тоифаларига хослигини ва уни ҳар қандай ижтимоий формациянинг иқтисодий вазифаси деб ҳисоблаш тўғри эканлигини таъкидлаган эди. Бунда ижтимоий формация тадбиркорлик фаолиятининг бозордаги рақобат тизими ва маъмурий-буйруқбозлик хўжалик-сиёсий тизими учун фарқланадиган усуллар, шакллар ва мавзуларини белгилайди.

Янги Австрия мактабининг бошқа атоқли вакили Ф.Фон Хайекнинг қарашлари Й.Шумпетер тасаввурларига яқин туради. У тадбиркорликка янги иқтисодий имкониятларни излаб топиш ва тадқиқ қилиш деб қарайди, шу билан бирга, фаолияти излаш

тарзида кечадиган ҳар қандай шахсни бўлғуси тадбиркор деб ҳисоблаш мумкинлигига ишонади.

Тадбиркорлик фаолиятини акциядорлик мулки шаклида ҳам, хусусий мулк шаклида ҳам амалга ошириш мумкин.

Бироқ акциядорлик мулки шакли ва жамоа мулки шакли доирасида уни ташаббус кўрсатиш, қарорлар қабул қилиш ва ўз фаолияти учун жавобгарлик масалаларида ходимлар ва менежерларга хусусий мулк эгаси имкониятлари қанчалик даражада берилишига боғлиқ равишда амалга ошириш мумкин.

Тадбиркорликнинг ўзи фақат якка шахс даражасида эмас, балки йирик ташкилотлар даражасида ҳам амалга ошади ҳамда қарорлар қабул қилиш ва таваккалчилик қилиш, ишлаб чиқариш омилларининг янги уйғунликлари ёки янгиликларни татбиқ қилиш, ресурсларни самарали йўналишларга тақсимлаш, бошқариш, ташкил қилиш ва қабул қилинган қарорларни бажариш каби кўринишларда очиқ ойдин ва пинхона тарзда намоён бўлади.

Демак, тадбиркорлик иқтисодий тузумнинг мувозанатлашмаган ҳолати шароитида тўловга лаёқатли талаб салоҳиятини қондиришнинг янги имкониятларини кашф этишга доир яратувчанлик фаолияти билан шуғулланади.

Тадбиркорликни қандай шароитлар вужудга келтирган?

Ушбу шароитларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

❖ ҳар бир айирбошлаш қатнашувчисини ўз манфаатига (бирламчи иқтисодий манфаатини) эришишга интилиши, иккинчи томон манфаатидан қатъий назар;

❖ айирбошлашда шахсий ёки жамоа ташаббусини олға суриш;

❖ фойдали алмашувга эришиш учун шахсий ёки жамоа таваккалчилигига тайёрлигини ҳаракатга солиш;

❖ ҳар бир қатнашувчи фойдали натижага эришиш учун конкрет чора тадбирларни ишлаб чиқариш қобилиятини ишга солиши;

❖ эҳтимол ёки ҳақиқий натижаларни табақалаштириш қобилиятини ишлатиши. Ушбу аломатлар (белгилар) ҳозирги замон бизнесида ҳам намоён бўлмоқда.

Адабиётларда, оддий ҳаётда ҳар хил терминлар учрайди. Булар бизнесмен, ишбилармон, тадбиркор, бизнес, тадбиркорлик кабилар. Бизнесмен, ишбилармон, тадбиркор деганда, биз қандайдир фаолият билан шуғулланаётган шахсни тушунишимиз керак.

Ҳар қандай бизнесмен ўз қобилияти нуқтаи назардан тадбиркор (ишбилармон) бўла олмайди.

Тадбиркор ва ишбилармон терминлари (сўз) синонимдир. Бизнес – бу сўзма – сўз иш ёки фаолиятни билдиради. Хўжалик юритиш нуқтаи назардан «Бизнес» - иқтисодий фаолият, иш олиб бориш тизими ёки фаолият юритиш тизими бўлиб, унда товар ёки хизмат ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, уларни сотиш, ишлаб чиқариш омиллари эгаси томонидан амалга оширилади. (адабиётларда бошқа таърифлар жуда кўп)

Тадбиркорлик – бу иқтисодий феномен, бизнесни категорияси. Бизнес билан тадбиркорлик синоним эмас, лекин яқин тушунчалардир. Бизнес кенгроқ.

Тадбиркорлик – бизнесни динамик ёки актив (фаол) элементи, хўжалик юритиш шакли. Тадбиркорлик – фуқарони ёки фуқароларнинг мустақил, ташаббусли фаолияти бўлиб, ушбу фаолиятни улар фойда олиш мақсадида ўзининг таваккалчилиги ва моддий жавобгарлиги асосида амалга оширади.

Бошқа сўз билан айтганда, тадбиркорлик – иқтисодиётни инсон омили, унинг интеллектуал фаолияти орқали фуқаро ёки фуқароларни ўз мақсадларига эришиш учун хўжалик юритиш ёки бошқа фаолиятдир.

Тадбиркорликни мазмуни биз юқорида келтирган тушунчалардан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунида (2012 йил 2 май) «Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун хужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташабускор фаолияти» деб таъриф берилган.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик:

- тадбиркорнинг шахсий мол – мулки асосида;
- тадбиркорнинг бошқа фуқаролар ва юридик шахслар, шу жумладан, ажнабий фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг мол – мулкларини турли шаклларда жалб этиш асосида;
- тадбиркорнинг давлат ва жамоат ташкилотлари мол – мулкларидан фойдаланиши асосида;
- юқорида қайд этилган шаклларни қўшиб олиб бориш асосида амалга оширилади.

Тадбиркорлик – бу даромад олиш мақсадида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва тайёрланган маҳсулотни сотиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш ҳамда олди – сотди билан шуғулланадиган кишилар

фаолияти, яъни фойда олиш борасидаги ҳаракат (фаолият) тушунилади.

Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси, унинг субъектлари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари, бирлашмалари, ҳуқуқларинг кафолатлари, уларни ҳимоя қилиш ва давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш масалалари Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунида (2012 йил 2 май) белгилаб қўйилган.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонун ҳужжатларида ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари бўлиши мумкин эмас.

Кичик тадбиркорлик субъектлари қуйидагилардир:

- якка тартибдаги тадбиркорлар;

- ишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан 20 киши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан 10 киши, улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 5 киши бўлган микрофирмалар;

қуйидаги тармоқлардаги:

- енгил ва озиқ-овқат саноатидаги, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноати ҳамда қурилиш материаллари саноатидаги, банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 100 киши;

- машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 50 киши;

- фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта коипанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан 25 киши бўлган кичик корхоналар.

Кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади. Бунда унитар (шўъба) корхоналарда, филиалларда ва ваколатхоналарда ишловчиларнинг сони ҳам ҳисобга олинади.

Фаолиятнинг бир неча турини амалга оширувчи (кўп тармоқли) юридик ва жисмоний шахслар йиллик оборот ҳажмида улуши энг кўп бўлган фаолият тури мезонлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектларига киради.

Якка тартибдаги тадбиркорлик – юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши.

Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек, мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустақил равишда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги 2012 йил 26 апрелда қонун қабул қилинди. Ушбу қонунда келтиришича:

Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан тавакқал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир.

Оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланади.

Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхонадир.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (Ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек, оилавий корхона иштирокчиларида ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир. Оилавий корхона фаолияти унинг иштирокчиларининг шахсий меҳнатига асосланада. Оилавий

корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан биридир.

Оилавий корхона фаолиятини фақат юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириши мумкин. Оилавий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлиши, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Оилавий корхона ўз мажбуриятлари бўйича қонунга мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавоб беради.

Олилавий корхона иштирокчилари корхона мол-мулки етарли бўлмаганда оилавий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

Оилавий корхона қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларни ёллашни амалга ошириши мумкин.

Оилавий корхона иштирокчиларининг ва унинг ёлланма ходимларининг умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин эмас. Бунда оилавий корхона иштирокчиларининг энг кам сони икки кишидан оз бўлмаслиги керак.

Оилавий корхона тўлиқ фирма номига эга бўлиши лозим ва қисқартирилган фирма номига эга бўлишга ҳақли. Оилавий корхонанинг тўлиқ фирма номи унинг тўлиқ номини ва «оилавий корхона» деган сўзларни ўз ичига олиши керак. Оилавий корхонанинг қисқартирилган фирма номи унинг қисқартирилган номини ва «оилавий корхона» деган сўзларни ёки «ОК» аббревиатурасини ўз ичига олиши керак.

Қонунда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолияти, фаолияти эркинлигининг кафолатлари кабилар белгилаб қўйилган.

Тадбиркорликнинг «Хуфёна» ва «Маданий» шакллари мавжуд.

«Хуфёна»си давлатдан яширин фаолият олиб борувчи, чайқовчилик, юлғунчилик, харидорлар ҳақига хиёнат ва ва х.к.о.

«Маданий»си – умуминсоний фазилатлардан ташқари қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак:

- ташаббускорлик ва имкониятларни излаш;
- таваккалчилик;
- бозорни (конюктурасини) ўрганиш;
- ўз кучига ишониш.

Савдода тадбиркорлик ўзига хос хусусиятларга эга. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

Биринчидан, савдони бажарадиган функцияларидан келиб чиқиб, бошқа тармоқ ва соҳалардаги тадбиркорлардан фарқли функциялар бажаради.

Иккинчидан, савдонинг хўжалик механизмидан келиб чиқиб, унинг таркиби, бошқарилиши хўжалик алоқалари, молиявий ресурсларни шаклланиши, даромад манбалари ва харажатлари шаклланиши кабиларда савдодаги тадбиркорлик бошқалардан кескин фарқ қилади.

Учинчидан, меҳнат жараёни ҳам ўз хусусиятларига эга.

Тўртинчидан, савдодаги тадбиркор бир томонда ишлаб чиқарувчилар, таъминотчилар билан, иккинчи томонда юзлаб ва минглаб ҳаридорлар билан муносабатда бўлади, шу сабабли уларни касбий маҳорати, психологияси, ўзгача шаклланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

- кичик бизнес (КБ) ва хусусий тадбиркорлик (ХТ) кўп маблағ ва юқори ҳажмдаги инвестицияларни талаб этмайдиган хўжалик фаолияти сифатида ресурслар айланмасининг тезлигини таъминлайди;
- КБ ва ХТ чекланган ресурслардан оқилона ва тежамли фойдаланиш имкониятларга эга ва шулар сабабли истеъмол бозорини шакллантириш ва уни товарлар ва хизматлар билан тўлдириш муаммосини тез ҳамда тежамли ҳал этиш имкониятини яратади;
- улар истеъмолчилар талабининг ўзгаришига тез мослаша олади ва шулар орқали истеъмол бозоридаги зарурий мувозанатни таъминлайди;
- иқтисодиётни барқарор ва динамик ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида аҳамияти ниҳоятда юқорилиги сабабли аҳолининг бандлиги ва даромадларини оширишни таъминлайди;
- КБ ва ХТ жамиятимизда ўрта синфни шаклланишига катта таъсир кўрсатади ва ушбу жараённи тезлаштиради;
- юқорида келтирилганлар билан бир қаторда КБ ва ХТ соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти уларнинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий инқилобни жадаллаштириш, чегараланган ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш, солиқ

тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш омиллари билан белгиланади.

3.2. Тадбиркорликнинг умумий қоидалари, субъектлари, шакллари ва турлари

Қонун билан тақиқланмайдиган ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тадбиркорнинг ўзига тегишли бўлган мол – мулкдан фойдаланиш эркинлиги;

- тадбиркорликнинг барча турдаги ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини юритишда, мулк шаклларидан қатъий назар, қонун олдида тенг ҳуқуқлилиги;

- тадбиркорликни амалга ошириш ва ходимлар ёллашнинг ихтиёрийлиги;

Даромад олишнинг манбалари ва усуллари қандай бўлишидан қатъий назар, солиқ идоралари ҳузурида ҳисоб беришнинг асослов (декларатив) шакли, тадбиркорликнинг даромадларини яшириб қолганлиги (пасайтириб кўрсатганлиги) учун Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан мулкий жавобгарлиги.

Тадбиркорликнинг субъектлари

Қуйидагилар тадбиркорликнинг субъекти бўлиши мумкин:

- қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқати чекланмаган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси;

- фуқаролар гуруҳи (шериклар), шу жумладан, давлат, кооператив ва бошқа корхоналарнинг меҳнат жамоаси – жамоа тадбиркорлиги;

- Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган ваколатлар доирасида бошқа ажнабий давлатларнинг фуқаролари ёки юридик шахслари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар;

- аралаш мулк субъектлари.

Тадбиркорлик шакллари

Тадбиркорлик иштирокчилари нуқтаи назарда қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- ❖ якка тартибдаги меҳнат фаолияти асосида (якка тартибда);
- ❖ ёлланма меҳнатни жалб этиш асосида амалга ошириладиган хусусий тадбиркорлик (хусусий);
- ❖ бир гуруҳ фуқаролар ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган жамоа ёки ҳамкорликдаги тадбиркорлик(ширкат ёка гуруҳий).



3.2.1-расм. **Тадбиркорликнинг ташкилий-хукукий шакллари**

Тадбиркорликнинг турлари:

1. Ишлаб чиқариш
2. Хизмат
3. Инновацион
4. Тижорат
5. Молиявий

Тадбиркорликнинг функциялари:

1. Ишлаб чиқариш
2. Маркетинг
3. Моддий-техника таъминот
4. Кадрлар билан шуғулланиш
5. Молия ва ҳисобот

Тадбиркорликни ташкилий- ҳуқуқий шакллари қуйидаги 3.2.1-расмда келтирилган.

Тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий-иқтисодий муҳитни яратиш бир-бирига зид қарорларга йўл қўймайдиган ягона концептуал (мустақил фирлар тизими) асосидаги қонунчилик ва меъёрий базани доимо такомиллаштириш тизимининг мавжудлигини тақозо қилади. Бундай тизим қуйидагиларни кўзда тутади:

- қонунчиликда хусусий бизнеснинг эркинлиги ҳимоясини ва қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган аниқ, ҳуқуқий кафолатларни белгилаш;
- мавжуд меърий-ҳуқуқий базани янги қонунларга мувофиқлаштириш;
- хусусий мулкнинг ҳеч ким олиб қўя олмайдиган ҳуқуқини конституция орқали мустаҳкамлаш. Бу фуқаролар ва хусусий корхоналарнинг мустақил равишда хўжалик фаолияти юритишини, хусусий мулк ҳимояси ва даҳлсизлигини кафолатлайди.

3.3. Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий-иқтисодий асослари

- қонун ҳужжатларини қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари, шунингдек, тадбиркорларнинг манфаатларини ифодалайдиган ноҳукумат ташкилотлар орқали амалга ошириш механизмини шакллантириш;
- ҳудудий тармоқ бошқарув ва ҳукумат органларининг, жамоат ташкилотларининг ўзаро келишиб фаолият кўрсатиши.

Ташкилий нуқтаи назардан меъёрий-ҳуқуқий базанинг яратилишни қуйидагилар таъминлайди:

- қонун чиқарувчи органлар – Олий Мажлис комиссиялари ва қўмиталари;
- ҳукумат органлари, давлат қўмиталари ва муассасалари;
- қонун ҳужжатларининг айрим қоидаларини аниқлаштирадиган давлат бошқарув органлари (ҳокимликлар);

- давлат тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказий ва маҳаллий органлари;
- тадбиркорлик доиралари манфааталарини ифодаловчи ноҳукумат ташкилотлари, шу жумладан, тадбиркорлар уюшмалари ва бирлашмалари;
- қонун ҳужжатларини қўлланиш объектлари ҳисобланган ва тескари алоқа механизмини таъминлайдиган тадбиркорлар тузилмалари;
- республика қонун ҳужжатларига риоя қилинишини ва уларнинг бир хил талқин этилишини назорат қиладиган органлар;
- қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқловчи, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини эксперт баҳоловчи, уларни амалда қўллаш самарадрлигини олдиндан айтиш ва мониторинги билан шуғулланувчи илмий муассасалар (хорижий экспертлар ҳам шунга киради);
- макроиқтисодиётнинг сратегик ва инновация йўналишларини белгиловчи ижтимоий-институцион ташкилотлар ва гуруҳлар.

Инсон фаолиятининг алоҳида соҳаси сифатида тадбиркорлик ҳар хил ижтимоий меъёрлар таъсирида бўлади. Уларнинг ичида ҳуқуқий нормалар, ишдаги саранжомлик, ишбилармонлик удумлари, одоб ва аҳлоқ қоидалари етакчи ўринни эгаллайди.

Тадбиркорликнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари ҳар хил қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларда, яъни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик ва Хўжалик процессуал кодекслар, амалдаги қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, Президаент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан тортиб, токи вазирликлар ва идораларнинг ҳуқуқий ҳужжатларигача – барчасида белгилаб берилади.

Тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунлар ва бошқа қонуний ҳужжатлар белгилайди. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1.Ўзбекистон Республикаси Мулкчилик тўғрисидаги Қонун. 1990 йил 31 октябр Ўзбекистон Олий Советининг Ведомостлари, 1990 йил №31-33.

2.Ўзбекистон Республикасида Мулкчилик тўғрисидаги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 май Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил, 5-сон.

3. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябр Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахбортномаси. 1992 йил, 1-сон.

4. Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил, 2 июл Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил, 10-сон.

5. «Хусусий корхоналар тўғрисида» Қонуни. 2003 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш ахборотномаси 2004 йил 3-сон.

6. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1991 йил 15 февраль (7 – май 1993 йил ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган). Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисида Қонун ҳужжатлари. Тошкент «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1999 йил.

7. Ўзбекистон Республикаси «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида» Қонун. 1991 йил 21 декабр. 1998 йил 29 августда ўзгартиришлар киритилган.

8. Банкротлик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрел Қонуни. Халқ сўзи 2004 йил 2-июл.

9. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрел Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ахборотномаси 1996 йил 5-6 сон.

10. Товар бозорларида монополистик рақобатни чеклаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабр Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997 йил 2-сон.

11. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил, 24 декабр Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси 1999 йил, 1-сон.

12. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2000 йил, 25 май. Ўзбекистон Республикаси молиявий Қонунлари. 8-сон 2000.

13. «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида « Ўзбекистон республикаси Қонуни 2001 йил, 6 декабр.

14. Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил, 12 декабр Қонуни. Халқ сўзи 2003 йил 13 декабр.

15. Ўзбекистон республикаси»Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» ги Қонуни. Халқ сўзи, 2012 йил, 27 апрель.

16. Ўзбекистон республикаси «Рақобат тўғрисида» ги Қонуни. Халқ сўзи, 2012 йил, 7 январь.

17. Ўзбекистон республикаси «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларини кафолатлари тўғрисида» ги Қонуни. Халқ сўзи, 2012 йил, 25 сентябрь.

18. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент., Ўзбекистон, 1995.

19. Каримов И.А Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: «Ўзбекистон». 2009.

20. Ўзбекистон савдо-саноат палатасини ташкил қилиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7.07.2004 йил фармони.

21. Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 февралдаги фармони.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги ПҚ-1754-сонли қарори.

23. «Ўзулгуржисавдоинвест уюшмаси тузилмасини ислоҳ қилиш ва фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 мартдаги ПҚ-1514 – сонли қарори.

24. Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китоблар механизмини янада тартибга солиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 24 январдаги ПҚ-1910 – сонли қарори.

25. Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253 – сонли қарори.

26. Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрь 274 – сонли қарори)

Тадбиркорнинг ҳуқуқлари

Ҳар бир фуқаро (бир гуруҳ фуқаролар) хўжалик юритувчи бошқа субъектлар билан тенг асосларда:

❖ Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган шартларга риоя қилган ҳолда корхоналар ва ташкилотларни вужудга келтириш, таъсис этиш, сотиб олиш ва қайта тузиш йўли билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва давом эттириш;

❖ тадбиркор турли даражада мулкий жавобгар бўладиган ўз тадбиркорлик ташкилотини таъсис этиш. Бу фаолиятни бажариш учун бошқа юридик шахслар ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ҳамда пул маблағларини ихтиёрий асосларда жалб этиш;

❖ ходимларни мустақил ёллаш ва ишдан бўшатиш;

❖ тадбиркорликдан солиқ солинадиган чекланмаган миқдорда даромад орттириш;

❖ ижтимоий таъминланиш ва ижтимоий суғурта қилиниш ҳуқуқларига эга.

Тадбиркорликнинг иқтисодий асосларини бозор иқтисодиётининг хусусиятларидан излаш керак.

Биринчидан, хусусий мулкни вужудга келиши. Мулкдорни ҳуқуқлари:

1. Ўзлаштириш.
2. Эгалик қилиш.
3. Бошқариш.
4. Фойдаланиш.

Хусусий мулкчилик иқтисодий фикрлашда эркинликни вужудга келтиради, тадбиркорлик руҳини ривожлантиради, рақобатга олиб келади.

Иккинчидан, бозор муносабатлари принциплари (қоидалари)ни ҳаётга татбиқ этилиши. Ушбу қоидалар қуйидагилардан иборат:

1. Бизнес, тадбиркорлик фаолиятини иқтисодий, хўжалик эркинлиги.
2. Давлат томонидан тартибга солиш.
3. Истеъмол примати.
4. Баҳони бозорда шаклланиши
5. Муаммоларни шартнома (контракт) асосида бўлиши
6. Иқтисодиётни очиқлиги.
7. Рақобат.
8. Молия ва пул муомаласи таъсири остида ишлаш.
9. Бозорнинг умумийлиги.

Учинчидан, объектив иқтисодий қонунларни жамиятдаги ҳаракати (қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонуни ва бошқалар).

Бу қонунларнинг талаблари тадбиркорликни ривожланишига иқтисодий шарт – шароитлар яратади.

Тўртинчидан, тадбиркорликни тартибга солиш механизми.

Тадбиркорлик давлат томонидан қуйидаги йўналишлар орқали тартибга солинади:

- солиқ, молия – кредит тизими (солиқ ҳажми, кредит %),
- солиқ имтиёзи;
- баҳони шакллантириш қоидаси;
- мақсадли дотация;
- иқтисодий санкциялар миқдори;
- давлат нарсалари (имущества) сотиш предметлари;
- давлат резервлари;
- лицензия;
- ижтимоий, экологик нормалар, нормативлар;
- илмий – техник, иқтисодий, ижтимоий, республикавий ва ҳудудий дастурлар, (тадбиркорликни ривожлантириш бўйича);
- давлат эҳтиёжларини қондириш учун шартномалар тузиш.

3.4. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўналишлари

Тадбиркорликни кафолатлари ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кафолатлари ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишларини қуйида келтирамиз.

1. Ўзбекистон Республикасида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва манфатларининг қуйидаги кафолатлари мавжуд.

Давлат кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди, эркин рақобат учун шарт – шароит яратади, моддий, молиявий, меҳнатга оид ва бошқа ресурслардан фойдаланишда тенг имкониятларни таъминлайди.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга оширишда ўз ташаббуси билан қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай қарор қабул қилиш мумкин.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ҳимат ёки тижорат сири бўлмаган ахборотларнинг ҳимоя

қилиниши кафолатланади. Давлат органлари ва бошқа органларнинг улардаги мансабдор шахслар ва ходимларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашуви ман этилади.

II. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан рағбатлантиришнинг асосий йўналишларига:

2.1. Кичик ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш, ривожлантириш жараёнларини тартибга солиш ва рағбатлантириш давлат томонидан норматив – ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, инфраструктурани шакллантириш ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун шарт – шароит яратиш асосида иқтисодий таъсир кўрсатиш йўли билан амалга оширилади.

2.2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

2.2.1. Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар белгилайдилар;

2.2.2. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқадилар.

2.2.3. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлайдилар.

2.3 Ўзбекистон Республикасида кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш фондлари уларга қуйидаги хизматларни кўрсатади:

- ❖ кредитлар, шу жумладан, имтиёзли кредитлар бериш асосида инвестиция лойиҳаларни молиявий таъминлаш;
- ❖ устав сармоясида иштирок этиш;
- ❖ маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиш шаклида техник жиҳатдан кўмаклашиш;
- ❖ инфраструктурани ривожлантиришга кўмаклашиш;
- ❖ олинаётган кредитлар учун кафолатлар, мажбуриятлар ва кафилликлар бериш йўли ҳамда қўллаб – қувватлашнинг бошқа шакллари билан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришни рағбатлантириш учун шарт-шароит ҳосил қилади.

2.4. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ахборот соҳасида қуйидаги йўналишлар бўйича қўллаб – қувватланади.

Давлат бошқарув органлари кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини иқтисодий, ҳуқуқий, статистика, ишлаб чиқариш

технологияга оид ва самарали фаолият юритиш учун керакли бошқа ахборотлар билан таъминлаш чора – тадбирларини ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ахборот хизмати *кўрсатиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзли* шартларда амалга оширилади.

2.5. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ишлаб чиқариш – технология жиҳатидан қўллаб – қувватлаш

Давлат бошқарув органлари кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари замонавий ускуна технологиялар олишига, технопарклар, лизинг корхоналари, бизнес – инкубаторлар, ишлаб чиқариш - технология марказлари ва инфраструктуранинг бошқа объектлари тармоғини барпо этишга ёрдам бериш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлайдилар, ихтисослашган улгуржи бозорлар, ярмаркалар барпо этиш ва ташкил этишда ёрдамлашадилар.

2.6. Қишлоқдаги кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига энергия таъминоти манбаини ишлатишга бериладиган имтиёзлар.

Энергия таъминоти манбаидан фойдаланишда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари учун белгиланган имтиёзли таърифлар қишлоқдаги кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳам тааллуқлидир.

2.7. Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини имтиёзли кредитлаш.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, қарз олувчининг қарзни тўлашга қодирлигини ва таваккал қилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини имтиёзли кредитлашни махсус фондлар, ихтисослаштирилган агентликларнинг суғурта полиси асосида амалга оширадилар.

2.8. Кичик ва хусусий тадбиркорликни сугурта йўли билан ҳимоя қилиш.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини суғурталашни суғурта ташкилотлари амалга оширадилар.

Тадбиркорлик таваккалчиликларидан ҳамда кредитлар қопланмаганлиги учун қарздорни жавобгарликдан имтиёзли шартларда

суғурта йўли билан ҳимоя қилиш ихтисослаштирилган суғурта агентликлари ва бошқа суғурта ташкилотлари томонидан таъминланади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини суғурта қилишни амалга ошираётган суғурта ташкилотлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзлардан фойдаланадилар.

3.5. Тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги мезони ва кўрсаткичлари

«Самарадорлик» сўзи натижа деган маънони билдиради. Иқтисодиётда ижтимоий – иқтисодий самарадорликни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Тадбиркорликнинг ижтимоий – итисодий самарадорлигида унинг пировард мақсад даражаси ифодаланади.

Тадбиркорликнинг мақсадини қуйидагича ифодалаш мумкин:



Тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги фаолият натижасини таққослаш орқали аниқланади.

Тадбиркорликнинг ижтимоий самарадорлиги бир томондан, унинг аъзоларини ижтимоий ҳолати даражаси (даромади, саломатлиги, маданий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш (ижтимоий ҳимояси));

Иккинчи томондан, фаолият натижасида «У» мақсадни бажаришда ўз ифодасини топади.

Амалиётда тадбиркорликнинг самарадорлигини аниқлаш учун рентабеллик, меҳнат унумдорлиги, маблағларнинг айланиш тезлиги, харажатларни ёки капитални қоплаш муддати каби кўрсаткичлар ишлатилади.

Ушбулар билан бир қаторда тадбиркорликни иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Тадбиркорликнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари қуйидаги 3.4.1-жадвалда келтирилган.

3.4.1-жадвал

Тадбиркорликнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилишда ишлатиладиган кўрсаткичлар тизими

№	Кўрсаткичлар номи	Аниқлаш усуллари	Модул шакли
1.	**Жорий ликвидлик коэффициенти ($К_{жл}$)**	Айланма маблағлар ($А_ж М$) / қисқа муддатли(жорий) мажбуриятлар (К(КММ)	$К_{ж.л.}=\frac{\sum А_ж М}{\sum КММ}$
2.	**Молиявий карамлик коэффициенти ёки қарздорлик, маблағ билан таъминланиш коэффициенти ($К_{жл}$)**	Қарзга олинган капитал (ҚК) / Хусусий капитал (ХК)	$К_{м.к.}=\frac{\sum КК}{\sum ХК}$
3.	**Молиявий барқарорлик коэффициенти ($К_{м.бар.}$)**	Хусусий капитал (ХК)+Ўзоқ муддатли қарзлар (УМқ) / активларнинг ўртача йиллик қиймати ($\overline{АК}$)	$К_{м.бар.}=\frac{\sum ХК+\sum УМК}{\sum \overline{АК}}$
4.	**Мулк мустақиллиги коэффициенти ($К_{м.м.}$)**	Хусусий капитал (ХК) / активларнинг ўртача йиллик қиймати ($\overline{АК}$)	$К_{м.м}=\frac{\sum ХК}{\sum \overline{АК}}$
5.	**Капитални маневр (ҳаракатчанлик) коэффициенти ($К_{к.м.}$)**	Ҳаракатдаги (ишчи) капитал (ИК) / хусусий капитал (ХК)	$К_{к.м.}=\frac{\sum ИК}{\sum ХК}$
6.	**Тўлов қобилияти коэффициенти($К_{тк}$)**	Ўз маблағлари (Ў.М.) / Умумий мажбуриятлар (У.М.)	$К_{т.к.}=\frac{\sum Ў М}{\sum УМ}$

Таянч иборалар: *бизнес, бизнесмен, тадбиркор, тадбиркорлик, ишбилармон, тадбиркорлик субъектлари, савдо тадбиркорлиги, иқтисодий асослар.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Бизнес сўзи нимани англатади?
2. Тадбиркорликнинг моҳиятини ёритиб беринг?

3. Бизнесмен ким?
4. Тадбиркор деб кимни тушунасиз?
5. Тадбиркорлик қандай шароитларда вужудга келади?
6. Тадбиркорлик шакллари?
7. Тадбиркорлик турлари?
8. Тадбиркорликнинг функциялари?
9. Тадбиркорликнинг субъектлари?
10. Тадбиркорликнинг умумий қоидалари?
11. Тадбиркорлик ҳуқуқлари?
12. Тадбиркорлик мажбуриятлари?
13. Тадбиркорлик масъулияти?
14. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўналишлари?
15. Тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги мазмуни ва кўрсаткичлари?
16. Республикамизда солиқ юкини енгиллаштириш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?
17. Мамлакатимиз ҳўжалик субъектларига берилган қўшимча солиқ ва божхона имтиёзларини тушунтиринг.
18. Иқтисодий ўсишни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамиятини изоҳланг.
19. Мамлакатимизда бандлик муаммосини ҳал этишда кичик бизнес имкониятларини тушунтиринг.
20. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишга қандай таъсир кўрсатмоқда?

IV боб. САВДО СОҲАСИНИНГ ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗМЛАРИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

4.1. Хўжалик механизми тушунчаси ва унинг моҳияти

4.2. Савдо соҳасининг хўжалик механизмининг элементлари, ўзига хос хусусиятлари ва муаммолари

4.3. Иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш шароити савдо соҳасида хўжалик механизмини такомиллаштириш йўналишлари

***

4.1. Хўжалик механизми тушунчаси ва унинг моҳияти

Ҳар қандай миллий иқтисодиёт табиий ресурслари, ишчи кучи, техналогия, зарурий тадбиркорлик ва бошқарув кўникмаларидан иборат механизмдан ташкил топади.

Жамиятнинг асосий мақсади инсон эҳтиёжлари келажагини кўра билиш ва қондиришдан иборат. Бу эса товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш орқали амалга ошади. Ушбу вазифаларни максимал самарали бажариш учун капитал ва менежмент зарур бўлади. Иқтисодиётни истеъмолчилар, товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар ва давлат ҳаракатга келтиради. Унинг хўжалик механизми орқали амалга ошади.

Хўжалик механизми деганда назарий жиҳатдан (жамият барча соҳаларидаги фаолиятларни) амалга ошириш ва тартибга солиш учун ишлатиладиган ташкилий-иқтисидий шакл ва усуллар йиғиндисига тушунамиз.

Конкрет шароитда хўжалик механизми - бу ташкилий тузилмалар (таркиб), хўжалик юритиш шакллари, бошқарув усуллари, ҳуқуқий нормалар мажмуаси орқали иқтисодий қонунлар талабларини жамият томонидан ишлатиш. Хўжалик механизмининг элементларига қўйидагилар киради: режалаштириш, бошқарувни ташкилий (таркиб) тузилмаси, баҳо, ҳуқуқий нормалар, воситалар (солиқ, кредит, санкциялар, тўловлар, бюджетга, иш ҳақи, рағбатлантириш фонди).

Хўжалик механизми ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими ичида амал қилади. Шу сабабли, хўжалик механизми моҳиятини қўйидагича мақсадга ифодалаш мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хўжалик механизми моҳияти хўжалик субектларини товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёндаги иқтисодий фаолиятларини ягона алоқалар тизимида келтиришда намоён бўлади. Ушбу жараёнда хўжалик механизми бир қатор функцияларини бажаради. Уларга баҳолаш ташкилий-бошқарув, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол таркибини шакллантириш, рағбатлантириш, такрор ишлаб чиқариш иштирокчиларини жамиятдаги иштимоий ва иқтисодий жавобгарлигини таминлаш кабиларини киритиш мумкин. Юқоридагилардан келиб чиқиб хўжалик механизмини ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан ўзаро боғлиқлигини қўйидагича ёритиш зарур.

Биринчидан, ишлаб чиқариш муносабатлари соҳаси билан алоқаси.

Ушбу соҳада хўжалик механизми ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган барча иқтисодий муносабатларни қамраб олади. Масалан:

- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш бўйича муносабатлар;
- ишлаб чиқариш корхоналарини тармоқлар, регион, давлат ва давлатлараро миқёсида кооперациялашриш муносабатлари;
- табиий, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланиш муносабатлари;
- инвестициялаш муносабатлари;
- маҳсулотларни баҳолаш муносабатлари ва ҳоказолар.

Иккинчидан, тақсимот соҳасидаги муносабатлар:

- табиий бойликлар, меҳнат, моддий ресурсларни хўжалик субъектлари ўртасида тақсимлаш (бу тақсимот пул даромадларини, ишчи кучини, моддий-техник қувватларни ва табиий бойликларни тақсимлашда ўз ифодасини топади);
- давлат ва хўжалик субъектлари ўртасида даромадларни тақсимлаш;
- хўжалик субъектлариаро, улар ичида, яъни хўжалик субъектлари ва ишчи хизматчилар, акционерлар ўртасида даромад тақсимоти ва бошқалар.

Учинчидан, айирбошлаш жараёнидаги муносабатлар.

Тўртинчидан, истеъмол соҳасидаги муносабатлар.

Ушбу муносабатлар бир-бири билан тиғиз боғлиқ бўлиб, бир бирига қўшилиб кетади, бири-бирига айланади.

Бу тўрт хил муносабатлар макроиқтисодий, мезоиқтисодий ва микроиқтисодий даражаларда намоён бўлади.

Масалан, макроиқтисодий даражада хўжалик механизм жамиятни бошқариш билан боғлиқ функцияларни бажаради.

Миллий иқтисодиётни ишлаб чиқариш таркибини (4.1.1-чизмадан) ва жамиятнинг хўжалик муханизмининг тузилишини (4.1.2-чизма) ифода қилиш мумкин.



4.1.1-чизма. **Иқтисодий ишлаб чиқариш таркиби**

Тармоқлар ва соҳаларни 4 хил катта гуруҳларга бўлиш мумкин.

Биринчиси - ўз ичига табиий бойликларни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, дарёлар, денгизлар, океанлар, ўрмон ресурсларини ишлаб чиқарувчи ва қайта ишлаб чиқариш саноатларига етказувчи тармоқлар.

Иккинчиси - табиий бойликларни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дарёлар, денгизлар, океанлар, ўрмон ресурсларини қайта ишлаб чиқарувчи тармоқлар.

Учинчиси - биринчи ва иккинчи гуруҳдаги тармоқларга хизмат кўрсатувчи тармоқлар (транспорт, алоқа, коммунал хўжалик, савдо-сотиқ, тижорат, таъминот кабилар).

Тўртинчиси - бошқарув, юриспридиция, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа аҳолига хизмат кўрсатувчи соҳалардан иборатдир.

Бу даражада вазирликлар, комитетлар ва бошқа таркибий тузилмалар тузилади, давлат миқёсида программалаштириш, режалаштириш, давлат мулкидаги корхоналарни бошқариш, жамиятдаги иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, пул муомаласини таъминлаш, кредит, солиқ тизимларини ишга солиш, давлат

буюртмаларини бажариш, таълим, соғлиқни сақлаш, мудофани, ташқи алоқаларни таъминлаш ва бошқа ишлар амалга оширилади.

Мезоиқтисодий даражада тармоқлараро ва соҳалараро муносабатлар амалга оширилади. Ушбу алоқалар олди-сотди шартномалари асосида алоҳида таркибий тузилмалар яратилмасдан амалга оширилади. Айрим ҳолларда тармоқлараро бирлашмалар ёки корпорациялар тузилиши мумкин.

Микроиқтисодий даражада – хўжалик субъектларни хўжалик механизми назарда тутилмоқда.



4.1.2-чизма. **Жамият хўжалик механизмининг таркиби**

4.2. Савдонинг хўжалик механизмининг элементлари, ўзига хос хусусиятлари ва муаммолари

Иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш шароитида савдо корхоналари фаолиятини ўрганиш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, унинг муаммоларини аниқлаш, уларни ечимини топиш каби ишлар мураккаб жараён бўлиб, уларни ҳал қилиш учун қуйидагилардан келиб чиқиш зарур деб ҳисолаймиз.

Биринчидан, савдонинг келиб чиқиши, моҳиятини илмий асослаган ҳолда ёритиш.

Иккинчидан, савдонинг жамиятдаги тўтган ўрни, аҳамиятини аниқлаб олиш.

Учинчидан, савдода вужудга келадиган иқтисодий, ташкилий ва бошқариш муаммоларини аниқлаб олиш. Бу эса, ўз вақтида, савдо жараёнидаги иқтисодий муносабатларини, унинг хўжалик механизмини чуқур билишни тақозо қилади.

Тўртинчидан, савдони ташкил қилиш жараёни, савдо корхоналари ва шохобчалари фаолиятининг ҳолатини ривожлантириш тенденцияларни ўрганиш.

Бешинчидан, савдони ташкил қилишни чет эл илғор тажрибаларини таҳлил қилиш, уларни ижобий ва Республикамиз иқтисодиётига мос томонларидан фойдаланиш масалаларни ёритиш кабилардир.

Ташкилий-таркибий тузилиши нуқтаи назардан жахон амалиётида савдо бир-биридан фарқланадиган ҳар хил шаклларга ва турларга бўлинади.

Мулк шаклидан келиб чиқиб савдо хусусий, жамоавий (кооператив, акциядор) давлат ва аралаш шаклларга бўлинади.

Товарларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга қараб силжиш нуқтаи назаридан улгуржи ва чакана савдога турланади.

Ҳудудий ташкилланиш жиҳатидан ташқи ва ички савдога бўлинади.

Ушбулардан ташқари улгуржи ва чакана савдо ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, товар бўйича ихтисослашиши, савдо шохобчаларининг типланиши, товарларни сотишни такомиллаштириш усулларга қараб ҳар хил бўлади. Масалан:

1.Улгуржи савдо универсал, ихтисослашган, улгуржи воситачилар, ҳарид қилувчи марказлар, биржалар ва хоказолардан ташкил топади.

2. Чакана савдо универсал, франшиза, супермаркет, гипермаркет, маркет, ихтисослашган озиқ-овқат, посилка орқали савдо, магазиндан ташқари, яъни кўчма савдо, савдо уйлари, савдо марказлари, ўз-ўзига хизмат қилиш савдо шохобчалари, бозор савдоси, ларёклар, киосклар, павилионлар, савдо автоматлари ва хоказоларга турланади.

Савдонинг хўжалик механизми, унинг жамиятдаги тўтган ўрни, хусусиятлари, бажарадиган функцияларидан келиб чиқади.

Савдо бозор иқтисодиётининг таркибий ажралмас қисми бўлмиш «Бозор»нинг бир соҳаси сифатида истеъмол товарларини ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга олди-сотди жараёни орқали етказишдек мукаммал функцияни бажаради. Бу жараённи қуйидагича ифодалаш мумкин.



Савдо жараёнида бозорнинг барча элементлари иштирок этади, яъни таклиф, баҳо ва талаб. Савдода рақобат орқали бу элементлар мувофиқлаштирилади.

Ушбу жараёнда савдо жамият иқтисодиётининг кўп тармоқлари ва ҳар хил истеъмолчилар билан иқтисодий алоқага чиқади, ўзининг бошқарув ташкилий тузилмаларини тузади, савдонинг турлари (улгуржи, чакана каби) шохобчалари ҳар хил воситачилар вужудга келади.

Бу жараёнда аҳолига товар сотиш билан бир қаторда товарларни сотиш, уйларига етказиш, истеъмолни ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган хизмат амалга оширилади. Савдога хос тадбиркорлик ривожланади, алоҳида воситачилар гуруҳи вужудга келади. Молиявий субъектлар билан алоқалар ўрнатилади, иқтисодий-молиявий воситалар ишлатилади.

Олди-сотди жараёнига боғлиқ ҳуқуқий воситалар ва нормалар ўз аксини топади.

Ушбу жараёнда ижтимоий воситалар ишга тушади, психологик муҳитлар яратилади ва ҳ.к.

Ва ниҳоят, товар – пул муомаласи билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва психологик муносабатлар шаклланади.

Шундай қилиб, савдонинг хўжалик механизми, жамият хўжалик механизмининг ажралмас қисми, уни ҳаракатлантирувчи актив восита сифатида намоён бўлади.

Савдонинг хўжалик механизми – унинг фаолияти учун зарур бўлган бошқарув усуллари, ташкилий тузилмаси, конкрет хўжалик юритиш шакллари, ҳуқуқий, психологик восита ва нормалар мажмуасидир.

Савдонинг хўжалик механизми қуйидаги элементлардан ташкил топади.

Биринчидан, савдони ташкил қилиш шакллари, савдо корхонаси ва тадбиркорликнинг шакл ва турлари, уларнинг ихтисослашиши, кооперативлашиши, асоциациялашуви ва ҳоказолар.

Иккинчидан, уни бошқариш таркиби, усул ва шакллари. Бу элемент иқтисодий муносабатларни бошқарув аспектига тегишли бўлиб, ишлаб чиқаришга таъсир қилиш учун ишлатиладиган маъмурий ва иқтисодий усулларни ўз ичига олади.

Учинчидан, савдонинг давлат органлари ва иқтисодиётнинг бошқа субъектлари билан молиявий, кредит, пул муносабатлари, олди-сотди ва хўжалик алоқалари.

Тўртинчидан, савдода ишлатиладиган иқтисодий рағбатлантириш шакллари, усуллари, иқтисодий дастаклар (баҳо, иш ҳақи, фойдалар каби).

Бешинчидан, савдо фаолиятини тартибга солишни ҳуқуқий шакл ва усуллари. ҳуқуқий қонунлар, давлат органларининг норматив хужжатлари, кўрсатмалари, савдо ташкилотлари ва корхоналарнинг низоми, устави ва ҳоказлар.

Олтинчидан, савдо муносабатларига таъсир қилувчи социал-психологик омиллар.

Еттинчидан, давлатнинг иқтисодий сиёсати. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон Республикаси давлатининг иқтисодий сиёсатининг асосини бешта устувор йўналишлари ташкил қилади. Уларнинг асосий мазмуни қуйидагиларда ўз ифодасини топади.

1. *Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги.*
2. *Давлат бош ислоҳатчи.*
3. *Қонун ва Конституциянинг устуворлиги.*
4. *Кучли ижтимоий сиёсат юргизиш.*
5. *Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш.*

Бу тартиб ва қоидалар савдо иқтисодиётида ўз ифодасини топади ва унинг фаолиятини йўналтиради.

Саккизинчидан, рақобат, журъат, хавфсизлик, тижорат, сирларининг шакл ва усуллари.

4.3. Иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш шароитида савдо хўжалик механизмини такомиллаштириш йўналишлари

Бозор механизми деганда назарий жиҳатдан (жамият барча соҳаларидаги иш фаолиятларни) амалга ошириш ва тартибга солиш учун ишлатиладиган ташкилий-иқтисодий шакллар, ҳуқуқий нормалар, иқтисодий дастаклар ва бошқарув усулларининг мажмуасига тушунамиз.

Конкрет шароитда бозор механизми – бу ташкилий тузилмалар (таркиб), хўжалик юритиш шакллари, бошқарув усуллари, ҳуқуқий нормалар ва иқтисодий дастаклар мажмуаси орқали иқтисодий қонунлар талабларини жамият томонидан ишлатишдир. Бозор механизмининг элементларига қуйидагилар киради: режалаштириш бошқарувни ташкилий (таркиб) тузилмаси, баҳо, ҳуқуқий нормалар воситалар (солиқ, кредит, санкциялар, бюджетга тўловлар, иш ҳақи рағбатлантириш фонди).

Бозор механизми моҳияти бозор субъектларини товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёндаги иқтисодий фаолиятларининг ягона алоқалар тизимида намоён бўлади. Ушбу жараёнда бозор механизми бир қатор функцияларини бажаради. Уларга ташкилий-бошқарув, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол таркибини шакллантириш, баҳолаш, рағбатлантириш, такрор ишлаб чиқариш иштирокчиларини жамиятдаги ижтимоий ва иқтисодий жавобгарлигини таъминлаш кабиларини киритиш мумкин. Юқоридагилардан келиб чиқиб, бозор механизмини ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан ўзаро боғлиқлигини қуйидагича ёритиш зарур.

Биринчидан, ишлаб чиқариш муносабатлари соҳаси билан алоқаси. Ушбу соҳада бозор механизми ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган барча иқтисодий муносабатларни қамраб олади:

- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш бўйича муносабатлар;
- ишлаб чиқариш корхоналарини тармоқлар, ҳудудлар, давлат ва давлатлараро миқёсида кооперациялаштириш муносабатлари;
- табиий, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланиш муносабатлари;
- инвестициялаш муносабатлари;
- маҳсулотларни баҳолаш муносабатлари ва ҳоказолар.

Иккинчидан, тақсимот соҳасидаги муносабатлар:

- табиий бойликлар, меҳнат, моддий ресурсларни бозор субъектлари ўртасида тақсимлаш (бу тақсимот пул даромадларини, ишчи кучини, моддий техник қувватларни ва табиий бойликларни тақсимлашда ўз ифодасини топади);
- давлат ва бозор субъектлари ўртасида даромадларни тақсимлаш;

• бозор субъектлариаро, улар ичида, яъни бозор субъектлари ва ишчи хизматчилар, акционерлар ўртасида даромад тақсимоти ва бошқалар.

Учинчидан, айирбошлаш жараёнидаги муносабатлар.

• савдони ташкилий тузилмаларини шакллантириш ва савдо менежменти билан боғлиқ муносабатлар;

• савдо фаолиятини тартибга солувчи воситалар, иқтисодий дастаклардан фойдаланишда вужудга келадиган ҳолатлар;

• товар ишлаб чиқарувчилар билан шартномавий муносабатлар;

• улгуржи савдо, биржалар, воситачилар, чакана савдо корхоналарининг ўзаро муносабатлари;

• рақобатчилар билан муносабатлар.

Тўртинчидан, истеъмол соҳасидаги муносабатлар.

• маркетингни ташкил қилиш билан боғлиқ муносабатлар (таклиф ва талабни ўрганиш, реклама, товарларни сотиш, баҳосини шакллантириш);

• олди-сотди жараёнида аҳолига хизматни ташкил қилиш билан боғлиқ муносабатлар;

• рационал истеъмолни шакллантириш билан боғлиқ муносабатлар.

Ушбу муносабатлар бир-бири билан тиғиз боғлиқ бўлиб, бир-бирига қўшилиб кетади, бири-бирига айланади.

Бу тўрт хил муносабатлар макроиқтисодий, мезоиқтисодий ва микроиқтисодий даражаларда намоён бўлади.

Масалан, макроиқтисодий даражада бозор механизм жамиятни бошқаришни ташкилий тузилмаси ва уларни бажарадиган функциялари билан тиғиз боғлиқ бўлиб, унинг ҳаракати ташкилий тузилмалар орқали тартибга солинади.

Бизнинг фикримизча, тармоқлар ва соҳаларни 4 хил катта гуруҳларга бўлиш лозим.

Биринчиси – ўз ичига табиий бойликларни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, дарёлар, денгизлар, океанлар, ўрмон ресурсларини ишлаб чиқарувчи ва қайта ишлаб чиқариш саноатларига етказувчи тармоқлар.

Иккинчиси – табиий бойликларни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дарёлар, денгизлар, океанлар, ўрмон ресурсларини қайта ишлаб чиқарувчи тармоқлар.

Учинчиси – биринчи ва иккинчи гуруҳдаги тармоқларга хизмат кўрсатувчи тармоқлар (транспорт, алоқа, коммунал хўжалик, савдо-сотиқ, тижорат, таъминот кабилар).

Тўртинчиси – бошқарув, юриспруденция, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа аҳолига хизмат кўрсатувчи соҳалардан иборатдир.

Бу даражада вазирликлар, қўмиталар ва бошқа таркибий тузилмалар тузилади, давлат миқиёсида программалаштириш, режалаштириш, давлат мулкидаги корхоналарни бошқариш, жамиятдаги иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, пул муомаласини таъминлаш, кредит, солиқ тизимларини ишга солиш, давлат буюртмаларини бажариш, таълим, соғлиқни сақлаш, мудофаани, ташқи алоқаларни таъминлаш ва бошқа ишлар амалга оширилади.

Мезоиқтисодий даражада тармоқлараро ва соҳалараро муносабатлар амалга оширилади. Ушбу алоқалар олди-сотди шартномалари асосида алоҳида таркибий тузилмалар яратилмасдан амалга оширилади. Айрим ҳолларда тармоқлараро бирлашмалар ёки корпорациялар тузилиши мумкин.

Микроиқтисодий даражада – хўжалик субъектларнинг (корхона) бозор механизми назарда тутилмоқда.

Иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш шароитида савдо корхоналари фаолиятини ўрганиш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, унинг муаммоларини аниқлаш, уларнинг ечимини топиш каби ишлар мураккаб жараён бўлиб, уларни ҳал қилиш учун қуйидагилардан келиб чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, савдонинг келиб чиқиши, моҳиятини илмий асослаган ҳолда ёритиш.

Иккинчидан, савдонинг жамиятдаги тўтган ўрни, аҳамиятини аниқлаб олиш.

Учинчидан, савдода вужудга келадиган иқтисодий, ташкилий ва бошқариш муаммоларини аниқлаб олиш. Бу эса, ўз вақтида, савдо жараёнидаги иқтисодий муносабатларни, унинг иқтисодий механизмини чуқур билишни тақозо қилади.

Тўртинчидан, савдони ташкил қилиш жараёни, савдо корхоналари ва шохобчалари фаолиятининг ҳолатини ривожлантириш тенденцияларини ўрганиш.

Бешинчидан, савдони ташкил қилишнинг чет эл илғор тажрибаларини таҳлил қилиш, уларни ижобий ва Республикамиз иқтисодиётига мос томонларидан фойдаланиш масалаларни ёритиш кабилардир.

Ташкилий-таркибий тузилиши нуқтаи назардан жаҳон амалиётида савдо бир-биридан фарқланадиган ҳар хил шаклларга ва турларга бўлинади.

Мулк шаклидан келиб чиқиб, савдо хусусий, жамоавий (кооператив, акциядор) давлат ва аралаш шаклларга бўлинади.

Товарларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга қараб силжиш нуқтаи назаридан улгуржи ва чакана савдога турланади.

Ҳудудий ташкилланиш жиҳатидан ташқи ва ички савдога бўлинади.

Ушбулардан ташқари, улгуржи ва чакана савдо ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, товар бўйича ихтисослашиши, савдо шохобчаларининг типланиши, товарларни сотишни такомиллаштириш усулларга қараб ҳар хил бўлади. Масалан:

1. Улгуржи савдо универсал, ихтисослашган, улгуржи воситачилар, ҳарид қилувчи марказлар, биржалар ва ҳоказолардан ташкил топади.

2. Чакана савдо универсал, франшиза, супермаркет, гипермаркет, маркет, ихтисослашган озиқ-овқат, посилка орқали савдо, магазиндан ташқари, яъни кўчма савдо, савдо уйлари, савдо марказлари, ўз-ўзига хизмат қилиш савдо шохобчалари, бозор савдоси, ларёклар, киосклар, павилионлар, савдо автоматлари ва ҳоказоларга турланади.

Савдода бозор механизмининг элементларининг асоси бўлиб, уни ташкиллаштиришнинг ҳуқуқий базаси ҳисобланади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасида эса бундай қонун қабул қилинмаган. Дунёнинг кўп давлатларида «Савдо тўғрисида» қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар мавжуд. Шу боис биз илмий тадқиқотимиз доирасида «Савдо фаолияти тўғрисида» қонун лойиҳасини ЎзР Олий Мажлисининг саноат, савдо ва қурилиш бўйича қонунчилик палатасининг таклифига биноан, ишлаб чиқдик, у қонунчилик палатага топширилди ва Олий Мажлисда кўриб чиқиш учун қабул қилинди[12]. Лойиҳани тайёрлашда олимлар ва етук мутахассислар фикрини ўрганиш мақсадида анкета сўрови ўтказилган. Анкета сўровига иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олимлар, СамИСИ профессор-ўқитувчилари, савдонинг етук мутахассислари, вилоят савдо-саноат палатаси мутахассислари, солиқ инспекцияси ходимлари жалб қилинган.

---

[12]Лойиҳа иштирокчилари: и.ф.д. проф., М.Қ.Пардаев, проф. Б.А.Абдукаримов, и.ф.н. Н.А.Камилова, и.ф.н. Т.С.Шарипов, и.ф.н. Ф.Б.Абдукаримовлар.

Сўров натижалари бўйича 100,0 % иштирокчилар қонун зарурлигини таъкидлаб, улардан 84,0 % қонун савдони ривожлантириш ва савдо хизматини такомиллаштиришга; 73,0 % истеъмол товарларини сифатини яхшилашга, ассортиментини кенгайтиришга; 58,0 % савдо ходимларини касбий маҳоратини оширишга олиб келишини таъкидлашган.

Савдонинг бозор механизмини ёритар эканмиз, Ўзбекистонда тарихан савдо соҳасида етарли ўрин эгаллаб келган, қишлоқ аҳолисининг истеъмол товарларига бўлган талабини 80-90 фоизга таъминлаб келган матлубот кооперацияси фаолиятига баҳо бермай, ушбу соҳани ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш масалаларига тўхталиб ўтмасдан бўлмайди.

Ушбу масалани кўришда, шуни таъкидлаш жоизки, матлубот кооперациясининг илмий-назарий ва амалий муаммоларини ўрганишга чет эл иқтисодчи олимлари, шу жумладан, МДҲнинг барча давлатларида эътибор қаратиб, илмий-тадқиқот ишлари олиб боришмоқда, илмий ва оммабоп адабиётлар чоп этилиб келаётган бир вақтда Ўзбекистонда матлубот кооперациясининг муаммолари илм аҳлининг назаридан четда қолмоқда. Ушбу соҳанинг муаммоларига журъат қилиб қўл ўрганлар саноқли. Улар қаторига и.ф.д., Ш.Ж.Эргашходжаевани мисол келтириш мумкин[13].

Илмий ва оммабоп адабиётларда ҳамда айрим қонуний ҳужжатларда «Кооперация» ва «Матлубот кооперацияси» терминларига ҳар хил таърифлар берилади. Ушбу масалага биз ўз қарашларимизни қисқача ёритиб ўтамиз.

Кооперация лотинчи «сооператио» сўзидан келиб чиқиб, ҳамкорлик қилиш, биргаликда ишлаш маъносини билдиради.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «кооперация»га қуйидагича таъриф берилган: 1. «Ўзаро боғланган ишлаб чиқариш процессида ёки саноат тармоқларида кишиларнинг ёки ташкилотларнинг ҳамкорлик асосида ишлашни ташкил этиш формаси.

2. Пайчилардан тушган маблағ асосида тузилган савдо-сотиқ ёки ишлаб чиқариш корхонаси, жамияти»[14].

Русча-ўзбекча луғатда – «бирлашиб ишлаш, ҳамкорлик, кооператив асосида тузилган ишлаб чиқариш, савдо ташкилотлари»

---

[13] Ш.Ж.Эргашходжаева: 1.1. «Матлубот кооперацияси корхоналарида маркетинг ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш» («Ўзбекбирлашув акционерлик компанияси мисолида) и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: ТДИУ. – 1999 ; 1.2. «Бозор рақобати шароитида қишлоқ жойларда кооперацияни ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси» и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, ТДИУ. 2007.; 1.3. «Қишлоқ жойларда кооперацияни ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси». Монография. Т.: «Фан», 2006.

[14] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М.: «Рус тили» нашриёти. 1981. – 398-бет.

деб таърифланган[15]. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «Матлубот кооперацияси – аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун тузилган кооперация» деб таърифланган[16].

Чет тиллари луғатида – «кооператив лотинча «кооператио» сўзидан олиниб ҳамкорлик мазмунини англатиши ва шахсларнинг ишлаб чиқариш маҳсулотларини сотиш, товарлар ва хизматларни сотиб олиш, истеъмол қилиш, уй-жойларини қуриш, ишлатиш ва бошқа соҳаларда ўз хоҳишлари билан бирлашиб тузган хўжалик субъекти сифатида изоҳланган[17].

«Ўзбек совет энциклопедияси»да кооперация қуйидагича таърифланган:

1. Меҳнатни ташкил қилиш шакли, бунда кишилар маълум бир ишни ёки бир-бири билан боғлиқ бўлган хилма-хил ишни бажариш учун биргаликда меҳнат қиладилар.

2. Ишчилар, майда ҳунармандлар, деҳқонлар, хизматчиларнинг оммавий ихтиёрий уюшмаси[18].

Қисқача иқтисодий луғатда эса матлубот кооперациясига кенгроқ таъриф берилади: матлубот кооперацияси жамоа хўжалиги-кооператив мулкига асосланган оммавий ташкилоти бўлиб, у фуқароларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондиришга, уларнинг сиёсий фаоллиги ва ташаббусини ривожлантиришга ёрдам берувчи, асосан қишлоқ жойларда ва унча катта бўлмаган шаҳарларда территориал ишлаб чиқариш белгиси бўйича район, вилоят, республика уюшмаларига (матлубот уюшмаларига) бирлашган матлубот кооперативлари ташкил этади[19]. «Кооператив (кооператив, коор, сооператусе) дастлабки босқичда ўз-ўзини бошқариш ва молиялаштириш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун ихтиёрий равишда бирлашган фуқаролар гуруҳини жамлаган ташкилот. Ҳамкорликда маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш, сотиб олиш, товарлар истеъмоли ва хизмат кўрсатиш мақсадида ташкил этилади. Унда жамғармалар қатнашчиларнинг пай ва бадаллари асосида вужудга келади»[20].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 73-моддасига кўра «Иштирокчиларнинг (моддий, мулкий) эҳтиёжларини қондириш мақсадида фуқароларнинг аъзоликка асосланган

---

[15] Руспа-ўзбекча луғат. Т.: «Ўқитувчи» нашриёти – 1972. – 197-бет.
[16] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М.: «Рус тили» нашриёти. 1981. – 452-бет.
[17] Словарь иностранных слов. М.: «Русский язык». 1985. Стр 253.
[18] Ўзбек совет энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон, 1975. 6-жилд.
[19] Қисқача иқтисодий луғат Т., Ўзбекистон, 1988. – 130-бет.
[20] Эркаев Б.А., Каримова Г.И. Бозор иқтисодиёти. Т.: Шарқ,, 1997, 88-бет.

ихтиёрий бирлашмаси матлубот кооперативи ҳисобланиб, бу бирлашув унинг аъзолари томонидан ўз мулкий (пай) бадалларини қўшиш йўли билан амалга оширилади...», деб эътироф этилган. Бу таърифларда матлубот кооперациясининг ҳуқуқий мақоми ўзининг аниқ ифодасини топмаган.

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Кооперация тўғрисида»ги Қонуннинг сўнгги таҳрири (1993 йил 28 декабрда ва 1998 йил 29 августда унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган) 3.1-моддасида матлубот кооперациясининг ҳуқуқий мақоми қуйидагича белгиланган: «Ўзбекистон Республикасида кооперация жисмоний ва юридик шахсларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий фаолиятининг турли соҳаларида умумий мақсадларга эришиш учун ташкилий жиҳатдан расмийлаштирлиган, мулкнинг ширкат (жамоа) шаклига асосланган ихтиёрий бирлашмаларидан (кооперативларидан) иборатдир».

Мазкур модданинг иккинчи бандида эса Ўзбекистон Республикасида аҳолининг маҳсулотлари, ишлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун, шунингдек, фойда (даромад) олиш мақсадида тузиладиган матлубот, ишлаб чиқариш ва аралаш ишлаб чиқариш- матлубот кооперативлари амал қилади[21] дейилган.

Ушбу қонунларда давлатнинг бошқарув органлари ва матлубот кооперацияларининг ўзаро муносабатлари, уларнинг амалий фаолиятлари бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолатда тавсифланган. Аксарият қолларда, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳам комплекс равишда бир-бирини тўлдириб бориши ўзининг аниқ ифодасини топган. Гарчанд матлубот кооперациясининг тавсифи ва вазифалари ижтимоий тизимнинг моҳиятига қараб аниқланса-да, азалдан айни ўша даврда ва ҳаттоки ҳозирда ҳам халқаро кооператив тизимнинг демократик тамойиллар асосида иш юритилмаяпти.

Бизнинг фикримизча, матлубот кооперацияси тарихан ижтимоий оммавий ва хўжалик юритувчи бирлашма сифатида, айнан бозор муносабатлари шаклланаётган даврда вужудга келган бўлиб, у бозор иқтисодиётининг салбий жиҳатларидан ўз аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш, уларни энг зарур эҳтиёжларини қондириш учун ихтиёрий равишда тузилган, жамоа мулкка асосланган, демократик тамойиллар асосида хўжалик юритувчи бозор иқтисодиётига асосланган тизимнинг ажралмас бир таркибий шаклидир.

---

[21] Ўзбекистоннинг янги қонунлари. – Т.: Адолат. 1995. №10, 88-бет; 1999, № 20, 136-бет.

Унинг вужудга келишининг асоси бўлиб, ер юзида бозор муносабатларини шаклланиш даври ҳисобланади. Матлубот кооперацияси жамиятда бозор иқтисодиётини салбий томонларидан ҳимоя истаган кишилар томонидан яратилиб, мана 170 йилдан ортиқ давр ичида бутун ер юзидаги давлатларда кенг фаолият билан шуғулланиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра (53-модда), бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Шу боисдан Ўзбекистон матлубот кооперацияси фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳуқуқий актлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қапбул қилинадиган фармонлар, фармойишлар, Ўзбекистон Респбуликаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинадиган қарор, маҳаллий давлат ҳокимият органларининг порматив актлари, шунингдек, матлубот кооперациясининг Устави ташкил этади.

Мазкур тизимнинг жаҳон миқиёсидаги ўрни ва мавқеи ҳам бекиёс.

Кооперацияга паст назар билан қараш, унинг ҳатто энг маданий шаклларини истамаслик – бу жамоавий хўжалик тизимининг чўравонлик ва матлубот кооперациялари томонидан қишлоқ аҳолисини оммавий равишда алдашнинг оқибатидир[22].

Маълумотларга кўра, ўтган асрнинг 80-йиллари охирига келиб, дунёда 600 млн. ортиқ кооператив аъзолари бўлиб, улардан 502 млн.и 1895 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган Халқаро Кооператив Альянсга (ХКА) бирлашганлар[23].

1995 йилда Копенгагенда ўтказилган жаҳон ижтимоий тараққиёти масалаларига бағишланган БМТнинг конференциясида халқаро кооператив ҳаракат тоборо юксалиб бораётганлиги ҳақида сўз юритилиб, яъни бу даврга келиб, дунё кооператорларининг умумий сони 800 млн. кишини ташкил этиши, 100 млн.дан ортиқ киши мазкур тизимда хизмат қилаётганлиги таъкидланди[24].

1995 йил 20-23 сентябрда Манчестер шаҳрида халқаро Кооператив Альянс ташкил топганлигининг 100 йиллигига бағишланган конгрессда унинг босиб ўтган йўлига холисона баҳо берилиб, «XXI

---

[22] Леонид Ливитин, Дональд С Корлайл Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. – Т.: Ўзбекистон, 1996, 68-бет

[23] Масленников В.П. Кооперация в странах Азии и Африки. М.: Экономика, 1988. С. 3.

[24] 1995 йил декабр БМТнинг 49-сессияси материаллари

асрга кооперация қандай киради?» деган муаммолар муҳокама этилди ва унинг халқаро жамиятдаги ўрни ва роли, серқирра фаолиятининг эркин бозор шароитида янада барқарорлашуви ҳақида конгресс қатнашчилари томонидан ижобий фикрлар билдирилган.

1999 йили БМТ Бош котиби томонидан БМТнинг бош асамблиясининг 54 сессиясига «Янги ижтимоий-иқтисодий тенденциялар шароитида кооперативлар статуси ва аҳамияти» мавзусида маъруза киритилди[25].

Ушбу сессияда кўрилган бир қатор муаммолар (кооперативларни аҳамиятини тан олиш, кооперативлар ва кооперация ҳаракатига нисбатан сиёсат; илмий-тадқиқотлар, статистика ва ахборотлар, кооператив таълим; ҳамкорликнинг ташкилий механизми) қаторида кооперацияда қонунчилик масаласи ҳам муҳокама қилиниб, уларни ҳуқуқий мақоми сифатида миллий қоидалар ётиши, уларда кооперативларни статуси, ҳуқуқи ва жавобгарликлари акс этишини таъкидлаб ўтилган.

БМТнинг «Халқаро меҳнатни ташкил қилиш» ташкилотининг 1996 йилги Бош Ассамблиясининг кооперациялар тўғрисидаги таклифларида ҳар бир давлатда махсус кооперацияга тааллуқли қонун бўлиши шартлигини, бундай қонун кооперацияни барча турлари бўйича ишлатилиши таъкидлаб ўтилган.

2013 йил 1 январ ҳолатига кўра Ўзбекистон аҳолисининг 48,7 фонзи[26] ташкил этган қишлоқ жойларда яшовчи истеъмолчиларга беминнат матлуботсавдо хизмати кўрсатиш учун азалдан амалда бўлган мазкур тизим негадир кейинги вақтларда ўзининг анъанавий фаолиятини сусайтириб юборди. Қонуний устав меъёрларидан ҳам чекиниб ва ҳатто, тизимни ривожлантириш борасида қабул қилинган ҳукумат қарорларидан асоссиз чекиниб, соҳа бошқарув органлари раҳбарий звеноларида қонун талабларини тўла-тукис субъективизмга ён бериш ҳоллари кўзга ташланмоқда. Масалан, 1993 йилнинг 26 мартида бўлиб ўтган «Ўзбекбирлашув» Кенгашининг йиғилиши ўз ваколати доирасидан четга чиқиб, фаолиятига дахлдор бўлмаган масалаларни ҳал қилишга журъат этиши ўта ноқонуний ҳаракатдир.

Республика қишлоқ савдосида олиб борилаётган ислоҳотларнинг аҳволини ўрганиш, қишлоқ аҳолисини кундалик эҳтиёж

---

[25] Конгресс Международного кооперативного альянса в Квебек-Сити (Канада) о ценностях кооперативного членства. Квебек-Сити. 30 август – 2 сентябр. 1999.

[26] Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. - Т.: 2013. 42-бет маълумотлари асосида ҳисобланди.

моллари, жумладан, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги савдо хизматини яхшилаш, ҳамда «Ўзбекбирлашув» ва унинг жойлардаги бўлимлари раҳбарларининг бозор иқтисоди шароитида кенг кўламли фаолиятини ташкил этиш борасидаги масъулиятини ошириш мақсадида 1997 йилнинг 6 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси матлубот кооперацияси тизимидаги корхоналар томонидан аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг аҳволини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинди.

Ушбу фармойиш матлубот кооперациялари фаолиятини янада яхшилаш, ўзининг серқирра хўжалик юритувчи имкониятларидан кенгроқ фойдаланиб, уни янги босқичга кўтаришда муҳим асос бўлиб хизмат қиладиган тарихий аҳамиятли ҳуқуқий ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1997 йил 25 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди. Унда июнь ойининг охирги якшанбаси савдо, матлубот кооперацияси ва маиший хизмат кўрсатиш ходимлари куни деб[27] белгиланди ва у касб байрами сифатида кенг нишонланмокда.

Айни пайтда, матлубот кооперациясининг мамлакат иқтисодиётидаги улуши, афсуски, муттасил камайиб бормокда, тизимининг асосий тармоқлари ишдан чиқмокда, кўпчилик корхоналар банкрот ҳолатга тушиб, ўз фаолиятларини тўхтатмокда. Бунинг натижасида савдо, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий фаолиятни жонлаштириш борасида қилинаётган ҳаракатлар зое кетмокда.

Республикада ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида рўй бераётган таркибий ўзгаришлар кўп жиҳатдан ички савдо, жумладан, кооператив савдода катта ўзгаришларга олиб келди.

1991 йилда республика чакана товар айланишида давлат савдоси 47,5 %, нодавлат савдоси 52,5%, жумладан кооператив савдо 43,5 % ташкил қилган бўлса, 2013 йилга келиб давлат савдоси 0,1 %, нодавлат сектори – 99,9 %, жумладан хусусий савдо – 73,7 %, кооператив савдо – 2,1 %, нарсалар ва деҳқон бозорлари – 24,2 % ташкил қилган. Шундай қилиб кооператив савдонинг умумий чакана товар айланишидаги ҳиссаси 41,4 пунктга (43,5-2,1) камаяркан.

Бозор механизми бирламчи бўлиб савдо соҳасида шаклланаётганди. Хусусий савдо асосий ўринни эгаллади. Товар тақсимоти

[27] Ўзбекистонинг янги қонунлари. №16. – Т.: Адолат, 1997, 97-бет.

ўрнига очиқ бозор механизми кириб келди. Лекин давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларида салбий тенденциялар ҳам вужудга келди. Яъни алоҳидалашиш, бўлиниш натижасида савдо корхоналарининг таркиби бузилди. Ҳозирги кунда умумий товар айланишда универсал, нарсалар ва озиқ-овқатлар бозорининг ҳиссаси 24,0 % ташкил қилиши юқоридаги хулосамизга далилдир.

Кооператив савдода рўй берган салбий оқибатларни умумлаштириб қуйидаги ҳолатларни келтириш мумкин.

Чакана савдо шохобчаларини майдалашиб кетганлиги, 2012 йилнинг 1 январига қадар республикада жами магазинларнинг сони 87514 та, уларнинг савдо майдони 3379,2 минг кв.м. ни ташкил этган[28].

Республикада 48,7 % аҳолиси қишлоқда яшайди, жами магазинларнинг 36,4 % қишлоқларда жойлашган. Қишлоқларда магазинларнинг ўртача майдони 27,3 кв.м. ташкил қилади[29].

Савдода товарларни силжитиш бўғинларини кўпайиши, натижада товарлар ишлаб чиқаришдан бир неча воситачилар орқали чакана савдо бўғинига етиб келади, табиий ҳолда товарларни баҳоси ортиб боради.

Ҳозирги кундаги яна бир салбий ҳолат савдо ходимларининг касбий маҳорати етишмовчилиги, бозор механизми жорий қилиниши савдога унинг маданияти, этикаси, касбий тайёргарлиги йўқ инсонларини кириб келишидан иборат.

Ва ниҳоят савдо шоҳобчаларини типланиши ва ихтисосланиши тубдан бузилди, ривожланган давлатлардан кескин фарқ қилади.

Тизимдаги хўжаликларни акционерлик корхоналар ва ташкилотларга айлантириш бўйича кўрилаётган чоралар ҳам кам самара бермоқда. Матлубот кооперацияси тизими жиддий ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий муаммоларга дуч келиб қолди.

Бинобарин, бу муаммолардан чиқиш йўлларини комплекс илмий таҳлил қилиш, амалиёт учун зарур, илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга зудлик билан татбиқ этишнинг фурсати етди.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 15 март 782-рақамли «Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва

[28]Торговля В Узбекистане. Статистический сборник.-Т, 2012. 63 стр
[29]Торговля В Узбекистане. Статистический сборник.-Т, 2012. 63 стр

...ишлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор ...ишлари тўғрисида»ги Фармони, 1995 йил 12 июндаги «Давлат ...ш бўлган корхоналарни акциялаштириш чора-тадбирлари ...рисида»ги Фармонларида мулкни изчиллик билан давлат ...рўйхатидан чиқариш ва хусусийлаштиришни таъминлаш, шу ...да ижтимоий йўналтирилган кўп тармоқли бозор ...содиётини шакллантириш, давлатга дахлдор бўлмаган ...ларнинг ролини кучайтириш ва рақобат муҳитини вужудга ...ириш чора-тадбирлари белгиланганлигига қарамасдан, ...иший саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, давлат савдоси ...умумий овқатланиш корхоналари ҳамда ташкилотларини давлат ...рўйхатидан чиқариш ва хусусийлаштиришни бу борадаги қонун-...ҳаракатларни содир этганлиги сабабли тизимда мунтазам хўжа-...фаолиятини изчил юритишда раҳна солиб келганлигини қайд ...ши мумкин.

Ҳақиқатдан ҳам матлубот кооперацияси мамлакат халқ ...ишлаги тизимининг энг шаклланган таркибий қисми бўлиб, унинг ...содиётда тадбиркорлик фаолиятининг мукаммал шакли бўлган.

...кса тартибда фаолият кўрсатувчи субъектларга қараганда ...моатчилик асосида ҳуқуқий тартибда фаолият кўрсатишда ...ақчон бозор шароитига мослашиб, давлат савдоси, ...қовчилик, бозорда нархларнинг ҳаддан ошиб кетишини ...ловлаб турган жамоатчилик ташкилоти эди.

Шу жиҳатлари билан ҳам матлубот кооперацияси назарий ва ...ий томондан катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳозирда, юқорида бир ...ча марта таъкидланганидек, кооператив ҳаракатнинг ривож-...ишини мураккаб жараёнларни бошдан кечирмоқда, унинг ...ятида бузилишлар ва турли ноқонуний ҳаракатлар кузатил-...моқда. Бундай ҳолатлардан чиқиш ва бозор шароитидан ўзини ...қлаб қолиш учун матлубот кооперацияси баъзан ўз моҳиятини ...ётиб, хусусий тадбиркорлик йўлини тутмоқда. Бу ҳол, ...ишича, ҳозирги кунда муҳим фаолият турларидан бўлса-да, ...кин жамоа бўлиб фаолият кўрсатадиган матлубот ...операциясининг ўзидек мамлакат иқтисодиётига сезиларли ҳисса ...ин олиши қийин кўринади. Агар матлубот кооперацияси ўз ...ида мамлакат ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётида ...оҳиятли ўрин эгаллаганлиги инобатга олинса, бу ...еспубликамизда олиб борилаётган устувор иқтисодий

концепциянинг тезроқ амалга ошишига муносиб ҳисса қўшган бўларди.

Ҳозир фаолият кўрсатаётган матлубот кооперацияси тизими социалистик ориентация қобиғидан ажралиб чиққан. Албатта давлатнинг ягона иқтисодий концепцияси доирасида фаолият кўрсатиш матлубот кооперациясига ҳам, шубҳасиз, тааллуқли. Гап фақат унинг фаолиятини тубдан ўзгартириш, унинг мазкур концепция асосида ташкилий-ҳуқуқий нуқтаи назардан амалдаги қонун, ҳужжат ва нормаларга қатъий мувофиқлаштирилиши ҳақида бормоқда.

Биз матлубот кооперациясини ислоҳ этишни қуйидаги концептуал йўналишларига кўра, тўрт асосий босқичда олиб боришни таклиф этамиз:

- ташкилий масалалар. Бу даврда тизим фаолиятини шаклланаётган бозор шароитига ҳар тарафлама мослаштиришнинг илмий-амалий, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари асослаб берилган дастурни ишлаб чиқиш назарда тутилади;
- мазкур тизимни бошқаришни тартибга солувчи комплекс бошқарувининг махсус йўриқномаси, низомини ишлаб чиқиш;
- тизимнинг молиявий-ҳуқуқий фаолиятини давлат йўли билан ялпи тафтиш қилиш мезонларини яратиш;
- замонавий кадрлар тайёрлаш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Шу фикрни давом эттириб айтиш мумкинки, ҳозир ҳам амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг «Кооперация тўғрисида»ги Қонуни (1991 йил 14 июн) 1993 йил 28 декабр, 1998 йил 29 августда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлса-да, унга асосланиб чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатлар бизнингча, мураккаб бозор шароитига тўлиқ жавоб бера олади, деб айтиш қийин. Чунки кооператив ташкилотларнинг мулкий, ташкилий, ҳуқуқий асослари тубдан ўзгарди. Шу сабабли бугунги кун талабидан келиб чиқиб, Президентнинг Фармонлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг матлубот кооперацияси тўғрисида қабул қилинган қарорлари ва жаҳон матлубот кооперацияси тизимининг илғор тажрибаларига асосланиб, Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари Мониторинги институти хулосалари асосида «Ўзбекистон Республикасининг Матлубот кооперацияси тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда кооперация, жумладан, матлубот кооперацияси бирча мамлакатларда мавжуддир. Уларда кооперация фаолияти қонун асосида бошқарилиб борилади. Масалан, Англияда – 1852 йилда, Францияда – 1867 йилда кооперация тўғрисидаги қонун қабул қилинган. (Ўзбекистонда 1991 йилда кооперация тўғрисидаги қонун қабул қилинган.) Лекин матлубот кооперацияси тўғрисида унинг хусусиятларидан келиб чиқиб алоҳида қонун қабул қилиш тарихий ва амалий нуқтаи назардан асосли деб ҳисоблаймиз. Чунки, МДҲ давлатларининг кўпчилигида матлубот кооперацияси тўғрисида махсус қонунлар қабул қилинган (Россия, Украина, Белоруссия ва бошқа ҳамдўстлик давлатларида).

Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини мамлакат аҳолисининг асосий кўпчилик қисмини ташкил этган қишлоқ аҳолиси онгига сингдиришда мазкур қонун, шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади.

Президент Ислом Каримов халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг 2001 йил 11 сентябрда бўлган навбатдан ташқари сессиясида савдо тизимидаги нохуш ҳолларни таҳлил қилиб, аҳолини кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлашдаги камчиликлар ҳам одамларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Дўконларда гугурт, туз, ўсимлик ёғи, совун, макарон каби оддий маҳсулотларнинг бўлмаслигини фақат сунъий тақчиллик яратиш ва ғаразли ўз чўнтагини тўлдириш учун қилган иш, тўғрироғи жиноят деб баҳолаш керак»[30] деган ҳақ гапни айтган эди.

Бу ҳол матлубот кооперацияси тизимидаги ҳолатга давлат раҳбари томонидан берилган салбий баҳо эди. Шу боис Президент ушбу тизимнинг истиқболига ва мавжуд имкониятларига кейинги вақтда алоҳида тўхталиб, тегишли фармойишлар қабул қилди, ҳукуматнинг нуфузли давлат комиссиялари ташкил этилди, жойларда тизимнинг истиқболи ўрганилиб, уни ривожлантириш йўллари аниқ белгилаб олинди.

Кооператив савдонинг бирламчи ва асосий функцияси бу – товар ишлаб чиқаришдан то уни қишлоқ истеъмолчиларига етказиб беришгача бўлган жараёнларни ташкил этади.

Кейинги пайтларда савдо маданиятига деярли эътибор берилмай қўйилди. Бу, ўз навбатида, савдонинг ёввойи, ўта ибтидоий шаклининг таркиб топишига сабаб бўлмоқдаки, натижада азалдан

[30] Халқ сўзи, - 2001, - 12 сентябр.

халқ моддий фаровонлигининг барометри ҳисобланиб келинган тижорат фаолиятининг бузилиш даражасигача етиб келди.

Маълумки, илгари савдо тизими орқали ишлаб чиқарилган истеъмол молларининг 80 % и сотиларди. Ундан ташқари пул давлат хазинасига жами валюта тушумининг 90 %идан ортиғини ташкил этиб, пул эмиссиясига ижобий таъсир кўрсатар, унинг қадрсизланиши олди олинар эди. Ҳозир эса бу ҳолатга давлат томонидан кўрсатилаётган чора-тадбирларнинг ҳар тарафлама изчил амалга оширилишига қарамасдан, кўпчилик савдо аҳлининг ўз манфаатлари йўлида ҳар қандай ғайриқонуний ҳаракатлардан тийилмаётганликлари сабабли барҳам бериш жуда оғир кечмоқда, бу табиий равишда ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариб, халқимизда норозиликлар туғдирмоқда. Модомики, хўжалик юритишнинг кооператив шакли жаҳон хўжалигининг энг самарали ҳосилаларидан бири экан, ундан Республика шароитида унумли фойдаланиш учун халқаро тажрибаларни кенг кўламда ўрганиш ва жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида баён қилинганлар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, хусусийлаштирилган кооператив савдо дўконлари, корхоналар қишлоқда соғлом рақобат муҳитини ташкил этишга қодир мукобил ишбилармонлик сифатида шаклланаолмаяпти. Бунинг устига, хусусийлаштирилган дўконларнинг аксарияти ресурсларнинг етишмаслиги ва давлат томонидан белгиланган қонун талабларини бажара олмасликлари туфайли деярли фаолият кўрсатмай қўйдилар.

Иккинчидан, матлубот кооперациялари объектларини хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг етарли эмаслиги аниқ бўлиб қолди (бу ҳақда эса бирор жойда расмий маълумот йўқ).

Учинчидан, матлубот кооперацияси мулкларини хусусийлаштириш натижасида жуда катта ижтимоий, иқтисодий йўқотишлар содир бўлди. Хусусан, қишлоқ аҳолиси ўрганиб қолган дўконларнинг иш тартиби бузилди, улардаги мол ва маҳсулотлар ассортиментлари ассосиз равишда камайиб кетди, аксарият дўконлар ўз фаолиятини тўхтатди. Уларда кундалик эҳтиёж моллари билан савдо қилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Матлубот кооперацияси тизимида акциядорлик жамиятларининг ташкил этилиши борасидаги ишлар ҳам, юқорида таъкидлангани-

дек, охиригача пухта ва изчиллик билан давом этмокда. Масалан, пай захирасининг тақдири, пай бадаллари, мулкни тақсимлаш, хусусан, ўрта ва юқори кооператив бўғин ваколатига кирувчи тақсимлаш тўғрисидаги масалани олдиндан ҳал қилмай туриб, матлубот кооперациялари шошилинч равишда акциядорлик кооператив корхоналарига айлантирилди. Натижада битта ташкилий тизимда айни пайтнинг ўзида мақсадлари, вазифалари ва хўжалик юритишнинг турли хил моделлари вужудга келди. Бундай ҳолат мамлакат ҳаётида руй бераётган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини ўрганиш бобида муайян қийинчиликларни келтириб чиқарди. Бизнингча, акциялаштириш хўжалик юритишнинг усули сифатида, албатта матлубот кооперацияси тизимида фойдаланиш учун қулай ва ишончли асосга эга.

Бунинг учун, биринчи навбатда, «Матлубот кооперацияси» тизими фаолиятини яхшилаш учун қуйидаги чораларни амалга оширишни лозим деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, «Матлубот кооперацияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонунини қабул қилиш.

Ушбу қонунда, бизнингча, қуйидагилар ўз ифодасини топиши лозим: Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясидаги матлубот кооперациясининг иқтисодий ижтимоий, ташкилий-ҳуқуқий асосларига доир фикрлар фақат шу тизимнинг фаолиятига бағишланиши керак;

- матлубот кооперацияси аъзолигига нафақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ёки ҳуқуқий шахслар, шунингдек, хорижий давлатларнинг фуқаролари ва ҳуқуқий шахслари ҳам шартнома ва битим асосида қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир;

- матлубот кооперациялари жамоат ташкилотлари сифатида эмас, балки бозор муносабатларининг субъектлари тарзида тижорий ва мулкий мақсаднигина кўзлаб иш юритиши алоҳида қайд этилмоғи лозим;

- матлубот кооперациясининг қуйи ва юқори тизимлари бошқарувининг олий ва маҳаллий ҳокимият идоралари билан ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асосларини белгилаб қўйиш керак.

Иккинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида матлубот кооперациясини шакллантиришнинг давлат дастурини ишлаб чиқиш, унинг асосида истиқболли фаолиятни амалга ошириш чорасини кўриш.

Учинчидан, матлуботсавдо хизмати тизими фаолиятида мавжу нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш, қишлоқ аҳолисин замонавий савдо хизматини кўрсатиш, тизимда иқтисоди ислоҳотларни жадаллаштириш ва қишлоқ жойларда фаолия кўрсатаётган барча савдо субъектларини ягона бозор муносабат ларига мувофиқлаштиришнинг илмий асосланган мақбул шаклин қарор топтириш;

Тўртинчидан, тизимда ислоҳотлар жараёнининг давла органлари ва матлубот кооперациясининг ўзаро муносабатларин шакллантиришда халқаро кооператив меъёрларга монан демократик бошқарув тизимига асосланишини таъминлаш;

Бешинчидан, қадимдан жаҳон цивилизациясининг мадани мероси ҳисобланган кооператив савдо соҳасини, унинг бетакро анъаналарини ҳозирги давр руҳига мос тарзда уйғунлаштириш мамлакатда ҳуқуқий миллий, ўзбекона, шарқона, намунали в барқарор «Матлуботсавдо» тизимини шакллантириш, пировар натижада жаҳон кооператив ҳаракатининг маркази ҳисобланга Швеция давлати каби, албатта, халқаро кооператив ҳаракатд ўзининг муносиб ўрнини топтириш.

Президент И.А.Каримов 2009 йилнинг асосий якунлари ва 201 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг эн муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси нинг мажмуасидаги маърузасида Вазирлар Маҳкамаси олдида турга вазифалар тўғрисида тўхталиб қуйидагиларни таъкидлади: «Вазир лар Маҳкамаси қабул қилган тармоқ дастурларини яна бир бо танқидий қайта кўриб чиқиши, уларга тузатишлар киритиш ва жада амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриши лозим.

Бу борада қуйидагиларни эътиборга олиш даркор ...корхонала ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва уларн кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, б жараёнга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фао жалб қилиш зарур. Республика саноат ярмаркаси ва кооперац биржаси ишини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш лозим Шуни назарда тутиш керакки, кооперация алоқаларин ривожлантириш ҳозирги шароитда корхоналар ва иқтисодиё тармоқлари фаолияти барқарорлигининг кучли омили, маҳсуло ларнинг янги турларини ўзлаштириш ва энг асосийси – янги и ўринларини яратиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини кўпай

тиришнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади[31]« деб такидлаган. Бу муаммоларни ечиш савдо соҳасининг ташкилий тузилмасини тубдан янгилаш ва такомиллаштиришни такозо қилади.

Ушбу фикримизни асослашга Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида келтирилган қуйидаги топшириқлари мисол бўла олади: «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлик субъектларининг **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари уюшмасини ташкил этиш** тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин ва унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарини модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестициялар ва кредит ресурсларини кенг жалб этишда кўмаклашиш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, кичик корхоналар томонидан ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошли бўлган маҳсулотларнинг янги турлари ишлаб чиқарилишини ўзлаштиришда ҳамда уларни жаҳон ва минтақа бозорларига киритишда кўмаклашиш;

уюшма таркибига кирадиган корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари учун кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш»[32].

Бизнинг фикримизча, ушбу алоқаларни бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган даражада ташкил қилиш учун, товарлар ишлаб чиқарувчиларни ва уларни айирбошлаш билан шуғулланувчилар самарадорлигини ошириш мақсадида савдо соҳасини ташкилий тузилмасини такомиллаштириш зарур. Бизлар савдо соҳасини ташкилий тузилмасини бир вариантини таклиф этмоқдамиз. Ички савдонинг ташкилий тузилмаси 4.3.1-расмда келтирилган.

---

[31]Каримов И.А. «Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш». Халқ сўзи газетаси, 2010 йил 27 февраль № 41 (4936). 2 бет.

[32]И.А.Каримов «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи, 2010 йил 27 февраль, № 41 (4956).



4.3.1-расм. **Ички савдо ва умумий овқатланиш соҳасининг ташкилий тузилмаси**

[33]Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилувчи, қайта ишловчи ва сотувчи корхоналарнинг базалари; дори-дармон базалари; китоб базалари; идора ашёлари базалари; умумий овқатланиш шохобчаларини маҳсулот билан таъминловчи майда улгуржи базалар.

Таянч иборалар: *миллий иқтисодиёт, жамият, хўжалик механизми, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, хўжалик механизми, хўжалик механизм элементлари, макроиқтисодий алоқалар, мезоиқтисодий муносабатлар, макроиқтисодий муносабатлар.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Миллий иқтисодиёт нима?
2. Жамиятни асосий мақсади?
3. Хўжалик механизми тушунчаси?
4. Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар нималарда намоён бўлади?
5. Савдонинг хўжалик механизми моҳиятини ёритинг?
6. Савдо хўжалик механизми қандай элементлардан ташкил топади?

V боб. САВДО СОҲАСИДА ИҚТИСОДИЙ ИШ ВА УНИ ЯХШИЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎЛЛАРИ

5.1. Иқтисодий ишнинг моҳияти ва муаммолари

5.2. Савдода хўжалик фаолиятини режалаштириш қоидалари ва усуллари

5.3. Савдода хўжалик фаолиятини таҳлилининг мазмуни, вазифалари ва усуллари

5.4. Иқтисодий ахборотлар тушунчаси, турлари ва унда статистикани аҳамияти

* * *

5.1. Иқтисодий ишнинг моҳияти ва муаммолари

Иқтисодий иш иқтисодий ҳодисалар, жараёнларни сон ва сифат томонини ўрганиш, ҳисобга олиш билан, яъни хўжалик фаолиятини бошқариш жараёни билан боғлиқ.

Иқтисодий иш натижаси иқтисодий ахборотлар орқали намоён бўлади. Савдода иқтисодий иш натижаси қуйидагиларда ўз аксини топади:

1. Ҳудудни иқтисодий ҳолатини, кўрсаткичларини ўрганиш.
2. Ҳар хил ҳисоботларни олиб бориш.
3. Талабни ўрганиш ва прогноз қилиш.
4. Илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш, ҳаётга татбиқ қилиш.
5. Ҳар хил услубий қўлланмалар, кўрсатмалар, инструкциялар, таклифлар ишлаб чиқиш.
6. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш.
7. Прогнозлаш ва режалаштириш.
8. Хўжалик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган техник иқтисодий ва ижтимоий тадбирлар ишлаб чиқиш.
9. Буюртмалар, шартномалар тузиш.
10. Бозор коньюнктурасини ўрганиш.
11. Бошқарув қарорларини қабул қилиш.
12. Режалар, тадбирлар, бошқарув қарорларини бажарилишини назорат қилиш.

Иқтисодий ишни олиб борувчи органлар иқтисодий хизмат аппарати бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий хизматни бош вазифаси мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш орқали асосий мақсадга эришишни таъминлаш ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун иқтисодий хизмат қуйидаги вазифаларни ўз олдига қўяди:

1. Истеъмолчиларни эҳтиёжини тўла-тукис қондириш.
2. Максимал даромад ва фойда олиш.
3. Моддий, меҳнат, молиявий ресурслардан оқилона ва рационал фойдаланиш.
4. Ҳар томонлама асосланган бошқарув қарорларини қабул қилишни таъминлаш.
5. Сифатли ва ўз вақтида иқтисодий ахборотларни тегишли органларга етказиш.
6. Иқтисодий ишни кам харажатлар ва самарали бажарилишини таъминлаш.
7. Иқтисодий ишни такомиллаштириш миллий ҳисоблар тизими (МҲТ)га – мослаштирилган усуллар, қоидалар, кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш, ахборотлар шаклларини янгилаб бориш, уларни вертикал ва горизонтал йўналишларини аниқлаш ва ҳ.к.).

5.2. Савдода хўжалик фаолиятини режалаштириш қоидалари ва усуллари

Жамиятнинг сиёсий устқурмаси, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитидан қатъий назар режалаштиришни умумий қоидалари (принциплари) мавжуд. Улар инсоният тараққиётининг барча формацияларида у ёки бу даражада, айрим ҳолларда режалаштириш тўғрисида илмий асосланган фикр юритишдан четда бўлган ҳолда ишлатилган.

Бизларга маълум, МДҲда тарқатилаётган иқтисодиётга оид чет эл адабиётларида режалаштириш назарияси, унинг методологиясига оид масалаларга, шу жумладан, режалаштириш принциплари тўғрисида назарий фикрлар келтирилмайди.

Режалаштиришнинг ўзига хос принциплари, усуллари ва услублари, умуман айтганда, бозор иқтисоди шароитида режалаштиришнинг ўзига хос методологияси мавжуд. Лекин бу ғап собиқ социалистик тузумда ишлатилган режалаштириш методолоиясини бутунлай инкор қилиш деган фикр эмас. Унинг салбий томонларини

(эркинликнинг чегараланганлиги, режалаштиришнинг директивлиги, партиявийлиги ва ҳоказолар) олиб ташланиб, ижобий жиҳатларини, яъни методологиясидан, усулларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Режалаштириш жараёнида илмийлик, реаллик, оптималлик, комплекслик, узлуксизлик, ўзгарувчанлик (корректировка қилиниши, эластиклик) назорат каби принциплари ишлатилади.

Жаҳон тажрибасида режалаштиришнинг ўзига хос қоидалари (принциплари) мавжуд бўлиб уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- режалаштиришнинг илмий асосланганлигини, яъни режалаштириш иқтисодий қонунлар талабларини, бозор иқтисоди қоидаларини ҳисобга олиш, фан ва техника ютуқларига асосланиши, режалаштиришда кенг маънода илмий текшириш муассасаларини, олимларни жалб қилиниши орқали таъминланади;
- режалаштиришни ҳар хил муддатларга тузиш тизими орқали унинг узлуксизлиги таъминланиб борилади;
- жамиятда, корхона, фирмаларда ишлатиладиган барча ресурсларнинг чегараланганлиги улардан фойдаланишда тежамкорликка интилиш, улардан энг оптимал вариантни танлаб олишни тақозо қилади;
- рақобат, вазиятнинг ўзгариб туриши режаларга ўзгаришлар киритиб боришни тақозо қилади ва шу сабабли режалар ҳар хил вазиятлар учун мўлжалланган альтернатив вариантларда тузилиши, унинг вазиятга мослашувчанлиги, эластиклигини таъминлайди;
- бозор муносабатлари қоидалари корхоналар, фирмалар ўртасидаги алоқаларни контрактлар асосида ташкил қилиш, олинган мажбуриятларни белгиланган муддатда, миқдорда қатъий бажарилишини талаб қилади. Бу эса режаларнинг бажарилишини назорат қилиш қоидасининг аҳамиятини оширади.

Чет эл савдо корхоналарининг тажрибасидан маълумки, режаларнинг ишлаб чиқарилишига қатъий талаблар қўйилади. Режаларда асосий муаммолар, вазифалар ўз ифодасини топади. Масалан: Савдонинг товар айланиши ҳажми, ассортиментлари бўйича товар айланиши, товар захиралари кўрсаткичлари, товарларни келиши (манбаалари бўйича), асосий, айланма ва молиявий маблағлари (фондлари), меҳнат ресурслари ва иш ҳақи, даромадлари, харажатлари, фойдаси кабилар.

Бу бўлимларнинг ҳар бири бўйича аниқ чора-тадбирлар, конкрет жавобгарлик белгилаб қўйилади. Алоҳида бўлимлар бўйича тақвим

режалар ишлаб чиқилиб, ким нима қилади, қандай бажаради каби масалаларни ҳал қилиш йўллари аниқланади.

Режалаштириш жараёнига қўйиладиган талабларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

• савдо корхоналарининг ривожланиш ғоясини, мақсадини аниқлаш;

• асосий мақсадга эришишни таъминлайдиган тижорат ғояларини намоён қилиш;

• режалаштириш – узлуксиз жараён бўлиб, барча жамоанинг ижодий ёндашишини, рағбатлантиришни тақозо қилади (жамоа аъзолари режалаштириш жараёнида фаол қатнашиши, пировард натижаларда уларнинг иш ҳақи ундан боғлиқлигидадир);

• режа барча функционал бўлимларни, мутахассисларни, бошлиқ билан унинг қаромоғидаги хизматчиларни ўзаро таъсири ва чамбарчас боғланишда, биргаликда оптимал аниқлашга эришиш асосида тузилиши керак;

• бозор коньюктураси ўзгариш эҳтимолларига мўлжалланган альтернатив вариантлар мавжуд бўлиши шарт;

• бозор иқтисоди шароитида барча ресурслардан (улар чегараланган) оқилона, рационал фойдаланиш, харажатларнинг тежамлилигини, натижаларнинг оптималлигини таъминлаш;

• савдо фаолиятини чуқур, ҳар томонлама баҳолаш мақсадида унинг самарадорлиги меъзонини, кўрсаткичларини аниқлаш;

• савдо фаолиятига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, унинг таъсир қилиш даражаларини чуқур таҳлил қилиш, асослаш имкониятларни, янги резервларини аниқлаш;

• ва ниҳоят ишлаб чиқарилган ҳамда қабул қилинган дастурнинг бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш кабилардир.

5.3. Савдода хўжалик фаолиятини таҳлилининг мазмуни, вазифалари ва усуллари

Иқтисодий таҳлил – биринчидан, иқтисодий ҳодисалар ва жараёнларни ўрганиш тўғрисидаги усул;

иккинчидан, иқтисодий жараён ва ҳодисаларни ўрганишни усул ва услублари тўғрисидаги фан, билимлар йиғиндиси, таълимот;

учинчидан, иқтисодий жараёнлар, ҳодисаларни статистик, техник- иқтисодий, математик усуллар орқали тадқиқот қилиш, ўрганиш услубидир.

Биз учинчи нуқтаи назардан иқтисодий таҳлилни ўрганамиз ва ишлатамиз.

Иқтисодий таҳлил бу хўжалик субъектлари фаолиятини натижасига комплекс ўрганиш орқали объектив баҳо бериш жараёнидир.

Таҳлил натижасида хўжалик фаолияти натижалари хўжалик субъектлари мақсадига эришиши ва вазифаларини бажарилиши нуқтаи назаридан ўрганилади, тадқиқот қилинади ва баҳоланади.

Иқтисодий таҳлилни асосий вазифалари:

1. Иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни тенденциялари ва қонуниятларини тадқиқот қилиш ва аниқлаш.

2. Иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларда руй бераётган ўзгаришларни сабабларини аниқлаш.

3. 1 ва 2 жараёнларни асослаш.

4. Иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни келажакда ўзгаришлари тўғрисида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Иқтисодий таҳлил бошқариш жараёнини бир босқичи ҳисобланади. Унинг мақсади:

- объектнинг ҳолати талаб даражасига қай даражада жавоб бераётганлигини баҳолаш;
- объект ҳолатини талабга жавоб бериши учун қандай имкониятлар мавжудлигини аниқлаш, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган хулосалар тайёрлаш кабилардан иборатдир.

Ушбу мақсадларга эришиш учун иқтисодий таҳлил олдида бир қанча вазифалар туради.

Иқтисодий таҳлилни тавсифлашда кўп белгилар (аломатлар) ишлатилади. Уларни асосийларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тадқиқотни мақсади ва мазмуни бўйича;
- ўрганиладиган объект бўйича;
- замон, ўрганиладиган давр бўйича;
- таҳлил қилувчи субъектлар бўйича;
- иқтисодиётни ўрганиш даражаси бўйича;
- таҳлил жараёнида қўлланиладиган методологик услубиётларига қараб.

Тадқиқотни мақсади ва мазмуни бўйича глобал, локал ва мавзулик турларига бўлиш мумкин ва улар хўжалик фаолиятини прог-

ошлаш мақсадида ёки оптимал бошқарув қарорлари қабул қилиш нуқтаи назардан ишлатилади.

Глобал таҳлилда хўжалик фаолияти тўла, атрофлича, комплекс ҳолда ўрганилади.

Локал таҳлил деганда хўжалик субъектларини бир таркибий қисми ўрганилиши назарда тутилади. Масалан, савдо корхонасини бирон шохобчаси фаолиятини бирон бир тури ўрганилади.

Мавзулик деганда таҳлил хўжалик субъектини қандайдир мавзуга бағишланади, яъни ресурсларни алоҳида турини самарасини ўрганиш, фаолият турини самарасини ўрганиш ва ҳоказолар.

Таҳлил ўрганиладиган объект бўйича корхона, корхонани шохобчаси, цех, ташкилот, бирлашмалар, функционал бўлимлар бўйича таҳлилни ўз ичига олади.

Ўрганиладиган давр бўйича таҳлил тезкор (кундалик, ҳафталик, 15 кунлик, жорий (ойлик, чораклик, 6 ойлик, 9 ойлик, 1 йиллик) ва истиқбол таҳлилларга турланади. Тезкор ва жорий таҳлил ҳисобот давр натижаси бўйича ўтказилади, истиқбол таҳлил келажакда содир бўлиши мумкин жараёнлар ва ҳодисаларга тааллуқли кўрсаткичлар асосида амалга оширилади.

Иқтисодий таҳлил уни ўтказувчи субъектлар нуқтаи назаридан бошқарув, статистик, банк, молия ва солиқ органлари, аудиторлик таҳлили, корхонани функционал бўлимлари кабилар орқали ўтказиладиган таҳлилларга таснифланади.

Иқтисодиётни ўрганиш даражаси бўйича таҳлил макроиқтисодий таҳлил ва микроиқтисодий таҳлилларга бўлинади.

Таҳлилда ишлатиладиган методологик услубиётларга қараб таҳлилни комплекс таҳлил, солиштириш таҳлили, омилли таҳлил, функционал қиймат таҳлили кабиларга турлаш мумкин.

Иқтисодий таҳлил усуллари методологик нуқтаи назардан билиш назариясида ишлатиладиган усулларга асосланиб (I боб 1.4-параграфга қаралсин) ўзига хос услублардан фойдаланади.

Ушбу усулларни умумлаштириб қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- умумметодологик усуллар (диалектика, индукция ва дедукция, анализ ва синтез);
- статистик усуллар (солиштириш, гуруҳлар, индекслар, занжирли боғлаш, ўртача сонлар, графиклар);
- баланс усули;

- иқтисодий математик усуллар (корреляция, регрессия, дас турлаш, ўйин назарияси, матрицалаш ва ҳоказолар);
- эксперт баҳолаш усули.

5.4. Иқтисодий ахборотлар тушунчаси, турлари ва унда статистиканинг аҳамияти

Ахборот қабул қилувчига уч хил тушуниш фильтери орқали етказилади, яъни қабул қилиш, тушуниш ва баҳолаш. Шу нуқтаи назардан ахборот, қарор қабул қилиш ёки бирон бир вазифани бажариш учун фойдали бўлган, қабул қилинган, тушунилган ва баҳоланган янги билимлар қаторига киради.

Ахборотлар деганда бошқарувчи ва бошқарувчилар, хўжалик субъектлари орасида циркуляция қилиб турадиган, табиат, жамият ва ижтимоий ҳаётда рўй бераётган жараёнлар, ҳодисалар, муносабатлар хусусиятлари тўғрисида бошқарув қарорлари қабул қилиш, техник-иқтисодий ҳисоботларни асослаш учун зарур бўлган хабарлар мажмуасини тушунамиз.

Ахборотлар доираси жуда кенгдир ва унинг ҳар хил турлари мавжуд. Табиат тўғрисида, тарих тўғрисида, ижтимоий ҳаёт тўғрисида, сиёсат тўғрисида, техникавий, иқтисодий ва ҳоказолар.

> ***Ахборотлар*** деганда бошқарувчи ва бошқарилувчилар, хўжалик субъектлари орасида циркуляция қилиб турадиган, табиат, жамият ва ижтимоий ҳаётда рўй бераётган жараёнлар, ҳодисалар, муносабатлар хусусиятлари тўғрисида бошқарув қарорлари қабул қилиш, техник-иқтисодий ҳисоботларни асослаш учун зарур бўган хабарлар мажмуасини тушунамиз.

Иқтисодий ахборотларга тушунча бериб ўтамиз. қисқача қилиб айтганда иқтисодий ахборотларда иқтисодий жараён ва ҳодисаларнинг сон ва сифат томонлари ўз ифодасини топади. Иқтисодий ахборотларга кенг маънода қаралса қуйидагилардан таркиб топади:

- бошқарувчи ва бошқарилувчи объектлар ўртасида алоқа воситаси сифатида ишлатилади;
- барча алоқадор объектлар, субъектлар орасида бир-бирига юбориладиган хабарнома сифатида кўринади;

- бошқарув қарорларини асослаш ва қабул қилиш учун зарур бўлган ҳодисалар, жараёнлар, муносабатлар ва нарсаларнинг хусусияти тўғрисидаги янги билимлар мажмуаси сифатида намоён бўлади;
- ҳодисалар ва жараёнларни ўзига хос хусусиятларидан дарак берувчи хабарнома сифатида тасаввур қилинади;
- иқтисодий усул ва услубларни ишга солиш, фан предметини ўрганиш ва тадқиқ қилиш ҳамда хулосаларини намоён қилиш учун дастак бўлиб хизмат қилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, иқтисодий маълумотлар иқтисодиётда аҳамияти катта, кенг маънода ишлатилади, ишлатиш доираси ҳам кенг.

Конкрет қилиб таъриф берилса, иқтисодий ахборотларда жамиятда содир бўлаётган барча иқтисодий ишларнинг сон ва сифат жиҳатлари (ҳажми, мазмуни) ўз ифодасини топади.

Иқтисодий ахборотларни таснифи 5.4.1-чизмада ифодаланган.

Иқтисодий ахборотлар тўғрисида хабарлар кўрсаткичлар орқали ифодаланади.

Ўрганиладиган ҳодиса, жараён, объект ёки предметларни сон ва сифат жиҳатларини, ҳажмини, мазмунини намоён қилувчи воситалар кўрсаткичлардир. Кўрсаткичлар натурал, қиймат, абсолют ва нисбий ўлчов бирликларда намоён бўлади. Кўрсаткичлар тўғрисида тегишли бобларда сўз юритилади. Иқтисодий ахборотларни намоён бўлиши белгиланган ёки қабул қилинган ҳужжатлар орқали амалга оширилади.

Иқтисодий ахборотларни расмийлаштириш белгиланган шаклдаги ҳужжат ва бланкалар орқали амалга оширилади.

Жамиятда ҳодисалар ва жараёнларни сон кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотни аҳамияти ниҳоятда юқори эканлигини ҳамма ҳам тушуниб, унга эътибор бера олмайди.

Ҳаётда намаълум нарсалар кўп. Бизни қамраб олган атроф-муҳитни ўрганиш учун статистик фикрлашни аҳамияти катта. Статистик саводхонлик бозор муносабатлари шароитида нафақат бошқарув аппарати ходимлари учун, ваҳоланки у ҳар бир жамият аъзоси учун ҳам заруриятдир.

Масалан: оила бюджетини ҳисоб-китобини олинг, даромади ва харажаталрини ҳар бир оила ҳар куни ҳисоб-китобини олиб боради. Бунда оддий арифметика эмас, статистик ҳисоб-китоб ишлатилади.



5.4.1-чизма. **Иқтисодий ахборотларнинг таснифи**

Статистика тарихи инсоният тараққиёти билан боғлиқ. Эрамиздан олдинги 2238 йилда ҳитойда аҳоли рўйхатга олинганлиги тўғрисида тарихий маълумотлар бизгача етиб келган.

Библияни Моисей тўғрисидаги 4-китобида «Число», яъни «Сон» бўлимида қурол-яроқ ишлата биладиган эркакларни ҳисоблаганлиги тўғрисида маълумот берилади.

Умуман «Статистика» қадимда италиянча "Стато" ёки "Стати" сўзидан олинган бўлиб «давлат» мазмунини билдирган. Шу сабабли давлат сиёсатини, умуман сиёсатчиларни "Статиста" деб аташган.

Кейинчалик XVII асрларга келиб Статистика фани вужудга келган. Статистикани иқтисодиётни бошқаришдаги аҳамияти жуда катта, айниқса, ҳозирги кунда, бозор муносабатлари шаклланиб бораётган даврда.

Бежиз эмаски, республикамизда мустақилликни бошланғич даврида бозор иқтисодиётини шакллантиришни ҳуқуқий асосларини яратиш даврида, Республика Конституцияси (1991 й.), «Мулк тўғрисида»ги қонун (1990 й.), «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунлар (1991 й.) қаторида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 28 сентябр 1993 йил XIIIИ сессиясида «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Ушбу «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонунда мамлакатимизда ривожланишнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини белгиловчи ягона статистика тизимини вужудга келтириш, уни фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари, вазифалари ва масъулиятлари белгилаб қўйилган.

1993 йилгача республикада Собиқ Совет иттифоқини «Халқ хўжалиги баланси» (ХХБ) ҳисобот ва статистика кўрсаткичлар тизими амалиётда қўлланиб келинган. У бозор муносабатларини тўлалигича белгилаб бера олмайди. Чунки мулк шакллари, халқ хўжалиги таркиби ўзгарди.

Эски маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган, ишлаб чиқариш марказлашган режалаштириш, ресурсларни марказлашган тақсимоти уни ядросини ташкил қилади.

Бу тизимда фақат моддий ишлаб чиқариш ва шу билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш соҳалари ҳисобга олинган.

Аҳолига хизмат кўрсатиш, банк, молиявий хизмат кўрсатиш, медицина хизмати, маърифат-фан, маданият ва шу кабилар иккиламчи, ялпи миллий даромад яратишда қатнашишмайди, деб ҳисобланган. Натижада уларни даромади макроиқтисодий кўрсаткичларда ўз аксини топмаган.

Бу эса иқтисодий кўрсаткичларни чет эл билан солиштириш имконини бермайди. Унда давлатнинг молиявий аҳволини, пул муомаласи ва кредит ҳолатини, ишбилармонлик, воситачилик сингари бозор таркибини белгиловчи иқтисодий кўрсаткичларини йўқлиги, статистик методларда юз бераётган ўзгаришларни етарли даражада кузатилмаслиги натижасида, иқтисодий ва сиёсий ислоҳот жараёнининг боришини ва натижаларини тизимли таҳлил қилиш

имкониятини оғирлаштиради, ижтимоий ва иқтисодий бошқарувнинг самарадорлигини пасайтиради.

ХХБ – ялпи статистик кузатишга асосланган учун янги (барча майда хўжаликларни) вужудга келган хўжаликларни бу услуб орқали амалий жиҳатдан ҳисобга олиб бўлмайди. Чунки, у катта маблағ талаб қилади.

ХХБ асосан давлат бошқарув органлари, тармоқ, вазирликларни ва идораларни бошқарув вазифасини бажаришга қаратилган фаолиятларини ахборот билан таъминлаган.

Энди ишбилармонларни, олимларни, ассоциацияларни ва фондларни, аҳолини ва чет эллик истеъмолчиларни (инвесторлари ва ҳ.к.) статистик ахборот билан таъминлаш зарур.

Жаҳоннинг 150 дан ортиқ мамлакаталрида «Миллий ҳисоблар тизими» (МҲТ) амалиётда қўлланиб келинаяпти.

МҲТ – яхлит жамлама иқтисодий-статистик кўрсаткичлар тўплами бўлиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, ялпи МД-ни яратиш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва истеъмол жараёнларини ўзида мужассамлаштирган ҳисобот ва статистика тизимидир. Бунда ишлаб чиқариш билан бир хил услубда хизмат ҳам МД яратишда ҳисобга олинади ва ўрганади.

1993 йили БМТ-нинг статистика комиссияси томонидан МҲТ ишлаб чиқилган.

Статистика инсоният жамияти тарихида доимо жамиятдаги тармоқлар ва соҳалардаги, региондаги, корхонадаги ҳодисалар ва жараёнларни кузатиш (сон ва сифат жиҳатидан) ва таҳлил қилиш вазифасини бажариб келган.

Ҳозирги замонда статистика давлатни, бизнесни ва аҳолини ахборот билан таъминловчи тизимга айланган.

Статистик маълумотлар ҳар хил даражадаги ташкилотлар, фаолият соҳалари учун зарурдир. Улар давлатга, хусусий корхоналарга, нотижорат, нодавлат ташкилотларга, ўқув юртларига, илмий тадқиқот муассасаларига ва бошқаларга фаолият юритиш учун энг муҳим воситадир. Масалан: Давлат, статистик маълумотлар асосида зарурий сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларга тааллуқли қарорлар қабул қилади, дастурлар ишлаб чиқади ва ҳ.к.

Бундан ташқари, қонунда хўжалик субъектлари (корхоналар, ташкилотлар, юридик шахслар)нинг давлат статистика органларига хўжалик фаолиятларини белгиловчи хўжалик ҳисобот кўрсаткичларни аниқ, мукаммал ва ўз вақтида етказишлари, ҳисобот кўрсаткичларининг тўғри ва тўлалигини таъмин этишга масъул экан-

ишлари, ҳисобот кўрсаткичларини ўз вақтида бермаганликлари ва нотўғри берганликлари учун қонун олдида жавобгарликлари белгилаб қўйилган. Ушбу қонунда давлат статистика органларининг хўжалик бирликлари олдидаги масъулиятлари ҳам белгилаб қўйилган. Чунончи, олинган ахборотларни якка ҳолда чоп этмаслик ва бошқа хўжалик бирликларига бермаслик, бу ахборотларни фақат жамлама ахборотларни тайёрлашда ишлатиш, хўжалик бирликларининг ишлаб чиқариш қувватларини белгиловчи ва тижорат сири ҳисобланган ахборотларни тарқатмаслик давлат томонидан кафолатланади.

Шуни таъкидлаш керакки, статистика ахборотларининг ҳаётимизда бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни тўла акс эттиришдан давлат билан бир қаторда товар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар (ишлаб чиқарувчилар) манфаатдордирлар. Чунки, ишлаб чиқарувчилар ўз фаолиятларини иқтисодиётнинг қайси соҳада ривожлантиришларини, қандай товар ишлаб чиқариш ва хизмат турлари кўрсатиш бўйича иқтисодий жиҳатдан манфаатлироқ эканлигини, ички ва ташқи бозор конъюктурасини ўрганишга оид ахборотларни статистика орқали билиб оладилар. Статистика ахборотларининг тўлалиги ва мукаммаллиги ишлаб чиқарувчиларга ва аҳолига мамлакатда юритилаётган иқтисодий сиёсатнинг йўналишлари, молия, пул, кредит бозорида муҳим ахборотлар, мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалари, унинг куч қудрати тўғрисидаги маълумотларни беради.

Юқорида келтирилган қонунга мувофиқ бозор иқтисодиётига мос янги макроиқтисодий миллий счетлар тизими (Миллий счетлар тизими – МСТ) амалиётга жорий қилинди. Истеъмол баҳолари индекси (олдинги улгуржи баҳолар индекси ўрнига) ва ишлаб чиқарувчилар баҳоси индекси методологияси жорий қилинди. Баҳолар статистикаси ташкил қилинди. Меҳнат, иш ҳақи ,ишчи кучи кўрсаткичлари бўйича статистика методологияси Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) таклифлари асосида ташкил қилинди. Уй хўжалиги бюджетини кузатиш дастури ишлаб чиқилди. Унда аҳолининг даромади ва харажатлари Жаҳон банки концепцияси асосида табақалаштирилади. Статистика амалиётига ташқи савдо ва божхона статистикаси, норасмий иқтисодиётни ҳажмини ҳисобга олиш ва бошқалар жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикасида статистикани ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш заруриятидан келиб чиқиб, Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси 2002 йил сентябрда «Давлат статистикаси тўғрисида»ги янги қонунини қабул қилди.

Таянч иборалар: *иқтисодий иш, иқтисодий хизмат, ахборот, таҳлил, бозор конъюктураси, статистика, кўрсаткич, иқтисодий ахборот, иқтисодий таҳлил.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий ишни мазмунини ёритинг?
2. Иқтисодий хизмат нима ва қандай вазифаларни бажаради?
3. Иқтисодий таҳлилнинг мазмунини ёритинг?
4. Иқтисодий таҳлил қандай вазифаларни бажаради?
5. Иқтисодий таҳлил усулларига тушунча беринг?
6. Ахборот нима?
7. Қандай ахборотлар турлари мавжуд?
8. Ахборотлар қандай аломатлар бўйича таснифланади?
9. Кўрсаткичлар деганда нимани тушунасиз?
10. Қандай кўрсаткичларни биласиз?
11. Ўзбекистон Республикасида ахборотлари тўғрисида қандай тизим ишлатилади? Уни мазмунини ёритиб беринг?
12. Статистикани иқтисодиётдаги аҳамиятини ёритиб беринг?
13. Статистика тўғрисида қабул қилинган қонунда қандай вазифалар қўйилган?
14. Статистикани такомиллаштириш борасида қандай ишлар амалга оширилган?

VI БОБ. ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ ТОВАРЛАРИ БАҲОСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

6.1. Баҳо ва баҳолаштиришнинг моҳияти ва аҳамияти
6.2. Баҳонинг функциялари ва турлари
6.3. Баҳони аниқлашни методологик масалалари
6.4. Баҳони давлат томонидан тартибга солиш

***

6.1. Баҳо ва баҳолаштиришнинг моҳияти ва аҳамияти

Бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодий жараёнлардаги баҳони аҳамиятини тубдан ўзгартириб юборади.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимида баҳо марказлашган ҳолда тасдиқланган.

Бозор муносабатлари шароитида баҳонинг охирги миқдори бозорда талаб ва таклиф ва бошқа омиллар таъсири остида шаклланади. Лекин бу дегани баҳо абсолют эркин шаклланади деган маънони билдирмайди. Унинг шаклланиши кўп босқичлардан ўтади.

Баҳо давлат томонидан тартибга солиш механизмлари орқали чегараланиши мумкин.

Баҳо иқтисодий категория бўлиб инсоният тараққиётида товар-пул муомаласини вужудга келиши билан пайдо бўлган.

Баҳо товар қийматининг пулдаги ифодасидир.

Баҳо бозорнинг элементи. Бозорнинг даҳшатли рақобат шарт-шароитида корхоналарнинг самарали ишлаш учун баҳоларни белгилашни асосли усулларини, қўлланишини, маркетингда оқилона баҳо сиёсат ва уни кетма-кет амалга жорий қилиш асосий зарурият бўлиб ҳисобланади.

Товарнинг истеъмол қиймати ва қиймати бор ёки ушбу хусусиятларга эга бўлган нарса товар деб юритилади. Товарнинг қиймати унга сарфланган ижтимоий зарурий меҳнат миқдори билан белгиланади.

Ижтимоий зарурий меҳнат – мавжуд истеъмол қиймат чи яратиш учун, нормал шароитда, жамиятдаги ўртача қобилият ва меҳнат интенсивлигида сарфланган умумий меҳнатнинг миқдоридир.

Сарфланган ижтимоий зарурий меҳнатнинг миқдорини аниқлаш жуда мураккаб ва оғир жараён ҳисобланади.

Баҳо иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи куч, восита ёки интрумент ролини ўйнайдиган иқтисодий, тарихий, ижтимоий категориядир. Баҳони иқтисодий тушунча сифатида, уни ҳаётийлигини, доимий инсоният тараққиётида ҳаракатда бўлиб келганлигини ва аҳамиятини ҳеч кимга асослаш ва тушунтириш зарурияти бўлмаса керак. Лекин, баҳо тушунчаси жуда мураккаб.

Оддий ҳаётда, ҳар бир киши ёшлигидан олди-сотди жараёнини кузатади ёки иштирок этади. Турмуш тарзида инсон баҳо тушунчаси билан тўқнашади ва уни ўзининг ва бошқаларни моддий фаравонлигига қандай таъсир қилишини англайди, таҳлил қилади ва хулосалар чиқаради. Масалан: инсон юқори баҳодаги товарни қимматли эканлигини англаса, паст баҳолиги унинг арзонлигини, қимматли товар унинг чўнтагига оғир ботиши, паст баҳолик товар кам юк бўлишини англайди. Шу билан бир қаторда нега товарнинг баҳоси юқори ёки паст даражада эканлиги, унинг сабаблари тўғрисида ҳаридор хулоса қилиб ўтирмайди. Уни қизиқтирадиган масала, ўзига зарур бўлган товарни ўзининг сотиб олиш қобилияти миқдорида ҳарид қилишдан иборат.

Иқтисодиётда, ҳаётда баҳо нафақат алоҳида товарларни олди-сотдисини англатади. У умуман иқтисодий муносабатларни яъни товарларни ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва ниҳоят истеъмол қилиш жараёнларини ҳам тартибга солади. Бундай жараён бутун баҳолар мажмуаси, уларни шаклланиши ва ўзгариш ҳаракати натижасида баҳолаштириш механизми орқали амалга оширилади. Шундай қилиб оддий ҳаридорга баҳолаштириш механизми кам маълум ва уни бу масала камроқ қизиқтиради.

Иқтисодиётда милионлаб баҳолар баҳо тушунчаси орқали ишлатилади, лекин баҳони ҳар хил турлари мавжуд. Улар улгуржи, чакана, эркин, монопол, тартибга солинган, давлат, шартномали, жаҳон ва ҳоказолар каби (ушбу масалани алоҳида ёритамиз).

Баҳо тушунчаси, унинг турлари, таркиби, миқдори, ўзгариш тенденциялари бир томондан, иккинчи томондан баҳолаштириш тушунчаси, баҳони аниқлаш усуллари, услуб ва тартиби билан бир-биридан фарқ қилади. Шундай қилиб баҳо истеъмолчилар учун аниқ

кўриниб турадиган иқтисодий тушунча бўлса, баҳолаштириш эса яширин, харидорга кўринмайди.

Шундай қилиб баҳо тушунчаси ва баҳолаштириш бир-биридан фарқ қилади. Баҳо иқтисодий тушунча, категория сифатида намоён бўлади, баҳолаштириш эса, бу баҳони аниқлаш билан боғлиқ бўлган иқтисодий жараёндир.

Баҳо тушунчаси ҳам аллақанча мураккабдир. Баҳо тушунчаси оддий олди-сотди (Т-Т) жараёни, меҳнат тақсимотини чуқурлашиши натижасида айирбошлаш «Т-П-Т» ёки «Т-П» жараёнларига айирбошлаш жараёнини ажралиши натижасида вужудга келган. Оддий товар айирбошлашда товар-товарга тенглаштирилган, аста-секин бу жараён мураккаблашиб бориб, товарни товарга тенглаштириш учун бошқа бир эквивалентга эҳтиёж туғилган. Бундай нарса универсал, барқарор, ижтимоий қийматга эга бўлиши керак бўлган. Пул шундай товар – воситачи ролини ўйнайдиган категория сифатида келган.

Пул инсониятни ўз тараққиётида яратган энг йирик кашфиётлардан биридир. Тарихдан маълумки (пул тарихи 3000 йилларга тенг) товар айирбошлашда умумий эквивалентлик ролини дастлаб «Товар-пул» яъни қимматбаҳо металлар қўйилмаси (слиткаси) (эрамиздан олдинги VII асргача) бажарган, кейинчалик «Танга – пул» - «Тангалар» (эрамиздан олдинги VII асрдан - XIX эрамизнинг асригача) ўйнаган, ундан сўнг «қоғоз пуллари» «банкнотлардан» (ҳозирги кунгача ва ниҳоят XX асрни ўртасидан) «Электрон пул», «Карточкалар» қоғоз пуллари билан параллел ҳаракат қилиб келмоқда.

Пулнинг тарихини келтиришимиздан мақсад баҳонинг тарихини ёнлаштиришдан иборат. Баҳо ва пул тушунчаси бир-бирига яқин бўлиб, умуман «баҳо» сўзи «пул» сўзининг ҳосили бўлиб ҳисобланади. Ушбу сабабли баҳога нафақат иқтисодий-ижтимоий категория сифатида ҳамда тарихий категория сифатида ҳам қаралади.

Баҳони тушунчаси ва таърифига кўп томонлама қараш зарур.

Харидор нуқтаи назаридан, баҳо – товар, нарса хизмат ўлчов бирлиги учун тўланадиган пул миқдорини билдиради.

Сотувчи нуқтаи назаридан, боҳо – сотилаётган товар, нарса, хизмат ўлчов бирлиги учун олинадиган пул миқдорини билдиради. Лекин бу таърифлар оддий ва баҳони келиб чиқишини, асли мазмунини ёритмайди.

Жамиятдаги инсон эҳтиёжи учун зарур бўлган моддий бойликларни баҳоланиш ва сотиш нуқтаи назаридан икки хил йирик гуруҳларга ажратиш мумкин, яъни инсониятга кераклилиги, фойдалилиги, зарурийлиги, инсоннинг юқори эҳтиёжларини қондириш нуқтаи назаридан баҳоланадиган гуруҳга ва ишлаб чиқариш, сотиш харажаталридан келиб чиқиб баҳоланадиган гуруҳга ажратиш зарур.

Биринчи гуруҳга ноёб, кам миқдорда, харидорларни юқори даромадга эга бўлган гуруҳларига мўлжалланган товарлар ва хизматлар киради.

Иккинчи гуруҳга жамики инсоният учун зарур бўлган, истеъмол товарлари ва хизматлари 80-90 % ташкил қиладиган қисми бўлиб, уларни баҳоси ишлаб чиқариш ва сотиш харажаталри, ушбу жараёнда иштирок этувчи субъектлар даромадлари, жамиятга зарур харажатлар йиғиндиси доирасида ва бошқа объектив ҳамда субъектив омиллар натижасида шаклланади.

Биринчи гуруҳга киритилган товарлар ва хизматлар баҳоси уларни ишлаб чиқариш, сотиш ва бошқа ижтимоий зарурий харажатлар қиймати билан эмас, балки зарурлиги, фойдалилиги, уларга бўлган талаб миқдори билан белгиланиб, сотиш баҳоси асли қийматидан кескин фарқ қилади, уларни баҳоси жуда юқорилиги билан фарқланади.

Булар учун баҳолаштиришни асосий омиллари сифатида бозор конъюктураси, талаб ва таклиф, даромадлар бўйича истеъмолчиларни табақаланиши, аҳоли даромадларининг миқдори кабилар киради.

Иккинчи гуруҳ товарларига баҳо юқорида келтирилган миқдорлан кам баҳоланса ишлаб чиқарувчилар инқирозга учраши муқаррар ва жамият ҳам фойда кўрмайди. Буларни баҳоси ишлаб чиқариш ва меҳнат омилларига кўпдан боғликдир. Ушбу келтирилган ижтимоий-иқтисодий ҳақиқат баҳо категориясини таърифлашда, назарий таҳлил қилишда, уни миқдорини аниқлаш (баҳолаштириш) жараёнларига методологик асос бўлиб ҳисобланиши зарур.

Баҳолаштиришни юқорида келтирилган методологик асосларидан келиб чиқиб, баҳога таъриф берадиган бўлсак, биринчи гуруҳ товарлар ва хизматларни баҳоси – уларни айирбошлаш жараёнида, яъни олди-сотди жараёнида аниқланган қийматнинг пулдаги ифодасидир.

Иккинчи гуруҳ товарлар ва хизматлар баҳоси – уларнинг қийматининг пулдаги ифодасидир.

Товарнинг қиймати унга сарфланган ижтимоий-зарурий меҳнат миқдори билан белгиланади.

Баҳога таърифларни умумлаштирадиган бўлсак бизнинг фикримизча баҳога қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Баҳо – товар ёки хизматни ижтимоий зарурлиги ҳамда унга сарф қилинган ижтимоий-зарурий меҳнат миқдоридан келиб чиққан (ёки аниқланган) қийматининг пулдаги ифодасидир.

Маъмурий бошқарув тизимида баҳоларнинг барча турлари, жумладан, истеъмол товарларига чакана баҳолар давлат томонидан тасдиқланган ва назорат қилинган.

Бозор муносабатлари баҳолаштириш жараёнини эркинлаштиришни тақозо қилади. Лекин бу деган гап, «баҳолаштириш абсолют эркинлаштирилган» деган фикрга асос бўла олмайди. (Бу масалани кейинги саволларда ёритамиз).

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон Республикасида баҳоларни босқичма-босқич эркинлаштириш қоидаси аниқ мақсад қилиб олинади.

Баҳоларни эркинлаштириш шароитида биринчидан, Давлат баҳо қўмитаси умуман тугутилади;

- иккинчидан, Молия вазирлиги таркибида баҳоларни назорат қилиш бўйича махсус бошқарма тузилади. (ўша вақтда «Антимонополь ва нарх-наво сиёсатини ўтказиш бош бошқармаси));
- учинчидан, 1991-1994 йилларда амалда ҳамма турдаги ва тайёр маҳсулотладр эркин баҳоларга ўтказила бошланди. Ҳукуматнинг «Нархларни эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 1992 йил 10 январдан бошлаб кенг доирадаги ишлаб чиқариш – техника воситаси бўлган маҳсулотлари, айрим турдаги халқ истеъмоли моллари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг асосан (эркин) баҳолари ва таърифларига ўтилди;
- тўртинчидан, баҳолар 1992 йил январдан бошлаб босқичма-босқич, оҳисталик билан, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган кучли чораларни олдиндан кўриб қўйган ҳолда эркинлаштирила бошланди;
- бешинчидан, 1993 йилда қатъий белгиланган ва тартибга солиб туриладиган баҳоларда сотиладиган ва хизматлар рўйхати анча қисқартирилди. Шу йилда улгуржи баҳоларни давлат томонидан тартибга солиш батамом тўхтатилди, ёнилғи-энергитика комплекси маҳсулотлари белгиланган энг юқори рентабеллик даражаси нормативлари бекор қилинди;

• олтинчидан, 1994 йил октябр-ноябр ойларида истеъмол товарлари асосий турларининг баҳолари эркин қўйиб юборилди, транспорт ва коммунал хизматларининг таърифлари оширилди. Нон ва унинг баҳолари, уй-жой коммунал хўжалиги ҳамда шаҳар умумий транспорти хизматларининг таърифларигагина қисман биринчи босқичдаёқ баҳоларнинг тўла эркинлаштириш масаласи ечилган.

Истеъмол товарлари баҳосига жуда кўп омиллар таъсир қилади. Унинг натижасида ишлаб чиқарувчилар, айирбошлаш (савдо) корхоналари ортиқча фойда олиши ёки зарар кўришлари мумкин.

Баҳога таъсир қилувчи омилларни умумлаштириб икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Объектив шарт-шароит, ҳодисалар, жараёнлар;

2. Субъектив омиллар. Улар инсон, тадбиркорлик омили билан боғлиқ бўлиб, уларни хулқ-атвори, виждони, умуминсонийлик фазилатларига боғлиқ. Масалан: кўзбўямачилик, қаллоблик, чайқовчилик ва ҳ.к.

Объектив омиллар:

• иқтисодий – давлатнинг иқтисодий ривожланиши, дифицит, инфляция, хомашё ва материалларга тарифлар, солиқлар, банк фоизлари, божлар, миллий даромад ва уни тақсимланиши истеъмол ва жамғармага ва ҳ.к.;

• сиёсий – сиёсий барқарорлик, давлатнинг иқтисодий, молиявий, фискал сиёсатини ўзгариши, ташқи иқтисодий сиёсат, протекционизм ва ҳ.к.;

• табиий – географик, давлатни географик жойлашиши, табиий шарт-шароити, мавсумий ишлаб чиқаришни давлатлар ичида жойлашиши, ихтисослашиши, табиий, ер ости бойликлари, ўрмон, транспорт йўлларини ривожланиш даражаси ва ҳ.к.;

• рақобат – баҳони шаклланишига бозор конъюктураси орқали таъсир қилувчи омиллар;

• талаб ва таклиф;

• монополия, уни вужудга келиши, монопол баҳоларни шакллантиради.

6.2. Баҳонинг функциялари ва турлари

Баҳонинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамиятини тўла тушуниб етиш, унинг функцияларини ўрганиш орқали янада чуқурлашади.

Баҳонинг бирламчи функцияси, уни «ўлчов бирлиги» функцияси бўлиб ҳисобланади. Баҳо орқали товар қийматини ҳисоб-китоб қилиш мумкин, яъни товар учун харидор қанча миқдорда пул тўлаш, сотувчи эса қанча товар (хизмат) учун пул олиши мумкинлиги аниқланади. Баҳо олди-сотди жараёнида, пулни тўлов воситаси функциясини амалга ошириш ва уни миқдорини белгиланишига имкон яратади. Баҳо орқали товарлар ва хизматларни умумий суммаси аниқланади (уларни сотилган сонини тегишли ўлчов бирликларда баҳосига кўпайтириш орқали). Ишчи *кучини ва меҳнатни баҳолаш иш ҳақини аниқлашга имкон беради.* Баҳо орқали кўп кўрсаткичларни таҳлил қилиш, прогнозлаш ва режалаштириш имконияти туғилади.

6.2.1.-жадвал

БАҲОЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Баҳоларнинг турланиш аломатлари	**Баҳонинг турлари**	**Изоҳ**
1	*2*	*3*
I. Савдонинг бўғинлари ёки соҳалари бўйича	1.1. Улгуржи баҳолар	1.1. Улгуржи баҳолар улгуржи савдода, ишлаб чиқарувчилар ўртасида, савдо корхоналари ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида, савдо корхоналари ўртасида, савдо биржаларида ишлатилади.
	1.2. Чакана баҳолар	1.2. Чакана савдо ва оммавий овқатланиш шохобчалари орқали индивидуал, истеъмолчи оилаларга ва айрим ҳолларда корхоналар, ташкилотлар ва тадбиркорларга хўжалик юритиш эҳтиёжлари учун истеъмол товарлари сотилганда
	1.3. Ҳарид баҳолари	1.3. Давлат томонидан аҳолидан, деҳқон ва фермер хўжаликларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олишда ишлатилади.
II. Хизмат соҳаси бўйича	2.1. Тариф (Хизматлар баҳоси)	2.1. Тарафлар коммунал маиший хизматларга тўлов миқдорини белгилайди. Масалан: телефон, газ, электроэнергия, сув ва оқова қабилар.
III. Тартибга солиниш тартиби ва даражаси бўйича	3.1. Эркин баҳолар	3.1. Эркин баҳоларга давлат органлари аралашмайди, улар бозор конъюктураси, талаб ва таклиф миқдоридан келиб чиқиб бозорда шаклланади. Бунда ишлаб чиқарувчини ёки товарни сотувчиларининг «калькуляцион баҳоси» билан аҳолининг, истеъмолчининг «сотиб олиш баҳоси» солиштирилиб товарнинг «бозор баҳоси» келишилади ва ишга тушади. Эркин баҳолар улгуржи, чакана ва ҳарид баҳоларга тегишли.

	3.2. Келишилган (шартномавий) баҳолар	3.2. Бу баҳолар миқдори шартномаларда (олди-сотди сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида ҳужжат билан) белгиланади.
	3.3. Тартибга солинувчи баҳолар	3.3. Булар миқдори давлат органлари томонидан тартибга солинади. Талаб ва таклифни мувофиқлаштириш учун бундай баҳолар солиқлар миқдорини ўзгартириш орқали қимматлаштириш ёки арзонлаштиришга йўналтирилади. Тартибга солинадиган баҳолар белгилаш механизми билвосита бўлади. Айрим ҳолларда бундай товарларга баҳоларни юқори ёки пастки миқдори белгиланади. Айрим товарларга рентабеллик даражаси чегараланади.
	3.4. Тасдиқланадиган баҳолар (давлат баҳолари)	3.4. Тасдиқланадиган баҳолар давлат органлари томонидан белгиланади ва уларни сотувчи ёки сотиб олувчи ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлмайди.
	3.5. Монопол баҳолар	3.5. Монопол баҳолар ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи томонидан товарларни сотишда ҳамда сотиб олувчи (ишлаб чиқарувчи) томонидан хомашёларни сотиб олишда ишлатилади.
IV. Иқтисодий анализда, режалаштиришда, статистикада, лойиҳалаштиришда ишлатилиши бўйича. Бу кўрсаткич баҳоларни ўзгариб туриши билан боғлиқ.	4.1. Ҳақиқий баҳолар	4.1. Бозорда шаклланган баҳоларнинг ҳақиқий миқдори. Бу кўрсаткич юқорида келтирилган барча баҳо турларига тегишли.
	4.2. Солиштирма баҳолар	4.2. Ўтган йилларга нисбатан баҳо индекслари орқали солиштирма баҳолар аниқланади.
	4.3. Лойиҳа ёки лимитланган баҳолар	4.3. Янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш лойиҳасини тузишда аниқланадиган баҳолар. Булар тахминан аниқланади.
В. Бозорларни турларига қараб	5.1. Биржа баҳолари	5.1. Биржа савдосида белгиланади.
	5.2. Аукцион баҳолар	5.2. Товарларни аукцион орқали сотишда аниқланади.
	5.3. Комиссион баҳолар	5.3. Фойдаланилган товарларни комиссион савдо орқали сотишда белгиланади.
	5.4. Деҳқон бозори баҳолари	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини деҳқон бозорларида сотишда белгланади. Бундай баҳолар эркин баҳолар таркибига киради.
	5.5. Жаҳон баҳолари	5.6. Жаҳон бозорларига тааллуқли бўлиб, улар эркин валюталарда белгиланади.

Баҳо орқали товарлар ва хизматлар қийматни солиштириш имконияти яратилади. Уларни қайсиси арзонроқ эканлиги, унга қараб ўзини сотиб олиш имкониятидан келиб чиқиб, талабига яраша ҳарид қилиш мумкинлиги аниқланади. Баҳонинг ўлчов бирлиги функциясидан унинг ҳисоб-китоб функцияси ҳосил бўлади. Ушбу функция орқали қиймат ўлчовларидан ҳисобот олиб бориш учун хизмат қилади.

Ўлчов бирлиги ва ҳисоб-китоб функциялари ёрдамида баҳо иқтисодий жараёнларни тартибга солиш воситаси сифатида хизмат қилади.

Баҳонинг яна бир функциясини бу тақсимот бўлиб ҳисобланади. Бу функция бир товардан иккинчисига талабни кўчишида ва етишмайдиган (дефетцитлиги) товарни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ортиқча ишлаб чиқарилаётганини қитсқартириш жараёнида намоён бўлади. Натижада инвестицияни ҳам тақсимланишига, яъни бир тармоқдан иккинчисига йўналтирилишига олиб келади.

Ушбу функция даромадларни хўжалик субъектлари ўртасида тақсимланишига ҳам кўмаклашади.

Баҳо ижтимоий функцияни ҳам бажаради. Чунки баҳо истеъмолни ҳажми ва таркибини ҳам ўзгартиришга олиб келади. Баҳодан аҳолининг яшаш даражаси, харажатларининг миқдори, минимал эҳтиёж саватининг миқдори, оиланинг истеъмол бюджети даражаси кабилар тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Баҳонинг рағбатлантириш функцияси ишлаб чиқаришни ривожлантириш, товарлар ва хизматларни сифатини оширишда намоён бўлади. Бу функцияни таъсир қилиш механизми ишлаб чиқарувчиларни баҳо орқали ўз даромадлари ва фойдасини оширишга интилишдан келиб чиқади.

Жаҳон амалиётида баҳоларнинг бир неча турлари мавжуд ва ишлатилади. Баҳоларнинг бир неча хил аломатлар орқали турлаш мумкин. Баҳоларнинг турланиш аломатлари ва турларини қуйидаги жадвалда келтирамиз.

6.3. Баҳони аниқлашни методологик масалалари (баҳолаштириш)

Иқтисодиёт назарияси ва амалиётда баҳо категориясини таърифлари ва уни шаклланиш тўғрисидаги масалаларни ёритишда (баҳо назариясини такомиллаштириш ва амалиётга яқинлаштириш) бизнинг фикримизча, аллақанча тушунмовчиликлар мавжуд.

Баҳо бозор иқтисодиётидаги энг мураккаб тарихий-иқтисодий категориядир.

Шу сабабли баҳони шаклланиш методологиясини зарурий жиҳатдан *асосланиши такрор ишлаб чиқариш жараёни иштирокчиларининг* фаолияти самарадорлиги учун муҳимдир.

Иқтисодиётга оид адабиётларда баҳо категориясига, уни шаклланиш масалаларига юзаки қараш, баҳо таклиф ва талаб миқдорига

қараб («Таклиф-баҳо-талаб» схемасида) эркин шаклланиш ғояси олға сурилиб келинмоқда.

Бунда баҳони шаклланиши ва уни тартибга солишда давлат органларининг роли эътиборга олинмаяпти.

Ваҳоланки, биринчидан баҳони шаклланишида ишлаб чиқариш, сотиш харажатлари, давлат бюджети даромадини кўп қисми, корхоналар даромади каби элементар асосий қисмини эгаллайди.

Иккинчидан, давлат томонидан баҳолар маъмурий усуллар орқали тартибга солинади.

Албатта, таклиф, баҳо ва талаб бозорнинг асосий элементлари бўлиб, уларни рақобат шароити, бозор омили ҳаракатга келтиради. Бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи барча қоидалар, тартибга солиш усуллари, шарт-шароитлар баҳонинг шаклланишига таъсир қилувчи омиллар ҳисобланади.

Жамиятдаги мавжуд моддий борликни икки хил турга бўлиб ўрганиш зарур, яъни инсониятга керакликлиги, фойдалилиги, зарурлиги билан баҳоланувчи ва ишлаб чиқариш, сотиш харажатлари билан баҳоланувчиларга.

Биринчи гуруҳга ноёб, кам миқдордаги товарлар кириб, улар инсониятга керакли, фойдалилиги, зарурликлиги белгилари билан баҳоланиши мумкин.

Уларни баҳоси хомашё сотиб олиш, ишлаб чиқариш, сотиш учун харажатланган ижтимоий-зарурий меҳнат қиймати билан эмас, уларни истеъмолчиларга зарурийлиги билан аниқланиб, сотиш баҳоси ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларидан кескин фарқ қилади, баҳони юқорилиги билан фарқланади.

Моддий бойликнинг иккинчи қисми (энг кўп қисми), инсон меҳнати маҳсули бўлиб, улар инсон меҳнати натижасида яратилади ва уларнинг баҳоси ишлаб чиқариш, сотиш харажатлари ушбу жараёнда иштирок этувчи субъектларни даромадлари, жамиятга зарур харажатлар йиғиндиси доирасида бошқа объектив ва субъектив омиллар таъсири натижасида шаклланади.

Ушбу маҳсулотлар юқорида келтирилган миқдордан кам баҳоланса ишлаб чиқарувчи инқирозга учрайди, давлатга ҳам фойда келтирмайди.

Юқорида келтирилган ижтимоий-иқтисодий ҳақиқат баҳо категориясини назарий таҳлил қилиш, уни миқдорини аниқлаш каби масалаларни ҳал қилиш методологияси асосини ташкил қилиш зарур.

Юқорида келтирилган ҳолат жамиятни ривожланишида, товар айирбошлаш жараёни пайдо бўлган муҳитдан тортиб, фармацияпар, тизимлар (бозор иқтисодиётими, диктатурами, маъмурий-буйруқбозликми) шаклидан қатъий назар барчасига тааллуқли бўлиб келган.

Товарнинг истеъмол қиймати ва қиймат бор ёки ушбу хусусиятларга эга бўлган нарса товар деб юритилади.

Товарнинг қиймати унга сарфланган ижтимоий-зарурий меҳнат миқдори билан белгиланади.

Бозорнинг дахшатли рақобат шарт-шароитида корхоналарнинг самарали ишлаш учун баҳоларни белгилашнинг усулларини аниқлаш, маркетингда оқилона баҳо сиёсати ва уни кетма-кет амалга жорий қилиш асосий зарурият бўлиб ҳисобланади.

Талаб ва таклиф, рақобат каби омиллар бозорда тўқнашадиган «сотувчи баҳоси» бир томондан ва иккинчи томондан «истеъмолчи (сотиб олувчи) баҳосини» тенглаштиришга, мувофиқлаштиришга олиб келувчилардан ҳисобланиб, улар таъсири натижасида «бозор баҳоси» шаклланади, яъни: назарий ва амалий нуқтаи назаридан «бозор баҳоси» «эркин баҳо» сифатида намоён бўлади.

Истеъмолчилар мана шу баҳони кўрадилар. Лекин, ушбу «эркин баҳони» асосида баҳони шакллантириш механизми (истеъмолчилар бу жараённи сезмайди ҳам, кўрмайди ҳам) – сотувчини баҳоси – ишлаб чиқариш, сотиш харажати, даромади, давлат даромади асосида шаклланадиган ва истеъмолчи баҳоси асосида – уни сотиб олиш қобилияти ётибди.

Методологик нуқтаи назаридан, меъёрий ўлчов миқдорига эга бўлган, статистика, бухгалтерия ҳисоблари орқали ҳисоб-китоб қилиниши мумкин бўлган (корхоналар; фирмалар, уларнинг бирлашмалари, давлат органлари учун зарур бўлган) товар ишлаб чиқарувчининг баҳосини, яъни «товарларни улгуржи калькуляцион баҳосини» ҳисоблаш усулини Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқиш катта назарий ва амалий аҳамияти тутади.

Баҳони «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни тартиби тўғрисидаги» ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарор билан тасдиқланган Низомга мувоан таннарх, давр харажатлари, молиявий фаолият бўйича харажатлар, фавқулодда зарарлар, фойда каби қиймат категорияларидан фойдаланиш мумкин.

Ишлаб чиқарувчи ва сотувчини баҳосини аниқлашда баҳони шакллантирувчи ишлаб чиқариш ва сотувчи харажатлари, уларни даромади, давлат даромадалри билан боғлиқ бўлган баҳони элементларидан келиб чиқиш зарур. Юқорида келтирилган низомдан келиб чиқиб, қуйидагилар баҳони элементалрига киради:

1. Ишлаб чиқариш таннархи – ИТ
2. Ишлаб чиқариш корхоналарининг давр харажатлари – ДХ
3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар – МФХ
4. Фавқулотда зарарлар – ФЗ
5. Корхонанинг соф фойдаси – СФ
6. Савдо корхоналари устамалари – СКУ
7. Акциз солиғи – Аз
8. Божхона божи – ББ
9. Божхона тўловлари – БТ
10. қўшимча қиймат солиғи - ҚҚС

Агар ялпи фойда ҳисобидан ДХ, МФХ ва ФЗ қопланишини ҳисобга олинса умумлаштирилган ҳолда баҳони элементларига қуйидагиларни киритиш билан чегараланиш мумкин:

1. Ишлаб чиқариш таннархи – ИТ
2. Ялпи фойда ЯФ
3. Савдо корхоналари устамалари – СКУ
4. Акциз солиғи – АС
5. Божхона божи – ББ
6. Божхона тўловлари – БТ
7. Қўшимча қийматлар солиғи - ҚҚС

Ушбу элементлардан келиб чиқиб корхонани соф фойдасини ва товарни улгуржи ва чакана калькуляцион (корхона учун ва чакана савдо шохобчалари учун) баҳоларини ҳисоблаш мумкин.

1. Ялпи фойда ЯФ = СОСТ – ИТ;

Бу ерда: СОСТ – сотишдан олинган соф тушум;

2. Асосий фаолиятдан олинган фойда

АФФ = ЯФ = Дх + БД – БЗ;

Бу ерда: БД – асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ – Асосий фаолияддан олинган бошқа зарарлар.

3. Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда

УХФФ = АФФ + МфД – Мфх;

4. Солиқ тўлагунгача олинган фойда СТОФ = УХФФ + ФД – ФЗ;

Бу ерда: ФД – фавқулотда даромад;

5. Йилнинг соф фойдаси

СФ = СТОФ – ДС – БС;

Бу ерда: ДС – даромаддан, фойдадан тўланадиган солиқ;

БС – бошқа солиқлар ва тўловлар.

I. Товарнинг корхона учун улгуржи калькуляцион баҳоси (ТКБу)

ТКБу = (ИТ+Дх+Мфх+Фз+СФ) : Қ

II. Товарнинг чакана – калькуляцион баҳоси (ТКБч)

ТКБч = (ТКБу+СКУ+Аз+ББ+БТ+ҚҚС): Қ

Бу ерда: Қ – сотиладиган ёки сотишга чиқариладиган маҳсулот миқдори, натурал кўрсаткичларда.

Ушбу кўрсаткичлар товарнинг ўлчов бирлигига ҳисоб-китоб қилинади, яъни Қ – сотиладиган ёки сотишга чиқариладиган маҳсулот миқдорига бўлиш орқали аниқланади.

«Бозор баҳоси» юқорида келтирилган баҳо атрофида, барча омиллар таъсири остида у ёки бу томонга тебраниб туради ва шаклланади.

Биз юқорида келтирганимиздек баҳонинг маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари билан боғлиқ бўлган таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ тавсифланади.

Низомга биноан маҳсулотни сотишдан олган ялпи фойда (ЯФ), бу сотишдан олинган соф тушум (ССТ) билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи (ИТ) ўртасидаги тафоввут сифатида аниқланади. Статистика нуқтаи назардан соф тушумни формулада математик қурилма сифатида қуйидигича ифодалаш мумкин:

$$\mathbf{ССТ = ИТ + ЯФ}$$

Сотилган маҳсулотлар миқдори ($к_и$) ва баҳо ($р_и$) нуқтаи назаридан сотишдан олинган соф тушум

$\mathbf{ССТ} = \sum_{i=1n}^{n} q_i \cdot p_i$ тенг бўлади.

Бу ерда: и – маҳсулотлар тури;

н – маҳсулот турларининг сони.

Ушбу формуладан келиб чиқиб *и* маҳсулотнинг баҳоси ($р_и$) тенг бўлади:

$$P_i = \frac{\sum q_i p_i}{\sum q_i}$$

Баҳонинг асосий элементини маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархи ташкил қилади.

Маҳсулот таннархи деганда бевосита ва билвосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий, меҳнат харажатларининг асосий ва номоддий активлар аммортизацияси ҳамда ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар қийматининг пулдаги ифодасига тушунилади.

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини таркибидаги харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунидан келиб чиқиб қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

- ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар;
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар аммортизацияси;
- ишлаб чиқвариш тусидаги бошқа харажатлар.

Ушбу харажатлар алоҳида элементлардан ташкил топади. Уларни таркиби юқорида келтирилган низомда тўла изоҳланган.

Баҳонинг кейинги элементи корхонанинг ялпи фойдаси (ЯФ) бўлиб ҳисобланади. Ялпи фойда йўналтирилиши нуқтаи назардан корхонанинг давр харажатлари, молиявий фаолият бўйича харажатлар, фавқулотда зарарларни қоплаш, даромаддан тўланадиган солиқ ва бошқа солиқлар ва тўловлар ҳамда соф фойдани шакллантириш учун ишлатилади.

Ушбулардан келиб чиқиб баҳонинг маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари билан боғлиқ бўлган элементлари таркибига ишлаб чиқариш корхонасининг давр харажатлари, молиявий фаолият бўйича харажатлар ва фавқулодда зарарларни киритиш мумкин.

Давр харажатлари деганда бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва сарфлар тушунилади.

Давр харажатлари қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- сотиш харажатлари;
- маъмурий харажатлар;
- бошқа операция харажатлари;
- ҳисобот давринининг келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар.

Булардан ташқари, баҳо элементига молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳамда фавқулодда зарарлар киради.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар – бу корхонанинг молиявий фаолиятига тааллуқли харажатлар, яъни:

- қарзлар ва кредитлар бўйича фоиз тўловлари;
- валюта операциялари бўйича салбий курс тафоввутлари ва зарарлар;
- қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар ва бошқа элементалрдан ташкил топади.
- Фавқулодда зарарлар – бу хўжалик юритувчи субъектларнинг одатдаги фаоилятидан четга чиқувчи ҳодисалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган ва рўй бериши кутилмаган одатдан ташқари харажаталр моддаларидир.

6.4. Баҳони давлат томонидан тартибга солиниши

Инсоният тараққиётида барча ижтимоий формацияларда давлат иқтисодиётни тартибга солишда катта аҳамиятга эга бўлиб келган. Бозор иқтисодиётининг ўзига хос камчиликлари, такомиллашмаган томонлари иқтисодиётни давлат томонидан ҳар томонлама тартибга солиб туришни тақозо қилади. Улар қаторига қуйидаги ҳолатларни келтириш мумкин.

Биринчидан, рақобатни такомиллашмаганлиги сабабли монополияларни вужудга келиш эҳтимоли ва улар ўзларини баҳолаштириш сиёсати орқали жамият фаравонлигига зиён келтириши мумкинлиги.

Иккинчидан, жамиятга ҳаётий зарур бўлган, кўп товарларни мавжудлиги, лекин бозор томонидан улар етарли даражада таклиф қилинмаслиги. Бундай товарлар асосан таълим соғлиқни сақлаш, фан, маданият ва бошқа соҳаларда кўплаб мавжуд.

Учинчидан, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш муаммолари.

Тўртинчидан, ишсизлик, инфляция, иқтисодий барқарорсизлик, даромадларни нотекис тақсимланиши.

Бешинчидан, аҳолини бирламчи зарур бўлган товарлар билан таъминлаш муаммолари.

Олтинчидан, болалар, ёшлар, ногиронлар ва нафақахўрларни ижтимоий ҳимоя қилиш зарурияти каби ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш зарурияталридан давлат томонидан иқтисодий жараён ва ҳодисаларни, жумладан баҳоларни тартибга солишни объектив эҳтиёжи вужудга келади.

Давлат томонидан баҳони тартибга солиш деганда, давлатни жамият хўжалик фаолиятига, аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий аҳволни яхшилаш мақсадида, иқтисодий-ижтимоий сиёсати орқали, ҳуқуқий, маъмурий, иқтисодий ричаклар, усуллар билан ўз таъсирини ўтказишини тушуниш лозим.

Ушбу ричаглар ва усулларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

I. Баҳоларни чегаралаш орқали;

1.1. Фиксировать қилинган (белгиланган) баҳолар орқали;

1.2. Баҳоларни ўзгариш коэффициенти чегарасини белгилаш;

1.3. Рентабеллик даражаси чегарасини белгилаш;

1.4. Баҳоларни декларация қилиш;

1.5. Гарантияланган ҳарид баҳолар (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига);

II. Ҳар хил норма ва нормативлар белгилаш;

III. Товарлар (хизматлар)ни стандартлаш ва сертификациялаш;

IV. Иқтисодий ричаглар (дастаклар ёки таянчлар) – соликлар, бож божлари ва тўловлари, банк фоизлари, тарифлар ва ҳ.к.

Баҳоларни чегаралаш ривожланган давлатларда кенг тарқалган. Масалан: АҚШ, Австралия, Италия – 10% атрофидаги баҳолар, Япония, Грецияда – 20 %. Айрим истеъмол товарлари қайтида максимал чакана баҳоси ёзиб қўйилади. Ундан юқорисига сотиш ман этилади.

Улар асосан айрим истеъмол товарларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига, энергоресурсларга, транспорт ташувларига ва ҳ.к. тарқатилади.

Россияда, табиий монополиялар маҳсулотлари ва хизматларига, қимматбаҳо металлар баҳолари, юк ташиш, уларни юклаш – тушириш тарифлари, почта ва электрон алоқа хизматалри тарифи, аҳолига ва хизмат баҳолари – газ, электроэнергия, ёқилғи, коммунал хизмат, пассажир транспорт, айрим истеъмол товарларига ва ҳ.к. тегишлидир.

Давлат баҳоларни тартибга солишни қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширади:

- бюджет, пул-кредит ва солиқ сиёсатлари орқали пул муомаласини тартибга солиш йўналиши бўйича;
- иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш ва такрор ишлаб чиқариш жараёнини мутаносиблигини таъминлаш;
- ижтимоий, гуманитар, экологик нормаларни тасдиқлаш;
- антимонопол сиёсатни юргизиш;

- бевосита баҳолар, тарифларни нормалаштириш, алоҳида товарлар ва хизматларга баҳоларни белгилаш, коммунал хизматларга тарифлар белгилаш ва уларни чегараларини белгилаш;

- товарлар ва хизматларни стандартлаш ва сертификациялаш;

- ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш ва ҳоказолар.

Баҳоларни тартибга солишни қуйидаги усулларини ишлатиш мумкин:

- ҳуқуқий (қонунлар ва қонуний ҳужжатларни қабул қилиш);

- молиявий-иқтисодий (солиқлар, бож тўловлари, имтиёзлар, кредитлар фоизи, дотациялар, бюджет тақсимоти);

- ижтимоий (ижтимоий ҳимоя, ижтимоий гарантияни таъминлаш, минимал иш ҳақи, минимал эҳтиёж савати кабиларни таъминлаш, стипендия, пенсия, нафақалар белгилаш);

- маъмурий (айрим товарлар ва хизматларга тўғридан-тўғри баҳоларни белгилаш ёки чегаралаш – пастки ва юқори чегараларни тасдиқлаш).

Ушбу усуллар бевосита ва билвосита таъсир қилиш йўналишлари орқали амалга оширилади.

Баҳо, баҳолаштириш механизми тўғрисида сўз юритилганда баҳога таъсир қилувчи муҳим омил сифатида инфляция тўғрисида тўхталиб ўтиш жуда зарур бўлиб ҳисобланади.

Инфляция – лотинча инфиатио сўзидан келиб чиқиб бўртмоқ, бўрттирилиш ёки шишиш маъносини билдиради.

Иқтисодиётда инфляция пул бирлигини қадрсизланишини, унинг сотиб олиш қобилиятини камайишини, муомалага пул массасини реал таклифига нисбатан кўп миқдорда ортиб кетганлигини англатади. Инфляция баҳоларни кўтарилишига, қимматчиликка олиб келади.

Инфляцияни келиб чиқиш табиати муомаладаги товарлар ва пул (нақд ва нақд бўлмаган) массасини ўртасидаги номутаносиблик бўлиб ҳисобланади. Пулнинг қиймати пасаяди, эквивалент товар таъминоти таъминланмай қолади.

Инфляция даражаси баҳоларни ойда ёки йилда неча фоизга ортиши миқдори билан белгиланади.

2013 йилда Ўзбекистонда инфляция даражаси 7,8 % ташкил қилди. Жаҳондаги иқтисодиёт амалиётида инфляцияни йиллик даражаси 2-3% бўлишлигига йўл қўйилиши мумкинлиги ва бехарарлиги исботланган. Агар ҳар ойда баҳоларни кўтарилиши бир неча фоизни ташкил қилса иқтисодий муҳит бузилади.

Баҳоларни ўсиш миқдори ойида 50,0 % дан ортиб кетса гиперинфляция вужудга келади.

Инфляцияни реал намоён бўлиши остида товарларни сифатини яхшиланиши билан боғлиқ бўлмаган ҳолда баҳони ўсиши ётади. Баҳони ўзгариши жамиятда ёки регион миқиёсида чакана баҳоларни ўзгаришини ўртача миқдори орқали ҳисобланади.

Инфляция иқтисодиётдаги негатив ҳодиса бўлиб, агар жуда юқори бўлса иқтисодий фалокатга олиб келади.

Таянч иборалар: *баҳо, баҳолаштириш, таннарх, ижтимоий зарурий меҳнат, ўлчов бирлиги, ҳисоб-китоб, рағбатлантириш, тақсимот, инфляция, рақобат.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Баҳо нима?
2. Баҳолаштириш деганда нима тушунилади?
3. Баҳолаштириш баҳодан нима билан фарқ қилади?
4. Пул нима?
5. Баҳо қандай фунцияларни бажаради?
6. Баҳони турларни айтинг ва тушунчасини ёритиб беринг?
7. Баҳолар қандай қилиб давлат томонидан тартибга солинади?
8. Баҳога қандай омиллар таъсир кўрсатади?
9. Товарнинг улгуржи калькуляцион баҳоси қандай элементлардан иборат бўлади?
10. Товарнинг чакана калькуляцион баҳоси қандай аниқланади?
11. Сотувчи баҳоси, сотиб олувчи баҳоси ва бозор баҳосини бир-бири билан боғлиқлигини айтинг ва улар қайси омиллар орқали тенглаштирилади?

VII боб. ТАЛАБ ИҚТИСОДИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА ВА ТОВАР ТАКЛИФИ

7.1. Эҳтиёж тушунчаси, таркиби ва турлари
7.2. Талаб тушунчаси, унга таъсир қилувчи омиллар
7.3. Талабни ўрганиш ва прогнозлаш усуллари
7.4. Аҳолининг минимал истеъмол саватчаси тушунчаси
7.5. Аҳолининг даромадлари ва харажатлари баланси
7.6. Таклиф тушунчаси, манбалари ва Ўзбекистонда уни шаклланиш тенденциялари

***

7.1. Эҳтиёж тушунчаси, таркиби ва турлари

Эҳтиёж тушунчаси инсонни ташқи дунёга бўлган муносабатини билдиради. Эҳтиёж шахс, гуруҳ, умуман жамиятни ҳаёт фаолиятини таъминлайдиган моддий, ижтимоий, руҳий борлиққа бўлган ижтимоий дунёқараши.

Эҳтиёж – инсон онгида шаклланган моддий, маънавий, ижтимоий ва рухий борлиққа бўлган зарурият.

Эҳтиёж икки хил табиатга эга:

1. Биологик
2. Ижтимоий

Чет эл олимлари (А. Абраҳам Маслоу) фикрича инсон эҳтиёжи мураккаб иерархик таркибдан иборат бўлади. Инсон омилини ўрганишда эҳтиёж таркибидан келиб чиқиб, уни аниқлаб, унга мос ошқариш усуллари ишлатилиши керак.

Абраҳам Маслоу (1908-1970) эҳтиёж назариясини, яъни «эҳтиёж пирамидаси» ни ишлаб чиққан. Унинг назариясига биноан инсон эҳтиёжи мураккаб иерархик таркибда тузилган бўлиб, уни менежерлар аниқлаб ва унга мос усуллар орқали ишлатиши зарур. Унинг фикрича эҳтиёж қуйидагича таснифланади.

1. Базисли – озиқ-овқат, хавф-хатарсизлик, ўзини ижобий ҳисоблаш ва ҳ.к.

2. Келиб чиққан мето-эҳтиёж – (ҳақиқатга, фаровонлик) ижтимоий ҳаётдаги тартиб ва бирлиги.

Базис, эҳтиёжлар – ўзгармас, доимий.

Келиб чиққан эҳтиёжлар, ўзгарувчан.

Мета – эҳтиёжлар бир хил баҳоланади ва иерархик таркибда тузилмайди.

Базис эҳтиёжлари иерархик қоида бўйича «пастдан» «юқорига» қараб яъни «моддий»- «маънавий» эҳтиёжларга қараб баҳоланиб борилади:

1. *Физиологик ва сексуал эҳтиёжлар;*

2. Экзистинциаль (лот) сўзнинг мазмуни, маънавий қарашни бирламчи деб қараш, идеалистик дунёқарашни англатади.

Бу ерда-яшашнинг хавфсизлиги; эртанги кунга ишонч; ҳаёт тарзини (шароитни) стабиллиги; атрофдаги ижтимоий аҳволни доимийлиги ва тартибга солиниши; меҳнатни, *ишни таъминланишига* кафилликлиги, тасодифий ҳолатлардан сақланиши ва ҳ.к.

3. Ижтимоий эҳтиёжлар бирор нарсага, кишига яқинлиги, коллективга, гуруҳга, берилиши, бошқаларга ғамхўрлиги, ўзига қаратилган эътиборга муҳтожлик, жамоат ишларида қатнашиш.

4. Эътиборли (престиж) эҳтиёжлар – юқори «мансабдор» кишилар томонидан хурматланиши, фаолиятда юқори поғонага кўтарилиши, ишда статус (ҳуқуқи, ўрни, обрўйи, эътибори), юқори баҳоланиши, *тан олиниш, шахсий хусусиятни тан олиниши.*

5. Маънавий эҳтиёжлар – ижодиёт орқали ўз – ўзини танитиш.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёни инсон эҳтиёжи билан тиғиз боғлиқ. Чунки ишлаб чиқариш ва истеъмол эҳтиёжни туғдиради, тақсимот билан айирбошлаш эса эҳтиёжни қондирилиш жараёнини тартибга солади.

Эҳтиёж бир томондан такрор ишлаб чиқариш фазаларини натижаси сифатида, иккинчи томондан уларни тебрантирувчи, ҳаракатлантирувчи *омил* бўлиб ҳисобланади.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида эҳтиёж туғилади, қондирилади, йўқолади ва янгидан яралади. Шу сабабли эҳтиёж талаб категорияси талаб орқали ўрганилади ва прогноз қилинади. Талаб орқали инсонларнинг эҳтиёжи намоён бўлади.

Умуман *жамият миқиёсида биологик* эҳтиёжлар ҳақиқатда иерархик тузилишдан иборат бўлиб, уларни сон ва сифат жиҳатдан ўлчаш мумкин.

Ушбу нуқтаи назардан эҳтиёжни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

Абсолют эҳтиёж – иерархияда биринчи даражадаги эҳтиёж – озиқ –овқат, ноозиқ-овқат, уй – жой, маънавий, ахборотларга ва ҳ.к.

Ҳақиқий эҳтиёжлар– иккинчи даражада; нисбий характерга эга бўлиб, жамиятда мавжуд ёки ишлаб чиқариши мумкин бўлган нарсалар, реал истеъмол бюмлари.

Сотиб олиш қобилятига эга бўлган эҳтиёж – учинчи даражада – булар бор моддий ва товар ресурслари ҳамда аҳолининг пул даромадлари билан чегараланган бўлади.

Бу эҳтиёж талабда ўз аксини топади.

7.2. Талаб тушунчаси унга талабга таъсир қилувчи омиллар

Талаб иқтисодий категория бўлиб икки томонлама характерга эга.

Биринчидан – сотиб олиш қобилятига эгалиги.

Иккинчидан – истеъмол характерига эгалиги.

Талаб эҳтиёжни намоён бўлиш шакли сифатида конкрет маҳсулотни сони ва сифатига қаратилади, яъни конкрет истеъмол қиймат қаратилади.

Сотиб олиш қобиляти нуқтаи назардан талаб бозорининг элементи бўлиб, қандайдир миқдордаги пул ҳажмини билдиради.

Талаб – пул билан таъминланган эҳтиёжнинг шаклидир.

Талаб – пул билан таъминланган эҳтиёж шакли сифатида учта турга бўлинади:

1. Қондирилган – аҳолига зарур бўлган, унинг сотиб олиш қобилятига яраша истеъмол товарлари ва хизмат билан таъминланиши;

2. Қондирилмаган – товарлар ва хизматларни етишмаслиги, дефитцит.

3. Шаклланаётган – истеъмолчилар томонидан товарлар ва хизматларга қўйилаётган (хусусиятига, сифатига, ташқи кўринишига ва ҳ.к.) янги талаблар мажмуаси.

Талабга кўп омиллар таъсир қилади. Улар ҳар хил бўлиб, бутун бир тизимдан иборатдир. Улар қуйидаги 7.2.1 ва 7.2.2 - жадвалларда келтирилган.

7.2.1-жадвал

Талабга таъсир қилувчи омиллар

Таснифланиш аломатлари	Омилларнинг турлари
I. Келиб чиқиш табиати бўйича	1.1. Иқтисодий 1.2. Ижтимоий 1.3. Демографик 1.4. Табиий – иқлим шароити 1.5. Тарихий – миллий
II. Талабга таъсир қилиш характери бўйича	2.1. Умумий 2.2. Махсус (хусусий) характердаги
III. Талабга таъсир қилиш даражасини ўлчаш, миқдорлаш бўйича	3.1. Бевосита (тўғридан – тўғри) 3.2. Билвосита ўлчанувчи

7.2.2 - жадвал

Омилларнинг намоён бўлиш аломатлари

1.1. Иқтисодий -	Миллий даромадни миқдори, тақсимланиши; аҳолининг даромади ва аҳоли гуруҳларига тақсимланиши; баҳонинг миқдори; аҳолини айрим товарлар билан таъминланганлиги (автомобил, телевизор, холодильник, мебел).
1.2. Ижтимоий -	Давлатнинг тақсимот сиёсати; жамиятни социал таркиби; аҳолининг моддий фаровонлиги; мода, эстетик (дид), истеъмол маданияти.
1.3. Демографик -	Аҳолини сони, таркиби; оила сони таркиби; қишлоқ ва шаҳар аҳолиси; миграцион жараён.
1.4. Табиий – иқлимий -	Табиий- иқлимий шарт - шароит
1.5. Тарихий – миллий -	Миллий урф – одат; Менталитет; Яшаш тартиби ва ҳ.к.
2.1. Умумий -	Аҳолини даромади; Харажатлари; Аҳолини сони; Баҳо.
2.2. Махсус (хусусий) -	Айрим товарларга талабни шакллантирувчи омиллар. Масалан: уй – жой қурилиши; электрлаштириш; газлаштириш; сув таъминоти ва ҳ.к.
3.1. Бевосита -	Бунга юқорида келтирилган таъсир даражасини ўлчаш мумкин бўлган омиллар
3.2. Билвосита -	Мода, истеъмолчиларни ҳулқи, ҳоббиси ва ҳ.к.

7.3. Талабни ўрганиш ва прогнозлаш усуллари

Талабни ўрганиш ва прогнозлаш учун ҳар хил усуллар тизимидан фойдаланилади. Уларга:

1. Оддий экстрополяция усули;
2. Иқтисодий – математик моделлаштириш усуллари;
3. Норматив усуллар;
4. Экспорт баҳолаш усули.

Оддий экстрополяция усули талабни товар гуруҳлари бўйича кўп йиллик динамикасини ўрганиш, тенденцияларини аниқлаб келажакка уларни ўтказиш.

Уни амалга ошириш учун талабни ўзгариш коэффициенти аниқланади (Китт)

$$K_{итт} = \Delta m_{ти} \Delta T_{жи} : \Delta T_{ўи}$$

$\Delta \mathbf{T}_{\mathbf{пи}}$– режалаштирилган йилга талабни ўсиш суръати, и – товар гуруҳи бўйича;

$\Delta \mathbf{T}_{\mathbf{жи}}$- жорий йилни ўтган йилга нисбатан ўсиш темпаси, и – товар гуруҳи бўйича;

$\Delta \mathbf{T}_{\mathbf{ўи}}$ – ўтган йиллар (М: 3 -5 йил) ўртача ўсиш суръати, и- товар гуруҳи бўйича.

Оддий экстрополяция усулига эластиклик коэффициентини аниқлаш усули ҳам киради. ($К_Э$)

Эластиклик коэффициенти талабни бирон бир омил таъсир остида қанча фоизга ўзгариш миқдорини кўрсатади. М: аҳоли даромади, товар таклифи

$$КЭ = \frac{У_1}{У_б} : \frac{Х_1}{Х_б} = \frac{\Delta У}{\Delta Х}$$

Бу ерда: $У_1$; $У_б$ – жон бошига тўғри келган товар айланиши, жорий ва базис йилига;

$Х_1$; $Х_б$– жон бошига тўғри келган аҳолининг даромади, жорий ва базис йилига.

Талабни иқтисодий математик моделлаштириш усулларининг турлари 7.3.1-жадвалда келтирилган.

Аҳолининг истеъмол товарларига ва хизматларига бўлган талабни ўрганишда «Истеъмол бюджети», «Прогнозлаштирилган истеъмол бюджети», «Ҳисобот истеъмол бюджети» каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Истеъмол бюджети деганда истеъмол товарлари ва хизматни ҳажми ва таркиби миқдорини тавсифловчи синтетик киймат кўрсаткич тушунилади.

Ушбу кўрсаткич «Рационал», «Прогнозлаштирилган» ва «Ҳисоботли» турларга бўлинади.

Рационал истеъмол бюджети – аҳоли талабини тўла (иқтисодий, ижтимоий, маънавий эстетик нуқтаи назардан) ва ҳар томонлама қондирилиши даражасини белгилайди, тавсифлайди.

7.3.1 – жадвал

Иқтисодий математик моделлаштириш усуллари

Функциялар номи	Функцияларни математик тузилиши	Боғлиқликни график кўриниши
И. Тренд модели (жуфт регрессия)		
1.1. Тўғри чизиқли модел	**У = а+вт**	
1.2. Эгри чизиқли модел	**Е=** $\frac{R}{I+ac^{bt}}$	
ИИ. Регрессион моделлар		
2.1. Тўғри чизиқли кўп факторли модел	**У =a_0+a_1x+$a_2$$x_2$+…+$a_в$$x_в$**	
2.2. Эгри чизиқли кўп факторли моделлар:		
2.2.1. Параболлик	**У=a_0+$a_1$$x_1$+$a_2$$x_2^2$+…+$a_n$$x_n^n$**	
2.2.2. Даражалик	**У=** $a_0x_0^{a_0}+a_1x_1^{a_1}+a_2x_2^{a_2}+...+a_nx_n^{a_n}$	

7.4. Аҳолининг минимал истеъмол саватчаси тушунчаси

Прогнозлаштирилган истеъмол бюджети – прогнозлаштирилган даврга аҳолини ўртача даромадидан келиб чиқиб аниқланган истеъмол бюджетини миқдоридир.

Ҳисобот истеъмол бюджети – конкрет даврда (йил) эришилган товарлар ва хизматни истеъмол миқдорини англатади.

Ушбу кўрсаткичлардан аҳолини талабини прогнозлашда, аҳолини минимал эҳтиёж саватини ҳисоблашда, чакана товар айланиши ва хизматлар миқдорини прогнозлаш ва режалаштиришда фойдаланиш мумкин.

Истеъмол товарларини истеъмол қилишни илмий асосланган минимал чегараси мавжуд.

Инсонни нормал биологик борлиқлигини таъминлаш учун қандайдир миқдорда килокалорияда озиқ – овқат маҳсулотлари ва қандайдир миқдорда ноозиқ–овқат товарларини ҳамда хизмат турларини истеъмол қилиш керак. Аҳолининг истеъмол сифатидан келиб чиқиб уларни минимал яшаш даражаси қиймати ҳисоб–китоб қилинади ва жамият, давлат уни таъминлаш чора - тадбирларини кўриш зарур.

Буни ҳисоблашда озиқ – овқат маҳсулотлари истеъмолини физиологик нормалари, ноозиқ – овқат товарлари ва хизматнинг рационал нормалари. Уларнинг баҳоси ҳамда истеъмол товарлари ва хизматлари баҳосининг индекси эътиборга олинади.

Россия Федерациясида 1999 йил октябрда «Истеъмол савати тўғрисида» қонун қабул қилинган. Ушбу ҳужжатга 33 истеъмол товарлари ва хизматлари турлари киритилган. Бугунги кунда минимал яшаш қиймати 2588 рубл (≈90 доллар), а минимал иш хақи 600 рубл (≈21,8 доллар)ни ташкил қилади.

АҚШ минимал яшаш даражаси 250 хил турдаги истеъмол товарлари ва хизматларидан иборат. Истеъмол баҳолар индексини (ИБИ) ҳисоблашда АҚШ меҳнат вазирлиги, статистика бюроси пафақат истеъмол товарлари ва хизматлари ассортименти, балки уларни сотиб олиш тезлигини (частотасини) ҳам ҳисобга оладилар.

Уларда 41% харажатлар уй – жойга (уй–жойга тўлов – 28%), иситиш ва коммуналл харажатлар 7%, мебел олиш ва жорий таъмирлаш-6% ташкил қилади. Миқдори бўйича иккинчи даражада озиқ – овқат маҳсулотларини сотиб олиш харажатлари туради–17% жумладан, 9% - уйда қилинадиган истеъмолга 6%-уйдан ташқари, 2% алкагол ичимликларини ташкил қилади.

17% - транспорт харажатларига (хизматларига), шахсий транспортни ва жамоа транспортларига харажат.

7% - соғликни сақлашга.

6% - кийим – кечакка.

4% - дам олиш, маишатга

8% - бошқа товарлар ва хизматларга (китоб, мактаб учун ёзув ашруриятлар).

7.4.1-жадвал

Аҳолининг минимал эҳтиёж савати

I. Бир кишига бир ойда тўғри келадиган озиқ – овқатларни физиологик нормаси ва аҳолининг харажатлари миқдори

№	Товарлар	Ўлчов бирлиги	Кундалик норма		Ойлик норма	1996 йил		2000 йил		2004 йил	
			Сони	Килокалория		Баҳоси	Қиймати	Баҳоси	Қиймати	Баҳоси	Қиймати
1.	Гўшт	Кг	0,10	241	3,0	70	210	600	1800	2200	6600
2.	Нон	Дона	0,67	1064	20,1	18	361,875	60	1206	125	2512,5
3.	Тухум	Дона	0,50	80	15,0	5	75	30	450	70	1050
4.	Сут маҳсулотлари	Литр	0,15	87	4,5	10	45	50	225	200	900
5.	Ўсимлик мойи	Литр	0,10	75	3,0	40	120	300	900	1100	3300
6.	Шакар	Кг	0,03	125	0,9	25	22,5	250	225	550	495
7	Картошка	Кг	0,20	166	6,0	20	120	70	420	100	600
8.	Сабзавотлар	Кг	0,20	66	6,0	6	36	40	240	150	900
9.	Мевалар	Кг	0,20	55	6,0	30	180	100	600	200	1200
10.	Гуруч	Кг	0,10	323	3,0	35	105	200	600	600	1800

II. Ноозик – овқат товарлари ва хизматлар

№	Товарлар	Ишлатиш муддати		Сотиб олиш сони	1996 йил		2000 йил		2004 йил	
		Ўлчов бирлиги	Сони		Ўртача баҳоси	Бир ойлик суммаси	Ўртача баҳоси	Бир ойлик суммаси	Ўртача баҳоси	Бир ойлик суммаси
1	Эркаклар кўйлаги	1 йил	1	1	300	25,00	1600	133,30	4500	375,0
2	Костюм	1 йил	2	1	700	58,33	12600	525,0	30000	1250,0
3	Жемпер	1 йил	2	1	300	25,00	3000	125,0	15000	625,0
4	Туфли	1 йил	1	1	500	41,67	600	50,0	12000	1000,0
5	Пальто	1 йил	4	1	1600	33,33	45000	937,5		
6	Носки	1 ой	2	1	25	12,50	150	75,0	450	225,0
7	Калош	1 йил	1	1	300	25,0	850	70,8	4000	333,3
8	Уй техникаси	1 йил	10	1	40000	333,3	50000	416,7	86000	716,7
9	Транспорт хизмати	1 ой	25 маротаба	50	6	300	35	1750	150	7500
10	Соғликни сақлаш ва бошқа хизм	1 ой	1	1	200	200	600	600	1500	1500
11	Коммунал хизматлар	1 ой	1	1	300	300	400	400	400	400
	Жами	-	-	-	-	1354,17	-	4479,2	-	18462,5
	Ҳаммаси	-	-	-	-	2629,47	-	11145		
	Минимал иш хақи	-	-	-	-	550	-	1750	-	6530
	Истеъмол баҳолар индекси,%	-	-	-	-	100,0	-	423,86	-	1438,31
	Оилани минимал савати	2 киши		-	-	5258,94		22290,0		75640,0
		3 киши				7888,4		33436,0		113460,0
		4 киши				10517,88		44580,0		151280,0
		5 киши				13147,35		55725,0		189100,0

Бизда яшаш минимал савати ва яшашни минимал даражаси ҳисоб – китоб қилинмайди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида давлат ўртача ҳар йили 20–30% минимал иш хақини ошириб келмокда. 2013 йилда мамлакатимизда ўртача ойлик иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 20,8% кўпайди.[34]

Шу билан бир қаторда товар ва хизматларга (жумладан таббиий монополиялар маҳсулотларига) баҳо ва тарифлар ошиб келмокда.

Айрим иқтисодчи олимларнинг ҳисоб–китобига кўра Ўзбекистон Республикасида энг зарурий товарлар ва хизматларни 21та тури бўйича олинганда 2004 йилда озиқ – овқатларга – 19357,5 сўм.

Ноозиқ – овқатлар ва хизматга – 18462,5 сўм

Жами – 37820 сўмни ташкил қилган.

Минимал иш хақи

1996 – 550 сўм 100%

2000 – 1750 сўм 318,2%

2004 – 6530 сўм 1181,8%

Баҳолар индекси:

1996 – 1,000

2000 – 4,239

2004 – 14,383

Минимал яшаш қиймати-

1996 – 7888,4 – 100,0 %

2000 – 33436 сўм – 423,9%

2004 – 113460 сўм – 1438,3%

Аҳолини минимал эҳтиёж саватини ҳисоблашда илмий асосланган қуйидаги озиқ – овқатларни физиологик нормалари ишлатилиши мумкин. Бир йилга нон ва нон маҳсулотлари – 129,0 кг; картошка ва картошка уни – 120,0 кг полиз ва сабзавот ўсимликлари 130,0 кг; мева, узумлар – 49,0 кг; шакар – 36,5 кг; гўшт ва гўшт маҳсулотлари – 73,0 кг; сут ва сут маҳсулотлари – 413,0 литр: тухум – 274,0 дона, газ мол, мато – 58,0 $м^2$; трикотаж – 8,25 дона; пайпоқ, чулки- 9,0 пар; пойафзал – 3,3 пар ва ҳоказо.

Қуйидаги жадвалда аҳолининг минимал эҳтиёж саватини ҳисоблаш усули шартли мисолда келтирилган.

---

[34]Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳатлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Халқ сўзи. 2014 йил 18 январь.

7.5. Аҳолининг даромадлари ва харажатлари баланси

Савдо корхоналари фаолиятини ўрганишда, талаб ва таклифни мувофиқлаштиришда, уларни прогноз қилишда, аҳолининг даромадлари ва харажатларини ўрганиш катта аҳамият тутади. Чунки талабнинг иқтисодий асосини аҳолининг даромадлари ва харажатлари ташкил қилади.

Шу сабабли аҳолининг даромадлар ва харажатлари баланси тузилади. Қуйида аҳоли даромадлари ва харажатлари тўғрисида республикамиздаги холат тўғрисида қисқача маълумот берамиз.

Мамлакатимизда аҳолини самарали муҳофаза қилишга йўналтирилган мақсадли чора-тадбирлар ҳамда юкори иқтисодий ўсиш ва бандлик суръатлари аҳоли фаровонлигини оширишни таъминламоқда.

Аҳоли реал даромадларининг ошишида асосий омил бўлиб, макроиқтисодий шароитнинг қулайлиги, иқтисодий ўсишнинг тез суръатларда ошиши, инфляциянинг сезиларли даражада пасайганлиги, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва аҳолини аниқ ижтимоий ҳимоя қилишнинг кучайганлиги ҳисобланади.

Аҳоли даромадлари – *бу алоҳида шахс ёки оила (уй хўжалиги) томонидан турли манбалардан маълум давр мобайнида олинадиган ва истеъмол, жамғарма, турли йиғим ва солиқларга сарфланадиган пул ва натурал тушумлар мажмуидир.*

Аҳоли даромадлари асосан пул даромадлари ва натурал шаклдаги даромадлардан ташкил топади. Бозор муносабатлари ривожланиб борган сари аҳоли пул даромадларининг салмоғи сезиларли даражада ошиб, унинг таркибий тузилиши ҳам такомиллашиб боради (7.5.1-расм).



7.5.1 -расм. **Аҳоли пул даромадларининг таркибий тузилиши**

Аҳоли даромадлари даражасига баҳо бериш учун номинал ва реал даромад тушунчаларидан фойдаланилади.

Аҳоли пул даромадлари – иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан фоиз, дивиденд, рента шаклда олинадиган даромадларни, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишидан келиб тушадиган даромадлар.

Натурал даромад – меҳнат ҳақи ҳисобига олинадиган ва уй хўжаликларининг ўз истеъмоллари учун ишлаб чиқарган маҳсулотлари.

Номинал даромад – аҳоли томонидан маълум вақт оралиғида олинган даромадларининг пул кўринишидаги миқдори.

Реал даромад – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори бўлиб, реал даромад аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қувватини билдиради.

Иш ҳақи ва аҳоли реал даромадларининг аҳамиятли даражада ўсиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланиши билан бир қаторда ташқи савдо ва экспорт соҳасидаги фаолиятнинг самарадорлигига ҳам боғлиқ.

Сўнгги йилларда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ошириш, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкаларини камайтириш, инфляция даражасини пасайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ялпи ва реал даромадлари сезиларли равишда ошди, унинг харид қобилияти барқарор суръатда ўсиб бормоқда. Жумладан, 2009 йилда 2000 йилга нисбатан ўртача иш ҳақи 28,5 баробар, пенсияларнинг ўртача миқдори қарийб 18 баробар, аҳоли жон бошига нисбатан пул даромадлари эса 12 баробар ошди. Мамлакатимиз аҳолисининг реал даромадлари 2013 йилда 16,0 фоизга ошган бўлса, 2014 йилда пенсия ва нафақалар миқдори иш ҳақининг 41,0 фоизга ошириш мўлжалланмоқда[35]. мўлжалланган саноат товарларини харид қилиш бўйича харажатлари сезиларли даражада ўсди. Бундай шароитда аҳолининг ўсиб бораётган тўлов

[35]Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳатлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Халқ сўзи. 2014 йил 18 январь.

қобилияти билан мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари ҳажми ўртасида ички бозорда мутаносибликни таъминлаш, бундай маҳсулотлар турини кенгайтириш, бозорларимизни улар билан ишончли тарзда тўлдириб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, аҳолининг турмуш фаровонлиги кўп жиҳатдан унинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражасига боғлиқ бўлади. Мазкур масалани ҳал этишда ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятларидан янада самарали фойдаланиш зарур бўлади.

Аҳоли турмуш даражасига унинг пул сарф-харажатлари ва жамғармалари таркиби ҳамда улар ўртасидаги нисбат ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Умумий ҳолда аҳоли пул сарф-харажатлари ва жамғармалари таркиби товар сотиб олиш ва хизматларга тўловлар, мажбурий тўлов ва бадаллар, омонатлар, қимматли қоғозлар, қатъий валюта ҳарид қилиш ва бошқа сарф-харажатлардан иборат бўлади (7.5.2-расм).



7.5.2-расм. **Аҳоли пул сарф-харажатлари ва жамғармалари**

Ижтимоий эҳтиёжларни қондириш жараёни аҳоли ҳаёт фаолияти учун шароитлар яратади. Бу шароитлар «турмуш сифати» тушунчаси билан тавсифланади.

Турмуш сифати – жамият фаровонлиги даражасини намоён этувчи ва моҳиятига кўра унинг ўлчови ҳисобланувчи тушунча. (7.5.3-расм).

Аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва уларга қулайликлар яратиш жараёнида хонадонларни газлаштириш ва аҳоли учун

етказиб бериладиган табиий газ нархини белгилаш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Республикамизга етказиб берилаётган табиий газ қўшни давлатларга нисбатан арзон нархларда етказиб берилади. Масалан, аҳолига 1 минг $м^3$ ҳажмдаги табиий газни сотиш учун Қирғизистонда 309 доллар, Тожикистонда 303,5 доллар, Қозоғистонда 100-140 доллар, Ўзбекистонда эса 30 доллар нарх белгиланган.



7.5.3-расм. **Турмуш сифатининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар**

Турмуш сифати кўплаб омиллар таъсирида шаклланади. Аҳолининг даромадлари ва харажатлари асосида унинг харид фонди аникланади.

Аҳолининг харид фонди деб – аҳоли даромадларининг истеъмол товарлари сотиб олишга ажратилган қисми тушунилади.

7.6. Таклиф тушунчаси, манбалари ва Ўзбекистонда уни шаклланиш тенденциялари

Бизлар фақат истеъмол товарлари таклифи тўғрисида фикр юритамиз.

Жамиятда таклифни бошқа турлари ҳам мавжуд. Уларни инсон, жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб турлаш мумкин.

Масалан:

I. Ишлаб чиқариш воситалари таклифи:
   а) меҳнат қуроллари таклифи;
   б) ишчи кучи таклифи.
II. Молиявий ресурслар таклифи;
III. Маънавий эҳтиёжларни қондирувчи таклифлар;
IV. Руҳий эҳтиёжларини қондирувчи таклифлар;
V. Хавфсизликни, мудофани таъминловчи;
VI. Дунё океани, космосни ўрганишни таъминловчи;
VII. Экологик муҳитни сақловчи;
VII. Бошқа хизматлар таклифи.

Умуман олганда ***таклиф – тарихий-иқтисодий категория***.

Истеъмол товарлари таклифи деганда сотишга мўлжалланган, бозорга келтирилган, у ерда турган ва келтирилиши мумкин бўлган товарлар массасини тушинамиз. Яъни унинг қиймати, миқдори ва ассортиментини кўз олдимизга келтиришимиз керак.

Истеъмол товарлари таклифи аҳолини истеъмол товарларига бўлган талабини қондиришни ашёвий (натурал) асосини ташкил қилади. Истеъмол товарлари таклифи ўзининг ҳажми ва таркиби бўйича аҳолининг шахсий эҳтиёжини қондиришга қаратилади.

Истеъмол товарлари таклифи тушунчаси билан бозор сиғими деган кўрсаткич тиғиз боғлиқ.

Бозор сиғими деганда қандайдир даврда (кун, ой, йил) бозорда сотилиши мумкин бўлган товарлар қийматини пулдаги ифодаси тушинилади.

Шундай қилиб, бозор сиғими истеъмол товарлари таклифини қиймат миқдорини англатади. У фақат қиймат кўрсаткичида ифодаланади.

Истеъмол товарлари таклифи бирон бир вақт даврига қиймат (сўм),натурил ва нисбий (кунлар) кўрсаткичлар орқали ҳисобга олинади, таҳлил қилинади, режалаштирилади ва келажакка башорат қилинади. Истеъмол товарлари таклифини аҳолига сотиш учун мўлжалланган қисми бозор фонди деб аталади. Унинг ҳажми истеъмол бозорига ҳар хил манбалардан кирган товарларнинг миқдори ва товарлар захираси билан белгиланади.

Истеъмол товарлари таклифини шаклланиши ҳудуд, вилоят, давлат миққиёси бўйича, уларни яратиш ва келиш манбалари нуқтаи назардан ўрганилади.

Истеъмол товарлари таклифини манбаларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

I. Табиат томонидан яратилган (ер, сув, табиий бойликлар ёки табиий қазилмалар).

II. Ишлаб чиқариш. Саноатнинг барча турлари. Бу ерда катта саноат корхоналари (оғир, енгил, озиқ-овқат саноати) эътиборга олинмоқда.

III. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаб берувчилар

IV. Ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари, фирмалари ва микрофирмалар.

V. Қишлоқ ва шаҳар аҳолисини таморка, дала-ҳовли хўжалиги.

VI. Чет эл, бошқа ҳудуд, вилоятлардаги (юқорида келтирилган) беш гуруҳда яратилган маҳсулотни етказувчилар.

Келтирилган манбалар умумлаштирилган тарзда бериллмоқда.

Ушбу манбалар мулк шаклига, таркибий тузилмасига қараб (масалан, вазирлик, идоралар, уюшмалар каби), яна ҳар хил шаклдаги манбаларга тавсифланиши мумкин.

Истеъмол товарлари таклифи манбалари, ассортиментти, ишлатилиш йўналишлари бўйича турларга бўлинади (7.6.1-чизма).

7.6.1-жадвал

Истеъмол таклифини таснифланиши

Таснифланиш аломатлари	Истеъмол товарлари таклифи
I. Манбалари бўйича	1.1. Табиий неъматлар 1.2. Ишлаб чиқариш 1.3. Қишлоқ хўжалиги 1.4. Кичик бизнес 1.5. Аҳолининг томорқа хўжалиги 1.6. Импорт
II. Ассортименти бўйича	2.1. Озиқ-овқат товарлари 2.2. Ноозиқ-овқат товарлари
III. Ишлатилиш йўналишлари бўйича	3.1. Истеъмол товарлари бозорида қайта ишлаб чиқаришга 3.2. Ишлаб чиқариш истеъмолига 3.3. Натурал тўловларга (қишлоқ хўжалигида) 3.4. Давлат резервлари 3.5. Давлат бюджети ташкилотлари фондлари 3.6. Экспорт 3.7. Товар захиралари

Истеъмол товарлари таклифини жамиятда, регион ва ҳудудлар миқиёсида режалаштириш, талаб билан мувофиқлаштириш иқтисодий усуллар орқали ҳисоб китоб қилиш, уни ҳаракатини, йўналишларини тартибга солиш давлатнинг ҳар хил органлари томонидан амалда қўлланилади. Бунинг учун асосан саноат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, талаб ва таклиф балансларидан кенг қўлланилади.

Балансни тузишда техник-иқтисодий ҳисоблар, нормативлардан фойдаланилади. Баланслар маҳсулотлари ассортиментлари бўйича натурал ва қиймат кўрсаткичларда ишлаб чиқилади.

Баланслар икки қисмдан иборат бўлиб, бир (чап) томонидан ресурслар, иккинчи (ўнг) томонида уларни ишлатилиши акс топади.

Вилоят ва республика миқёсида истеъмол товарлари ассортименти бўйича ҳамда алоҳида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турлари бўйича баланслар тузилади.

Ресурсларни давлат томонидан режалаштирилиши нуқтаи назаридан қуйидагича тавсифлаш мумкин (7.6.2-чизма).



7.6.2.- чизма. **Ресурсларнинг тавсифи**

Таянч иборалар: *эҳтиёж, талаб, биологик эҳтиёж, ижтимоий эҳтиёж, бизнесли эҳтиёж, келиб чиққан эҳтиёж, мета эҳтиёж, сотиб олиш қобилияти, минимал саватча, аҳолининг даромадлари, аҳолининг харажатлари, истеъмол бюджети, товар таклифи, товар ресурслари, товар таъминоти, бозор фонди, бозор сиғими, баланс, захира, норма, нормативлар.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Эҳтиёж нима?
2. Эҳтиёжнинг турларини айтинг?
3. Талаб тушунчасини айтинг?
4. Талабни эҳтиёждан қандай фарқи бор?
5. Талабнинг қандай турлари бор?
6. Талабга қанақа омиллар таъсир қилади?
7. Талабни ўрганиш ва прогнозлашнинг қандай усуллари бор?
8. Аҳолининг минимал истеъмол саватчаси нимани билдиради?
9. Аҳолининг даромадлари ва харажатлари балансини тушунтиринг?
10. Таклиф деганда нимани тушинасиз?
11. Таклиф қандай турланади?
12. Таклифни манбаларини айтинг?
13. Таклифни қайси турлари режалаштирилмайди?
14. Таклифни қайси турлари режалаштирилади?
15. Таклифни режалаштиришда қандай усуллардан фойдаланилади?
16. Моддий балланслари қандай турлари бор?
17. Истеъмол товарлари баланси қандай кўрсаткичларни ўз ичига олади?
18. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баланси қандай кўрсаткичлардан ташкил топади?
19. Талаб ва таклиф балланси схемасини чизинг.

VIII боб. ЧАКАНА ТОВАР АЙЛАНИШИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

8.1. Чакана товар айланиши тушунчаси ва унинг моҳияти

8.2. Чакана товар айланишининг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти

8.3. Чакана товар айланишининг ривожланиш тенденциялари

* * *

8.1. Чакана товар айланиши тушунчаси ва унинг моҳияти

Чакана товар айланишининг моҳияти асосида товар муомаласида мавжуд бўлган муносабатлар ётади.

Товар муомаласи тўғрисида фикр юритганда, унинг негизида икки томонли муносабат ётганлигини кўрамиз. Бир томонда – сотувчи, товар эгаси, унинг мақсади товарни сотиш, иккинчи томондан сотиб олувчи, яъни аҳоли, қўлида қандайдир миқдорда товарни сотиб олиш учун эквивалент пул бор, товарни сотиб олиш учун талаби мавжуд субъектга, агар иккала интилиш, товарни сотиш ва сотиб олиш бир – бирига муносиб бўлиб қолса, олди – сотди жараёни амалга ошади ва товар пулга алмашади. Ушбу жараён товар айланиш категориясида ўз ифодасини топади. Бу жараёнда товар билан аҳолини сотиб олиш қобилияти, яъни аҳолини мавжуд даромади товарга алмашиб кетади ва иккала айтилган категориялар йўқолиб, яъни иккита категория вужудга келади.

Улар бир томондан аҳолининг пули – савдогар маҳсулотнинг сотиш натижасига, товар эса айирбошлаш жараёнидан чиқиб, истеъмол жараёнига товарлик хусусиятини йўқотиб истеъмол нсъматига айланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилиш жараёни бошланади. Товар ижтимоий моҳиятини йўқотиб, истеъмолчининг шахсий мулкига айланади. Ушбу муносабат натижасини статистик кўрсаткичи орқали изҳор қилиш мумкин. Бундай кўрсаткич сифатида чакана товар айланиши каби статистик қиймат кўрсаткич ҳисобланади. Ушбу муносабатлар жараёнида аҳоли товар айирбошлашни ҳам обьекти ҳам субъекти сифатида, яъни обьект истеъмолчи, субъект сотиб олувчи бўлиб қатнашади.

Чакана товар айланишидек статистик қиймат кўрсаткичининг мазмунини чуқурроқ кўриб чиқамиз.

Аҳолига сотилган товарларнинг қиймати товар айирбошлаш жараёнидан истеъмолга ўтган моддий неъматларнинг қийматини пулдаги ифодаси, чакана товар айланишнинг аҳолига сотилган ҳажмини ифода қилади. У қандайдир товарлар миқдорини (қ) тегишли баҳоларда (п) аҳолининг пулига айирбошланишини англатади. Бунда чакана товар айланиши аҳолига сотилган миқдори

$$ЧТА=\Sigma qn$$

статистик формула билан ифодаланади.

Чакана товар айланиши динамик жараён бўлиб, узлуксиз давом этади. У доимо такрорланиб туради ва такрор ишлаб чиқариш жараёнини бир этапи ҳисобланади. Бу жараён аҳоли истеъмолини кенгайиб ва ортиб боришини ифодалайди.

Аҳолининг шахсий эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлган моддий неъматларнинг асосий қисми уларга савдо орқали етказилади.

Аҳоли истеъмол қиладиган товарлар массасининг сон миқдори ва сифат тавсифи чакана товар айирбошлаш кўсаткичлари орқали намоён бўлади.

Истеъмол товарларини ишлаб чиқаришдан аҳолига етказиш жараёни товар муомаласи қонунлари таъсири остида амалга оширилади (қиймат, қўшимча қиймат, талаб ва таклиф қонунлари). Шу сабабли чакана товар айланиши аҳоли пул даромадларини товарга алмаштириш йўли билан товарлар ҳаракатининг охирги боқичи – товар айибошлашдан шахсий истеъмолгача бўлган жараёндаги иқтисодий муносабатларни англатади. Бу чакана товар айланишининг иқтисодий мазмунини тушунтиради.

Чакана товар айланиши – истеъмол товарларининг аҳолига ва бошқа истеъмолчиларга, уларни эҳтиёжларини қондириш учун сотилиш миқдорини пулдаги ифодасидир.

Чакана товар айланиши товар айирбошлаш жараёнини охирги босқичида намоён бўлиб, унда товарларнинг иқтисодий категория сифатидаги мазмуни ўзгаради.

Товарлар истеъмол фондини реал шаклига айланади, айирбошлаш жараёнидан чиқиб кетади ва истеъмолчининг мулкига айланади.

Аҳоли ўзининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини нафақат якка тартибда, балки жамоа бўлиб истеъмол қилишнинг ҳар хил шакли орқали ҳам қондиради. Бунда товарни сотиб олувчи

сифатида ҳар хил корхоналар, ташкилотлар қатнашади (дам олиш масканлари, касалхоналар, болалар боғчалари, бошқа корхона, ташкилот ва муассасалар). Улар товарларга бўлган иккиламчи, жорий хўжалик эҳтиёжларини қондириш учун товарлар сотиб олишади.

Чакана товар айланишининг бундай шаклланган қисми майда улгуржи товар айланиши деб аталади ва чакана товар айланиши миқдорида кўп эмас – 5% атрофида бўлади.

Шундай қилиб, чакана товар айланиши товарларни пулга айлантириш жараёнида вужудга келади. Бу жараёнда товар эгаси товарларни бошқа жисмоний ёки ҳуқуқий шахсга пулга сотади.

Чакана товар айланиши савдо корхоналарининг асосий кўрсаткичларидан биридир.

Чакана товар айланиши иқтисодий категория ҳисобланади ва товар айирбошлаш жараёнидаги иқтисодий муносабатларни натижасидир.

Чакана товар айланиши бир томондан савдо корхоналари фаолиятининг натижаси, уларни ижтимоий – иқтисодий самарадорлигини, иккинчи томондан аҳолининг сотиб олиш қобилиятини реал моддий неъматларга айланишини кўрсатади, яъни аҳолини моддий *фаровонлиги кўрсаткичи* сифатида намоён бўлади.

Шундай қилиб, чакана товар айланиши бир томондан сотилган товарлар массаси миқдоридир (пулдаги ифодаси), иккинчи томондан аҳолининг товар сотиб олиш учун пул харажатларининг миқдоридир.

Чакана товар айланиши кўрсаткичи миқдор – сон жиҳатдан ва сифат тавсифига эгадир. Чакана товар айланиши миқдори, яъни сон жиҳати – сотилган товарларни пулдаги миқдори бўлса, сифат жиҳати унинг ассортимент таркибидир, яъни унинг умумий ҳажмида алоҳида товар гуруҳларининг ҳиссаси (фоизларда) билан белгиланади.

Чакана товар айланиши миқдори (ҳажми) таркибини аниқ ажрата билиш зарур.

Чакана товар айланиши миқдори – бирон бир даврга(кун, ой, квартал, йил) савдо шохобчаларининг (умумий овқатланиш шохобчаларининг) банк ёки кассага топширган нақд пули ва пулсиз-майда улгуржи товар айланиши ҳажмидан иборат.

Чакана товар айланиши таркиби – ҳар хил товарларни сотиш турларидан иборат.

Чакана товар айланиши таркиби аҳолига, айрим муассаса, корхона ва ташкилотларга расмий ҳисобга олинган савдо (умумий овқатланиш) шохобчалари, нарсалар бозорлари, озиқ – овқат бозорлари (деҳқон) ва универсал бозорлар орқали товарларни сотилиш миқдори билан шаклланади.

Чакана товар айланиши қуйидагича таснифланади.

I. Мулк шакли бўйича:

1.1. Давлат савдо корхоналари.
1.2. Матлубот корперацияси.
1.3. Хусусий савдо корхоналар.
1.4. қўшма мулк корхоналари.
1.5. Якка тартибдаги хўжаликлар.
1.6. Акционер жамиятлари.

II. Савдо билан шуғулланувчи корхоналари турлари бўйича:

2.1. Чакана савдо шохобчалари.
2.2. Умумий овқатланиш корхоналари.
2.3. Фирма магазинлари.
2.4. Деҳқон бозори.
2.5. Ташкил қилинмаган бозор.
2.6. Комиссион савдо.

III. Чакана товар айланиши таркибидаги ассортиментлар бўйича:

3.1. Озиқ – овқатлар.
3.2. Ноозиқ – овқатлар.

IV. Олди-сотди муносабатлари бўйича:

4.1. Нақд пул орқали.
4.2. Пулсиз алоқалар.
4.3. Банк чеклари орқали.
4.4. Кредит ёки электрон карточкалари орқали.
4.5. Кредитга сотиш.

8.2. Чакана товар айланишининг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти

Чакана товар айланиши жамиятининг ижтимоий – иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичларидан бири. У орқали ишлаб чиқарилган, келтирилган (маҳсулотлар) товарлар қийматини ва истеъмол қийматини жамият томонидан тан олинганлиги изҳор қилинади.

Олди-сотди жараёнида товар айтибошлашни охирги босқичи бўлиб унда бутун товарларни ишлаб чиқариш ва айирбошлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар пул шаклида қайтарилади. Шу сабабли саноат корхоналари қишлоқ хўжалик субъектлари, транспорт ва савдо ташкилотлари ўз фаолиятини такрорлаш имкониятига эга бўлади, яъни такрор ишлаш жараёни доимий жараёнга айланади.

Товарларни 80-90% савдо корхоналари орқали сотилади.

Чакана товар айланиши жамиятнинг пул муомаласи жараёнига таъсир қилади. Жамиятдаги пул тушумининг кўп қисми чакана савдода товарлар олди-сотди жараёнида қатнашади.

Чакана товар айланиши жамиятнинг пул муомаласи жараёни билан чамбарчас боғлиқ, нақд пулнинг 70-80 % чакана товар айланишида ўз аксини топди. Пул эмиссияси чакана товар айланиши билан боғлиқ, чакана товар айланиши ўсиши ёки камайиши кассаларга пул тушумларига тегишлича таъсир қилади.

Чакана товар айланиши кўрсаткичи жамиятдаги айрим мутопосибликлар (пропоциялар)ни таъминлашга таъсир қилади.

Товар ва пулни айирбошлаш жараёнини нормал ҳолда ташкил қилиш бир томондан бозорга чиқарилган товарларнинг миқдори ва таркибига, иккинчидан, аҳолининг харид фонди миқдорига ва талабнинг таркибига боғлиқдир.

Давлат бюджетига тушумларни кўп қисми чакана товар айланиши орқали рўёбга чиқарилади.

Чакана товар айланиш миқдорида ишлаб чиқариш ва истеъмол, талаб ва таклифни мувофиқланиши ўз аксини топади.

Чакана товар айланиши ҳажми савдо корхоналарининг даромад ва фойдасининг миқдорига тўғридан – тўғри боғлиқ.

Чакана товар айланишини яна бир томони у аҳоли яшаш даражасини баҳолашга имконият яратади. Чунки чакана товар айланиши аҳолини шахсий истеъмолини асосий қисмини ташкил этади. Шу билан бир қаторда чакана товар айланиши иқтисодиётни ривожланишини тавсифлайдиган кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Чакана товар айланиши орқали аҳолининг моддий фаровонлигига, уларни алоҳида товарлар билан таъминланишига баҳо берилади.

Чакана товар айланиши кўрсаткичи иш ҳақи, нафақа, стипендия тўлашни ўз вақтида амалга оширишга таъсир қилади.

8.3. Чакана товар айланишининг ривожланиш тенденциялари

Мамлакатимиз аҳолиси даромадларининг кўпайиши, уларнинг турли-туман (ассортимент) ва сифатли товарларга бўлган эҳтиёжларининг ортиши ва савдо фаолиятининг йилдан-йилга ихтисослашиб, универсаллашиб бориши ҳамда ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларимизга яратилаётган шарт-шароитлар самараси сифатида истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши натижасида чакана савдо айланма ҳажмининг ўсиши кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикасида чакана товар айланиши тенденцияларини аниқлаш учун қуйидаги жадвалдаги маълумотларни таҳлил қиламиз (8.3.1-жадвал).

8.3.1–жадвал

Аҳолига товар сотиш ва пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми[36]

Йиллар	Аҳолига товар сотиш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми		Жумладан			
			Товарлар сотиш		Хизматлар кўрсатиш	
	Млрд. сум	%	Млрд. сум	Улуши, %	Млрд. сум	Улуши, %
1995	123,7	100	106,7	86,3	17,0	13,7
2000	2097,4	100	1787,5	85,2	309,9	14,8
2005	7205,9	100	5577,4	77,4	1628,5	22,6
2010	29730,8	100	21872,8	73,6	7858,0	26,4
2012	50560,5	100	36946,4	73,1	13614,1	26,9

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики аҳолини товар ва хизматларга харажатларини умумий ҳажмида товарларнинг ҳиссаси юқори (73-86%), ва хизматлар эса 14,0–27,0 атрофида. Кам миқдорда бўлса ҳам хизматларнинг ҳиссаси йилдан-йилга ортиб бориши кузатилмоқда.

Чакана товар айланиши ҳамда пуллик хизматлар солиштирма баҳоларда йилдан-йилга ўсиб боришни кузатилмоқда, (8.3.1-жадвал) жумладан хизматлар ҳажми чакана товар айланишига нисбатан тезроқ суръатларда ортиб бормоқда, худди шундай уларнинг ҳажми ҳақиқий баҳоларда 2000 йилга нисбатан 2012 йилда тез суръатларда ортиб борган. Чунки чакана товар айланиши 20,6 маротаба ортган бўлса, хизматлар – 43,9 маротабага ортган. Ушбу кўрсаткичлар товар баҳоси индексига нисбатан хизматлар баҳоси индекси юқори миқдорда ортиб бораётганлигидан ҳам далолат беради. Шу билан

[36]Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланди.

бир қаторда, ҳар йили уларни физик миқдори ҳам ортиб бораётганлигини кўриш мумкин.

Чакана товар айланмаси ҳолатига баҳо берганда унинг динамикасига алоҳида эътибор қаратиш лозимдир. Чунки айнан бир неча йиллардаги унинг ҳажми чакана товар айланмаси ҳолатига тўлиқроқ баҳо бериш имконини беради (8.3.2-жадвал). 8.3.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики Ўзбекистонда чакана товар айланмаси сўнгги йиллар ичида ўсиб бориш тенденциясини ҳосил қилган.

8.3.2-жадвал

Чакана товар айланиши ва пуллик хизматлар динамикаси[37]

Йиллар	Чакана товар айланиши			Пуллик хизматлар		
		Ўзгариш суръати, %			Ўзгариш суръати, %	
	Жорий баҳоларда, млрд. сўм	Ўтган йилга нисбатан таққослама нархларда	1995 йилга нисбатан ҳақиқий баҳоларда, марта	Жорий баҳолар-да, млрд. сўм	Ўтган йилга нисбатан таққослама нархларда	1995 йилга нисбатан ҳақиқий баҳолар-да, марта
1995	106,7	95,7	100,0	17,0	73,0	100,0
2000	1787,5	107,6	16,8	309,9	115,7	18,2
2005	5577,4	105,1	52,3	1628,5	116,3	95,8
2010	21872,8	113,6	205,0	7858,0	112,5	462,2
2012	36946,4	113,9	346,3	13614,1	114,2	800,8

Ўсиш даражаси турли йилларда 5,1 фоиздан 13,9 фоизгача атрофида тебраниб турган. 1995 йилдаги 106,7 млрд. сўмлик чакана товар айланмага нисбатан 2012 йилдаги 36946,4 млрд. сўмлик чакана товар айланма ҳажми ҳақиқий баҳоларда 346,3 мартага ортган бўлса, пуллик хизматлар ҳажми эса чакан товар айланмасига нисбатан икки баробардан зиёд ошиб 800,8 мартага ўсган.

Мамлакатимизда чакана товар айланмаси ва пуллик хизматларнинг бу тариқа ўсиб бориши давлатимиз аҳолиси ва меҳмонларини истеъмол товарларига ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш даражасини кўтарилиб бораётганидан далолат беради.

Чакана товар айланмасининг таркибий таҳлилида унинг ҳудудий таксимотига ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Чунки таркибий таҳлилнинг муҳим элементи бўлган таркибий таксимот бизда республиканинг вилоятларида чакана савдо қандай

[37] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланди.

ривожланиб бораётгалиги тўғрисида аниқ хулоса чиқариш имконини беради (8.3.3-жадвал).

8.3.3-жадвал маълумотлари асосида айтиш мумкинки, маъмурий ҳудудларнинг мамлакат чакана товар айланмасидаги улушлари турлича. Энг салмоқли – 23,0 ва ундан ортиқ ҳисса Тошкент шаҳрига тўғри келса, Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Андижон вилоятларининг улуши ҳам салмоқли бўлиб, ўртача 8-11 фоиздан тўғри келади. 2012 йилда 2011 йилга нисбатан республика бўйича чакана товар айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ўсишга эришган бўлса, ҳудудлар бўйича эса энг юқори Самарқанд вилоятида 21,0 фоизга, Қашқадарё вилоятида 19,7 фоизга ошган, энг паст ўсиш кўрсаткичи эса Хоразм вилоятига тўғри келмоқда. Ушбулардан шундай хулоса қилиш мукинки, чакана товар айланиши вилоятлараро кескин фарқ қилади.

8.3.3-жадвал

Ўзбекистонда чакана товар айланмасининг ҳудудий таркиби таҳлили[38]

Ҳудудлар	2005 йил		2011 йил		2012 йил		2012 йилда 2011 йилга нисбатан ўзгариши таққос ламанарҳларда
	Млрд. сўм	Улуши %	Млрд. сўм	Улуши %	Млрд. сўм	Улуши %	
Ўзбекистон Республикаси	5577,4	100	28539,0	100	36946,4	100	113,9
Қорақалпоғистон Республикаси	156,8	2,8	897,3	3,1	1155,2	3,1	112,8
Вилоятлар							
Андижон	497,4	8,9	2230,8	7,8	2835,0	7,7	112,8
Бухоро	297,9	5,3	1726,5	6,0	2259,7	6,1	114,5
Жиззах	126,1	2,3	882,5	3,1	1161,9	3,1	116,8
Қашқадарё	365,8	6,6	1867,1	6,5	2567,6	6,9	119,7
Навоий	168,8	3,0	1096,5	3,8	1469,5	4,0	117,5
Наманган	322,8	5,8	1696,3	5,9	2166,2	5,9	111,3
Самарқанд	423,5	7,6	2208,5	7,7	3030,1	8,2	121,0
Сурхондарё	308,8	5,5	1760,9	6,2	2280,0	6,2	112,5
Сирдарё	87,8	1,6	524,1	1,8	672,9	1,8	112,6
Тошкент	593,7	10,6	3137,7	11,0	4060,0	11,0	113,3
Фарғона	594,5	10,7	2501,8	8,8	3270,6	8,9	114,5
Хоразм	216,6	3,9	1265,8	4,4	1566,6	4,2	109,2
Тошкент шаҳри	1416,9	25,4	6743,2	23,6	8451,1	22,9	110,9

[38] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланди.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда 2013 йилда чакана савдо айланмаси кўрсаткичи 2012 йилга нисбатан 114,8 фоизга ўсиб, бу кўрсаткич бўйича МДҲ давлатлари орасида Белоруссия (118,2%) дан кейин иккинчи ўринда турибди[39].

Чакана савдо айланмаси мамлакатимиздаги савдо айланмасининг энг муҳим ва асосий кўрсаткичидир. Чунки, чакана савдо товар айланишининг ҳажми ва таркиби(озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари)га қараб, аҳоли истеъмолининг ҳажми ва таркибига, даромадининг ҳолатига, турмуш фаровонлигининг даражасига ва иқтисодиётнинг ривожланишига баҳо бериш мумкин.

Давлатимиз аҳолиси реал даромадлари ошиб бориши таъсирида уларнинг турмуш даражаси юксалиб фаровонлиги йил сайин ошмоқда. Бунинг натижасида эса, озиқ-овқат товарларинингкига нисбатан ноозиқ-овқат товарларини ҳарид қилиш ҳажми кўпаймоқда.

Мамлакат иқтисодиётининг юқори кўрсаткичлар билан ривожланиши, аҳоли турмуш даражаси ва даромадларининг ошиши натижасида аста-секинлик билан уларнинг истеъмоли таркиби ҳам ўзгариб бормоқда. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач иқтисодиёт ривожланишининг дастлабки йилларида аҳоли истеъмолининг асосий қисми биринчи даражали эҳтиёж товарлари (асосий озиқ-овқат ва кийим-кечак товарлари) билан қондирилган бўлса, иқтисодий ривожланишнинг кейинги даврларида аҳоли истеъмолининг асосий қисмини ноозиқ-овқат товарлари эгаллай бошлади (8.3.4-жадвал).

8.3.4-жадвал

Ўзбекистонда чакана савдо товар айланмаси таркибининг ўзгариш кўрсаткичлари, оммавий овқатланишни қўшган ҳолда[40]

№	Кўрсаткичлар	2000 йил		2005 йил		2012 йил	
		Суммаси, млрд, сўм	Улуши, %	Суммаси, млрд, сўм	Улуши, %	Суммаси, млрд, сўм	Улуши, %
1	Жами ЧТА, шу жумладан:	1787,5	100,0	5577,4	100,0	36946,4	100,0
1.1	Озиқ-овқат маҳсулотлари	1081,4	60,5	2896,4	51,9	18166,4	49,2
1.2	Ноозиқ-овқат маҳсулотлари	706,1	39,5	2681,0	48,1	18780,0	50,8

[39] МДҲ статистика қўмитаси ва МДҲ давлатларининг статистика хизматлари маълумотлари. www.stat.uz

[40] Йиллик статистик тўплам -Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси, 2013, 138 бет.

Келтирилган 8.3.4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2000 йилда чакана савдо айланмаси таркибида ноозиқ-овқат товарларининг улуши 39,5% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилда 50,8% га этиб, 2000 йилга нисбатан 11,3 пунктга ошганлиги аҳолининг юқори калорияли озиқ-овқат товарларига, сифатли кийим ва пойафзалларга, маданий-маиший товарларга, уй хўжалиги учун зарур бўлган ва шинамлик (комфорт)ни таъминлайдиган техникаларга ҳамда енгил автомобилларга бўлган эҳтиёжларининг ошганлигидан далолат беради.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланиши (8.3.5-жадвал) Республика ва вилоятлар (Қорақолпоғистон Республикаси шу жумладан) бўйича ҳамда товар айланишини макротартиби бўйича 2005-2012 йилларга солиштирма кўрсаткичларни таҳлилдан қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

- биринчидан, аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланиши вилоятлараро кескин фарқ қилади. Бу кўрсаткич Республика бўйича ўртача 2012 йилда 1240,9 минг сўмни ташкил қилган ҳолда тебраниш миқдори 678,6 – 3634,7 минг сўмгача. Ушбу маълумотлар Республика вилоятларида аҳолининг яшаш даражаси ва даромадларини ҳар хил эканлигидан дарак беради;

- иккинчидан, аҳоли жон бошига чакана товар айланиши бир текисда бўлмаса ҳам барча вилоятларда ортиб бораётгани кузатилмоқда;

- учинчидан, 2005 йилга солиштирганда 2012 йилда Жиззах ва Навоий вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида умумий товар айирбошлаш таркибида озиқ-овқат маҳсулотларини ҳиссаси юқори даражада сақланиб турибди;

- тўртинчидан, умумий товар айланишида 2012 йилда 2005 йилга нисбатан ноозиқ-овқат товарларини ҳиссаси ортиб бораётганлиги (Жиззах ва Навоий вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан ташқари) кузатилмоқда. Ўзбекситонда 2013 йилда 2000 йилдаги нисбатан аҳолимизнинг истеъмол харажатлари 9,5 баробар ошганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради. Сўнгги йилларда жон бошига тўғри келадиган энг муҳим озиқ-овқат товарлари бўйича истеъмол ҳажми муттасил ўсиб бормоқда, айни вақтда, ноозиқ-овқат маҳсулотларни ҳарид қилиш ва хизматлар учун тўланадиган сарф-харажатлар миқдори ҳам сезиларли равишда кўпаймоқда. Мисол учун, мустақиллик йилларида гўшт истеъмоли - 1,4 марта, сут - 1,3 баробар, сбазавот ва полиз маҳсулотлари - 2,6 марта, картошка – 2 баробар, мевалар истеъмоли - 6,4 карра ошди.

5.3.5-жадвал

Аҳоли жон бошига тўғри келган чакана товар айланиши[41]

Ҳудудлар	Аҳоли жон бошига чакана савдо товарайирбошлаш, минг сўм		Жорий баҳо ларда, ўсиш суръати, мартада	Жумладан, умумий хажмга нисбатан % да					
				Озиқ-овқатлар			Ноозиқ-овқатлар		
	2005 йил	2012 йил		2005 йил	2012 йил	Ўзга риши (+; -)	2005 йил	2012 йил	Ўзга риши (+; -)
Ўзбекистон Республикаси	213,1	1240,9	5,8	51,9	49,2	-2,8	48,1	50,8	+2,8
Қорақалпоғистон Республикаси	99,8	678,6	6,8	54,9	48,0	-6,9	45,1	52,0	+6,9
Андижон	210,8	1036,5	4,9	39,9	38,8	-1,1	60,1	61,2	+1,1
Бухоро	196,4	1314,9	6,7	58,3	49,5	-8,8	41,7	50,5	+8,8
Жиззах	120,4	971,6	8,1	49,9	51,6	+1,6	50,1	48,4	-1,6
Қашқадарё	152,4	915,5	6,0	58,0	47,3	-10,6	42,0	52,7	+10,6
Навоий	208,0	1660,9	8,0	54,9	56,5	+1,7	45,1	43,5	-1,7
Наманган	154,6	897,9	5,8	39,9	38,5	-1,5	60,1	60,4	+0,3
Самарқанд	146,7	903,5	6,2	57,8	48,6	-9,2	42,2	51,4	+9,2
Сурхондарё	161,7	1018,0	6,3	57,0	55,6	-1,5	43,0	44,4	+1,5
Сирдарё	130,1	903,1	6,9	48,5	42,7	-5,7	51,5	57,3	+5,7
Тошкент	241,3	1513,0	6,3	53,6	48,5	-5,1	46,4	51,5	+5,1
Фарғона	207,9	989,5	4,8	48,8	44,6	-4,2	51,2	55,4	+4,2
Хоразм	150,1	954,4	6,4	53,6	49,3	-4,3	46,4	50,7	+4,3
Тошкент шаҳри	662,7	3634,7	5,5	53,2	55,3	+2,1	46,8	44,7	-2,1

[41] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланди.

Юртимиздаги оилаларни узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар билан таъминлаш борасидаги аҳвол ҳам тубдан ўзгарди. Хонадонларни холодильник, кондиционер, шахсий компьютер, телевизор, мобиль телефон ва бошқа замоновий маиший техника воситалари билан таъминлаш даражаси ошмоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда аҳолининг ўзимизда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар билан таъминланиш даражаси ўсгани эътиборлидир. Агар 2000 йилда ҳар 100 та оилага ўртача 20 та енгил автомобиль тўғри келган бўлса, бугунги кунда бу рақам 41,4 тага етди. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимиздаги оилаларнинг 11 фоиздан ортиғи иккитадан енгил автомобилга эга. Бу кўрсаткичларнинг барчаси, аввало, нимадан далолат беради?

Бу кўрсаткичлар, энг аввало, бизнинг ўз олдимизга қўйган юксак мақсад - дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш йўлидан изчил ва босқичма-босқич илгарилаб бораётганимизнинг исботи бўлиб, ана шу мамлакатлар эришган марраларга биз ҳам албатта етамиз, деган ишончни туғдиради[42].

Юқорида келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, ривожланишнинг ҳозирги босқичида мамлакатимиз чакана товар айланишида қуйидаги тенденциялар намоён бўлмоқда.

1. Умумий ҳажми ортиб бормоқда, жумладан, вилоятлар бўйича ҳам.

2. Аҳолига товар сотиш ва хизматлар ҳажмида чакана товар айланишининг ҳиссаси камайиб бормоқда.

3. Чакана товар айланиши таркибида озиқ – овқатлар ҳиссаси камайиб, ноозиқ - овқатлар ҳиссаси ортиб бормоқда.

4. Аҳолини узоқ муддатли фойдаланиш товарлари билан таъминланиш яхши даражада, айрим товарлар бўйича ортиб бориш кузатилмоқда.

5. Чакана товар айланишини вилоятлараро тақсимотида сезиларли даражада тафовут сақланиб қолмоқда.

Таянч иборалар: *чакана товар айланиши, чакана товар айланиши ҳажми (миқдори), чакана товар айланиш таркиби, майда улгуржи товар айланиши, товар захиралари, товар таъминоти, товарларнинг келиши.*

---

[42]Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳатлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Халқ сўзи. 2014 йил 18 январь.

Такрорлаш учун саволлар

1. Чакана товар айланиши таърифини айтинг?
2. Чакана товар айланиши таркибини айтинг?
3. Чакана товар айланиши қандай жараён?
4. Чакана товар айланиши ҳажми нимани англатади ва қандай формула билан ифодаланади?
5. Майда улгуржи товар айланиши нималардан иборат бўлади?
6. Чакана товар айланиши аҳамиятини ёритинг?
7. Чакана товар айланиши ривожланиш тенденцияларини айтиб беринг?
8. Чакана товар айланиши таркибига қандай сотишлар киритилмайди?

IX боб. ЧАКАНА ТОВАР АЙЛАНИШИНИ ТАҲЛИЛИ ВА РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

9.1. Чакана товар айланишининг кўсаткичлари ва уларни баланс боғлиқлиги.

9.2. Чакана товар айланишини таҳлили ва режалаштиришнинг вазифалари ва усуллари.

9.3. Чакана товар айланишига таъсир қилувчи омиллар.

9.4. Чакана товар айланишини умумий ҳажмини таҳлили ва режалаштириш.

9.5. Чакана товар айланишини микро таркибини таҳлили ва режалаштириш.

9.6. Чакана товар айланишини таркибини режалаштириш

* * *

9.1. Чакана товар айланишининг кўсаткичлари ва уларни баланс боғлиқлиги

Чакана товар айланиши қуйидаги кўрсаткичлар билан тиғиз балансли боғлиқликда намоён бўлиб туради.

Уларга:

Биринчидан, товарлани сотилиш ҳажми, бу кўрсаткич чакана товар айланиши деб юритилади чакана савдо ва умумий овқатланиш шохобчаларидан сотилган товарлар ҳажмидан иборат бўлади. Ушбу кўрсаткич савдо ва умумий овқатланиш, унинг туман, вилоят, республика миқёсида ишлатилади.

Алоҳида олинган савдо шохобчасида ушбу кўрсаткич унинг чакана товар айланиши кўрсаткичига тенг бўлади;

Иккинчидан, товар захиралари, улар давр бошига ва давр охирига ҳисобга олинади;

Учинчидан, товарларнинг келиши, яъни товар таклифи;

Тўртинчидан, товарларнинг табиий емирилиши ва товарларни бошқа савдо шохобчаларига бериб юбориш кабилар киради.

Ушбу кўрсаткичлар товарларнинг умумий ҳажми бўйича ва уларни ассортименти бўйича ҳисоб – китоб қилинади, таҳлил қилинади, прогноз қилинади ва ривожлантирилади.

Бу кўрсаткичлар баланс боғлиқликда бўлиб, унинг бир қисми талаб миқдорини, иккинчи қисми таклиф, яъни товарлар билан таъминланганлик даражасини англатади.

Ушбу боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$З_2 + ЧТА + Т_{ё} + Х_х = Т_к + З_1;$$

Бу ерда:

$З_1$ – давр бошидаги товар захиралари;

$ЧТА$ – чакана товар айланиши;

$Т_{ё}$ – товарларни табиий емирилиши;

$Х_х$ – хужжатлаштирилган харажатлар;

$Т_к$ – товарларни келиши;

$З_2$ - давр охиридаги товар захиралари.

9.2. Чакана товар айланишининг таҳлили ва режалаштиришнинг вазифалари ва усуллари

Чакана товар айланишини таҳлил қилишда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Уларни айримларини қуйида келтирамиз:

- ❖ чакана товар айланиши миқдорини ёки ҳажмини жорий баҳоларда тавсифловчи, сўм;
- ❖ чакана товар айланиши миқдорини (ҳажмини) солиштирма баҳоларда тавсифловчи, сўм;
- ❖ чакана товар айланиши ассортимент таркибини тавсифловчи шартурал кўрсаткичлар, сўм ва фоизда;
- ❖ аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланиши, сўм;
- ❖ 1 ойлигига тўғри келадиган чакана товар айланиши сўм;
- ❖ 1 кунлик чакана товар айланиши, сўм;
- ❖ 1 ишчига тўғри келадиган чакана товар айланиши, сўм;
- ❖ савдо шохобчаларини 1кв.м, жумладан, савдо майдони 1кв.м тўғри келадиган чакана товар айланиши, сўм;
- ❖ чакана товар айланиши нисбий кўрсаткичлари (% бажарилиши, динамикаси, индекслари, мавсумийлик, маромийлик коэффицинтлари, товар айланиш тезлиги кун ва маротаба) ва ҳ.к.

Чакана товар айланиши таҳлилининг вазифалари:

❖ чакана товар айланишининг режаси ва прогнозларини бажарилишига баҳо бериш;

❖ чакана товар айланиши динамикасини ўрганиш;

❖ чакана товар айланиши ассортиментти ва турлари бўйича таркибини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

❖ чакана товар айланиши миқдори ва асортиментига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш, баҳолаш;

❖ чакана товар айланишни кўрсаткичларини (чакана товар айланиши, товар захиралари ва товарларнинг келишини) ўзаро ўзвий боғлиқлигини ўрганиш.

Чакана товар айланиши таҳлилининг усуллари:

❖ динамик қаторлар тузиш;

❖ нисбий ва ўртача кўрсаткичлар;

❖ солиштириш;

❖ индекс усули;

❖ трендлар ва регрессив моделларини тузиш;

❖ занжирли боғлаш;

❖ баланс усули;

❖ графиклар ва бошқа чизмалар.

Чакана товар айланиши таҳлили ҳар хил ахборотлардан фойдаланишни тақозо қилади. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

❖ прогноз ва режага алоқадор маълумотлар. Чакана товар айланиши прогнози ёки режаси – умумий ҳажми, ассортименти, товар захиралари нормалари, товарларни келтириш, ҳисоб китоблар ва бошқалар;

❖ ҳудуднинг ижтимоий – иқтисодий кўрсаткичлари;

❖ статистик ва бухгалтерия ҳисобидаги ҳақиқий кўрсаткичлар;

❖ бошқа маълумотлар (савдога алоқадор, унга таъсир қиладиган омиллар тўғрисидаги маълумотлар).

Чакана товар айланиши кўрсаткичларини таҳлил қилишда таҳлилда ишлатиладиган маълумотларни тайёрлаш алоҳида ўрин тутади.

Бундай ишларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

❖ прогнозлаш ва режаларни корректировка қилиш;

❖ статистик, бухгалтерия ҳисоботларидаги маълумотларни ҳақиқийлиги, бир – бирига мослигини текшириш;

❖ савдо шохобчалари ва корхоналарни алоҳида аломатлари бўйича гуруҳлаш. Чакана товар айланишига таъсир қилувчи омиллар тўғрисида маълумотларни аниқлаш;

- ❖ ҳар хил аналитик жадваллар тузиш;
- ❖ кўрсаткичларни солиштирма юзага келтириш ва ҳ.к.

9.3. Чакана товар айланишига таъсир қилувчи омиллар

Чакана товар айланиши микро ва макро даражадаги омиллар таъсир қилади. Уларга умумлаштириб, қуйидагиларни киритиш мумкин.

I. Давлатнинг ҳалқаро аҳволи, ҳалқаро муносабатлар.
II. Давлатларнинг иқтисодий интеграцияси.
III. Ташқи савдо, экспорт ва импорт.
IV. Халқ хўжалиги прогнозлари (ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш, миллий даромад (истеъмол ва жамғарма фондлари, эластиклик коэффициент – 1-1,06 % тенг) Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш (эластиклик коэффициенти 1 – 0,98 %тенг).
V. Илмий – техник ривожланиш (электрлаштириш, газлаш, телевид, йўллар). Бу биринчидан, истеъмол қилиш шарт – шароитини ўзгартиради, иккинчидан – янги товарлар бунёдга келтирилади.
VI. Аҳолининг даромадларини ўзгартириш (1 – 0,94 %).
VII. Ижтимоий фондининг миқдори.
VIII. Баҳо.
IX. Демографик ҳолат.
X. Урбанизация (шаҳар ва қишлоқ аҳолисини ўзгариши).
XI. Шахсий таморқа хўжалиги.
XII. Уй – жой қуриш.
XIII. Шахсий транспорт.
XIV. Дача (иккинчи, шаҳардан ташқари яшайдиган жойлар).
XV. Хизмат даражаси (тарифлари).
XVI. Туризм, спорт.
XVII. Аҳолининг маданий билим даражаси.
XVIII. Аҳолининг бўш вақти.

9.4. Чакана товар айланишини умумий ҳажмининг таҳлили ва режалаштириш

Чакана товар айланиши умумий ҳажмини таҳлил қилганда қуйидаги кўрсаткичлар аниқланишини тавсия қиламиз:

I. Прогнозларни ёки ражани чакана товар айланишини умумий ҳажми, турлари ва савдо шохобчалари бўйича бажарилишини аниқлаш;

II. Режаларни кварталлар ва ойлар бўйича бажарилишининг маромийлигини аниқлаш. Унинг учун маромийлик коэффиценти ҳисобланади. *Ушбу кўрсаткич ўртача квадрат фарқ (σ) ва вариация* коэффицентини (В) аниқлаш орқали амалга оширилади.

$$\sigma = \frac{\sqrt{(\sum x - \bar{x})^2}}{n} \; ; B = \frac{\sigma \cdot 100}{\bar{x}} \; ;$$

Бу ерда:

σ - ўртача квадрат фарқ;

в – вариация коэффицнти;

х – ҳар ойда (квартларда) товар айланиш режасини бажарилиш фоизи;

$\bar{x}$ - ўртача йиллик товар айланиш режасини бажарилиш фоизи;

п – ойлар (квартал) сони.

Маромийлик коэффициенти (Км)=100 – В;

III. Чакана товар айланиши динамикасини ўрганиш, бир неча йилларда ўртача ўсиш темпасини ҳисоблаш. Чакана товар айланиши ўсиш темпасини ўртача гиометрик формуласи орқали аниқлаш тавсия қилинади.

$$\bar{T} = \sqrt[n-1]{\frac{У_п}{У_0}}$$

Бу ерда

Т –ўртача геометрик ўсиш даражаси

$У_п$ – динамик қаторни охирги кўрсаткичи;

$У_0$ –динамик қаторни бошланғич кўрсаткичи;

П –динамик қатордаги кўрсаткичлар сони

VI. Чакана товар айланиши билан аҳолининг ҳарид фондини қамраб олиш кўрсаткичини аниқлаш. Ушбу кўрсаткични алоҳида *савдо корхоналари ёки савдо шохобчалари даражасида* ҳисоблашни иқтисодий нуқтаи назардан имконияти йўқ, шу сабабли уни туман вилоят ва республика миқёсида ҳисоблаш тавсия қилинади. Уни ҳисоблаш учун аҳолининг ҳарид фонди олинади ва у чакана товар айланиши аҳолига сотилган қисми билан солиштирилади. Масалан чакана товар айланиши умумий ҳажми 573,1 млн.сўм, жумладан корхоналар, ташкилотларга (майда улгуржи) сотилиши 29,2 млн.сўм. аҳолининг ҳарид фонди 812,1 млн.сўм. ҳисобласак. Ундан аҳолига сотилган товарлар суммаси 573,1- 29,2 = 543,9 млн. сўмни

ташкил қилади. Чакана товар айланиши билан аҳолини ҳарид фондини қамраб олиш фоизи $\frac{543,9 \cdot 100}{812,1} = 66,97 \approx 67,0$ % ташкил қилади ва аҳолини товар сотиб олиш ўзини ажратган пул маблағини 67,0 % товарлар билан таъминланганлигини англатади

V. Савдо корхоналари, шохобчаларини туман, вилоят чакана товар айланишидаги ҳиссаси фоиз ҳисобида таҳлил қилиниши зарур, бу кўрсаткични динамикасини ўрганиш керак.

VI. қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналарда чакана товар айланиши кўрсаткичини мавсумийлик коэффицентини аниқлаш зарур бўлади (9.4.1-жадвал).

9.4.1-жадвал

Магазинда сотилган сабзавотларни мавсумийлик кўрсаткичи

Кварталлар	Сотув ҳажми, млн. сўм				Мавсумийлик кўрсаткичи, %
	2011	2012	2013	Уч йилни ўртача миқдори	
1	137	191	163	164	77,7
2	121	175	154	150	71,1
3	288	258	352	299	141,7
4	213	208	271	231	109,5
Кварталлараро ўртача миқдори	190	208	235	211	100,0

Кварталларни ўртача мавсумийлик кўрсаткичи кварталнинг ўртача уч йиллик кўрсаткичларни йиллик ўртача кўрсаткичига нисбатан аниқланади.

Масалан, I кварталдаги мавсумийлик кўрсаткичи = $\frac{164 * 100}{211}$ = 77,7%

Мавсумий ўзгаришлар даражаси йиллар давомида ўртача квадрат фарқи кўрсаткичи орқали аниқланади.

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum (x - \bar{x})^2}{П}}$$

Бизнинг мисолда:

$$\sigma = \sqrt{\frac{(164-211)^2 + (150-211)^2 + (299-211)^2 + (231-211)^2}{4}} = 45,1 \text{ млн. сўм}$$

Вариация коэффициенти (В) $B = \frac{\sigma * 100}{\bar{X}} = \frac{45{,}1 * 100}{211} = 21{,}4\ \%$

яъни (фарқи) 21,4% ни ташкил қилган. Маъромийлик коэффициенти = 100- 21,4=78,6%

VII. Кейинги босқич кетма – кет чакана товар айланиши ҳажмига алоҳида омилларни таъсирини ўрганишдан иборат бўлади. Уларни айримларини кўриб чиқамиз.

Чакана товар айланиши таҳлил қилинганда уни ҳажмига баҳолар ва товарларнинг миқдори қандай таъсир килганлигини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун индекс усулларидан фойдаланилади.

Чакана товар айланиши – физик ҳажми индекси ($Ж_ф$), ҳақиқий баҳолардаги индекс($Ж_{хб}$)и ва баҳо индекслари ($Ж_б$) ҳисобланади.

$$Ж_ф = \frac{\sum_{i=1}^{3} Pi_0 qi_1}{\sum_{i=1}^{n} Pi_0 qi_0}$$

$$Ж_{хб} = \frac{\sum_{i=1}^{3} Pi_1 qi_1}{\sum_{i=1}^{n} Pi_0 qi_0}$$

$$Ж_б = \frac{\sum_{i=1}^{3} Pi_1 qi_1}{\sum_{i=1}^{n} Pi_0 qi_1}$$

Бу ерда:

$Р_{ио}$– базис давридаги и – товар баҳоси;

$Р_{иI}$– ҳисобот давридаги и - товар баҳоси:

$к_{ио}$ – базис давридаги и – товар-физик ҳамжи:

$к_{иИ}$ – ҳисобот давридаги и - товар физик ҳамжи:

п – товарлар ассортименти сони;

и – товар тури.

Бу индекслар ўртасида математик боғлиқлик мавжуд.

*М: Жф = $Ж_{хб}$:$Ж_б$ ёки $Ж_{хб}$ =$Ж_ф$ * $Ж_б$; $Ж_б$ =$Ж_{хб}$: $Ж_ф$*

Мисол: 9.4.2-жадвалда товарларни сотилиш миқдори ва баҳолари келтирилган).

9.4.2-жадвал

Товарларни сотилиш миқдори ва баҳолари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Базис йили	Ҳисобот йили
1. «А» товарларни сотиш миқдори	Дона	200	300
2. «Б» товарларни сотиш миқдори	Дона	100	50
3. «А» товар баҳоси	Минг сўм	5	6
4. «Б» товар баҳоси	Минг сўм	8	12

$Ж_ф = (5 * 300 + 8 * 50) : (5 * 200 + 8 * 100) = (1900 : 1800) = 1{,}055$

$Ж_{хб} = (6 * 300 + 12 * 50) : (5 * 200 + 8 * 100) = (2400 : 1800) = 1{,}333$

$Ж_б = (6 * 300 + 12 * 50) : (5 * 300 + 8 * 50) = (2400 : 1900) = 1{,}263$

$Ж_ф = 1{,}333 : 1{,}263 = 1{,}055$

Мисолда чакана товар айланиши ўсиш суммаси = 2400 – 1800 = =600 минг сўм.

Жумладан:

а) товарларни физик ҳажмини ўзгариш натижасида = $(П_{ю}К_{чи} - П_{ю}К_{чи})$ 1900 – 1800 = +100 минг сўм.

б) баҳони ўзгариши натижасида = $(П_{ии}К_{чи} - П_{ю}К_{чи})$ = 2400 – 1900= 500 минг сўм.

Чакана товар айланишини таҳлил қилганда унинг ҳажмига аҳолининг сони (С)ва аҳоли жон бошига тўғри келган чакана товар айланишини (К) таъсирини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Бунда чакана товар айланиши (ЧТА) = С · К статистик боғлиқликдан келиб чиқиш керак.

Чакана товар айланишини ҳисоб ва базис давридаги фарқи (Δ ЧТА) қуйидагича аниқланади.

$\Delta ЧТА = С_1К_1 - С_0К_0$; жумладан аҳоли сонини ўзгариш ҳисобидан;

$\Delta ЧТА_с = С_1К_1 - С_0К_0$ ва аҳоли жон бошига тўғри келган чакана товар айланишини ўзгариши ҳисобидан;

$\Delta ЧТА_К = С_1К_1 - С_1К_0$, чакана товар айланишини ўзгарган миқдори келиб чиқади. Бунда умумий чакана товар айланишини ўзгариш миқдори юқоридаги омиллар ҳисобидан ўзгарган миқдорлар йиғиндисига тенг бўлади. Яъни,

$\Delta ЧТА = \Delta ЧТА_с + \Delta ЧТА_К$, ёки $(С_1К_0 - С_0К_0) + (С_1К_1 - С_1К_1)$.

Чакана товар айланишининг ҳажмига оилалари сони ва 1 оилагача тўғри келадиган чакана товар айланиши ҳам таъсир қилади. Оила хўжалик субъекти сифатида ўз аъзоларининг даромадлари ва истеъмол қилиш миқдорини умумлаштиради.

Масалан, овқат тайёрлаш, айрим товарларни сотиб олишни оиланинг ҳар бир аъзоси алоҳида амалга оширганига нисбатан оила бўйича қилинса аллақанча тежамлироқ бўлади, ёки катта оила кичик оилага ҳамда якка ҳолдагига нисбатан тежамлироқдир. Оилани даромади қанча катта бўлса, уни товар сотиб олиш имконияти ҳам юқори бўлиши мумикин.

Шу билан бир қаторда, оила аъзолари сони ва 1 аъзога товар сотиб олиш миқдори товар айланишига тескари таъсир қилиши ҳам мумкин. Чунки оила аъзолари қанча кўп бўлса, болалар ва бошқа боқимадалар кўп бўлади, ундай оиланинг товар сотиб олиш қобилияти ҳам тегишлича қисқаради.

Бу ҳоллардан келиб чиқиб чакана товар айланишини таҳлил қилганда, унга оилалар сони, 1 оила аъзосига тўғри келадиган товар айланишини таъсирини ўрганиш иқтисодий, ижтимоий ва демографик сиёсатни аниқлашга катта таъсир қилади.

Буни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз.

Агар оилалар сонини «Н» деб, 1 оилага тўғри келадиган товар айланишини «К» белгиласак, умумий чакана товар айланиши (ЧТА) баробар бўлади:

$$ЧТА = Н * К;\ бунда,\ Н = \frac{ЧТА}{К}$$

Ушбу формуладан фойдаланиб келтирилган омилларни таъсир миқдорини ҳисоб – китоб қилиш мумкин.

$\Delta\ ЧТА = H_1K_1 - H_0K_0$

$\Delta\ ЧТА_H = H_1K_0 - H_0K_0$: оилалар сонини таъсири.

$\Delta\ ЧТА_к = H_1K_1 - H_1K_0$: 1 оилага тўғри келган товар айланишини таъсири.

Бир оилага тўғри келган товар айланишининг миқдори ўртача оила аъзолари сонига ва 1 кишига тўғри келган товар айланиш миқдорига боғлиқ бўлади. Бу кўрсаткичлар ҳам ўзгарувчан кўрсаткичлардир.

Шу сабабли 1 оилага тўғри келган товар айланишини қуйидаги формула билан аниқланади:

$К = Қ * П;$

Бу ерда, Қ – 1 кишига тўғри келадиган товар айланиш

П – ўртача оила аъзолари сони.

Ушбу боғлиқликдан келиб чиқиб чакана товар айланиш таъсирини иккига ажратиб қуйидагича ёзиш мумкин;

$\Delta ЧТА_к = Н_1К_1 – Н_1К_0 = Н_1(К_1 – К_0) = Н_1 (Қ_1П_1 – Қ_0П_0);$

Бундан келиб чиқиб, оилага тўғри келган товар айланишини ўзгариш миқдорига оила аъоларининг ўртача сони ўзгаришини таъсири:

$\Delta К_п = Қ_0П_1 – Қ_0П_0$ ва аҳоли жон бошига тўғри келган товар айланиш таъсирини ҳисоб китоб қилиш мумкин:

$\Delta К_Қ = - Қ_0П_1 – Қ_0П_1$

Ушбу ҳисоб-китоблардан келиб чиқиб, қуйидагиларга

$\Delta ЧТА_К = Н_1(\Delta К_п + \Delta К_Қ);$

$\Delta ЧТА = \Delta ЧТА_с + Н_1(\Delta К_п + \Delta К_Қ)$ тенг бўлади.

Чакана товар айланиши ҳажмига товар захиралари товарларни келиши ва товарсиз чиқимлар таъсир қилади. Буни мисолда кўриб чиқамиз.

9.4.3-жадвал

Чакана товар айланишига таъсир қилувчи омилларни баланс боғлиқлиги

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Режа (0)	ҳақиқатда (1)
1. Йил бошидаги захира ($З_1$)	9779	9771
2. Товарларни келиши (ТК)	45040	47020
3. Чакана товар айланиши (ЧТА)	45950	46541
4. Товарсиз чиқимлар (В)	152	235
5. Йил охиридаги захира ($З_2$)	8717	10015

Таъсир қилувчи омлларни ҳисоби:

$ЧТА_1^0 = З_1^0 + ТК^0 – В^0 – З_2^0 = 45950$

$ЧТА_2 = З_1^1 + ТК^0 – В^0 – З_2^0 = 45942$

$ЧТА_3 = З_1^1 + ТК^1 – В^0 – З_2^0 = 47922$

$ЧТА_4 = З_1^1 + ТК^1 – В^1 – З_2^0 = 47839$

$ЧТА_5 = З_1^1 + ТК^1 – В^1 – З_2^1 = 46541$

9.4.4-жадвал

Омилларни таъсир қилиш миқдори

Омиллар	Аниқлаш усули	Миқдори
$З_1$	$ЧТА_2 - ЧТА_1^0$	45942 – 45950 = - 8
ТК	$ЧТА_3 - ЧТА_2$	47922 – 45922 = + 1980
В	$ЧТА_4 - ЧТА_3$	47839 – 47922 = - 83
$З_2$	$ЧТА_5 - ЧТА_4$	46541 – 47839 = - 1298
Жами	$ЧТА^1 - ЧТА^0$	46541 – 45950 = + 591

9.5. Чакана товар айланиши микро таркибининг таҳлили ва режалаштириш

Чакана товар айланишини таркибини, яъни ассортиментини таҳлили унинг умумий ҳажмини таҳлилини давоми бўлиб ҳисобланади. Бунда чакана товар айланиши таҳлили янада чуқурлаштирилади, аниқлаштирилади. Ушбу таҳлил натижасида аҳоли талабини қондиришни, уларни моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш даражаси баҳоланади.

Чакана товар айланишини таркиби савдо корхоналарининг сон ва сифат кўрсаткичларини шакллантиришга катта таъсир кўрсатади. Ушбу кўрсаткич савдонинг даромадлари, муомала (давр) харажатлари, фойдаси, рентабеллик даражасига, ресурсларни ишлатиш самарадорлигига таъсир қилади.

Чакана товар айланишини таркибини макротартиб ва микротартиб даражаларида ўрганиш зарур. Чакана товар айланишини макротартиби деганда, уни озиқ-овқат маҳсулоталари ва ноозиқ-овқат товарларига бўлиб ўрганишни ва микротартиб деганда чакана товар айланишини барча ассортиментларини ўрганиш назарда тутилмоқда.

Чакана товар айланишини (ассортиментини) таҳлил қилишда қуйидаги кўрсаткичларни аниқлаш тавсия қилинади:

- алоҳида товар гуруҳлари бўйича (макро – микротартиб) режа ёки прогнозларни бажарилиши;

- алоҳида товар гуруҳлари бўйича аҳолининг талабини қондирилиши даражасини баҳолаш. Бундай таҳлил учун ҳақиқатда сотилган товарларни аҳоли жон бошига ҳисоблаб, уларни физиологик ва рационал истеъмол нормалари билан солиштириш, фарқини аниқлаш (мутлақ миқдорда ва фоизларда) ва баҳолаш зарур бўлади;

- чакана товар айланишини таркибини бир неча йилларга динамикасини аниқлаш, йиллар ичида кварталлар бўйича, кварталлар ичида ойлар бўйича, унинг ривожланиш тенденцияларига баҳо бериш. Чакана товар айланиши динамик қаторларни ҳақиқий ва солиштирма баҳоларда ҳисоб-китоб қилиш керак;

- алоҳида товар гуруҳларининг умумий чакана товар айланишидаги ҳиссасини аниқлаш, бир неча йилларга уни ўзгариш тенденцияларига баҳо бериш;

- савдо шохобчаси ёки фирма корхонасини айрим товар гуруҳлари бозоридаги ҳиссасини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

- чакана товар айланишининг таркибига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш ва баҳолаш (баҳони, аҳолининг даромадлари (харид фонди)-талабни, таклифни, товар ресурслари ёки бозор фонди ва х.к). Бундай таҳлил учун эластиклик коэффициентидан фойдаланиш талаб қилинади.

- эластиклик коэффициенти ($К_э$) аҳоли талабини қондирилиш даражаси қайси омиллар таъсири остида қандай миқдорда ўзгарганлигини кўрсатади, яъни аҳоли жон бошига сотилган товарлар (у) ҳисобга олинган омил (х) таъсири натижасида қанча фоизга ўзгарганлигини кўрсатади.

Эластиклик коэффициенти қуйидагича ҳисобланади.

$$K_э = \frac{\Delta y * 100}{y} : \frac{\Delta x * 100}{x} = \frac{\Delta y}{\Delta x} * \frac{x}{y};$$

Бу ерда: $\Delta й = й_1 - й_0$

$$\Delta x = x_1 - x_0$$

Динамик қаторда Δx ва Δy кўрсаткичлари тўғри чизиқли боғлиқликда бўлганда $y = a + бx$ корреляция тенгламасини ечиш орқали $К_э$ аниқланиши мумкин. Бунда

$К_э = б\frac{\bar{x}}{\bar{y}}$ тенг бўлади.

Эластиклик коэффициентини тўғри чизиқли боғлиқлик бўлмаган ҳода қуйидаги тенгламалар орқали ҳам аниқлаш мумкин.

1. Параболик тенгламадан:

$K_э = (б + 2cx) * \frac{\bar{x}}{\bar{y}}$;

2. Гипербола тенгламада:

$K_э = \frac{-b}{\bar{x}} * \frac{1}{\bar{y}}$;

3. Логарифмик тенгламада:

$K_э = \frac{b}{\bar{y}}$;

Бизлар аҳолини жон бошига тўғри келган чакана товар айланиши унга таъсир қиладиган асосий омиллар тўғри чизиқли боғлиқликка мос келишини ҳисобга олиб, тенгламасини ечиш усулига тўхталиб ўтамиз.

$y=a+бx$

Келтирилган (у = а + бх) тенгламада «а» ва «б» тенгламани параметрлари ва қуйидаги тенгламалар тизимини ечиш орқали аниқланади:

$$\begin{cases} \text{П}a + б\sum x = \sum y \\ a\sum x + б\sum x^2 = \sum xy \end{cases}$$

Ушбу тенгламадан номаълум «а» ва «б» параметрларини қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин.

$$a = \frac{\sum y * \sum x^2 - \sum x * \sum xy}{П\sum x^2 - \sum x * \sum x}$$

$$б = \frac{П\sum xy - \sum x \sum y}{П\sum x^2 - \sum x \sum x}$$

Ушбу усул билан аҳоли жон бошига тўғри келган чакана товар айланишига аҳолини жон бошига тўғри келган даромадни таъсир даражасини шартли маълумотлар мисолида кўриб чиқамиз.

9.5.1-жадвал

Аҳоли жон бошига тўғри келган чакана товар айланиши ва даромадлар

(минг сўм)

Йилар	Аҳоли жон бошига	
	Даромад	ЧТА
2009	210,9	139,2
2010	224,9	147,5
2011	232,8	153,4
2012	253,8	167,2
2013	295,3	183,6

Ушбу маълумотлар асосида аҳоли жон бошига тўғри келган чакана товар айланиши аҳолининг ҳарид фонди ўзгариши ҳисобига

қандай даражада ўзгарганлигини аниқлаймиз. Унинг учун қуйидаги жадвални тузамиз:

9.5.2-жадвал

Эластиклик коэффициентини ҳисоблаш учун маълумотлар

Йиллар	X	y	X^2	Xy
2009	210,9	139,2	44478,8	29357,3
2010	224,9	147,5	50580,0	33172,8
2011	232,8	153,4	54195,8	35711,5
2012	253,8	167,2	64414,4	42435,4
2013	295,3	183,6	87202,1	54217,1
Жами	**1217,7**	**790,9**	**300871,1**	**194894,1**

Бу маълумотларни юқорида келтирилган тенгламага қўйсак қуйидагига эришамиз:

$$\begin{cases} 5a + 1217{,}7\,б = 790{,}9 \\ 1217{,}7\,a + 300871{,}1\,б = 194894{,}1 \end{cases}$$

Ушбу тенгламадан унинг параметрларини аниқлаймиз.

$$a = \frac{790{,}9 * 300871{,}1 - 1217{,}7 * 194894{,}1}{5 * 194894{,}1 - 1217{,}7 * 1217{,}7} =$$

$$= \frac{237958953{,}0 - 237322545{,}6}{974470{,}5 - 1482793{,}3} = \frac{636407{,}4}{-508322{,}8} = -1.252$$

$$a = -1{,}252$$

$$b = \frac{5 * 194894{,}1 - 1217{,}7 * 790{,}9}{5 * 300871{,}1 - 1217{,}7 * 1217{,}7} = \frac{974470{,}5 - 963078{,}9}{1504355{,}5 - 1482793{,}3} = \frac{11391{,}6}{21562{,}2} 0{,}528$$

$$b = 0{,}528$$

$$y = -1{,}252 + 0{,}528\,x;$$

Тенгламанинг «б» параметри миқдори 0,528 аҳоли даромадини минг сўмга ортиши натижасида аҳоли жон бошига тўғри келган чакана товар айланиши 528 сўмга ўсишини таъминлайди деган маънони англатади.

Энди эластиклик коэффицентини аниқлашимиз мумкин.

$К_э = б\frac{\bar{x}}{\bar{y}}$: юқорида келтирилган маълумотлар орқали «$\bar{x}$« ва «$\bar{y}$» миқдорини аниқлаймиз:

$$\bar{x} = \frac{1217{,}7}{5} = 243{,}54 \text{ минг сўм}$$

$$\bar{y} = \frac{790,9}{5} = 158,18 \text{ минг сўм}$$

$$К_э = 0,528 \frac{243,54}{158,18} = 0,528 * 1,5396 = 0,8129$$

Ушбу кўрсаткичдан маълум бўляпдики, аҳоли жон бишига тўғри келадиган даромадни 1% га ортиши натижасида аҳоли жон бошига тўғри келган чакана товар айланиши 0,8129%га ўсган.

Худди шу тартибда аҳоли жон бошига тўғри келган чакана товар айланишига бошқа омиллар таъсирини ҳам ҳисоблаш мумкин. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланиши ҳажмига бир даврда кўп омиллар ўзаро боғлиқликда таъсир қилиши амалиётда синалган.

Шу сабабли чакана товар айланишини таҳлил қилишда кўп омилли математик регрессия усулларидан ҳам фойдаланишни *тавсия қиламиз.*

Эластиклик коэффиценти кўрсаткичини чакана товар айланиши ассортимертини режалаштиришда кенг қўллаш мумкин.

9.6. Чакана товар айланишини таркибини режалаштириш

Чакана товар айланиши ассортиментини режалаштириш савдо корхоналарининг асосий мақсадини амалга оширишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Чакана товар айланиши ассортиментини прогнозлаштириш ва режалаштириш жуда мураккаб иқтисодий жараён бўлиб, у ҳаётдаги барча ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ, аҳолининг талабини қондириш жараёнини англатувчи кўрсаткич ҳисобланади. Уни иқтисодий асосланган миқдори аҳолига истеъмол товарларини ишлаб чиқариш учун буюртмалар бериш, ишлаб чиқаришни ривожланишини рағбатлантириш, янги товарларни ишлаб чиқариш, талабга жавоб бермайдиганларни янгиси билан алмаштириш каби муаммоларни ҳал қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ушбу кўрсаткич истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнлари билан боғлиқ бўлган илмий-техник ихтиролар, мода каби мураккаб жараёнларда намоён қилади.

Чакана товар айланиши ассортиментини режалаштиришда алоҳида товар гуруҳларини хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳар хил усуллардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Товарларни ишлаб чиқариш, бозорга кириш ва кирмаслиги, истеъмол қилиниши хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни қуйидаги макрогуруҳларга ажратиш мумкин:

1) аҳоли талабини бир қисми шахсий хўжалик ҳисобидан қондириладиган озиқ-овқатлар (нотовар маҳсулотлар яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари-гўшт, сут, тухум, сабзавотлар, мевалар);

2) аҳоли талаби тўла савдо корхоналаридан сотиб олиш ҳисобидан қондириладиган озиқ-овқатлар;

3) аҳоли талабини товар ресурслари ҳисобидан тўла қондириш мумкин бўлган ноозиқ-овқатлар;

4) қисман ишлаб чиқарилиши чегараланган ноозиқ-овқатлар;

5) узоқ муддатда истеъмол қилинадиган ноозиқ-овқатлар. Уларни сотилиш миқдори аҳолини пул билан таъминланганлик даражасига боғлиқ.

Чакана товар айланиши ассортиментини режалаштиришда бир қатор омиллар эътиборга олиниши зарур. Уларни асосийларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- аҳолининг ҳарид фонди миқдори;
- айрим товарлар билан аҳолини таъминланганлиги (узоқ муддатда истеъмол қилинадиган ноозиқ-овқат товарлари), яъни ушбу товарларни 100 оилага тўғри келиши;
- алоҳида товар гуруҳлари бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланиши, охирги 3-5 йилларда шаклланган истеъмол миқдори;
- охирги 3-5 йилларда шаклланган чакана товар айланиши таркиби, яъни умумий чакана товар айланишида алоҳида товар гуруҳларини ҳиссаси, фоиз ҳисобида;
- алоҳида товарларни ҳудудга (туман, шаҳар, вилоят) ишлаб чиқариш миқдори ёки бошқа ҳудудларда ишлаб чиқарилиши, четдан келтириладиган товарларга бўлиб таҳлил қилиш натижалари;
- озиқ-овқатларни истеъмол қилишни физиологик нормалари ва ноозиқ-овқатларни рационал ишлатиш нормалари, уларни ҳақиқий истеъмол миқдори билан солиштирма кўрсаткичлари;
- аҳолини уй-жой билан таъминланганлик даражаси ва уни келажакда ривожланиш кўрсаткичлари;
- аҳолига хизмат қилувчи корхоналарни ривожланиши. Масалан, ателъелар, устахоналар ва ҳоказолар.

Чакана товар айланиши ассортиментини режалаштиришда ишлатиладиган айрим усулларни келтирамиз:

I. Физиологик ва рационал ишлатиш нормалари орқали келажакда истеъмол қилиш миқдори қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$П = П_ф \cdot Ж^t_n \cdot \sqrt[n]{(\frac{N_п}{N_ф})^к}$$

Бунда: $П_к$ – к-йилига истеъмол қилинадиган товарларнинг умумий ҳажми.

$П_ф$ – базис йилида истеъмол қилинган товарлар ҳажми;

$Ж^t_n$ - аҳоли сонининг ўзгариш индекси;

$Н_н$ – 1 кишига тўғри келадиган истеъмол нормаси;

$Н_ф$ – 1 кишига тўғри келадиган ҳақиқий истеъмол;

n - истеъмол нормасига етиш муддати;

К – прогноз (режа) лаштирилаётган йил.

II. Узоқ муддат истеъмол қилинадиган товарлар бўйича:

$ЧТА_к = (Н_о \cdot О_р – Т_а + U)$ Б

Бунда:

$ЧТА_к$ – к-йилга товар айланиши;

$Н_о$ – оиланинг таъминланиш нормаси;

$О_р$ – режалаштирилган йилга оилалар сони;

$Т_а$ – режалаштирилган йил бошига оиладаги мавжуд товарлар;

U – режалаштирилган йилга товарларнинг тўзиши, эскириши.

Б – баҳо (режалаштирилаётган йилга).

III. Товар ассортиментини режалаштириш учун иқтисодий математик усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

IV. Эластиклик коэффициенти кўрсаткичидан фойдаланиш усули. Ушбу усул орқали товар айланиши ассортиментини аҳолининг даромади ёки ҳарид фондининг ўсиш суръати билан солиштириш орқали, ёки товар ресурсларининг ўсиш суръати билан солиштириш орқали аниқлаш мумкин.

Бунда эластиклик коэффициенти (Э)

$$Э = \frac{\Delta y \cdot 100}{y} + \frac{\Delta x \cdot 100}{x} = \frac{\Delta y}{\Delta x} \cdot \frac{x}{y};$$

Бу ерда: "х" – аҳолининг даромади ёки ҳарид фонди ёки товар ресурслари аҳоли жон бошига;

"у" – Чакана товар айланиши алоҳида олинган товар гуруҳи бўйича, аҳоли жон бошига;

"Δ" – кўрсаткичнинг ўзгариш миқдори.

Ушбу кўрсаткич у = а + бх карроляцион тенгламани ечиш йўли билан аниқланиши мумкин.

Бунда: $Э = б \cdot \frac{\bar{x}}{y}$;

"б" – регрессия коэффициенти.

Масалан, айтайлик бирор бир товар гуруҳи бўйича эластиклик коэффициенти аҳоли даромадига нисбатан 1,5 чиқди. Ушбу кўрсаткич аҳолининг даромади 1% га ошса, ҳисобга олинган товар гуруҳи бўйича аҳоли жон бошига тўғри келган чакана товар айланиши 1,5 % ўсиши мумкинлиги англатади.

Агарда аҳолининг жон бошига тўғри келган даромади режалаштирилган йилга 10 % ўсиши мўлжалланган бўлса, аҳоли жон бошига тўғри келган чакана товар айланиши (товар гуруҳи бўйича)

10 · 1,5 = 15 % га ошиши мумкин.

Бу ҳолда аҳоли жон бошига тўғри келган чакана товар айланиши режалаштирилган йилга ($У_р$)

$У_р = \frac{У_{ж} \cdot (100 + 15)}{100}$ тенг бўлади.

Бу ерда: "$У_ж$" – жорий йилдаги аҳоли жон бошига тўғри келган чакана товар айланиши суммаси.

Мисолда олинган товар гуруҳи бўйича чакана товар айланиши умумий ҳажми қуйидагича аниқланади:

$ЧТА_р = У_р \bullet А_{с.р}$;

Бу ерда: $ЧТА_р$ – мисолда олинган товар гуруҳи бўйича режалаштирилган йилга чакана товар айланиши суммаси;

$А_{с.р}$ – режалаштирилган йилга аҳолининг сони.

В. Чакана товар айланиши ассортиментини режалаштиришда реал кўрсаткичга яқин натижага эришиш учун (бу усул чет эллар амалиётида ҳам ишлатилади) "ўртача силжиш" усулидан фойдаланишни тавсия қиламиз. Бунда оҳирги беш йил муддатда чакана товар айланиши ҳажмида олдин унинг макротартиби (озиқ-овқатлар ва ноозиқ-овқатлар) бўйича ҳисоб китоб қилинади, сўнг товар гуруҳларини озиқ-овқат товарлари ҳажмидаги ҳиссаси алоҳида ва ноозиқ-овқатлар ҳажмидаги ҳиссаси алоҳида ҳисоб китоб қилиниши тавсия қилинади.

Ушбу усул билан чакана товар айланиши таркиби (товар гуруҳларини чакана товар айланишидаги ҳиссаси) режалаштирилган йилга аниқланади ва сўнг режалаштирилган чакана товар

айланиши ҳажмидан келиб чиққан ҳолда алоҳида товар гуруҳлари бўйича чакана товар айланиш суммаси аниқланади.

Таянч иборалар: *Чакана товар айланмаси, омиллар, кўрсаткичлар, таҳлил, режалаштириш, эластиклик коэффициенти, микро таркиби таҳлили, макро таркиби таҳлили, математик регрессия, омил.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Чакана товар айланиши кўрсаткичларини айтинг?
2. Чакана товар айланиши кўрсаткичларини баланс боғлиқлигини тушинтиринг.
3. Чакана товар айланиши таҳлилини вазифаларини айтинг?
4. Чакана товар айланиши таҳлилида ишлатиладиган кўрсаткичларни сананг ва уларни мазмунини ёритинг.
5. Чакана товар айланишини таҳлил қилишда қандай усуллардан фойдаланамиз?
6. Чакана товар айланишига қандай омиллар таъсир қилади?
7. Чакана товар айланишини режалаштиришда қандай усуллардан фойдаланилади?
8. Чакана товар айланишини жорий режалаштиришда қандай масалаларни ҳал қилиш зарур бўлади?
9. Чакана товар айланишини ўртача силжиш усули билан режалаштиришни мазмунини тушинтириб беринг?
10. Чакана товар айланиши таркибини режалаштиришда улар қандай гуруҳларга ажратилади?
11. Чакана товар айланиши таркибини режалаштиришда қандай омиллар ҳисобга олинади?

X боб. ТОВАР ЗАХИРАЛАРИНИ ТУШУНЧАСИ, КЎРСАТКИЧЛАРИ, УЛАРНИ ТАҲЛИЛИ ВА НОРМАЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

10.1. Товар захираларини тушунчаси, кўрсаткичлари, таҳлили ва режалаштириш масалалари.

10.2.Товарлар келиши, уларни таҳлили ва режалаштириш масалалари.

10.3.Товар захираларини нормалаштириш ва режалаштириш масалалари.

* * *

10.1. Товар захираларини тушунчаси, кўрсаткичлари, таҳлили ва режалаштириш масалалари

Захиралар инсоният тараққиётининг барча босқичларида яратилиб келинган. Ибтидоий жамиятда захиралар асосан истеъмол фонди шаклида пайдо бўлган. Уларни таркиби жуда қисқа бўлиб, асосан бирламчи эҳтиёжни қондирувчи маҳсулотлардан ташкил топган. Умуман захиралар ишлаб чиқариш жамоа ва индувидуал истеъмол учун жамғариладиган ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол маҳсулотлардан ташкил топади. Шу сабабли захираларни уч турга ажратиш мумкин: Уларга қуйидагилар киради:

1. Ишлаб чиқаришдаги (хомашё, жиҳозлар);
2. Шахсий истеъмолдаги(оила хўжалигида);
3. Товар шаклида.

Булар бир-бири билан функционал боғлиқликда бирининг ўзгариши қолганларининг ўзгаришига олиб келади.

Бу захиралар бир-биридан шакли, натурал таркиби, миқдори, жойланиши, тўпланиши билан фарқ қилади.

Ишлаб чиқариш захиралари ишлаб чиқариш воситаларидан ташкил топади ва ишлаб чиқариш жараёнини узликсизлигини таъминлайди. Улар қаторига ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё, ёқилғи материаллар киради.

Шахсий истеъмолдаги захиралар товарларни айирбошлаш жараёнидан чиқиб истеъмолчилар мулкига айланган вақтидан

вужудга келади. Яъни улар аҳоли ихтиёридаги озиқ – овқатлар ва ноозиқ – овқатлардан ташкил топади.

Бозорга чиқарилган ёки сотишга мўлжалланган маҳсулот товар деб ҳисобланади.

Товарлар бозорда, яъни товар муомаласи бўғинларида, шохобчаларида, йўлда турган даврда товар захираларини ташкил қилади. Товар захиралари ишлаб чиқаришдан истеъмолгача етказгунча бўлган вақтдаги товарлар миқдоридан иборат.

Товар захиралари тарихий категория бўлиб, у меҳнат маҳсулини товар шаклига айланиши, яъни товар ишлаб чиқариш ва товар айирбошлаш жараёнини вужудга келиши билан шакллана бошлаган.

Ҳар қандай нарса ёки маҳсулот товар шаклида ҳар доим бўла олмайди. Шу сабабли ҳар қандай захира товар захираси сифатида намоён бўлмайди.

Биз юқорида айтганимиздек, товар захиралари бозорга чиқарилган ёки сотишга мўлжалланган маҳсулотлар, яъни айирбошлаш бўғинларида турган товарлар миқдоридан иборат бўлади. Товар захиралари товарда мужассамлашган истеъмол қиймати ва қийматига эга бўлиши керак. Бундай сифатлар нарса ёки маҳсулот айирбошлаш ёки сотишга мўлжалланган бўлсагина вужудга келади.

Товар захиралари меҳнат воситалари ҳамда истеъмол товарларидан ташкил топади. Товар захираларининг шаклланиши объектив заруриятлардан вужудга келади.

Биринчидан, бу ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнларининг бир-бири билан боғлиқлиги ҳамда бирлигига қарамасдан замон ва маконда тўғри келмаслиги. Айрим даврларда ишлаб чиқариш ҳажми ва истеъмол миқдори бир-бирига тўғри келмайди. Бу тафовут уларни умумий миқдори тенг бўлган ҳолда ҳам доимо ортиб бориши мумкин. Бунга ишлаб чиқаришни ихтисослашиши, кенгайиши, талабни динамик ўсиши таъсир қилади. Бундай тафовут талаб ва таклифни мавсумий ҳаракатларидан ҳам келиб чиқади. Бундай ҳолларда кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг узлуксизлиги товар захиралари ҳисобидан таъминланади.

Иккинчидан, товар захираларини зарурияти товарларни ташиш, сақлаш, сотиш ва товарларни истеъмол қилиш каби хусусиятларидан келиб чиқади. Товарларни ташиш, 182 та миқдордаги партияларда (вагон, контейнерларда) амалга оширилса самарали бўлади. Савдо шохобчалари майда партияларда товарларни қабул қилишга интилади. Бундан ташқари товарларни ишлаб чиқариш

ассортиментини савдо ассортиментига келтириш зарурати ҳам мавжуд.

Учинчидан, талаб ва таклифни тасодифий ўзгаришига боғлиқ. Масалан, кўзда тутилмаган истеъмол миқдорини у ёки бу томонга ўзгариши. Товар захиралари айрим даврларда шу тур товарлар танқислик каби ҳолатларни олдини олиш учун ташкил қилинади.

Тўртинчидан, товар захираларини жамғариш элементи сифатида ҳам зарур бўлади. Бу ҳол миллий бойликни ортиб боришини англатиб, ишлаб чиқариш ва айирбошлашда товар захираларини ўсишида ўз аксини топади.

Бешинчидан, товар захиралари фавқулодда ҳолатларни олдини олиш мақсадида жамғарилади. Бунга давлат резервларини киритиш мумкин.

Олтинчидан, баҳо омилини таъсири натижасида вужудга келади. Масалан, кўп миқдорда ишлаб чиқарувчилардан товарларни сотиб олиш, уларни улгуржи баҳоларини пасайтиришга олиб келади. Бу эса улгуржи олиб сотувчилар учун фойдали бўлади ва улар ушбу харуриятдан келиб чиқиб товар захираларини кўпайтиришга интилади.

Ва ниҳоят, товар захиралари субъектив омилларга ҳам боғлиқ. Улар чайқовчилик мақсадларидан келиб чиқади. Арзон баҳода сотиб олиб қиммат сотиш билан боғлиқ. Бу масала олтинчи омилдан мақсади ва мазмуни бўйича фарқланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, товар захираларини вужудга келиши кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнининг хусусиятларидан келиб чиқишини таъкидлаш мумкин. Товар захиралари ҳисоботда, таҳлил ва режалаштиришда бир неча хил белгиларига бўйича тавсифланади.

Товар захираларини ташкил топиши ва ишлатилиши нуқтаи назаридан (сақланиш муддати, ташкил топиши ва йўналтириш мақсадига қараб) тавсифланади. Сақлаш муддатига қараб, қисқа муддатли ва ўзоқ муддатли товар захираларига ажратилади.

Ташкил топиши ва йўналтириш мақсадига биноан товар захиралари жорий, мавсумий ва сотиш муддатидан илгари ташиладиган захиралар ҳамда кафолатли захираларга бўлинади. Жорий захиралар қисқа муддатли захираларни, қолганлари ўзоқ муддатли захиралар гуруҳини ташкил қилади.

Жорий захиралар яқин муддат ичида товарларни жорий сотишини таъминлаш учун ташкил қилинади ва йўналтирилади. Улар ҳар куни ишлатилади ва мунтазам тўлдириб борилади.

Мавсумий захиралар ишлаб чиқарилиши узлуксиз бўлган ва истеъмол қилиниши йил мавсумига боғлиқ бўлган товарлардан ташкил топади. Масалан, ёзги товарлар қиш ва баҳор мавсумларида сақланса, қишки товарлар ёз ва кўз мавсумларида сақланади.

Мавсумий товар захиралари таркибида узоқ муддатга сақланадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам ҳисоботга олинади. Бундай товарлар мавсумий ишлаб чиқариш ҳарактерига эга бўлиб, йил давомида истеъмол қилинади. Булар қаторига картошка, мева ва сабзовотлар киради.

Сотиш муддатидан илгари ташкил қилинадиган товар захиралари табиий шарт шароити бўйича қиш даврида товарларни ташиш имконияти бўлмайдиган ҳудудларга, транспорт қатнаш имконияти бўлган (асосан ёз даврида) вақтида товарларни олдиндан етказиб қўйиш ва қиш даврида сотишни таъминлаш билан боғлиқ бўлган товардан иборат бўлади.

Товар айирбошлаш жараёнида кафолатли товар захиралари алоҳида ўрин тутади. Бундай захиралар товар айланишини таъминлаш учун бошқа турдаги захиралар тугаб қолган даврда, уни узлуксизлигини таъминлаш учун ташкил қилинади. Бундай товарлар ҳам сотилиши муддатидан илгари ташкил қилинади (ташиб қўйилади).

Кафолатли товар захираларини назарий нуқтаи назардан икки хил гуруҳга бўлиш мумкин: биринчидан, товарларни ташиш муддати режага нисбатан бузилса, ташиш секинлашса ёки тўхтаб қолса, келтирилган товарлар партияси буюртмадан кам бўлиб қолган вақтларда товар айланишини узлуксизлигини таъминлаш учун ташкил қилинадиган;

Иккинчидан, талабни жиддий ўзгариши муносабати билан (товар айланишини кўзда тутилмаган миқдорда ўзгариш, аҳоли сонини жиддий ўзгариши кабилар) товарларга бўлган талабни қондириш учун кўзда тутилган захирага.

Кафолатли захира алоҳида ҳисобга олинмайди, у товар захираларини нормалаштириш жараёнида жорий, мавсумий ва сотилиш муддатидан илгари ташкил қилинадиган захиралари таркибида ҳисобга олинади. (Масалан, тегишли товар захиралари суммасига нисбатан фоиз ҳисобида).

Махсус захираларга давлат резервлари киритилади. Ушбу захиралар фавқулодда вужудга келадиган кўзда тутилмаган ҳодиса ва жараёнлар даврида аҳолини зарур товарлар билан таъминлашга мўлжалланади.

Бундай захиралар учун махсус моддий-техник база ва ташкилий тузилмалар ташкил қилинади.

Товар захиралари статистик ва бухгалтерия ҳисобида уларни жойлашиш нуқтаи назаридан турлаб ҳисобга олинади.

Бу аломати бўйича товар захиралари чакана савдода, умумий овқатлашиш шохобчаларида, улгуржи савдода ва йўлдаги товарларга бўлинади.

Товар захиралари таркибий қисмлаш бўйича ҳам тавсифланади. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат товарлари (макротаркиби), алоҳида товар гуруҳлари ва ассортиментлари (микротаркиби) бўйича.

Товар захиралари давр нуқтаи назаридан режа, кутилаётган ва ҳисобот даврига (ҳақиқий), ушбулар ўз йўлида давр бошига ва давр охирига ҳисобга олинади.

Шу билан бир қаторда, товар захираларини минимал ва максимал миқдорлари уларни таҳлил қилишда ва режалаштиришда ишлатилади.



10.1.1-чизма. **Товар захиралари таснифи**

Умуман, товар захиралари статистикада, бухгалтерия ҳисобида бир муддатга ҳисобга олинади, ўрганиш, таҳлил қилиш жараёнида

ўртача кўрсаткичлар ҳам ишлатилади. (10.1.2-чизмада товар захираларини статистик кўрсаткичлари келтирилган)

Ўртача товар захираси икки хил усул билан ҳисобланади. Биринчиси, агар товар захиралари ойларга ёки кварталларга ўртача ҳисобланган ҳолда берилган бўлса йиллик ўртача товар захираси ўртача арифметик усул билан ҳисобланади.



10.1.2-чизма. **Товар захираларининг статистик кўрсаткичлари қуйидагича тавсифланади**

$\bar{X} = \frac{\sum x}{n}$; бу ерда «Х» - ўртача йиллик товар захираси.

Х – ҳар ой (ёки квартал) учун ўртача товар захираси суммаси;

П – ойлар (12 ой) ёки квартал бўлса, 4 га тенг бўлади.

Агар товар захиралар давр бошига ва охирига берилган бўлса, йиллик ўртача товар захираси ўртача хронологик усул билан аниқланади. Ўртача хронологик формуласи қуйидагича ифодаланади:

$$\bar{X} = \frac{\frac{x_1}{2} + x_2 + \ldots + x_{n-1} + \frac{x_n}{2}}{n-1};$$

Товар захираларини шаклан намоён бўлиши ҳар хил бўлиб, биз юқорида келтирганимиздек у қиймат, натурал, кунлар ҳисобида ва товар айланишига нисбатан фоизларда ўлчанади.

Товар айланишини таъминотини товар захиралари товар айланишига нисбатан кунлар ҳисобидаги кўрсаткич орқали баҳоланади.

Товар захиралари кунлар ҳисобидаги кўрсаткич нисбийдир. У мавжуд товар захиралари неча кунлик товар айланишини таъминлаши мумкинлигини кўрсатади. Ушбу кўрсаткич (ТЗ ҳ.к) амалиётда аксарият товар захираларини квартал бошидаги суммасини ($З_1$) тегишли кварталнинг бир кунлик товар айланишига бўлиш орқали аниқланади.

1 кунлик товарлар айланиши = $\frac{ЧТА}{90}$

Худди шунга ўхшаш йилга нисбатан (ТЗ к.й) аниқланадиган бўлса йил бошидаги товар захираси ($З_1$) ушбу йилнинг бир кунлик товар айланишига бўлиш билан аниқланади.

1 кунлик товар айланиши = $\frac{ЧТА}{360}$

яъни:

$$ТЗ_{к.к} = \frac{З_1}{ЧТА:90} = \frac{З_1 \cdot 90}{ЧТА};$$

$$ТЗ_{к.й} = \frac{З_1}{ЧТА:360} = \frac{З_1 \cdot 360}{ЧТА}$$

Ушбу кўрсаткич билан бир қаторда товар захираларининг ҳолатини баҳолашда, таҳлил қилишда, нормаллаштиришда товар захираларини айланиш тезлигини кунлар ва мартаба кўрсаткичлари ишлатилади.

Товар захираларини айланиш тезлиги, бундан кейин бизлар ушбу кўрсаткични «товар айирбошлаш тезлиги», деб ишлатамиз. Биз юқорида айтганимиздек кунлар ҳисобида ва маротабада аниқланади.

Товар айирбошлаш тезлиги кунлар ҳисобида ($ТАТ_к$) ўртача товар захирасини ($\bar{З}$) Ушбу даврнинг бир кунлик товар айланишига (ЧТА:90 ёки ЧТА:360) бўлиш орқали аниланади.

Товар айирбошлаш тезлиги кунлар ҳисобида квартал бўйича аниқланса (ТАТк.к) қуйидаги формула ишлатилади:

$$ТАТ_{к.к} = \frac{\bar{З}}{ЧТА:90} = \frac{\bar{З} \cdot 90}{ЧТА};$$

Йил даврига аниқланса:

$$ТАТ_{к.й} = \frac{\bar{З}}{ЧТА:360} = \frac{\bar{З} \cdot 360}{ЧТА}$$

Ушбу кўрсаткич ўртача товар захиралари неча кунда айирбошланганлигини ёки янгиланганлигини, яъни товарлар келган кундан сотилгунча неча кун ўтганлигини кўрсатади.

Бу кўрсаткични товар захираси миқдори бир сўм товар айланишига қанча тўғри келади деб ҳам баҳолаш мумкин.

Масалан, и-товар гуруҳи бўйича ўртача йиллик товар захираси 5000,0 минг сўм, йиллик товар айланиши 9629,0 минг сўм. Ушбулардан бир кунлик товар айланиши 9629,0:360=26,747 минг сўм.

Товар айирбошлаш тезлиги ($ТАТ_{к.й}$) тенг бўлади =5000,0 : :26,747 =186,9 кун, ёки бир сўм товар айланишига 186,9 тийинлик товар захирасини тўплаш керак бўлган. 186,9 кун ўртача товар захирасини қайта тиклаш учун зарур бўлган даврни англатади.

Товар айирбошлаш тезлиги маротаба ҳисобида ($ТАТ_м$) ҳисобот даврида ўртача товар захираси неча маротаба айланганлигини кўрсатади. Ушбу кўрсаткич икки хил усулда аниқланиши мумкин:

1. Даврдаги кунлар сонини (т=360 ёки 90), товар айирбошлаш тезлигини кунлар ҳисобига бўлиш орқали ($ТАТ_{к.к}$ ёки $ТАТ_{к.й}$) аниқлаймиз:

$$ТАТ_м = \frac{t}{ТАТ_к} = \frac{360}{ТАТ_{к.й}} \quad ёки \quad \frac{90}{ТАТ_{к.к}};$$

2. Ҳисобот давр товар айланишини ўртача товар захираларига бўлиш орқали аниқлаймиз:

$$ТАТ_м = \frac{ЧТА}{\bar{З}}$$

Ушбу кўрсаткич бир томондан товар айланишини таъминлаш учун ўртача товар захираси неча маротаба айланганлигини кўрсатса, иккинчи томондан бир сўм ўртача товар захираларига қанча товар

айланиши тўғри келишини англатади, яъни товар захираси самарадорлигини кўрсатади деб ҳисоблаш мумкин.

Товар захиралари савдо корхоналарида умумий ҳажми ва товар гуруҳлари бўйича ҳар хил миқдорда шаклланади. Чунки унинг миқдорига ҳар хил омиллар таъсир қилади.

Улар объектив ва субъектив омилларга бўлинади.

Объектив омиллар, бу реал мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқади ва инсон фаолиятига боғлиқлиги кам.

Субъектив омиллар, бу тўғридан-тўғри инсон фаолияти билан боғлиқ бўлиб улар қабул қилган бошқарув қарорларини объектив ва реаллигидан келиб чиқади.

Асосий объектив омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Талаб ва таклифни умумий ҳажми асортиментлари бўйича мувофиқлиги.

1. Мавсумий хусусиятлари;
2. Ишлаб чиқаришни ҳудудий жойлашиши;
3. Транспорт алоқалари, йўлларини ҳолати ва ташкиллаштириш;
4. Чакана товар айланиш таркиби – товар ассортиментларини мураккаблик даражаси;
5. Товарларни физик-химик хусусияти;
6. Савдони моддий техник базаси ҳолати;
7. Савдони ташкил қилиш даражаси, технологияси ташкил қилиш шакллари;
8. Товарлар силжишини ахборот таъминоти;
9. Товарларни келтиришни ташкил қилиш ва ташиш тезлиги;
10. Савдо корхонасини товар айланиш ҳажми ва ҳоказолар.

Савдо корхоналари ва шохобчаларининг асосий вазифаларидан бири унинг самарадорлигини оқилона товар захираларини шакллантириш ва уларни бошқариш орқали амалга оширишдан иборатдир.

Товар захираларини шакллантириш ва бошқариш савдо корхоналари ва шохобчалари хўжалик фаолиятини барча қирраларига таъсир қилади. Масалан: товар айланишининг ҳажмига ва таркибига даромад миқдорига, муомала (давр) харажатлари суммасига ва даражасига; фойда ва рентабелликка ва ҳоказоларга.

Шу сабабли товар захираларини ҳолатини ва самарадорлигини мунтазам таҳлил қилиб бориш зарурияти туғилади.

Товар захираларини оптимал бошқаришни асосий мақсади минимал харажатлар билан товар захираларини шакллантириш орқали товар айланиш ҳажмини оширишдан иборат бўлмоғи лозим.

Товар захираларини бошқариш жараёнининг асосий усулларидан бири уларни таҳлил қилишдир.

Товар захираларини таҳлил қилишнинг мақсади, уларни белгиланган талабларга жавоб беришини ва савдо корхонаси ёки шохобчасини хўжалик фаолияти натижасига таъсирини баҳолашдан иборатдир.

Товар захираларини таҳлил қилишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- таҳлил учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш, тизимлаштириш ва солиштирма юзага келтириш;
- товар захиралари суммаси ва нисбий кўрсаткичларини декада, ой, квартал ва йил боши ва охирига умуман ҳамда товар ассортиментлари бўйича таҳлил қилинаётган корхона ёки шохобчада (магазин назарда тутилаяпти) аниқлаш;
- ҳақиқий товар захиралари абсолют ва нисбий кўрсаткичларини белгиланган нормативлар (режалаштирилган кўрсаткичлар) билан солиштириш ва фарқини аниқлаш;
- товар захиралари кўрсаткичларини динамикасини ўрганиш, уни бошқа савдо шохобчалари, корхоналари (рақобатчилар), туман, вилоят, республиканинг кўрсаткичлари билан солиштириш ва баҳо бериш;
- товар захиралари ҳажми, таркиби ва унинг нисбий кўрсаткичларига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш ва баҳолаш;
- аниқланган ва баҳоланган холатни такомиллаштириш бўйича, хулосалар, таклифлар тайёрлаш ва чора-тадбирлар ишлаб чиқариш.

Товар захиралари динамикасини ўрганиш учун қуйидагича жадвал тузиш мумкин.

10.1.1-жадвал

Товар айланиш ва товар захираларининг динамикаси

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	1	2	3	4	5
1.Товар айланиши суммаси.					
2. Ўзгартириш сурати					
2.1. Ўтган йилга нисбатан, %	100,0				
2.2. Базис йилга нисбатан, %	100,0				
3. Товар захираси суммаси					
4. Ўзгариш сурати					
4.1. Ўтган йилга нисбатан, %	100,0				
4.2. Базис йилга нисбатан, %	100,0				

Ушбу жадвални ҳақиқий баҳоларда ва солиштирма баҳоларда таҳлил қилиш тавсия қилинади.

Таҳлил қилишнинг вазифаси ва объектига қараб товар захиралари динамикаси савдо шохобчаси, кархонаси, туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида товар захираларининг умумий ҳажми ва алоҳида товар гуруҳлари бўйича ўрганилади.

Худди шундай туман, вилоят ва республика миқёсида товар захираларини жойланиши бўйича, чакана, улгуржи савдода, умумий овқатланиш шохобчаларида, йўлдаги алоҳида ишлаб чиқаришдаги динамикасини ўрганишни тавсия киламиз.

Товар захиралари алоҳида савдо шохобчаси миқёсида таҳлил қилиш жараёнида, унинг умумий ҳажмини ва товар гуруҳлари бўйича суммасини белгиланган норматив билан солиштириш ва четланишини аниқлаш зарур.

Товар захираларини таҳлил қилишда уларни статистик ҳисоботдаги таркиби, норматив билан солиштирма таркиби юзага келтирилиши зарур, чунки дан ташкил топади.



10.1.4-чизма



10.1.5-чизма

Умумий товар захиралари таркибида ҳисобга олинади.



10.1.6-чизма

Товар захираларинг таҳлил учун қуйидаги жадвални тавсия қиламиз

10.1.2 – жадвал

Товар захираларини савдо шохобчалари бўйича норматив билан солиштирма таҳлили

(суммаси ... сўм)

Магазинлар	Ҳақи қий-захи-ра, жами	Жумла-дан мавсу-мий захира	Йўлда-ги захи-ра	Жорий захира сумма-си	Норма-тив сумма-си	Нормативдан фарқи (+; -)		Режа-даги бир куи-лик товар айла-ниши
						Сум-маси	Кун-лар хисо-бида	
1	2	3	4	5=2-3+4	6	7=5-6	8=7: 9	9
Супермаркет Маркет Универмаг ва ҳоказо №1 №2, №3 ...								

Жадвални 9 хонаси келгуси кварталнинг режасидаги товар айланиши бўйича аниқланади. Ушбу жадвал шаклида товар захираларини ҳар квартал бўйича таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Худди шундай жадвал алоҳида савдо шохобчаси ёки корхонасининг алоҳида товар гуруҳлари (макро – микро таркиби) бўйича чакана ва улгуржи савдода, умумий овқатланиш шохобчаси кабиларда ҳам ишлатилади.

Товар захираларининг таҳлили товар айирбошлаш кўрсаткичларни (кун, маротаба) таҳлил қилиш билан тўлдирилади. Товар

айирбошлашни ўрганиш бирон бир даврга, яъни квартал ва йил даврига амалга оширилади. Бу кўрсаткич аҳолига товарлар сотиш тезлигини ўрганишга имконият яратади.

Бундай таҳлилни ўтказиш учун қуйидаги жадвалдан фойдаланиш тавсия қилинади.

10.1.3 жадвал

Товар айирбошлашнинг кунлар ҳисобида ҳолати

(суммаси ... сўм)

Магазинлар	Ўтган йилга товар айирбошлаш, кун	Ҳисобот йилига ҳақиқий ўртача товар захиралари	Товар айланиши		Товар айтибошлаш		Фарқи (+; -)	
			Йилга	Бир кунлиги	Ҳисобот йилига	Норматив, кунлар ҳисобида	Нормативдан	Ўтган йилдан
1	2	3	4	5=4:360	6 = 3:5	7	8=6–7	9=6– 2

Товар айирбошлашни ўрганишда унинг миқдорига товар айланиш ҳажми ва ўртача товар захиралари миқдорини ҳамда товар айланишининг таркибини ўзгариши қандай таъсир қилганини аниқлаш 193 та амалий аҳамиятга эга. Бундай ҳисоботларни ўтказиш учун 10.1.4 ва 10.1.5 жадваллардан фойдаланишни тавсия қиламиз.

Мавсумий ва сотиш муддатидан олдин етказиладиган товар захираларининг таҳлили ўз хусусиятига эга, чунки улар жорий сотишга мўлжалланмаган. Уларнинг миқдори (нормативи) ҳар квартал охирига келтириш муддати ва кварталда сотилиш ҳажмидан келиб чиқиб сўм ҳисобида аниқланади, таҳлил қилиш усули эса ушбу хусусиятлардан келиб чиқади.

Таҳлил қилишда уларнинг ҳар квартал охиридаги миқдори белгиланган норматив билан солиштирилади, фарқи аниқланади ва уларни нормал ҳолатга келтириш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

10.1.4-жадвал

Товар айирбошлаш тезлигига товар айланиш ҳажми ва ўртача товар захираларини ўзгариш таъсирининг ҳисоб-китоби

Магазинлар	Чакана товар айланиши		Ўртача товар захиралари		Товар айирбошлаш, кунлар		Товар айирбошлаш ҳақиқий товар айланиш ва режадаги захиралар ҳисобида	Фарқи (+; -)		
	Режа	Ҳақиқий	Режа	Ҳақиқий	Норматив	Ҳақиқий		Жами	Жумладан	
									Товар айланиши	Ўртача товар захираси
1	2	3	4	5	6=4·360:2	7=5·360:3	8=4·360:3	9=7-6	10=8-6	11=8-7

10.1.5-жадвал

Товар айланиш таркибини (макро ва микро таркиби) товар айирбошлаш тезлигига таъсирини ҳисоб китоби

Товар гуруҳлари	1 кунлик товар айланиш (...сўм)		Товар айланиш таркиби, %		Ўртача товар захираси, (...сўм)		Товар айирбошлаш, кун		Товар захираси ўтган йилги товар айирбошлаш *ва ҳисобот* йилидаги товар айланиш таркиби ҳисобида	Жами товар айирбошлаш 10 қатор кўрсаткичлари ҳисобида	Фарқи (+; -), кун		
											Жами	Жумладан	
	ўтган йил	ҳисобот йил	ўтган йил	ҳисобот йил	ўтган йил	ҳисобот йил	ўтган йил	ҳисобот йил				Товар айланиш таркиби ҳисоби-дан	Товар айирбошлаш тезлиги ҳисобида
1	2	3	4	5	6	7	8=6:2	9=7 :3	10=5·8	11	12=9-8	13=11-8	14=11-9
1. Озиқ-овқатлар										-	-	-	-
2. Ноозиқ-овқатлар										-	-	-	-
Жами										10 жами 100			

Масалан: мавсумий товар захираларини таҳлил қилишда тўпланган товарлар миқдори норматив билан солиштирилиб, келаётган мавсумга аҳолини талабини қондира оладими ёки йўқлиги аниқланади. Сотиш муддатидан олдин етказиладиган товар захиралари бўйича келаси товар келтирилгунча савдо шохобчаси товарлар билан таъминланганми ёки йўқлиги аниқланади.

10.2. Товарларнинг келиши, уларни таҳлили ва режалаштириш масалалари

Савдо звенолари (чакана, улгуржи) ва умумий овқатланиш шохобчалари хўжалик фаолиятининг натижаси кўп томонлама уларни товарлар билан таъминлашга, яъни товарлар таъминотига боғлиқ.

Товарлар таъминотининг кўрсаткичи сифатида товарларни келиши тушинилади. Товарларнинг келиши абсалют кўрсаткичлар орқали, яъни қиймат (сўм) ҳисобида ва натурал (дона, кг, метр, банка) кўрсаткичларда ҳисоб–китоб, таҳлил қилинади ва режалаштирилади. Уларни умумий ҳажми макротаркиби (озиқ–овқатлар ва ноозиқ–овқатлар) фақат қиймат (сўмда) кўрсаткичида ифодаланади, ассортимент таркиби (товар гуруҳлари) қиймат (сўм) ва натурал кўрсаткичларда ўз ифодасини топади. Шундай қилиб, товарларни келиши деганда қиймат ва натурал кўрсаткичларда ифодаланган чакана ва улгуржи савдо, умумий овқатланиш шохобчаларини товарлар билан таъминлаш, уларни товарлар таъминотини тушунамиз.

Товарлар келиши кўрсаткичи истеъмол товарлари таклифини бир қисмини ифодалайди. Чунки истеъмол товарлари таклифи деганда бизлар сотишга мўлжалланган, бозорга келтирилган, у ерда турган ва келтирилиши мумкин бўлган товарлар массасини тушунамиз.

Шундай қилиб товарларнинг келиши деганда истеъмол товарлари таклифини бозорга келтирилган қисми сифатида қараш мумкин. Яъни унинг қиймати, миқдори ва ассортиментини кўз олдимизга келтиришимиз керак.

Товарлар келиши манбаларини чакана ва улгуржи савдода, умумий овқатланиш шохобчаларида ҳисоб – китоб, таҳлил қилиш, режалаштириш нуқтаи назаридан қаралса юқорида келтирилган

манбалар асос бўлибгина қолмай, ҳақиқатда уларни келтирувчи ёки етказувчи сифатида бошқа манбалар вужудга келади.

Бозор муносабатлари шароитида улгуржи савдо билан шуғулланувчи майда ва кўп сонли ҳар хил турдаги воситачилар вужудга келган. Ана шулар чакана савдо ва умумий овқатланиш шохобчаларини товарлар билан таъминловчи манба сифатида хизмат қилмоқда. Улгуржи савдо корхоналарини ҳам товарлар билан таъминлашда товар таклифи манбалари билан бир қаторда янгидан вужудга келган, 197 та миқдорда товар сотувчи воситачилар вужудга келган.

Умумий овқатланиш шохобчаларини биз юқорида келтирилган воситачилар билан бир қаторда, йирик чакана савдо шохобчалари ва деҳқон бозорлари товарлар билан таъминламоқда.

Айрим чакана савдо шохобчалари учун товарлар келтириш манбаси сифатида деҳқон бозорлари хизмат қилади. Улар асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланмайди.

Амалиётда товар айланиш режасини бажариш, зарурий товар захираларини шакллантиришни таъминлашни асосий омилларидан бири бўлиб, белгиланган вақтида ва миқдорда товарларни етказиш ҳисобланади.

Ўз вақтида келтирилган вазифа бажарилмаса ёки режадан чекланса савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ва шохобчаларини натижавий кўрсаткичларига салбий таъсир қилиш эҳтимолдан йироқ эмас. Шу сабабли товарлар келиши таҳлили долзарб масала ҳисобланади.

Товарлар келишини таҳлил қилиш ҳар куни, ҳафта, декада, ой, квартал ва йил натижалари бўйича мунтазам ўтказилиб, четланишлар аниқланса зарурий чоралар кўриш мақсадга мувофиқдир.

Товарларни келишини таҳлил қилишда қуйидагиларни аниқлаш тавсия қилинади:

- товар юборувчилар томонидан шартномаларни бажарилиши, келтирилган товарларни миқдори, ассортименти, сифати ва келтириш муддатини шартномага, буюртмага мослигини таҳлил қилиш. Бундай таҳлил тезкор характерга эга бўлиши ва ҳар куни, ҳафта, декада ва ой натижалари кейинчалик ҳар квартал ва йил бўйича умумлаштирилиб берилиши зарур;
- товарлар келиши режасини товар гуруҳлари ва умумий ҳажми бўйича бажарилишини (ой, квартал, йил);

- товарлар келишини даврлар бўйича бир хил меъёрда бўлишини ўрганиш;
- товарлар келишини манбалари бўйича баҳолаш, умумий товарлар ҳажмида алоҳида манбалар ҳиссасини аниқлаш, динамикасини баҳолаш;
- импорт товарлари ва республикада ишлаб чиқарилган товарлар ҳиссасини ўзгаришини алоҳида таҳлил қилиш, уни динамикасига баҳо бериш.

Бундай таҳлилда ўхшаш, бир – бирини алмаштириш мумкин бўлган товарларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бундай таҳлил асосан вилоят, республика миқёсида статистик органлар томонидан чуқур таҳлил қилиниши зарурлигини алоҳида такидлаймиз.

Товар келишини таҳлили товар айланиши кўрсаткичларини баланс боғлиқлигини таҳлил қилиш билан ўз ниҳоясига етади.

Чакана товар айланиши кўрсаткичларини режалаштиришни охирги этапи чакана товар айланишини товарлар билан таъминланишини (товарларини келишини) режалаштиришдан иборат. Чунки товар таъминоти чакана товар айланишини моддий асосини ташкил қилади. Чакана товар айланиши режасини бажарилиши (умумий ҳажми ва таркиби бўйича) асосан товарларни келтирилиши ва товар захираларини ҳолатига боғлиқ.

Бозор муносабатлари шароитида чакана савдо, умумий овқатланиш шохобчаларининг сони ва уларни товарлар билан таъминловчиларни сони ва доираси жуда кенгайиб кетди. Ушбу ҳолат чакана товар айланишини товар таъминотини режалаштиришни мураккаблаштириб юборади.

Чакана товар айланишини товарлар билан таъминлаш режаси чакана товар айланиши ҳажми ва ассортименти бўйича режалар, товар захиралари ҳолати ва нормативлари, истеъмол товарлари таклифи режаси каби кўрсаткичларга асосланган ҳолда аниқланиши зарур.

Товарлар таъминоти(товарларни келтириш) режасини ишлаб чиқишда савдо ва умумий овқатланиш шохобчаларини товар таъминотчилари билан тузилган шартнома (кантракт) ларини ҳисобга олиш 198 та аҳамиятга эга. Шу сабабли, товар таъминоти режасининг умумий ҳажми, айниқса унинг ассортименти товарлар манбалари бўйича тузилиши зарур.

Товарларни келтириш режаси натурал ва киймат кўрсаткичларида аниқланади.

Методологик нуқтаи назардан чакана товар айланишини товар таъминоти режаси уни ассортиментлар бўйича олдин натурал кўрсаткичларда ҳисоб китоб қилиш, иккинчи босқичда товар гуруҳлари бўйича прогноз қилинган ўртача баҳолар орқали қийматини аниқлаш ва учинчи босқичда товар таъминотини умумий ҳажми товар гуруҳлари бўйича аниқланган суммаларини жамлаш орқали ниҳоясига етиш зарур.

Товар таъминотининг ассортиментлар бўйича режалаштиришда товарларни табиий ёки бошқа омиллар таъсири остида емирилиши, йўқолиши кабилар ҳам ҳисобга олиниши зарур. Шу билан бир қаторда, савдо шохобчалари орқали овқатланиш корхоналари ва бошқа савдо шохобчалари, маиший хизмат корхоналарига товарларни сотиш ёки қайта ишлаш учун жўнатилиши режалаштирилган бўлса, ушбу кўрсаткичлар ҳам эътиборга олиниши зарур.

Товар келтирилиши режаси аниқ ҳисоб-китобларга асосланган бўлиши керак. Ушбу кўрсаткичларни режалаштиришда техник-иқтисодий ҳисоблаш ва баланс усулларидан фойдаланилади.

Товарлар таъминоти вилоят, Республика миққиёсида прогнозлаштириш ва режалаштиришда иқтисодий математик усуллардан фойдаланиш яхши натижалар бериши мумкин.

10.3. Товар захираларини нормалаштириш ва режалаштириш масалалари

Товар захираларини нормаллаштириш алоҳида савдо шохобчалари учун товар гуруҳлари бўйича амалга оширилади. Амалиётда асосан икки хил усул, яъни тажриба – статистик ва техник – иқтисодий ҳисоблаш усуллари қўлланилади.

Тажриба – статистик усул кўп тарқалган ва ишлатилиши осонроқ усул ҳисобланиб, ушбу усул орқали товар захиралари нормативи уни бор маълумотларни таҳлил қилиш асосида аниқланади.

Техник – иқтисодий ҳисоблаш усули орқали товар захиралари нормативи, уни элементларга ажратиш орқали биринчи усулга нисбатан асосланганроқ ҳисобланади

Товар захиралари нормативи жорий товар захиралари чакана савдо шохобчалари, улгуржи савдо омборлари, умумий овқатланиш

кархоналари ва йўлдаги товарлар учун алоҳида ҳисоб – китоб қилинади.

Жорий товар захираларига савдо шохобчаларида (магазин, киоск, ларёк, уларни ёрдамчи хоналарида), улгуржи база омборларида, умумий овқатланиш кархоналарида (ресторан, ошхона, кафе) сақланаётган жорий захиралар киради. Булар кунлар ҳисобида ва сўмда нормаллаштирилади.

Йўлдаги товарларга чакана ва улгуржи савдо кархоналари тамонидан сотиб олинган, йўлда келаётган ва (товар) етказувчи (паставшик) лар тамонидан жўнатилган лекин тўлов ҳужжатлари ҳам банкка белгиланган муддатда топширилмаган товарлар киритилади.

Бу захиралар алоҳида кунлар ва сўм ҳисобида нормаллаштирилади ва кейин жорий захиралар нормативига қўшилади.

Мавсумий ва олдиндан етказиб бериладиган товар захиралари уларни ташиш ва сотиш режалари асосида сўм ҳисобида алоҳида режалаштирилади. Ушбу захиралар ҳар кварталнинг охирига ҳисоб – китоб қилинади.

Товар захираларини нормаллаштириш қоида ва усулларини кўриб чиқамиз.

Товар захираларини нормативлари киймат ўлчовларда (сўмда) ва нисбий кўрсаткичларда, яъни кунлар ҳисобида аниқланади.

Товар захиралари нормативини аниқлашда биринчи қоида унинг миқдори эҳтимолда тутилган максимал ва минимал миқдори ўртасида бўлиши керак.

Бу қоида қуйидагича ифодаланади

$$З_{мах} > З_{тҳ} > З_{мин}$$

Бунда:

$З_{тмах}$– товар захиралари максимал миқдори;

$З_{тҳ}$– товар захиралари нормативи;

$З_{тмин}$– товар захиралари минимал миқдорди.

Савдо ташкилотлари ва кархоналарида жорий товар захиралари нормалаштирилади.

Жорий товар захиралари нормативлари статистик – тажриба, техник – иқтисодий ва математик усуллар ёрдамида амалга оширилади.

Товар захиралари нормативини аниқлаш товар таклифи ва талабни бозор конъюктурасини товар захиралари нормативлари ва ҳақиқий ҳолатини, товар захираларига таъсир қилувчи омилларни чуқур ва комплекс таҳлил қилингандан келиб чиққан хулосаларга асосланиш зарур. Таҳлил бизнесга ўтган йиллар маълумотларини қамраб олиш зарур.

Бундай таҳлил савдо кархоналари ва шохобчаларини барча нерархик (уровенларида) бўғинларида амалга оширилиши зарур.

Бунда умумий қоида имкон борича кўпроқ омилларни ва динамик қаторларни йиллар қамраб олиши ҳисобланади.

Динамик қаторларни таҳлил қилишда куўпроқ математик усуллардан – регрессион моделлар, корреляцион таҳлил, кўп омилли таҳлиллардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Товар захираларини нормативлаштириш унинг алоҳида таркибий элементларини товар гуруҳлари бўйича ҳисоблаш орқали амалга оширилади.

Нормативлар чакана савдо, улгуржи савдо, умумий овқатланиш кархоналари ва (мавсумий, муддатдан аввал олиб борилган) нормативлар бўйича алоҳида ҳисобланади.

Чакана савдо учун алоҳида кўриб чиқамиз

Чакана савдода жорий товар захиралари нормативи қуйидаги элементлардан ташкил топади.

I. Товар гуруҳлари бўйича нормативлар суммаси.

II. Йўлдаги товарлар нормативи.

Товар гуруҳлари бўйича норматив қуйидагилардан ташкил топади.

1. Товарларни қабул қилиш ва сотишга тайёрлаш даврига захира – КС. Унинг миқдори товар гуруҳлари (ассортименти) ни тавсифига боғлиқ ва 0,5 -1,5 кун миқдорида ҳисобга олиш мумкин.

2. Ишчи захира ($И_з$) у савдо залида доимий сақланадиган, кўрсатишга мўлжалланган товарлардан иборат бўлади.

$$И_з = \frac{А_т \cdot Б}{ЧТА \div 90} = \frac{А_т \cdot Б}{Т_к}$$

$А_т$- ассортимент турлари.

3. Савдони янги товарлар келгунча узлуксиз таъминлаш учун зарур бўлган товарлар (Ч) жорий тўлдириш захираси. Бу захира

товарларни келтириш муддатига товар ассортиментини оддий ёки мураккаблигига боғлиқ.

Товар захиралари бу элементи нормативини кўп қисмини ташкил қилади ва товар келганда (мах), товарлар келиши арафасида (мин) даражада бўлади.

Шунинг учун биз юқорида келтирган $З_{т\,max} > З_{т\,м} > З_{т1\,мин}$ қоидадан фойдаланиб товарларни келтириш муддатини ўртача миқдори (Ч) аниқланади ва нормалаштириш жараёнида унинг ярми ҳисобга олинади Ч½.

Жорий тўлдириш захирасини нормаллаштиришда товарлар келишининг даври ва тезлиги, талабнинг миқдори, буюртма бериш таритби, буюртмани бажариш шарти, товарларни ташишга ва сақлашга кетадиган харажатлар миқдори ҳисобга олинади.

Жорий тўлдириш захирасининг миқдори оптималлаштирилади ва бу кўрсаткич орқали жорий тўлдириш захираси миқдори тўла оптималлаштирилиши мумкин.

Товар ассортиментини умумий сони ва бир маротаба келтиришда неча хил ассортимент келишини ҳисобга олиб товар ассортиментини тўла комплектлаш коэффициенти аниқланади ($К_к$) ва бу кўрсаткич орқали савдо корхонасида неча кундан кейин тўла комплект таъминланиши аниқланади.

Масалан: дўконда матоларни турлари 15 хил.

Бир маротаба келтиришда 4 хил мато келтирилди, уларнинг келтириш муддати 1 ойда бир маротаба, яъни 30 кунда.

$$К_к = \frac{4}{15} = 0,267$$

Ундан келиб чиқиб,

$Ч = \frac{30}{0,267} = 112$ кун, бунинг ярми 112 : 2 = 56 кун.

4.Кафолат учун зарур бўлган товар захиралари. Бу захира товарларни келтириш муддати бузилади, талаб кескин ўзгариши ва бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар юз бериб келганда савдони таъминлаш учун зарур бўлади (К). Юқоридагилардан келиб чиқиб, жами товар захиралари нормативи (Н)баробар бўлади:

Оддий ассортиментдаги товарлар учун

$Н=КС+И_э+Ч½+К$

5.Мураккаб ассортиментли товар гуруҳлари учун

$H = КС + И_З + (Ч:К_К)\ ½ + К$

Ушбу нормативни жорий тўлдириш захирасини (Ч) оптималлаштириш орқали умумий нормативни оптимал миқдорини аниқлаш инглиз математик олимлари Уилсон – Уайтинлар тавсия қилган математик моделдан фойдаланиш мумкин. Бу модел товарларни келтиришга ва сақлашга кетадиган харажатларни минималлаштириш орқали ҳисоб – китоб қилинади. Бунинг учун минимал харажатлар товарларни ташиш оптимал партияси қандай миқдорида таъминланишини аниқлаш орқали амалга оширилади.

$$С^0 = \sqrt{\frac{2KQ}{C}}$$

$С^0$ – оптимал партия миқдори, (кип, қоп, кг, т, дона)

К – товарларни ташишга кетган харажат, ўлчови, сўм бирлигида.

С – сақлаш харажатлари, сўм ўлчов бирлигида.

Қ– чакана товар айланиши ҳажми, натурал кўрсаткичда.

Ушбу формуладан фойдаланган ҳолда товарларни келтиришни оптимал сонини аниқлаш мумкин (П)

$$П = \frac{Q}{S^0} = \sqrt{\frac{CQ}{2K}}$$

Бу кўрсаткич бир йилда 1 кварталда неча маротаба товарлар партияси келтирилишини кўрсатади.

Товарларни келтириш қандай интервалда, ёки неча кундан кейин товарлар партияси келтирилишини (Ч) аниқлаш мумкин

$$Ч = \frac{K_i}{П} = K_i \cdot \sqrt{\frac{2K}{CQ}}$$

$К_и$–давр куни, 360 ёки 90 кун.

Товар гуруҳлари бўйича Н суммасига йўлдаги ва жўнатилган лекин ҳисоб учун ҳужжатлар етиб келмаган товарлар нормативини қўшиш керак.

Уни аниқлаш учун ўтган йил ҳолати олинади ва ўртача хронологик усул билан ўртача сумма аниқланади М: 1 январга – 29,4; 1 апрелга – 26,3; 1 июлга – 28,7; 1 октябрга – 29,9; 1 январ режалаштирилган йилга – 28,8

$$\frac{\frac{29,4}{2} + 26,3 + 28,7 + 29,9 + \frac{28,8}{2}}{5-1} = 28,5 \text{ м.с}$$

Жами товар захиралари билан бир қаторда мавсумий ва олдиндан ташиб қўйиладиган товар захиралари суммаси

нормаллаштирилади. Уларни товарларни ташиш даврини режаси ва чакана товар айланиши ҳажмини ҳисобга олиб аниқлайди. Бунда мавсумий товар захиралари учун уларни турлари ва мавсумий сақланиш муддати ҳисобга олинади.

Олдиндан ташиладиганлар учун эса товарларни ташиш муддати ва сақланиш даври ҳисобга олинади.

Булар фақат абсолют сўмда ҳисобланади.

Масалан: қишки пальто: март – август

Товар захиралари – 1 апрелга 0,9 м. Сўм

I кв. Ташиш режаси 1,5 м. Сўм

II кв. Чакана товар айланиши режаси 0,4 м. Сўм. Ушбу маълумотлардан келиб чиқиб, 1 июлга товар захираларини аниқлаш мумкин:

$$ТЗ_1 - 1.07 = 0,9 + 1,5 - 0,4 = 2,0 \text{ м. С.}$$

Техник-иқтисодий ҳисоблар орқали режалаштирилган йилнинг IV кварталига аниқланган товар захиралар нормативи ва жорий йилнинг IV квартали нормативи асосида режалаштирилган йилнинг I, II, III кварталлари учун товар захиралари нормативи сўм ва кунлар ҳисобида аниқланади.

Бунинг учун режалаштирилган йилнинг IV квартал нормативидан жорий йилнинг IV квартал нормативини айириб ташлаш йўли билан товар захираларини ўзгариш миқдори сўм ҳисобида аниқланади. Асосий мақсад I, II, III кварталларга юқорида аниқланган фарқни тақсимлаш йўли билан ушбу кварталлар учун товар захиралари нормативини аниқлашдан иборат.

Ушбу фарқни тақсимлаш икки хил усул билан амалга оширилади.

Биринчи усул агар кварталлар товар айланиши ҳиссаси кескин фарқ қилмаса ушбу фарқ бир хил миқдорда тақсимланади. Яъни уни тўртга бўлиб, IV квартал жорий йил нормативига қўшилса I квартал режалаштирилган йил нормативи аниқланади. I квартал нормативига фарқни қўшиб II квартал нормативи ва II квартал нормативига яна фарқни қўшиб III квартал нормативи аниқланади.

Ҳар квартал учун аниқланган нормативлар суммасини тегишли кварталнинг 1 кунлик товар айланишига бўлиш орқали товар захираларининг кун ҳисобидаги нормативи ҳисобланади.

Иккинчи усул агар кварталлар товар айланиши ҳиссаси кескин фарқ қилса ишлатилади. Бунда товар захиралари (IV квартал жорий

ва режалаштирилган йиллари) фарқи кварталлараро ҳар бир кварталнинг йиллик товар айланишидаги ҳиссасига нисбатан тақсимланади ва қолган жараён биринчи усул тартиби бўйича амалга оширилади.

Ушбу усулларни ишлатилиш тартибини қуйидаги шартли мисолда кўриб чиқамиз.

Масалан: 1. Жорий йилнинг IV кварталига норматив-1520 минг сўм.

2. Режалаштирилган йилнинг IV кварталига норматив-1620 минг сўм

Нормативлар фарқи = 1620-1520=100 минг сўм

Биринчи усул бўйича нормативларни аниқлаймиз:

1. Нормативлар фарқини ўрта тақсимлаш миқдори=100:4=25 минг сўм

2. Режалаштирилган йилга товар захиралари нормативи:

2.1. I кварталга = 1520+25=1545 минг сўм

2.2. II иквартлга = 1545+25=1570 минг сўм

2.3. III кварталга = 1570+25=1595 минг сўм

2.4. IV кварталга = 1595+25=1620 минг сўм

3. Режалаштирилган йилга чакана товар айланиши:

3.1. I кварталга 1530 минг сўм, бир кунлиги 1530:90=17,0 минг сўм

3.2. II кварталга 1610 минг сўм, бир кунлиги 1610:90=17,9 минг сўм

3.3. III кварталга 1730 минг сўм, бир кунлиги 1730:90=19,2 минг сўм

3.4. IV кварталга 1790 минг сўм, бир кунлиги 1790:90=19,9 минг сўм

4. Кварталлар бўйича товар захиралар нормативи, кунларда:

4.1. I кварталга = 1545:17=91 кун

4.2. II кварталга = 1570:17,9=88 кун

4.3. III кварталга = 1595:19,2=83 кун

4.4. IV кварталга = 1620:19,9=81 кун

Иккинчи усул бўйича, яъни кварталларда товар айланиши товар айланиши ҳиссалари кескин фарқ килган ҳолда. Ушбу усул бўйича товар захиралари нормативини аниқлаш йўлини қуйидаги жадвалдаги маълумотлар орқали келтирамиз:

10.3.1- жадвал

Товар захираларини нормативини кварталлар бўйича ҳисоб-китоби

(суммаси минг сўм)

Кварталлар	Чакана товар айланиши		Умумий ЧТА.да кварталлар ҳиссаси, %	Товар захиралари нормативи		
	Жами	Бир кунлиги		Нормативлар ни ўзгариш миқдори	суммаси	Кунла рда
1	2	3=2:90	4=(2·100)/жа мига	5	6	7=6:3
Жорий йилни IV квартали	1490	16,6	-		1520	91,6
Режалаш-тирилган йил IV квартал	1820	20,2	27,4	(100·27,4)/100 =27,4	1620	80,2
I квартал	1530	17,0	23,0	(100·23)/100= =23,0	1520+23= 1543	90,8
II квартал	1610	17,9	24,5	(100·24,5)/100 =24,5	1543+24,5= 1567,6	87,5
III квартал	1700	18,9	25,5	(100·25,5)/100 =25,5	1567,6+25,5 =1593,1	86,1
Жами	6660	18,5	100,0	1620-1520=100	-	-

Таянч иборалар: *товар захиралари, товар айланиши, товар таъминоти, товарларнинг келиши, норматив, нормалаштириш, режа, режалаштириш, усуллар.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Захира нима ва у қандай турларга бўлинади?
2. Товар захираси тушунчасини ёритинг?
3. Товар захиралари қандай турларга бўлинади?
4. Товар захиралари кўрсаткичларини айтинг ва улар қандай ҳисобланади?
5. Товар захиралари кунлари ҳисобидаги кўрсаткичи нимани англатади?
6. Товар айирбошлаш кўрсаткичлари қандай ҳисобланади ва нимани англатади?
7. Товар захиралари миқдори ва уни кўрсаткичларига қандай омиллар таъсир қилади?
8. Товар захиралари қандай таҳлил қилинади?

9. Товарлар келиши тушунчасини ёритинг?

10. Товарлар таъминоти деганда нимани тушунасиз?

11. Товарлар таъминоти манбаларини айтинг?

12. Товарлар келиши қандай таҳлил қилинади?

13. Товар захираларини нормалаштиришда қандай қоидага риоя қилиш керак?

14. Товар захираларини нормалаштиришда қандай усуллардан фойдаланилади?

15. Жорий товар захираларини нормалаштириш тартибини ёритиб беринг?

16. Жорий товар захираларини нормативини аниқлаш формуласини ёзинг?

17. Жорий товар захираларини кварталлар бўйича режасини аниқлаш усулларини айтинг?

18. Мавсумий ва олдиндан етказиб бериладиган товар захиралари қандай режалаштирилади?

19. Товарлар келишини қандай режалаштиради?

XI боб. УЛГУРЖИ САВДО ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

11.1. Улгуржи савдонинг заруряти моҳияти ва аҳамияти

11.2. Улгуржи савдонинг товар айланиши кўрсаткичлари, уларнинг таснифи ва тавсифи

11.3. Улгуржи савдонинг товар айланиши ва уларнинг таҳлили

11.4. Улгуржи савдонинг товар айланишини режалаштириш

* * *

11.1. Улгуржи савдонинг заруряти моҳияти ва аҳамияти

Товар муомаласи жараёнидан истеъмол товарларининг ишлаб чиқаришдан истеъмол соҳасига ўтиши босқичма-босқич амалга ошади. Дастлаб товарлар улгуржи сотилиш соҳасига келиб тушади. Улар муомаласининг якунловчи босқичи савдонинг чакана бўғинига мансуб бўлади. Шу тарзда, истеъмол товарлари муомаласи жараёни иккита ўзаро боғлиқ, қисмлар - улгуржи ва чакана савдодан ташкил топади.

Улгуржи савдо кенг маънода истеъмол товарлари ва ишлаб чиқариш воситалари ҳаракатининг турли шаклларини, шунингдек, улар ҳаракати жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди. У ишлаб чиқариш воситаларининг бир ишлаб чиқариш корхонасидан бошқасига, товарларнинг ишлаб чиқаришдан муомала соҳасига, шунингдек, товарларнинг бир савдо корхонасидан бошқасига ва ниҳоят қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳамда хомашёларининг қишлоқ хўжалик корхонасидан истеъмолчилар (саноат ва савдо корхоналари)га ҳаракати билан боғлиқ,.

Ушбу муносабатлар муайян давлат ичида амалга ошади. Маълумки, хозирги жахон иқтисодиёти ривожининг ўзига хос хусусияти, мамлакатлар ўртасидаги жаҳон иқтисодий интеграциясининг такомиллашиб бораётганлигидир. Халкаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб бориши билан давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар, хусусан халқаро савдо алоқалари ривожланиб

бормокда. Алоҳида мамлакатлар ўртасидаги борча олди-сотди битимлари улгуржи савдо шаклида амалга оширилади.

Истеъмол товарлари улгуржи савдосининг зарурати шундаки, ишлаб чикарилган буюмлар бевосита шахсий истеъмол соҳасига келиб тушмайди. Чунки, ишлаб чиқариш ва истеъмол замон ва макон нуқтаи назаридан бир-биридан фарқланади. Истеъмол товарлари улгуржи сотилиши натижасида муомала соҳасидаги савдо бўғинлари орқали шахсий истеъмолга ҳаракатини давом эттиради.

Улгуржи савдодан фарқли равишда, истеъмол товарларининг чакана савдоси товарларни бевосита шахсий истеъмол соҳасига ўтказади ва муомаладан чиқаради.

Улгуржи савдо йирик партияларда амалга оширилади. Бунда товарлар охирги истеъмолчиларга сотилмайди. Шунинг учун, улгуржи савдода товарлар бир нечта бўғинлардан ўтиши мумкин, яъни бир неча бор сотилиши мумкин. Чакана савдода эса товарлар охирги истеъмолчиларга бир марта сотилади.

Улгуржи савдонинг хусусиятлари ва функциялари, биринчи навбатда, замон ва макон нуқтаи назаридан ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар оралиғида жойлашганлиги билан аниқланади.

Улгуржи савдонинг хусусиятларига товарларнинг ишлаб чиқариш ассортиментидан савдо ассортиментига айлантириш, шунингдек, савдо битимларининг кенг кўламда ишлатилишини киритиш мумкин.

Улгуржи савдонинг муҳим хусусиятларидан яна бири, унда ягона турдаги товарлар ёки бир типдаги муайян товарлар билангина савдо қилишга ихтисослашади (масалан, китоблар). Айрим улгуржи савдо корхоналари жуда кичик ҳажмдаги битимлар тузиш асосида муваффақиятли хўжалик фаолиятини амалга оширмоқдалар. Бироқ улгуржи савдонинг ушбу хусусияти савдо битимларининг ҳар томонлама ва кенг кўпчилилик хусусиятлари билан солиштирилганда, иккинчи даражали бўлиб қаралади.

Улгуржи савдонинг хусусиятлари улар иштирокчиларини ҳаракатлантирувчи механизмларнинг ўзига хослигида ҳам кўзга ташланади. Амалиётда ҳарид қилишнинг иккита мотиви ва шунга мувофиқ товарларни сотиб олишдан иккита мақсад кўзланади.

Биринчиси - ҳаридор товарларни шахсий истеъмолини қондириш ёки саноат қайта ишлаб чиқариш бўйича манфаатларини қондириш мақсадида сотиб олади. Иккинчи мотив ва мақсад - товарлар қайта сотиш учун ҳарид қилинади. Шундай қилиб,

улгуржи савдо корхоналари товарларни саноат истеъмолини қондириш ёки қайта сотиш учун жалб қилувчи мижозлар билан ишлайди.

Улгуржи савдонинг чакана савдодан фарқлантирувчи асосий хусусиятларидан яна бири, у бажарадиган иқтисодий ва ташкилий – техник функцияларининг кенг кўламлигидир. Улгуржи савдонинг бу функциялари ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида ажратиш билан боғлиқ бўлган, товарларни сақлаш ҳисобланади. Улгуржи корхоналарда омбор хўжалигининг мавжудлиги кичик ишлаб чиқарувчи ва чакана савдо корхоналари учун катта аҳамиятга эга. Улгуржи савдо корхоналарининг товарларни сақлаш функциясини бажариш бир томондан, ишлаб чиқарувчиларга ўз маҳсулотларини йирик партияларда сотиш ва шу билан боғлиқ, ҳолда катта миқдордаги маҳсулотларни сақлаш харажатларини тежаш имконини берса, иккинчи томондан, чакана савдо корхоналарига жуда кам миқдордаги товар захиралари билан ишлаш ва жорий талабни тўлиқ қондириш имконини беради.

Улгуржи савдонинг товарларни ташиш функциясини бажариш ҳам ишлаб чиқарувчи, ҳам истеъмолчи корхоналар учун иқтисодий жиҳатдан қулайлик туғдиради. Бунда ишлаб чиқарувчилар кўп сонли мижозларга товарларни кичик партияларда юклаб жўнатиш заруратидан холос бўладилар.

Ўз навбатида, чакана савдо билан шуғуланувчилар ҳам алоҳида ишлаб чиқарувчиларнинг барчаси билан алохида бўлиб туриш заруратидан кутилади.

Улгуржи савдо ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида ҳисоб-китобни амалга ошириш функциясини ҳам бажаради. Бу асосан кичик бизнес ва чакана савдо билан шуғулланувчилар учун қўл келади. Улгуржи савдо корхоналари товарларни қабул қилиб олар экан, ҳали товарлар сўнгги истеъмолчиларгача сотилмаган бўлсада, тўловни амалга оширади. Яъни, товарлар охирги истеъмолчиларга етиб боргунча бўлган даврда улар авансланади. Бу ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг узлуксизлигини таъминлайди ва улар маблағлари айланувчанлигини тезлаштиради. Улгуржи савдо ўзининг ҳисоб-китоб функцияси орқали чакана савдо корхоналари ҳам товар операциялари бўйича авансланади, яъни (банк ўрнида) уларнинг кредитланиши таъминланади.

Улгуржи савдо корхоналари бозор конъюктурасини ўрганиш, шу билан бирга, ишлаб чиқарувчилар, товарлар ҳаракатини таъминловчи алоҳида бўғинлар ва охирги истеъмолчиларни талаб ва

таклифнинг ҳажми ҳақидаги ахборотлар билан таъминлаш соҳасида ҳам фаол ўрин эгаллайди (ахборот функцияси, реклама билан биргаликда).

Бозор муносабатлари амал қиладиган хорижий мамлакатларда ҳозирги кунда улгуржи савдо билан ишлаб чиқарувчиларнинг улгуржи фирмалари, тижорат улгуржи ташкилотлари, агентлар ва брокерлар шуғулланмоқдалар. Ишлаб чиқарилган товарларни ўзининг улгуржи савдо фирмалари орқали сотиш электроника, автомобилсозлик, машинасозлик каби соҳа корхоналарида кенг тарқалган. Тижорат улгуржи ташкилотлари товарларга эгалик ҳуқуқини қўлга киритади, шунингдек, ҳар хил истеъмол товарлари билан шуғулланади. Агентлар ва брокерлар - булар воситачилар саналиб, улгуржи савдо билан шуғулланувчилар ҳисобланади. Бирок, булар товарларга эгалик ҳуқуқини қўлга киритмайдилар. Агентлар билан брокерларнинг фарқи шундаки, биринчисининг фаолияти доимийлик асосида бўлса, иккинчисиники вақтинчалик (бир марталик) дир.

Республикамизда хозирги кунда халқ истеъмол товарлари улгуржи савдоси билан «ўзбексавдо» концерни ва «ўзбекбирлашув» корпорациясининг улгуржи базалари, айрим Вазирликлар, давлат муассасалари, шунингдек хусусий корхоналар, қўшма корхоналар, хорижий таъминотчилар ва бошқалар шуғулланмоқдалар. Шулар билан бир қаторда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида муомала соҳасида улгуржи савдонинг шакли сифатида биржалар ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Республикада кўчмас мулк савдоси билан шуғулланувчи брокерлар конторалари ва агентлар, шунингдек, акциялар савдоси билан шуғулланувчи брокерлар конторалари фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикасида 1992 йил июлда «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида» қонун қабул қилинди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши республикада бозор иқтисодиётига ўтишнинг янги босқичини белгилаб берди. Ушбу қонунда биржа фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг ҳуқуқий жиҳатлари ўз аксини топган. қонунда биржа тушунчасига аниқлик киритилган бўлиб, унга кўра, *биржа деганда олдиндан белгиланган жойда ва муайян вақтда биржа товарларнинг эркин улгуржи савдосига шароит яратувчи юридик шахс сифатида фаолият тушунилади.*

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда қуйидаги биржалар фаолият юритмоқда:

• республика товарлар ва хомашёлар биржаси, шунингдек уларнинг вилоятлардаги филиаллари;

• республика фонд биржаси ва унинг вилоятлардаги брокерлик конторалари;

• республика кўчмас мулк биржаси ва унинг вилоятлардаги филиаллари;

• республика валюта биржаси.

Матлубот кооперацияси улгуржи савдоси ўзига хос хусусиятларга эга. Бу матлубот кооперацияси хўжалик фаолияти хусусиятларидан келиб чиқади. Бозор муносабатлари шароитида кооператив улгуржи савдосида туб ўзгаришлар юз бермокда.

Кооператив улгуржи савдони матлубот кооперациясининг ажралмас таркибий қисми сифатида ўрганиш зарур. Унинг мақсади ва вазифалари ҳам матлубот кооперациясининг умумий мақсади вазифаларидан келиб чиқиб белгиланади. Шунинг учун унинг барча хўжалик фаолияти матлубот кооперацияси уставида келтирилган бўлиши ва уставдан келиб чиққан ҳолда шакллантирилиши лозим.

Кооператив улгуржи савдосининг бошқа улгуржи савдо корхоналаридан фарқлантирувчи хусусиятларидан бири, матлубот кооперацияси фаолиятининг кўп тармоқли характерга эга эканлиги ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитида матлубот кооперациясига қарашли чакана савдо корхоналарига, умумий овқатланиш ва бошқа соҳа корхоналарига товарларни улгуржи сотиш билан шуғулланиши керак.

Матлубот кооперацияси тизимига қарашли чакана савдо шохобчалари кўп сонли ва тарқоқ жойлашган. Шунингдек, улар кенг ассортиметли истеъмол товарлари савдоси билан шуғулланади. Бу эса кооперацияга хизмат кўрсатувчи универсал улгуржи звеноларнинг мавжуд бўлишини талаб қилади.

Матлубот кооперация улгуржи савдосига қуйиладиган асосий талаб шундан иборатки, улар қишлоқ аҳолиси эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда марказлаштирилган тартибда, узлуксиз равишда кичик партияларда чакана савдо корхоналарини товарлар билан таъминлаш имконига эга бўлиши керак.Матлубот кооперацияси улгуржи савдоси унинг тизими ичида амал қилади. Яъни, у қишлоқ жойларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўз тизимидаги чакана савдо ва бошқа тармоқларни товарлар билан таъминлайди.

Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 21 февралдаги «Ўзбекистан Республикасида мева-сабзавот маҳсулотларини улгуржи ҳарид қилиш ва реализация қилиш тизимини ривожлантириш тўғрисида»ги 98-сонли қарорига мувофик, «Ўзбекбирлашув» таркибида мева-сабзавотлар улгуржи савдоси билан шуғулланувчи «Ўзулгурмевасабзавот» республика акционерлик компанияси ташкил этилди. «Ўзулгурмева-сабзавот» АК нинг асосий вазифаси қуйидагилар ҳисобланади: мева-сабзавотларни ғамлаш, саралаш, қадоқлаш ва уларни қайта ишлаш корхоналарига ҳамда аҳолига улгуржи сотиш, мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни ўрганиш, ушбу маҳсулотлар савдоси бўйича хориж фирмалари билан ташқи савдо алоқаларини амалга ошириш.

«Ўзулгуржисабзавот» АКининг мева-сабзавот маҳсулотларини ғамлаш ва сотиш бўйича асосий бўғини бўлиб, туманларда жойлашган улгуржи тайёрлов-сотиш корхоналари ҳисобланади.

11.2. Улгуржи савдонинг товар айланиши кўрсаткичлари, уларни таснифи ва тавсифи

Улгуржи товар айланиши улгуржи савдо корхоналарининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Унинг ҳажми, таркиби ва товар ҳаракатининг шаклларига боғлик, ҳолда улгуржи савдо корхонаси хўжалик фаолиятининг бошқа кўрсаткичлари аниқланади (харажатлар, даромадлар, фойда ва ҳ.к.). Улгуржи товар айланиши товарларнинг иқтисодий айланмасини якунламайди, балки уларнинг истеъмолчилар томон давомли ҳаракатини акс эттиради. Улгуржи товар айланиш деганда, корхона ва ташкилотлар томонидан муайян вақт оралиғида бошқа корхона ва ташкилотларга кейинчалик қайта сотиши ёки қайта ишлаши учун сотилган товарлар ҳажми тушунилади. Яъни, улгуржи товар айланиши деганда, корхоналарда сотилган барча товарлар ҳажми эмас, балки қайта сотиш ҳажми назарда тутилади.

Улгуржи товар айланиши қуйидаги белгилари бўйича фарқланади:

- товар ресурсларининг белгиланган йўналишлари бўйича;
- ишлаб чиқариш соҳасидан муомала соҳасига товар ҳаракатининг шаклларига қараб;

• етказиб берилган товарлар учун саноат корхоналари, улгуржи ва чакана савдо корхоналари ҳамда бошқа истеъмолчилар ўртасидаги ҳисоб-китоблар характерига кўра.

Товар ресурслари йўналишига қараб улгуржи товар айланиши қуйидагиларга бўлинади: харидорларга товарлар сотиш бўйича улгуржи товар айланиши; вилоятлар ўртасидаги улгуржи товарлар айланиши; турли савдо билан шуғулланувчи тизимлар ўртасидаги улгуржи товар айланиши; тизим ичидаги улгуржи товар айланиши.

Улгуржи товар айланишининг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- улгуржи товар айланишининг умумий ҳажми;
- омбор улгуржи товар айланиши;
- транзит улгуржи товар айланиши; (тўланган транзит ва тўланмаган транзит).
- товар захираси (давр бошига ва охирига);
- товарларни келиши;

Ушбу кўрсаткичлар барчаси товар ассортименти бўйича ҳам ҳисоб китоб ва таҳлил қилинади, режалаштирилади, прогнозлаштирилади.

Товар захиралари тушунчаси, турлари кўрсаткичлари чакана савдодаги билан ўхшаш бўлиб, уларни савдода чакана товар айланиши ўрнига улгуржи омбор товар айланиши, ҳамда майда улгуржи товар айланиши кўрсаткичлари (агарда амалда бўлса) ишлатилади. (Чакана товар айланиши мавзусига қаралсин).

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар бир-бири билан ўзаро боғлиқликда, чунки уларни бир қисми ресурс, яъни таклиф кўрсаткичларини ифода қилади, иккинчи қисми эса талаб миқдорини белгилайди. Шу сабабли уларни ўзаро боғлиқлиги товар айланиш балансида ўз ифодасини топади.

Товар айланиш баланси формуласи қуйидаги шаклда ёзилади:

$$З_1+ТК=УОТА+З_2$$

Бу ерда: $З_1$ давр бошидаги товар захиралари суммаси;

Тк - Товарларни келиши суммаси;

УОТА – улгуржи товар айланиши ҳамда майда улгуржи товар айланиши суммаси;

$З_2$ – давр охиридаги товар захиралари суммаси.

Ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилишда, режалаштириш ва прогнозлашда улгуржи омбор товар айланиши ҳамда товарларни келиши кўрсаткичларини келиш манбалари ва сотиб олувчи

субъектларга қараб ажратиш зарурияти туғилади, чунки улар ўз миқдорига, шаклланиш тенденцияларига эга. Уларни ҳар бир элементини таъсир даражасини таҳлил қилиш учун юқорида бир-бирига келтирилган товар айланиши кўрсаткичлари баланс формуласини қуйидаги шаклда ифодалаш мақсадга мувофиқ бўлади.

$З_1+ТК_1+ТК_2+ТК_3+ТК_4+ТК_5 = ТА_{чс}+ТА_{00}+ТА_{ИЧ}+ТА_{БИ}$
$+ТЖ_{б.д}+ТЖ_{б.в}+ТЖ_{ул.б}+ТЖ_{б.и}+ТЖ_{д.э.ж}+Х_Х+З_2$ жунатиш.

Бу ерда: $ТК_1$- жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналаридан келаётган товарлар;

$ТК_2$- бошқа вилоятлар корхоналаридан келаётган товарлар;

$ТК_3$- бошқа давлатлардан келаётган товарлар;

$ТК_4$- давлат эҳтиёж жамғармасидан келадиган товарлар (асосан айрим озиқ- овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тегишли, (масалан: шакар, ун, гўшт ва ҳ.к.)

$ТК_5$- бошқа улгуржи савдо базаларидан келадиган товарлар;

$ТА_{чс}$ - чакана савдо шохобчаларига товарлар сотиш;

$ТА_{00}$- умумий овқатланиш шохобчаларига товарлар сотиш;

$ТА_{ич}$ - ишлаб чиқариш корхоналарига товарлар сотиш;

$ТА_{бя}$ - бошқа истеъмолчиларга товарлар сотиш, жумладан, майда улгуржи товар айланиши.

$ТЖ_{б.д}$ - бошқа давлатларга товарлар жўнатиш;

$ТЖ_{бв}$ - бошқа вилоятларга товарлар жўнатиш;

$ТЖ_{ул.б}$- бошқа улгуржи базаларга товарлар жўнатиш;

$ТЖ_{б.и}$ - бошқа истеъмолчиларга товарлар жўнатиш;

$ТЖ_{д.э.ж}$ - давлат эҳтиёж жамғармасига товарлар жўнатиш;

$Х_Х$ - хужжатлаштирилган харажатлар ва товарларни табиий емирилиш;

$З_1$ ва $З_2$ тегишли давр бошидаги ва охиридаги товар захиралари.

11.3. Улгуржи савдонинг товар айланиши ва уларнинг таҳлили

Бозор муносабатлари шароитида улгуржи товар айланишини иқтисодий таҳлил қилишнинг мақсади қуйидагилардан келиб чиқади: биринчидан, улгуржи савдо корхоналари ўзининг барча харажатлари, тўловлари ва солиқларни қоплаб, келгусидаги ривожланишини таъминлай оладиган даражада фойдага эришиш лозим; иккинчидан, улар улгуржи базаларга хос бўлган функция

вазифаларни бажаришлари керак. ҳозирги шароитда улгуржи товар айланишини таҳлилининг мақсади фақатгина улгуржи товар айланишининг ўзгариш тенденцияларини тадқиқ қилиш эмас, балки ушбу жараёнларни зарурий даромадга эга бўлиш нуқтаи назаридан ўрганиш, товарларнинг ишлаб чиқаришдан чакана савдо корхоналари ва бошқа истеъмолчиларгача ҳаракатининг ташкил этилишини баҳолаш ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти кескин ортади. Чунки, бундай шароитда улгуржи корхоналар рақобатчилик асосида ишлашига тўғри келади. Бу улардан ўз хўжалик фаолиятини чуқур ўрганиш билан бир қаторда, рақобатчиларнинг ҳам фаолиятини ҳар томонлама ва объектив баҳолашни талаб қилади. Улгуржи савдо корхоналари чакана савдо корхоналари ва бошқа ҳаридорлар учун воситачилик ролини бажаради. Шунинг учун, улгуржи товар айланиши таҳлилининг асосий вазифаси улгуржи корхонанинг чакана савдо тармоғи ва бошқа истеъмолчиларни товарлар билан таъминлашга қаратилган функциялари (олди-сотди) нинг бажарилишини текшириш ҳисобланади.

Улгуржи товар айланишини таҳлилининг яна бир вазифаси, товарлар чакана савдо корхоналарига қай йўсинда (транзит ёки омбор орқали) етказилаётганлиги, улар қанчалик даражада иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан асосланганлиги каби масалаларни аниқлаш ҳисобланади.

Таҳлилнинг кейинги вазифаси ўрганилаётган кўрсаткичларнинг ўзгариш тенденцияларини, улар ўзгаришга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва ҳар бир омил таъсирини баҳолашдан иборат. Бунда ўзгариш даражаларини ёки улгуржи товар айланиш кўрсаткичларини хизмат кўрсатилаётган корхона ва ташкилотларнинг мос кўрсаткичлари билан солиштириш муҳимдир (масалан, чакана товар айланиши, товар захиралари, товарларнинг келиб тушиши ва бошқа кўрсаткичлар билан).

Улгуржи товар айланиши кўрсаткичлари таҳлилининг муҳим вазифаларидан бири, ушбу кўрсаткичлардан ҳар бирининг хўжалик фаолияти охирги натижасига таъсирини аниқлаш ҳисобланади.

Матлубот кооперацияси улгуржи савдоси, юқорида таъкидлаганимиздек, тизим ичидаги таъминот билан шуғулланади. Улар товар айланишининг асосий қисми чакана савдо корхоналарига товарларни сотиш орқали шаклланади.

Бошқа истеъмолчиларга товарлар сотиш улгуржи товар айланиш ҳажмининг нисбатан кам қисмини ташкил қилади. Шу сабабли, улгуржи товар айланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва режалаштириш услубини, асосан чакана савдо тармоғини таъминлаш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ, бўлади.

Улгуржи товар айланишини таҳлил қилиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади.

I. Улгуржи товар айланиш таҳлили жараёнида қуйидагилар ўрганилади:

- база бўйича улгуржи товар айланиш режасининг бажарилиши, шу жумладан, унинг кўринишлари ва сотиш шакллари (транзит ва омбор усулида) бўйича шунингдек, базанинг ҳар бир бўғини (филиал, омбор, товар бўлимлари) бўйича улгуржи товар айланиши режасининг бажарилиши, барча кўрсаткичлар бўйича солиштирма нархларда олдинги йилларга нисбатан ўсиш суръатлари, уларнинг умумий улгуржи товар ҳажмидаги улуши, ҳисобот давридаги товар айланиши таркибидаги ўзгаришлар, шунингдек, барча таъкидланган кўрсаткичлар бўйича улгуржи товар айланишининг ривожланиш тенденциялари. Шулар билан бир вақтда алоҳида товар гуруҳлари бўйича улгуржи товар айланиш ҳолати ва тенденциялари ўрганилади. қайд этилган кўрсаткичларни бошқа ҳудудлардаги ўхшаш типдаги улгуржи корхоналар ва ҳар хил рақобатчиларнинг мос кўрсаткичлари билан солиштирган ҳолда таҳлил қилиш зарур;
- тумандаги чакана савдо корхоналарининг алоҳида товарлар билан таъминлашдаги улгуржи корхонанинг улуши. Буни аниқлаш учун улгуржи корхонанинг алоҳида товарлар бўйича туман чакана савдо корхоналарига қилган товар айланиш ҳажми маскур тумандаги ушбу товарлар чакана товар айланишининг умумий ҳажми билан солиштирилади ва чакана савдони товарлар билан таъминлашдаги ўрнига баҳо берилади.

II. Алоҳида товарлар (ёки товар гуруҳлари) бўйича улгуржи ва чакана товар айланишининг қатор йиллардаги ривожланиш тенденциялари ўрганилади. Бу кўрсаткичлар бошқа рақобатчи улгуржи корхоналарнинг мос кўрсаткичлари билан солиштирган ҳолда ўрганилиши ва тегишли хулосалар қилиниши керак:

- улгуржи ва чакана савдодаги товар захираларининг ҳолати, алоҳида товар гуруҳлари бўйича уларнинг ҳаракати, бозоргир бўлмаган ва касод молларнинг ҳамда меъёридан ортиқча товар

захираларининг вужудга келиш сабаблари, улгуржи товар айланиш кўрсаткичларининг (товар айланиши, товар захиралари, товарларнинг келиб тушиши ва бошқ.) ўртасидаги ўзаро алоқа боғланиши зарур;

- улгуржи товар айланиш режасининг бажарилиши улгуржи корхонанинг молиявий кўрсаткичлари билан солиштирилади, таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланади;
- таҳлил натижаларини умумлаштириш. Бунда улгуржи корхона фаолияти бўйича хулоса ясалади ва уни келгусида яхшилаш бўйича амалий таклифлар, чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Таҳлил улгуржи корхона фаолиятини тўлиқ ва ҳар томонлама тавсифлаши ҳамда келгуси даврларга улгуржи товар айланишини прогнозлаш ва режалаштириш учун асосий манбаи вазифасини ўташи лозим.

Улгуржи товар айланишини таҳлил қилишда амалдаги бухгалтерия ва статистик ҳисоботлардан, товарлар сотиш, келиб тушиши ва товар захиралари ҳақидаги дастлабки маълумотлардан, улгуржи база хизмат кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар материалларидан, бошқа ҳудуддаги ўхшаш улгуржи базалар маълумотларидан ҳамда рақобатчи корхоналар материалларидан фойдаланилади. Бозор конъюнктураси ҳақидаги илмий-тадқиқот муассасалари материаллари, газета, журнал ва бошқа нашрларда чоп этилган маълумотлар муҳим аҳамиятга эга.

Улгуржи товар айланишнинг таҳлили жараёнида айрим кўрсаткичларни ҳисоблаш услуби чакана товар айланишни таҳлил қилиш услуби билан ўхшаш. Бироқ жадвал, чизма ва графикларни қўллашда улгуржи савдонинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши зарур.

11.4. Улгуржи савдонинг товар айланишини режалаштириш

Улгуржи савдо товар айланиш кўрсаткичларини режалаштириш мулкчилик шакли ва бошқарув тизимидан қатъий назар улгуржи савдо корхоналарини ривожлантиришнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Бозор муносабатлари муомала соҳасида товарлар массасини сезиларли даражада кўпайтиришни тақозо қилади.

Товарлар ҳаракатини ташкил этишда, улгуржи савдо ишлаб чиқарувчилар ва минглаб чакана савдо корхоналари ўртасидаги воситачи сифатида муҳим роль ўйнайди.

Бундай шароитда, улгуржи савдонинг самарадорлиги иқтисодий ишларни ташкил этиш, хусусан, улгуржи базалар хўжалик фаолиятини режалаштириш даражасига боғлиқ бўлади.

Улгуржи корхоналар хўжалик фаолиятини, шу жумладан, улгуржи товар айланиш кўрсаткичларини режалаштириш сифати улар хўжалик фаолиятига катта таъсир кўрсатади.

Бозор муносабатлари шароитида улгуржи савдони режалаштиришни ташкил этиш, унинг услублари ва техникасини тубдан ўзгартириш талаб этилади.

Бозор муносабатлари қонун ва қоидалари корхона ва ташкилотлар хўжалик фаолиятига, хусусан улар фаолиятини режалаштиришга давлат бошқарув аппарати аралашмаслигини талаб қилади. Барча хўжалик муаммолари ечимлари ва хўжалик фаолияти кўрсаткичларини режалаштириш бирламчи бўғинлар (корхоналар) ёки улар бирлашмалари ихтиёрида бўлиши керак. Буларнинг барчаси улгуржи корхоналар ва ташкилотларга ҳам тааллуқлидир.

Улгуржи товар айланишини режалаштиришнинг асосий мақсади, улгуржи корхонанинг хўжалик фаолияти рентабеллигини ошириш учун тузилган шартномаларга мувофиқ, корхона ва ташкилотларга тўлиқ ва доимий равишда товарлар етказиб туришни таъминлаш ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш мақсадида, улгуржи товар айланишни режалаштириш жараёнида қуйидаги масалалар ҳал қилинади: товар айланиш кўринишлари, сотиш шакллари ва товарлар гуруҳлари бўйича мукаммал ҳажмини белгилаш; харажатларни минималлаштириш ва юқори даромадга эришиш мақсадида товарлар ҳаракати ҳамда улгуржи корхонанинг таъминотчи ва харидор корхоналари билан бўладиган хўжалик алоқаларини оптималлаштириш, товар айланишини тезлаштириш ва улгуржи савдо корхоналари моддий - техника базаларидан самарали фойдаланишни таъминлаш.

Улгуржи савдо корхоналари режаси корхона хўжалик фаолиятининг барча жиҳатларини такомиллаштириш ва ички имкониятларни максимал даражада фойдаланишга қаратилган бўлиши лозим.

Улгуржи товар айланишини режалаштиришда, товар етказиб берувчилар ва харидорлар (чакана савдо корхоналари, умумий овқатланиш ва саноат корхоналари) билан тузилган битимлар, таклиф кўрсатилаётган корхоналарнинг режа кўрсаткичлари, харидорларга товарлар етказиб беришнинг келишилган схемалари,

улгуржи корхонанинг ўтган йиллардаги хўжалик фаолияти таҳлили маълумотлари, маркетинг тадқиқотлари натижалари, корхона моддий - техника базаси ҳақидаги маълумотлар, кузатиш натижалари ва бошқа маълумотлар асос қилиб олинади.

Улгуржи товар айланиш режаси турли усулларидан фойдаланган ҳолда бир нечта вариантларда тузилиши ва улардан энг оптимал варианти танлаб олиниши зарур.

Социалистик иқтисодиёт шароитларида режалаштиришнинг назарияси ва амалиёти тегишли даражада ишлаб чиқилган ҳамда амалиётда фойдаланилган. Улардан бозор муносабатлари шароитида ҳам муваффақиятли фойдаланиш мумкин. Умуман, шуни таъкидлаш керакки, совет иқтисодий назарияси иқтисодиётни энг қуйи, дастлабки бўғинларидан то умумдавлат даражасигача режалаштириш ва прогнозлашнинг мукаммал усулларини ишлаб чиққан. Хориж компаниялари, корпорациялари, фирмалари ва ҳатто давлат миқёсида ҳам ушбу усуллардан муваффақиятли фойдаланиб келинмоқда. Социалистик жамиятдаги режалаштиришнинг камчилиги унинг усулларида эмас, балки режалаштиришни ташкил этиш қоидаларида бошқарувнинг маъмурий – буйруқбозликка асосланганлигидадир.

Улгуржи корхоналар улгуржи товар айланишининг умумий ҳажми истеъмолчиларга товарлар сотиш ва етказиб беришнинг турли кўринишларидан иборат бўлишини ҳисобга олган ҳолда, уни режалаштириш алоҳида товар гуруҳлари ҳамда сотиш ва етказиб бериш кўринишларига мувоффиқ амалга оширилади, шулар асосида улгуржи товар айланишининг умумий ҳажми белгиланади. Мураккаб ассортиментли товарлар бўйича товар айланишини режалаштиришда, ҳатто кичик гуруҳлар бўйича ҳам режалаштириш амалга оширилади.

Чакана товар айланишни режалаштиришда турли усуллардан жумладан, дедукция усулидан ҳам фойдаланилди.

Дедукция усулига кўра, режалаштириш умумийликдан хусусийликка қараб амалга оширилади, яъни дастлаб чакана товар айланишнинг умумий ҳажми белгиланади ва шунга кўра товарлар таркиби режалаштирилади. Улгуржи товар айланишни режалаштириш услубиёти эса индукция усулидан фойдаланишни тақозо қилади. Индукция усулида режалаштириш хусусийликдан (алоҳидаликдан) умумийликка қоидасига асосан амалга оширилади.

Улгуржи товар айланишни режалаштиришда ҳисоб-китобнинг турли усулларидан фойдаланилади. Масалан, улгуржи товар

айланиш таркиби ва умумий ҳажмини режалаштиришда ҳисоб-китобларни қуйидагича амалга ошириш тавсия қилинади:

- тузилган битимлар асосида чакана савдо корхоналари, умумий овқатланиш корхоналари, саноат корхоналари ва бошқа ҳаридорларнинг талабини ҳисобга олиш;
- талабни ўрганиш (талабнинг миқдори ва унинг структурасини иқтисодий баҳолаш) маркетинг тадқиқотлари натижаларини ҳисобга олиш;
- тажриба - статистик усул, яъни улгуржи корхонанинг оператив, статистик ва бухгалтерия маълумотлари ва четдан олинган иқтисодий ахборотлар асосида;
- баланс усулида.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар ўз хўжалик фаолиятини режалаштиришда тўла мустақилликка эга бўладилар. Бундай шароитда, улгуржи товар айланишни режалаштиришда кўплаб режалаштириш воситалари ва усулларидан фойдаланиш лозим.

Бозор муносабатлари шароитида улгуржи савдо корхоналари иқтисодий ишларининг муҳим вазифаларидан бири, иқтисодий-математик усуллардан кенг фойдаланиш ва замонавий компьютер технологияларини қўллаш асосида улгуржи товар айланиш кўрсаткичларини режалаштиришнинг илмийлик даражасини ошириш ҳисобланади.

Улгуржи товар айланишни ҳисоблаш услубиёти.

Улгуржи корхоналар чакана савдо тармоғи товар-айланиш режасининг бажарилиши ва товар захираларини тўлдириб туриш учун товарларга бўлган эҳтиёжини қондиради. Шунинг учун, дастлаб, хизмат кўрсатилаётган чакана савдо корхоналарининг алоҳида товар гуруҳлари бўйича товарларга бўлган истеъмолининг миқдори ҳисобланади. Буни қуйидаги формула ёрдамида амалга ошириш мумкин:

$$И_{чи} = Т_{чи} \pm \Delta З_{чи}$$

Бу ерда: $И_{чи}$ - режалаштираётган давр учун чакана савдонинг товар гуруҳлари бўйича истеъмоли;

$Т_{чи}$ - режалаштираётган давр учун товар гуруҳлари бўйича чакана товар айланиши;

$\Delta З_{чи}$ - режалаштираётган давр учун чакана савдода товар гуруҳлари бўйича товар захираларининг кўпайиши ёки камайиши.

Барча савдо корхона ва ташкилотларининг товар гуруҳлари бўйича истеъмол ҳажми қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\sum_{i=1}^{i=n} И_{ui} = И^{1}{}_{ui} + И^{2}{}_{ui} + И^{3}{}_{ui} + \ldots + И^{n-1}{}_{ui} + И^{n}{}_{ui}$$

Шуни ҳисобга олиш керакки, чакана савдо корхоналарига товарлар битта улгуржи корхонадан эмас, балки турли манбалардан (улгуржи корхоналар, бошқа ишлаб чиқариш корхоналари ва таъминотчилардан) етказилади. Бу эса чакана корхонага товарлар келиб тушишининг бошқа манбаларининг миқдори ва таркибини ҳамда унинг товар таъминотидаги бўлган ўзгаришни алоҳида ҳисобга олишни (хизмат кўрсатилаётган чакана корхонанинг бошқа таъминотчилар билан тузган битимлари ҳақидаги маълумотларни ўрганиш асосида) талаб қилади. Юқорида айтилганларни ҳисобга олганда, товар гуруҳлари бўйича улгуржи товар айланишни режалаштириш қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$У_{mi} = \sum_{i=1}^{i=n} И_{чi} - \sum_{i=1}^{i=n} БИ_{чi}$$

бу ерда $\sum_{i=1}^{i=n} БИ_{чi}$ қуйидагича ҳисобланади:

$$\sum_{i=1}^{i=n} БИ_{чi} = БИ^{1}{}_{чi} + БИ^{2}{}_{чi} + БИ^{3}{}_{чi} + \ldots + БИ^{n-1}{}_{чi} + БИ^{n}{}_{чi}$$

Буерда: $У_{мн}$ - режалаштирилаётган йил учун и товар гуруҳи бўйича улгуржи товар айланиш суммаси;

$БИ_{чи}$ - хизмат кўрсатилаётган чакана савдо корхонасига бошқа манбалардан товар гуруҳларининг келиб тушиши.

Шундай қилиб, товар гуруҳлари (ёки кичик гуруҳлар) бўйича улгуржи товар айланиш режаси чакана товар айланишнинг лойиҳалаштирилган ҳажми ва таркиби, чакана савдо корхонасидаги товар захиралари ҳамда товарларнинг келиб тушиши ҳақидаги маълумотлар асосида тузилади.

Улгуржи товар айланиш режаси барча ҳаридорлар ва товар гуруҳлари бўйича алоҳида - алоҳида тузилади. Сўнгра, уларни умумлаштириш асосида умумий улгуржи товар айланиши ҳажми аниқланади:

$$У = \sum_{i=1}^{i=m} У_{ni} = У^{1}_{mi} + У^{2}_{ni} + \ldots + У^{m-1}_{m} + У^{m}_{mi}$$

Бир қарашдан ҳисоблаш усуллари жуда оддийдек туюлади. Бироқ ҳисоб - китобларни амалга оширгунгача бозор конъюнктураси, алоҳида рақообатчилар фаолияти ва товар ҳаракати жараёнига таъсир қилувчи турли ижтимоий - иқтисодий шароитларни ўрганиш каби кўп меҳнат ва билим талаб қилади.

Сотиш шакллари бўйича улгуржи товар айланишни режалаштириш.

Сотиш шакллари бўйича улгуржи товар айланишни режалаштириш мураккаб жараён ҳисобланади. Бунинг учун улгуржи корхоналар нафақат фаолият кўрсатилаётган ҳудуднинг ижтимоий - иқтисодий кўрсаткичларини, балки бозор коньюктурасини ишлаб чиқариш, транспорт, ташкилий ва бошқа омилларни ҳар томонлама таҳлил қилиб чиқишлари ҳам лозим.

Режалаштириш товар ҳаракати ва товар таъминотини ташкил этиш жараёни билан бевосита алоқадордир.

Товар ҳаракати деганда, товарларнинг ишлаб чиқариш соҳасидан истеъмол соҳасига ўтиш жараёни тушунилади. Чакана савдо тармоғини товарлар билан таъминлаш деганда, товарларни чакана савдо тармоғигача етказиб бериш жараёнини тушуниш лозим. Бу жараён мураккаб тижорат ва ташкилий-техник операциялар комплексини қамраб олади.

Товар ҳаракати ва товар таъминоти жараёнига турли омиллар таъсир кўрсатади. Бу омилларни биринчидан, савдо-ташкилий (савдо тармоқларининг сони, таркиби ва жойлашуви, товар айланиш ҳажми, савдо майдони, улгуржи корхоналарнинг жойланиши, омбор хўжалигининг ҳолати, савдо-оператив ва технологик жараёнларни ташкил этиш даражаси, товарларни сақлаш шароитлари) иккинчидан, ишлаб чиқариш (ишлаб чиқаришнинг ривожланганлик даражаси, жойланиши, ихтисослашуви ва мавсумийлиги, ишлаб чиқариш ассортиментининг мураккаблик даражаси, савдо ассортиментини шакллантириш меъёрлари) ва транспорт (йўлларининг ҳолати, транспорт алоқаларининг мавжудлиги, транспорт воситаларининг шакллари ва тезлиги транспорт тарифлари ва бошқ.) омилларига ажратиш мумкин.

Алоҳида улгуржи корхоналарда омбор ва транзит товар айланиши ўртасидаги нисбат, таъкидланган омиллар таъсири билан боғлиқ равишда, турлича бўлади. Улар ўртасидаги нисбат доимий бўлмай, вақт ўтиши билан ўзгариб туриши мумкин.

Бозор муносабатлари шароитида чакана савдони товарлар билан таъминлашнинг мақбул шаклларини танлашга таъсир қилувчи асосий омилларга ялпи даромад ва муомала (давр) харажатлари, хусусан унинг «Транспорт харажатлари», «Сақлаш, навларга ажратиш ва қадоқлаш харажатлари» каби моддалари, шунингдек, банк кредитларидан фойдаланиш харажатлари киради. Шунинг учун, режалаштиришда улгуржи товар айланишининг умумий ҳажмида транзит ёки омбор айланиши—улушининг ўзгариши улгуржи ва чакана савдо корхоналари фаолиятининг охирги натижаларига кўрсатаётган таъсиридан келиб чиқиш лозим. Омбор ва транзит товар айланиш ҳажми ҳар бир улгуржи корхонанинг барча хўжалик фаолияти кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилган ҳолда белгиланиши лозим.

Шуни назарда тутиш керакки, транзит шаклда товарлар етказиб бериш юкларни ортиб жўнатишнинг энг кам меъёрлари ватоварлар етказиб беришнинг мукаммал частотасини таъминлаш мумкин. Бунда, қайси товарлар бўйича транзит шаклда товарлар етказишни кенгайтириш мумкин ва қайси товарлар бўйича бу усул самара бермаслигини аниқлаб олиш зарур.

Товар захираларини режалаштириш ва меъёрлаш ҳамда товарлар келиб тушишини аниқлаш услуби чакана товар айланиш кўрсаткичларини режалаштириш ва нормалаштириш услуби билан ўхшаш.

Улгуржи савдо кўрсаткичларини режалаштиришда улгуржи корхоналар кўрсатадиган, бозор стратегияси масалалари ва товарлар рекламасини ташкил этиш йўналишлари бўйича маслаҳатлар бериш каби тижорат хизматлари тизими ўрганиб чиқилиши лозим.

Таянч иборалар: *Товар муомаласи, савдо, улгуржи савдо, биржа, брокер, агентлар, улгуржи товар айланиши, улгуржи омбор товар айланиши, трнзит улгуржи товар айланиши, товар захираси, товарлар келиши.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Улгуржи савдони тушунчасини ва заруриятларини тушунтиринг?
2. Улгуржи савдони аҳамиятини ёритинг.

3. Улгуржи савдо қандай функциялар бажаради?

4. Биржа тушунчасини айтинг.

5. Биржа турларини ёритинг.

6. Биржада қандай товарлар сотилади?

7. Биржада қандай тамоиллар амал қилиши зарур?

8. Улгуржи товар айланиши кўрсаткичларини баланс боғлиқлиги формуласини ёзинг.

9. Улгуржи товар айланиши кўрсаткичлари қандай таҳлил қилинади?

10. Улгуржи товар айланиш ҳажмини қандай режалаштиради?

11. Улгуржи савдода товарлар келиши қандай режалаштирилади?

XII боб. САВДО КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ, УНИНГ ТАРКИБИ, САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

12.1. Иқтисодий салоҳият тушунчаси ва унинг назарий масалалари

12.2. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлиги, унинг мазмуни, умумий ҳажми ва баҳолаш йўллари

12.3.Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти ва унинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларнинг таснифи ва аниқланиш йўллари

* * *

12.1. Иқтисодий салоҳият тушунчаси ва унинг назарий масалалари

Иқтисодий салоҳият тушунчаси ва унинг назарий масалаларини ёритишдан мақсад савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятининг ижтимоий-иқтисодий мазмунини, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини, ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали иқтисодий салоҳият самарадорликни ошириш йўлларини ишлаб чиқишдан ва самарадорликни ошириш имкониятларини очиб беришдан иборатдир.

Ушбу масадга эришиш учун бир қанча вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Булар қуйидагиларда ўз аксини топганлар.

- савдо корхоналари иқтисодий салоҳиятининг ижтимоий-иқтисодий мазмнини очиб бериш ва уларнинг таърифини ишлаб чиқиш;
- савдо корхоналари иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш, уларни таснифлаш ва аниқланиш йўлларини кўрсатиб бериш;
- савдо корхоналари иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш орқали уларнинг самарадорликни ошириш йўлларини ишлаб чиқиш;

- савдо корхоналари иқтисодий салоҳиятини самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш орқали савдо корхоналари активиятини яхшилаш имкониятларини очиб бериш.

Юқорида таъкидланганидек, мазкур масалани ёритишда унинг предмети сифатида савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти, унинг таркиби, улардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий жараёнлар, самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари олинган. Уни етарли даражада ёритиш учун унинг объекти сифатида иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида фаоллик кўрсатётган турли мулк шаклидаги савдо корхоналари ҳисобланади. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятига оид айрим назарий хулосаларни исботлаш учун савдо билан шуғулланадиган савдо корхоналари маълумотларидан фойдаланилади.

Салоҳият тушунчаси кенг қамровли тушунча бўлиб, уни ҳаётимизнинг барча соҳаларига қўллаш мумкин. Ушбу сўзнинг маъносига аниқлик киритиш учун унинг луғавий маъносига аҳамиятни қаратамиз. Беш жилдлик "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да салоҳият сўзи араб тилидан олинган бўлиб "яроқлилик, ваколат, ҳукмдорлик, тўлиқ ҳокимият"[43] маъноларини англатиши кўрсатилган. Ушбу сўзни инсон қобилияти нуқтаи назаридан "Қобилият, иқтидор"[44], деб кўрсатган. Агар ушбу сўзга иқтисодиёт нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, салоҳият деганда бирорта соҳа, савдо корхонаси, бошқа хўжалик юритувчи субъект ёки инсоннинг бирор нарсани амалга ошириш борасидаги мавжуд имкониятлари, қобилияти ва уларда қўлланиладиган воситалари мажмуи тушунилади. Кўриниб турибдики, барча ҳаракатдаги нарсаларнинг, инсонлар, соҳа, савдо корхонаси, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳатто ҳайвонларнинг ҳам бирорта ишни бажаришда ўзининг имкониятлари, салоҳияти мавжуд экан. Ҳозирги пайтда ушбу салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида турли техника ва технологиялардан, бошқа ашёвий неъматлардан ҳам фойдаланилади. Агар иқтисодиёт соҳасини оладиган бўлсак, иқтисодиёт субъектларининг иқтисодий салоҳиятини тушунмоқ лозим бўлади.

Иқтисодий салоҳият умумий салоҳиятнинг бир йўналиши бўлиб, бу бевосита иқтисодиётга оид салоҳиятни белгилайди. Иқтисодий

---

[43] "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.Ш. Н-тартибли. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ДИН, 2006. – 432 бет.

[44] Ўша жойда. – 432 бет.

салоҳият ҳам жуда кўп гуруҳларга бўлиниши мумкин. Масалан, мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, ҳудуднинг (вилоят, туман, иқтисодий районлар) иқтисодий салоҳияти, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий салоҳияти кабилар.

Кўриниб турибдики, иқтисодий салоҳиятнинг ҳам турлари ва йўналишлари жуда кўп экан. Мазкур ишда барча иқтисодий салоҳиятлардан бири бўлган савдо корхоналарининг иқтисодий салоҳияти тўғрисида гап юритилади, чунки савдо корхоналарининг иқтисодий салоҳияти том маънада, тўлиқ яхлит бир иқтисодий категория сифатида бутун иқтисодиётнинг ҳаракатга келтирувчи кучи ҳисобланади. Аммо ушбу тушунча иқтисодий адабиётларда кам ўрганилган, унинг назарий ва методологик жиҳатлари тўлиқ очиб берилмаган. Ушбу ҳолат бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида ушбу категорияни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишни объектив заруратга айлантирди. Чунки, бугунги ҳаёт, шаклланган тадбиркорлик ва рақобат муҳити мулкдорга ўз мулкининг бир қисмидангина эмас, балки ҳаммасидан тўлиқ самарали фойдаланиш лозимлигини тақозо қилмоқда.

Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти унинг иқтисодий-ижтимоий активиятини тўлиқ таъминлашга хизмат қиладиган, иқтисодий жараёнларни амалга оширишни таъминлайдиган меҳнат ва моддий ресурслардан иборат бўлади. Бунга савдо корхонаси нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, унга асосий воситалар, айланма маблағлар, номоддий активлар ва меҳнат ресрсларини киритиш мумкин. Ушбу тушунчалар иқтисодий адабиётларда алоҳида-алоҳида жуда кўп ўрганилган. Аммо яхлит ҳолда иқтисодий салоҳият сифатида жамланган тарзда кам ўрганиган. Шу туфайли, ушбу ишда иқтисодий салоҳият тушунчасининг назарий жиҳатлари билан бирга, ундан самарали фойдаланиш йўлларига, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш усулларига тўлиқ тўхталишни мақсадга мвофиқ деб топдик.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, диверсификациялаш, жамиятни модернизациялаш, иқтисодиётга инновацияларни изчиллик билан жорий қилиш, бозор муносабатларини босқичма-босқич чуқурлаштириб бориш, ислоҳотларни янада такомиллаштириш жараёнида ўтаётган ҳар бир кун жамиятимизнинг мазмун жиҳатидан янгиланаётганлигидан далолат бериб келмоқда. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида янги иқтисодий категориялар, тушунчалар ҳаётимизга шу даражада тезлик билан кириб келмоқдаки, уларни идрок қилиш, назарий ва амалий жиҳатдан

тадқиқ қилиш, методологик муаммоларини ҳал қилишга улгуриш қийин бўлмоқда. Бундай янги иқтисодий тушунчалардан бири савдо корхонасининг иқтисодий салоҳияти тушунчасидир.

Ўзбекистонда ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида чоп этилаётган иқтисодий адабиётларда савдо корхонасининг тасарруфидаги активлари, меҳнат ва молиявий ресурсларини ўрганиш билан чекланиб қолинмоқда. Бу бизнинг фикримизча, савдо корхонасининг иқтисодий активиятини тўлиқ ўрганиш учун назарий ва методологик жиҳатдан етарли эмас. Чунки, савдо корхонасининг иқтисодий активияти бевосита унда содир бўладиган иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ.

Иқтисодий жараёнларнинг содир бўлишида фақат савдо корхонасининг активлари эмас, балки бошқа элементлари ҳам иштирок этади. Масалан, ишлаб-чиқариш жараёнини олайлик. Унинг содир бўлиши учун, албатта, модий-техник таъминоти, яъни ускуналар, жиҳозлар, бино, хомашё кабилар зарур. Аммо ҳар қандай илғор техника, юқори сифатли хомашё ўз-ўзидан иқтисодий жараённи содир қилиб, моддий неъмат ишлаб чиқармайди. Унга, албатта, одамнинг аралашуви, яъни жонли меҳнатнинг муштараклиги ва иштироки зарур. Агар жонли меҳнат иштирок этмаса ҳар қандай илғор техника ҳам «ўлик», ҳаракатсиз ускуна бўлиб қолаверади.

Бундан кўриниб турибдики, иқтисодий жараёнларни содир этиш учун моддий бойликлар билан биргаликда жонли меҳнатнинг ҳам иштирокини таъминлаш лозим бўлади. Шундагина ишлаб чиқариш жараёни содир бўлиб янги маҳсулот яратилишига эришиш мумкин. Шу маҳсулотнинг сотилиши эса савдо корхонасининг барча харажатларини қоплаб фойда олишини таъминлайди. Шундагина ишлаб чиқаришнинг провард мақсади – аҳолининг фаровонлиги амалга ошади, савдо корхоналарининг аҳволи кундан-кунга яхшиланиб боради.

Демак, бундан кўриниб турибдики, савдо корхонасининг иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилганда савдо корхонаси тасарруфидаги унинг фақатгина активлари билан чегараланиб қолиш, унинг иқтисодий активияти тўғрисида тўлиқ хулоса қилиш учун етарли бўлмайди. Бу эса, ўз навбатида, савдо корхонасининг иқтисодий аҳволига тўлиқ ва батафсил баҳо бериш учун унинг активлари билан биргаликда меҳнат ресурсларини ҳам қўшган ҳолда тизимли ёндашиб комплекс ўрганишни тақозо қилади.

Режали иқтисодиёт шароитида иқтисодиётга оид адабиётларда савдо корхонасининг моддий бойлигини (ресурсларини) ва меҳнат ресурсларини барча ресурслар мажмуаси сифатида қаралиши кўзда тутилган эди. Уларнинг таҳлили барча бойликлар (ресурслар) таҳлили деб юритилар эди. Аммо иқтисодиётни эркинлаштириш тамойилига асосланган бозор муносабатлари ҳукм сураётган шароитда иқтисодий жараёнлар таркибида моддий ва меҳнат ресурслари билан биргаликда номоддий активлар ҳам иштирок этади. Буларнинг таркибига муаллифлик ҳуқуқи, потентлар, "Ноу-хау", савдо маркаси, рухсатномалар (лицензиялар) каби тушунчалар қиймати киради. Булар моддий бўлмасада савдо корхонасига худди моддий бойликлар сингари маълум даражада фойда келтиради. Савдо корхонасининг нуфузи ва ишончлилигини белгилайди. Аммо уларни савдо корхонасининг моддий бойлигига (ресурсига) киритиш мумкин эмас, чунки улар шакли, мазмуни ва моҳияти жиҳатидан номоддийдир.

Бозор муносабатлари шароитида савдо корхонасида иқтисодий жараёнларнинг содир бўлиши ва унга маълум даражада фойда келтириши учун моддий (асосий воситалар, айланма маблағлар) ва меҳнат ресурслари билан биргаликда номоддий активлар ҳам иштирок этади. Уларнинг жамланмасини олдингидек моддий ва меҳнат ресурслари деб атаб бўлмайди. Агар шундай қилинса уларнинг таркибига номоддий активлар кирмай қолади. Шу туфайли, уларни савдо корхонасининг иқтисодий салоҳияти деб аташни мақсадга мувофиқ. Чунки бунда моддий ресурслар билан биргаликда номоддий активлар ва меҳнат ресурслари тўлиқ ўз ифодасини топади. Буларнинг таркибий тузилишини қуйидаги чизмада кўриш мумкин (12.1-расм).



12.1-расм. **Савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятининг тузилиш таркиби**

Шундай қилиб, *савдо корхонасининг иқтисодий салоҳияти деганда унда содир бўладиган молиявий-хўжалик активиятини (иқтисодий жараённи) тўлиқ таъминлашда бевосита иштирок этадиган барча моддий ва меҳнат ресурслари (бойликлари) ҳамда номоддий активлар мажмуи тушунилади.*

Иқтисодиёт фани аниқ ва амалий фан бўлганлиги туфайли ундаги қўлланадиган барча тушунчалар ва кўрсаткичларнинг номи, мазмуни ва қиймати мавҳум бўлмасдан аниқ, ҳисобланадиган, маълум бир соҳани ўзида ифода этадиган бўлиши лозим. Ушбу назарий мулоҳаза бевосита савдо корхонасининг иқтисодий салоҳиятига ҳам тегишли. Шу туфайли уни баҳолашнинг баъзи назарий ва методологик жиҳатларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Зеро, савдо корхонасининг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, унда иқтисодий ўсишни таъминлаш учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

12.2. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлиги, унинг мазмуни, умумий ҳажми ва баҳолаш йўллари

Савдо корхонасининг иқтисодий салоҳияти билан боғлиқ масалалар таркибида унинг самарадорлиги билан боғлиқ тушунчалар муҳим ўрин тутади. Чунки савдо корхонасининг самарадорлиги бевосита унинг иқтисодий салоҳиятига боғлиқ ва мос равишда, иқтисодий салоҳият самарадорлигини ошириш савдо корхонаси самарадорлигининг ошишига ҳам олиб келади. Шу туфайли савдо корхоналари иқтисодий самарадорлиги, унинг мазмуни, таркиби ва уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини кетма-кет ёритишни тақозо қилади.

Мазкур масалани ёритишнинг нафақат назарий аҳамияти, балки муҳим амалий аҳамияти ҳам катта.Ушбу масаланинг назарий аҳамияти савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти тушунчасининг энги тарифи ишлаб чиқилганлиги, унинг самарадорлигини оширишнинг концептуал йўналишларининг ишлаб чиқилганлиги ва ўқувчига тушунарли тазда кўрсатиб берилганлиги билан белгиланади. Ушбу ишнинг амалий аҳамияти савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини яҳлит ҳолда ўрганиб, уларни оширишга таъсир этувчи омиллар ва ушбу омилларни ҳисоблаш йўллари ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Ҳозирги шароитида ҳар бир жараёндан ёки салоҳиятдан, шу жумладан савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятидан ҳам самарали фойдаланиш ҳаёт тақозоси. Бунга эришиш учун унинг назарий ва услубий асосларини, амалий тадбиғи масалаларини ҳал қилиш лозим. Шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, биринчи навбатда савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлигининг таърифини бериш лозимдир. Бизнинг фикримизча, савдо корхонасининг иқтисодий салоҳиятига қуйидагича таъриф бериш мумкин. *Савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлиги деганда унинг натижавийлиги, яъни маълум бир даврда кўпроқ маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш, даромад ва фойда келтириш тушинилади.* Бу савдо корхонасининг иқтисодий салоҳиятига берилган умумий таърифдир. Иқтисодиётга оид фанларда уларни баҳолашнинг аниқ йўлларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодиётда ҳар қандай категория, шу жумладан, биз тадқиқ қилаётган категория, яъни савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти ҳам маълум ўлчамга эга бўлиши лозим. Худди шундай савдо корхонасининг иқтисодий салоҳиятини (Кис) баҳолашда, энг авволо, иқтисодиёт фанининг мақсади ва вазифасидан келиб чиқиб, уни қиймати ва харажати нуқтаи назаридан аниқлаш лозим, деб ўйлаймиз. Ушбу кўрсаткичнинг тўлиқ қийматини баҳолашда асосан бухгалтерия баланси маълумотларидан фойдаланилади. Бу учун бухгалтерия балансидаги асосий восита (Ав), айланма маблағлар, яъни жорий активлар (Айм) ва номоддий активларнинг (На) умумий суммаларини ҳамда ҳисоб-китоб орқали аниқланган ишчи ва хизматчиларнинг пулда ифодаланган қийматини (Хк) биргаликда олиш мумкин бўлади.

Шундай қилиб, савдо корхонасининг иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилишда хўжалик активиятида содир бўладиган иқтисодий жараёнида иштирок этадиган барча моддий ресурслар (асосий ва айланма маблағлар), номоддий активлар ва меҳнат ресурслари биргаликда муштарак этишини инобатга олган ҳолда ўрганилади. Моддий ресурслар ва номоддий активлар тўғрисидаги маълумотлар бухгалтерия балансида ифодаланади, аммо меҳнат ресурслари эса мазкур ҳисоботлар таркибида кўрсатилмайди.

Бухгалтерия балансида, айниқса, савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятини баҳолашда моддий ресурслар ва номоддий активлар билан биргаликда меҳнат ресурслари қийматини ҳам инобатга олиш

лозим, деб таъкидладик. Аммо бу кўрсаткич бухгалтерия балансида кўрсатилмайди. Шу туфайли меҳнат ресурсининг пулдаги нархдасини топишни тақозо қилади.

Ҳозирги пайтда меҳнат ресурсининг баҳосини бемалол аниқлаш учун қонуний асос яратилган. Чунки Республикамизда оддий ишчидан тортиб то етук мутахассисгача уларни тайёрлаш харажати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бу харажатлар ходимлар иш кучининг биринчи бошланғич «шартли баҳоси» бўлиб ҳисобланади. Сўнгра унинг малакасини ошириш, қайта ўқитиш учун харажат қилинса булар ҳам унинг ушбу бошланғич баҳосига қўшилади.

Бундай йўлни тутиш зарурлигининг иккинчи томони шундаки, ҳозир кўпчилик мутахассисларни тайёрлаш савдо корхонаси ёки ота-оналар ҳисобидан пул тўлаш эвазига амалга оширилмоқда.

Демак, савдо корхонаси ўқишни битирган талабани ишга қабул қилса унинг шу савдо корхонаси учун «шартли қиймати» аниқ. Масалан, ходим савдо корхонаси ҳисобидан 4 йил ўқиган. Биринчи йилда унинг ўқиши учун 5000 минг сўм, иккинчи йилда 5500,0 минг сўм, учинчи йилда 6000,0 минг сўм ва ниҳоят тўртинчи йилда 6500,0 минг сўм пул тўлаган деб фараз қилсак унинг «шартли баҳоси» 23000,0 минг сўмни ташкил қилади.

Агар ходимнинг ўқиши давлат ёки шахсий маблағи ҳисобдан амалга оширилса у ҳолда савдо корхонаси мазкур ходимни ишга қабул қилиш билан ушбу харажатга тенглаштирган миқдорда унинг шартли қийматини белгилаши мумкин. Бундан ташқари, ҳар йили давлат томонидан диплом берилган бакалавр, мутахассис ёки магистрнинг «нархини» ҳам марказлашган тарзда аниқлаб эълон қилиб туришлари мумкин.

Ходимлар иш кучининг умумий қийматини пулда ифодалаш учун қўйидаги амални бажариш лозим.

Биринчидан, барча ходимларни категорияларга бўлиб чиқади. Ҳар бир категориядаги ходимларни тайёрлашга кетган қиймати аниқланиб шу категория бўйича уларнинг умумий суммаси топилади.

Иккинчидан, ҳар бир категория бўйича аниқланган суммаларни қўшиб ходимларнинг «шартли баҳосини» ифодалайдиган жами суммасини топиши мумкин.

Бу учун қуйидаги математик аддитив моделни қўллашни тавсия қиламиз:

$$Хқ = \sum_{и=1}^{н} a_и + в_и$$

Бунда *Хқ - ходимларни тайёрлашга кетган харажатларнинг жами сўммаси (иш кучининг умумий қиймати);*

и - ходимлар категориясининг тартиб сони (и=1,н);

н - ходимлар категориясининг умумий сони;

$a_и$ *- и - категория ходимларни тайёрлашга кетган харажатлар;*

$в_и$ *- и - категория ходимларнинг малакасини оширишга кетган харажатлар.*

Энди савдо корхонасининг иқтисодий салоҳиятининг умумий қийматини аниқлаш мумкин. Бу учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$Кис = Ав + Айм + Нф + Хқ$$

Бунда *Ав - асосий воситаларнинг (капиталнинг) ўртача қиймати;*

Айм - айланма маблағларнинг (капиталнинг) ўртача қиймати;

Нф - номоддий активларнинг ўртача қиймати;

Хқ - ходимларнинг ўртача «шартли қиймати».

Агар ушбу формуладаги натижани "У" деб, омилларни Хи→н деб белгиласак юқоридаги формуланинг математик кўринишини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$У = \sum_{и=1}^{н} x_и = X_1 . X_2 . X_3 ... . X_н$$

Ушбу математик моделга таҳлилнинг анъанавий усулларини қўллаб амалий маълумотлардан фойдаланган ҳолда натижанинг ўзгаришини таъминловчи барча омиллар таъсирини ҳисоблаб чиқса бўлади.

Буни амалга ошириш учун бухгалтерия баланси ва бошқа ҳисоботлар асосида савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятига кирувчи категорияларни алоҳида элементлари бўйича ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг таркибий тузилиши қуйидаги чизмада келтирилган (12.2.1-расм).



12.2.1-расм. **Савдо корхоналари иқтисодий салоҳиятининг таркибий қисмлари**

Шундай қилиб, ушбу чизмадаги кўрсаткичлар йиғиндиси савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти суммасининг умумий ҳажмини ифодалайди. Аммо жорий йилда уларнинг қанча қисми ишлатилганлигини, қай даражада самарадорликка эришганлигини билиш учун шу таҳлил қилинаётган даврга тўғри келадиган қисмини ҳам аниқлаш лозим. Бу фақат назарий жиҳатидан эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Савдо корхоналари иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш уларнинг умумий ҳажмидаги ўзгаришларни аниқлашдан бошланади. Чунки савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти умумий ҳажми тўғрисида, унинг ўзгариш тенденцияси ҳақида тегишли хулоса қилмасдан туриб, улардан самарали фойдаланаётганлиги тўғрисида хулоса қилиш қийин. Шу туфайли савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти умумий ҳажмининг ўзгариш тенденциясига алоҳида аҳамият бериш лозим, деб ўйлаймиз. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (12.2.1-жадвал).

Мазкур жадвал маълумотлари кўрсатишича "Турон" савдо корхонасида иқтисодий салоҳият 2000-2014 йиллар давомида 655,1 %га ўсган. Ўсиш тенденцияси 2000 йилдан 2005 йилгача унчалик тез суръатда бўлмаган. 2005 йилдан бошлаб унинг ўсиш суръати жуда тез бўлганлигини кузатиш мумкин. Энг муҳими, мазкур савдо корхонасида иқтисодий салоҳиятнинг 1% ўсганлигининг солмоғи ортиб бормоқда.

12.2.1-жадвал

"Турон" савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти умумий ҳажмининг 2000-2014 йиллардаги динамикаси[45]

Йиллар	Иқтисодий салоҳият умумий ҳажми, млн. сўм	Иқтисодий салоҳият умумий ҳажмининг ўзгариш суръати, %	Иқтисодий салоҳият умумий ҳажмининг 1% ўсишининг мутлақ миқдори, млн. сўм
2000	83,8	100,0	-
2005	109,6	130,8	0,8
2010	435,6	519,8	1,1
2011	486,7	580,8	4,4
2012	499,6	596,2	4,9
2013	524,7	626,1	5,0
2014	549,0	655,1	5,2

Жумладан, 2005 йилда 2000 йилга нисбатан 1 % ўсишнинг мутлақ миқдори 0,8 млн. сўмга тенг бўлган бўлса, 2014 йилга келиб ушбу кўрсаткичнинг миқдори 5,2 млн. сўмгача кўтарилган. Бу ҳолатдан кўриниб турибдики, савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти умумий ҳажми ва таркибида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Чунки савдо корхоналарини модернизациялаш, уларнинг активиятига янги илғор технологияларни жорий қилиш, номоддий активларнинг иқтисодиётдаги ўрнининг ошиши бу масалалардаги туб ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Буларни, таҳлил қилинаётган "Турон" савдо корхонасиси мисолида кўриб чиқамиз (12.2.2-жадвал).

12.2.2-жадвал

"Турон" савдо корхонасида иқтисодий салоҳияти таркибининг 2000-2014 йиллардаги ўзгаришлари динамикаси[46]

(суммаси, минг сўм, улуши, %)

Йиллар	Иқтисодий салоҳият умумий ҳажми	Шу жумладан							
		Асосий воситалар		Номоддий активлар		Айланма маблағлар		Меҳнат ресурслари	
		Суммаси	Улуши	Суммаси	Улуши	Суммаси	Улуши	Суммаси	Улуши
2000	83,8	14,4	17,23	0,02	0,25	20,4	24,37	49,0	58,15
2005	109,6	19,5	17,82	0,51	0,46	27,3	24,88	62,3	56,84
2010	435,6	80,2	18,42	2,7	0,62	102,6	23,56	250,1	57,40
2011	486,7	91,7	18,84	3,5	0,71	112,7	23,15	278,8	57,30
2012	499,6	95,7	19,15	4,0	0,81	114,0	22,82	285,9	57,22
2013	524,7	103,3	19,68	4,6	0,88	117,7	22,43	299,1	57,01
2014	549,0	108,3	19,73	4,7	0,85	122,7	22,35	313,3	57,07

[45] "Турон" кўптармокли хусусий корхонасининг 2000-2014 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллифнинг ишланмаси

[46] "Турон" савдо корхонасининг 2000-2014 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллифнинг ишланмаси.

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, шу ўрганилаётган савдо корхонасисида 2000-2014 йилларда иқтисодий салоҳият таркибида кескин ўзгаришлар рўй бермаган. Бироқ, уларнинг ўзгаришида бир мунча тафовутлар мавжуд. Асосий воситаларнинг иқтисодий салоҳиятдаги улуши 2000 йилдаги 17,23 % ўрнига 2014 йилда 19,73 %ни ташкил қилганлигини кузатиш мумкин. Бу бевосита соҳада олиб борилаётган модернизация жараёнларининг натижасидир. Чунки ушбу соҳани ҳам модернизация қилиш натижасида кўплаб техника ва мос равишда илғор савдо технологиялари жорий қилинмоқда. Худди шундай ҳолат номоддий активларда ҳам кузатилмоқда, унинг ўзгариши мос равишда 0,25 %дан 0,85 %гача кўпайган. Аммо айланма маблағларнинг улуши 2000 йилда 24,37 % бўлган бўлса, 2014 йилга келиб 22,35 %гача камайди. Бундай ҳолат меҳнат ресурсларида ҳам кузатилмоқда. Бунинг ўзгаришида, мос равишда, 58,15 % дан 56,07 % гача камайганлигини кўрамиз. Ушбу кўрсаткичлар улушининг камайиши унинг суммасининг камайиши ёки динамикасида камайиши рўй берганлигидан далолат бермайди. Уларнинг ҳам пулдаги миқдори кўпайган, аммао асосий воситалар ва номоддий активларнинг кўпайишига нисбатан камроқ суръатда амалга оширилган.

Бундай ҳолатга янада аниқлик киритиш учун уларнинг таркибий ўзгаришлари бўйича динамикасини ҳам таҳлил қилиш мумкимдир. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қилмоқдамиз (*12.2.3-жадвал*).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2000 йилга нисбатан 2014 йилда савдо корхонасининг иқтисодий салоҳияти умумий ҳажми 655,1 %га (549,0 * 100 : 83,8) ўсган. Шу жавда энг кўп ўсгани номоддий активлар бўлган. Унинг ҳажми 7,35 мартага кўпайган. Иккинчи ўринда асосий воситалар бўлиб, унинг ўзгариш суръати 752,1 %ни ташкил қилади. Бундай тенденцияга сабаб, ҳозирги бозор муносабатлари шароитида номоддий активларнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Бундан ташқари, асосий воситалар ҳам савдо корхонаси активиятини модернизация қилиш эвазига янги технологияларни жорий қилиниши сабабли тез ўсмоқда. савдо корхонасида айланма маблағлар ва меҳнат ресурсларининг ўзгариш суръатлари бирмунча суст.

12.2.3-жадвал

"Турон" савдо корхонасида иқтисодий салоҳиятнинг 2000-2014 йиллардаги ўзгаришлари динамикаси[47]

(суммаси, млн. сўм, ўсиш суъати, %)

Йиллар	Иқтисодий салоҳият умумий ҳажми	Шу жумладан							
		Асосий воситалар		Номоддий активлар		Айланма маблағлар		Меҳнат ресурслари	
		Сум-маси	Ўсиш суръати	Сум-маси	Ўсиш сур-ати	Сум-маси	Ўсиш сур-ати	Сум-маси	Ўсиш сур-ати
2000	83,8	14,4	100,0	0,02	100,0	20,4	100,0	49,0	100,0
2005	109,6	19,5	135,4	0,51	2550	27,3	133,8	62,3	305,4
2010	435,6	80,2	556,9	2,7	13500	102,6	502,9	250,1	510,4
2011	486,7	91,7	636,8	3,5	17500	112,7	552,5	278,8	569,0
2012	499,6	95,7	664,6	4,0	20000	114,0	558,8	285,9	583,5
2013	524,7	103,3	717,4	4,6	23000	117,7	577,0	299,1	610,4
2014	549,0	108,3	752,1	4,7	23500	122,7	601,5	313,3	639,4

Мос равишда 601,5 ва 639,4 %ни ташкил қилади. Бундай ҳолат кўрсатадики, савдо корхоналари ўз активиятига янги одамларни жалб қилмасдан илғор технологияларни жорий қилиш ва ишлатилаётганларини таъмирлаш орқали такомиллаштириш эвазига ривожланмоқда.

Айланма маблағлар ҳам савдо корхонасининг хўжалик активиятини таъминлаши учун барқарор миқдорда сақланиб турмоқда. Чунки, жорий қилинган янги технология хомашё ва материалларни кўп талаб қилиши билан бирга, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдорини ҳам оширган. Натижада шу йиллар давомида барқарор ўсиш рўй берган.

Савдо корхонасининг иқтисодий салоҳиятида рўй берган ўзгаришлар, умуман олганда, ижобий, аммо эндиги вазифа, уларнинг нечоғлик самарали фойдаланилаётганлигини кўриб чиқишдан иборатдир. Бунинг учун эса уларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаб олишни, уларни таснифлаш ва баҳолаш йўлларини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

[47] "Турон" савдо корхонасининг 2000-2014 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллифнинг ишланмаси.

12.3. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти ва унинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларнинг таснифи ва аниқланиш йўллари

Иқтисодий таҳлилнинг мақсади ва асосий вазифаларидан бири таҳлил қилинаётган объект ёки категорияни тўғри ва батафсил баҳолаш учун уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишдан ҳамда уларни назарий ва методологик жиҳатдан асослашдан иборатдир.

Савдо корхонасининг иқтисодий салоҳияти бу кенг қамровли ва теран тушунча. Унинг ҳолати ва ундан фойдаланиш даражаси тўғрисида тўлиқ хулоса чиқариш учун, албатта, кўрсаткичлар тизимидан (системасидан) фойдаланиш лозим. Аммо кўрсаткичлар сонининг кўплиги ёки озлигига қараб ўрганилаётган объект ёки категорияни баҳолаш учун етарли ёки кам деган хулоса чиқариб бўлмайди. Шу туфайли кўрсаткичлардан тўғри фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш лозим.

Кўрсаткичлар ҳақида тўғри хулоса чиқариш учун, энг авволо, уларни илмий асосланган ҳолда таснифлаш лозим. Иқтисодий ишлардаги анъаналарга кўра кўрсаткичлар жуда кўп белгилари билан таснифланади. Биз ушбу ҳолатда савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларни фақат иқтисодий мазмуни бўйича таснифини кўриб чиқамиз. Чунки кўрсаткичларни ушбу белгиси билан таснифлаш, иқтисодий хулоса чиқариш учун етарли бўлади.

Савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларни иқтисодий мазмунига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин, деган хулосага келдик:

- иқтисодий салоҳият ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- иқтисодий салоҳият билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар;
- иқтисодий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Ушбу кўрсаткичлар таснифи қуйидаги 12.3.1-расмда келтирилган.

Расмдан кўриниб турибдики, савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлил қилинаётган категориянинг у ёки бу жиҳатини ифодаламоғи лозим. Бу учун эса,

албатта, аниқ ахборот маълумотларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.



12.3.1-расм. **Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти ифодаловчи кўрсаткичлар таснифи**

Маълумотларни шакллантиришда, тўплашда ва улардан фойдаланишда иқтисодий таҳлилнинг САҲТХОБ тамойилига таяниш мақсадга мувофиқдир. Ушбу тамойилнинг мазмуни тегишли адабиётларда[48] ўз аксини топган. Ушбу ишларда САҲТХОБ тамойилининг зарурлиги, унинг назарий ва амалий аҳамияти тегишли далиллар билан асосланган.

Таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан бири кўрсаткичларни аниқлаш усулларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Ҳозирги пайтда бу борада анча такомиллашган тавсиялар мавжуд. Хусусан, Э.А.Акрамов, И.Т.Абдукаримов[49], Г.В.Савицкая, И.О.Волжин, В.В.Эргашбоевлар[50] ҳар бир кўрсаткични аниқлашнинг назарий жиҳатдан формулаларини келтириш билан бирга уларнинг маълумотларини қайси ахборот манбаларидан олиш лозимлиги ҳам

---

[48] Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Т.: .: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001 й. 84 бет. Ахматов И., Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлилда «САҲТХОБ» тамойили. - Иқтидорли ёшлар-салоҳиятимиз асоси. Самарқанд. 1999 й.- 67 бет.

[49] Акрамов Э.А. Анализ финансового состояния предприятия. Т.: ТГЭУ, 2000.; Абдукаримов И.Т. Как читать и анализировать финансовую отчетность. - Т.: Издом «Мир экономики и право», 1998. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳил килиш йўллари. - Т: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999.

[50] Волжин О.И., Эргашбоев В.В. *Молиявий таҳлил.* - Т.: *«Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи,* 1998., Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий.-Мн.: ИП «Экоперспектива», 1997. ва ҳ.к.

кўрсатиб берилган. Ушбу усулдан иқтисодий салоҳиятга оид адабиётларда, амалий ва услубий қўлланмаларда фойдаланилган. Бир қанча илмий конференция тавсияларида ҳам ўз ифодасини топганлиги мазкур ишнинг нафақат назарий, балки амалий аҳамиятини ҳам янада оширади.

Ушбу ишда ҳам юқоридаги такомиллашган тавсияларга амал қилган ҳолда таклиф қилинган барча кўрсаткичларни аниқ маълумотларга асосланиб баҳолаш йўлларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган. Чунки, иқтисодиётда қўлланиладиган бирорта кўрсаткич мавҳум, ноаниқ, ҳисобланиши қийин бўлмаслиги лозим. Мазкур хулосалардан келиб чиқиб, Савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларнинг нимани ифодалаши, аниқланиш йўллари ва ахборот манбаларини гуруҳлар бўйича қараб чиқамиз (12.3.1-жадвал).

12.3.1-жадвал

Савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятини (Ис) ифодаловчи кўрсаткичларнинг мазмуни ва аниқланиш йўллари[51]

Кўрсаткичларнинг номи	Ниманинг ифодаланиши (мазмуни)	Аниқланиш формуласи	Ахборот манбаларида ифодаланиши
1	2	3	4
1. Ис. ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар			
1.1.Ис. умумий ва ўртача қиймати	Тахлил даврида Ис. сўммасининг ўртача неча сўм эканлигини ифодалайди	$\frac{Ис.йб + Ис.йо}{2}$	$[(310_{йб}+Мс)+ +(310_{йо}+Мс)] /2$ Мс- меҳнат салоҳияти
1.2. Ис.нинг таркибий тузилиши	Ис. ҳар бир моддасининг (Иси) умумий сўммадаги улушини ифодалайди	$\frac{Иси}{Ис} \times 100$	110 /(310+Мс) ва ҳ.к.
1.2.1. Ав.нинг Ис. умумий сўммасидаги улуши	Ав.нинг Ис. умумий сўммасида неча фоиз ташкил қилишини кўрсатади	$\frac{Ав}{Ис} \times 100$	012 /[(310+Мс)х х100]
1.2.2. Айм.нинг Ис. умумий сумасидаги улуши	Айм.нинг Ис. умумий ҳажмида неча фоиз ташкил қилишини ифодалайди	$\frac{Айм}{Ис} \times 100$	300/ [(310 + +Мс)х100]
1.2.3. На.нинг Ис. умумий сўммасидаги улуши	На.нинг Ис. умумий сўммасида неча фоиз ташкил қилишини кўрсатади	$\frac{На}{Ис} \times 100$	022 / [(310 + +Мс)х100]

[51] Тадқиқотлар натижасида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

1.2.4. Мс.нинг Ис. умумий сўммасидаги улуши	Меҳнат салоҳиятининг Ис. умумий сўммасида неча фоиз ташкил қилишини ифодалайди	Мс --------- х 100 Ис	Мс / [(310 + +Мс)х100]
1.3. Ис. таркибига кирувчи моддалар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар	Ис. таркибига кирувчи ҳар бир моддаси (Ав. Айм. На. Мс.) бўйича уларнинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими тегишли моддалар таҳлил қилинганда алоҳида тасвирланади	Ушбу кўрсаткичлар тегишли моддаларни таҳлил қилганда аниқланади.	Бирқанча гуруҳлари бўйича
2. Ис. билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар			
2.1.Савдо корхонаси активларининг Ис. билан таъминланганлиги	1 сўм Савдо корхонаси активлари сўммасига қанча Ис. сўммаси тўғри келганлигини кўрсатади	Ис Б	(310+Мс) / 310
2.2. Мс.нинг Ис. билан таъминланганлиги	1 сўм меҳнат салоҳияти қийматига қанча Ис. сўммаси тўғри келганлигини ифодалайди	Ис Мс	(310+Мс) / Мс
2.3. Ис. таркибига кирувчи моддалар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар	Ис.нинг таркибига кирувчи ҳар бир моддаси билан таъминланганликни ифода этадиган кўрсаткичлар тизими Ав. Айм. На. Мс. кўрсаткичлар ўрганилганда ало-ҳида тасвирланади	Ушбу кўрсаткичлар Ис.нинг тегишли моддаларини таҳлил қилганда аниқланади.	Бир қанча гуруҳлар бўйича
3. Савдо корхонаси Ис. самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар			
3.1. Ис. рентабеллиги	100 сўм иқтисодий салоҳият қийматига неча сўм фойда тўғри келишини ифодалайди	Ф --------- х 100 Ис	200 2-ш / (310 + Мс)
3.2. Ис. даромадлилиги	100 сўм Ис. қийматига неча сўм даромад тўғри келишини ифодалайди	Д --------- х 100 Ис	050 2 ш / (310+ + Мс)
3.3. Ис. натижавийлиги	1 сўм Ис. қийматига не-ча сўм сотилган маҳсу-лот, товар маҳсулоти ва ҳ.к. тўғри келишини кўрсатади	К Ис.	050 2ш / (310 + + Мс)
3.4. Ис. таркибига кирувчи моддалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар	Ис. таркибига кирувчи моддалар (Ав. Айм. На. Мс.) самарадорлигини ўрганишда кўрсаткичлар тизими шаклида фойдаланилади.	Ушбу кўрсаткичлар Ис.нинг тегишли моддаларини таҳлил қилганда аниқланади	Бир қанча гуруҳлари бўйича

қилиш йўлларини ишлаб чиқиш нафақат назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга эга. Чунки хўжалик юритувчи субъектлари даромад (фойда) келтиришда, унинг активиятини таъминлашда савдо корхонасининг активлари билан бирга унда банд бўлган меҳнат салоҳиятлари ҳам иштирок этади.

Иқтисодий жараёнларнинг содир бўлиши учун, таъкидлаганидек, асосий ва айланма маблағлар билан иш кучининг ҳам иштироки лозим. Ҳозирги пайтда ушбу кўрсаткичлар билан биргаликда номоддий активлар ҳам савдо корхонасига маълум даражада даромад (фойда) келтиришда иштирок этади. Шу туфайли таҳлил жараёнида ушбу ҳолатларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Таянч иборалар: *Кўрсаткичлар, кўрсаткичлар тизими, иқтисодий салоҳият, савдо корхонаси, иқтисодий салоҳият самарадорлиги, савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти, иқтисодий салоҳият самарадорлигининг умумий ҳажми, иқтисодий салоҳият самарадорлигини баҳолаш, иқтисодий салоҳият самарадорлигини таҳлил қилиш, иқтисодий салоҳият самарадорлиги.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий салоҳият тушунчаси ва унга боғлиқ таърифларнинг назарий масалалари.
2. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлигининг назарий масалалари.
3. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлигининг мазмуни.
4. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлигининг умумий ҳажми.
5. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлигини баҳолаш йўллари.
6. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.
7. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг таснифи.
8. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқланиш йўллари.

XIII боб. САВДО КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ХАРАЖАТЛАР НУҚТАИ НАЗАРИДАН БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

13.1. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятини харажатлар нуқтаи назаридан баҳолаш усуллари

13.2. Савдо корхонасида иқтисодий салоҳият умумий ҳажми ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

13.3. Савдо корхонасида иқтисодий салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни таҳлил қилиш йўллари

13.4. Савдо корхонасида иқтисодий салоҳияти билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни таҳлил қилиш йўллари

* * *

13.1. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятини харажатлар нуқтаи назаридан баҳолаш усуллари

Бозор муносабатлари шароитида даромадлар қанчалик аҳамиятга эга бўлса, харажатлар ҳам ундан кам бўлмайдиган аҳамиятга эга. Чунки, савдо корхоналари мулкидан харажат қилинади ва даромад ҳам савдо корхонаси мулкига қўшилади. Шу жиҳатдан иқтисодий таҳлилнинг афзаллиги шундаки, 245 та иқтисодий категорияни бир қанча ўлчамларда (қийматда, натурал миқдорда, ҳажмда, даромадлар келтириш бўйича, харажатларнинг жамланиши бўйича ва ҳ.к.) ифодалаш имкониятига эга.

Савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятини ҳам харажатлар нуқтаи назаридан баҳолайдиган бўлса, уларни жорий ва келтирилган харажатлари бўйича баҳолаш мумкин. Аммо бир қанча адабиётларда бу харажатларни фарқламасдан ишлатилади. Харажатлар масаласи қаралганда фақат жорий харажатлар ёки фақат келтирилган харажатлар билан чекланиб қоладилар. Харажатлар тўғрисида атрофлича хулоса қилиш учун уларнинг иккаласидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Савдо корхонасининг иқтисодий салоҳиятини келтирилган харажатлар (Кп^{кх}) нуқтаи назаридан ҳисоблаш, унинг қанча қисми шу ҳисобот даврида янгидан яратилган маҳсулот (иш, хизмат) қийматига киришини аниқлаш учун зарур бўлади. Бунда айланма маблағларнинг тўлиқ суммаси, асосий воситалар ва номоддий активларнинг шу жорий йил давомида эскириш суммасини ва ишчи ва хизматчиларга тўланадиган меҳнат ҳақи (Мҳ) сўммасини олиш мумкин. Буни аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$Кп^{кх} = (Ав . Ан) + (Айм . Кай) + (На . Эн) + Мҳ$

Бунда: *Ан – асосий воситаларнинг эскириши (амартизация) нормаси;*

Кай – айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффициенти;

Эн – номоддий активларнинг эскириш нормаси;

Мҳ – меҳнатга тўланадиган иш ҳақи сўммаси.

Ушбу кўрсаткич савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти нинг жорий даврдаги ишлатилиши мумкин бўлган қийматини ифодалайди. Уни савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятининг келтирилган харажатлари деб аташ лозимдир.

Савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятини **жорий харажатда** ифодалаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу кўрсаткич, унинг жорий йилда ишлатилиши эвазига қанча харажат кетганлигини ифодалайди. Ушбу кўрсаткич, умуман олганда, харажатлар таркибида ўз аксини топади. Масалан, биз таҳлил қилаётган "Турон" корхонаси савдо билан ҳам шуғулланади. Савдо билан шуғулланадиган корхонани оладиган бўлсак, ушбу харажатлар шу соҳанинг давр (муомала) харажатларида ўз ифодасини топади. Бироқ, муомала харажатлари таркибида фақат иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш учун эмас, балки бутун хўжалик активиятини юргизиш учун кетган харажатлар йиғиндиси ифодаланган. Шу туфайли иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш учун сарф қилинган жорий харажатлар миқдорини аниқлаш ҳам уларнинг самарадорлигини баҳолаш, таҳлил қилиш ва бошқариш учун муҳим аҳамиятга эга.

Бироқ шуни эътироф этиш керакки, муомала харажатлари таркибида иқтисодий мазмуни жиҳатидан унга кирмайдиган жуда кўп харажатлар мавжуд. Муомала харажатлари бевосита товар муомаласи билан боғлиқ харажатлардир. Бунга товарларни ишлаб чиқаришдан то истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ барча харажатлар кириши лозим. Аммо ҳозирги пайтда унинг таркибига "Фан ва техника тараққиёти фондига ажратмалар", "Савдо таваккали (риск) фондига ажратмалар", "Ер ва қурилиш солиғи"

каби бирқанча муомала харажатларига даҳли йўқ ажратмалар киритилган.

Назарий жиҳатдан тўғри бўлиши учун ушбу харажат ва ажратмаларни алоҳида ифодалаш лозим. Бу эса савдо корхоналарида "Муомала (давр) харажатлари тўғрисидаги ҳисобот"ни ўзгартириб, уни "Харажатлар тўғрисидаги ҳисобот" деб аташ мақсадга мувофиқ. Бу ҳисоботни икки қисмга бўлиш мумкин: *муомала харажатлари ва бошқа харажатлар. Иккинчиси ҳам алоҳида* моддалари бўйича ифодаланса харажатлар иқтисодий мазмуни жиҳатидан тўғри ифодаланган бўлади. Харажатларнинг бундай гуруҳларга бўлиниши, ҳозирги савдо корхоналарии асосан хусусий бўлган пайтида, нима учун керак деган саволнинг туғилиши табиий. Бунга жавобан, таъкидламоқчимизки, бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт ўзбошимчалик билан иш юритиш эмас. Ҳар бир *иқтисодий категория ёки уни ифодаловчи кўрсаткич* қачонки микроиқтисодиётда тўғри ҳисобга олиб борилсагина жамият миқиёсидаги макроиқтисодиётнинг даражасида ҳам тўғри ифодаланган бўлади. Бу иқтисодий тараққиётни тўғри аниқлаш ва унинг устуворлигини таъминлаш имконини беради. Бу эса ҳар бир кўрсаткич ва ҳодисаларни тўғри баҳолаш йўл-йўриқларини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Ҳозирги пайтда давр харажатлари деб аталадиган харажатлар таркибида савдо билан боғлиқ муомала харажатлари ўз ифодасини топади. Аммо давр харажатлари деган ном бизнинг ҳужжатларимизга "Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари"дан таржима сифатида кириб қолди. Ўйлаймизки, бу категориянинг ҳам ўз номи билан атаб уни сотиш билан боғлиқ харажатлар ёки муомала харажатлари ва бошқарув харажатлари деб номласа мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, сотиш билан боғлиқ харажатлар бошқарув билан боғлиқ харажатлар билан иқтисодий мазмуни жиҳатидан бири-биридан фарқ қилади. Уларни сунъий равишда қўшиб давр харажатлари, деб номлаш бизнинг фикримизча, назарий жиҳатдан, унчалик тўғри бўлмайди.

Асосий воситалар (капитал) учун сарф қилинган жорий харажатларга (Авх) асосий воситалар амартизацияси; бинолар, жиҳозлар ва енгил машиналарни таъмирлаш ва ижарага бериш харажатлари; таъмирлашга кетган харажатлар; моддий нематларни суғурта қилишга кетган харажатлар киради.

Номоддий активлардан фойдаланганлик учун сарф қилинадиган харажатлар (Нах) таркибига номоддий активларнинг таҳлил қилинаётган даврда ажратилган эскириш қиймати ва бошқа шу категория билан боғлиқ харажатлар киради.

Айланма маблағлар учун сарф қилинган жорий харажатларга (Амх) маҳсулотлар, хомашё ва товарларни ташишга кетган харажатлар, банк муассасаларига тўланадиган фоиз сўммаси, товарларни саралаш, ўраш ва сақлаш ҳамда совуткичларни таъмирлаш харажатлари, кам баҳоли ва тез емирилувчи нарсалар, махсус кийимлар ва идиш-товоқларнинг эскириши, нобуд бўлиши, тара харажатлари кабилар киради.

Меҳнат салоҳиятидан фойдаланганлик учун сарф қилинган жорий харажатларга (Хмх) меҳнат ҳақи харажатлари, ижтимоий суғуртага ажратмалар, кадрлар тайёрлаш, пенсия фондларига ажратмалар киради.

Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти жорий харажатлар миқдори билан баҳолаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$Ип^{жх} = Авх + Амх + Нах + Хмх$$

Савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятини баҳолашда қўлланиладиган келтирилган ва жорий харажатлар суммаси уларнинг ишлатилиши ва қопланиш муддатларини аниқлаш учун фойдаланилади.

Иқтисодий салоҳиятнинг қопланиш муддатини ($Ип_{км}$) аниқлаш учун унинг суммасини ($Ип^{к}$) келтирилган харажатлар ($Ип^{кх}$) суммасига бўлиш мумкин:

$$Ип_{км} = Ип^{к} : Ип^{кх}$$

Мисол тариқасида "Турон" савдо корхонаси маълумотларини келтириш мумкин. Ундаги иқтисодий потенциалнинг жами суммаси 474032,2 минг сўмни, келтирилган харажатлар суммаси 38510,0 минг сўмни ташкил қилади. Бу ҳолда савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятнинг қопланиш муддати ҳақиқатда 12,3 йилга (474032,2:38510,0) тенг бўлади. Капитал қўйилмаларнинг самарадорлик коэффициенти меъёри Ўзбекистон Республикасида ўртача 0,12 ҳолича сақланиб қолади, деб фараз қиламиз. Уни иқтисодий салоҳиятга ҳам татбиқ этиладиган бўлса, у ҳолда унинг қопланиш муддати 8,3 йилни (1:0,12) ташкил қилиши лозим. Демак, таҳлил қилинаётган объектда иқтисодий салоҳиятнинг ҳақиқатда

қопланиш муддати меъёрга нисбатан 4 йилга (12,3 – 8,3) кўп эканлигини кўриш мумкин.

Иқтисодий салоҳиятнинг ишлатилиш муддатини (Ипим) аниқлаш учун шартли равишда, унинг умумий сўммасини жорий харажатлари ($Ип^{жх}$) сўммасига бўламиз, яъни:

$$Ипим = Ип^{к} : Ип^{жх}$$

Таҳлил қилинаётган савдо корхонасида иқтисодий салоҳиятдан фойдаланганликнинг жорий харажатлар сўммаси ҳақиқатда 34246,3 минг сўмни ташкил қилди. У ҳолда иқтисодий салоҳиятнинг ишлатилиш муддати 13,8 йилга (474032,2 : 34246,3) тенг бўлади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, таҳлил қилинаётган объект иқтисодий салоҳиятнинг қиймати 13,8 йил давомида янги яратилган маҳсулотга ўз қийматини тўлиқ ўтказиб бўлар экан.

Ушбу кўрсаткичлар том маънода харажатлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардир. Булардан кўриниб турибдики, самарадорлик қанча юқори бўлса, уларнинг қайтими ҳам шунча тез бўлади. Демак, савдо корхоналарини, мулк шаклидан қатий назар, умумий самарадорлигини ошириш учун уларнинг харажатлари самарадорлигини ҳам ошириш мақсадга мувофиқ экан.

13.2. Савдо корхонасида иқтисодий салоҳиятнинг умумий ҳажми ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

Ҳар бир савдо корхонасида иқтисодий салоҳиятнинг ҳолатини, у билан таъминланганликни ва уларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Зеро, ҳар бир савдо корхонасининг бойлиги жамият бойлигининг бир қисми сифатида унга ҳеч кимнинг бефарқ бўлишига ҳаққи йўқ. Шу туфайли, мулк шаклидан қатий назар, савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларнинг таҳлили иқтисодий таҳлилнинг асосий қисмини ташкил қилмоғи лозим.

Савдо корхонасининг фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида барча кўрсаткичларнинг режадаги, ўтган даврдаги ва жорий йилдаги миқдорлари аниқланади. Бу учун асосий ахборот манбаи бўлиб бухгалтерия баланси, молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари ва статистик ҳисобот маълумотлари ҳисобланади. Меҳнат салоҳияти билан боғлиқ кўрсаткичларни эса, асосан статистик ҳисобот

маълумотларидан ва айримларини ҳисоб-китоб йўли билан аниқлаш мумкин бўлади.

Савдо корхонасининг иқтисодий салоҳияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва уларнинг ўзгариши ҳақида тегишли хулоса чиқариб, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун савдо корхонаси томонидан сотилган маҳсулот ва иқтисодий салоҳият суммаси олинади. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (13.2.1-жадвал).

13.2.1-жадвал

"Турон" савдо корхонасининг иқтисодий салоҳиятни самарадорлигининг 2000-2014 йиллардаги динамикаси[55]

Йиллар	Маҳсулот (товар, иш,хизмат)ларни сотишдан соф тушум, млн. Сўм		Иқтисодий салоҳият умумий ҳажми, млн. Сўм.		Иқтисодий салоҳият самарадорлиги, сўм	
	Суммаси, минг сўм	Ўзгариш суръати, %	Суммаси, минг сўм	Ўзгариш суръати, %	Суммаси, минг сўм	Ўзгариш суръати, %
2000	241,4	100,0	83,8	100,0	2,88	100,0
2005	333,6	138,2	109,6	130,8	3,04	105,6
2010	1282,3	531,2	435,6	519,8	2,94	102,1
2011	1405,9	582,4	486,7	580,8	2,89	100,3
2012	1524,4	631,5	499,6	596,2	2,56	88,9
2013	1651,9	684,3	524,7	626,1	3,15	109,4
2014	1695,8	702,5	549,0	655,1	3,09	107,3

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, маҳсулот (товар, иш,хизмат)ларни сотишдан соф тушум таҳлил қилинаётган 2000-2014 йилларда 702,5 %га ўсган. Аммо савдо корхонасининг иқтисодий салоҳияти шу даврда 655,1 % кўпайган. Натижада уларнинг самарадорлиги бир мунча ошган. Шу даврда самарадорликнинг ўсиш суръати 107,3 %ни ташкил қилади. Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки мазкур савдо корхонасида иқтисодий салоҳият самарадорлиги 2005 йилга қадар мунтазам ўсиб келган. Унинг миқдори шу йилда 105,6 %ни ташкил қилади. Аммо 2010 йилга келиб унинг миқдори 2000 йилга нисбатан анча камайган ва 102,1 %ни ташкил қилган. 2011 йилдан бошлаб ушбу кўрсаткичнинг миқдори камайиш тенденциясига эга бўлган. 2012 йилда 2000 йилга нисбатан 88,9 %ни ташкил қилган. Бунинг сабаби шу йилларда савдо корхонасининг иқтисодий салоҳияти модернизациялаш

[55] "Турон" савдо корхонасининг 2000-2014 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллифнинг ишланмаси

эвазига янги техника ва технологияларни жорий қилинганлиги туфайли кескин ошган. Лекин у шу йилнинг ўзида самара бера олмаслиги туфайли унинг ўсиш суръатида камайиш рўй берган. Амоо 2013 йилда самарадорлик кўрсаткичи кескин ошган ва 2000 йилга нисбатан 109,4 %ни ташкил қилган. Бундай тенденция 2014 йилда ҳам сақланиб қолган.

Савдо корхонасида иқтисодий салоҳиятни таҳлил қилиш ва унинг ҳолати, самарадорлиги ҳамда улар билан таъминланганлик даражаси тўғрисида аниқ хулосаларга келиш учун уларнинг ҳар бир гуруҳини алоҳида ўрганишни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Шу жиҳатдан, энг аввало, савдо корхонасининг иқтисодий салоҳияти таҳлилини, унинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлардан бошлаш лозим. Чунки, бу кўрсаткичлар орқали таҳлил қилинаётган савдо корхонасида иқтисодий салоҳият билан боғлиқ масалалар бўйича аҳвол қандай эканлиги тўғрисида хулоса қилинади.

13.3. Савдо корхонасида иқтисодий салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни таҳлил қилиш йўллари

Олдинги параграфларда савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими келтирилган эди. Ушбу кўрсаткичлар миқдорини амалий маълумотларни қўллаган ҳолда унинг иқтисодий салоҳияти қандай ҳолатда эканлигига баҳо бериш мумкин. Чунки, умумий аҳволни билмай туриб, у билан таъминланганлик ва ундан самарали фойдаланишнинг аҳволини таҳлил қилиб бўлмайди. Ушбу хулосадан келиб чиқиб, энг аввало, савдо корхонасида иқтисодий салоҳият ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш усулларини кўриб чиқиш учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (13.3.1-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мазкур савдо корхонасининг иқтисодий салоҳияти таҳлил қилинаётган даврда 105,2 % га ошган. Бу асосан асосий воситалар ва меҳнат салоҳияти қийматининг ошганлиги (мос равишда 105,5 ва 105,3 %) эвазига содир бўлган. Айланма маблағлар ва номоддий активлар қийматининг ўсиш суръати иқтисодий салоҳият қийматининг ўсиш суръатига нисбатан секинроқ, яъни мос равишда 104,8 ва 101,9 % ни ташкил қилади. Бу ҳолат уларнинг таркибий тузилишини таҳлил қилганда ҳам яққол номоён бўлмоқда. Чунки асосий воситалар ва меҳнат салоҳияти қийматининг таркиби мос равишда 0,05 ва 0,06 %

бандга ошган бир пайтда, айланма маблағлар улуши 0,08 % бандга номоддий активлар улуши эса 0,03 % бандга камайган.

Ушбу ҳолат кўрсатадики, ушбу савдо корхонасида фан-техника тараққиёти ва мос равишда модернизация жараёни суст кетмоқда чунки унинг иқтисодий салоҳияти таркибида меҳнатнинг ҳиссаси юқорилигича қолмоқда ва унинг улуши яна ўсишда давом этмоқда Ўтган йилда ушбу кўрсаткичнинг миқдори 57,01 % ни ташкил қилган бўлса, ҳисобот йилида 57,07 % га, яъни 0,06 % бандга ўсди.

13.3.1-жадвал

"Турон" савдо корхонасисига қарашли "Кўрғон" кичик корхонасисининг иқтисодий салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларнинг 2013-2014 йиллар бўйича ҳисоб-китоби[56]

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати, %
1. Асосий воситаларнинг ўртача қиймати, минг сўм	4879,1	5147,5	+268,4	105,5
2. Айланма маблағларнинг ўртача қиймати, минг сўм	5562,0	5830,0	+268,0	104,8
3. Номоддий активларнинг ўртача қиймати, минг сўм	218,3	222,5	+4,2	101,9
4. Меҳнат салоҳиятининг ўртача қиймати, минг сўм	14135,7	14890,0	+754,3	105,3
5. Иқтисодий салоҳият (Ис) ўртача қиймати, минг сўм (1қ+2қ+3қ+4қ)	24795,1	25090,0	+1294,9	105,2
6. Асосий воситаларнинг Ис.даги улуши,% (1қ:5қ.100)	19,68	19,73	+0,05	Х
7. Айланма маблағларнинг Ис.даги улуши,% (2қ:5қ.100)	22,43	22,35	-0,08	Х
8. Номоддий активларнинг Ис.даги улуши,% (3қ:5қ.100)	0,88	0,85	-0,03	Х
9. Меҳнат салоҳиятининг Ис.даги улуши,% (4қ:5қ.100)	57,01	57,07	+0,06	Х

Бу ҳолат иқтисодий ўсишни таъминлаш учун интенсив омиллардан фойдаланиш имкониятининг қисқарганлигини кўрсатади. Келажакда, мазкур савдо корхонаси раҳбарияти ўзининг иқтисодий салоҳияти таркибида жонли меҳнатнинг ҳиссасини қисқартириб, асосий воситалар улушининг ошиб боришини таъминлаши лозим.

[56] "Кўрғон" кичик корхонаси маълумотлари таҳлилга мослаштирилган ҳолда бироз ўзгартириб олинди.

13.4. Савдо корхонасида иқтисодий салоҳияти билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни таҳлил қилиш йўллари

Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти тўғрисида айрим хулосаларни чиқариш учун иқтисодий салоҳият билан таъминланганлик даражасини ҳам таҳлил қилишни тақозо қилади. Мазкур гуруҳ кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

- активларнинг ис. билан таъминланганлиги;
- меҳнат салоҳиятининг ис. билан таъминланганлиги;
- барча активларнинг ис.даги улуши;
- меҳнат салоҳиятининг активлар билан таъминланганлиги.

Ушбу кўрсаткичларни аниқлаш йўлларини олдинги параграфларда қараб чиққан эдик. Мазкур ҳолатда уларни амалий маълумотларни қўллаган ҳолда тадқиқ қилиш йўлларини қараб чиқамиз. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (13.4.1-жадвал).

13.4.1- жадвал

"Турон" савдо корхонасисига қарашли "Қўрғон" кичик корхонасисининг иқтисодий салоҳият билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичларнинг 2013-2014 йиллар бўйича ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати,%
1. Активларнинг умумий ўртача қиймати, минг сўм (1.2-жадвалдан 1,2 ва 3 қаторлар йиғиндиси)	10659,4	11200,0	+540,6	105,1
2. Меҳнат салоҳиятининг ўртача қиймати, минг сўм	14135,7	14890,0	+754,3	105,3
3. Иқтисодий салоҳият ўртача қиймати, минг сўм (1қ+2қ)	24795,1	26090,0	+1294,9	105,2
4. Активларнинг Ис. Билан таъминланганлиги,сўм (3қ:1қ)	2,33	2,33	-	100,0
5. Меҳнат салоҳиятининг Ис. Билан таъминланганлиги, сўм (3қ:2қ)	1,75	1,75	-	100,0
6. Барча активларнинг Ис.даги улуши, % (1қ:3қ.100)	43,0	42,9	-0,01	X
7. Меҳнат салоҳиятининг активлар билан таъминланганлиги, сўм (1қ:2қ)	0,75	0,75	-	100,0

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мазкур савдо корхонасининг активлари, меҳнат ва иқтисодий салоҳияти деярли бир хил даражада ўсган. Мос равишда 105,1, 105,3 ва 105,2 % ни ташкил қилади.

Шу жиҳатдан уларнинг иқтисодий салоҳият билан таъминланиш даражаси ҳам бир хил ҳолатда сақланиб қолган. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, активларнинг иқтисодий салоҳият билан таъминланиш даражаси меҳнатнинг шу кўрсаткичи билан таъминланишига нисбатан паст бўлиши лозим. Аммо ушбу савдо корхонасида унинг тескариси рўй берган. Савдо корхонасининг иқтисодий салоҳиятида активларнинг улуши юқори бўлиши лозим. Лекин бизнинг мисолимизда активларнинг улуши ўтган йилда 43,0 % ни ташкил қилган бўлса, ҳисобот йилига келиб яна камайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Унинг жорий йилдаги миқдори 42,9 % га тенг бўлган.

Савдо корхонасида меҳнат салоҳиятининг активлар билан таъминланиш даражаси ҳамиша бирдан катта бўлиши лозим. Мазкур савдо корхонасида эса унинг ҳажми 0,75 сўм миқдорида сақланиб қолган. Бу ҳам кўрсатадики, ушбу савдо корхонасининг иқтисодий салоҳиятида ҳамон меҳнатнинг улуши юқорилигича қолмоқда. Жамиятнинг тараққий этиши билан савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятида меҳнатнинг ҳиссаси камайиб боради. Савдо корхонасида технологик жараёнлар тўлиқ автоматлашгандан сўнг, одам ўрнини роботлар бажаргач савдо корхонаси «одамсиз савдо корхонасига» айланиб боради. Бундай савдо корхоналари ҳозирги пайтда илмий-техник жиҳатдан юксак тараққий этган мамлакатларда, хусусан Япония, Жанубий Корея, АҚШ ва бир қанча Европа мамлакатларида жадаллик билан кўпаймоқда.

Таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан бири мавжуд иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш йўлларини кўрсатиб беришдан иборатдир. Бу учун уни таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқиши лозим. Шу жиҳатдан, савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилига алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир.

Таянч иборалар: *Савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлиги, самарадорликни харажатлар нуқтаи назаридан баҳолаш, савдо корхонасида иқтисодий салоҳият умумий ҳажми,*

иқтисодий салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар, иқтисодий салоҳияти билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлиги тушунчаси.
2. Савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини харажатлар нуқтаи назаридан баҳолаш.
3. Савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини таҳлил қилиш усуллари.
4. Савдо корхонасида иқтисодий салоҳият умумий ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар.
5. Савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар
6. Савдо корхонасида иқтисодий салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар.
7. Савдо корхонасида иқтисодий салоҳияти ҳолатини таҳлил қилиш йўллари.
8. Савдо корхонасида иқтисодий салоҳияти билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар.
9. Ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш йўллари.

XIV боб. САВДО КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР, УЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

14.1. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

14.2. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари

14.3. Савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ошириш йўллари

* * *

14.1. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти (салоҳияти) самарадорлигини аниқлашда, самарадорликнинг мумтоз тарифидан келиб чиққан ҳолда, натижавий кўрсаткичларни иқтисодий салоҳиятининг ўртача йиллик қийматига нисбати олинади. Юқорида таъкидланганидек, савдо корхонасининг натижавий кўрсаткичлари бир қанча кўрсаткичлар тизимидан иборатдир. Уларга иш натижасини ифодаловчи кўрсаткичлар, яъни товар айланмасининг (оборотининг) ҳажми, даромадалар ва фойда суммаси каби кўрсаткичлар киради. Агар ушбу кўрсаткични саноатда оладиган бўлсак, унда–ишлаб чиқарилган ёки сотилган маҳсулот ҳажми, қурилишда–бажарилган қурилиш-мантаж ишларининг ҳажми, транспортда – ташилган юк ҳажми (тонна км.да) ёки ташилган йўловчилар сонида ифодаланади.

Иш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичларга савдо корхонасининг сотилган товарларинг ҳажми (товар оборот) каби иш натижасини ифодаловчи кўрсаткичлари кирса, даромадларни ифодаловчи кўрсаткичларга даромаднинг турли хиллари (ялпи даромад, солиққа тортиладиган даромад, асосий фаолият даромади, тасоддифий

даромад кабилар) киради. Улардан қайси кўрсаткични танлаб олиш бевосита савдо корхонасини қайси мақсадда ўрганилишига ва унинг мақсади ва вазифаларига боғлиқ.

Фойда хусусида ҳам худди шундай фикрларни айтиш мумкин. Чунки унинг ҳам турлари кўп. Масалан, булар таркибига ялпи фойда, маржинал фойда, соф фойда, тақсимланмаган фойда, молиявий фаолият фойдаси, умумхўжалик фойдаси, тасоддифий фойда кабиларни киритиш мумкин.

Таҳлил жараёнида қайси кўрсаткичдан қай ҳолатда фойдаланиш ҳам унинг мақсад ва вазифаларига бевосита боғлиқ. Савдо корхонасининг иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш учун унинг самарадорлигини ифодоловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бу кўрсаткичлар тизими назарий ва методологик жиҳатдан биз томондан асосланган ҳамда у ўқув ва амалиётда тегишли синовдан ўтган. Бунга муаллифнинг қуйидаги ишлари[57] мисол бўлади.

Иқтисодий салоҳият тушунчаси, унинг самарадорлигини таҳлил қилиш йўллари муаллиф раҳбарлигида тадқиқотчи Б.И.Исроилов томонидан иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ҳимоя қилинди.[58]

Кўриниб турибдики, савдо корхонаси иқтисодий салохияти, иқтисодий таҳлил фанининг муҳим объекти сифатида олимлар ва амалиётчилар ўртасида тан олинмоқда ва мустақил таҳлилий кўрсаткич сифатида шу фаннинг таркибий қисмидан жой олмоқда. Зеро ушбу кўрсаткичлар ушбу фан бўйича ишлаб чиқилган ўқув дастурига[59] ва бирқанча ўқув қўлланмаси ва маъруза матинларига[60] ҳам киритилган.

---

[57] Пардаев М.К. Молиявий таҳлил муаммолари.// Иқтисод ва ҳисобот, № 1, 1997 -43-45 бетлар, Пардаев М.К. Молиявий таҳлил методологияси.-Самарқанд, СамКИ, 1997,-59-61 бетлар, Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. - Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999., Пардаев М.К. Корхонанинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятини таҳлил қилиш.-Самарқанд, СамКИ, 1998, Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма (1-қисм). - Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001. - 83-89 бетлар, ва х.к

[58] Исроилов Б.И. Акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. - Т., ЎзР Банк Молия Академияси. 1999.

[59] Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил. Ўқув дастури. Самарқанд, СамКИ. 1998

[60] Пардаев М.Қ. Корхонанинг меҳнат потенциали таҳлили. - Самарқанд, СамКИ, 1997. Пардаев М.К. Корхонанинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятини таҳлил қилиш. - Самарқанд, СамКИ, 1998. Пардаев М.К. Корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари. - Самарқанд, СамКИ, 1999 Пардаев М.К. Корхоналар молиявий салоҳияти (потенциали) таҳлили. - Самарқанд, СамКИ, 2000.

Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига, таъкидланганидек, қуйидагилар киради.

-иқтисодий салоҳиятнинг натижавийлиги (Исн);

-иқтисодий салоҳиятнинг даромадлиги (Исд);

-иқтисодий салохиятнинг фойдалилиги (рентабеллиги); (Иср)

Ушбу кўрсаткичлар бир-бири билан узвий боғлиқликда. Шу туфайли таҳлил жараёнида уларни бир-бири билан боғлиқ равишда биргаликда ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун эса қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (14.1.1-жадвал).

14.1.1-жадвал

"Турон" савдо корхонасига қарашли "Қўрғон" кичик корхонасининг иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳисобот йилидаги ҳолати[61]

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати %
1. Ҳажм кўрсаткичлари				
1. Фойда	368,0	496,2	+128,2	134,8
2. Даромад	511,0	711,7	+200,7	139,3
3. Сотилган маҳсулот ҳажми	4583,3	5694,5	+1111,2	124,2
4. Иқтисодий салоҳиятнинг ўртача қиймати.	24795,1	26090,0	+1294,9	105,2
2. Нисбий кўрсаткичлар				
5. Иқтисодий салоҳият рентабеллиги (Исф), % (1 қ:4 қ). 100	1,48	1,90	+0,52	128,4
6. Иқтисодий салоҳият даромадлилиги (Исд) тийин (2қ:4қ).	2,06	2,73	+0,67	132,5
7. Иқтисодий салоҳият натижавийлиги (Исн) тийин (3қ :4қ)	18,48	21,82	+3,34	118,1
8. Иқтисодий салоҳият самарадорлигининг комплекс кўрсаткичи [(5қ.10)+(6қ. 5)+(7қ.1)]	43,58	54,47	+10,89	125.0

[61] "Турон" савдо корхонасисига қарашли "Қўрғон" кичик корхонасининг ҳисоботлари асосида муаллифнинг айрим ўзгартиришлар билан қилинган ҳисоб-китоблари. Ушбу ўзгартиришлар методологик асосни кўрсатиш учун амалга оширилган.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мазкур ўрганилаётган савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлиги ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан анча ошган. Буни унинг барча кўрсаткичларида кузатиш мумкин. Масалан, мазкур корхонада рентабеллик кўрсаткичи ўтган йилга нисбатан 128,4 %ни ташкил қилган бўлса, даромадлари 132,5 %ни, натижа кўрсаткичининг ўсиш суръати эса 118,1 %ни ташкил қилади. Кўриниб турибдики, иқтисодий салоҳият самарадорлигини ифодаловчи барча кўрсаткичлар бўйича ўсиш суратига эга бўлган. Аммо бу умумий яхлит хулоса чиқариш имконини бермайди. Шу учун ушбу кўрсаткичлар тизимига асосан комплекс кўрсаткич ҳажмини аниқлашни лозим. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз.

Искк = (Иср х Кмр) + (Исд х Кмд) + (Иса х Кма);

Бунда: *Искк - иқтисодий салоҳият комплекс кўрсаткичи;*

Кмр - иқтисодий салоҳият рентабеллигининг моҳиятлилик коэффициенти (Кмр = 10)

Кма - иқтисодий салоҳият даромадлилигининг моҳиятлилик коэффициенти (Кма = 5)

Кмқ - иқтисодий салоҳият натижавийлигининг моҳиятлилик коэффициенти (Кмқ = 1)

Ушбу формулани жадвал маълумотларига қўллаш учун ҳар бир кўрсаткичнинг мутлақ миқдорини унинг моҳиятлилик коэффицентига кўпайтирилади ва чиққан натижа жамланади. У ҳолда мазкур савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлигининг комплекси кўрсаткичи ўтган йилда 43,58 га (1,48 х 10 + 2,06 х 5+ 18,48 х 1) ва ҳисобот йилида 57,47 га (1,90 х 10 + 2,73 + 21,82 х 1) тенг эканлигини кўрамиз. Комплекс кўрсаткичининг миқдори ўтган йилга нисбатан 10,89 га ёки 125,0 % га ўсган. Демак, барча кўрсаткич бўйича натижа ҳисобот йилида, ўтган йилга нисбатан ўрта ҳисобда 25,0 % га кўп ўсган.

14.2. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари

Иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим босқичи ва асосий мақсади натижа ўзгаришига алоҳида омиллар таъсирини ҳисоблашдан иборатдир. Бу ерда натижавий кўрсаткич сифатида иқтисодий салоҳият самарадорлигининг ҳар бир кўрсаткичини алоҳида таҳлил қилиш йўлларини ишлаб чиқиш мумкин.

Методологик асос сифатида биз иқтисодий салоҳият рентабеллиги кўрсаткичининг омилли таҳлилга тўхталишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Чунки бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида ҳар бир кўрсаткичнинг фойдалилиги кўрсаткичлар тизимида муҳим ўринни эгаллайди.

Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти рентабеллиги ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- фойданинг даромаддаги ҳиссаси (Фд) - x_1;
- даромаднинг маҳсулот ҳажмидаги ҳиссаси (Дм) - x_2 ;
-иқтисодий салоҳиятнинг натижавийлиги (ИсҚ) - x_3 ;

Ушбу омиллар ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги формула билан ифодаланади :

$$Иср = Фд \cdot Дм \cdot ИсҚ = X_1 \cdot X_2 \cdot X_3 = \sum X_u;\ 3\ u=1$$

Уларнинг бир-бири билан боғлиқлиги 14.2.1-чизмада тасвирланган.



14.2.1-расм. **Иқтисодий салоҳият самарадорлиги ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг ўзаро боғлиқлиги**

Ушбу расмда келтирилган омилларнинг таъсирини таҳлилнинг турли усуллари билан аниқлаш мумкин. Биз таҳлилнинг анъанавий усулларидан бири бўлган занжирли алмаштириш усулини қўллаб ечиш йўлини ишлаб чиқдик. Энг аввало, ушбу кўрсаткичнинг фарқи олинади:

$\Delta У = У^{х} - У^{р} = (X_1^{х} \cdot X_2^{х} \cdot X_3^{х}) - (X_1^{р} \cdot X_2^{р} \cdot X_3^{р})$;

Бунда: $У^{р} = X_1^{р} \cdot X_2^{р} \cdot X_3^{р}$ – омилларнинг режадаги миқдори;

$У^{х} = X_1^{х} \cdot X_2^{х} \cdot X_3^{х}$ - омилларнинг ҳақиқий миқдори.

Ушбу формулага асосан иқтисодий салоҳият рентабеллигининг ўзгаришига учта омил таъсир қилади. Уларнинг таъсири қуйидагича ҳисобланади.

1. Иқтисодий салоҳият рентабеллигининг ўзгаришига фойда суммасининг даромаддаги ҳиссаси ўзгаришининиг таъсири қуйидагича аниқланади:

$\Delta Ух_1 = (X_1^{х} \cdot X_2^{р} \cdot X_3^{р}) - (X_1^{р} \cdot X_2^{р} \cdot X_3^{р})$;

2. Таҳлил қилинаётган натижавий кўрсаткичга даромаднинг маҳсулот ҳажмидаги ҳиссасининг ўзгаришини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$\Delta Ух_2 = (X_1^{х} \cdot X_2^{х} \cdot X_3^{р}) - (X_1^{х} \cdot X_2^{р} \cdot X_3^{р})$;

3.Иқтисодий салоҳият рентабеллиги ўзгаришига унинг натижавийлиги ҳам таъсир қилади. У қуйидагича аниқланади:

$\Delta Ух_3 = (X_1^{х} \cdot X_2^{х} \cdot X_3^{х}) - (X_1^{х} \cdot X_2^{х} \cdot X_3^{р})$;

Барча омиллар таъсири натижа кўрсаткичининг умумий ўзгаришига тенг бўлиши лозим:

$\Delta У = \Delta Ух_1 \pm \Delta Ух_2 \pm \Delta Ух_3$;

Ушбу омилларнинг натижага таъсирини аниқлаш учун олдин омилларнинг миқдори аниқланади. Бунинг учун қуйидаги14.2.1-жадвални тузиш тавсия қилинади.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, иқтисодий салоҳият рентабеллиги таҳлил даврида 0,42 бандга ёки 128,4%га кўпайган. Бунга таъсир қилувчи барча омиллар ҳажми ўтган йилга нисбатан ошган. Жумладан, фойданинг даромаддаги хиссаси ўтган йилга нисбатан 2,30 бандга камайган ёки унинг ўзгариш суръати 96,8 %ни ташкил қилган.Даромаднинг маҳсулот ҳажмидаги хиссаси ўтган йилга нисбатан 1,35 бандга кўпайган ёки унинг ўзгариш суръати 112,1 %ни ташкил қилган.

Иқтисодий салоҳиятнинг натижавийлиги ўтган йилга нисбатан 3,34 бандга кўпайган ёки унинг ўзгариш суръати 118,1 %ни ташкил қилган. Уларнинг натижага таъсири (фойданинг даромаддаги ҳиссасидан ташқари) албатта ижобий бўлган. Аммо қайси омил қай даражада таъсир қилганлигини аниқлаш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (14.2.2-жадвал).

14.2.1-жадвал

"Турон" савдо корхонасига қарашли "Қўрғон" кичик корхонасининг иқтисодий салоҳият самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг миқдорини аниқлаш ҳисоб-китоби[62]

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+, -)	Ўсиш суъратн, %
	Ҳажм кўрсаткичлар				
1	Фойда	368,0	496,2	+ 128,2	134,8
2	Даромадлар	511,0	711,7	+ 200,7	139,3
3	Сотилган маҳсулот ҳажми	4583,3	5694,5	1111,2	124,3
4	Иқтисодий салоҳиятнинг ўртача қиймати*	11795,0	1259,0	+795,0	106,7
	Нисбий кор саткичлар				
5	Фойданинг даромаддаги хиссаси, % (X_1) (1 : 2)	72,02	69,72	-2,30	96,8
6	Даромаднинг маҳсулот ҳажмидаги хиссаси, % (X_2) (2:3)	11,15	12,50	+1,35	112,1
7	Иқтисодий салоҳиятнинг натижавийлиги, % (X_3) (3:4)	18,48	21,82	+3,34	118,1
8	Иқтисодий салоҳият рен-табеллиги, % (У) (1:4)	1,48	1,90	+0,42	128,4

** Ҳисоб-китоблар натижасида аниқланиши бўйича мазкур савдо корхонасининг меҳнат салоҳияти ўртача йиллик қиймати ўтган йилда 2199,7 минг сўмни, ҳисобот йилида 2767,5 минг сўмни ташкил қилган.*

---

[62] "Турон" савдо корхонасига қарашли "Қўрғон" кичик корхонасининг иқтисодий салоҳият самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг миқдорини аниқлаш ҳисоб-китоби муаллиф томонидан амалга оширилди. Айрим рақамлар методологик асосни таъминлаш мақсадида тахрибан олинди.

14.2.2-жадвал

"Турон" савдо корхонасига қарашли "Қўрғон" кичик корхонасининг иқтисодий салоҳият самарадорлигига таъсир этувчи омиллар таъсирини аниқлаш ҳисоб-китоби[63]

№	Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (+,-)	Занжирли алмаштиришлар		
					I	II	III
1	Фойданинг даромаддаги улуши	72,02	69,72	-2,30	69,72	69,72	69,72
2	Даромаднинг сотилган маҳсулотдаги хиссаси, коэффициент	0,1115	0,1250	+0,0135	0,1115	0,1250	0,1250
3	Иқтисодий салоҳиятнинг (салоҳияти-нинг) нати-жавийлиги, коэффициент	0,1848	0,2182	+0,0334	0,1848	0,1848	0,2182
4	Иқтисодий салоҳият (потен циал) рента-беллиги, %	1,48	1,90	+0,42	1,43	1,61	1,90

[63] "Турон" савдо корхонасисига қарашли "Қўрғон" кичик корхонасининг иқтисодий салоҳият самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг миқдорини аниқлаш ҳисоб-китоби муаллиф томонидан амалга оширилди. Айрим рақамлар методологик асосни таъминлаш мақсадида тақрибан олинди

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики мазкур савдо корхонасининг иқтисодий салоҳияти рентабеллиги ошган. Бу ўзгариш қуйидаги омиллар таъсирида содир бўлган:

1.Фойданинг даромаддаги улушининг 2,30% камайганлиги савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти рентабеллик даражасини 0,05% (1,43-1,48) камайтирган.

2.Даромаднинг маҳсулотдаги ҳиссасининг 1,35% кўпайганлиги иқтисодий салоҳият рентабеллигини 0,18% (1,61-1,43) оширган.

3.Иқтисодий салоҳият натижавийлигининг 3,34 % ошганлиги унинг рентабеллик даражасини 0,29% (1,90-2,61) кўпайтирган.

Барча омиллар таъсири савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти рентабеллиги даражасининг умумий ўзгаришига тенг:

- 0,05 + 0,18 + 0,29 = + 0,42

Худди шундай усул билан иқтисодий салоҳият рентабеллиги ўзгаришига бошқа омиллар таъсирини ва ушбу омилларнинг таъсирини бошқа усулларни қўллаган ҳолда ҳам ҳисоблаш мумкин. Ушбу бобда методологик асос бўлиши учун фақат битта кўрсаткичга таъсир қилувчи учта омилни таҳлил қилиш билан чегараландик.

Омилли таҳлил мазкур савдо корхонасида мавжуд бўлган ички имкониятларни (резервларни) ахтариб топиш имконини ҳам беради. Бизнинг мисолимизда таҳлил қилинган натижавий кўрсаткич, яъни ушбу савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти рентабеллигининг миқдори 0,42%га ошган. Аммо унинг янада кўпайиш имконияти бўлган. Масалан, фойданинг даромаддаги улуши 2,30% камайганлиги натижа кўрсаткичини 0,05% камайтириб юборган.Агарда ушбу кўрсаткичнинг миқдори ҳеч бўлмаганда ўтган йилги ҳажмда сақланиб қолганда эди, иқтисодий салоҳият рентабеллиги яна 0,05% ошган бўлар эди.У ҳолда унинг ҳақиқий миқдори 1,90% эмас, балки 1,15 % бўлар эди(1,90+0,05=1,95). Унинг ўтган йилга нисбатан фарқи 0,42% эмас, балки 0,47 % га (0,42+0,05) тенг бўларди. У ҳолда мазкур кўрсаткичнинг ўсиш суръати 128,4% эмас балки 131,8%

$$\left(\frac{1,95}{1,48} \times 100 = 131,8\%\right)$$

ни ташкил қилган бўлар эди.

Кўриниб турибдики омилли таҳлилнинг амалиётда қўлланилиши ҳозирги иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида, нафақат

назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга эга экан. Чунки ушбу усулларни қўллаб ички имкониятларни ахтариб топиш ва улардан амалиётда фойдаланиш мумкин.

Савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлганлиги туфайли, унинг самарадорлик даражаси ҳам ана шу кўрсаткичлар таъсирида шаклланаиди. Ҳозирги шароитда савдо корхонасининг иқтисодий салоҳияти самарадорлигини аниқлаш учун фойда суммасини (Ф) унинг тўла қийматига (Ип) бўлинишини кўрган эдик. Агар унинг қийматини бошқа кўрсаткичлар билан боғлиқ ҳолда қаралса иқтисодий салоҳият рентабеллигига таъсир қилувчи омиллар сони кўпайиши мумкин.

Ушбу кўрсаткичга шу аниқланган омиллар таъсирини ҳисоблаш учун энг аввало, унинг тўлиқ қийматини келтирилган ва жорий харажатлар суммасининг ўзгариши билан боғлиқ омилларни олиш ҳам мумкин.

Иқтисодий салоҳиятнинг самарадорлигига юқорида қайд этилган омилларнинг таъсирини ҳисоблаш учун қуйидаги боғлиқликдан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\frac{Ф}{Ип^{к}} = \frac{Ф}{Ип^{жх}} \times \frac{Ип^{жх}}{Ип^{кх}} \times \frac{Ип^{кх}}{Ип^{к}}$$

Бунда: *Ф - фойда сўммаси*

$Ип^{жх}$ - жорий харажатлар сўммаси:

$Ф / Ип^{жх}$ -иқтисодий потенциал жорий харажатларининг самарадорлиги;

$Ип^{кх}$ - келтирилган харажатлар сўммаси;

$Ип^{жх} / Ип^{кх}$ - иқтисодий потенциал жорий харажатларининг келтирилган харажатлардаги ҳиссаси;

$Ип^{к}$ - иқтисодий потенциалнинг умумий қиймати;

$Ип^{х} / Ип^{к}$ - иқтисодий потенциал келтирилган харажатларнинг умумий қийматидаги ҳиссаси:

Ушбу формуладаги натижани "У" ва омилларни мос равишда X_1, X_2 ваX_3 деб белгиласак у қуйидаги шаклга эга бўлади:

$$У = X_1 \cdot X_2 \cdot X_3 = \sum_{и=1}^{3} X_и \qquad (и=1,3)$$

Ушбу формулага таҳлилда қўлланиладиган анъанавий усулларни ва амалий маълумотларни қўллаб ечилса иқтисодий салоҳият самарадорлигининг ўзгаришига омиллар таъсирини ҳисоблаш мумкин. Иқтисодий салоҳият самарадорлигининг ўзгаришига омиллар таъсирини ҳисоблаш учун занжирли алмаштириш усулини тавсия қиламиз:

1.Иқтисодий салоҳият самарадорлигининг ўзгаришига жорий харажатлар самарадорлигининг таъсирини (Δ $Ух_1$) топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\Delta Ух_1 = (X_1^x \cdot X_2^p \cdot X_3^p) - Ур$$

Бунда: *Р индекси - кўрсаткичнинг режаси;*

Х индекси - кўрсаткичнинг ҳақиқий миқдори.

2. Иқтисодий потенциал самарадорлигининг ўзгаришига жорий харажатларнинг келтирилган харажатлардаги ҳиссаси ўзгаришнинг таъсирини (Δ $Ух_2$) аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади;

$$\Delta У x_2 = (X_1^x \times X_2^x \times X_3^p) - (X_1^x \times X_2^p \times X_3^p)$$

3. Иқтисодий потенциал жорий харажатларининг келтирилган харажатлардаги ҳиссаси ўзгаришининг ($\Delta Ух_3$) таъсирини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади;

$$\Delta Ух_3 = У_1 - (X_1^x - X_2^x \times X_3^p)$$

Барча омиллар таъсири иқтисодий салоҳият самарадорлигининг умумий ўзгаришига тенг бўлади:

$$У = \Delta Ух_1 + \Delta Ух_2 + \Delta Ух_3$$

Ушбу усулнинг амалий жиҳатидан қулайлигини ва амалиётда фойдаланиш мумкинлигини исботлаш учун қуйидаги жадвалдан фойдаланиш тавсия қилинади. Биринчиси, иқтисодий салоҳият самарадорлигини аниқлаш усули (14.2.3 - жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ҳисобот даврида фойда суммаси 134,8 % ёки 128,2 минг сўмга ошган. Иқтисодий салоҳиятнинг умумий қиймати эса ўтган йилга нисбатан 1294,9 минг сўмга ёки 5,2 % га кўпайган. Аммо иқтисодий потенциалга тўғри келадиган келтирилган харажатлар суммаси 39,4 минг сўмга ёки 2,7 % га камайган. Жорий харажатлар суммаси эса 21,2 минг сўмга ёки 6,0 % га ошган. Оқибатда иқтисодий салоҳиятнинг рентабеллиги 0,42 % бандга ва бошқа шу билан боғлиқ бирқанча кўрсаткичларнинг ҳам ошганлиги кўриниб турибди.

14.2.3-жадвал

"Турон" савдо корхонасига қарашли "Кўрғон" кичик корхонасининг ҳисобот даврида иқтисодий салоҳият рентабеллиги ва у билан боғлиқ кўрсаткичларни аниқлаш усули[64]

№	Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (-; +)	Ўсиш суръати
	I. Ҳажм кўрсаткичлари				
1	Фойда суммаси, минг сўм	368,0	496,2	+128,2	134,8
2	Иқтисодий салоҳиятнинг умумий қиймати, минг сўм	24795,1	26090,0	+1294,9	105,2
3	Иқтисодий салоҳи ятга тўғри келадиган харажатлар минг сўм	1468,9	1429,5	+39,4	97,7
4	Иқтисодий салоҳиятнинг жорий хара-жатлари, минг сўм	356,2	377,4	+21,2	106,0
	II. Нисбий кўрсаткичлар				
5	Иқтисодий салоҳи-ятнинг рентабеллиги, % (1к : 2к) х 100	1,48	1,90	+0,42	128,4
6	Иқтисодий салоҳият жорий харажатлари самарадорлиги, % (1к : 4к х 100)	103,30	131,47	+28,17	127,3
7	Иқтисодий салоҳият жорий харажатлари-нинг келтирилган ха-ражатлардаги ҳисса-си, коэфф. (4к: 3к)	0,2425	0,2640	+0,0215	108,9
8	Иқтисодий салоҳият келтирилган харажат-ларининг умумий қийматидаги ҳиссаси, коэфф. (3к:2к)	0,0592	0,0548	-0,0044	92,6

Фақат келтирилган харажатларнинг умумий қийматидаги хиссаси 7,4 % камайган. Бироқ ушбу жадвал маълумотлари иқтисодий салоҳият рентабеллигининг ўзгаришига қайси омиллар қай даражада таъсир қилганлигини тасвирлай олмайди. Шу туфайли омилли таҳлил учун қуйидаги иккинчи жадвалдан фойдаланишни тавсия қиламиз (14.2.4-жадвал).

[64] "Турон" савдо корхонасисига қарашли "Кўрғон" кичик корхонасининг иқтисодий салоҳият самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг миқдорини аниқлаш ҳисоб-китоби муаллиф томонидан амалга оширилди. Айрим рақамлар методологик асосни таъминлаш мақсадида тақрибан олинди.

14.2.4- жадвал

"Турон" савдо корхонасига қарашли "Кўрғон" кичик корхонасининг иқтисодий салоҳият самарадорлигига алоҳида омиллар таъсирининг ҳисоб-китоби[65]

№	Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Фарқи (-,+)	Занжирли алмаштириш		
					I	II	III
1	Иқтисодий салоҳият жорий харажатлари самарадорлиги,%	103,30	131,47	+28,17	131,47	131,47	131,47
2	Иқтисодий салоҳият жорий харажатларнинг келтирилган харажатлардаги хиссаси	0,2425	0,2640	+0,0215	0,2425	0,2640	0,2640
3	Иқтисодий салоҳият келтирилган харажатларнинг умумий қийматидаги хиссаси	0,0592	0,0548	-0,0044	0,0592	0,0592	0,0548
4	Иқтисодий салоҳият рентабеллиги,%	1,48	1,90	+0,52	1,89	2,05	1,90

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, иқтисодий салоҳият рентабеллигининг ошишига қуйидаги омиллар таъсир қилган.

1. Иқтисодий салоҳият жорий харажатлари самарадорлигининг 28,17 бандга ошганлиги иқтисодий салоҳият умумий рентабеллигини 0,41 бандга (1,89 - 1,48) ошишига мувоффиқ бўлди.

2. Иқтисодий салоҳият жорий харажатларининг келтирилган харажатлардаги ҳиссаси ҳам 0,0215 бандга ошган. Бу эса иқтисодий салоҳият рентабеллигининг 0,16 % бандга (2,05 - 1,89) кўпайтирган.

3. Иқтисодий салоҳиятнинг келтирилган харажатларининг умумий қийматидаги хиссаси 0,0044 бандга камайган. Бу омил иқтисодий салоҳият рентабеллигини 0,15 бандга (1,90 - 2,05) камайтирган.

Барча омиллар таъсири эвазига иқтисодий салоҳият рентабеллиги 0,42 бандга (0,41 + 0,16 - 0,15) ошган.

---

[65] "Турон" савдо корхонасига қарашли "Кўрғон" кичик корхонасининг иқтисодий салоҳият самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг миқдорини аниқлаш ҳисоб-китоби муаллиф томонидан амалга оширилди. Айрим рақамлар методологик асосни таъминлаш мақсадида тахрибан олинди.

Ушбу ҳисоб-китоб натижаси ҳам савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти рентабеллигини оширишнинг ички имкониятлари мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу бевосита иқтисодий салоҳият келтирилган харажатлари умумий қийматнинг камайишида номоён бўлмоқда. Келтирилган харажатларнинг шундай юзаки қараганда, кўпайиши салбий оқибатларга олиб келиши мумкиндай кўринади. Аммо келтирилган харажатларнинг кўпайиши иқтисодий салоҳият қийматининг янги яратилаётган маҳсулотга (иш, хизматга) тезроқ кўчаётганлиги ва унинг қопланиш муддатини тезлаштираётганлигидан далолат беради.

Бизнинг мисолимизда иқтисодий салоҳияти келтирилган харажатларининг умумий қийматидаги хиссаси ўтган йилги даражада қолганда эди рентабеллик даражаси яна 0,15 банд ошган бўлур эди. У ҳолда рентабеллик даражасининг ҳақиқий миқдори 1,90 % эмас, балки, 2,05 % ни (1,90 + 0,15) ташкил қилган бўлур эди. Ўтган йилга нисбатан унинг фарқи 0,42 % эмас, балки, 0,57 % га (2,05 - 1,48) тенг бўларди.

Кўриниб турибдики, омилли таҳлил ҳозирги шароитда ички имкониятларни ахтариб топиш учун муҳим иқтисодий дастаклардан бири экан. Шу туфайли унинг назарий ва методологик асосини яратиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирги эркин иқтисодиёт шароитида савдо корхонасининг иқтисодий салоҳиятига кирувчи ҳар бир категориядан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Аммо бу муаммо иқтисодий адабиётларда етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Буни инобатга олиб, иқтисодий салоҳиятнинг таркибий қисмига кирувчи ҳар бир кўрсаткичларни ҳам ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш ҳам ҳозирги кунда ўта долзарбдир. Ушбу масалалар талабалар учун мустақил ўрганишга қолдирилади.

14.3. Савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ошириш йўллари

Ҳар қандай кўрсаткичнинг таҳлилини уни яхшилаш учун хизмат қилмоғи лозим. Бу бевосита савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигига ҳам тегишли. Юқорида қилинган таҳлил натижаси шуни кўрсатмоқдаки, савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим экан.

Биринчидан, савдо корхоналари иқтисодий самарадолигини ошириб бориш учун унинг маҳсулоти (товари, иши, хизмати)ни сотишдан тушадиган **соф тушумни муттасил кўпайтириб бориш** лозим экан. Чунки ушбу кўрсаткичлар бир-бири билан узвий боғлиқ кўрсаткичлардир. Савдо корхонасининг иқтисодий салоҳияти кўпайган сари, унинг кўрсатадиган хизмат сифати ўзгариши билан сотиш ҳажми ҳам ошиб боради ва аксинча. Савдо корхонасининг маҳсулоти (товари, иши, хизмати)ни сотишдан тушадиган соф тушум қанча кўпайса унинг иқтисодий салоҳияти самарадорлиги ҳам шунча ошиб боради. Бунинг учун савдо хизмати сифатини ошириш, рекламани яхши йўлга қўйиш, товарлар ассортиментини *истеъмолчилар талабига мос ҳолда кўпайтириш*, сотишнинг илғор усулларидан, хусусан, уйга ва иш жойларига етказиб бериш каби хизматларни кенгайтириш сингари чоралардан фойдаланишни йўлга қўйишни тақозо қилади.

Иккинчидан, савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ошириш учун унинг **даромадлилигини ҳам ошириш** лозимдир. Даромадлилик, албатта, жуда кўп омилларга боғлиқ. Ижобий натижага эришишнинг ўзи бўлмайди. Шу туфайли бирор нарсага эришиш учун комплекс чораларни кўришни тақозо қилади. Бундай тадбирларга аҳолининг талаб қилган товарларини етказиб келишга эришиш, товарни *имкон қадар* биринчи қўлдан олиш ва арзонроққа сотишни ташкил қилиш эвазига унинг сотилишини кўпайтириш, харидорларни кўплаб жалб қилиш бўйича тегишли чораларни ишлаб чиқиш, тежамкорлик режимини жорий қилиш кабиларни киритиш мумкин. Шундай қилиб, савдо корхонасининг даромадлилигини ҳам турли омилларни ишга солган ҳолда ошириб бориш лозимлигини талаб этади.

Учинчидан, савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ошириш учун унинг **фойдаси ва рентабеллигини ҳам ошириш** лозимдир. Бозор муносабатлари шароитида савдо корхонасининг фойдаси ошмас экан, унинг келажаги бўлмайди. Бунга эришиш учун эса, биринчи галда, қаттиқ тежамкорлик режимига аҳамият бериш лозим. Тежамкорик – бу хасислик эмас. Харажат қилинмаса фойда бўлмайди. Аммо қилинадиган ҳар бир сўм харажатни мақсадга мувофиқ ҳолда сарфлашни тақозо қилади. Бу эса савдо корхонаси раҳбаридан нафақат иқтисодий механизмларни, балки бозор муносабатларининг бошқа сирларини ҳам яхши билишини тақозо қилади. Энг эътиборли жиҳатлардан бири, савдо корхонасининг ҳар бир ҳаракатидан фойда олишга

эришиш механизми ишлаб туриши керак. Қандайдир фаолиятдан зарар қилиб, иккинчи фаолият ҳисобидан уни ёпиб фойдага эришиш самарали фаолият эмас. Шу туфайли ҳар бир савдо корхонасида тижорат ишлари билан бирга иқтисодий ишларга ҳам катта эътиборни қаратишга тўғри келади. Яна бир жиҳат савдо соҳасининг меҳнат унумдорлигини ошириб бориш ҳам унинг соф фойдасининг кўпайиб боришини таъминлайди.

Тўртинчидан, савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ошириш учун барча маблағлардан, уларнинг таркибий қисми бўлган, **асосий воситалар ва ресурсларнинг ҳам самарадорлигини ошириш** лозимдир. Улардан бири савдо корхонасининг асосий воситаларидир. Савдо корхонасига келтирилган асосий воситалар биринчи галда, ўз вақтида ўрнатилиб, ўз вақтида ишга туширилишини таъминлаш лозим. Ҳозирги шароитда, барча соҳалар сингари савдо соҳасида ҳам модернизация жараёни кескин ривожланмоқда. Савдонинг илғор усуллари пайдо бўлмоқда. Булар янги техника ва технологияларнинг жорий қилинишини ҳам тақозо қилмоқда. Аммо алмаштирилган эски савдо жиҳозларининг кўпи ҳали яроқли бўлиши мумкин. Шу туфайли уларни имкон қадар сотиш ёки касаначилик йўли билан аҳолига бериб ишлатиш чораларини кўриш лозим. Ҳеч маҳал асосий воситаларнинг бекор туришига йўл қўймаслик керак. Савдо соҳасига хизмат қиладиган бошқа ресурс ва ашёларни ҳам самарали ишлатиш йўлларини кўришга тўғри келади. Чунки улар ҳам пулга сотиб олинган бўлади. Сарф қилинган ҳар бир сўм маблағ қайси соҳа бўлишлигидан қатъи назар, маълум даражада самара келтириши керак.

Бешинчидан, савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ошириш бевосита **айланма маблағлардан ҳам самарали фойдаланишни** тақозо қилади. Айланма маблағларнинг таркибини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга. Имкон қадар айланма маблағлар таркибида дебитор қарзларни кўпайтирмаслик лозим. Товар-моддий захиралар (ТМЗ)нинг айланувчанлик коэффициентини оширишга эришиш учун уларнинг таркибини ҳамиша инвентаризация қилиб туриш, муддати яқинлашган товарларни эртага нобуд қилмасдан, бугун арзон нархга бўлса ҳам сотиш чораларини кўриш керак бўлади. Ликвид маблағларни кўпайтириш ҳам савдо корхоналари иқтисодий самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан биридир. Товарларни реклама қилишни йўлга қўйиш, уларнинг ассортиментини доимий равишда кенгайтириб

бориш, диверсификация жараёнларига ҳам ҳар томонлама эътиборни қаратиш, сотиш майдони ва кўламини кенгайтириш каби тадбирлар ҳам айланма маблағлар самарадорлигининг муттасил ошиб боришини таъминлайди.

Олтинчидан, савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ошириш бевосита **номоддий активлардан ҳам самарали фойдаланишга** боғлиқ. Бозор муносабатлари шароитида номоддий активларнинг роли ва аҳамияти йилдан-йилга кескин ошиб бораётганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу активлар ичида товар белгилари, рухсатнома (лицензия)нинг қиймати, фирманинг нуфузи каби кўрсаткичларнинг ошиши савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ошириши тайин. Шу туфайли савдо корхонаси раҳбари ва барча бўғин менежерлари ушбу масалага катта аҳамият беришлари лозим. Агар савдо корхонасининг нуфузи унинг ҳамкорлари олдида тушиб кетгудай бўлса, уни қайта тиклаш учун кетган харажат, шу нуфузни ушлаб туришга кетган харажатдан ўнлаб кўп бўлиши мумкин. Озгина фойда эвазига савдо корхонаси нуфузини тушурмаслик лозим. Ҳар қандай муносабатда, биринчи галда савдо корхонаси манфаати билан бирга, унинг нуфузини ҳам ўйлаб иш кўриш мақсадга мувофиқ. Яна бир эътиборли жиҳат, савдо корхонаси хизмат кўрсатиш соҳасига кирганлиги туфайли, биринчи галда ҳаридорнинг манфаати билан ҳисобашишга тўғри келади. Қачон уларнинг эҳтиёжи қондирилишига хизмат қилинсагина улар пулларини шу савдо корхонасига қўйиши мумкин. Ҳозир савдо корхоналари ўртасида кескин рақобат муҳити шаклланди ва ривожланмоқда. Бундай шароитда ҳар бир корхона сингари савдо корхоналари ҳам ўз нуфузини сақлаб қолиш чораларини кўришни тақозо қилади. Шундагина савдо корхонасининг иқтисодий салоҳияти самарадорлигининг муттасил ошиб бориши таъминланади.

Еттинчидан, савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ошириш бевосита унда **банд бўлган ходимлар ёки меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни** ҳам тақозо қилади. Бозор мносабатлари шароитида ҳар бир ходим ўз вазифасини юқори савияда бажаришлари лозим. Шундагина меҳнатнинг самарадорлигига эришилади ва бу орқали савдо корхонасининг иқтисодий салоҳияти самарадорлиги ҳам юқори бўлади. Бу бевосита кадрларни танлаш ва ўз жойига қўйишга боғлиқ. Ҳар бир кишининг малакаси ва ўз иши бўйича тажрибаси ва билими бўлиши керак. Бозор муносабатлари шароитидаги

кадрларнинг фақат ишчанлиги камлик қилади. Улар узоқни ўйлайдиган, ишга ижодий ёндошадиган, самарали фаолият кўрсатиши учун нима қилишини биладиган, ўз ишни такомиллаштириш учун курашадиган ва шунга яраша маҳнат ҳақи оладиган ходимлар бўлишлари лозим. Бозор мносабатларига асосланган иқтисодиёт боқимандалик билан келиша олмайдиган иқтисодиётдир. Самарали иқтисодиёт деганда ходим қанча самарадор бўлса, шунча рағбатлантириладиган иқтисодиётдир. Шунга эришилсагина катта самарадорликка эришилади. Савдо ходимларининг ҳар бир самарали меҳнати, унинг савдо корхоналари самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган ташаббус ва таклифлари рағбатлантириладиган бўлиши керак. Ходимларни тўғри рағбатлантириш катта мувоффақиятлар калити. Чунки ҳар бир инсонда жуда катта куч ва имкониятлар яшириниб ётган, юзага чиқмаган бўлади. Уларни ишга солиш учун мотивация керак. Бунга уларнинг меҳнатини тўғри рағбатлантириш орқали эришилади.

Шундай қилиб мазкур ишда бир қанча илмий янгиликларга ҳам эришилди, деб ўйлаймиз. Булар қуйидагиларда ўз аксини топган. Хусусан, ўқув қўлланманинг 12-14 маърузаларида:

- савдо корхоналари иқтисодий салоҳиятининг тушунчасига изоҳ берилиб, унинг янги таърифи ишлаб чиқилди;
- бозор муносабатлари шароитидан келиб чиқиб, савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти яхлит ҳолда барча йўналишлари билан биргаликда ўрганилди;
- меҳнат ресурслари меҳнат салоҳияти тушунчаларига аниқлик киритилди, энг муҳими, уларни пулда ифодалашнинг иккита йўли кўрсатиб берилди;
- савдо корхоналари иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига аниқлик киритилди, уларни аниқлаш йўллари ҳам кўрсатиб берилди;
- савдо корхоналари иқтисодий салоҳиятига таъсир қилувчи омиллар тизими ва уларни аниқлаш йўллари ишлаб чиқилди;
- омилли таҳлил асосида савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини оширишнинг ички ва ташқи имкониятлари очиб берилди.

Савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини баҳолаш ва уни барқарор равишда ошириш бўйича мазкур ишда баён этилган тадқиқот натижалари нафақат назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга ҳам эга. Чунки ушбу соҳа бўйича ишлаб чиқилган ва таклиф қилган тавсиялар ўқув адабиётларини мазмунан

бойитишга, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда тўлдиришга, уларнинг ДТСга мослигини таъминлашга хизмат қилиш билан бирга, савдо корхоналарининг иқтисодий салоҳияти самарадорлигини оширишнинг ички ва ташқи имкониятларини топиш ва ишга солиш йўлларини ҳам кўрсатиб беради.

Таянч иборалар: *Самарадорлик, савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлиги, кўрсаткичлар, таҳлил, омиллар, савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти ўзгаришига таъсир этувчи омиллар, омилларни аниқлаш йўллари, ички имкониятлар, бошқарув қарорлари.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлиги.
2. Ушбу категорияни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг турлари.
3. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлиги таҳлил қилиш йўллари.
4. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти ўзгаришига таъсир этувчи омиллар.
5. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш йўллари.
6. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ошириш йўллари
7. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятини омилли таҳлил қилиш натижасида ички имкониятларни ахтариб топиш йўллари.
8. Савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ошириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш.

XV боб. САВДО КОРХОНАЛАРИ АСОСИЙ ВОСИТАЛАРИ, УЛАРНИНГ МАЗМУНИ, ТАРКИБИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

15.1. Савдо корхоналарида асосий воситалар, уларнинг таркиби ва мазмуни

15.2. Савдо корхоналарида асосий воситаларни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари

15.3. Савдо корхоналарида асосий воситалар самарадорлиги, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар, аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари

* * *

15.1. Савдо корхоналарида асосий воситалар, уларнинг таркиби ва мазмуни

Асосий фондлар моддий ресурсларнинг бир қисмини ташкил қилади. Улар савдо корхоналари фаолиятида ишлатиладиган меҳнат куролларининг қийматидан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш шаклларига бўлинади.

Бухгалтерия ҳисобига мувофиқ асосий фондларга ишлатиш даври бир йилдан юқори бўлган, моддий активлар қиймати киради. Бундан келиб чиқадики, асосий фондалрни натурал-моддий кўриниши фаолият жараёнида кўп йиллар хизмат қилади, яъни шакли ўзгармайди ва ўз қийматини қисман товар қийматига ўтказиб беради.

Шундай қилиб, асосий фондлар – савдо жараёнида узоқ муддат, кўп маротабалаб иштирок этадиган, ўз қийматини товарларга қисман ўтказиб турадиган меҳнат куролларини қийматининг пулдаги ифодасидир.

Савдо корхоналарида асосий фондларнинг натурал-моддий таркиби (элементлари) 14 та 275аш гуруҳ бўйича тавсифланади.

Ишлаб чиқаришга тааллуқли асосий фондларга савдо корхоналарида тўғридан-тўғри товарларни ишлаб чиқаришдан

истеъмолчига етказишда, олди-сотди жараёнини ва савдо хизматлари амалга оширишда қатнашадиган меҳнат қуроллари киради.

Ноишлаб чиқаришга тааллуқли асосий фондлар таркибига савдо корхонасига тааллуқли маъмурий ва илмий-тадқиқот ташкилотларга қарашли бинолар, иншоотлар, жиҳозлар, уй-жой, коммунал хўжалиги, клублар, стадионлар, боғчалар, санаториялар, поликлиника, шифохоналардаги меҳнат қуроллари киради.

Асосий фондлар олди-сотди ва савдо хизмати жараёнларида ўзини натурал-моддий шаклини сақлаб қолган ҳолда, кўп мароталаб, узоқ муддатда хизмат қилиши, ўз қийматини аста-секин товар қийматига ўтказиши, қийматини айланиш хусусияти (аста-секин истеъмол қилиниши ва бир вақтда шаклан ўзгариши) билан айланма фондлардан кескин фарқ қилади.

Шу сабабли товар ресурслари, пул маблағлари асосий фонд бўла олмайди.

Асосий фондалр фаол (актив) ва пассив меҳнат қуролларига бўлинади.

Асосий фондлар – мулк шаклига, ишлаб чиқаришга алоқаси, аммортизацияга нисбатан, амортизация нормасига биноан ва солиққа тортилишига нисбатан тавсифланади.

1. Мулкка нисбатан – хусусий ва арендаланган.
2. Ишлаб чиқаришга қатнашиши бўйича – ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш (савдода ишлаб чиқаришга – савдога олди-сотдига тааллуқли қуроллар ва ноишлаб чиқаришга – маъмурий бинолар, иншоотлар, жиҳозлар, уй-жой, коммунал хўжалиги, клублар, стадионлар, боғчалар, шифохоналар).
3. Амортизацияга нисбатан – амортизацияланувчи ва амортизация қилинмайдиган. Охиргисига – ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, кутубхона фонди, кўп йиллик экинлар, ўрнатилмаган жиҳозлар, консервация қилинган воситалар (ЎзРВМ қарори асосида), тўла амортизацияланган воситалар.
4. Амортизация нормаларига қараб.

Асосий фондлар баҳоланиши – бошланғич қиймати, тикланиш қиймати, қолдиқ қиймати бўйича баҳоланади.

Бошланғич қиймати – асосий фондни сотиб олиш қиймати, уни ташиш, ўрнатиш, монтаж, ишлатиш учун ишчиларни ўқитиш

харажати, бож харажатлар ва ҚҚС (қўшимча қиймат солиғи) йиғиндиси.

Тиклаш қиймати – бошланғич қиймати қайта баҳолаш ҳисоби билан ва кенгайтириш, реконструкция қилиш ва модернизация қилиш учун кетган харажатлар йиғиндиси.

Қолдиқ қиймати – бошланғич қийматидан амортизация жамғармасини ажратиб ташлангандан қолган қисми.

Асосий фондларни ишлатишда уни эскириши кўрсаткичи ишлатилади. Бу кўрсаткич асосий фондларни бирор бир даврида товарларга ўтказилган истеъмол қиймати билан белгиланади.

Асосий фондларни эскириши икки хил тарзда бўлиши мумкин.

Биринчидан, жисмоний эскириш, уларни техник ишлатилиш хусусиятини ишлаб чиқариш жараёнида ёки табиий шарт-шароитлар натижасида йўқолиши, емирилиши натижасида рўй беради.

Иккинчидан, руҳан эскириш, яъни илмий-техник тараққиёт натижасида ишлатилаётган асосий фондларга нисбатан қудратлироқ, унумдорлироқ янги меҳнат куролларини яратилиши натижасида эскиларини ишдан чиқарилиши тушунилади.

Амалиётда асосий фондларни жисмоний эскириш даражаси амортизация кўчирмаси миқдори билан белгиланади.

Асосий фондларнинг амортизация кўчирмаси – бу хусусий асосий фондларнинг эскириш қийматининг пулдаги ифодасидир.

Амортизация пул шаклида тўпланиб борилади ва асосий фондалрни янгилаш, капитал таъмирлаш учун ишлатилади. Асосий фондларни жорий ва капитал таъмирлаш даврида ва ишлатилмай турган даврида амортизация кўчирмалари амалга оширилмайди. Амортизация фақат хусусий асосий фондлардан кўчирилади.

Асосий фондларни амортизация қиймати (суммаси) муомала (давр) харажатлар таркибига киритилади.

Амортизация нормалари асосий фондларнинг бошланғич (баланс қиймати) қийматига нисбатан фоиз миқдорида белгиланади.

Асосий фондларни эскиришини қисман тиклаш уларни жорий таъмирлаш муомала (давр) харажатлари таркибида, капитал таъмирлаш амортизация фондида ўз аксини топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш жараёнида унинг қиймати қуйидагича ўзгариб боради:

Бошланғич қиймати	-	эскириш қиймати, яъни амортизация	=	қолдиқ қиймати	-	эскириш қиймати	=
= қолдиқ қиймати	-	эскириш қиймати	=	- - - - «П» йил	-	янгиланиши

Меҳнат қуролларининг бошланғич қиймати жорий баҳоларда ҳисоб-китоб қилинади. Шу сабабли асосий фондларни тикланиш қиймати ҳисобланади.

Бошланғич қиймати $Ж_{рт}$ + кенгайтириш, реконструкциякилиш, модернизация қилиш харажаталри = тикланиш қиймати.
Бу ерда: $Ж_{рт}$ – баҳо ва тарифлар индекси

Тикланиш қиймати асосий фондларни қайта баҳолаш тўғрисидаги ҳукумат қарорлари асосида белгиланади.

Асосий фондларни ишлатиш жараёнидан келиб чиқиб, уларни истеъмол қилинган ва истеъмол қилинмаган қисмларга ажратиш мумкин.



15.2. Савдо корхоналарида асосий воситаларни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари

Савдо корхоналари фаолиятини ривожланиш тенденцияларини, асосий фондларини иқтисодий самарадорлигини ўлчаш ва баҳолаш учун иқтисодиётга тааллуқли фанларда ва иқтисодчилар ўртасида кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарурлиги тўғрисида инкор қилинмайдиган, ягона фикр мавжуд. Лекин кўп ҳолларда асосий

фондлар билан боғлиқ барча кўрсаткичлар, уларнинг самарадорлиги кўрсаткичлари деб ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, асосий фондларнинг кўрсаткичларини қуйидаги гуруҳларга бўлиши мақсадга мувофиқроқ бўлади:

- асосий фондларнинг ҳолатини англатувчи кўрсаткичлар;
- савдо корхоналари асосий фондлар билан таъминланганлигини билдирувчи кўрсаткичлар;
- асосий фондлар таркибидаги ўзгаришларни англатувчи кўрсаткичлар;
- асосий фондларни динамикаси ва ривожланиш тенденциялари кўрсаткичлари;
- асосий фондларни ишлатилишининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари.

Асосий фондларни ҳолатини англатувчи кўрсаткичлар

1. Асосий фондларни бирор-бир муддатга ҳолати, бошланғич қиймати ва қолдиқ қиймати бўйича даврнинг бошига ва охирига (М: 1- январ, 1- апрел, 1- июл, 1- октябр, 1- январ келгуси йилга) ҳисобга олинади.

2. Асосий фондларни ҳисобот даврга янгиланиши (янгисини келтирилиши, ишга туширилиши) ва ишдан чиқарилиши (маънавий ва жисмоний ишдан чиқиши).

3. Асосий фондалрни ўртача йиллик қиймати. Ушбу кўрсаткичлар ўртача хронологик кўрсаткич орқали аниқланади.

$$\overline{X} = \frac{\frac{x_1}{2} + x_2 + x_3 + \ldots + x_{n-1} + \frac{x_n}{2}}{П - 1}$$

Бу ерда:

$x_1 - x_n$ лар ҳар ой бошидаги ва охиридаги асосий фондлар қиймати (асосий фондларни киритиш ва чиқарилиши ойнинг 15 кунигача амалга ошган бўлса, ушбу ой ҳисобига, кейин бўлса, келаси ой ҳисобига киритилади).

$\overline{X}$ - асосий фондларни ўртача қиймати.

«х» - белгиси ўрнида «Аф» - асосий фондалр белгиси ишлатилиши мумкин.

4. Асосий фондларни (Аф) савдо корхонасининг (ташкилотининг) барча ресурслардаги (Бр) ҳиссаси, фоиз ҳисобида (x_1):

$$x_1 = \frac{Аф x 100}{Бр}$$

5. Асосий фондлар таркибида фаол (актив) ва пассив қисмларининг ҳиссаси (X_2; X_3):

$$X_2 = \frac{Аф ф x 100}{Аф} \quad X_3 = \frac{Аф п x 100}{Аф}$$

6. Асосий фондларда унинг алоҳида гуруҳларини (ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш) ҳамда натурал-моддий элементларини ҳиссаси, фоиз ҳисобида, масалан: ишлаб чиқариш асосий фондларини (Аф.и.ч) ҳиссаси

$X_4 = \frac{Аф.и.ч x 100}{Аф}$ ёки транспорт воситаларини (Аф.тр.) ҳиссаси

$X_5 = \frac{Аф.тр x 100}{Аф}$ ва ҳоказолар бўйича.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар қатори асосий фондларни ҳолатини англатувчи кўрсаткичлар сифатида савдо шохобчалари умумий сони, уларнинг майдони, турларини (супермаркет, универмаг, магазин ва ҳ.к.) сони кабилар ишлатилиши мумкин.

Савдо корхоналарини асосий фондлар билан таъминланганлигини билдирувчи кўрсаткичлар

1. Савдо ходимларини асосий фонд билан таъминланганлиги коэффициенти ($Ут_1$), жумладан, актив қисми билан ($Ут_2$)

$$У_{т1} = \frac{А ф}{Х_{с.р}} \qquad У_{т2} = \frac{А ф ф}{Х_{с.р}}$$

2. Савдо шохобчаларини сони ва майдонини 1000 кишига (таъминланадиган аҳолининг сонига нисбатан) тўғри келиши. Улгуржи савдода ўртача товар захираларини 1 кв.м омбор майдонига тўғри келиши кўрсаткичи ишлатилиши мумкин.

3. Асосий фондларни ичида корхона мулкини ҳиссаси, яъни хусусий асосий фондларни жами асосий фондларга нисбати, фоиз ҳисобида.

$$Аф_{х.х} = \frac{Аф_х x 100}{Аф}$$

4. Мавжуд асосий фондларни корхонанинг унга бўлган эҳтиёжига (бизнес режада кўрсатилган миқдори) ($Аф_{эх}$) нисбатан, фоиз ҳисобида (Эхт)

$$ЭХ_т = \frac{Аф x 100}{Аф_{эх}}$$

Ушбу кўрсаткич асосий фондларнинг элементлари бўйича ҳам ҳисоб-китоб қилиниши мумкин, айниқса, техник воситалар билан таъминланганлиги асосий аҳамиятга эга.

5. Асосий фондларни ўсиш коэффициенти ($К_{аф.у}$)

$$К_{аф.у} = \frac{АФ_я - АФ_ч}{АФ}$$

6. Асосий фондларни инвестицияланиш коэффициенти ($К_{ин}$)

$$К_{ин} = \frac{ИН}{АФ_я}$$

Бу ерда: «ИН» инвестиция, капитал маблағ суммаси.

Асосий фондларни таркибидаги ўзгаришларни англатувчи кўрсаткичлар

1. Асосий фондларни чиқиш коэффициенти ($К_{аф.ч}$)

$$К_{аф.ч} = \frac{АФ_ч}{АФ}$$

Бу ерда: «$АФ_ч$» ҳисобот даврида чиқарилган асосий фондлар.

2. Асосий фондларнинг янгилаш коэффициенти ($К_{аф.я}$)

$$К_{аф.я} = \frac{АФ_я}{АФ}$$

Бу ерда: «$АФ_я$» янгидан ишга туширилган асосий фондлар.

3. Асосий фондларни эскириш коэффициенти ($К_{аф.э}$)

$$К_{аф.э} = \frac{А}{АФ}$$

Бу ерда: «А» амортизация суммаси.

4. Асосий фондларни яроқлилик коэффициенти ($К_{аф.я}$)

$$К_{аф.я} = \frac{АФ - А}{АФ} = ёки = 1 - К_{аф.э}$$

Асосий фондларни динамикаси ва ривожланиш тенденциялари кўрсаткичлари

Ушбу кўрсаткичлар асосий фондларни юқорида келтирилган барча кўрсаткичлари бир неча йилларга динамик қаторларга чизиб, таҳлил қилиш орқали аниқланади. Бунда солиштириш, гуруҳлаш орқали фоиз ва индексларни ишлатиш мумкин, натижада асосий фондалрни ривожланиш тенденциялари аниқланади.

15.3. Савдо корхоналарида асосий воситалар самарадорлиги, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар, аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари

Самарадорлик «Эффект» тушунчасини англатади. «Эффект» лотинча «еффестус» сўзидан келиб чиқиб, бажарилиш, ҳаракат, деган мазмунни билдиради.

Иқтисодиётда «Харажатлар», «Ресурслар», «Натижа», «Самара» каби тушунчалар ишлатилади.

«Харажатлар» ва «Ресурслар» бир-бири билан диалектик боғлиқликда бўлиб, уларни бир томондан, умумий ўхшашлик томонлари мавжуд ва иккичи томондан бир-бири билан фарқлари ҳам мавжуд. Ўхшашлиги ресурслар ишлатилади ва «харажат» категориясига айланади. Фарқи эса харажатлар ҳисобот даврида ишлатилган (маҳсулот ишлаб чиқариш, уларни сотиш учун ёки хизмат учун) ресурсларни пулдаги ифодасидир. Ресурслар, айниқса, асосий фондлар, ишлаб чиқариш, сотиш, хизмат жараёнида узоқ муддатда ва кўп маротаба қатнашади. Бундай ҳолда ресурсларни бир қисми харажатланади ва маҳсулотга ўз қийматини қисман ўтказади. Бунда ресурслар харажати сифатида амортизация суммаси ўз ифодасини топади ва харажаталр ишлатилган ресурслар қийматига тенг бўлади.

«Самарадорлик» нисбий меъёр бўлиб, нисбий кўрсаткичлар тизими орқали баҳоланади. Иқтисодий самарадорлик – бу натижа билан харажатларнинг солиштирма кўрсаткичидир. Ресурслар самарадорлигини аниқлашда ишлатилган (харажат қилинган) ресурсларни фаолият натижаси (маҳсулот, товар сотиш, хизмат), яъни ишлаб чиқарилган маҳсулот, товар айланиш ҳажми, хизмат қиймати ёки даромад, фойда каби кўрсаткичлар билан солиштирилади.

Ушбу нуқтаи назардан кўпчилик иқтисодчилар асосий фондларни самарадорлигини «Фондларни қайтими», «Фондларни сиғима», «Фондларни рентабеллиги» каби кўрсаткичлар орқали аниқлашда тавсия қилишади. Амалиётда ҳам асосан, ушбу кўрсаткичлар ишлатилади. Уларни аниқланиш тартиби қуйидаги 16.3.1-чизмада келтирилган.

15.3.1-чизма.

Асосий фондларни самарадорлиги кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичларнинг номи	Кўрсаткичнинг мазмуни	Кўрсаткични ҳисоблаш усули (формуласи)
1	Асосий фондни қайтими (АФқ)	1 сўм асосий фондга қанча товар айланиши (чакана, улгуржи, умумий овқатланишни) тўғри келишини англатади (ТА)	$АФ_к = \frac{ТА}{АФ}$
2.	Асосий фондлар сиғими (АФс)	Асосий фондларни қайтимини тескариси, яъни 1 сўм товар айланишига қанча асосий фонд тўғри келишини кўрсатади.	$АФ_с = \frac{АФ}{ТА}$
3.	Асосий фондлар рентабеллиги, % (АФр) ҳисобида	Асосий фондларнинг 1 сўмига неча фоиз фойда тўғри келишини кўрсатади	$АФ_р = \frac{Фх100}{АФ}$

Асосий фондлар рентабеллиги кўрсаткичи билан бир қаторда «Асосий фондлар даромадлиги» кўрсаткичи ҳам аниқланиши мумкин. Бу ҳолда «Фойда» ўрнига «Даромад» суммаси ишлатилади.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар корхонанинг барча, мавжуд асосий фондларини самарасини англатади. Аслида эса фондларнинг бир қисми ишлатилади.

Биз юқорида келтирилган «Самарадорлик» тушунчасидан, яъни сарфланган (ишлатилган), истеъмол қилинган асосий фондларни самарасидан келиб чиқсак, асосий фондларнинг барча суммасини эмас, унинг сарфланган (ишлатилган) истеъмол қилинган қисмини ишлатилса, ҳақиқатга яқинроқ кўрсаткич аниқланган бўлади.

Асосий фондларнинг сарфланган қисми унинг «амортизацияси»да ўз аксини топади 283ш у сабабли «Асосий фондлар» ўрнига «амортизация» (А) суммасини ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Истеъмол қилинган асосий фондларни қайтими ($АФ_{и.к}$) қуйидагича аниқланади:

$$АФ_{и.к} = \frac{ТА}{А}$$

Асосий фондлар сиғими эса ($АФ_{и.с}$) қуйидагича аниқланади:

$$АФ_{и.с} = \frac{А}{ТА}$$

Асосий фондлар рентабеллилиги ($АФ_{и.р}$):

$$АФ_{и.р} = \frac{Фх100}{А}$$

Асосий фондлар самарадорлигини таҳлил қилишда юқорид келтирилган кўрсаткичлар билан бирга қуйидагиларни ҳам ишлатишни тавсия қиламиз.

Чакана савдода чакана савдо шохобчалари савдо майдонини ишлатилиш коэффициенти ($К_с$)

$$К_э = \frac{ЧТА}{S_c}$$

Ушбу кўрсаткич 1 кв.м савдо майдонига қанча чакана товар айланиши тўғри келишини англатади.

Улгуржи савдода омборлар майдони ва улгуржи омбор товар айланиши ишлатилади.

Худди шундай чакана товар айланиши (улгуржи омбор товар айланиши) кўрсаткичлар ўрнига фойда «Ф» ишлатилса майдонларни рентабеллиги аниқланади.

Таянч иборалар: *ресурс, ер, капитал, меҳнат, моддий ресурслар, номоддий активлар, меҳнат ресурслари, молиявий ресурслар, асосий фондлар, амартизация, бошланғич қиймат, тиклаш қиймати, қолдиқ қиймат, самарадорлик, самара.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Ресурс деганда нимани тушунасиз?
2. Ресурслар қандай турларга бўлинади?
3. Ишлаб чиқариш омиллари нималардан иборат бўлади?
4. Табиий ресусларга нималар киради?
5. Асосий фондлар деганда нимани тушунасиз?
6. Асосий фондлар таркибини айтинг?
7. Асосий фондлар таснифини айтинг?
8. Асосий фондлар қандай баҳоланади?
9. Амартизация нима, қандай аниқланади?
10. Асосий фондлар кўрсаткичлар қандай гуруҳларга бўлинади?
11. қандай кўрсаткичлар асоссий фондлар ҳолатини англатади?
12. Асосий фондлар билан савдо корхоналари таъминланганлик даражаси қандай аниқланади?
13. Асосий фондлар таркиби қандай кўрсаткичлар орқали ҳисоб китоб қилинади.

XVI боб. САВДО КОРХОНАЛАРИ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИ, УЛАРНИНГ МАЗМУНИ, ТАРКИБИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

16.1. Савдо корхоналари айланма маблағлари, уларнинг таркиби ва мазмуни

16.2. Савдо корхоналари айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари

16.3. Савдо корхоналари айланма маблағлар самарадорлиги, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар, аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари

* * *

16.1. Савдо корхоналари айланма маблағлари, уларнинг таркиби ва мазмуни

Савдонинг айланма фондлари деганда, муомаладаги меҳнат предметлари ва айрим ишлатилиш муддати 1 йилгача бўлган меҳнат қуроллари қийматининг пулдаги ифодаси тушунилади. Айланма фондларга айрим кассадаги ва ҳисоб рақамларидаги молиявий муносабатлар билан боғлиқ бўлган маблағлар ҳам киритилади.

Бозор муносабатлари шароитида чет эл назарияси ва амалиёти иқтисодиётга кириб келаётган даврда, халқаро бухгалтерия ҳисоб стандартлари ва миллий ҳисобот тизимини амалиётда қўлланилиши муносабати билан «Айланма фондлар» «Айланма маблағлар» терминлари ўрнига «Айланма капитал» ёки «Айланма активлар» кириб келди. Юқорида келтирилган тушунчалар мазмунан бир хил бўлиб, фақат бошқача терминлар билан аталмоқда. Шу сабабли биз бундан буён ушбу категорияни мазмунидан келиб чиқиб, «Айланма маблағлар» терминини ишлатишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Айланма маблағлар ўз қиймат мазмунига биноан, муомала сфераёнига зарур бўлган меҳнат предметлари, ишлатилиш муддати бир йилгача бўлган меҳнат қуролларини сотиб олиш учун зарур бўлган пул таъминотидир.

Айланма маблағлар натурал-жисмоний кўриниши нуқтаи назаридан жорий молиявий-хўжалик фаолиятини таъминлайдиган ва бир йилгача бўлган даврида истеъмол қилинадиган моддий бойликларни ўзида мужассамлаштиради.

Айланма маблағларнинг манбалари бўлиб корхонанинг ўз маблағлари, қарзга олинган маблағлар ва жалб этилган маблағлар ҳисобланади.

Корхонани ташкил топишда айланма маблағлар унинг таъсисчилари маблағи ҳисобидан шаклланади (устав фонди), кейинчалик уни тўлдириш корхона фойдаси, жалб қилинган маблағлар (пассивлар) ҳисобидан тўлдирилади.

Айланма маблағлар асосий фондлардан фарқли бўлиб, улар муомала жараёни бир циклида тўла истеъмол қилинади ва ўз қийматини товарлар ва савдо хизматлари қийматига тўла ўтказади.

Айланма маблағларни ликвидлик даражаси жуда юқори, айрим таркибларини ликвидлиги қарийб «1»га тенг бўлади.

Савдо жараёнида айланма маблағлар бир турдан иккинчи турга айланиб туриши мумкин.

Айланма маблағлар доимий ҳаракатда бўлади. Улар савдо жараёнининг бир циклида такрор ишлаб чиқарилади.

Ишлаб чиқарувчилар ёки воситачилардан товарни сотиб олишда савдонинг айланма маблағлари ишлаб чиқарувчилар ёки воситачиларнинг айланма маблағига айланади, савдога улар товар шаклида муомалага кириб келади. Ушбу жараёнда ишлаб чиқаришни такрорланишини тезлаштиришга восита бўлиб хизмат қилади, савдо учун унинг асосий функциясини бажарилишини таъминлайди, яъни ишлаб чиқаришдан товарларни истеъмолчига етказиш ва олди-сотди жараёни давом эттиришни таъминлайди. Ушбулар билан бир қаторда истеъмолчиларни талабини қондиришга йўл очиб беради.

Иккинчи жараёнда айланма маблағлар товар шаклидан пулга айланади, бунда товарлар муомала жараёнидан истеъмол жараёнига ўтади, пул эса яна муомала жараёнини такрорлаш учун ҳаракатга ўтади. Бу пуллар янги меҳнат предметларини сотиб олишга йўналтирилади ва жараён такрорланади.

Ушбу жараёнда айланма маблағлар бир томондан муомала жараёнини тезлаштиради ва иккинчи томондан истеъмолчилар талабини қондиради.

Айланма маблағларни такрорланиш тезлигидан савдо корхоналарининг рақобатбардошлиги, уларни самарадорлиги даражаси боғликдир. Шу сабабли айланма маблағларни такрорланишини тезлаштириш 287ата аҳамиятга эгадир.

Айланма маблағларни миқдорига ҳар хил омиллар таъсир қилади. Уларнинг бири айланма маблағларни такрорланишини тезлаштирса, иккинчиси секинлаштириши мумкин.

Умуман, айланма маблағларга таъсир қилувчи омилалрни уч хил гуруҳга ажратиш мумкин: умумиқтисодий, ташкилий ва техник-технологик омилларга.

Умумиқтисодий омилларга, товар айланиши ва уни таркибини (ассортимент таркибини) ўзгариши, ишлаб чиқариш, товар ва бошқа моддий неъматлар билан таъминловчиларни дислокацияси, яъни ҳудудий жойланиши, савдо хизматчиларини ва савдога хизмат кўрсатувчи тармоқлар ишчиларини меҳнат унумдорлиги даражаси кабиларни киритиш мумкин.

Ташкилий омилларга савдо шохобчаларини ҳажми, ихтисослашиш, савдони янги прогрессив усулларини қўллаш, бошқаришни такомиллаштириш, савдо-воситачилик бўғинларини қисқартириш кабилар киради.

Техник-технологик омиллар илмий-техник прогрессни жорий қилиш билан боғлиқ бўлиб, уларга савдога янги жиҳозларни, технологик жараёнлари жорий қилиш, савдога хизмат қилувчи тармоқларни техник-технологик тараққиёти (алоқа, транспорт, комунал хўжалиги кабилар) киради.

Ушбу омиллардан айримлари айланма маблағларни миқдорини оширишга олиб келади. Буларга савдо хизматини сифатини юқорилаш билан боғлиқ тадбирлар савдо шохобчаларини кенгайтириш, янгисини қуриш, товар айланиши таркибида (ассортиментида) айланма маблағларни такрорланиш жараёнини тезлайтиришга олиб келадиган товарлар ҳиссасини ортиши кабилар киради.

Айланма маблағларни камайтиришга олиб келадиган омилларга моддий ва молиявий ресурсларни тежамли ишлатилишига қарашли тадбирлар, товар захираларини айланиш тезлигини ошириш, товар айланиши таркибида айланма маблағларни такрорланиш жараёнини тезлаштиришга олиб келадиган товарлар ҳиссасини кўпайиши кабилар киради.

Юқоридаги омилларни объектив ва субъектив омилларга ҳам ажратиш мумкин. Объектив омиллар савдо корхонаси ва уни таъминловчиларни хўжалик юритиш тартиби, савдо корхоналари фаолиятига боғлиқ бўлмаган омиллар киради.

Субъектив омиллари бошқарув аппарат ходимлари ва савдо хизматчиларни касбий маҳорати, ишлаш принциплари, савдони тўғри рационал ташкил қилиш борасида қабул қилинган қарорларни жорий қилинишини ва ҳ.к. киради. Субъектив омиллар инсон омили билан боғлиқдир.

Ресурслар ,жумладан асосий фондлар, айланма маблағлар ҳамда молиявий ресурсларни бир-бири билан тиғиз боғлиқлиги, хўжалик фаолияти жараёнида уларни бир шаклдан иккинчи шаклга ўзгариши, яъни натурал-моддий шаклдан қиймат, пул шаклига ва тескариси, қиймат, пул шаклидан натурал-моддий шаклга ўтганда асосий фондлар, амартизацияси шаклида молиявий ресурслар капитал маблағ шаклидан асосий фондларга айланишини кузатамиз.

Худди шундай ўзгаришлар айланма маблағлар ва молиявий ресурслар ўртасида ҳам рўй беради. Масалан: товарлар сотилиш жараёнида дебитор қарзга айланиши, товарлар олди-сотди жараёнида юридик ва жисмоний шахсларни қарздор бўлиб қолиши, ушбу жараёнда савдо корхоналарини кредитор бўлиб қолиши, яъни ишлаб чиқарувчи ёки бошқа таъминотчилардан қарздор бўлиб қолиши кабилар. Товарларга қўйилган устамаларни сотилиши натижасида савдо корхоналарини даромади, фойдасини шаклланиши.

Ушбу жараёнга иқтисодиётга тааллуқли адабиётларда эътибор берилмайди ва бу жараён ёритилмаган. Лекин бундай ўзаро боғлиқликларни ўрганиш ресурсларидан самарали фойдаланиш учун тадбирлар ишлаб чиқишда, самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш ёки танлашда назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Айланма маблағлар таркибини назарий ва амалий аҳамияти нуқтаи назардан натурал-моддий шакллари ва қиймат кўрсаткичи сифатида таснифлаш зарур.

Савдо корхоналарининг айланма маблағлари натурал-моддий шакллари бўйича қуйидаги таркиблардан (элементлардан) иборат бўлади:

1. Товар захиралари (чакана савдо шохобчаларида, улгуржи савдо омборларида, йўлда, умумий овқатланиш корхоналарида).

2. Хомашё ва тайёр маҳсулотлар (умумий овқатланиш корхоналарида).

3. Таралар, ёқилғи, қадоқлаш материаллари.

4. Хўжалик эҳтиёжига ишлатиладиган материаллар (касса чеклари, компьютер краскалари каби).

5. Арзон инвентарлар ва ишлатилиш муддати бир йилгача бўлган тез эскирадиган меҳнат қуроллари.

6. Санитария ва махсус кийим-кечаклар.

Айланма маблағлар қиймати бўйича қуйидагича таснифланади.

1. Товар захиралари суммаси. Айланма маблағ таркибида товар захираларини суммаси 60-70 % ташкил қилади.

2. Материаллар захираси ва арзон инвентарлар ва ишлатиш муддати бир йилгача, тез эскирадиган меҳнат қуроллари суммаси.

3. Дебиторлик қарзлари. Савдо корхоналарига қарздор бўлган юридик ва жисмоний шахсларни товарлар ва бошқа нарсалар бўйича қарзлари суммаси.

4. Пул активлари. Савдо корхоналарининг кассасидаги, банкдаги ҳисоб ва валюта рақамларидаги пул ва бошқалар сифатидаги маблағлари.

5. Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар. Савдо корхоналарини ҳар хил қимматбаҳо қоғозларга қўйилган маблағлари, банкдаги депозит ҳисоб рақамидаги пуллари. Уларни ишлатилиш муддати бир йилгача, шу сабабли улар иқтисодий мазмуни жиҳатидан фойда (даромад) олиш мақсадида қисқа муддат ичида бўш пул маблағларидан фойдаланишни ифода қилади.

6. Айланма маблағларни бошқа турлари. Буларга келгуси давр қилинган харажатлар киради. Ушбу харажатлар келгуси асосий фаолиятга доир бўлиб, лекин ҳисобот даврида амалга оширилади. Уларга масалан: олдиндан тўланган ижара ҳақлари; олдиндан тўланган бошқа тармоқларнинг хизмат ҳақлари; бошқа олдиндан бўнак (аванс) сифатидаги тўловлар киради.

Ушбу харажатлар ҳисобот йилида амалга оширилган билан келгуси даврнинг муомала (давр) харажатларида ўз аксини топади.

Айланма маблағлар уларни режалаштирилиши нуқтаи назардан нормалаштириладиган айланма маблағлар ва нормалаштирилмайдиган *айланма маблағларга* бўлинади.

Миқдори реал аниқланиши нормалар ва нормативлар орқали мумкин бўлган айланма маблағлар нормалаштириладиган айланма маблағлар таркибига киради.

Нормалаштирилиши мумкин бўлган айланма маблағлар таркибига қуйидагиларни киритиш зарур:

- товар захиралари (чакана савдода, улгуржи омборларда, умумий овқатланиш шохобчаларида, йўлдаги);
- кассадаги ва йўлдаги пул маблағлари;
- товарлар билан турган ва бўш таралар;
- келгуси давр учун қилинадиган харажаталр;
- моддий-техник таъминот материаллари, ёқилғи, қадоқлаш ва хўжалик эҳтиёжи учун зарур бўлган материаллар;
- белгиланган муддатда банкларга инкасса қилиш учун ҳисоб-китоб ҳужжатлари топширилмаган савдо корхоналарига юборилган товарлар суммаси;
- оммавий овқатланиш шохобчаларидаги (корхоналаридаги) хомашёлар.

Миқдорини режалаштирилиши қийин ёки мумкин бўлмаган айланма маблағлар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- банқдаги ҳисоб рақамида сақланаётган пул активлари;
- белгиланган муддатдан кейин банкларга инкасса қилиш учун ҳисоб-китоб ҳужжатлари топширилмаган савдо корхоналарига юборилган товарлар суммаси;
- ҳар хил дебиторлар;
- сақлаш учун моддий жавобгарликка олинган товарлар суммаси (акцеп қилиш инкор қилинган ҳолдаги);
- қисқа муддатли молиявий қўйилмалар.

16.2. Савдо корхоналари айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари

Айланма маблағлар кўрсаткичларини қуйидаги гуруҳларга тақсимлаб ўрганишни тавсия қиламиз.

1. Айланма маблағлар ҳолатини кўрсатувчи кўрсаткичлар, булар абсолют миқдорларда (натурал ва қиймат ўлчов бирликларида) ва ўртача қиймат кўрсаткичида ҳисоботга олинади.

2. Айланма маблағларни ўзгариш тенденциялари (динамикаси) кўрсаткичлари.

3. Айланма маблағлар таркибини англатувчи кўрсаткичлар.

4. Айланма маблағлар билан корхонани таъминланганлиги кўрсаткичлари.

5. Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари.

Айланма маблағлар ҳолатини кўрсатувчи кўрсаткичлар

1. Айланма маблағлар ҳолати натурал-моддий шаклидан ва қиймат ўлчов бирликларидан келиб чиқиб натурал ва қиймат кўрсаткичлар орқали бирор бир пайтга (моментга) ёки даврга ҳисобга олинади. Масалан: товар захиралари бирор пайтга (1.01; 1.04; 1.07; 1.10; 1.12; 1.01 келгуси йил каби) натурал ва қиймат кўрсаткичларда ҳисобга олиниши мумкин ёки бирор бир даврга қиймат кўрсаткичлари орқали уларни ўртача миқдори аниқланади.

Айланма маблағларни ўртача қиймати: биринчидан, ўртача арифметик усул билан, аниқланиши мумкин.

$$\overline{X} = \frac{X_1 + X_2 + \ldots + X_n}{П}$$

Бу усул айланма маблағлар суммаси квартал ёки ойлар бўйича ўртачаси берилган бўлса ишлатилади. (Бу формулади «Х» - «Айланма маблағлар» деб ҳисобланади;

иккинчидан, айланма маблағлар суммаси динамик қаторда бир пайтга (кунга) берилган бўлса ўртача хронологик усул билан ҳисобланади, яъни

$$\overline{X} = \frac{\frac{X_1}{2} + X_2 + \ldots + X_{n+1} + \frac{X_n}{2}}{П - 1}$$

Айланма маблағларни ҳолатини англатувчи кўрсаткичлар қаторига, уларни такрорланиш ёки айланиш кўрсаткичини (кунлар ва маротаба ҳисобида) киритиш зарур. Бу кўрсаткич икки хил турда, яъни биринчиси, айланма маблағлари айланиши, иккинчиси товар захираларни айланиш сифатида ишлатилади (ушбу кўрсаткични моҳияти «Чакана товар айланиши» мавзусида батафсил ёритилган).

Айланма маблағларни айланиши кунлар ҳисобида уларни такрорланишини бир цикл муддатини кўрсатади, товар захиралари кун ҳисобидаги кўрсаткич эса, уларни қанча муддатга етишини, яъни неча кунда сотилиб бўлишини кўрсатади.

Айланма маблағларни айланиш муддати қуйидагича ҳисобланади (чакана савдо мисолида):

$$АйМ_к = \frac{\overline{АйМ} \cdot 360(ёки 90)}{ЧТА}$$

Айланма маблағларни бирор бир даврида (квартал, йил) айланиш миқдори уларни ушбу даврда неча маротаба айланишлиги (такрорланишини) англатади ва қуйидагича ҳисобланади:

$$АйМ_к = \frac{ЧТА}{\overline{АйМ}} ёки \frac{360(ёки 90)}{\overline{АйМ}_к}$$

Ушбу кўрсаткичларни улгуржи савдо аниқлашда «Улгуржи омбор товар айланиши» кўрсаткичи ишлатилади.

Айланма маблағларни ўзгариш тенденциялари (динамикаси) кўрсаткичлари

Ушбу кўрсаткичлар асосий фондларники каби айланма маблағларни бир неча йиллар давомида «айланма маблағлар ҳолатини кўрсатувчи»„ «айланма маблағлар таркибини англатувчи», «айланма маблағлар билан таъминланганлиги» ва «айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини англатувчи» кўрсаткичларни абсолют миқдорини фарқи, фоизлар, индекслар орқали у ёки бу томонга ўзгариш даражасини ифодалайди. Улар ишлатилаётган кўрсаткичлар номи билан аталиб, ушбу кўрсаткичларни ўтган йилларга нисбатан абсолют миқдорини ўзгариши аниқланади, фоиз ҳисобида динамикаси ва индекс ўлчов бирликларида ҳисобланади.

Айланма маблағлар таркибини англатувчи кўрсаткичлари

Айланма маблағлар таркиби деганда, унинг барча элементалрини (товар захиралари; материалалр захираларини; арзон инвентарлар ва ишлатилиш муддати бир йилгача бўлган, тез эскирадиган меҳнат қуроллари; санитария ва махсус кийим-кечаклар; дебитор қарзлар; пул активлари; қисқа муддатли молиявий қўйилмалар; айланма маблағларни бошқа турларини ҳамда ўз маблағларини умумий айланма маблағлар суммасидаги ҳиссаси (улуши) фоиз ҳисобида аниқланади. Бунинг учун алоҳида олинган айланма маблағлар элементининг суммаси «100,0»га кўпайтирилиб, айланма маблағларнинг умумий суммасига бўлинади ёки коэффициент ҳисобида аниқланади.

Ушбу кўрсаткичлар билан бир қаторда савдо корхонасининг умумий ресурсларини таркибини ўрганишда, умумий ресурслар суммасида айланма маблағларни ҳиссасини аниқлаш (фоиз ёки коэффициент ҳисобида) тавсия қилинади.

Айланма маблағлар билан савдо корхонасини таъминланганлиги

1. Ушбу кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Товар айланишини айланма маблағлар билан таъминланганлиги. Чакана товар айланиши (улгуржи товар айланиши, умумий овқатланиш корхонасини товар айланиши)да айланма маблағларнинг ҳиссаси, жумладан алоҳида ўз мбалағларини ҳиссаси.

Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун айланма маблағлар (ўз маблағлари) суммаси «100,0» га кўпайтирилиб тегишли товар айланиш суммасига бўлинади.

2. Айланма маблағлар нормасини таъминланиши – нормалаштириладиган айланма маблағларнинг ҳақиқий суммасини белгиланган норма билан солиштирмаси. Ушбу кўрсаткич юқорида келтирилган кўрсаткичларни абсолют айирмасини топиш (ҳақиқий суммадан нормани айириб ташлаш) ва ҳақиқий суммани «100,0» га кўпайтириб нормативга бўлиш орқали аниқланади.

3. Айланма маблағларни ўз маблағи билан таъминланиши. Ушбу кўрсаткич бир томондан, айланма маблағлар ҳолатини кўрсатувчи кўрсаткич сифатида ишлатилса, иккинчи томондан корхонанинг ўз мбалағлари билан таъминланганлигини ҳам ифодалайди.

4. Айланма маблағларни товар айланишини таъминлаши, кунлар ҳисобида. Ушбу кўрсаткич бирор муддатдаги (квартал боши ёки йилнинг бошидаги) айланма маблағлар суммасини келгуси даврнинг (квартал ёки йил) бир кунлик товар айланиш сумасига тақсимлаш орқали аниқланади. Товар айланишини (сотиб олиш қийматида, яъни савдо устамасисиз олинади) бир кунлиги уни давр кунларига (квартал бўлса – 90 кун, йил бўлса – 360 кун) бўлиш орқали аниқланади.

Юқорида келтирилган биринчи кўрсаткич товар айланишини айланма маблағлар билан бирор даврда неча фоизга таъминланганлигини кўрсатади, тўртинчи кўрсаткич эса бирор муддатдаги мавжуд айланма маблағлар неча кунлик товар айланишини таъминлаши мумкинлигини ифодалайди.

16.3. Савдо корхоналари айланма маблағлар самарадорлиги, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар, аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш тавсия қилинади.

1. Айланма маблағларни (ёки ўртача товар захираларини) айланиш коэффициенти (Кай. Ёки Кз.а) маротаба ҳисобида.

$$Кай. = \frac{ТА}{\overline{АйМ}};\ Кз.а = \frac{ТА}{\overline{З}}$$

Бу ерда:

ТА- товар айланиши суммаси, кварталга ёки йилга) (чакана, улгуржи, умумий овқатланиш);

$\overline{АйМ}$ - ўртача айланма маблағлар суммаси;

$\overline{З}$ - ўртача товар захиралари суммаси.

2. Ўз айланма маблағларини айланиш тезлиги коэффициенти (Кў.ай.)

$$Ку.ай. = \frac{ТА}{\overline{АйМ}_{у}}$$

Биринчи ва иккинчи банддаги кўрсаткичлар айланма маблағларни бир томондан бирор-бир даврда ишлатилиш ҳолатини кўрсатади, иккинчи томондан динамик қаторда таҳлил қилинса улардан фойдаланиш самарасини ҳам ифода қилади.

3. Айланма маблағларни (ёки товар захираларини) рентабеллиги (ёки даромадлилиги) (Рай.м) қуйидагича аниқланади.

$$Рай.м = \frac{Ф \cdot 100}{\overline{АйМ}(ёки\overline{З})};$$

$$Рай.м = \frac{Д \cdot 100}{\overline{АйМ}(ёки\overline{З})};$$

Таянч иборалар: *айланма маблағлар, айланма фондлар, айланма капитал, айланма активлар, омиллар, кўрсаткичлар.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Айланма маблағлар мазмунини ёритиб беринг?
2. Айланма маблағлар асосий фондлардан қандай фақланади?

3. Айланма маблағлар қандай манбалар ҳисобидан шаклланади?

4. Хўжалик фаолиятида ишлтилаётган ресурслар қандай тарзда бир шаклдан бошқа шаклга ўтади?

5. Айланма маблағлар натурал-моддий таркибига нималар киради?

6. Айланма маблағлар қиймати бўйича қандай таснифланади?

7. Айланма маблағлари таркибининг қайси бири нормалаштирилади?

8. Айланма маблағлар қайси қисмини режалаштириш қийин ёки мумкин бўлмайди?

9. Айланма маблағлар ҳолати қандай кўрсаткичлар орқали аниқланади?

10. Айланма маблағларни ўзгариш тенденциялари қандай кўрсаткичлар орқали аниқланади?

11. Айланма маблағлар таркибини қандай кўрсаткичлар орқали ҳисобланади?

12. Айланма маблағлар билан таъминланганлиги қандай аниқланади?

13. Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги қадай кўрсаткичлардан иборат?

XVII боб. САВДОДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ, САМАРАДОРЛИГИ, УЛАРНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

17.1. Савдода меҳнат ресурсларини ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти

17.2. Савдода меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги мезони ва кўрсаткичлари

17.3. Меҳнат ресурслари кўрсаткичларини таҳлили, прогнозлаш ва режалаштириш

* * *

17.1. Савдода меҳнат ресурсларини ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти

Инсон билан табиат ўртасидаги моддий, жисмоний, ашёвий алмашувлар, муносабатларнинг умумий шарти меҳнатдир. Меҳнат инсон ҳаётининг доимий ва табиий шартидир. Меҳнат инсон билан табиат ўртасидаги нарсалар алмашувининг умумий шартидир. Меҳнат, бу нафақат инсоннинг мускул ва онг, жисмоний ва ақлий энергиясини сарфлаш бўлиб қолмай, мақсадга мувофиқ фойдали, инсон ҳаёти учун зарур бўлган моддий, маънавий ва жамият бойликларини яратиш учун йўналтирилган ижтимоий-зарурий фаолиятдир.

Меҳнат жараёнини бошлашдан олдин инсон унинг натижасини ўз онгида шакллантиради, кейин меҳнатини ўз мақсадига эришиш учун йўналтиради. ўз хоҳишини амалга ошириш учун меҳнатни ташкил қилиш усулини ва йўналишини аниқлайди. Бунинг учун инсон меҳнат қуролларини яратади.

Меҳнатнинг бошланиш жараёнига инсоннинг мақсадга мувофиқ йўналтирилган фаолияти киради. Меҳнат жараёнида нафақат инсон билан табиат ўртасидаги моддий алмашув амалга ошади, унда инсонлар ўртасидаги муносабатлар ҳам шаклланади.

Инсоният тараққиёти тарихига назар солсак меҳнат унинг ривожланишига таъсир қилувчи асосий омил эканлигига имонимиз *комил бўлади.*

Инсон меҳнати орқали моддий ва маънавий бойликни яратиш билан табиатни ўз ҳаётига мослаштириб, уни ўзгартириш билан бир қаторда ўзини ҳам такомиллаштиради. Меҳнат орқали инсон атроф-муҳитни ўзгартиради, уни ўзгартириш билан ўзининг доимо ортиб бораётган эҳтиёжини қондиришга интилиш билан инсон ўзининг табиатини ўзгартиради, яъни қобилиятини, билимини, кўникмаларини, имкониятларини кенгайтиради, такомиллаштиради ҳамда меҳнат жараёнини тубдан ўзгартириб боради. Меҳнат жараёни такомиллашади ва инсоннинг ўзи ҳам такомиллашади.

Шундай қилиб, меҳнат жараёнида инсон шаклланганлигини кузатамиз.

Меҳнат натижасида инсон доимо энг мураккаб жараёнларни амалга ошириб, ўзига янада юқори мақсадларни қўйиб ва унга эришиб боради.

Биз юқорида айтгандек меҳнат инсон билан табиат ўртасидаги моддий неъматлар алмашувигина бўлиб қолмай, уни натижасида инсонлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар вужудга келади. Бу жараёнда меҳнатнинг мазмуни ва унинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти намоён бўлади.

Меҳнатнинг мазмуни нуқтаи назаридан меҳнат инсонни меҳнат қуроллари ва предметлари билан ўзаро боғланиши жараёнида ҳамда уларга инсоннинг таъсири, аралашуви натижасида вужудга келади.

Бу жараён доимо, танаффузсиз давом этиб боради ва такрорланиб туради.

Меҳнатнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти унинг ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатлар жараёнидаги ўрнида намоён бўлади.

Инсон моддий неъматларни ёлғиз, бир-биридан ажралган ҳолда яратмайди, балки биргаликда, ҳамкорликда, меҳнат жамоаларига бирлашган ҳолда, бир-бирлари билан ишлаб чиқариш жараёнларини келишиб ҳал қилиш асосида яратади. Инсоният жамиятини вужудга келиши кўплаб ишлаб чиқарувчиларнинг биргаликда меҳнат қилиши, меҳнат фаолияти билан алмашувлар натижасидир.

Ўзаро меҳнат фаолиятини олиб боришда ишлаб чиқариш муносабатлари вужудга келган, энг аввало, меҳнат кооперацияси, меҳнатни тақсимланиши, яъни меҳнатни ихтисосланиши кабилар. Натижада ижтимоий меҳнат тақсимоти шаклланиб келган. Меҳнат фаолиятини бирламчи бўғинида фаолият билан алмашув ишлаб чиқарувчиларни тўғридан-тўғри контакти асосида амалга оширилса,

жамият миқиёсида маҳсулотлар билан айирабошлаш натижасида намоён бўлади. Ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида алоҳида фаолият юритаётган субъектлар, соҳалар, тармоқлар, ягона бирлашган жамиятга айланади.

Жамият тараққиётини қандайдир бир ижтимоий-иқтисодий босқичида оддий маҳсулот алмашуви товар айирабошлашни шаклига, яъни олди-сотди жараёнини вужудга келтиради. Ушбу жараён алоҳида меҳнат фаолиятига ажралади ва тармоқ вужудга келган. Ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида ишлаб чиқаришдан товар муомаласи ажраб чиқиб, олди-сотди жараёни алоҳида тармоққа айланади. Савдо тармоғи вужудга келди, шу билан бирга, ундаги меҳнат ҳам алоҳида жараёнга айланди.

Олди-сотди жараёни билан шуғулланувчиларни меҳнати алоҳида фаолиятига ажралган ва жамият тараққиёти билан боғланган ҳолда, у ривожланиб ва такомиллашиб келмоқда.

Савдода ишчилар меҳнати жамиятдаги умумий ижтимоий зарурий меҳнатнинг ажралмас қисми бўлиб, савдонинг функцияларидан келиб чиқиб ўз хусусиятларига эгадир.

Савдода меҳнатнинг хусусияти товар олди-сотди жараёнини (товарни қийматини алмаштириш) таъминлаш, айрим ишлаб чиқариш функцияларини бажариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан белгиланади.

Товар муомаласи икки хил турдаги жараённи амалга оширади. Бу жараёнларни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- биринчидан, бу жараёнда ишлаб чиқаришнинг айрим техник-технологик функциялари давом этади (товарларни ишлаб чиқариш ассортиментини савдо ассортиментига айлантириш, уларни қадоқлаш, истеъмол қийматини сақлаш, транспорт операциялари ва х.к.);

- иккинчидан, қиймат шаклини ўзгартириш «Т-П» операцияларини амалга ошириш;

- учинчидан, олди-сотди жараёнида аҳолига ушбу жараён билан боғлиқ бўлган хизматлар кўрсатиш.

Савдо ходимларининг меҳнатининг табиати мураккаб жараён бўлиб, ўзига хос билим, кўникмаларни (ўқитувчи, врачларга ўхшаган) истеъдод ва қобилиятини талаб қилади. Айниқса, ўткир рақобат шароитида биз келтирган хусусиятлар жуда юқори аҳамият топади.

17.2. Савдода меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги мезони ва кўрсаткичлари

Меҳнат жараёни табиатга ишчи кучи, меҳнат предметлари ва меҳнат куроллари (иккаласи меҳнат воситаларини ташкил қилади) билан биргаликда таъсир қилиши туфайли содир бўлади.

Ишчи кучи бу жараёнда асосий рол эгаллайди. Ишчи кучи инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти билан белгиланади.

Ишчи кучи деганда бизлар инсонни жисмоний, ақлий, маънавий ва руҳий қобилиятлари ва уларни зарурият туғилиши билан ишлатиб қандайдир моддий, маънавий ва маданий истеъмол қийматлар яратишга тушунамиз.

Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш жараёни учта фазадан иборат бўлиб унга:

- шаклланиш фазаси;
- тақсимот фазаси;
- истеъмол фазалари киради.

Жаҳон стандартларига биноан ишчи кучининг асосий қисмини ёлланма ходимлар ташкил қилади. Уларга шартнома (кантракт) асосида ишлаётган барча ходимлар киради. Статистикада ишчи кучи рўйхатдаги ходимлар сифатида ҳисобга олинади. Рўйхатдаги ходимларга барча доимий, вақтинча ва шартнома асосида ишга қабул қилинганлар киради.

Вақтинча ишга қабул қилинганлар таркибига бир кун ва ундан кўпроқ кунларга ишга қабул қилинганлар киради. Бунга ҳақиқатда ишлаётган ва вақтинча ишга чиқмаган, лекин ишда формал ҳолда ҳисобланадиганлар киритилади.

Назарияда ва амалиётда меҳнат ресурслари ва меҳнат салоҳияти деган кўрсаткичлар ишлатилади.

VIII-Халқаро статистиклар (1954 йил) конференциясида меҳнат ресурсларига «Хусусан меҳнат ресурслари» ва «ҳарбий хизматчилар» кириши таъкидланган. «Хусусан меҳнат ресурслари» ишловчилар ва ишсизлар категорияларига ажратилган.

БМТ статистика комиссияси 1966 йилги 14 сессиясида «Иқтисодий фаол аҳоли» тушунчасини жорий қилган. Уларга моддий неъматлар ишлаб чиқаришида ва хизмат қилишда қатнаша оладиган шахслар мажмуаси киради деб айтилган.

Меҳнат ресурслари деганда меҳнатга қобилиятли ёшдаги (аёллар 16-55, эркаклар 16-60 ёшда) ишчилар сони тушунилади. Бу

чегара қонун орқали белгиланган. Меҳнат ресурслари чегараланган, лекин ҳаётда ногиронлар, нафақахўрлар, ёш болалар меҳнат қобилиятидан (иш кучидан) фойдаланилади.

Меҳнат ресурсларига буларни қўшсак меҳнат салоҳиятини ташкил қилади.

Масалан: вилоятда аҳолининг сони 2,0 млн. киши, шундан 60%, яъни 1,2 млн. – меҳнатга қобилиятли ёшдаги аёллар ва эркаклар.

Шулардан 0,3 млн. ишсиз.

Ишлаётган ишчилар сони 1,4 млн. киши.

Иш билан банд бўлган ногиронлар, нафақахўрлар ва ёш болалар (16 ёшгача) 1,4+0,3-1,2=0,5 млн. (ишчилар сони 1,2-0,3+0,5=1,4).

Меҳнат ресурслари – 1,2 млн. киши.

Ишчилар сони – 1,4 млн. киши.

Меҳнат салоҳияти – 1,4 +0,5=1,9 млн. киши.

Корхона миқиёсида ишчи ходимлар сони меҳнат салоҳиятига тенг бўлади.

Ходимлар (ишчилар) сони корхоналарда ўрганишда ва статистик ҳисоботда икки хил турда бўлади.

1. Рўйхатдагилар.
2. Ишга келганлар.

Рўйхатдаги ходимлар сони барча рўйхатдан ўтган ҳар хил сабаблар билан ишга (доимий, мавсумий, вақтинчалик) ишчилар сони киради. Уларга (хизмат сафарида, меҳнат таътили, декрет таътили, касаллар, ишга ҳар хил бошқа сабаблар билан ўқиш, депутатлик ва ҳ.к.) келмаганлар киради.

Рўйхатдаги ходимларга қуйидагилар кирмайди:

- бир маротаба ёки алоҳида ишларни бажаришга таклиф қилинганлар (врачлар консультация учун, экспертиза учун, инвентарларни таъмирлаш, оқлаш, краскалаш кабилар);
- шартнома асосида (ҳуқуқий-фуқаролик шартномалари), агар улар бошқа ташкилотда рўйхатда турса;
- ўриндошлик асосида ишга қабул қилинганлар ҳамда бошқа ходимлар ва иш ҳақи статистикаси тўғрисидаги низомда кўрсатилганлар.

Статистик ҳисоботда ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сони кўрсаткичи ишлатилади. (1 ой, квартал, 6 ой, 9 ой ва 1 йил). Бунда ишга келганлар ва келмаганлар ҳам ҳисобга олинади.

Масалан: ойлик учун ҳар куни рўйхатдаги ишчилар сони (байрам, дам олиш кунлари ҳам ҳисобга олинган ҳолда) ҳар

кунлигини жамлаб ойнинг тақвим (календар) сонига бўлиш билан аниқланади (ишчи-кун:каллендар кунига).

3 ойга бўлса ҳар бир ойнинг ўртача кўрсаткичини жамлаб 3 га бўламиз ва ҳоказо. Агарда ишчилар сони ҳар ой бошига берилган бўлса ўртача хронологик усул билан аниқланади.

Ўртача рўйхатдаги ходимлар сонини аниқлашда дам олиш ёки байрам кунларидаги ишга келганлар сони бир кун олдин ишга келганлар сонига тенг деб ҳисобга олинади. Масалан, жума куни 301 киши ишлаган бўлса, дам олиш кунлари, яъни шанба ва якшанба кунларига 301 ходим ишга чиққан деб ҳисобланади. Масалан: 2013 йилнинг январ ойига қуйидаги маълумотлар бор:

Календар кун	**Ишга келганлар**
1.01-	301
2.01-	301 Дам олиш куни
3.01-	301 - // -
4.01-	305
5.01-	307
6.01-	307
7.01-	312
8.01-	312
9.01-	312 Дам олиш куни
10.01-	312 - // -
11.01-	305
12.01-	306
13.01-	301
14.01-	310
15.01-	310
16.01-	310 Дам олиш куни
17.01-	310 - « -
18.01-	312
19.01-	312
20.01-	320
21.01-	320
22.01-	318
23.01-	318 Дам олиш куни
24.01-	318 - //-
25.01	320
26.01-	320
27.01-	317
28.01-	315
29.01-	315
30.01-	315 Дам олиш куни
31.01-	315

Жами ишчи куни сони = 9657 киши – куни. ўртача рўйхатдаги ходимлар сони ($\bar{X}$) = 9657:31=311,5 киши.

Агарда ишга келганлар ҳар ойнинг бошига берилган бўлса, 1,01-570 *киши*. 1.02=575 *киши*, 1.03-572 *киши* ва 1.04 – 580 киши, бундай ҳолда ўртача хронологик усул билан рўйхатдаги ўртача ходимларни ($\bar{X}$) аниқлаш мумкин.

$$\bar{X} = \frac{\frac{570}{2} + 575 + 572 + \frac{580}{2}}{4-1} = 574 киши$$

Ойлар бўйича ходимларни ўртача сони қуйидагича берилган бўлса:

Ойлар	Ходимларни ўртача сони
Январ	500
Феврал	496
Март	500
Апрел	515
Май	530
Июн	518
Июл	560
Август	570
Сентябр	565
Октябр	570
Ноябр	580
Декабр	600
Жами	6504

Йиллик ходимларнинг ўртача сони $\bar{X} = \frac{6504}{12} = 542$ кишига тенг бўлади.

Статистикада ўртача иш ҳақи, меҳнат унумдорлиги ва бошқа кўрсаткичларни аниқлаш учун «ўртача иш ҳақи ва бошқа ўртача кўрсаткичларни аниқлаш учун ходимлар сони» кўрсаткичи ишлатилади.

Бу кўрсаткичини аниқлаш учун рўйхатдаги ходимлар сонидан айрим ходимлар категориялари чиқариб ташланади. Уларга қуйидагилар киради:

- хомиладорлик ёки фарзанд туғилгандан кейинги таътилдагилар;
- болаларга (айрим ёшгача) қараш учун таътилдаги аёллар (иш ҳақисиз ёки қисман иш ҳақи тўланадиган);

- қишлоқ хўжалик ишларини бажариш учун хизмат сафарига юборилганлар (ҳукумат қарори билан бундай ишларни (75 % иш ҳақи асосий иш жойида сақланиб қолинади), шофёрлар, механиклар, трактористалр, миханизаторлар;
- қурилиш ишларига хизмат сафарига юборилганлар. Уларни ҳам 50-75 % иш ҳақи сақланиб қолинади. қишлоқ хўжалиги ва қурилиш ишларига жалб қилинганларга суткалик ва квартира учун қўшимча ҳақ тўланмайди;
- махсус касалхоналардаги хронологик алкоголиклар;
- кечки ва сиртқи ўқишда талабалар сессия даврида;
- иш ҳақини сақлаб қолмасдан зарурий таътилга чиққанлар.

Ходимлар сони билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар қаторига қуйидагиларни ҳам киритиш лозим:

1) ишга келган ходимлар сони (уларни рўйхатдаги ходимлар сонидаги ҳиссаси);

2) ишчи ходимларнинг таркиби;

3) ходимларнинг ўртача ёши;

4) меҳнат даври (стажи);

5) меҳнат унумдорлиги;

6) ишчи ходимларни рентабеллиги ёки даромадлиги (Ри.х). Агарда яратилган қийматни $C + B + м$ деб ҳисобласак, рентабеллик қуйидагича ифодаланади:

$$Ри.х = \frac{m}{V}$$

С – доимий капитал ишлаб чиқариш воситалари;

В – ўзгарувчан капитал, иш ҳақи;

м – олинган фойда.

7) меҳнаткашларнинг бўш вақти (дам олиш, ўқиш, малака ошириш жамоат ишлари, болалар тарбияси, жисмоний тарбия ва спорт, маданий дам олиш, маънавий эҳтиёжларни қондириш);

8) ходимларни қўнимсизлик коэффициенти (ишдан кетган ва ҳайдалганлар: ўртача рўйхатдаги сонига);

9) ходимларни қабул қилиш коэффициенти;

10) меҳнат унумдорлиги;

11) меҳнат унумдорлиги ва ўртача иш ҳақини солиштирма кўрсаткичи.

17.3. Меҳнат ресурслари кўрсаткичларининг таҳлили, прогнозлаш ва режалаштириш

Бозор муносабатлари шароитида савдо корхоналарида банд бўлган меҳнат ресурсларини (ходимлар сонини) таҳлил қилиш иқтисодий ишларнинг энг муҳим томонларидан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки ходимлар сони, ҳар бир корхонани меҳнат салоҳияти ва малакали иш кучи билан таъминланганлигини ифодалайди ҳамда катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. ҳар бир ходимнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, улар ишлаётган корхоналарда ишчилар бандлиги, улар иш ҳақи миқдори ва бошқа рағбатлантириш механизмларининг қандай ташкил қилинганлиги билан ифодаланади.

Шу билан бир қаторда, корхонанинг самарадорлиги унда фаолият кўрсатаётган ходимлар сонига, уларнинг малакасига, меҳнат шароити ва улар ўртасидаги маънавий-руҳий муҳитига бевосита боғлиқ. Шу нуқтаи назардан ходимлар сонини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ходимлар сонини таҳлил қилишнинг вазифаси, унинг аҳамиятидан келиб чиқади. Таҳлилнинг вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- фаолиятдаги (рўйхатдаги) ходимлар сонини ва уларнинг штат жадвалига мувофиқлигини солиштириб баҳолаш;
- ходимлар таркибини ўрганиш;
- ходимлар малакасини, маълумоти бўйича таркибини ўзгаришига баҳо бериш;
- ходимлар умумий миқдори ва таркибини ўзгариш тенденцияларини, корхонанинг бошқа кўрсаткичлари билан боғлиқлигини ўрганган ҳолда баҳолаш;
- ходимларнинг ишлатилиш кўрсаткичлари, қўнимсизлик коэффициенти, қабул қилиш коэффициенти, меҳнат унумдорлиги ва бошқаларни аниқлаш, уларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни белгилаш каби муҳим тадбирларни амалга ошириш.

Таҳлилнинг вазифаси бу келтирилганлар билан чекланиб қуолмайди, балки ҳар сафар таҳлилнинг мақсадидан келиб чиқиб, ўзгариб туриши табиий. Чунки бозор муносабатлари шароитида вазиятлар тез ўзгариб туриши мумкин. Бу ўзгариш жараёнини таҳлил қилиб, тегишли қарорлар қабул қилиб, амалий чора-тадбирларни қўллаш, бошқариш ва иш юритиш усулларини вазиятга қараб мослаб бориш чораларини кўриш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ходимлар сонини таҳлил қилиш, уларнинг умумий сонини, таркибини, меҳнат унумдорлигини режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгариш тенденцияларини аниқлашдан бошланади.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, кўрсаткичларни ўзгариш тенденциясида кўп фарқ йўқ. Улар бир хил маромда ўзгариш тенденциясига эга. Лекин таҳлил жараёнида икки йиллик маълумот билан чегараланиб қолмаслик керак, биз бу ерда мисол тариқасида икки йиллик маълумот келтирдик. Таҳлилда ушбу кўрсаткичларни бир неча йилга ўрганиш тавсия қилинади.

Кейинги босқичда ходимлар сонини корхонанинг даромади ёки фойдаси билан солиштириб ходимларга тўғри келган даромад ёки фойдани ўзгариш тенденцияларини баҳолаш зарур.

Таҳлил жараёнида меҳнат унумдорлиги билан ўртача иш ҳақини ўзгариш тенгденцияларини солиштириш катта аҳамиятга эга. Таҳлилни кейинги босқичларида биз 17.2-параграфда келтирилган ходимларга таъаллуқли барча кўрсаткичлар динамик қаторларда ўрганиш тавсия қилинади.

Ходимлар кўрсаткичларига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш зарур бўлади.

17.3.1-жадвал

Чакана савдо корхонасида ходимлар сони, таркибини ва меҳнат унумдорлигининг ўзгариш миқдорининг ҳисоби

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Ўтган йили	Ҳисоб йили			Ўтган йилига нисбатан ўзгариши, %
				Режа	ҳақиқатда	ўзгариши, %	
1	Чакана товар айланиши	млн. сўм	3050	3150	3166	100,5	103,8
2.	Ўртача рўйхатдаги ходимлар-жами. Жумладан:	киши	33	34	34	100,0	103,0
2.1	Сотувчилар	киши	26	27	27	100,0	103,8
2.2	Бошқа ходимлар	киши	7	7	7	100,0	100,0
3.	Меҳнат унумдорлиги						
3.1	Умумий ходимларники	млн. сўм	92,4	92,6	93,1	100,6	100,8
3.2	Сотувчиларники	млн. сўм	117,3	116,7	117,6	100,5	100,3

Савдо корхоналарида ишчи ходимлар сонини режалаштириш уларни қуйидаги таркиби (категориялари) бўйича амалга оширилади.

1. Сотувчилар
2. Магазинларни бошқа ишчилари (савдо қилмайдиган магазин мудирлар, кассир назоратчилар, ёрдамчи ходимлар – қаровул, фаррош).
3. Маъмурий бошқарув ходимлари

Сотувчиларни ҳар бир савдо шохобчаси бўйича алоҳида ҳисоблаш зарур. Бунинг учун бир неча хил усулдан фойдаланиш тавсия қилинади.

I. Ўртача рўйхатга олинган сотувчилар сони савдо шохобчасидаги ишчи жойлар сони (майдони) унинг иш вақти ёки ишлаш режими асосида аниқланади. Унинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин.

$$\overline{Хс.р} = \frac{Т \cdot Иж}{t}$$

$\overline{Хс.р}$ – режалаштирилган даврга рўйхатга олинган сотувчиларнинг ўртача сони;

Т – савдо шохобчасининг йиллик (квартал, ой) ишлашдаври, соат;

Иж – савдо шохобчасининг иш жойи сони;

т – битта сотувчининг йиллик (квартал, ой) иш вақти, соат.

Т – аниқлаш савдо шохобчасининг ҳафтада неча кун ишлаши (дам олишсиз), байрам кунлари ишлаш ёки ишламаслик, суткада ишлаш даври каби кўрсаткичларга боғлиқ бўлади.

т – сотувчининг ишлаш вақтида боғлиқ меҳнат таътили, байрамлар ҳафтада ишлаш куни, соати кабиларга боғлиқ.

М: Магазин ҳар куни соат 8^{00}–20^{00} ишлайди (1 соат тушлик билан), яъни суткасига 11 соат, дам олиш кунисиз, дам олиш кунлари 2 соат кам ишлайди, яъни 18^{00} гача.

1 йилда 365 кун, 52 - дам олиш куни, 8 - байрам кунларини ташкил қилади. 1 сотувчига 18 иш куни меҳнат таътили берилади.

Ўтган йиллар ҳисоб-китоби ва сотувчиларни ишга чиқишини таҳлили бўйича 1 сотувчи ўртача бир йилда 6 кун ишга чиқмаган (ҳар хил сабаблар бўйича). Магазинда 10 иш жойи мавжуд.

Режалаштирилган йилга сотувчилар сонини аниқлаймиз.

1. 1 та сотувчини режалаштирилган йилга ишчи кунини аниқлаймиз.

365-52-18-8-6 = 281 кун.

2. 1 та сотувчини иш даври соат миқдори

281x7=1967 соат

3. Магазиннинг ишлаш даври = (11· 365) - (52·2) –(8·2) = =4015-104-16=3895 соат.

4. Зарурий сотувчилар сони = $\frac{3895 \cdot 10}{1967} = \frac{38950}{1967} = 19{,}8 \approx 20$ *та*

II. Сотувчилар сони магазиннинг ишлаш режимидан келиб чиқиб унинг сменада ишлаш ва ишлашни узлуксизлик коэффициентларини аниқлаш орқали амалга оширилиши мумкин.

Сменалик коэффициенти суткада магазиннинг иш вақтини 1 сотувчининг иш вақтига бўлиш йўли билан аниқланади.

$$K_c = \frac{T_{мс}}{t_{ic}}$$

Масалан: магазин 11 соат ишлайди, 1 сотувчи 7 соат ишлайди, бу ҳолда,

$$K_c = \frac{11}{7} = 1{,}57$$

Узлуксизлик коэффициенти магазиннинг бир йиллик иш кунини 1 сотувчининг иш кунига бўлиш йўли билан аниқланади.

$$K_y = \frac{Мик}{Сик}$$

Бизнинг мисолда

$$K_y = \frac{365}{291} = 1.2989 \approx 1{,}3$$

Сотувчилар сони = 10 х 1,57 х 1,30 = 20,4 ≈20 та

III. Сотувчилар ўртача рўйхатдаги сонини ($\overline{Хс.р}$)доимо ишда бўлиши шарт бўлган сотувчилар (Хс) сони орқали ҳам аниқлаш мумкин.

$$X_o = \frac{Иж \cdot (Тх + Тт)}{t}$$

Бунда:

Тх – магазиннинг бир ҳафталик ишлаш даври, соат;

Тт – магазинни очиш, ишга тайёрлаш учун кетадиган қўшимча вақт, соат;

т – 1 сотувчининг 1 ҳафталик иш соати.

$$\overline{Хс.р} = \frac{Хд \cdot Мик}{Эт}$$

Бунда:

$Э_т$ – 1 сотувчининг эффект (самарали) ишлаш вақти (дам олиш, байрам, касаллик, меҳнаттаътилини ҳисобга олган ҳолда, кун.

IV. Сотувчилар сони тажриба – статистик усул орқали ҳам аниқланиши мумкин.

Магазин мудирлигини кўп ҳолларда сотувчилардан бири бажаради. Агарда сотувдан озод қилинган магазин мудири ишлайдиган бўлса унда магазиндаги ишчи жойлар, уни майдони, қавати ва бошқа омиллар ҳисобга олиниб, уларни аниқлаш керак.

Кассирлар сони касса аппаратлари сони қараб аниқланади. Фаррош сони савдо ва қўшимча магазин майдонлар, магазинни ишлаш режимина, 1 фаррошга белгиланган тозалаш майдонини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Қаравул савдо шохобчасини жойланиш дислокациясига ва бошқа шароиталрни (масалан сигнализация) ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади.

Маъмурий бошқарув аппарати ва мутахассислар сони савдо корхонасининг чакана товар айланиши ҳажми, савдо шохобчаларининг сони, сотувчи ва бошқа ишчилар сони ҳамда бошқа шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

17.4. Савдода иш ҳақи тўлашнинг асосий қоидалари, уларни ҳисоблаш усуллари, тариф тизими тушунчаси ва унинг элементлари

Иш ҳақининг шаклланиши, ҳисоб-китоби, белгиланиши жараёнида бутун жаҳон амалиётида қабул қилинган, ишлатилаётган қоидалар мавжуд. Ушбу қоидаларга иш берувчи томонидан риоя қилиниши, давлат, жамият, касаба уюшма ташкилотлари ҳамда ҳар бир ишчи томонидан назорат қилиниши ва талаб қилиниши мукин.

Ушбу қоидаларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- меҳнатни сифат ва сон жиҳатларини ҳисобга олиш, уни ишлаб чиқариш (хизмат) натижаларига қараб рағбатлантириш;
- иш ҳақини дифференциация қилиш. Ушбу қоида иш ҳақини ишчининг малакаси, меҳнатининг мураккаблиги ва соддалигига, ақлий ва жисмоний меҳнатга, меҳнат шароитига, меҳнатни нормаллаштириш каби ҳамда бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда белгиланишини талаб қилади:
- иш ҳақи ҳар қандай хўжалик субъекти ҳодимларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш керак;

- моддий рағбатлантириш шакллари, миқдори рақобатбардошликни таъминлаши керак;
- иш ҳақи давлат томонидан белгиланган минимал иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаслиги керак;
- реал иш ҳақининг мунтазам ошириб боришни таъминлаш зарур. Номинал иш ҳақи ўсиш даражаси инфляция даражасига нисбатан юқори бўлишини таъминлаш;
- меҳнат унумдорлигининг ўсиш даражаси ўртача иш ҳақининг ўсиш даражасига нисбатан юқори бўлишини таъминлаш.

Иш ҳақини ташкил қилиш қоидаларини кўриб чиқишда биринчи омил сифатида давлатнинг ролини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Давлат иш ҳақи тизимини қонуний нормалар орқали бошқаради, у иш ҳақини бошланғич, базис даражасини белгилайди. Унга минимал иш ҳақи миқдори, минимал яшаш даражаси каби кўрсаткичларни киритиш мумкин. Булардан ташқари давлат иш куни давомийлигини, меҳнат таътили даврини ва уларга тўлов миқдорини белгилайди. Давлат ишчи ва иш берувчилар ўртасидаги низоларни суд орқали ҳал қилувчи арбитор бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатнинг ҳуқуқий қонуний ҳужжати сифатида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ҳисобланади (Ушбу қонун Ўзбекистон Республикасида 1995 йили 21 декабр тасдиқланган ва 1996 йил 1 апрелдан амалга тушган). Ушбу меҳнат кодексининг 16-моддасида меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқлари, жумладан, меҳнат мотивацияси ва воситалари белгилаб қўйилган.

Улар қаторига қуйидагилар киради:

- меҳнат ҳақини қонун билан белгилаб қўйилган минимал миқдордан кам бўлмаган даражада олиш;
- тасдиқланган меҳнат таътили ва уни ҳақини олиш, дам олиш ва байрам кунлари дам олиш;
- меҳнат шарт-шароити, унинг хавфсизлиги ва гигиенаси таъминланишига эга бўлиш;
- меҳнат фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг қопланиши;
- қонун билан белгиланган ижтимоий имтиёзлардан фойдаланиш ва ҳ.к.

Иш берувчи ва ишловчининг ўртасидаги ижтимоий-меҳнат муносабатлари ва иш ҳақи масалалари хўжалик субъектларининг ичида тузилган меҳнат шартномаси билан тартибга солинади. Ушбу шартномада меҳнат шароити, иш ҳақи, уй жой ва медицина таъминоти, кафиллар ва имтиёзлар кабилар ўз аксини топади.

Шартномалар муддатсиз, бирон муддатга (беш йилга) ёки бирон ишни бажариш даврига тўзилади.

Жахон амалиётида иш ҳақини ҳисоб-китоб қилиш учун тан олинган иш ҳақи шакли ва тизими яратилган.

Иш ҳақи қуйидаги икки шаклдан иборат:

- вақтбай иш ҳақи;
- ишбай иш ҳақи:

Иш ҳақи икки ҳил тизимда, яъни тарифли ва тарифсиз тизимда амал қилади.

Вақтбай иш ҳақи оддий вақтбай (соат, кун, хафта, ой) ва вақтбай – мукофотли тизимларга бўлинади.

Ишбай иш ҳақи эса оддий (бевосита) ишбай, ишбай-мукофатли, билвосита-ишбой, аккорд тизимларига бўлинади.

Юқоридагилар ҳаммаси таърифли тизимга киради.

Булардан ташқари тарифсиз тизим ҳам қўлланилади.

Иш ҳақи шакллари ва тизимларини қуйидаги (16.4.1) чизмада ифода этамиз.

Иш ҳақини ташкиллаштириш хўжалик субъектларида қуйидаги элементлар (кўрсаткичлар)ни ишлаб чиқиш (шакллантириш ҳисоблаш, тасдиқлаш) билан амалга оширилади:

- биринчидан, меҳнатни нормаллаштириш;
- иккинчидан, тариф тизимини аниқлаш;
- учинчидан, иш ҳақини муқобил шакли ва тизимини танлаш;
- тўртинчидан, иш ҳақи фондини шакллантириш;
- бешинчидан, моддий рағбатлантириш турларини белгилаш.

Меҳнатни нормаллаштириш меҳнат сифатини ва умумий натижага индувидуал шахсларнинг ҳиссасини аниқлаш воситаси сифатида хизмат қилади. Меҳнатнинг самарадорлигини ошириш ҳамда иш ҳақини оқилона белгилаш, уни ташкил қилиш учун илмий асосланган меҳнат нормаси ва нормотивларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга. Норма ва нормотивлар орқали меҳнат ва иш ҳақи кўрсаткичларини чуқур тадқиқот қилиш, прогнозлаш ва режалаштириш осонлашди.

Бозор иқтисодиёти шароитида норма ва нормотивлар меҳнатни одилона, адолатли ва ва ҳаққона баҳолашни таъминлайди. Бу эса, ўз вақтида, корхона, ташкилот ва бошқаларда жамоанинг жипслашишига, меҳнат унумдорлигини ва самарадорлигини оширишга олиб келади.

Савдода меҳнатни нормалаштириш орқали сотиб олувчиларга хизмат кўрсатиш (масалан, бир сотувчи бирон даврда нечта сотиб

...ичига хизмат қилиши) мумкинлиги нормасини, с...
...ларлар, мутахассислар ва ёрдамчи ходимларнинг ...
...ини ва бошқа кўрсаткичларни аниқлаш мумкин.

Тариф тизими – норматив мажмуаси бўлиб, улар ...
...ини дифференциациялаш таъминланади. Иш ...
...ференциациялаш меҳнатнинг мураккаблиги, шарт ...
...ий – иқлимий шароити, меҳнатнинг интенсивл...
...ифини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Иш ҳақини ташкил қилишнинг асосини тариф тизи...
...ади.

Биз юқорида келтирганимиздек Ўзбекистон Республи...
...ш ҳақи тизими тарифли ва тарифсиз иш ҳақи тизими...
...ади.

Тариф тизими қуйидаги нормотив ҳужжатлардан тар...

I. Иш ва ишчилар касб ҳунарини тарифий- малака ...
...тномаси ҳамда хизматчилар лавозимини малака ...
...тномаси. Ушбу маълумотнома нормотив ҳужжат ...
...ичи ва ишчига, лавозимга қўйиладиган талабларнинг ...
...ифини белгилайди. Унда ишчига ёки ишни бажариш ...
...ўлган билим, кўникмалар ва ҳар хил касб, малакали ...
...ишлар туркуми тарифланади. Тарифий – малакавий ма...
...ичилар малакаси даражасини ва тариф разрядини (кат...

Тарифий-малакавий маълумотнома бажариладиган ...
...уда тавсифини ва уни бажарадиганлар учун қўйиладиг...
...талабларни ўз ичига олади. Улар ишни баҳолашда яго...
...ойдаланишини ва ишнинг мураккаблигидан келиб чиқи...
...авлуқли разряд белгилашни таъминлайди.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда 1985 йил тасдиқл...
...ариф – малака маълумотномаси (ЯТММ) ишлаб чиқ...
...ишнинг тавсифи ва ишга қўйиладиган талаблар ...
Маълумотномада ҳар бир касб – ҳунарга бериладиган ...
...ятряд кўрсатилади.

ЯТММ – га ўхшаш «Хизматчилар лавозими малака ...
...тномаси» (ХЛММ) мавжуд. Унда ҳар бир лавозимдаги ...
...зим бўлган бурчлар ва мутахассисларга, хизматчил...
...ган малакавий талаблар келтирилади.

II. Тариф ставкаси, иш вақти ўлчов бирлигида тў...
...ақи миқдорининг пулдаги ифодаси.

«О» - разряд тариф ставкаси давлат томонидан ...
...нимал иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаслиги ке...

мутахассислар, хизматчилар, ёрдамчи химатчилар ва айрим нормаллаштириш мумкин бўлмаган ишларни бажарувчилар учун тариф ставкаси лавозим оклади орқали белгиланади. Тариф ставкага нисбатан рағбатлантириш тизими шаклланади. Мукофотлар, қўшимчалар, устамалар, ҳудудий коэффицентлар тариф ставкасига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланади.

Бажариладиган иш хизмат разрядига қараб аниқланган, тариф ставкаларининг бир-бирига нисбати тариф сеткасида ҳар бир разряд учун кўрсатиладиган тариф коэффицентларида ўз аксини топади. «0» разряд коэффицент бирга тенг. «0» разряддан бошлаб тариф сеткасида белгиланган максимал разрядгача тариф коэффиценти ортиб боради. (Тариф сеткасига қаралсин 11.3.1 чизма).

Ш. Тариф сеткаси, иш ҳақини дифференциялашган миқдорини белгилайди. Унда меҳнат (иш, хизматлар)нинг хусусиятларидан келиб чиқиб ишчилар учун белгиланадиган разрядга қараб, тариф коэффицентлари орқали ойлик тариф ставкалари аниқланади. Тариф сеткасида иш ҳақи шкаласи ишлатилади, унда тариф разряди ва тариф коэффицентлари, тариф ставкаси ўз ифодасини топади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси бюджетдан молиялаштириладиган корхона, ташкилот ва муассасалар ишчи химатчилар учун иш ҳақини белгилашда Ягона тариф сеткаси (ЯТС) асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Ягона тариф сеткасида тариф разряди ва тариф коэфициентлари келтирилади.

Тариф разряди ишчининг малака даражаси, ишнинг мураккаблиги, реал (аниқ)ликлиги ва бажариладиган вазифанинг жавобгарлигини аниқлайди.

Тариф коэффициенти тариф ставкасини тариф разрядининг ортиб боришига нисбатан юқориланиш даражасини белгилайди яъни «0» разрядга нисбатан юқори малакали иш, хизмат неча маротаба кўпроқ иш ҳақи олишини кўрсатади.

Тариф разряди ва тариф коэффициенти орқали тариф ставка миқдори қуйидагича аниқланади:

$T_{си} = T_о \cdot K_и$; бу ерда:

$T_{си}$ – тариф ставкаси, и – разряддаги ишчи ёки ходим учун, сўмда;

$T_о$ – «0» разряддаги ишчи ёки хизматчи учун белгиланган тариф ставкаси, сўмда;

$K_и$ – и - разряддаги ишчи ёки ходим учун белгиланган тариф коэффициенти.



17.4.1 чизма. **Иш ҳақи шакллари ва тизимлари**

ЯТС Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Иш ҳақи тўлашнинг ягона тариф ставкасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2000 йилги 20 июнь 280 – сонли қарори билан тасдиқланган. У 22 тариф разрядини ўз ичига олган бўлиб, тариф коэффициентлари орқали ҳар хил турдаги иш ва лавозим окладларини белгилаш учун хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 5 июлдаги ПФ – 4450-сонли Фармонига мувофиқ бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим ставка (оклад) лари миқдори белгиланган (17.4.1-жадвал).

Давлат ва давлат акциядор корхоналари ЯТС низомига риоя қилишлари шарт.

Бюджет тизимига қарамаган хўжалик субъектлари ўзлари иш ҳақи шаклини, тизимини, моддий рағбатлантириш миқдорини, қўшимча тўловлар кабиларни мустақил белгилайдилар. Давлат тариф ставкаси окладларини улар асос сифатида ишлатишлари мумкин. Лекин, уларда ўрнатилган минимал иш ҳақи давлат томонидан белгиланган даражадан кам бўлмаслиги керак.

Уларнинг миқдорига меҳнат бозоридаги рақобат ва корхоналарнинг молиявий имкониятлари таъсир қилади.

Ҳудудий коэффициентлар. Ушбу коэффициентлар ҳар хил табиий-иқлимий шароитларда ишловчиларнинг ҳаёт даражасини дифиренциацияланишини таъминлайди ва иш ҳақига қўшимча тўлов миқдорини коэффициент ўлчов бирлигида кўрсатади.

Устамалар ва ҳар хил қўшимча тўловлар. Булар тариф ставкасида ҳисобга олинмаган омилларни ҳисобга олиб, иш ҳақининг якка тартибланишини таъминлайди. Масалан, бажариладиган иш ёки лавозимнинг муҳимлиги; меҳнат стажининг доимийлиги; тил билиши; меҳнатга муносабати; қўшимча вазифага ёки ишда йўқ ишчини лавозимини бажариш; кечқурун, дам олиш, байрам кунларида ишлаш кабилар учун тўловлар.

Уларнинг хусусиятларига қарасак, устама компенсация ролини ўйнайди, қўшимчалар эса рағбатлантириш хусусиятига эга.

Тариф тизими, юқорида келтирилгандек иш ҳақини ҳар хил шаклларида фойдаланишни такозо қилади. Иш ҳақи шаклларига батафсил тўхталиб ўтамиз.

Вақтбай иш ҳақи

Вақтбай иш ҳақи икки хил тизимдан иборат:

- оддий - вақтбай;
- вақтбай - мукофотли.

17.4.1 - жадвал

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 5 июлдаги ПФ – 4450-сонли Фармонига мувофиқ бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим ставка (оклад)лари миқдори

Тариф разряд лари	Тариф коэффи циент лари	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 5 июлдаги ПФ – 4450 сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 июлдаги 206-сонли қарори асосидаги тариф коэффициентларига биноан 2012 йил 1 августдан қўлланиладиган тариф ставкалари миқдори, (сўм)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 3 ноябрдаги ПФ-4377-сонли Фармонига асосан 2011 йил 1 декабрдан компенсация тўловлари ҳисобга олинган тариф ставкалари (сўм)
1	2	3	4
0.	1.000	72355	X
1.	2.476	179151	X
2.	2.725	197167	X
3.	2.998	216920	259246
4.	3.297	238554	280755
5.	3.612	261346	303632
6.	3.941	285151	327467
7.	4.284	309969	352291
8.	4.640	335727	378015
9.	4.997	361558	403903
10.	5.362	387968	432384
11.	5.733	414811	461613
12.	6.115	442451	489231
13.	6.503	470525	517286
14.	6.893	498743	545580
15.	7.292	527613	574529
16.	7.697	556916	603801
17.	8.106	586510	633496
18.	8.522	616609	663504
19.	8.943	647071	694084
20.	9.371	678039	725019
21.	9.804	709368	756434
22.	10.240	740915	788002

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарори билан айрим ходимларнинг иш ҳақи ставка (оклад)ларига ўрнатилган қўшимча тўлов ёки устамалар миқдори жадвалининг компенсация ҳисобга олинмаган ҳолдаги ставкасидан (3- устундан) келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Оддий- вақтбай иш ҳақи шакли ишлатилганда иш ҳақи тариф ставкаси ёки лавозим оклади асосида ҳисобланади. Лавозим окладлари лавозим (штат) жадвалларида кўрсатилади. Лавозим оклади – тўла ишлаган ой учун белгиланган иш ҳақи миқдори. Ишчиларга иш ҳақи ҳисоблашда оддий- вақтбай шакли, соатбай ёки

кунбай турлари ишлатилади. Бунда иш ҳақи миқдори соатбай (ёки кунбай) иш ҳақи ставкасини ҳақиқий ишлаган соатлар ёки кунлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Унинг учун қуйидаги формулани ишлатиш мумкин.

$$И_х = С_{тс} \cdot т_и \text{ ёки } И_х = К_{тс} \cdot К_о$$

Бу ерда

$И_х$ – ишчининг ойлик иш ҳақи суммаси, сўмда;

$С_{тс}$ – ишчига белгиланган бир соатли тариф ставкаси, сўмда;

$т_и$ – ишчиларнинг бир ойда ишлаган вақти, соат;

$К_о$ - бир ойда ишчининг ишлаган кунлари сони, кун;

$К_{тс}$ – ишчига белгиланган бир кунлик тариф ставкаси (7 ёки 8 соат иш кунига белгиланган), сўмда.

Юқорида келтирилган шакл (оддий-вақтбай) асосан ёрдамчи ва хизмат қилувчи ходимлар учун қўлланилади.

Лавозим окладлари бошқарув, маъмурий хўжалик ходимлари, мутахиссислар ва меҳнат жараёни нормаллаштирилиб бўлмайдиган ёки асосли ҳисобга олишни иложи йўқ иш турларни бажарадиганлар учун қўланилади.

Хизматчиларга иш ҳақи тўлаш ўзининг мазмуни жиҳатидан вақтбай - мукофотлига яқин бўлиб, у асосида иш ҳақининг асосийси – лавозим оклади (одатда бир ойлик) ва ундан ташқари қўшимчалар ва мукофотлар тўланади.

Лавозим оклади ишбай жадвали асосида хизматчининг касбий малакаси, иш ҳажми, тавсифи ва бошқа омилларга қараб белгиланади.

Вақтбай-мукофотли иш ҳақи шакли ишлатилганда тариф ставка ёки лавозим оклади орқали аниқланган иш ҳақидан ташқари ишчи ва хизматчиларга ҳар хил мукофотлар тўланади. Унинг учун корхона, хўжалик субъектлари махсус низом ишлаб чиқади.

Моддий рағбатлантириш миқдори низомда ишчи ва хизматчилар бажарган ишлар ва вазифаларни сон ва сифат кўрсаткичларига қараб фоизда ёки абсолют сўмда кўрсатилиши мумкин. Рағбатлантириш кўрсаткичлари ва миқдори жамоа шартномаси ёки меҳнат шартномасида кўрсатилиши ёки раҳбар буйруғи билан амалга оширилиши мумкин.

Моддий рағбатлантириш ҳар ойда, кварталда, йил натижаси бўйича ва айрим иш ёки вазифани бажарилиши натижаси бўйича амалга оширилади. Мукофот суммаси ($М_с$) қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$М_с = \frac{И_х (п + к \cdot н)}{100}$$; бу ерда:

п – режалаштирилган 100,0% бажарганлиги учун рағбатлантириш миқдори, %;

к – режани ортиғи билан бажарганлигининг ҳар бир фоизи учун моддий рағбатлантириш миқдори, %;

н – режанинг ортиғи билан бажарилган даражаси, %.

Вақтбай иш ҳақи шакли қуйидаги ҳолларда кўпроқ самара беради:

- ишчининг вазифаси техник-технологик жараёнларни кузатиш ва назорат қилиш билан боғлиқ бўлса. Савдода ва умумий овқатланиш соҳасида улар қаторига савдо залидаги назоратчилар, маъмурлар киритилиши мумкин;
- фаолият жараёнида ишнинг сафати ва хизматни бажариш муддати муҳим аҳамиятга эга бўлса. Савдода ва умумий овқатланиш соҳасида менежерлар, технологлар,мастер-товарлар, юқоридаги жараёнлар учун жавобгар шахслар киради;
- сон жиҳатдан натижани ҳисобга олиш қийин ёки имконияти бўлмаса. Булар қаторига раҳбарлар, мутахассислар, ва ёрдамчи ходимларни киритиш мумкин.

Ишбай иш ҳақи

Ишбай иш ҳақи меҳнат натижасини сон ва сифат жиҳатдан ҳисоб-китоб қилиш имконияти бўлган ишчи ва хизматчилар учун қўлланилади. Бунда асосан бажарилган иш ёки хизмат ўлчов бирлигига нисбатан расценка ишлатилади. Масалан, 1000 сўмлик товар айланишлига, 100 порция ишлаб чиқарилган овқатлар сонига, хизмат кўрсатилган хўрандалар сонига ва ҳоказолар учун.

Ишбай иш ҳақи шакли иш ёки хизмат натижасини ошириб бориш асосий мақсад бўлганда ёки меҳнат натижаси ишчига ёки бригадага боғлиқ бўлганда ёки меҳнат натижасини аниқ ҳисоблаш имконияти бўлганда ишлатилса кўпроқ самара беради.

Ишбай иш ҳақи шакли савдода ва умумий овқатланиш соҳасида асосан сотувчилар, кассирлар, официантлар, ошпазлар ва буфетчилар учун ишлатилади.

Ишни ташкил қилиш шароитига қараб ишбай иш ҳақи якка тартибда ва жамоавий (бригада) турларига бўлинади.

Бевосита ишбай иш ҳақи ҳақиқий бажарилган иш, хизмат миқдорини белгиланган расценкага кўпайтириш йўли билан аниқланади ва бу ҳолда мукофотлар ишлатилмайди.

Масалан: а) якка тартибда расценка белгиланган бўлса

$$И_{х.} = \sum p_{и.} \cdot к_{и.}$$

Бу ерда:

$п_и$ – и- иш ёки хизмат ўлчов бирлигига белгиланган расценка, сўм;

$к_и$ – ишчи томонидан бажарилган и-иш ёки хизматнинг миқдори, сон бирлигида бир ойга.

б) жамоа (бригада) учун расценка белгиланган ҳолда жамоа (бригада) бажарган иш ёки хизмат миқдори белгиланган расценкага боғлиқ бўлади. Ҳар бир ишчининг иш ҳақи уларнинг разрядлари ва бир ойда ишлаган иш вақтига пропорционал тақсимланади. Бунда бригадани иш ҳақи ($И_{х.б.}$) қуйидагига тенг бўлади:

$$И_{х.б.} = \sum p_{и.б.} \cdot к_{и.б.}$$

Бу ерда:

$п_{и.б.}$ – бажарилган иш ёки хизмат ўлчов бирлигига белгиланган бригада расценкаси, сўм;

$к_{и.б.}$ – бир ойда бригада бажарган иш ёки хизматнинг сон миқдори, сўм, дона ва ҳоказо.

Ишчининг иш ҳақи қуйидагича ҳисобланади:

$$И_{х.и.} = И_{х.б.} \cdot \frac{Т_{с.и.} \cdot т_{и}}{\sum_{т=1}^{п} (Т_{с.и.} \cdot т_{и})};$$ бу ерда:

$И_{х.и}$ – и- ишчининг бир ойлик иш ҳақи миқдори, сўм;

$Т_{с.и}$ – и- ишчининг разряди бўйича белгиланган соатбай тариф ставкаси;

$т_и$ – ишчининг бир ойда ишлаган вақти, соат;

н – бригададаги ишчилар сони.

Иш ҳақининг ишбай-мукофотли шакли ишлатилганда белгиланган расценка бўйича асосий иш ҳақи юқоридагича ҳисобланади.

Ишбай-мукофотли иш ҳақи усули ишлатилганда мукофот суммаси вақтбай-мукофотли иш ҳақи усулида ишлатилган формула орқали ҳисобланади.

Прогрессив ишбай иш ҳақи шакли ишлатилганда (бу шакл асосан ишлаб чиқариш тармоқларида кўпроқ қўлланилади) режа

даражасида бажарилган иш учун иш ҳақи белгиланган расценкага қараб ҳисобланади, режадан ортиқ бажарилган иш учун эса оширилган расценкага нисбатан ҳисобланади.

Билвосита ишбай иш ҳақи шакли асосан қўшимча ишларни бажарувчи ишлар учун ишлатилади.

Аккорд иш ҳақи шакли бажариладиган ишнинг умумий ҳажмига белгиланади ва унда иш тез (белгиланган муддатга нисбатан) бажарилгани учун мукофот бериши режалаштирилади. Бу шакл қурилиш корхоналари ва автотранспортларда ишлатилади.

Хўжалик субъектлари учун мотивация муҳитини яратиш муҳим масалалардир. Шундай мотив ва рағбатлантириш усулларини яратиш керакки, раҳбардан тортиб, то оддий ишчигача ишларни бажариш улар учун ҳам қизиқарли, ҳам фойдали бўлсин. Бизнинг фикримизча мулкдор учун ҳам, ёлланма ишчи ҳам хўжалик субъектининг асосий мақсадини, («Х» даражадаги фойда ёки даромад олиш бир томондан, «Й» даражадаги талаб ёки эҳтиёжни қондириш иккинчи томондан) бажариш умумий нуқта бўлиб ҳисобланиши керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳаракатдаги кафолатланган тариф ставкалари ва лавозим окладлари ишчи ва ходимларнинг маошини хўжалик субъекти мақсади билан боғлиқлигини тўла ифода қилмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида юқоридаги муаммони ҳал қилиш учун иш ҳақининг прогрессив шаклларидан, моделларидан фойдаланишга ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бунга ушбу масалада хўжалик субъектларининг мустақиллигини ошириш имкониятини яратмоқда. Бундай шаклга (моделга) тарифсиз тизимни киритиш мумкин. Бунда кафолатли тариф ставкалар лавозим окладлари, айрим устамалар ва қўшимчалар ишлатилмайди. Ушбу тизимда иш ҳақи фонди ёки жамоа томонидан ишлаган маошининг ҳажми улар ўртасида ишчи ходимнинг малакаси ва мехнатининг сифатига қараб тақсимланади. Бунда иш ҳақини индивидуллаштиришга эришилади. Ушбу шакл (модел) чет элларда (АҚШ., Япония, Франция) қисман тажриба шаклда Россия ва Ўзбекистон корхоналарида ишлатилмоқда.

Тарифсиз тизим асосида маошларни мехнатнинг сифатига (малакаси, маҳорати, лавозими) қараб унинг умумий фонддаги ҳиссаси ва миқдори аниқланади. Бунинг учун қуйидаги иш ҳақини ҳисоб-китоб формуласи ишлатилади.

$$И_и = \frac{K_i}{\sum_{i=1}^{n} K_i} \cdot И_{ж.ф}$$

Бу ерда: $И_{ж.и.}$ – и – ишчининг иш ҳақи;

$К_и$ – и – ишчининг иш ҳақи неча маротаба минимал иш ҳақидан юқорилигини кўрсатувчи коэффицент;

п – ишчиларнинг умумий сони.

Тарифсиз иш ҳақи тизими ишлатилганда алоҳида ишчининг иш ҳақини ҳисоблашда юқоридагидан ташқари алоҳида ишчининг меҳнатига иштирок этиш коэффицентини аниқлаш орқали ҳам, ишчининг иш ҳақи фондидаги ҳиссасини ва иш ҳақининг миқдори ҳисоб-китоб қилинади.

Хозирги вақтда савдо ва оммавий овқатланиш соҳасида иш ҳақининг тарифсиз тизимидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Бунда силжувчи окладлар, шартномавий (меҳнат шартномаси, жамоавий шартномаларда кўрсатилиши мумкин) ва комиссион усули қўлланилади.

Иш ҳақининг тарифсиз тизимида иш ҳақи фондини тақсимлаш қоидаси ишлатилади. Яъни бригада ёки жамоа учун ажратилган иш ҳақи фонди ишчи ёки хизматчилар ўртасида уларнинг фаолият натижасига қўшган ҳиссасини (ишнинг мураккаблиги, ишчининг малакаси, жавобгарлиги даражаси, ишлаган вакти кабилар) ҳисобга олган ҳолда тақсимланади. Бунда ҳир хил коэффицентлар, баллар тизими (рейтинг) кабилар ишлатилиши мумкин.

Иш ҳақининг тарифсиз тизимининг мақсади иш ёки хизматни (корхона, хўжалик субъекти, ташкилот) пировардидаги натижани моддий рағбатлантиришга қаратилади. Ушбу натижага қараб иш ҳақи фонди режалаштирилади.

Иш ҳақи миқдори унинг учун ажратилган маблағ ҳажмига қараб аниқланади.

Албатта, ишчига қонуний ҳужжатларда белгиланган минимал иш ҳақи миқдорини тўлаш кафолатланиши зарур.

Иш ҳақини силжувчи окладлар тизими иш ёки хизмат ҳажми режаси бажарилганда бошқа кўрсаткичлар (масалан: товар айланмаси таркиби, муомала (давр) харажатлари даражаси ва таркиби, даромад, фойда миқдори, рентабеллик даражаси, меҳнат унумдорлиги ва бошқалар) ўзгарса белгиланган (келишилган) иш ҳақи миқдори ўзгартирилиб борилади. Ўзгартирилиш миқдори кўрсаткичларни у ёки бу томонлама ўзгарилиши миқдорига қараб коэффициентларда ёки фоизларда белгиланиши мумкин.

Комиссион иш ҳақи тизими сотувчиларга, савдо агентлари, диллерлар, реклама агентлари, товарлар билан таъминловчилар, овқатланиш зали маъмурлари, ташқи иқтисодий алоқалар билан шуғулланувчилар, айрим мутахассислар, хизматчилар кабиларга қўлланилиши мумкин.

Комиссион иш ҳақи тизимининг кўп хиллари қўлланилади. Конкрет усули корхона, савдо, умумий овқатланиш шохобчаларининг мақсадига, муомаладаги товарларнинг хусусиятига, бозорнинг муҳитига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Тарифсиз иш ҳақининг комиссион усули қўлланилганда иш ёки хизмат натижаси миқдорига комиссион фоиз (якка тартибдаги ёки жамоа, бригада) белгиланади ва у қуйидагича аниқланади:

$$Их.б. = \frac{ТА \cdot К_{ф.б}}{100} \quad \text{ёки} \quad И_{х.и} = \frac{ТА \cdot К_{ф.и}}{100}$$

Бу ерда: ТА – бажарилган иш, хизмат миқдори ёки бошқа белгиланган кўрсаткич, бу ерда товар айланиши суммаси келтирилган;

$К_ф$ – «ТА» миқдорига белгиланган комиссион тўлов фоизи, % да - тегишлича «б» бригада, «и» алоҳида ишчи учун.

Корхона ёки хўжалик субъекти товар айланиш ҳажмини оширишга интилса, одатда, товар айланиш ҳажмига нисбатан комиссион фоизи белгиланади.

Масалан, савдо шохобчаси сотувчисига магазин директори томонидан товарлар айланиши ҳажмига нисбатан 10,0% комиссион тўлови белгиланган. Ой давомида товар айланиши ҳажми 900000 сўмни ташкил қилган бўлса, сотувчини иш ҳақи 90000 сўмни (900000*10/100) ташкил қилади.

Сотувчиларга иш ҳақи комиссион усул билан аниқланганда товар ассортиментларига қараб ошиб борувчи (прогрессив) комиссион фоизлар ишлатилиши мумкин. Масалан, товар айланишини ҳар бир фоиз ўсишига қанча фоизга комиссион тўлов ўсиши мумкинлиги белгиланади.

Мисол учун, озиқ-овқатлар билан савдо қилувчи сотувчига минимал товар айланиши миқдори (режада) 600000 сўм, комиссион фоиз – 10,0%, ҳар бир фоиз товар айланишига комиссион тўлов суммаси 0,5% ўсиши белгиланган ва ҳақиқий товар айланиши 700000 сўмни ташкил қилади.

Бу ҳолда озиқ-овқатлар билан савдо қилувчи сотувчининг иш ҳақи қуйидагича аниқланади:

1. Товар айланиши режасининг бажарилиши ($ТА_ф$)

$ТА_ф = 700000*100/600000 = 116,7\%$

2. Режадаги комиссион тўлов суммаси ($К_{их.р}$)

$К_{их.р} = 600000*10/100 = 60000$ сўм

3. Комиссион тақдирлаш фоиз ҳисобида (КРФ)

$КРФ = (116,7 – 100,0) * 0,5 = 8,35\%$

4. Сотувчининг ойлик иш ҳақи ($И_{хи}$)

$И_{х.и} = 60000 + 60000*8.35/100 = 60000 + 5010 = 65010$ сўм

Комиссион – ошиб борувчи (прогрессив) усул ишлатилганда иш ҳақини қуйидагича аниқлаш формаласини тавсия қиламиз.

$$Их.i = К_{ш.р} + \frac{К_{ш.р} \cdot КТФ}{100}$$

Бу ерда: $И_{х.и}$ – и – сотувчининг ойлик иш ҳақи;

$К_{их.р}$ – режадаги комиссион тўлов суммаси;

КТФ – комиссион рағбатлантириш миқдори, % ҳисобида.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иш ҳақининг контаракт (шартномавий) тизими кенг тарқала бошланди. Умуман контракт (шартномавий) иш ҳақи тизими бутун жахонда кенг тарқалган. Шуни эътиборга олиш керакки, бу тизим ишлатилганда аслида тариф сеткаси, тариф разрядлари, тариф коэффицентлари, тариф ставкалари ва моддий рағбатлантириш тизимларини ҳамда бошқа омилларни чуқур таҳлил қилиш асосида иш ҳақини контракт (шартномада) кўрсатилган миқдорда аниқланади.

Бу, албатта, контракт (шартнома) миқдори иш берувчи ёки мулкдорнинг иш ҳақи учун ажрата оладиган маблағи ҳажми, уни имконияти чегарасида белгиланади.

Мехнат (жамоавий) контракт (шартнома) да иш ҳақи миқдори (вақтбай ёки ишбай шакли кўрсатилиши мумкин) моддий рағбатлантириш ва жавобгарлик шарти, меҳнат шарт-шароити, ишчининг ҳуқуқи ва бурчи, контракт (шартнома) муддати келишилади.

Иш ҳақининг тарифсиз тизими ишлатилишда:

- аниқ савдо ходимига қўйилган вазифа ва мақсадни;
- мақсадга эришиш даражасини белгиловчи кўрсаткичлар;
- мақсадга эришиш даражаси ва моддий рағбатлантириш миқдорини сон нисбатини аниқлаб олиш лозим бўлади.

Таянч иборалар: *меҳнат, меҳнат ресурслари, ишчи кучи, ишчилар сони, рўйхатдаги ишчилар, меҳнат салоҳияти, меҳнат ҳақи, иш ҳақи, ишчи кучи қиймати, тариф тизими, таъриф*

ставкаси, таъриф разряди, тариф коэффициенти, вақтбай иш ҳақи, ишбай иш ҳақи, таърифсиз тизим.

Такрорлаш учун саволлар

1. Меҳнатнинг моҳиятини ёритиб беринг?
2. Меҳнат ресурслари деганда нимани тушунасиз?
3. Меҳнат салоҳияти нима ва у меҳнат ресусларидан қандай фарқланади?
4. Ишчи кучи нима?
5. Ишчи кучи такрор ишлаб чиқарилиши қандай фазалардан иборат бўлади?
6. Рўйхатдаги ходимлар сони қандай аниқланади?
7. Ходимларни ўртача сони қандай аниқланади?
8. Меҳнат ресусларни таҳлил қилишда қандай кўрсаткичлар аниқланади?
9. Савдода сотувчилар сони қандай режалаштирилади?
10. Раҳбар ҳодимлар сони қандай аниқланади?
11. Иш ҳақининг мазмунини ёритинг?
12. Меҳнат ҳақини иш ҳақидан фарқини тушунтиринг?
13. Ишчи кучини сақлаш учун тўлов ва харажатларга нималар киради?
14. Меҳнат ҳақи ижтимоий пакетига нималар киради?
15. Иш ҳақи тизимининг моҳияти ва аҳамияти.
16. Иш ҳақини ташкил қилиш қоидалари.
17. Иш ҳақи шакллари.
18. Меҳнат мотивацияси деганда нимани тушунасиз ва у қандай воситалар орқали амалга оширилади?
19. Тарифсиз тизимнинг афзалликлари қандай номоён бўлади?
20. Прогрессив иш ҳақи тизимини тавсифлаб беринг.
21. Вақтбай – мукофотли иш ҳақи шакли ишбай– мукофотли иш ҳақи шаклдан нима билан фарқланади ва улар қандай ҳолларда ишлатилади?
22. Иш ҳақи фондининг таҳлили нимадан бошланади ва қандай кўрсаткичлар ишлатилади?

XVIII боб. САВДО КОРХОНАЛАРИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ, САМАРАДОРЛИГИ, УЛАРНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

18.1. Савдо корхоналари даромадларининг моҳияти ва аҳамияти
18.2. Савдо корхоналари даромадлари турлари
18.3. Савдо корхоналари даромадларига таъсир қилувчи омиллар
18.4. Савдо корхоналарининг даромадларини таҳлили ва режалаштириш
18.5. Савдо корхоналари даромадларини ошириш йўллари

***

18.1. Савдо корхоналари даромадларининг моҳияти ва аҳамияти

Умуман олганда, «Даромад» сўзининг мазмуни «Давлат, савдо саноат муассасалари, корхоналар, колхоз, совхоз, ижтимоий ташкилот ёки айрим шахс ҳисобига тушадиган соф пул ва бошқа маблағлар» деб ўзбек тилининг изоҳли луғатида (Москва «Рус тили» нашриёти 1981, 211 бет) таърифланган. Аслида сўзнинг мазмунини корхона, хўжалик субъектлари ёки шахснинг қандайдир фаолияти натижасида унинг тасарруфига тушадиган соф пул ёки моддий неъматларни англатади.

Собиқ иттифоқ давридаги ва ҳозир ҳам савдо соҳасига бағишланган иқтисодий адабиётларда уларнинг даромадларини моҳиятига юзаки таъриф бериб келинган ва шундай қарашлар ҳозир ҳам давом этмоқда. Шу сабабли бизлар «даромад» категорияси моҳиятини қисқача бўлса ҳам иқтисодиёт назарияси нуқтаи назаридан ёритиб ўтмоқчимиз.

Иқтисодиётга оид адабиётларда савдо соҳаси даромадига берилган таърифларни умумлаштириб қуйидагиларга бўлиш мумкин:

- савдо ва умумий овқатланиш кохоналарининг ялпи даромади деганда барча фаолият турларидан олинган даромадларнинг мажмуаси тушунилади[66];

- даромадлар деганда иқтисодий манфаатларнинг ўсиши натижасида капиталнинг ортиб бориши тушунилади[67];

- ялпи даромад деганда, савдо корхоналарига савдо жараёнидан ва бошқа фаолиятлардан тушадиган даромадлар суммаси назарда тутилади[68];

- савдо корхонасининг ялпи даромади деганда савдо хизматларини сотишдан тушган умумий тушум суммаси, яъни товар айланиш ва товарлар сотиб олиш қиймати ўртасидаги фарқ ҳамда товарлар сотиш билан боғлиқ бўлмаган фаолиятлардан олинган даромадлар тушунилади[69];

- савдо корхоналари ва ташкилотларининг ялпи даромади деганда муомала харажатларини қоплаш ва фойдани шакллантиришга йўналтириладиган товарлар сотишдан ва бошқа ишлар ва хизматлардан тушган пул маблағлари суммаси тушунилади[70];

- савдонинг ялпи даромади – бу товарларни ва хизматларни сотишдан тушган тушум ва товарлар билан таъминловчиларга товарлар қийматини тўлаш билан боғлиқ харажатлар фарқидир[71].

Бундай таърифлар сонини кўплаб келтириш мумкин.

Ушбу таърифлардан кўриниб турибдики «даромад» категориясига ҳисоб-китоб нуқтаи назаридан қараш мавжуд, уни табиати ва моҳияти иқтисодий категория сифатида ёритилмаган.

Савдо корхоналари (шохобчалари)нинг ҳамда бошқа хўжалик субъектлари ва алоҳида шахслар даромади улар фаолияти натижасида яратилган қиймат нуқтаи назаридан қаралиши назарий жиҳатдан тўғри бўлди. Савдода даромад улар фаолиятининг баҳоси яъни улар фаолиятида сарфланган ижтимоий зарурий меҳнатнинг (меҳнат воситалари ва ишчи кучи харажатлари) қиймати ва қўшимча қийматнинг пулдаги ифодасини англатади. Назарий жиҳатдан у «с + в+ м» -га тенг. Бу ерда «с + в» жонли ва жонсиз

---

[66] Ғуломов К.Б. «Савдода бухгалтерия хисоби ва солиққа тортиш», Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2004, 184 бетда.

[67] «Экономика предприятия (Фирмы)», Учебник, Коллектив авторов, М.: ИНФРА-М, 2004, 211 страница.

[68] Учебник Б.В. «Экономика торговли», Учебник, М.: «Высшая школа», 1989. 172 страница.

[69] «Экономика торговли», Учебник, Коллектив авторов. М.: «Экономика», 1990. 192 страница.

[70] «Экономика торговли», Учебник, Коллектив авторов. М.: «Экономика», 1980, 307 страница.

[71] «Торговая дело: экономика и организация», Учебник, Коллектив авторов, М.: ИНФРА-М, 1997, 122 страница.

меҳнат сарфларини, яъни савдо харажатларини англатса, «м» - уларни соф фойдасини миқдорини англатади.

Савдода ишлаб чиқаришдан фарқли, барча харажатлари даромад (уларни устамалари) ҳисобидан қопланади, яъни улар товарлар қиймати таркибида акс топади, ишлаб чиқаришда эса, харажатлар таннарх таркибига киради ва у маҳсулот (иш, хизмат) ни сотишдан олинган соф тушум ҳисобидан қопланади. Умуман ишлаб чиқаришда «даромад» категорияси ишлатилмайди, у ерда «даромад», «ялпи фойда» деб юритилади. Савдо фаолияти қиймати (с + в + м), уларнинг даромадида ўз аксини топади. Ушбулар нуқтаи назаридан, бизларнинг фикримизча савдо соҳасидаги «даромад»ни, улар фаолиятида яратилган қийматнинг пулдаги ифодаси сифатида, яъни улар фаолиятининг баҳоси сифатида қаралиш иқтисодий назария нуқтаи назаридан ҳақиқатга яқин бўлади.

Шундай қилиб, савдо корхоналари (шохобчалари)нинг даромади – бу улар фаолияти натижасида яратилган қийматнинг пулдаги ифодасидир ва у савдо соҳаси фаолиятининг баҳоси сифатида номоён бўлади.

Даромад товарлар баҳосининг бир элементи ҳисобланади.

Даромаднинг иқтисодий йўналтирилиш моҳияти бўйича барча харажатлар, солиқлар, тўловларни ва фойдани таъминлашдир.

Ушбу соҳада даромад улар томонидан сотиладиган товарларни сотиб олинган баҳоларига қўйиладиган устамалар миқдорида ўз аксини топади.

Савдо соҳасида даромадларни асосий қисми тегишли товарларни сотишдан шаклланади. Бунда даромадни шакллантирувчи кўрсаткич сифатида савдо корхона (шохобча)ларини, товарларни сотиб олиш баҳосига қўйиладиган устамалар ҳисобланади. Ушбу корхона (шохобча)лар товарлар сотиш билан боғлиқ бўлмаган, бажарган бошқа ишлар ва хизматлардан ҳам даромадлар олади.

18.2. Савдо корхоналари даромадлари турлари

Савдо корхоналари фаолиятларини тижоратланиши натижасида улар даромадини шаклланиши, моҳияти ва турлари тубдан ўзгариб кетди.

Бухгалтерия ва статистик ҳисоботларда савдо корхона (шохобча) ларининг даромадлари қуйидагича шаклланади.

«Маҳсулот (иш хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларини шаклла-

тириш татиби тўғрисида Низом» да (5 феврал 1999 йил 54 – сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори) хўжалик субъектлари, жумладан, савдо корхоналари даромадларининг турлари ва аниқлаш усуллари келтирилган.

Назарий жиҳатдан савдо корхоналарини сотишдан олган даромади уларни муомала харажатларини қоплаш ва фойда олиш манбаи бўлиб, у савдонинг истеъмол товарлари баҳосидаги ҳиссасининг миқдорини англатади. Бундан келиб чиқиб, савдонинг сотишдан олган даромади савдо хизматларини сотишдан тушган тушум, яъни савдо хизматлари қийматини пулдаги ифодасидир. Ушбу таъриф сотишдан олган даромадни моҳиятини очиб беради.

Савдони товарларни ишлаб чиқаришдан то истеъмолчиларга етказиш, унинг билан боғлиқ бўлган савдо хизматларини тўлаш товарларни чакана баҳоси ҳисобидан амалга оширилади ва у савдо хизматининг қиймати бўлиб, ҳисобланади.

Савдо харажатларини тўлаш манбаи бўлиб, савдо устамалари хизмат қилади. У товарлар чакана баҳоси билан товарларни сотиб олиш (улгуржи савдодан, ишлаб чиқаришдан ёки бошқа воситачилардан) баҳоси ўртасидаги фарқи сифатида аниқланади.

Савдо корхоналарининг даромадлари юқорида келтирилган Низом бўйича қуйидагилардан таркиб топади:

1. Сотишдан олинган даромад. Савдонинг «Товарларни сотишдан олган ялпи даромади» сотишдан олинадиган соф тушумдан сотилган товарларни ҳарид қийматини чегириб ташлаш орқали аниқланади. Сотишдан олинадиган соф тушум товар айланиши суммасидан товарларни сотиб олиш қийматига киритиладиган, (ишлаб чиқариш корхоналарини сотиш (улгуржи) баҳоларидан ташқари) сотиб олиш билан боғлиқ қўшимча харажатларни (божхона тўловлари – акциз солиғи, ҚҚС, божхона божи ва йиғимлари; воситачилик ёки брокерлик харажатлари ва бошқаларни) чегириб ташлаш орқали аниқланади.
2. Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;
3. Асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар. Улар категорига молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва фавқулоддаги даромадлар киради.

Савдо корхона (шохобча)лари даромадининг таркибий турлари 18.2.1- чизмада келтирилган.Савдода товарларни сотишдан олинган даромадига кенгроқ тўхталиб ўтамиз. Чакана савдо корхона (шохобча) лари товарлари эркин чакана баҳоларда сотади. Лекин озорда баҳо сиёсатига истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчилар

ёки чет эл таъминотчилари хийла даражада таъсир қилади. Яъни уни шаклланишига асос солади, бу ҳолатга савдонинг таъсири катта эмас. Шу сабабли савдо корхона (шохобча) лари товар ишлаб чиқарувчиларини баҳо сиёсатини ҳисобга олмай иложи йўқ.



18.2.1-чизма. **Савдо корхона (шохобча) ларининг даромадлари турлари**

Шу билан бир қаторда, чакана савдо корхона (шохобча)лари бошқа савдо билан шуғулланувчи юридик шахслар, якка тартибдаги савдо қилувчилар талаб ва таклифга нисбатан шаклланган ҳудудий бозор конъюнктурасидан товар ва хизматларни миқдори ва

сифатидан, ишлаб чиқарувчи ва бошқа товар таъминотчиларининг улгуржи баҳоларидан келиб чиқиб, ўз савдо устамасини ва товарларини чакана баҳосини белгилайди.

Ушбу холатдан кўриниб турибдики чакана баҳоларни асосий қисми ишлаб чиқарувчилар ва бошқа товар таъминотчиларининг улгуржи ёки товарларни сотиш баҳосидан иборат эканлиги.

Савдо устамасини белгилашда, улар муомала харажатлари миқдори товарларни сотиб олиш баҳосига киритиладиган айрим қўшимча харажатлар (божхона тўловлари ва йиғимлари ҚҚС., акциз солиғи, божхона божи, божхона йиғими, ташиб келтириш, брокерлик, воситачилик, сертификациялаш ва бошқа харажатлар)ни ва режалаштирилган товарларни сотишдан олинган фойдани ҳисобга олади. Айрим ҳолларда давлат ёки маҳаллий ҳокимият томонидан савдо устамалари чегараларини ўрнатиш, рентабиллик чегарасини белгилаш ва бошқа чоралар орқали тартибга солиниши мумкин. Савдо корхона (шохобча) лари фаолияти учун, уларни молиявий барқарорлигини таъминлашда, самарадорлигини оширишда савдо устамаларини аҳамияти жуда катта. У савдо хизмати баҳосини тавсифлайди ва уларни товарлар сотишдан оладиган даромади миқдорини белгилайди.

Товарларни сотишдан олинадиган даромадни режалаштириш савдо устамаларини асослаш орқали амалга оширилади.

18.3. Савдо корхоналари даромадларига таъсир қилувчи омиллар

Даромадларни таҳлил қилишда ялпи даромадга, унинг таркибий қисмини сотишдан олинган даромадлар, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадларга савдонинг иқтисодий фаолиятидан келиб чиқадиган омиллар таъсирини ўрганиш катта аҳамият тутади.

Даромадларнинг ҳажмига, унинг турларига мос равишда бир неча омиллар таъсир қилади.

Товарларни сотишдан олинган даромадларга қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- товар айланишининг ҳажми, таркиби ва ассортименти;
- товарларни келтириш шартлари;
- товарларни силжитиш. Бу жараёнда товарлар физик (реал) миқдорда ишлаб чиқаришдан чакана савдога етказилади. Товар-

ларни силжитиш бир неча бўғинлардан иборат бўлади (улгуржи савдо базалари, омборлари; ҳар хил воситачилар). Ушбу бўғинлар қанча кўп бўлса, савдо устамаси уларнинг ўртасида тақсимланади ва чакана савдонинг ҳиссасини камайишига олиб келиши мумкин. Уларнинг сони товар ассортиментларининг мураккаблигига, товарларни ишлаб чиқаришдан чакана савдога етказиш шарт-шароитларига ва бошқаларга боғлиқ.

- савдо устамасининг даражаси (сотиб олиш баҳосига нисбатан, %);
- товарларни сотишда аҳолига кўрсатиладиган қўшимча хизматларнинг сони, сифати ва уларнинг тарифлари.

Умуман олганда, даромадларга кўп сонли ташқи (савдога боғлиқ бўлмаган) ва ички омиллар таъсир килади.

Ташқи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- сиёсий барқарорлик;
- иқтисодиётнинг ҳолати;
- демографик ситуация;
- бозор конъюктураси, жумладан, истеъмол товарлари бозори;
- инфляция даражаси;
- кредит бўйича банк фоизлар;
- баҳони миқдори;
- тарифлар, тўловлар ва бадаллар миқдорлари.

Ички омилларга қуйидагилар киради:

- савдо устамалар миқдори (сотишдан олинган даромад);
- муомала харажатлари миқдори;
- товарларни силжитиш каналлари;
- мехнат унумдорлиги;
- товар айирбошлаш тезлиги (кунлар ва маротабаларда);
- ўз маблағларининг миқдори;
- асосий фондлардан ва айланма маблағлардан самарали фойдаланиш ва бошқалар.

18.4. Савдо корхоналарининг даромадларини таҳлили ва режалаштириш

Савдода даромадларининг таҳлилининг вазифаси ялпи даромад, унинг таркибий турлари бўйича режанинг бажарилиши, уларни динамикасини (ўзгариш) тенденциялари, таркибий силжишлар ҳамда уларга таъсир қилган омилларни таъсир даражасини аниқлаш

асосида корхонани молиявий-хўжалик фаолияти натижасига баҳо бериш бўлиб ҳисобланади.

Даромадларни таҳлил қилишда бухгалтерия, молиявий, статистик ҳисоботлар ва танлаб кузатиш, эксперт баҳолаш натижалари каби маълумотлар ишлатилади.

Ҳисоботларга қуйидагиларни киритиш лозим:

- бухгалтерия баланси - 1-сонли шакл;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сонли шакл;
- пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
- фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот – 9-шакл;
- корхона харажатлари тўғрисидаги ҳисобот – 5-С (савдо) шакли;
- улгуржи ва чакана товар айланмаси тўғрисидаги ҳисобот – 1-савдо шакли;
- товарлар сотиш ва қолдиқ тўғрисидаги ҳисобот – 3-савдо шакли;

Булардан ташқари бухгалтериядаги товар гуруҳлари бўйича савдо устамалари тўғрисидаги маълумотлар ишлатилади.

Даромадлар миқдори абсолют – сўмда ва нисбий кўрсаткичларда ҳисоб-китоб қилинади. Унинг нисбий кўрсаткичларига қуйидагиларни киритишни тавсия қиламиз:

- сотишдан олинган даромадларни товар айланишига нисбатан, фоизда ёки коэффициентда;
- сотишдан олинган даромадларга муомала харажатларини нисбати, фоизда ёки коэффициентда;
- ялпи даромадларини барча активларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда;
- ялпи даромадларни асосий фондларга; айланма мабалағларга, молиявий ресурсларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда;
- молиявий фаолиятдан олинган даромадларни молиявий ресурсларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда.

Бундан ташқари, даромадларни таркиби ҳар бир элемантини уларга тегишли, уларни шакллантирадиган кўрсакткичларга ёки манбасига нисбатан тегишли кўрсаткичлар аниқланиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Даромадларни таҳлил қилишда ялпи даромадга, унинг таркибий қисми сотишдан олинган даромадлар, асосий фаолиятдан олинган

бошқа даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадларга савдонинг иқтисодий фаолиятидан келиб чиқадиган омиллар таъсирини ўрганиш катта аҳамият тутади.

Даромадларнинг ҳажмига, унинг турларига мос равишда бир неча омиллар таъсир қилади.

Товарларни сотишдан олинган даромадларга қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- товар айланишининг ҳажми, таркиби ва ассортименти;
- товарларни келтириш шартлари;
- товарларни силжитиш. Бу жараёнда товарлар физик (реал) миқдорда ишлаб чиқаришдан чакана савдога етказилади. Товарларни силжитиш бир неча бўғинлардан иборат бўлади (улгуржи савдо базалари, складлари; ҳар хил воситачилар). Ушбу бўғинлар қанча кўп бўлса, савдо устамаси уларнинг ўртасида тақсимланади ва чакана савдонинг ҳиссасини камайишига олиб келиши мумкин. Уларнинг сони товар ассортиментларининг мураккаблигига, товарларни ишлаб чиқаришдан чакана савдога етказиш шарт-шароитларига ва бошқаларга боғлиқ.
- савдо устамасининг даражаси (сотиб олиш баҳосига нисбатан, %);
- товарларни сотишда аҳолига кўрсатиладиган қўшимча хизматларнинг сони, сифати ва уларнинг тарифлари.

Товар айланишининг ортиши даромадларни ортишига олиб келади, чунки қанча товар кўп сотилса, шунча савдо устамасининг суммаси юқори бўлади.

Товарлар ассортиментига қараб ҳар хил устамалар белгиланади, бу эса агар юқори устама қўйилган товарлар кўпроқ сотилса, улар учун устама суммаси юқори бўлади ёки тескари холат рўй бериши мумкин.

Товарларни келтириш шартларига эътибор қаратсак баҳолар ўзгармаган шароитда товарларни силжитиш бўғинлари қанча кўп бўлса, чакана савдо бўғинлари шунча кам даромад олишлари мумкин. Бозор муносабатлари шароитида савдо корхоналари савдо устамаларини мустақил белгилайди. Айрим товар гуруҳлари бўйича савдо устамалари давлат ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан чегараланиши мумкин. Буни улар аҳолининг кундалик эҳтиёжига тааллуқли товарларни баҳосини чегаралаш мақсадида ҳам амалга оширади. Бу жаҳон амалиётида ҳам мавжуд. Лекин бундай

шароитда бир томондан даромадни камайтирмаслик керак, иккинчи томондан, истеъмол товарларига рақобатбардош баҳоларни ушлаб туриш зарар бўлади.

Даромадларни бошқа турларига таъсир қилувчи омиллар уларнинг иқтисодий табиатидан ва шаклланиш шароитидан келиб чиққан ҳолда аниқланади (масалан: ҳар хил хизматлар ва уларнинг тарифлари, қимматбаҳо қоғозлар баҳоси, ҳар хил фоизлар ва ҳ.к.)

Фавқулодда даромадларнинг вужудга келиши, уларни иқтисодий табиатидан маълум, лекин буларни ҳам сабабларини аниқлаш, таҳлил қилиш, ҳулосалар қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таҳлил жараёнида биз юқорида келтирган кўрсаткичларни режага нисбатан ўзгариш миқдори, бир неча йилларга динамикаси ҳисоб-китоб қилиниши керак.

Даромадларни таҳлили фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг таҳлили билан тиғиз боғлиқ бўлганлиги муносабати билан уларнинг таҳлили фойда ва рентабелликни таҳлили ўқув қўлланманинг 19.4-параграфида кенгроқ ёритилади.

Бозор муносабатлари шароити савдо корхоналарини даромадлари уларни шаклланиш манбаларини ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва прогнозлаштиришни талаб қилади.

Савдо корхоналари даромадлари уларни шаклланиш манбаларига қараб товарларни сотишдан олинган даромадлар, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (асосий воситалар сотилиши ва бошқа чиқимлардан олинган фойда, бошқа активларни сотишдан ва берилишидан олинган фойда, ундирилган жазо, жарима ва бокимандалар, қисқа муддатли ижарадан олинган даромадлар ва бошқалар), молиявий фаолиятдан олинган даромадлар (роялти кўринишидаги нау-хоу, лицензия, компьютер дастурларини ижарага бериш ва сотиш), дивидентлар, фоизлар, валюта курслари фарқлари ва ҳоказолар.

Даромадларни режалаштириш ва прогнозлаштириш, авваламбор, ўтган йиллар маълумотларини таҳлил натижалари ва хулосаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Даромадларни режалаштириш уларнинг турлари ва шакллантириш манбаларидан келиб чиқиб, тегишли усулларни ишлатиш асосида амалга оширилади.

Даромадларни режалаштириш ва прогнозлаштиришда тўғридан-тўғри техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар усули, корреляцион усул, эластиклик коэффициенти орқали аниқлаш, безарарлик нуқтасини аниқлаш ва бошқа усуллардан фойдаланиш мумкин.

Масалан, товарларни сотишдан олинган даромад товар айланиши режасини (сотиб олиш баҳоларида) товарлар ассортименти бўйича ва товарларга қўйилган савдо устамаси даражасига (% ҳисобида сотиб олиш баҳоларига нисбатан) кўпайтириш ва 100 га бўлиш ҳамда барча товар гуруҳлари бўйича суммалаштириш орқали ҳисобланади.

Даромадларни прогнозлаш юқорида келтирилган усуллардан ташқари иқтисодий математик моделларни қўллаш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Даромадларни режалаштириш масаласи кенгроқ фойдани режалаштириш параграфида ёритилади.

18.5. Савдо корхоналари даромадларини ошириш йўллари

Савдо фаолияти даромадларини ошириш йўллари даромадлар турларидан ва моддаларидан келиб чиқиб, уларни шаклланиш манбалари ва уларга таъсир этувчи омиллардан келиб чиқиб белгиланиши зарур.

Товарларни сотишдан олинган даромадлар асосан товарлар айланиши ҳажми, таркиби ва ассортименти, уларга ўрнатилган савдо устамаси даражаси ҳамда товарларни келтиришдаги иштирокчилар ва рақобатбардош баҳонинг миқдоридан боғлиқ. Бу кўрсаткичларни у ёки бу томонга ўзгариши даромадни ортишига ёки камайишига олиб келади.

Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар миқдори корхонада мавжуд асосий фондлар, уларни ишлатилмаётганлиги, сотиш имконияти, номоддий активларни сотишни ташкил қилишдан боғлиқ.

Мавжуд, талаб қилиб олинмаган жазо, жарима ва бокиманда-ларни ўз вақтида қайтариб олиш тадбирларини кўриш ва бошқалар.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадларни ошириш учун савдо корхонаси мулки бўлган нау-хау, лицензия, компьютер

дастурларидан самарали фойдаланиш, уларни ижарага бериш ёки сотиш чораларини кўриб чиқиш.

Бошка корхоналар акцияларини сотиб олиш орқали дивидендлар олишлаш каби фаолиятларни юритиш.

Барча даромадлар турлари бўйича уларни ошириш йўлларини ахтарганда, бошқарув соҳасида юқори малакали кадрлардан фойдаланиш, рационал қарорлар қабул қилиш, фан техника ютуқларидан тўғри фойдаланиш каби тадбирлар кўрилиши мақсадга мувофиқдир.

Муомала харажатларидан тежамли фойдаланиш, унинг таркибида норационал харажатларга йўл қўймаслик савдонинг сотишдан олган фойдасини оширишга олиб келади.

Умуман, даромадни миқдори хўжалик фаолиятни ташкиллаштиришда самарали карорлар қабул қилиш, раҳбарлар ва ходимларни тадбиркорлиги, касбий маҳорати, малакаси каби омилларгаҳам анча боғликдир.

Бизнингча, савдо корхоналарида даромадни ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1) Савдо дўконларидаги товар қолдиқларини ўрганиб чиқиш ва товар сотишнинг прогрессив йўлларини жорий қилиш;

2) чакана савдо шохобчалари жойлашувини қайта кўриб чиқиш;

3) аҳоли талабини ўрганиш асосида товарлар ассортиментини шакллантириш;

4) асосий истеъмол моллари бўйича бозорларда кўчма савдони ташкил этиш;

5) корхона бошқарувига бугунги кун замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган, иқтисодий таҳлил усулларидан фойдаланиб корхона бошқарув қарорларини қабул қилишда ёрдам бера оладиган билимли иқтисодчи мутахассисларни ва маркетологларни жалб қилиш.

6) истеъмолчилар талабини чуқур ўрганиб, сўнгра товарларни келтириш;

7) товарларни сақлаш шароитларини яхшилаш ва моддий жавобгарликни ошириш;

8) доимий харидорларни шакллантириш ва кўпайтириш;

9) савдо сервисини ошириш ва унда савдо ходимларининг ролини ошириш;

10) истеъмолчиларга товарларни сотиб олгандан кейинги қўшимча хизматларни ташкил этиш;

Таянч иборалар: *товар айланиши, қиймат, баҳо, устама, ялпи даромад, товарларни сотишдан олинган даромад, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадлар, фавқулоддаги даромадлар.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Даромадлар тушунчаси моҳиятини ёритиб беринг.
2. Савдонинг даромадини таърифини айтинг.
3. Савдонинг даромадига қандай тарифлар берилган?
4. Нега савдонинг даромади уни фаолиятининг баҳоси дейилади?
5. Савдонинг даромадлари қандай йўналишларда ишлатилади?
6. Даромадларни қандай турларини биласиз ва улар таркибига нималар киради?
7. Даромадларни таҳлил қилишни вазифаларини айтинг.
8. Даромадларни таҳлил қилишда қандай маълумотлардан фойдаланилади?
9. Даромадларни таҳлил қилишда қандай кўрсаткичлар аниқланади?
10. Даромадларга қандай омиллар таъсир қилади?
11. Даромадлар қандай режалаштирилади?

XIX боб. САВДОДА ДАВР ХАРАЖАТЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ, ТАСНИФИ, ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

19.1. Товар муомаласидаги ижтимоий зарурий меҳнат харажатларнинг моҳияти

19.2. Муомала харажатларининг мазмуни ва таснифланиши

19.3. Муомала харажатларининг даражасига таъсир қилувчи омиллар

19.4. Муомала харажатларини таҳлили

19.5. Муомала харажатларини режалаштириш

***

19.1. Товар муомаласидаги ижтимоий зарурий харажатларнинг моҳияти

Ҳар бир жамиятда ишлаб чиқариш ва истеъмол бир-биридан макон ва замонда фарқланади. Бу икки жараённи бир-бири билан боғлаш, яъни бир томондан ишлаб чиқариш соҳасининг маҳсулотини истеъмолчига етказиш, иккинчи томондан истеъмолчини товар учун тўловини ишлаб чикарувчига етказиш тегишли масофада ва вақтда, ушбу жараён билан шуғулланувчи махсус соҳа орқали амалга оширилади.

Ушбу жараён, яъни истеъмол товарларини истеъмолчига етказиш тегишли моддий ва номоддий харажатлар билан боғликдир. Бу жараёнларнинг бир қисми ишлаб чиқариш корхоналари томонидан копланади ва улар корхонанинг давр харажатлари таркибида ўз аксини топади. Масалан: тайёр маҳсулотларни корхона омборларида сақлаш, уларни транспорт воситаларига юклаш, айрим холларда маҳсулотларни олди-сотди шартномаларига асосан транспорт харажатлари ишлаб чиқариш корхонаси томонидан копланиш кўзда тутилган бўлса, (мисол учун денгиз, дарё транспортида «франко-станция-назначения» усули қўлланилса)

транспорт харажатлари ва реклама, агар ишлаб чиқариш корхоналари реклама фаолияти билан шуғулланса.

Истеъмол товарларини ишлаб чиқаришдан истеъмолчига етказиш учун сарфланган харажатларнинг асосий қисми товар айирбошлаш соҳаси билан шуғулланувчи савдо соҳаси, умумий овқатланиш корхоналари ва шохобчалари зиммасига тўғри келади. Бу харажатларнинг асосий қисми савдо соҳасининг таннархи сифатида муомала харажатларига киритилади, айрим харажатлар савдо корхоналари ва шохобчаларининг асосий фаолиятидан олинган фойдаси ҳисобидан копланади.

Шундай килиб савдо соҳаси харажатларини иқтисодий мазмуни бўйича назарий жиҳатдан умумий харажатлар, муомала харажатлари ва муомала харажатлари таркибига кирмайдиган харажатларга таснифлаш тўғри бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Савдо соҳасининг умумий харажатлари кўп қиррали бўлиб, у ҳар хил турдаги харажатлардан таркиб топади. Унинг таркибига муомала харажатларидан ташқари қуйидагиларни киритилади.

1. Сотиб олинган товарлар киймати, савдо корхонаси, шохобчаси ишлаб чикарилган тайёр маҳсулотни сотиб олади ва уни истеъмолчиларга етказиш учун моддий ва номоддий харажатлар хашлайди. Сотиб олинган товарлар киймати савдо корхонаси, шохобчаси учун кўринишдан уларнинг харажати бўлса ҳам, улар суммаси даромаддан копланмайди ва савдонинг таннархи ёки муомала харажатлари таркибига кирмайди. Ушбу харажатлар товарлар кийматида акс этади, улар авансланади, сотилади ва копланади. Бу харажатлар айланма маблағлар ва банкларнинг жорий кредитлар ҳисобидан авансланади ва ҳар бир товар айирбошланиш даврида ўз-ўзини коплайди.

2. Асосий фондларга капитал қўйилмалар, булар бир маротаба асосий фондларни янгилаш, модернизация қилиш, капитал ремонт учун қилинадиган харажатлар бўлиб, муомала харажатлари таркибига кирмайди, хусусий мулк, банкларнинг ўзок муддатли ссудалари ва бошқа маблағлар ҳисобидан копланади.

3. Даромад ҳисобидан копланадиган солиқ.

4. Банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари кредитлари бўйича фоизлар (инвестиция даврида капитал куйилмалар таркибига кирувчи инвестицияларга олинган банк ва бошқа молия-кредит

ташкилотлари кредитлари бўйича фоизлардан ташқари), шу жумладан, муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича фоизлар.

5. Мол-мулкни узок муддатга ижарага олиш (лизинг) бўйича фоизларни тўлаш ва бошқа молиявий фаолият бўйича харажатлари.

6. Божхона тўловлари, жумладан, акциз солиғи, божхона божлари ва расмийлаштириш йиғимлари.

7. Товарларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган брокерлик хизматлари, божхона омборларининг ижараси учун тўловлар, комиссион (воситачилик) харажатлар, божхона ишлари билан боғлиқ ортиш, тушириш, транспорт ва бошқа харажатлар.

8. Тара бўйича йўкотишлар. Бу харажатлар режалаштирилмаган, норационал хўжалик юритиш ёки бошқа ҳолларда вужудга келади.

9. Картошка ва сабзавотларни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича харажатлар ва бошқа бюджетдан копланадиган харажатлар бюджет ҳисобидан копланади.

10. Фавкулодда зарарлар – бу хўжалик юритувчи субъектларнинг одатдаги фаолиятдан четга чикувчи ҳодисалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган ва руй бериши кутилмаган одатдан ташқари харажатлар моддаларидир. Бунга фавкулодда моддалар ва муомала харажатлари (Низомда давр харажатлари) таркибида акс эттирилиши керак бўлган давр (харажатлари) моддалари кирмайди.

Савдонинг умумий харажатларни таркибини куйида келтирилган 20.1-чизмада ифодалаш мумкин.

Муомала харажатлари – бу истеъмол товарларини ишлаб чиқаришдан то истеъмолчига силжитиш жараёнида сарфланган жонли ва жонсиз мехнат кийматининг (бу ҳолда ҳам киймат зарурий ва кўшимча қисмларга таксимланади) зарурий қисмини пулдаги ифодасидир. Муомала харажатлари иқтисодий категория бўлиб тарихий тавсифга эга. Уни вужудга келиши товар-пул муомаласини пайдо бўлиши билан тигиз боғлиқдир.

Муомала харажатлари савдонинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб ҳисобланади

Муомала харажатлари пул-товар муносабатлари вужудга келиш даври билан боғлиқ бўлиб, у пул-товар муомаласини меваси, унинг асосида вужудга келган ва унинг моҳияти товар олди-сотди жараёни, яъни товар айирбошлашни табиатидан келиб чикади.



19.1.1-чизма. **Савдо соҳасида умумий харажатлар таркиби**

Ушбу харажатлар назарий жиҳатдан, нафақат савдода мавжуд, у такрор ишлаб чиқариш жараёнини бошланишидан (ишлаб чиқариш корхоналари хомашёни манбасидан то ишлаб чиқариш жойига етказишда (ушбу жараён ҳам товар айирбошлаш жараёнига назарий жиҳатдан киради, бу ишлаб чиқариш жараёни эмас, чунки хомашё сотиб олингандан кейин товар тусига киради ва ишлаб чикарувчи учун хомашё сифатида, назарий жиҳатдан товар сифатида уни тайёр маҳсулотга айлантирувчиларга етказилади) ҳамда уни охирги этапи яъни тайёр маҳсулотларни (товарларни) ишлаб чиқаришдан савдо соҳасигага етказиш жараёнида намоён бўлади.

Назарияда ва амалиётда товар муомаласи билан боғлиқ харажатларни такрор ишлаб чиқаришнинг бошлангич жараёни билан боғлиқ қисми маҳсулотнинг таннархига киритилади, аслида у иқтисодий табиати бўйича ва назарий нуқтаи назардан товар

муомаласи харажатлари ҳисобланса ҳам. Ушбу масаланинг моҳиятини ёритишда хозирги даврда муомала харажатларини номланишига бўлган муносабат тўғрисида тухталиб ўтмокчимиз. Чунки булажак мутахассислар (бакалаврлар, магистрлар) ва илмий тадкикотчилар ҳодисалар, жараёнлар билан боғлиқ бўлган иқтисодий категорияларни назарий жиҳатдан тўғри талқин қилиш билими ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бу билан нарсалар, ҳодисалар, жараёнларни ўрганишда, баҳолашда тўғри, илмий асосланган хулосалар яратишга эришиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 феврал 54-сонли қарори билан тасдикланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шаклантириш тартиби тўғрисида» ги Низомда негадир ғалат ҳолда муомала харажатлари «давр харажатлари» деб номланган.

Умуман олганда, ҳар қандай моддий, номоддий харажатлар қандайдир замон ва макон доирасида вужудга келади.

Ўзбек тилининг изохли лугатида (Москва «Рус тили» нашриёти, 1981. 204-бетида) «Давр» сўзига қуйидагича изох берилган.

«Давр 1. Жамият тараққиётида муҳим вокеа, ҳодиса юз берган, ҳукм сурган ёки ўзига хос хусусияти билан ажралиб турадиган маълум вақт оралиги. 2. Бирор иш-ҳаракат, жараён, вокеа, ҳодиса содир бўладиган ёки бажариладиган муайян вақт. 3. Такрорланувчи процесснинг ҳар бир такрорланишида бошланишидан то охиригача ўтиладиган вақт».

Ушбу луғат (481 бетда) «Муомала» сўзига қуйидагича таъриф берилган:

«Муомала. 1. Кишилар билан муносабат, сўзлашув, шундай муносабат йусини. 2. Иш, хизмат билан боғлиқ бўлган алоқа. 3. Пул ва савдо иши билан боғлиқ муносабат, алоқа».

Ҳаётда табиат нарсаларини, жамиятдаги ҳодиса ва жараёнларнинг номланиши, уларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маърифий ва бошқа унинг келиб чиқишига оид табиатидан келиб чиққан ҳолда аниқланган ва тегишли ном берилган.

Бизга тушунарли эмас, қандай килиб товар муомаласи жараёни билан боғлиқ харажатлар «Давр харажатлари» деб номланиб қолган. Биз юқорида айтганимиздек ҳар қандай харажат бирон-бир даврда вужудга келади, жумладан муомала харажатлари, ишлаб чиқариш

харажатлари ва ҳоказолар. Агар сўзни мазмун-моҳиятидан келиб чиксак «таннархни» ҳам «давр харажатлари» деб айтиш керак бўлмайди-ми? Юқоридагилардан келиб чиқиб, бизни фикримизча, «Давр харажатлари» сўзини, унга киритилган харажатларнинг асл мазмунидан келиб чиқиб, «Муомала харажатлари» деб юритилиши лозим!

Муомала харажатларини савдо бажарадиган функцияларидан, савдода содир бўладиган иқтисодий, техник-технологик жараёнлар ва харажатларнинг иқтисодий табиатидан келиб чиқиб, икки турга булинади. Бунда савдонинг соф ижтимоий-иқтисодий функцияси, яъни олди-сотди жараёнини амалга ошириш ва ишлаб чиқариш жараёнига мансуб бўлган техник-технологик функцияларни бажаришдан келиб чиқиб, муомала харажатлари соф муомала харажатлари ва қўшимча муомала харажатларига ажратилади.

Соф муомала харажатлари – бу харажатлар товар кийматини айирбошлаш, яъни олди-сотди жараёни (Т-П; П-Т) билан боғлиқ (пул, кредит, молиявий муносабатларга сарфлар, ҳисоб-китоб билан боғлиқ рекламага ва бошқа тўловлар ва харажатлар) киради.

- қўшимча харажатларга товарларни ташиш, кадоклаш, сақлаш, саралаш, ишлов бериш ва бошқа ишлаб чиқариш жараёнига якин харажатлар киради.

Амалиётда муомала харажатлари соф ва қўшимча турларда ҳисоботи юритилмайди. Уларни миқдорини махсус танлов тадкикотлари асосида тахминан ҳисоб-китоб қилиш мумкин.

Муомала харажатлари таркибини ўрганиш амалиётда шундан дарак беради, унинг таркибида соф муомала харажатларини ҳиссаси ортиб бориш тенденциясига эга. Чунки хаётда бир томондан, савдо фаолиятининг сервис фаолиятига эга ва маданият кундан-кунга талаб ортиб бориши конуниятга айланиб бормокда. Иккинчи томондан ишлаб чиқариш жараёнида техник-технологик жараёнларни такомиллашиши, илмий-техник тараққиётни жорий қилиниши олдин савдо жараёнида бажариладиган ишлаб чиқаришга тааллукли техник-технологик функцияларни қисқаришига ва уларни ишлаб чиқариш корхоналарида бажарилишига олиб келмокда (товарларни сақлаш, ишлов бериш, саралаш ва ураш, уларни ташиш, сақлаш ва сотиш даврида йўкотилиши билан боғлиқ ва бошқа харажатлар). Буларнинг таркибини кейинги 19.2-параграфда чукурроқ кўриб чиқамиз.

Муомала харажатлари абсолют ва нисбий кўрсаткичларда ҳисобга олинади, таҳлил қилинади ва режалштирилади. Муомала харажатларининг абсалют кўрсаткичи сўмда, нисбий кўрсаткичлари унинг даражаси, яъни товар айланишига нисбатан фоиз ҳисобида, таркиби эса муомала харажатларининг умумий суммасида унинг алоҳида моддаларининг ҳиссаси фоизларда кўрсатилади. Бу кўрсаткич муомала харажатларининг умумий суммасига алоҳида моддаларнинг суммасини бўлиб юзга кўпайтириш орқали аниқланади.

Муомала харажатлари фақат савдода эмас, (улгуржи ва чакана) у ишлаб чиқаришда, қишлоқ хужалигида ва бошқа тармоқларда ҳам мавжуд бўлади, агарда улар истеъмол товарларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланса. Муомала харажатларининг умумий овқатланиш соҳасида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олди-сотди жараёни билан шуғулланувчи хўжалик субъектларида ҳам алоҳида ҳисоботи киритилади. Булардан ташқари муомала харажати ҳар бир турдаги савдо билан шуғулланувчи бозорларда ҳам мавжуд, лекин уларда уни ҳисоботи юритилмайди.

19.2. Муомала харажатларининг мазмуни ва таснифланиши

Биз, юқорида айтганимиздек, муомала харажатлари иқтисодий табиати, йўналтириш мақсадлари, савдо ва умумий овқатланиш соҳаларининг функцияларидан, савдога кўрсатиладиган бошқа тармоқларнинг хизмати турларидан, ҳисобот нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ҳажми ва таркиби бўйича ҳар хилдир.

Муомала харажатларини қуйидаги белгилар бўйича таснифлаш мумкин:

- тармоқлар ва соҳалар бўйича;
- истеъмол товарлари муомаласи соҳалари бўйича;
- бажариладиган функциялар ва вазифалар бўйича;
- йўналтирилиш мақсадлари бўйича;
- муомала харажатларининг айрим омиллардан боғлиқлиги бўйича;
- харажатларни турлари (номенклатураси) бўйича.

Муомала харажатларини таснифланиш белгилари бўйича таснифлаб чикамиз.

Тармоқлар ва соҳалар бўйича:

- ишлаб чиқариш тармоқларида;
- қишлоқ хўжалик субъектларида;
- чакана ва улгуржи савдо билан шуғулланувчи бошқа тармоқларда;
- ишлаб чиқариш воситаларини айирбошлаш соҳасида;
- истеъмол товарларини айирбошлаш соҳасида;
- ташқи савдо соҳасида.

Истеъмол товарлари муомаласи соҳалари бўйича

- савдо соҳасида (чакана ва улгуржи савдода);
- умумий овқатланиш соҳасида;
- махсус қишлоқ хужалиги маҳсулотларини ҳарид қилувчи ва сотувчи хўжалик субъектларида;
- микрофирмалар ва кичик корхоналарда. Булар харажатлар тўғрисида статистик ҳисобот топширмайдилар;
- фермер ва дехкон хўжаликлари. Буларда маҳсулотларни сотиш билан (улгуржи ёки чакана) боғлиқ харажатлари мавжуд.

Савдонинг функциялари ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда:

- соф ва қўшимча;
- бевосита ва билвосита;
- операцион ва маъмурий бошқарув.

Йўналтириш мақсадлари бўйича:

- ходимлар иш ҳақи;
- бошқа тармоқлар хизмати ҳақи;
- моддий харажатлар;
- моддий йўқотишлар;
- солиқлар, йиғимлар, тўловлар ва ижтимоий суғурта;
- бошқа харажатлар.

Муомала харажатларининг айрим омиллардан боғлиқлиги бўйича. (Ушбу турдаги харажатлар бўйича соф ва қўшимча харажатлар каби алоҳида ҳисобот юритилмайди, бундай таснифлаш муомала харажатларининг турларидан келиб чиқиб, таҳлил қилиш ва режалаштириш жараёнида қўлланилади):

- шартли-ўзгарувчан;
- шартли-ўзгармас.

Буларнинг таснифини 19.3-параграфда батафсил кўриб чиқамиз.

Муомала харажатлари турлари (номенклатураси) бўйича. Бундай таснифлашда муомала харажатлари фаолиятга йўналтирили-

шига караб моддаларга булинади. Статистика ҳисоботида (5-с (савдо шакли)[1] муомала харажатлари қуйидаги моддаларга ажратилган:

Ташкилотлар томонидан бажарилган ишлар ва хизматлар:
улардан темир йўл, сув, ҳаво, автомобил ва от-улов транспорти билан юкларни ташиш;
иш ҳақи харажатлари;
ижтимоий суғурта харажатлари;
савдо эхтиёжида фойдаланиш учун, ижара харажатлари ва бинолар, иншоотларни таъмирлаш, хоналар ва жиҳозларни сақлаш:
шу жумладан:
жорий таъмирлаш харажатлари (иш ҳақидан ташқари);
ижара тўлови;
асосий воситалар аммортизацияси;
ёкилги, газ ва электр энергия харажатлари;
товарларни сақлаш, ишлов бериш, саралаш ва жойлаш (ўраш) харажатлари;
савдо рекламаси харажатлари;
ташиш, сақлаш ва сотиш даврида товарлар ва маҳсулотларнинг йўқотилиши;
тара харажатлари;
инвентарлар ва хўжалик буюмлари кийматини ҳисобдан чиқариш ва бошқа харажатлар (таъмирлаш, ювиш, тузатиш ва бошқа харажатлар);
ўз транспорти харажатлари (иш ҳақидан ташқари);
бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар ва йиғимлар;
давлат мақсадли фондларига ажратмалар (ижтимоий суғурта ажратмаларидан ташқари);
бошқа харажатлар: банк кредитлари ва бошқа молия-кредит ташкилотлар фоизлари; хизмат сафари харажатлари; улардан: кунлик чиқимлар; номоддий хизматлар ва банк хизматлари тўлови; бошқа харажатлар.

Юқорида келтирилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 феврал 54-сонли қарори билан тасдикланган Низом бўйича давр харажатлари таркибидаги сотиш харажатлари – 22 моддага, маъмурий харажатлар – 15 моддага ва бошқа операция харажатлари – 21моддага ажратилган.

[1] *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси Қўмитасининг 2007 йил 9 ноябрдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган.*

19.3. Муомала харажатларининг даражасига таъсир қилувчи омиллар

Муомала харажатларининг суммаси ва нисбий кўрсаткичлари табиатдан ўзгарувчан ҳисобланади. Унинг суммасига ва даражасига куп омиллар бевосита ва билвосита таъсир ўтказади.

Ушбу омилларнинг айримлари унинг суммаси ва даражасининг ортишига олиб келса, айримларни уларнинг қисқаришига олиб келади. Бу омилларнинг бири савдо корхоналари ва шохобчалари фаолиятига бевосита боғлиқ, бошқалари эса улар фаолиятидан келиб чикмайди, яъни ташқи омиллардир.

Муомала харажатларининг даражаси ҳудудлар, савдо корхоналари, турлари унинг шохобчаларининг типлари бўйича бир-биридан фаркланади, чунки транспорт коммуникацияси, турлари, йўл шароитлари, ишлаб чиқаришнинг ҳудудлараро жойлашиши, уни ривожланиш даражаси, савдо корхоналарини ва шохобчаларининг жойлашиши (дислокацияси); ахолининг ҳарид қилиш кобилияти, товар айирбошлаш тезлиги, товар айланишининг ҳажми ва таркиби, товарларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳар хилдир. Шунинг учун муомала харажатларининг сумма ва даражаси замонда ва маконда барқарор хусусиятга эга эмас.

Муомала харажатларига таъсир қилувчи, савдо фаолиятига боғлиқ бўлган омилларга савдони ташкил қилиш даражаси, иқтисодий ва тижорий (коммерция) ишларнинг ҳолати, савдо корхонаси ёки шохобчаси хусусий ва карз маблағларининг миқдори, моддий-техник базасини ҳолати, товар айланиши ҳажми ва таркиби, товар айирбошлаш тезлиги, ходимлар сони, уларнинг мехнат унумдорлиги, кўлланилаётган иш ҳақи ва моддий рагбатлантириш тизими кабилар киради.

Савдо фаолиятидан келиб чиқмайдиган омилларга баҳо ва таърифлар, фойдаланилаётган транспорт турлари, йўл шароити, ҳар хил солиқлар ва тўловлар миқдори, банк фоизлари миқдори, ижара миқдори, инфляция даражаси кабиларни киритиш мумкин.

Юқорида келтирилган омилларнинг барчасини умумлаштирган ҳолда объектив ва субъектив омилларга ажратиб ўрганишни тавсия киламиз. Объектив омиллар таркибига, бизнинг фикримизча, уларнинг таъсир даражасини статистик нуқтаи назардан ҳисоб-китоб қилиш имконияти мавжуд кўрсаткичларни киритиш зарур.

Субъектив омиллар – булар инсон омили билан боғлиқ, яъни савдо ходимларининг махорати, билимдонлиги, кўникмалари,

тадбиркорлиги (ишбилармонлиги), жавобгарликни ҳис қила билиши, тезкор хизмат қилиши ва хозиржавобгарлиги каби хислатларига боғлиқ фаолият натижалари ҳисобланади. Амалиётда муомала харажатларига таъсир қилувчи омиллар бундай таснифлаб ҳисоб-китоб, таҳлил қилинмайди ҳам, режалаштирилмайди ҳам. Лекин илмий тадқикотларда амалиётда уни таҳлил қилишда бундай таснифлаб ўрганиш фойдадан холи эмас.

Муомала харажатлари суммаси ва даражасига таъсир қилиш миқдорини ҳисоблаш мумкин бўлган омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- товар айланиши ҳажми (чакана товар айланиши, улгуржи товар айланиши, умумий овқатланишда - маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг умумий товар айланиши ҳажми;
- товар айланишини таркиби (ассортименти)ни ўзгариши (умумий овқатланишда - маҳсулот турлари, товар айланиши турлари (сотиб олинган товарлар ҳамда ўз маҳсулотини сотиш билан боғлиқ товар айланиши) ҳамда ассортименти;
- товар айирбошлаш тезлиги (кунларда ва маротаба);
- истеъмол товарларига баҳонинг ўзгариши;
- савдога хизмат кўрсатувчи соҳаларни таърифларини ўзгариши (транспорт, коммунал хизмати, электроэнергия, газ, ёқилғи, алоқа, аудит ва бошқалар;
- моддий ресурслар баҳосини (коғоз, инвентарлар, тара материаллари, хўжалик буюмлари, махсус кийим-кечаклар, қадоқлаш (ўраш), биноларни таъмирлаш материаллари) ўзгариши;
- соликлар, тўловлар, ижтимоий суғурталар миқдорини ўзгариши;
- банк ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг узоқ муддатли кредитлари бўйича фоизларининг ўзгариши;
- тўлов муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича фоизларнинг ўзгариши;
- қисқа муддатли кредитлар фоизининг ўзгариши;
- ходимлар сонининг ўзгариши;
- минимал иш ҳақи ва нафақалар миқдорининг ўзгариши;
- савдо шохобчаларида савдо-технологик жараёнларининг такомиллаштирилиши;
- товар айирбошлаш жараёнидаги иштирокчилар сонининг ўзгариши, яъни товарларни силжитиш бўғинлари сонининг ўзгариши ва хоказолар.

19.4. Муомала харажатларининг таҳлили

Муомала харажатларининг таҳлили мунтазам ва узлуксизлик (ой, квартал, йил) ўтказилиб борилиши лозим. Чунки уни суммаси ва даражасини ўзгарилиш миқдори савдо корхоналари ва шохобчаларини самарадорлигига бевосита таъсир килади.

Муомала харажатларини таҳлилининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади:

- муомала харажатлари бўйича тузилган режани умумий ҳажмини, таркибини (моддалар бўйича) бажарилишини ўрганиш (абсолют ва нисбий кўрсаткичлари бўйича);
- муомала харажатларини умумий ҳажмини ва таркибини бир неча йилларга (3-5 йил) ўзгариш суръатларини (абсолют ва нисбий кўрсаткичлар бўйича) кузатиш;
- муомала харажатларининг суммаси ва даражасига таъсир қилувчи омилларни таъсир даражасини аниқлаш;
- унумсиз харажатларни вужудга келиш сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- таҳлил натижаси бўйича хулосалар қилиш ва келгуси даврга тузиладиган режалар учун таклифлар тайёрлаш.

Таҳлил қилиш учун тегишли даврдаги ахборотлар ишлатилади. Улар каторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг тегишли қарори, тегишли вазирликлар, идоралар, концеринлар, корпорациялар, уюшмалар, компаниялар ва бошқаларнинг қарорлари ва топшириклари;
- оператив маълумотлар (савдо корхоналарининг оператив ҳисоботлари, мутахассисларни кузатувлари, бухгалтерия, маркетинг булимларини оператив ҳисоботлари, рўзнома ва ойномаларда ушбу корхонага ёки унинг конкурентлари ва алоқадор хўжалик субъектлари тўғрисидаги маълумотлар кабилар);
- бухгалтерия ҳисоботи (бухгалтерия баланси 1-сонли шакл);
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сонли шакл;
- харажатлар тўғрисидаги ҳисобот 8-сонли шакл;
- статистик ҳисоботлар – «Корхоналар харажатлари тўғрисида 5-С (савдо шакли)», «Товарлар сотиш ва колдиклар тўғрисида 3-савдо

шакл», «Улгуржи ва чакана товар айланмаси тўғрисида 1-савдо шакли», «Овқатланиш корхоналари товар айланмаси тўғрисида 4-савдо шакли», «Корхонанинг молиявий ахволи тўғрисида 5-Ф шакли» кА-билар.

Муомала харажатларини таҳлили ҳам бошқа кўрсаткичлар таҳлили каби алоҳида кетма-кет бажарилиши лозим бўлган босқичлардан иборат бўлади. Уларни кетма-кет бажарилиши таҳлил жараёнини мантиқий мазмунини таъминлайди.

Уларга қуйидагиларни киритиш лозим бўлади:

- ахборотлар ва маълумотларни тўплаш;
- ахборотлар ва маълумотларга ишлов бериш (уларни тегишли жадвалларга жойлаштириш, солиштирма юзага келтириш ва бошқалар);
- муомала харажатларига тегишли ва алоқадор кўрсаткичлар бўйича таҳлил қилинаётган даврга режаларни бажарилиши;
- муомала харажатларига тегишли ва алоқадор кўрсаткичларни бир неча йиллар (ой, квартал)га ўзгариш суръатларини ўрганиш;
- муомала харажатларига таъсир қилувчи омилларни уни суммаси ва даражасини ўзгаришига таъсирининг миқдорини ҳисоб-китоб қилиш;
- таҳлил натижаси бўйича хулосалар ва таклифлар тайёрлаш.

Муомала харажатларини таҳлил қилишда ҳар хил статистик, иқтисодий математик ва бошқа усуллардан фойдаланилади. Улар каторига қуйидагиларни киритиш зарур: солиштириш, гуруҳлаш, техник-иқтисодий ҳисоблар, индекс, корреляцион ва регрессион таҳлил, эксперт баҳолаш, монографик тадкикот кабилар.

Муомала харажатларини таҳлил қилишда қуйидаги кўрсаткичлар ишлатилади.

I. Муомала харажатларини абсолют суммасини ўзгариш миқдори

Муомала харажатларини режадаги ва ҳақиқий суммасининг фарқи (+;-) унинг абсолют ортикча харажати ёки тежами (ΔМх) деб юритилади. Ушбу кўрсаткич қуйидагича ҳисобланади:

$$\pm\Delta Мх = Мх^{1} - Мх^{Р}$$

Бу ерда: «1» ва «р» - тегишлича ҳақиқий ва режадаги даврни билдиради.

Шунга ўхшаш ҳолда муомала харажатлари суммасини ўтган йилларга нисбатан ўзгариш миқдорини ҳам аниқлаш мумкин. Бунда «$Мх^{Р}$» ўрнига «$Мх^{и}$» ёки «$Мх^{б}$» белгиларини ишлатиш лозим бўлади. Бу ерда «и» - ўтган йиллардан бири, «б» - базис йили билан солиштирилаётган йил маълумоти ишлатилади.

II. Муомала харажатлари суммасининг нисбий миқдори

Муомала харажатларини таҳлил қилишда унинг суммаси ўзгаришининг нисбий миқдорини аниқлаш муомала харажатларини ўзгаришига реал баҳо беришни таъминлайди. Чунки муомала харажатларининг режадаги суммаси режада мўлжалланган товар айланиши ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган бўлиб, у ҳақиқий товар айланиш миқдорини ҳисобга олмайди. Шу сабабли режадаги муомала харажатлари суммаси ($Мх^{Р}$) ҳақиқий товар айланиши суммасидан келиб чиқиб қайта ҳисобланади ($Мх^{Р}_{кх}$). Ушбу сумма қуйидагича аниқланади.

$$Мх^{Р}_{кх} = \frac{У^{Р}_{мх} \cdot ТА^{I}}{100}$$; унинг даражаси $$Умх^{Ркх} = \frac{МХ^{Р}_{кх}}{ТА^{Р}}$$;

Муомала харажатлари суммасини нисбий миқдори тенг бўлади.

$$\pm\Delta М^{Р}_{кх} = МХ^{I} - МХ^{Р}_{кх}$$ ёки $$\pm\Delta М^{Р}_{кх} = \frac{\Delta У^{Р}_{мх} \cdot ТА^{I}}{100}$$;

Муомала харажатлари динамикасини ўрганишда ушбу кўрсаткичлар таҳлил қилинаётган тегишли даврга олинади («р», «и», «б»).

III. Муомала харажатларини нисбий даражаси (Умх)ни ўзгариш миқдори

Ушбу кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

1. Ҳисобот йилида муомала харажатини нисбий ортиқча ёки ўзгариш тезлиги даражаси

$$\pm\Delta У^{Р}_{мх} = \frac{МХ^{I} \cdot ТА^{I}}{100} - \frac{МХ^{Р}_{кх} \cdot ТА^{I}}{100} = У^{I}_{мх} - У^{Ркх}_{мх}$$;

2. Муомала харажати даражасини ўтган йилларга нисбатан ўзгариши

$$\pm\Delta У^{и}_{мх} = У^{I}_{мх} - У^{и}_{мх}$$ ёки $$\pm\Delta У_{мх} = \frac{МХ^{I} \cdot 100}{ТА^{I}} - \frac{МХ^{и} \cdot 100}{ТА^{и}}$$;

3. Базис йили билан солиштирилмаси

$$\pm\Delta У^{б}_{мх} = У^{I}_{мх} - У^{б}_{мх}$$ ёки $$\pm\Delta У_{мх} = \frac{МХ^{I} \cdot 100}{ТА^{I}} - \frac{МХ^{б} \cdot 100}{ТА^{б}}$$;

IV. Муомала харажати даражасини ўзгариш суръати (темпаси)

Ушбу кўрсаткич ҳисобот йилидаги муомала харажатлари даражасини режадаги, ўтган йиллардаги ёки базис йилдаги миқдорларга нисбатан фоиз ҳисобида ($Умх^{ус}$) ёки индексларда ($Ж_у$) ҳисоб-китоб қилиниши мумкин. Бу кўрсаткич қуйидагича аниқланади.

1. Режадаги даражасига нисбатан

$$У_{мх}^{ус.р} = \frac{(У_{мх}^{\ 1} - У_{мх}^{\ р}) \cdot 100}{У_{мх}^{рэх}} \quad \text{ёки} \quad Jу = \frac{У_{мх}^{\ 1} - У_{мх}^{рэх}}{У_{мх}^{рэх}}$$

2. Ўтган йилларга нисбатан

$$У_{мх}^{ус.i} = \frac{(У_{мх}^{\ 1} - У_{мх}^{i}) \cdot 100}{У_{мх}^{i}} \quad \text{ёки} \quad Jу = \frac{У_{мх}^{1} - У_{мх}^{i}}{У_{мх}^{i}}$$

3. Базис йилга нисбатан

$$У_{мх}^{ус.б} = \frac{(У_{мх}^{1} - У_{мх}^{б}) \cdot 100}{У_{мх}^{б}} \quad \text{ёки} \quad Jу = \frac{У_{мх}^{1} - У_{мх}^{б}}{У_{мх}^{б}}$$

Ушбу кўрсаткичлар муомала харажатларини ўзгаришида руй браётган интенсив холатни билдиради.

V. Муомала харажатлари ҳажмида унинг моддалари ҳиссаси

Ушбу кўрсаткич муомала харажатлари моддалари суммасини 100,0 кўпайтириб унинг умумий суммасига бўлиш орқали аниқланади. Бу кўрсаткич муомала харажатларининг таркиби деб юритилади.

Юқорида келтирилган (I-V) кўрсаткичлар муомала харажатларининг моддалари бўйича ҳам ҳисобланади. Муомала харажатлари умумий ҳажми ва даражасининг таҳлилини шартли мисолида кўриб чиқамиз.

19.4.1-жадвал

Савдо корхонаси муомала харажатларини таҳлили

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Ўтган йил	ҳисобот йили		Фарқи (+, -)		ўзгариш суръати	
				режа	ҳақи катда	Режа дан	ўтган йилдан	Режага нисбатан	ўтган йилга нисбатан
А	Б	1	2	3	4	5	6	7	8
1.	Чакана товар айланиши	млн. сум	9028,0	9528,0	9976,0	+448,0	+948,0	104,7	110,5
2.	Муомала харажатлари: 2.1. суммаси 2.2. даражаси	млн. сум %	835,09 9,250	874,29 9,176	899,84 9,020	+25,55 -0,156	+64,75 -0,230	102,9 98,3	107,8 97,5
3.	Муомала харажатларидан 3.1. шартли ўзгарувчан 3.2. шартли ўзгармас	млн. сум млн. сум	501,05 334,04	524,57 340,72	559,12 340,72	+34,55 -	+58,07 +66,8	106,6 100,0	111,6 102,0
4.	Муомала харажатларининг ўзгартириш киритилган суммаси, режа бўйича 4.1. Унинг даражаси $\left(\frac{9,176 \cdot 9976}{100} = 9,607\right)$	млн. сум %	835,09 9,250	915,39 9,607	899,84 9,020	-15,55 -0,587	+64,75 -0,587	98,3 93,9	107,8 97,5
5.	Муомала харажатлари суммаси ўзгаришининг нисбий миқдори 5.1. унинг даражаси	млн. сум %	- -	- -	- -	-15,55 -0,587	- -	- -	- -
6.	Муомала харажатларини шартли-ўзгармас қисмини даражаси	%	3,700	3,576	3,415	-0,161	-0,285	95,5	92,3

7	Чакана товар айланиши суммасини 448,0 млн. сумга ортиши муомала харажатлари даражасини камайтириш миқдори	%	-	-	-	-0,161	-	-	-
8.	Баҳолар индекси	Жр	-	-	1.068	-	-	-	-
9.	Чакана товар айланиши солиштирма баҳоларда	млн. сум	-	-	9340.8	-	-	-	-
10	Муомала харажатларини шартли ўзгарувчан қисмини солиштирма баҳодаги чакана товар айланмасига нисбатан даражаси	%	-	-	5.986	-	-	-	-
11	Баҳони ўзгариши натижасида муомала харажатлари даражасини ўзгариш миқдори	%	-	-	-	-0,381	-	-	-

19.4.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинган даврда чакана товар айланиши ва муомала харажатларининг суммаси ортиб бориш тенденциясига эга. Бу ҳол режага нисбатан ҳам тегишлича 104,7 % ва 102,9 %, ўтган йилга нисбатан ҳам тегишлича 110,5 % ва 107,8 % ни ташкил килган.

Муомала харажатларини даражаси эса қисқариш тенденциясига эга, бу кўрсаткич (ўзгариш суръати) режага нисбатан $\left(\frac{9,020-9,607}{9,607}x100=\frac{-0,587}{9,607}x100\right)$ -6,131%≈6,1 %. Ўтган йилга нисбатан $\left(\frac{9,020-9,250}{9,250}x100=\frac{-0,230}{9,250}x100\right)$ -2,486 %≈ 2,5 % ташкил килган.

Жадвалдаги маълумотнинг 2,2-бандига эътибор берсангиз, режага нисбатан муомала харажатларининг ўзгариш суръати 98,3 %ни ташкил килганлигини, яъни камайиш суръати – 1,7 % ташкил қилганини кўрамиз. Ушбу ҳолда товар айланишининг ўзгариш миқдори ҳисобга олинмаган. Лекин муомала харажатларининг суммаси (шартли ўзгарувчан қисми ҳисобидан) товар айланишининг ортиши билан, пропорционал бўлмаса ҳам, тегишли миқдорда ортиб боради. Шу сабабли юқоридаги кўрсаткични аниқлашда муомала харажатларининг режадаги даражасига ўзгартиришлар киритилади.

$$*\left(\frac{559,12\cdot 100}{9976,0}-5,986=5,605-5,986=-0,381\,\%\right)$$

Муомала харажатларини юқорида айтганимиздек, режага нисбатан ҳам, ўтган йилга нисбатан ҳам абсолют суммаси айтган. Унинг абсолют миқдори режага нисбатан +25,55 млн. сумга, ўсган йилга нисбатан эса +64,75 млн. сумга ортган.

Ҳисобот йили учун муомала харажатлари суммасини (товар айланиши ўзгаришига караб) нисбий миқдорини аниқласак, товар айланишини (режада – 9528,0 млн. сўм) ҳисобга олган ҳолда режадаги суммаси 874,29 млн. сўмни ташкил қилиш керак бўлган. Ҳақиқатда товар айланиши суммаси 9976,0 млн. сўмни ташкил килган. Муомала харажатларини режадаги даражаси ва ҳақиқий товар айланиш суммасидан келиб чиқиб муомала харажатларини режадаги суммасини аниқласак, У $\left(\frac{9,176\cdot 9976,0}{100}\right)$915,39 млн. сўмини ташкил топиши керак бўлган.

19.4.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинган даврда чакана товар айланиши ва муомала

харажатларининг суммаси ортиб бориш тенденциясига эга. Бу ҳол режага нисбатан ҳам тегишлича 104,7 % ва 102,9 %, ўтган йилга нисбатан ҳам тегишлича 110,5 % ва 107,8 %ни ташкил қилган.

Муомала харажатларининг даражаси эса қисқариш тенденциясига эга, бу кўрсаткич (ўзгариш суръати) режага нисбатан:

$$\left(\frac{9,020-9,607}{9,607}\cdot 100=\frac{-0,587}{9,607}\cdot 100\right)$$ -6,131 % ?6,1 %

ўтган йилга нисбатан:

$$\left(\frac{9,020-9,250}{9,250}\cdot 100=\frac{-0,230}{9,250}\cdot 100\right)$$ – 2,486 % ? 2,5 % ташкил қилади.

Жадвалдаги маълумотни 2.2 бандига эътибор берсангиз режага нисбатан муомала харажатларини ўзгариш суръати 98,3%ни ташкил қилганлигини, яъни камайиш суръати 1,7 %ни ташкил қилганини кўрамиз. Ушбу ҳолда товар айланишини ўзгариш миқдори ҳисобга олинмаган. Лекин муомала харажатларининг суммаси (шартли ўзгаувчан қисми ҳисобидан) товар айланишининг ортиши билан, пропорционал бўлмаса ҳам, тегишли миқдорда ортиб боради. Шу сабабли юқоридаги кўрсаткични аниқлашда муомала харажатларининг режадаги даражаси корректировка қилинади.

Муомала харажатларини юқорида айтганимиздек, режага нисбатан ҳам, ўтган йилга нисбатан ҳам абсолют суммаси ортган. Унинг абсолют миқдори режага нисбатан +25,55 минг сўмга ўтган йилга нисбатан эса 164,75 минг сўмга ортган.

Ҳисобот йили учун муомала харажатлари суммасини (товар айланиш ўзгаришига қариб) нисбий миқдорни аниқласак, товар айланишини (режада 9528,0 минг сўм) ҳисобга олган ҳолда режадаги суммаси 874,29 минг сўмни ташкил қилиш керак бўлган. Ҳақиқатда товар айланиши суммаси 9976,0 минг сўмни ташкил қилган. Муомала харажатларининг режадаги даражаси ва ҳақиқий товар айланиш суммасидан келиб чиқиб муомала харажатларини режадаги суммасини аниқласак, у $\left(\frac{9,176\cdot 9976,0}{100}\right)$ 915,39 млн. сўмни ташкил топиши керак бўлади. Бу ҳолда муомала харажатларининг суммасини нисбий ўзгариш (тежаш) миқдори - (899,84-915,39) – 15,55 минг сўмни ташкил қилганининг гувоҳи бўламиз. Бундай ҳисоб-китоблар натижасида муомала харажатлари даражасининг нисбий ўзгариш миқдори (9,020-9,607) – 0,587 % ни ташкил қилади,

яъни уни тежалиш даражаси жадвалнинг 2.2 бандидаги – 0,230 % эмас, - 0,587 % экан.

Муомала харажатларини таҳлил қилишда ҳамда режалаштиришда унга таъсир қилувчи омилларнинг таъсирини сон меъёрини ҳисоб-китоб қилиш зарур. Биз 20.3 параграфда муомала харажатларига таъсир қилувчи омилларни мазмунини ёритганмиз. Уларни айримларини муомала харажатлари суммаси ва даражасига таъсир қилиш миқдорини ҳисоб-китоб қилиш усулларини кўриб чикамиз.

Товар айланишининг умумий ҳажми ва унинг таркиби (ассортименти)

Товар айланишининг умумий ҳажми ортиши билан, одатда, муомала харажатлари даражасининг камайиши кузатилади, чунки товар айланиши пропорционал суръатда бўлмаса ҳам, тегишли миқдорда муомала харажатларидан тезрок суръатларда ортиб боради. Бунда муомала харажатларини моддалари товар айланишга нисбатан ҳар хил даражада ўзгариб боради. Ушбу нуктаи назардан муомала харажатлари «Шартли ўзгарувчан» ва «Шартли-ўзгармас» гуруҳларига ажратилади.

Товар айланиши ортиб бориши билан «Шартли-ўзгарувчан» (транспорт харажатлари:иш ҳаки; банкнинг қисқа муддатли кредитлари фоизи каби) харажатлар қандайдир (корреляцион боғлиқликда) миқдорда ортиб боради. Худди шундай шароитда «Шартли-ўзгармас» (ижара, жорий таъмирлаш, бинолар, иншоотлар, хоналар ва жиҳозларни сақлаш, амортизация, маъмурий бошқарув каби) харажатлар суммаси, одатда, ўзгармайди ва уларни даражаси табиий қисқариб бориш тенденциясига эга бўлади.

Лекин, амалда товар айланишини ўзгариши «шартли-ўзгарувчан» харажатларнинг доимо ортиб боришига, «шартли ўзгармас» харажатларни ҳар доим бир хил миқдорда туришига олиб келмаслиги мумкин. Айрим холларда бошқа тенденциялар кузатилиши ҳам мумкин, шунинг учун ҳам харажатларнинг таксимланиши «шартли» деб юритилади. Ушбу харажатларни айрим моддалари ва элементлари товар айланишига боғлиқ бўлмаган ҳолда, бошқа омиллар таъсири остида у ёки бу томонга ўзгариши мумкин. Шу сабабли таҳлил қилиш жараёнида ундай ҳолатлар руй берган бўлса, улар эътибордан четда қолмаслиги зарур.

Товар айланишини муомала харажатлари даражасига таъсир қилиш миқдорини ҳисоблаш усули 19.4.2-жадвалда келтирилган. Бизнинг мисолда ҳисобот йили даврида чакана товар айланишини +448,0 млн. сумга ижобий ўзгариши, муомала харажатларини (шартли ўзгарувчан харажатлар даражасини қисқартириш орқали) умумий даражасини – 0,161% камайишига олиб келган деб ҳисоблаш мумкин.

19.4.2-жадвал

Товар айланиш таркибини муомала харажатлари даражасига таъсир қилиш миқдорини ҳисоб-китоби

(суммаси млн. сум)

Т/р	Товар гуруҳлари номи	Товар айланиши суммаси ёки таркиби		Товар гуруҳлари бўйича муомала харажатлари даражаси, %	Муомала харажатлари суммаси ёки фоиз сони	
		ўтган йил	ҳисобот йили		ўтган йил	ҳисобот йили
А	Б	1	2	3	4	5
1.	Озик-овқат товарлари					
	Товар гуруҳлари келтирилади					
2.	Ноозиқ-овқатлар: Товар гуруҳлари келтирилади					
3.	Жами товарлар бўйича	9028,0	9976,0	X	835,09	914,21

Изоҳ: Маълумотлар 18.4.1-жадвалдан олинган.

Ҳар хил товарларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга силжитиш жараёни ҳар хил шароитда амалга оширилади ва тегишлича уларга сарфланган жонли ва жонсиз мехнат миқдорини пулдаги ифодаси ҳар хил миқдорда шаклланади. Бунга товарлар ассортиментини физик-кимёвий хусусиятлари, уларни ташиш, сақлаш, ишлов бериш, саралаш, жойлаш харажатлари, ушбу жараёнларда уларни йўқотилиши, тара харажатлари, иш ҳақи учун ишлатиладиган расценкалар (товар ассортиментлари бўйича) ва бошқалар таъсир килади.

Ушбу омилни таъсир қилиш миқдорини ҳисоб-китоб қилиш учун товар гуруҳлари бўйича муомала харажатларини миқдори

(даражаси) маълум бўлиши керак. Бундай кўрсаткичлар назарий жиҳатдан мумкин бўлса ҳам амалиётда ҳисоб-китоб қилиш аллақанча мушкул. Бундай таҳлил эксперт баҳолаш, монографик тадқиқотларда алоҳида товар гуруҳлари савдосига ихтисослашган, махсус савдо шохобчалари маълумотларини ишлатиш асосида ўтказилиши мумкин.

Масалан, айтайлик ҳисоб-китоблар натижасида ҳисобот йилининг муомала харажатлари товар айланишининг ҳақиқий таркибини инобатга олганда 914,21 млн. сўмни ташкил қилиш керак бўлган. Унинг даражаси $\frac{914,21 \cdot 100}{9976,0} = 9,164\ \%$. Товар айланиш таркибини ўзгариши натижасида бошқа шароитлар бир хил деб ҳисобланганда муомала харажатларини даражаси (9,164-9,250) – 0,086 пунктга камайишга олиб келиши мумкин бўлган. Ушбу омил натижасида муомала харажатлари даражасини ўзгариш суръати $\left(\frac{9,164-9,250}{9,250} x100\right)$ 9,297 %ни ташкил килади.

Товар айланишининг умумий ҳажми бир томондан, сотилган товарлар миқдоридан (сонидан), иккинчи томондан истеъмол товарлари баҳосига боғлиқ бўлади. Баҳо ортса товар айланиши ҳажми ортади, баҳо камайса тескари ҳол юз беради. Шу сабабли баҳо муомала харажатларининг даражасига бевосита эмас, билвосита, товар айланиши орқали таъсир килади.

Муомала харажатларига баҳони таъсирини ўрганишда муомала харажатлари моддаларини баҳодан боғлиқ бўлмаганлар ва боғлиқ бўлганларга ажратиш зарур бўлади. Муомала харажатларини баҳодан боғлиқ бўлмаган турларига товар айланиши ҳажмига кам боғлиқ бўлган, яъни барча «шартли ўзгармас» харажатлар ва улар каторига транспорт, товарларни сақлаш, ишлов бериш, саралаш ва жойлаш (ураш), тара харажатлари киритилиши лозим. Чунки ушбу харажатлар суммаси баҳо ўзгариши билан ўзгармай колади, лекин уларни даражаси қисқаради. Қолган харажатлар даражаси баҳо ўзгаришига нисбатан тегишли даражада ўзгаради. Шундай килиб муомала харажатлари суммасини баҳодан боғлиқ бўлмаган қисми баҳони ўзгариши билан ўзгармай колади ва бундай харажатларнинг даражаси баҳони ўзгаришига боғлиқ бўлади, яъни баҳо ортса бу харажатлар даражаси камаяди, агар баҳолар камайса муомала харажатларининг ушбу қисмининг даражаси ортади. Бу

харажатларни суммаси баҳога боғлиқ бўлмаса ҳам, уларнинг даражаси боғлиқ ҳисобланади.

Ушбулардан келиб чиқиб, 19.4.1-жадвал маълумотлари асосида баҳони муомала харажатлари даражасига таъсир қилиш миқдорини ҳисоб-китобини кўриб чикамиз. Бу ҳолда бизлар муомала харажатларининг баҳога боғлиқ бўлмаган моддалари суммасини жадвалда келтирилган «шартли-ўзгарувчан» харажатлар суммасига шартли даражада тенг деб олдик.

Баҳолар индекси 1,068 бўлган ҳолда товар айланишини ҳисобот йилдаги ҳақиқий суммаси солиштирма баҳоларда, яъни баҳо ўзгармади деб ҳисоблаган ҳолда 9976,0:1,068=9340,8 млн. сум. Муомала харажатларини баҳога боғлиқ бўлмаган моддаларининг суммаси ҳақиқатда 559,12 млн. сум деб олинди. Унинг ҳақиқий даражаси $\frac{559,12 \cdot 100}{9976,0} = 5,605\ \%$. Ушбу кўрсаткич солиштирма баҳоларда $\frac{559,12 \cdot 100}{9340,8} = 5,986\ \%$ ёки 5,605·1,068=5,986%. Ушбу маълумотлардан қуйидагича хулоса қилиш мумкин. Агарда ҳисобот йилида истеъмол товарларига баҳолар 6,8 % ортмаганда муомала харажатларини баҳодан боғлиқ бўлган моддаларини даражаси 5,605% эмас, балки 5,986%ни ташкил килган булар эди. Шундай қилиб баҳони 6,8 % ортиши натижасида муомала харажатларининг даражаси – 0,381 пунктга (5,605-5,986) камайган, уни ўзгариш суръати $\frac{-0,381 \cdot 100}{5,605} = -6,797\ \%$. Бу демак баҳони ҳар 1,0 % миқдорга ортиши, бошқа шароитларни ҳисобга олмаган ҳолда муомала харажатлари даражаси $\frac{-6,797 \cdot 100}{6,800} = -0,999 \approx -1,0\ \%$ камайишига олиб келиши мумкинлигини билдиради. Бундай кўрсаткичлардан муомала харажатларини қисқа ва узоқ муддатларга прогноз қилишда фойдаланиш мумкин.

Муомала харажатларига савдога хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар ва соҳаларининг маҳсулоти (иши, хизмати)га баҳолар ва таърифларни ўзгариш бевосита, унинг тегишли моддаларини суммаси ва даражасига таъсир килади. Уларнинг баҳолари ва таърифларини ўзгариши харажатларни суммаси пропорционал равишда, даражасини тегишли миқдорда ўзгаришига олиб келади. Бундай тармоқлар ва соҳаларга транспорт, алоқа, коммунал хизматлари, электр, газ, ёкилги тармоқларини киритиш мумкин.

Уларни таъсир қилиш миқдорини техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар ёки индекслар орқали аниқлаш мумкин. Масалан, ҳисобот йилидаги харажатлар суммасини (тегишли модда ёки унинг элементлари бўйича) режалаштирилаётган баҳо ёки таърифнинг индексига кўпайтириш.

Муомала харажатларига товар айирбошлаш тезлиги кўрсаткичини ўзгариши ҳам таъсир килади. Товар айирбошлаш тезлиги муомала харажатларининг «банк кредитлари бўйича фоизлар», «товарларни сақлаш, ишлов бериш, саралаш ва жойлаш (ўраш)», «ташиш, сақлаш ва сотиш даврида товарлар ва маҳсулотларнинг йўқотилиши» каби моддалари суммасини у ёки бу томонга ўзгаришига бевосита таъсир килади ҳамда товар айланиш ҳажмининг орттириш ҳамда камайтириш сабабларидан бири сифатида билвосита муомала харажатларини даражасига таъсир килади.

Масалан, товар айирбошлаш тезлиги 80 кунга режалаштирилган бўлса, ҳақикатда у 76 кунга тенг бўлди десак, муомала харажатларини банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг даражаси 0,676 % миқдорда белгиланган бўлса, ушбу харажатлар даражаси товар айирбошлаш тезлиги 76 кунни ташкил килган ҳолда $\frac{0,676 \cdot 76}{80} = 0,642$ % тенг бўлади, яъни товар айирбошлаш тезлиги 4 кунга қисқариши натижасида муомала харажатлари 0,642-0,676=-0,034 пунктга камайган бўлади. Агар ҳақиқий товар айирбошлаш суммаси 9976,0 млн. сўмга тенг десак, унда муомала харажатларини суммаси $\frac{9976 \cdot (-0,034)}{100} = -3,392 \approx 3,4$ млн. сўмга камайган бўлади.

Ушбу ҳисобларни товар айирбошлашни тезлигини ортиш натижасида банк кредитларига бўлган эҳтиёжини қисқарган миқдорини аниқлаш ва банк фоизлари орқали ҳам ўтказиш мумкин. Масалан, бизнинг мисолда бир кунлик товар айланиш 9976,0:360=27,711 млн. сўм. Товар захиралари товар айирбошлашни 4 кунга тезлашиши натижасида 27,711х4=110,844 млн. сўмга қисқаради. Товарлар кийматини тўлашда савдо шохобчасини (корхонасини) ўз маблағларини катнашишини 30,0 % деб олсак, унда банк кредитларини суммаси $\frac{110,844 \cdot 70}{100} = 77,591$ млн. сўмга камаяди. Банк кредитларини фоизи ўртача 4,4 % бўлса, банк

кредитлари фоизи бўйича тўлов $\left(\frac{-77,591 \cdot 4,4}{100}\right) = -3,414 \approx -3,4$ млн. сўмга камаяди.

Юқорида келтирилган ҳисоблар каби муомала харажатларига таъсир қилиш даражасини ҳисоблаш имконияти бор. 18.3 параграфда келтирилган омиллар таъсири миқдорини тегишли усуллар орқали ҳисоб-китоб қилиш лозим бўлади.

Бозор муносабатлари шароитида савдо корхоналари, шохобчалари ўз ракобатчилари фаолиятини, жумладан, муомала харажатларини ҳолатини ўрганиб бориши, уларни тажрибаларидан (М.: харажатларни тежамли ишлатиш борасида) фойдаланиш мақсадида ўз кўрсаткичларни ракобатчилар кўрсаткичлари билан солиштирган ҳолда таҳлил қилиши мақсадга мувофик бўлади.

Муомала харажатларининг умумий ҳажми ва даражасини таҳлили даврида аниқланган тенденциялар, камчиликларга аниқлик киритиш мақсадида муомала харажатлари моддалари ва уларни элементларини чукур таҳлил қилиш зарур бўлади. Бундай таҳлил муомала харажатларининг моддалари ва уларни элементлари бўйича харажатларни рационаллаштириш, уларни тежамли ишлаш йўлларини аниқлаш ва чора-тадбирлар ишлаб чиқишга имконият яратади.

Муомала харажатлари моддаларини ва уларни элементларини таҳлил қилишда биз юқорида келтирган (муомала харажатларини умумий суммаси ва даражасини таҳлилида) усуллардан тегишлича фойдаланиш мумкин. Бундай таҳлил жараёнида муомала харажатларини ҳар бир моддасига тегишли омиллар таъсирини алоҳида ҳисоб-китоб қилиш мақсадга мувофикдир.

19.5. Муомала харажатларини режалаштириш

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётнинг ҳар бир хўжалик субъекти, мулк шаклидан, ташкилий-ҳуқуқий туридан катъий назар, жумладан, савдо корхоналари ва шохобчалари ҳам ўз хўжалик фаолияти кўрсаткичларини узок муддатга прогнозлаш ва жорий режалаштирилиши зарур. Акс ҳолда, уларни инкирозга учраши эҳтимолдан узок бўлмайди.

Муомала харажатларини режалаштиришни асосий мақсади савдо корхоналари ва шохобчаларининг мақсадига («Х» - миқдорда даромад ёки фойда олиш ва «У» - даражадаги талабни қондириш)

эришишни таъминлаш, савдо хизматини маданияти юқорилаштириш ва тежамкорлик асосида уни миқдорини иқтисодий асослаган ҳолда ҳисоб-китоб қилишдан иборатдир.

Муомала харажатларини режалаштириш жараёнини ташкиллаштириш асосида мантикий фикр юритишни анализ ва синтез усуллардан, яъни «Умумийликдан хусусийликка» ёки «хусусийликдан умумийликка» қараб иш юритиш мақсадга мувофикдир.

Муомала харажатларини режалаштиришда ушбу усуллар, муомала харажатларини олдин умумий суммаси ва даражасини аниқлаш, кейин моддаларини ҳисоб-китобига ўтиш ёки бу холни тескариси, олдин муомала харажатларини моддалари бўйича режани ишлаб чиқиш, кейинги босқичда, уларни суммалаштириш йўли билан, муомала харажатларини умумий миқдорий кўрсаткичларини аниқлашни англатади.

Муомала харажатларини умумий суммасини ва моддаларини режалаштиришда тажрибавий статистик, техник-иқтисодий, индекс, эксперт баҳолаш, иқтисодий-математик (корреляция, регрессия) безарарлик нуқтасини аниқлаш, усуллардан эластиклик коэффициентидан, норма ва нормотивлардан фойдаланилади.

Муомала харажатларини режалаштиришнинг умумий ҳажми ва даражасини аниқлашдан бошланса, бу ҳолда уни ўтган йиллар учун таҳлили натижалари, унга таъсир қилувчи омилларни режалаштириладиган даврларга ўзгаришини эксперт баҳолаш, айрим кўрсаткичларни индекслари, эластиклик коэффициентлари кабилардан фойдаланган тарзда ҳисоб-китоб қилинади. Иккинчи босқичда уни моддалари миқдори аниқланади.

Муомала харажатларини умумий ҳажмини режалаштиришда, фараз килайлик уни ўтган йилларда товар айланиши таъсири остида «шартли-ўзгарувчан» моддаларни ўзгариши нисбатини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китоб қилмокчимиз.

Агарда «шартли-ўзгарувчан» харажатлар (МХш.х) товар айланишига нисбатан аниқ миқдорда ўзгариш тенденциясига эга бўлса, ушбу харажатлар суммасини қуйидаги формула орқали ҳисоб-китоб қилиш мумкин.

$$МХ^{р}_{ш.х} = МХ^{з}_{ш.х} \cdot \left[1 + \left(\Delta ТА^{р}_{у.с} \cdot \frac{\Delta \overline{МХ}^{п}_{у.с}}{\Delta \overline{ТА}^{п}_{у.с}}\right)\right]$$

Бу ерда:

$MX^{\lambda}_{ш.х}$ - муомала харажатларини «шартли-ўзгарувчан» қисмини ҳисобот йилидаги миқдори, сўмда;

$\Delta TA^{P}_{y.c}$ - режалаштирилаётган йилга товар айланишини қўшимча усиш суръати, %;

$\Delta\overline{MX}^{n}_{y.c}$ - ўтган йилларда «шартли-ўзгарувчан» муомала харажатларини ўртача қўшимча ўзгариш суръати, %;

$\Delta\overline{TA}^{n}_{y.c}$ - ўтган йилларда товар айланишини қўшимча ўзгариш суръати, %.

Муомала харажатларини «шартли-ўзгармас» (МХш.у) қисмини суммаси қуйидагича аниқланиши мумкин.

$$MX^{P}_{ш.у} = MX^{x}_{ш.х} \cdot \left(1 + \Delta\overline{MX}^{n}_{ш.у}\right)$$

Бу ерда:

$MX^{P}_{ш.у}; MX^{x}_{ш.у}$ - тегишли «шартли-ўзгармас» харажатларни режалаштирилган ва ҳисобот йилларига суммаси;

$\Delta\overline{MX}^{n}_{ш.у}$ - «шартли-ўзгарувчан» харажатларни ўтган йиллар даврида қўшимча усиш суръати.

Муомала харажатларини умумий суммаси тенг бўлади. $MX^{P} = MX^{P}_{ш.х} + MX^{P}_{ш.у}$;

Унинг даражаси $У_{мх} = \dfrac{MX^{P} \cdot 100}{TA^{P}}$

Худди шундай муомала харажатлари даражасини баҳолар ўзгаришига нисбатан ёки бошқа омилларни таъсирини эътиборга олган ҳолда ҳисоб-китоб қилиб, умумий оптимал вариантни аниқлаш мумкин. Бундай ҳисоботларни ўтказиш учун короляцион анализ, экстрополяция, эластиклик коэффициентлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Муомала харажатларини режалаштиришда дастлаб унинг моддалари миқдорини аниқлаш ва кейин умумий ҳажмини ҳисоблаш орқали реал, ҳақиқатга якин натижага эришиш мумкин.

Муомала харажатларини айрим моддаларини режалаштириш усулларини кўриб чиқамиз.

Ташкилотлар томонидан бажарилган ишлар ва хизматлар бўйича харажатлар таркибида асосий уринни «темир йўл, сув, ҳаво, автомобил ва от-улов транспорти билан юкларни ташиш харажатлари эгаллайди. Ушбу харажатлар алоҳида транспорт турлари бўйича ҳисоб-китоб қилинади. Бу масалани ҳал қилишда

транспорт турлари бўйича ташиладиган юклар миқдорини аниқлашдан бошлаш керак.

Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ва шохобчалари одатда, автомобил ва от-улов транспортлари харажатларини қоплайди. Улгуржи савдо базаларига асосан темир йўл, сув, ҳаво транспортлари харажатлари ва қисман автомобил транспорти харажатлари тўғри келади.

Товарларни автомобил транспорти билан ташишда савдо ва умумий овқатланиш корхоналари базалари, алоҳида магазинлар, ошхоналар ўз транспортидан ва четдан жалб килинган транспорт корхоналари хизматидан фойдаланиши мумкин.

Муомала харажатлари моддалари таркибида «Ўз транспорт харажатлари» (иш ҳақи харажатларидан ташқари, чунки бу харажатлар иш ҳақи фондида ўз аксини топади) моддаси алоҳида кўрсатилади. Шу сабабли транспорт харажатларини юқорида келтирилган моддаси бўйича четдан жалб килинган транспорт корхоналарини хизмати харажатлар акс эттирилади.

Ушбу харажатларни ҳисоб-китоб қилиш учун дастлаб транспортни физик юк айланиши ($к_ф$) ва транспорт юк айланиши ($к_т$) аниқланади.

Физик юк айланиши товарларни нетто ва брутто ҳажми бўйича ҳисобланади.

Нетто юк ҳажми ($к_{н.и}$) товар гуруҳлари бўйича режалаштирилган товар айланиш ($ТА^{р}_{и}$) суммасини ушбу товарни 1 тоннасини ўртача кийматига, сўмда ($\overline{T}^{р}_{кi}$) бўлиш билан аниқланади.

Брутто юк ҳажми ($к_{би}$) нетто юк ҳажмига ($к_{ни}$) тарани (одатда) товар огирлигига нисбатан фоиз ҳисобидан олинади огирлиги қўшилади.

Брутто юк ҳажми физик юк айланишига тенг бўлади.

Транспорт юк айланиши физик юк ҳажмини ($к_ф$) юкларни қайта ташиш коэффициентига (Кк) (ушбу кўрсаткич ўтган йиллар маълумотлари асосида аниқланади) кўпайтириш йўли билан ҳисобланади. Яъни у қуйидаги формула орқали ҳисобланиши мумкин.

$$К_{тпi} = К_{фi} \cdot К_к$$

Барча товар гуруҳлари бўйича бу кўрсаткич бўлади:

$$\sum_{i=1}^{n} q_{тпi} = \left(\sum_{i=1}^{n} q_{фi}\right) \cdot К_к$$

Транспорт юк айланиши аниқлангандан сунг, уни ўз транспорти ва четдан жалб килинган транспорт ташкилотлари орқали ташиш ҳиссаси аниқланади. Уларнинг ҳиссаси фоизга ўтган йиллар маълумотлари, режалаштирилган йилга тузилган шартномаларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади ва ушбу кўрсаткични транспорт юк айланишига кўпайтириб, юзга бўлиш орқали уларнинг миқдори (тоннада) ҳисоб-китоб қилинади ва юклар классларга ажратилади.

Кейинги босқичда товар ишлаб чикарувчилардан (агар улар савдо ва умумий овқатланиш корхонаси ёки шохобчасига товарларни воситачиларсиз, ўзлари тўғридан-тўғри юборишса) ёки улгуржи савдо база ва омборларидан чакана савдо ва умумий овқатланиш корхонаси ёки шохобчаларигача бўлган масофа (Скм)ни ўртача миқдори (ўтган йиллар маълумотлари ва шартномалар асосида) ҳисобланади.

Транспорт юк айланиши ($К_{т.км.и}$) қуйидаги формула орқали ҳисобланади.

$$К_{т.км.и} = К_{т.и} \cdot С_{км}$$

Юк айланишни умумий миқдори (т.км) тенг бўлади:

$$\sum_{i=1}^{n} q_{m.км.i} = \left(\sum_{i=1}^{n} q_{mi}\right) \cdot S_{км}$$

Ушбу юк айланиши юкларни классларига таксимланади ва уларни транспорт тарифларига кўпайтириш орқали юк ташиш харажатлари суммаси аниқланади.

Юкларни юклаш ва тушуриш харажатлари ушбу мода таркибига киради, агарда бу ишни штатдан ташқари ходимлар бажарса. Харажатлар суммаси юкни транспорт юк айланиши $\sum_{i=1}^{n} q_{mi}$ ва белгиланган расценкалар орқали ҳисобланади.

Юқорида келтирилган усул орқали алоҳида савдо шохобчалари бўйича транспорт харажатларини режалаштириш куп мехнат қилишни, вақтни талаб килади. Бундан ташқари бу жараён иқтисодий-техник ҳисоблар нуқтаи назардан аллақанча мушкул иш. Шу сабабли оддийрок тажрибавий-статистик усулдан фойдаланиш ҳам мумкин.

Масалан: ўтган йиллар (камида 3 йил) маълумотлари асосида товарларни ташишда ҳар бир уларни келтирилиши неча сумга (Р) тушушини аниқлаб, 1 тонна юкни ташиш киймати ва режалаштирилган йилга мўлжалланган товарларни келтириш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт юк айланиши ($К_и$) миқдорини аниқлаш керак бўлади.

Транспорт юк айланиши, ишлатиладиган автотранспортни юк кутара олиш имконияти миқдори ($К_{ият}$) ва юк кўтара олиш имкониятини ишлатиш коэффициентидан ($КК_{ият}$) келиб чиқиб, автотранспорт орқали товарларни неча маротаба келтирилиши миқдорини (З) ҳисоблаб олиш мумкин. Бундай ҳисобот қуйидагича амалга оширилиши мумкин

$$З = К_{ут} : К_{ият} : КК_{ият}$$

Ушбу кўрсаткични бир маротаба юк ташиш учун кетган транспорт харажатлари суммасига кўпайтириш орқали четдан жалб килинган автотранспорт учун тўлов харажатларини ҳисоблаб олиш кўп қийинчилик туғдирмокда. Бу харажатлар суммаси ($И_{хат}$) қуйидагича аниқланади.

$$И_{хат} = З \cdot Р$$

Ушбу суммага юклаш ва тушуриш харажатларини (агар бу ишни ёлланма ишчилар бажарса) қўшиш керак бўлади.

«Ташкилотлар томонидан бажарилган ишлар ва хизматлар» моддасида бошқа ташкилот хизмати учун тўловлар ҳам кўрсатилади. Уларга алоқа, ахборот-ҳисоблаш хизмати, ташқи идора қўриқлаш хизмати, аудитор ташкилотлар, реклама агентликлари, натурал ва юридик муассасалар ва бошқа хизматлар ҳам киради.

Ушбу харажатлар суммаси ўтган йиллар маълумотларини таҳлили натижасидан келиб чиққан ҳолда аниқланган уларни ҳажмини режалаштирилган йилга белгиланган тариф тўловлари миқдорига (ёки тарифларни ўзгариш индексларидан фойдаланган ҳолда) кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Муомала харажатларида энг катта ҳиссага эга бўлган модда – бу «Иш ҳаки харажатлари»дир.

«Ижтимоий суғурта харажатлари» белгиланган нормалардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

«Савдо эхтиёжида фойдаланиш учун, ижара харажатлари ва бинолар, иншоотларни таъмирлаш, хоналар ва жиҳозларни сақлаш» харажатлари ижарага олинган бинолар ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини сони, тури ва бошқа жиҳатларидан келиб чиққан ижара ҳаки миқдоридан (шартномалар асосида) келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Қолган харажатлар иншоотларни таъмирлаш ишлар сметасидан, хоналар ва жиҳозларни сақлаш нормаларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

«Асосий воситалар амортизацияси». Ушбу харажатлар хусусий асосий фондларнинг бошлангич қиймати (баланс киймати) ва

уларнинг турлари бўйича белгиланган амортизация нормалари асосида ҳисоб-китоб қилинади.

«Ёкилги, газ ва электроэнергия харажатлари» ушбу харажатларни суммаси ёкилги, газ ва электроэнергия истеъмол киладиган асосий воситаларни тегишли ўлчов бирликлари (Масалан, бинони кубатураси, транспорт воситаларини ҳар 100 км ёкилги ишлатиш нормаси ва бошқалар) бўйича сони, ҳажми, улар учун белгиланган харажатлар нормаларидан ва тарифлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

«Товарларни сақлаш, ишлов бериш, саралаш ва жойлаш (ўраш) харажатлари» ўтган йиллар таҳлили натижалари, режалаштирилган йилга ушбу харажатларни талаб киладиган товар гуруҳлари бўйича товар айланмаси ҳажми ва тегишли норма ва нормотивлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

«Савдо рекламаси харажатлари» маркетинг бўлимини иш режаларидан ва реклама учун харажатлар сметасидан келиб чиққан ҳолда ва ўтган йиллардаги ушбу харажатларни ўзгариш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

«Ташиш, сақлаш ва сотиш даврида товарлар ва маҳсулотларнинг йўқотилиши» бўйича харажатлар тегишли товар гуруҳлари бўйича товар айланиши режаси (сотиб олиш баҳоларида) ва белигалнган нормалар асосида ҳисобланади.

Муомала харажатларини қолган моддалари ҳам тегишлича норма ва нормотивларни қўллаган ҳолда техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар асосида аниқланади.

Таянч иборалар: *товар айланиши, харажатлар, муомала харажатлари, давр харажатлари, муомала харажатлари даражаси, муомала харажатлари таркиби, иш ҳақи, амортизация, ижтимоий сугурта, «шартли-ўзгарувчан», «шартли-ўзгармас», норма, нормотив, омиллар.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Харажатлар тушунчасини ёритиб беринг.
2. Муомала харажатлари тушунчасини айтинг.
3. Умумий харажатлар муомала харажатларидан нима билан фарқланади?
4. Муомала харажатлари даражси қандай аниқланади?
5. Муомала харажатлари даражаси мазмунини тушунтиринг.

6. Муомала харажатлари таркиби деганда қандай кўрсаткичларни тушунасиз?

7. Муомала харажатларига қандай омиллар таъсир килади?

8. Муомала харажатларига товар айланишини таъсирини қандай аниқлаймиз?

9. Муомала харажатларига баҳо ва ҳар хил тарифлар таъсир қилиш моҳиятини ёритиб беринг.

10. Муомала харажатлари таҳлилини вазифалари нималардан иборат?

11. Муомала харажатлари таҳлилини ўтказишда қандай кўрсаткичлар ишлатилади?

12. Муомала харажатлари умумий ҳажми ва даражаси қандай таҳлил қилинади? қандай усуллардан фойдаланилади?

13. Муомала харажатларини режалаштириш мақсади ва вазифаларини айтинг.

14. Муомала харажатларини режалаштириш усулларини айтинг.

15. Муомала харажатларини умумий ҳажми қандай режалаштирилади? қандай усуллардан фойдаланилади?

16. Муомала харажатларини моддалари қандай режалаштирилади?

XX боб. САВДО КОРХОНАЛАРИ ФОЙДА ВА РЕНТАБЕЛЛИК ТУШУНЧАЛАРИНИНГ МАЗМУНИ, ШАКЛЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ ВА УЛАРГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

20.1. Савдо корхоналарининг фойдаси, унинг мазмуни ва аҳамияти

20.2. Савдо корхоналарининг фойдасини шаклланиши ва ишлатилиши

20.3. Савдо корхоналарининг фойдаси ва рентабеллигига таъсир қилувчи омиллар

20.4. Савдо корхоналарининг фойдаси ва рентабеллигини таҳлили ва режалаштириш

* * *

20.1. Савдо корхоналарининг фойдаси, унинг мазмуни ва аҳамияти

Фойда иқтисодий табиатидан ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлиқ мураккаб иқтисодий ва тарихий категориядир. У келиб чиқиши, йўналтирилиши, хўжалик субъектларини хусусиятларидан ва бошқа меъёрларга караб таснифланиши ва тавсифланиши зарур.

Бозор муносабатлари шароитида максимал фойда олиш, эхтиёжларни кондириш, хўжалик субъектларини самарадорлигини оширишда тижорий фаолиятни аҳамияти ортиб боради. Фойда ва рентабеллик, бошқа кўрсаткичлар билан бир каторда, тижорий фаолиятни, унда катнашаётган ресурсларни самарадорлигини кўрсатувчи кўрсаткичдир. Фойда хўжалик фаолиятининг натижавий кўрсаткичи сифатида намоён бўлади.

Бозор муносабатлари шароитида фойда муҳим аҳамият топди. Унинг миқдори корхоналарни ривожланишига жамгариш манбаи сифатида асос солади; мулкдорни мулкини кўпайишини таъминлайди; акциядорларни даромадини (двивендларни ортиши орқали) оширади; корхонани молиявий баркарорлигининг ва тўлов

кобилиятини сақлашга имконият яратади ва нихоят у савдони ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишга имконият яратади. Фойданинг моҳияти уни иқтисодий табиатидан келиб чиққан ҳолда ёритиладиган бўлса, у кўшимча кийматнинг пулдаги ифодасидир. Иқтисодиётда фойда товар кийматининг (С+В+м) асосий элементларидан бири, яъни «м»-ни англатади. Ушбу назарий асосдан келиб чиқиб, савдо фойдасини савдо фаолиятида яратилган қўшимча қийматнинг пулдаги ифодаси сифатида таърифлаш тўғри бўлади.

Шундай килиб, фойда савдо фаолияти кийматининг бир элементи, ушбу кийматнинг пулдаги ифодаси бўлиб, товар баҳосининг элементидир. Бу ерда ҳам юқорида келтирилган кийматнинг классик формуласидан (С+В+м) келиб чиқсак фойда - «м»да ифодаланади. Савдода фойда суммада ва даражаси деб аталадиган, рентабеллик кўрсаткичларида ишлатилади. Фойданинг суммаси доимо ҳам солиштириш имкониятини бермайди, шу сабабли уни ижобий кўрсаткичи фойда даражаси ёки рентабеллиги ишлатилади.

Рентабеллик ҳар қандай хўжалик субъектининг, жумладан, савдонинг жуда муҳим кўрсаткичларидан ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичда савдо корхона (шохобча)ларини даромади, харажатларини, товар айирбошлаш, меҳнат унумдорлиги каби кўрсаткичлар ҳолати ўз аксини топади. Рентабеллик миқдорига караб савдо фаолиятига, унда ресурслардан фойдаланиш самараси, фаолият тежамлими ёки йўқми каби ҳолатларга баҳо берилади.

Савдода фойда асосан товарларни сотишдан келади ва у товарларни сотишдан олинган ялпи даромадларга бюджетдан қопланадиган айрим харажатларни қўшиш ва улар суммасидан муомала харажатларини айриш йўли билан аниқланди.

«Корхона харажатлари тўғрисида»ги статистик ҳисоботда (5-С (савдо) шакли) «товарларни сотишдан келган фойда»ни «сотишнинг ялпи фойдаси»га «Картошка ва сабзавотларни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича харажатларни коплаш, бошқа коплашлар»ни кушиш ва муомала харажатларини олиш натижасида аниқлаш кўрсатилган. Унда «Сотишнинг ялпи фойдаси» «Сотишдан соф тушум» дан «Сотилган товарларни ҳарид киймати таннархи»ни айириш орқали аниқланган.

Бу ерда ҳам «ялпи фойда» «ялпи даромад» деб юритилса мақсадга мувофик булар эди. Ушбу ҳисоботда «Товарларни сотишдан келган фойда»ни аниқлашга назарий ва амалий нуқтаи назардан тўғри ёндашилган деб ҳисоблаймиз.

20.1.1-жадвал

Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг молиявий натижалари (фойда)нинг кўрсаткичларини аниқлаш усуллари

Низомда		Савдода	
Кўрсаткични номи	**Аниқлаш усули ва кўрсаткичларни белгиси**	**Кўрсаткични номи**	**Аниқлаш усули ва кўрсаткичларни белгиси**
I. Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда (ЯФ)	ЯФ=ССТ-ИТ ССТ-сотишдан олинган соф тушум; ИТ-сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи	Товарларни сотишдан олинган ялпи даромад (ЯД)	I. ЯД=ССТ-СТХқ СТХқ-сотилган товарларни харид киймати
II. Асосий фаолиятдан кўрилган фойда (АФФ)	АФФ=ЯФ-ДХ+БД-БЗ; ДХ-давр харажатлари; БД,БЗ-тегишлича асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ва зарарлар	II. Товарларни сотишдан олинган ялпи фойда (ТСЯФ)	ТСЯФ=ЯД+Бқ-МХ; Мх-муомала харажатлари; Бқ-бюджетдан копланмалар
-	-	III. Асосий фаолиятдан кўрилган фойда (АФФ)	АФФ=ТСЯФ+БД-БЗ;
III.Хўжалик фаолиятидан олинган фойда (УФ)	УФ=АФФ+МД-МХ; МД,МХ-тегишлича молиявий фаолиятдан даромадлар ва харажатлар	IV.Хўжалик фаолиятидан олинган фойда (УФ)	УФ=АФФ+МД-МХ
IV. Солиқ тўлангунгача олинган фойда (СТФ)	СТФ=УФ+ФП+ФЗ; ФП,ФЗ-тегишлича фавкулодда фойда ва зарар	V. Солиқ тўлангунгача олинган фойда (СТФ)	СТФ=УФ+ФФ-ФЗ;
V. Соф фойда (СФ)	СФ=СТФ-ДС-БС; ДС-даромад фойда)дан тўланадиган солиқ; БС-бошқа солиқлар ва тўловлар	VI. Соф фойда (СФ)	СФ=СТФ-ЯСТ-ММС; ЯСТ-ялпи солиқ тўлови; ММС-мол-мулк солиғи

Юқорида келтирилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 феврал 54-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофик корхоналарнинг, жумладан, савдонинг ҳам фойдаси ҳисоб-китоб қилиш усуллари тавсия қилинган.

Ушбу низомдаги молиявий натижаларни (фойда ва зарарни) аниқлаш усулларини ҳамда савдо, корхона (шохобча) ларини хусусиятидлан келиб чиққан ҳолда ушбу кўрсаткичларни, бизларни фикримиз юзасидан келиб чиққан ҳолда, ҳисоб-китоб қилиш усулларини 20.1.1-жадвалда келтирилган.

20.2. Савдо корхоналари фойдасининг шаклланиши ва ишлатилиши

Савдо корхонасида фойда турли хил фаолият натижасида олиниши мумкин. Барча фойдалар йиғиндиси корхонанинг умумхўжалик фойдасини ташкил қилади.Савдо корхонаси фойдасининг шаклланиш манбалари улар хўжалик фаолияти натижасида олинадиган даромадлардир:

- сотишдан олинган соф тушум;
- асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операция даромадлари);
- молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;
- фавқулодда фойда.

Савдо корхонаси ихтиёрида қолувчи соф фойдадан фойдаланиш йўналишлари савдо корхонаси зиммасида бўлади.

Савдо корхонаси тасарруфида қолувчи соф фойдадан фойдаланишнинг асосий йўналишлари унинг таъсис ҳужжатлари ва таъсисчилар қарорларида белгилаб берилади. Уни тақсимлаш тартиби корхонанинг қайси мулкга оид эканлигига боғлиқ.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида корхона соф фойдасининг тақсимоти ўзига хос хусусиятларга эга. Бунга корхонанинг мулк шакли таъсир этади.

Соф фойда тақсимоти қуйидаги кўринишларда бўлади:

- акционерлик жамиятида дивидендлар тўлашга ва резерв капиталига ажратма қилинади. Унинг қолган қисми тақсимланмаган фойда кўринишида жамият ихтиёрида қолади ва корхона фаолиятини ривожлантиришда (асосий фондларни кенгайтиришда ва айланма маблағларни шакллантиришда) қатнашади;
- қўшма корхонада резерв капиталига ажратма қилинади, унинг уставига мувофиқ таъсисчилр ўртасида тақсимланади ёки

таъсисчилар қарорига биноан корхона фаолиятини ривожлантиришга ишлатилади;

- хусусий корхоналарда резерв капиталига ажратма қилинади ва унинг қолган қисми тақсимланмаган фойда кўринишида корхона фаолиятини ривожлантиришда иштирок этади;

- давлат корхоналарида резерв фондига ажратма қилинади, қолган қисми эса Устав фондига қўшилади. Маълумки, корхона Устав фонди унинг асосий ва айланма фондларини шакллантиришда муҳим манба ҳисобланади.[72]

Савдода фойда асосан товарларни сотишдан келади ва у товарларни сотишдан олинган ялпи даромадларга бюджетдан копланадиган айрим харажатларни қўшиш ва улар суммасидан муомала харажатларини айириш йўли билан аниқланди.

20.3. Савдо корхоналарининг фойдаси ва рентабеллигига таъсир қилувчи омиллар

Фойда хўжалик фаолиятининг самараси ҳисобланганлиги сабабли уни нисбий самарадорлиги кўрсаткичи сифатида рентабеллик кўрсаткичи ишлатилади.

Рентабеллик фойдани хўжалик фаолиятига алоқадор товар айланиши, харажатлар, даромад ҳамда ресурсларга нисбатан фоизда ёки коэффициентда аниқланадиган нисбий кўрсаткичдир.

Амалиётда асосан фаолиятни самарасини баҳолашда, уни таҳлил қилишда ва режалаштиришда товарларни сотиш рентабеллиги кўрсаткичи ишлатилади. Ушбу кўрсаткич амалда соф фойдани 100,0 га кўпайтириб товар айланиш суммасига (ТА) бўлиш орқали аниқланади.

Бизнинг фикримизча, фойдани шаклланишини янги тартибидан келиб чиққан ҳолда, «Товарларни сотиш рентабеллиги» ёки «Товар айланиш рентабеллиги» (Рта) (бу иккала маънони синоним сифатида ишлатмоқдамиз) қуйидагича аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

$$P_{TA} = \frac{[(CCT - ИТ) - Мх] \cdot 100,0}{TA}$$

Рентабелликни бошқа кўрсаткичларини пастда изохлаймиз.

[72] Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: "Фан ва технологиялар", 2013, 274-б.

Рентабелликни таҳлили жараёнида кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозим. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- товар айланиши ҳажми (ТА) ва таркиби ($ТА_{и-ц}$), сўмда;
- сотишдан олинган ялпи даромад (ЯД), сўмда;
- товарларни сотишдан олинган ялпи фойда (ТСЯФ), сўмда;
- асосий фаолиятдан кўрилган фойда (АФФ), сўмда;
- умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда (УФ), сўмда;
- солиқ тўлангунча олинган фойда (СТФ), сўмда;
- соф фойда (СФ), сўмда;
- муомала харажатлари (Мх), сўмда;
- муомала харажатларини даражаси (Умх), %;
- асосий фондларни ишлатилиши рентабеллиги ($АФ_{и.р}$) ва даромадлилиги ($АФ_{и.д}$), %. Бу кўрсаткичлар қуйидагича аниқланишини тавсия киламиз.

$$АФ_{и.р} = \frac{УФ \cdot 100}{А}; \quad АФ_{и.д} = \frac{ЯД \cdot 100}{А}$$

Бу ерда: А – асосий фондлар аммортизацияси суммаси.

- айланма маблағларни рентабеллиги ($Рай._{м}$) ва уларни даромадликлиги (Рай.д), %. Бу кўрсаткичлар қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$Р_{ай.м} = \frac{ТСЯФ \cdot 100}{АйМ(ёкиЗ)}; \quad Р_{ай.м} = \frac{ЯД \cdot 100}{АйМ(ёкиЗ)}$$

Бу ерда: $Ай.М$ - ўртача айланма маблағлар суммаси;

$\overline{З}$ - ўртача товар захиралари суммаси.

- ишчи-ходимларни рентабеллиги (Ри.х) ва даромадлилиги (Ри.д), коэффициентларда. Ушбу кўрсаткичларни қуйидагича аниқлаш тавсия қилинади:

$$Р_{и.х} = \frac{УФ}{\overline{Х}}; \quad Р_{и.д} = \frac{ЯД}{\overline{Х}}$$

Бу ерда: $\overline{Х}$ - ходимларни йиллик ўртача сони, кищи.

- муомала харажатларининг рентабеллилиги (Мх.р):

$$М_{х.р} = \frac{ТСЯФ \cdot 100}{Мх}$$

Бу ерда: Мх- муомала харажатлари суммаси.

- иш ҳақи фондини рентабеллилиги (Их.ф.р.) коэффициентда ёки %. Булар тегишлича қуйидагича ҳисобланади:

$$И_{х.ф.р} = \frac{УФ}{Н_{х.ф}}; \quad И_{х.ф.р} = \frac{УФ \cdot 100}{И_{х.ф}}$$

Фойда корхонанинг натижавий кўрсаткичи бўлганлиги сабабли унга кўп сонли ташқи (савдога боғлиқ бўлмаган) ва ички омиллар таъсир килади.

Ташқи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- сиёсий барқарорлик;
- иқтисодиётнинг ҳолати;
- демографик ситуация;
- бозор конъюктураси, жумладан истеъмол товарлари бозори;
- инфляция даражаси;
- кредит бўйича банк фоизлар;
- баҳонинг миқдори;
- тарифлар, тўловлар ва бадаллар миқдорлари.

Ички омилларга қуйидагилар киради:

- савдо устамалар миқдори (сотишдан олинган даромад);
- муомала харажатлари миқдори;
- товарларни силжитиш каналлари;
- мехнат унумдорлиги;
- товар айирбошлаш тезлиги (кунлар ва маротабаларда);
- ўз маблағларининг миқдори;
- асосий фондлардан ва айланма маблағлардан самарали фойдаланиш ва бошқалар.

20.4. Савдо корхоналарининг фойдаси ва рентабеллигининг таҳлили ва режалаштириш

Фойда ва рентабеллик ҳар қандай хўжалик субъектининг, жумладан, савдо фаолиятининг молиявий натижаси эканлигидан келиб чиксак, уларни таҳлилини асосий мақсади савдо корхона (шохобча)ларининг ҳисобот йилидаги хўжалик фаолиятининг молиявий натижасини баҳолашдан иборатдир. Ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги хўжалик субъектлари фойдани максималлаштиришга интилади. Чунки фойда орқали фаолиятни инвестициялаштириш, ўз-ўзини молиялаштириш, мулкдорларни мулкини оширилиши, корхонани тўлов кобилиятини мустахкамлаш ва бошқа масалалар ҳал қилинади.

Таҳлил жараёнида ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш зарур бўлади:

- ҳисобот йилида режага нисбатан фойда ва рентабеллик кўрсаткичларида қандай ўзгаришлар рўй берганлигини аниқлаш;
- ҳисобот йили кўрсаткичларини ўтган йиллар, бошқа ракобатдош корхоналар, ҳудуд, республиканинг кўрсаткичлари билан солиштирган ҳолда уларни ўзгариш тенденцияларини баҳолаш;
- фойда ва рентабелликка таъсир килган омилларни ўрганиш ва баҳолаш;
- фойдани таркибини ўзгаришига баҳо бериш, уни турлари бўйича ўзгариш тенденцияларини баҳолаш;
- фойда ва рентабелликни ошириш йўлларини аниқлаш, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- фойдани таксимланишини ўрганиш, шу билан бир каторда, жамланган фойдани ўзгариш тенденцияларини баҳолаш, резерв капитални ҳолатини баҳолаш, акциядорларни дивидендлари қандай холатда ўзгариши каби жараёнларни баҳолаш. Чунки бу жараёнлар корхонанинг келажак фаолияти самарасига сезиларли даражада билвосита таъсир килади.

Фойда ва рентабелликни таҳлил қилиш жараёнида юқоридагилардан ташқари даромадлар ва харажатларни ўзгариш тенденциялари комплекс ўрганилиб, уларга ҳам баҳо берилади. Бундай таҳлилда корхона ресурсларини ишлатилиши самарадорлигига ҳам баҳо бериш зарур бўлади.

Фойда ва рентабелликни таҳлили биз 20.1 ва 20.2-параграфларда келтирган кўрсаткичларни аниқлаш, фойда ва рентабелликка таъсир қилувчи омиллар, шарт-шароитлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ҳамда уларга ишлов беришдан бошланади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-сонли шакл)да келтирилган кўрсаткичлар бўйича режанинг бажарилишини аниқлаш ва ўтган йилларга (камида уч йил) нисбатан ўзгариш суръатларини таҳлил қилиш учун қуйидаги жадвални (20.4.1) тавсия киламиз. Ушбу жадвал маълумотларини ҳисоб-китоб килгандан кейин биз юқорида келтирган рентабеллик кўрсаткичларини алоҳида жадвалда ҳисоблаш, кўрсаткичларга баҳо бериш, уларга таъсир килган омиллар таъсир миқдорини ҳисоб-китоб қилиш, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш лозим.

20.4.1-жадвал

Молиявий натижаларни _____ йилларга таҳлили

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўтган йиллар			Ҳисобот йили		Ҳақиқий режага нисбатан		Ўтган йилларга нисбатан ўзгариш					
									сумда			%		
		x_1	x_2	x_3	режа	Ҳақиқий	Фарқи (+;-)	%	x_3	x_2	x_1	x_3	x_2	x_3
1.	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум (товар айланиши)													
2.	Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи (сотилган товарларни сотиб олиш баҳосида)													
3.	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг сотишнинг ялпи даромади (зарари) суммаси (1-2)с.													
	Товар айланишига нисбатан, %													
4.	Давр харажатлари, жами:суммаси (4,1+4,2+4,3+4,4)													
	Товар айланишига нисбатан, %													
	Шу жумладан:													
	4.1.Сотиш харажатлари													
	4.2.Маъмурий харажатлар													
	4.3.Бошқа операцион харажатлар													

	4.4. Келгусида солиққа тортила-диган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари													
5.	Товарларни сотишдан олинган фойда: суммаси (3-4).													
	Товар айланишига нисбатан, %													
6.	6.1.Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари 6.2. Асосий фао-лиятнинг бошқа харажатлари													
7.	Асосий фаолиятнинг фойдаси (3-4+5)													
8	Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (8,1+8,2+8,3+8,4+8,5), шу жумладан													
	8.1.Дивидендлар шаклидаги даромадлар													
	8.2.Фоизлар шаклидаги даромадлар													
	8.3.Ўзоқ муддатли ижара (лизинг)дан даромадлар													
	8.4.Валюта курси фарқидан даромадлар													
	8.5.Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари													
9.	Молиявий фаолият бўйича харажатлар (9,1+9,2+9,3+9,4) шу жумладан:													

	9.1.Фонзлаш шаклидаги харажатлар													
	9.2.Узок муддатли ижара (лизинг) бўйича фонзлар шаклидаги харажатлар													
	9.3.Валюта курси фарқидан зарарлар													
	9.4.Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар													
10.	Умумхўжалик фаолиятнинг фойдаси (зарари) (7+8-9)													
11	Фавкулоддаги фойда ва зарарлар													
12.	Даромад (фойда) солиғини тулагунга кадар фойда (зарар) (10±11)													
13.	Даромад (фойда) солиғи (ялпи даромад солиғи)													
14	Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар													
15.	Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари): суммаси (12-13-14).													
	Товар айланишига нисбатан, %													
16.	Баҳолар индекси[1]													

[1] Статистик муассасалар, марказий банк маълумоти ёки эксперт кузатиш натижалари бўйича

Фойдани таҳлил қилишда уни тақсимланишига ҳам алоҳида эътибор қаратиш, уни кўрсаткичларини жадвалга солиб, режага нисбатан, ўтган йилларга нисбатан ўзгариш миқдорини, суръат ларини ҳисоблаш, баҳолаш зарур бўлади. Ҳисобот йилидаги соф фойда таксимланиши ёки таксимланмай колиши мумкин. Бундай таксимотни амалга ошириш корхонанинг мулкий ва ташкилий шаклига бевосита боғлиқ бўлади. Масалан, акциядор жамиятларда, хусусий корхоналарда, қўшма корхоналарда фойдани тақсимланиши устави ва таъсис шартномалари талабларидан келиб чиққан ҳолда, таъсисчилар йиғилишининг қарорига асосан амалга оширилади.

Фойда ҳар қандай хўжалик юритиш шаклидан қатъий назар, жумладан, бозор муносабатлари шароитида муҳим аҳамиятга эга. У хўжалик фаолиятини самарадорлигини кўрсаткичи бўлиши билан бир қаторда корхоналарни, жамиятни иқтисодий тараққиётига асос солади ва инновация жараёнини молиялаштиришни ҳам таъминлайди.

Фойда хўжалик фаолиятини натижаси бўлиш билан бирга уни ривожлантиришга шарт-шароит яратади. Чунки фойда барча хўжалик фаолияти тараққиётини таъминловчи янгиликлар, ихтироларни жорий қилишга имконият яратадиган манбадир.

Жамиятни барча хўжалик субъектлари каби савдо ҳам ўз мулкларини тўлдириш, асосий фондларга капитал маблағларини молиялаштириш, доимо янгиликлар, ихтироларни жорий қилиш масаласини қисқа муддатда хал кила олмайди. Маблағларни жамгариш учун вақт керак, иқтисодий ва молиявий шарт-шароит яратилиши зарур.

Ушбу холат корхоналарни, барча турдаги хўжалик субъектларини, колаверса ҳудудни ва жамиятни молиявий имкониятларини жорий ва стратегик режалаштирлишини талаб килади. Савдо корхона (шохобча)лари учун ҳам юқорида келтирилаги холатлардан келиб чиқиб, фойдасини қисқа муддатларга режалаштириши ва келажакка прогнозлаштириши объектив заруриятдир.

Фойда тўғрисидаги маълумотлар корхоналар учун хўжалик фаоиляти келажагини белгилаш учун муҳим манба бўлиб ҳисобланади.

Фойдани режалаштириш ва прогнозлаштиришда қуйидаги маълумотлар асос бўлиб ҳисобланади:

Биринчидан, корхонани даромадини, муомала харажатларини умумий ҳажми ва моддалари бўйича; фойдасини ва тегишли бўлган бошқа кўрсаткичларини ўтган даврга таҳлили натижалари.

Иккинчидан, даромадларни барча турларини, муомала харажатини ҳажми ва моддаларини, ретабелликни барча кўрсаткичларини ўзгариш суръатлари (тенденциялари)ни ўрганиш натижалари.

Учинчидан, товар айланиши ҳажми ва ассортименти, товар таъминоти товар гуруҳлари ва манбалари бўйича режалар ва прогноз маълумотлари.

Туртинчидан, савдо устамалари тўғрисидаги маълумотлар.

Бешинчидан, мўлжалланган даврга баҳолар, соликлар, ҳар хил тўлов тўғрисидаги маълумотлар.

Олтинчидан, муомала харажатларини прогнози.

Еттинчидан, келажакда корхонани ўз айланма маблағлари миқдори, асосий фондларни янгилаш, реконструкция қилиш тўғрисидаги прогноз маълумотлари ва бошқалар.

Фойдани унинг таркибий турлари, яъни товарларни сотишдан олинган ялпи фойда, асосий фаолиятдан кўрилган фойда, умумхўжалик фаолиятидан кўрилган фойда, солиқ тўлангунгача олинган фойда ва йилнинг соф фойдаси бўйича алоҳида ҳисоб-китоблар килиниб, алоҳида режалаштирилиши ва прогноз қилиниши лозим.

Юқоридагилар фойдани режалаштириб қандай муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиклаб турибди.

Фойдани режалаштиришда қандай мақсад назарда тутилади?

Асосий мақсад корхонани келажакда ривожланишини таъминлайдиган миқдордаги фойдага эришиш. Ушбу мақсад қандай таъминланади деган савол табиий туғилади.

Унга эришиш учун корхона ахоли талабига жавоб берадиган, юқори сифатли товарларни сотилиши ва истеъмол қилиниши учун юқори даражадаги хизматни ташкил қилишига боғликдир. Шундай килиб фойдани режалаштириш мақсадини иккинчи томони намоён бўлади.

Ушбу мақсадларга эришиш учун фойдани режалаштиришда қуйидаги вазифалар кўйилиши шарт.

Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

- асосий мақсадга эришишни таъминлайдиган тижорат гояларини аниқлаш;

- фойдага таъсир қилувчи барча омилларни ўтган йилларга комплекс таҳлил қилиш ва келажакка башорат қилиш;

- фойдага бевосита таъсир қилувчи омиллардан келиб чиқиб, корхонани безарарлик нуқтасини аниқлаш;

- бозор муносабатлари шароитида барча ресурслардан окилона, рационал фойдаланиш, харажатларни тежамлигини, натижаларини оптималлигини таъминлаш;

- режани бозор конъюктураси ўзгариш эхтимолларига мўлжалланган альтернатив вариантларини тайёрлаш;

- ишлаб чикарилган ҳолда кабул килинган режани бажарилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни белгилаш ва назорат қилиш.

Фойда ва рентабелликни режалаштиришда бир қанча усуллардан фойдаланиш тавсия қилинади. Улар каторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- даромадлар ва харажатлар баланси;
- техник-иқтисодий ҳисоб-китоб усули;
- тажрибавий-статистик усули;
- безарарлик нуқтасини аниқлаш усуллари;
- эластиклик коэффициентларини қўллаш усули;
- иқтисодий-математик усуллар (корреляция ва регрессия усуллари).

Баланс усули амалиётда энг кенг қўлланиладиган усуллардан бири бўлиб, унда балансниинг чап қисмида савдо корхонасининг барча даромадлари миқдори келтирилади, ўнг қисмида харажатларнинг барча турлари миқдори ва корхонанинг фойдаси кўрсатилади. Баланс таркибини қуйидаги шаклда тузишни тавсия киламиз.

Техник-иқтисодий ҳисоб-китоб усулидан балансдаги кўрсаткичларни аниқлашда кенг фойдаланиш мумкин ва фойдани алоҳида турларини аниқлашда ишлатилади.

Фойдани алоҳида турларини аниқлаш усуллари:

1. Товарларни сотишдан олинган ялпи фойда (ТСЯФ)

$$ТСЯФ=ЯД+Бк-Мх$$

Бунда: *Бк* - бюджетдан копланмалар;

Мх – муомала харажатлари.

2. Асосий фаолиятдан кўрилган фойда (**АФФ**)

ТСЯФ + БД - БЗ;

Бунда: ДХ-давр харажатлари;

БД,БЗ-тегишлича асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ва зарарлар

3. Хўжалик фаолиятидан олинган фойда (**УФ**)

УФ=АФФ+МД-МХ;

Бунда: МД,МХ-тегишлича молиявий фаолиятдан даромадлар ва харажатлар

4. Солиқ тўлангунгача олинган фойда (**СТФ**)

СТФ=УФ+ФП+ФЗ;

Бунда: ФП,ФЗ-тегишлича фавқулодда фойда ва зарар

5. Соф фойда (**СФ**)

СФ=СТФ-ЯСТ-ММС;

Бунда: ЯСТ – ялпи солиқ тўлови;

ММС – мол-мулк солиғи.

20.4.2-жадвал

Савдо корхонасининг даромадлар, харажатлар ва фойдаси баланси

(минг сум)

Даромадлар	Сумма	Харажатлар ва фойда	Сумма
1. Сотишдан олинган даромадлар 2. Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар 3. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар 4. Фавкулодда даромадлар		1. Сотиб олиш баҳосига киритилган харажатлар 2. Давр харажатлари 2.1. Сотиш харажатлари 2.2. Маъмурий харажатлар 2.3. Бошқа операция харажатлари 3. Келгуси давр харажатлари 4. Муддати ўзайтирилган харажатлар 5. Асосий бўлмаган фаолиятга доир харажатлар 6. Молиявий фаолиятга доир харажатлар 6. Фавкулоддаги харажатлар	
Ялпи даромад (баланс)		Жами харажатлар	
		Солиқ тўлангунча фойда	
		Харажатлар ва фойда суммаси (баланс)	

Безарарлик нуқтасини аниқлаш орқали фойдага таъсир қилувчи омиллар ҳисобидан қанча миқдорида соф фойдага эришиш

мумкинлиги аниқланади. Унинг учун қуйидаги формулалардан фойдаланиш мумкин.

1. $БН = \frac{ДХ}{1 - \frac{УХ}{ЧТА}}$;

Бунда: ДХ – доимий харажатлар (муомала харажатларини ўзгармас қисми;

УХ – савдо корхоналарнинг ўзгарувчан харажатлари

ЧТА – чакана товар айланиши.

2. $БН = \frac{ДХ \cdot 100}{\frac{Д \cdot 100}{ЧТА}}$;

Бунда: Д – даромадлар.

3. $БН = \frac{ЧТАхДХ}{ЧТА - Ух}$;

Эластиклик коэффициенти фойдага таъсир қилувчи омилларнинг 1 % ўзгариши фойдани қанча фоизга ўзгаришига олиб келишини кўрсатади. Ушбу кўрсаткич ўтган йиллар маълумотларини таҳлил қилиш орқали ҳисоб-китоб қилинади ва режалаштирлиган йилга таъсир қилувчи омилни ўзгариш миқдорига коэффициентни кўлайтириш орқали фойдани ўзгариш даражаси аниқланади.

Эластиклик коэффициентини умумий кўриниши қуйидаги формулада намоён бўлади.

$$Кэ = \frac{\Delta У \cdot 100}{У} : \frac{\Delta Х \cdot 100}{Х} = \frac{\Delta У}{\Delta Х} \cdot \frac{Х}{У}; ;$$

Бунда: У – фойданинг миқдори;

Х – таъсир қилувчи омилнинг миқдори.

Фойданинг ўзгариш миқдори «ΔУ» унга таъсир қилувчи омилнинг «ΔХ» ўзгариш миқдорига нисбатан қандай даражада ўзгаришини кўрсатади. Уни ҳисоблаш учун корреляцион тегламадан фойдаланиш мумкин. Агар боғлиқлик тўғри чизикли бўлса у=а+вх, унда $Кэ = в \cdot \frac{Х}{У};$ «в» - регрессия коэффициенти уни юқорида келтирилган тенглама орқали аниқлаш мумкин бўлади.

Фойдани режалаштиришда иқтисодий математик усуллардан ҳам кенг фойдаланиш мумкин бўлади, агар унинг учун етарли маълумотлар мавжуд бўлса, масалан кўп факторли регрессион моделлардан фойдаланиш мумкин.

Фойда ва рентабелликни режалаштириш унинг муддатига караб узоқ муддатларга (5 йилдан юқори), ўрта муддатга (1 йилдан 5 йилга) ва қисқа муддатга (1 йилгача) ишлаб чиқилади.

Фойдани миқдори аниқлангандан кейин рентабеллик кўрсаткичлари аниқланади.

Таянч иборалар: *Фойда, рентабеллик, режа, режалаштириш, прогноз, безарарлик нуқтаси, эластиклик коэффициенти, баланс, харажатлар, даромадлар, самарадорлик.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Фойдани режалаштириш ва прогнозлашни аҳамиятини ёритиб беринг.
2. Фойда ва рентабелликни режалаштиришда қандай маълумотлардан фойдаланилади.
3. Фойда ва рентабелликни режалаштиришни мақсади нималардан иборат?
4. Фойда ва рентабелликни режалаштиришда қандай вазифалар ҳал қилинади?
5. Фойдани режалаштиришда қандай усуллардан фойдаланилади?
6. Фойдани режалаштиришда тузиладиган баланс мазмунини ёритиб беринг.
7. Техник-иқтисодий ҳисоблар усули қандай ва қайси ҳолда ишлатилади?
8. Безарарлик нуқтаси қандай аниқланади?
9. Эластиклик коэффициентини моҳиятини ёритинг.

XXI боб. САВДО КОРХОНАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ, КЎРСАТКИЧЛАРИ, УЛАРГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

21.1. Савдо корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигининг моҳияти ва унинг аҳамияти

21.2. Савдода самарадорлик унинг мезони ва кўрсаткичлари

21.3. Савдо корхоналари самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар

* * *

21.1. Савдо корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигининг моҳияти ва унинг аҳамияти

Иқтисодий самарадорликни бутун иқтисодиётдаги, унинг тармоқлари ва соҳаларидаги муаммоларининг долзарблиги бир қатор илмий-назарий ва амалий масалаларни ҳал қилишни талаб қилади. Ушбу масалалар қаторига, бизнинг фикримизча, қуйидагиларни киритиш мумкин:

- самарадорликнинг моҳияти ва тушунчаси;
- самарадорлик турларининг (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик, техник-технологик, жамият, ҳудуд, корхона миқёсидаги кабилар) ўзаро боғлиқлиги, фарқлари, бир-бирига таъсир қилиш миқдорларини аниқлаш;
- самарадорлик мезонларининг моҳияти, тушунчаси, белгиларини асослаб бериш;
- самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш, бир тизимли ҳолатга келтириш;
- самарадорлик кўрсаткичларини танланган объект доирасида тадқиқот қилиш, уларнинг ўзгариш тенденцияларини аниқлаш;
- самарадорликни оширишнинг йўлларини аниқлаш ва башорат қилиш кабилар.

Юқорида келтирилган масалалар бўйича иқтисодий адабиётларда кўплаб қарашлар мавжуд бўлиб, улар асосан муқобил характерга эга. Уларнинг умумий томони самарадорлик нисбий

кўрсаткич ҳисобланиб, уни «харажат» ва «натижани» солиштириш орқали аниқлашни тавсия қилишади.

Бизнинг фикримизча, самарадорликка бундай бир томонлама ёндашиш муаммоли масала бўлиб, самарадорликнинг моҳияти, тушунчаси, мезони ва кўрсаткичларини илмий-назарий ва амалий тадқиқот қилишда системали, кенг маънода, ҳар томонлама қараш зарур.

«Эффект» лотинча «еттестус» сўзидан олиниб «Словарь иностранных слов»да таърифланишича «... 1) действие, результат чего-л. (напр. Э.Лечения); 2 впечетление, производимое на кого-л. кем, чем-л.; 3) средство, прием для создания определенного впечетления (напр., световое, шомовие эффекты в театре). Шу луғатда «Эффективный» (лот. еттестус) – дающий определенный эффект, действенный (напр., э-ные мера). «Эффектный» - производящий впечатление, эффект, привликающий внимание, бросающийся в глаза» деб таъриф берилган[73].

С.И.Ожогов «Словарь русского языка»да юқоридаги таърифларни айнан қайтаради[74].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «самара», «самарадор», «самарадорлик», «самарали», «самаралилик» сўзлари келтирилиб, уларга изоҳ берилган. Унда ёзилишича «самара» - натижа, оқибат. «Самарадор» - кутилганича ёки ундан ҳам ортиқ самара берадиган; самарали, сермаҳсул. «Самарадорлик» - иқтисодий самарадорлик. Меҳнат самарадорлигини оширмоқ. «Самарали» - самарали иш. Самарали меҳнат. Самарали таъсир кўрсатмоқ. Ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланмоқ деб таъкидланган[75].

Ишлатилаётган сўз, атама (термин)нинг асл мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, самарадорлик, у қайси турда бўлишидан қатъий назар, инсон фаолиятининг «натижасини» англатади.

Самарадорлик тўғрисида фикр юритилганда шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай чора-тадбирлар бир томондан ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара берса, иккинчи томондан иқтисодий самара бериб, ҳар доим, ҳар соҳада ижобий, ижтимоий натижа бермаслиги мумкин.

Натижа ижобий ёки салбий характерга эга бўлиши ҳам мумкин. Масалан, давлатлараро урушлар натижаси бир томон учун ютуқ бўлса, иккинчи томон учун ютқазиш ҳисобланади.

---

[73] Словарь иностранных слов. – М.: изд. «Русский язык», 1979. – С 609.

[74] Ожогов С.И. Словарь русского языка. «Советская энциклопедия». М.: 1973. – с. 837.

[75] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М.: «Рус тили» нашриёти. 1981. – 17-бет.

Уран қазиб олиш, уни қайта ишлаш бир томондан ушбу давлат учун иқтисодий ва сиёсий самара берса, бошқа давлатлар учун бу хавф-хатар туғдирувчи омил бўлиб, салбий оқибатларга олиб келади.

Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, уни модернизация ва диверсификация қилиш натижасида аҳолининг моддий фаравонлигини юксалтиришга, яъни ижтимоий самарани оширишга, давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий сиёсати – минимал иш ҳақини ошириш, ижтимоий фондлардан имтиёзлар бериш, ўсиб келаётган ёшларни тарбиялаш, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш, экологияни яхшилаш, жисмоний тарбияга йўналтирилган харажатлар охир натижада меҳнат унумдорлигини оширишга, ЯИМни кўпайишига, яъни иқтисодий самарани оширишга олиб келади.

Айрим тадбирлар натижасида эса тескари ҳолатларни кузатиш мумкин. Масалан, давлат миқёсида узоқ муддатга миллий даромадни жамғарма ва истеъмол фондларига тақсимлашда жамғарма фонди ҳиссаси доимо ошириб борилса, охир натижада аҳолининг моддий фаравонлик даражаси пасайиш ҳолатига олиб келиши муқаррар. Бу эса салбий ижтимоий ҳолатларни вужудга келтиради. Яна бир мисол, агар давлат бюджетини даромад қисмини ошириш ниятида коммунал хизматларга, электроэнергияга, газга ва нефть маҳсулотларига таърифлар асоссиз оширилса, бу аҳолини реал даромадларини камайишига ва ижтимоий ва сиёсий талофатларга олиб келиши мумкин. Ушбу ҳолатга 2010 йил 7-10 апрелларда рўй берган Қирғизистон Республикасидаги халқнинг кўтарилиши ва революцион тўнтариш ҳамда 2011 йилдан хозирги давргача Яқин Шарқ давлатларида рўй бераётган ҳодисалар реал мисол бўла олади.

Бундай мисолларни давлатлараро, давлат ичида, тармоқлар, соҳалар, корхоналараро ва уларни ички фаолиятидан кўплаб келтириш мумкин. Шу сабабли самарадорликни тадқиқот қилиш, унинг натижасига комплекс қарашлар орқали ва натижаларни бир-бири билан боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда амалга оширилиши зарур. Яъни самарадорликни барча турларининг (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик ва бошқа бир-бирининг натижасидан боғлиқ бўлган) ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш илмий-назарий ва амалий жиҳатдан асосли бўлади. Худди шундай қарашлар самарадорлик мезонлари ва кўрсаткичларини танлашда ҳам амал қилиниши зарур.

Бизнинг ушбу фикримизни асослашга янги вужудга келган «Институционал иқтисодиёт» фанининг усуллари, қарашлари далил бўлиши мумкин[76].

Илмий-назарий нуқтаи назардан самарадорликни учта йирик гуруҳга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: биринчидан, жамият миқёсида; иккинчидан, ҳудудлар миқёсида; учинчидан, хўжалик тузилмалари, субъектлари миқёсида (концерн; холдинг; ассоциациялар; ҳар хил бошқа бирлашмалар; корхоналар; муассасалар ва ҳ.к.).

Ушбу умумий йўналишлар ичида самарадорликни турларга ажратиб тадқиқот қилиш зарур. Самарадорлик турларини умумий ва функционал нуқтаи назардан таснифлаш мумкин.

Умумий самарадорликка: «ижтимоий-иқтисодий»; «иқтисодий»; «ижтимоий»; «сиёсий»; «техник-технологик»; «экологик» кабиларни киритиш мумкин.

Функционал самарадорликка: «ижтимоий ишлаб чиқариш»; «транспорт»; «алоқа»; «савдо»; «умумий овқатланиш»; «маиший хизмат»; «туризм» ва бошқа иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари. Ушбу гуруҳга иқтисодиётни ҳаракатга келтираётган омилларнинг самарадорлиги, яъни ер, капитал, меҳнат самарадорлиги киради. Ушбу омиллар ичида ишлатилаётган ресурслар турлари бўйича ҳам самарадорлик таснифланиши мумкин.

Биз юқорида келтирганимиздек, иқтисодий адабиётларда самарадорликнинг моҳияти, тушунчасига кўплаб ҳар хил қарашлар мавжудлиги каби, унинг ҳар хил мезонлари ва кўрсаткичлари тасниф қилинади. Кўпчилик муаллифлар самарадорлик нисбий кўрсаткич деб таъкидлаб, у олинган (эришилган) натижа билан харажатлар нисбати орқали аниқланишини тавсия қилишади.

Бизнинг фикримизча «самара», «натижа» ўз табиатига биноан сон ва сифат кўрсаткичларида ифодаланади. Сон кўрсаткичлар сифатида абсолют миқдорлар – қиймат, натурал ва шартли ўлчов бирликларида ифодаланса, сифат кўрсаткичлари сифатида ҳар хил солиштирма, яъни нисбий кўрсаткичлар ишлатилиши мумкин.

Юқоридаги фикрларини асослаш учун айрим амалий мисоллар келтирамиз.

---

[76] А.Н.Олейник. «Институциональная экономика». Учебное пособие, М.: «ИНФРА-М», 2005; Л.Б.Тарушкин. «Институциональная экономика». Учебное пособие, Киев-Харьков-Минск: Издательство «Питер», 2004; «Институциональная экономика: новая институциональная экономическая теория». Учебник, коллектив авторов, 2006.

- ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги прогрессив техника ва технологияларни ҳар қандай тармоқ, соҳа ва корхоналарга жорий қилиниши улар фаолиятининг ҳажмини, меҳнат унумдорлигини, иш ҳақини оширишга олиб келади ва бошқа кўрсаткичларнинг ижобий ўзгаришларини таъминлайди. Ушбу кўрсаткичларнинг абсолют миқдорини ортиши хўжалик фаолиятининг самарасини ифодалайди;
- транспорт воситаларининг модернизацияланиши, уларнинг тезлигини юқориланиши, комфорт шароитларни яратилиши натижасида транспорт хўжаликларининг миқдор кўрсаткичларини ортишига (пасажирлар сонини ортиши, юк ташиш ҳажмини ортишига, даромадни кўпайиши, харажатларни камайиши) ва сифат кўрсаткичларини яхшиланишига (рентабеллигини ортиши, йўл босишдан фойдаланиш коэффициенти, юк кўтариш коэффициенти, йўл юришнинг ўртача тезлиги) олиб келади. Булар табиати бўйича транспорт воситаларининг самарадорлиги натижасини ифода қилади;
- савдо, умумий овқатланиш ва бошқа хизмат соҳаси корхоналарида хизматни прогрессив шаклларини жорий этилиши уларнинг иқтисодий, ижтимоий самарадорлигини ва бошқа кўрсаткичларидан фойдаланишнинг самарасини кўрсатади.

Умуман олганда, иқтисодиётнинг ҳар қандай тармоғи ва соҳасини мисолга олманг, илмий-техник прогресс натижасида фаолият натижаси миқдорини ортиши, даромадини кўпайиши, харажатларни қисқариши ва бошқа ижобий ижтимоий ҳодисаларни рўй беришини кузатиш мумкин.

Юқорида келтирилган мисоллар самарадорлик категориясини, унинг мезонларини ва кўрсаткичларини кенг маънода тадқиқот этиш зарур эканлигига ишончимизни оширади.

Шу сабабли бизнинг фикримизча, ҳар қандай самарадорлик, ҳар қандай тармоқ, соҳа фаолияти, корхона фаолияти самарадорлиги бўлишидан қатъий назар абсолют миқдорларда (қиймат, натурал, шартли бирликларида) ва нисбий (коэффициентлар, индекслар, фоизлар) кўрсаткичлар орқали аниқланиши лозим.

Савдо фаолиятининг самарадорлиги мезонлари ва кўрсаткичлари бўйича ҳар хил фикрлар мавжуд.

Айрим муаллифлар савдонинг иқтисодиётдаги самараси миллий даромадни яратилишидаги ҳиссасида намоён бўлади деб ҳисоблашади. Бошқалари бу фикрни инкор этиб, савдонинг

самарадорлиги кўрсаткичи сифатида товар айланиш ҳажмини тавсия қилади. Учинчи гуруҳ олимлар даромадни, айримлар фойда, рентабелликни тавсия қилишади. Алоҳида иқтисодчилар товар айланиш ҳажми, даромад ва соф фойдани тавсия қилишади.

Бир қатор олимлар савдонинг иқтисодий самарадорлиги билан бир қаторда ижтимоий самарадорлигига эътибор қаратишади. Ушбу масалада ҳам ягона концепция мавжуд эмас. Айрим иқтисодчилар савдонинг ижтимоий самарадорлигини истеъмолчиларга хизмат қилиш маданияти билан белгилашни тавсия қилишади. Ушбу масала бўйича улар хизмат маданиятини миқдор кўрсаткичлар орқали аниқланиши эҳтимолий эканлигини унутиб қўйишганга ўхшайди. Бир гуруҳ иқтисодчилар товар сотиб олишга сарфланган вақтни тежаш кўрсаткичи, яна бошқа гуруҳ омиллар сифатли хизмат кўрсатиш орқали истеъмолчилар талабини қондирилиш даражаси савдонинг ижтимоий самарадорлиги белгиланади деб ҳисобла-шади[77].

Жаҳон амалиётида савдонинг иқтисодий самарадорлиги кўр-саткичлари орқали чакана савдо бирлашмалари, корпорациялари, ассоциацияларининг рейтингини аниқлаш амалиёти қўлланилади. Чет эл амалиёти тўғрисида сўз юритганда шуни айтиш жоизки, улар чакана савдо ўзининг иқтисодий аҳамияти бўйича аллақачон майда ва оилавий даражадан чиқиб, йирик компанияларга, халқаро аҳамиятли гигант корпорацияларга айланиб кетган ва давлатнинг ялпи ички маҳсулотини яратишга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳозирги кунда Буюк Британияда унинг ЯИМ даги 10,5 % ни[78], Ғарбий Европа давлатларида – 18,0%[79], Россияда – 22,0%[80], Ўзбекистонда эса – 9,5 % ни, жумладан Самарқанд вилоятида - 6,4 %ни[81] ташкил қилади.

---

[77] Кулягина Г.Д. Статистика товарного обращения (методология и анализ). М.: «Финансы и статистика». 1989.; «Торговое дело: экономика и организация» коллектив авторов, Учебник. М.: «ИНФРА-М», 1997.; Фридман А.М. Экономика предприятий торговли и питания потребительского общества». Учебник, М.: «Дашков и К°», 2007.; «Экономика торгового предприятия», коллектив авторов, Учебник. М.: «Экономика», 1997.; Раицкий К.А. «Экономика предприятия», Учебник, М.: «Маркетинг», 2003.; Давыдянц Д.Е. «Показатели и оценка эффективности экономики в условиях рыночных отношений (Макро и микроуровни)», Ставрополь «Кавказский край», 1998.; Сребник Б.В. «Экономика торговли» Учебник, М.: «Высшая школа», 1989., Джоунз Г. «Торговый бизнес: как организовать и управлять» Пер. с англ. – М.: «ИНФРА-М», 1996.; Ферни Д., Ферни С., Мур К. «Принципы розничной торговли» Пер. с англ. – М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 2008.

[78] Ферни Д., Ферни С., Мур К. «Принципы розничной торговли» Пер. с англ. – М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 2008. С. 3.

[79] О.В.Чкалова «Торговое дело» М.: ООО Издательство «Эксмо», 2008. С. 11.

[80] Ўша жойда.

[81] Торговля в Узбекистане 2009, Госкомстат Узбекистана, 2009 С. 12.

Шу сабабли чет элда чакана савдо билан шуғулланувчи энг йирик компаниялар рейтинги сотиш ҳажми; соф фойдаси суммаси; активлар суммаси; умумий активлар рентабеллиги, фоизда (соф фойдани активларга нисбати); хизматчилар сони; битта хизматчига тўғри келган сотиш ҳажми ва фойда суммаси кўрсаткичлари орқали аниқланади. Масалан, журнал «Фортуне» ҳар йили АҚШдаги 500 та энг йирик чакана савдо компаниялари; журнал «АсиаWeeк» Осиё давлатларидаги 1000 та йирик чакана савдо компаниялари рейтингини аниқлайди ва чоп этишади. «ФинансиалТимес» газетаси ва журнал «Фортуне» ҳамкорликда дунёнинг 50 та энг илғор ва йирик савдо компанияларининг рейтингини аниқлайди ва чоп этишади. Чет эл олимларининг фикрича «сотиш ҳажми (товар айланиши)», «Соф фойда суммаси», «активлар суммаси», «меҳнат унумдорлиги» ва «Товар айланишга нисбатан фойда нормаси» ёки унинг бошқа модификацияси АҚШ, Буюк Британия, «Германия, Франция, Япония ва бошқа ривожланган давлатларнинг фирма ва компаниялари томонидан савдонинг самарадорлиги кўрсаткичи сифатида ишлатилади. Масалан, «Пепси-Софа», «Форд», «Самсунг», «ДупондеНемур», «Монсато», «Панасонис», «Течнисс» ва бошқа йирик компаниялар юқоридаги кўрсаткичларни ўз фаолиятининг самарадорлигининг кўрсаткичи сифатида ишлатишади[82].

21.2. Савдода самарадорлик, унинг мезони ва кўрсаткичлари

Юқоридаги илмий-услубий мулоҳазалар ва чет эл тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда савдо соҳаси самарадорлигининг мезонлари (меъёрлари) ва кўрсаткичлари тўғрисида ўз қарашларимизни изҳор қиламиз.

«Критерия» сўзи грекча «Критерзин» сўзидан олинган бўлиб, унинг асосида нимагадир баҳо бериш аломати, нимадир аниқланиши ёки таснифи, ўлчови деган маънони билдиради[83]. «Критерия» атамасининг ўзбекча маъноси «мезон» сўзини англатади.

Мезонни ҳодисалар, жараёнлар, ҳолат ва бошқаларни сифат мазмунини ўлчови, улар тўғрисидаги фикрнинг аломати деб

---

[82] Зубков В. «Как измеряется производительность труда в США». – М.: Финансы и статистика. – 1990. – 140 с., «Как работают японские предприятия». – М.: «Экономика», 1989. – 262 с.; Изюмов А. «США: норма прибыли и экономика». – М.: Наука, 1988. – 170 с.; Матвеева А. Организация статистики в Японии. Журнал «Вестник статистики». – 1990. - № 4. – С. 44-48.

[83] Словарь иностранных слов. М.: Русский язык. 1985. С. 262.

тушуниш лозим. Унинг сон ўлчовлари кўрсаткичларда ўз аксини топади.

Савдо соҳаси, корхоналарининг самарадорлиги мезони тўғрисида фикр юритганда тизимли таҳлил, тизимли муносабатни ишлатиш лозим. Самарадорлик мезони ҳодисалар, жараёнлар ва ҳолатни сифат белгиси сифатида тизимни, тармоқни ёки корхонани фаолият юритишининг мақсадини акс эттириши зарур.

Савдо соҳасининг мақсади икки томонлама характерга эга бўлиб, бир томондан, аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талабини тўлароқ қондириш бўлса, иккинчи томондан оптимал миқдорда фойда олиш ёки оптимал рентабелликка эришишдир.

Ушбу кўрсаткичларни максималлаштириш савдо соҳаси, корхонаси самарадорлигининг мезони бўлиб ҳисобланади.

Хорижий давлатлар тажрибасидан шундай хулоса қилиш мумкин: бош мақсад энг юқори иқтисодий натижага эришиш, яъни максимал фойда олиш. Ушбу мақсадга эришиш воситаси сифатида аҳолини истеъмол товарларга талабини тўлароқ қондириш ҳисобланади. Ушбу мақсад ва унга эришиш воситаси ўртасида сабаб ва оқибат алоқалари ётади. Сабаб ўзаро таъсир бўлса, оқибат – бу ўзаро таъсир натижасидир. Бундай ҳолатдан келиб чиқсак сабаб аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш бўлса, натижа максимал (ёки оптимал) фойда олиш бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, **юқори фойда олишни таъминловчи сабаб сифатида аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш ҳисобланади**.

Юқорида келтирилган назарий хулосалардан келиб чиқсак, савдо соҳаси, корхонаси самарадорлигининг ўлчов бирлиги сифатида кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарур эканлигини асосламоқда.

Савдонинг самарадорлигини ўлчаш ва баҳолашни қуйидаги аломатлар бўйича гуруҳлаш зарур:

биринчидан, умуман миллий иқтисодиёт манфаати нуқтаи назаридан;

иккинчидан, истеъмолчи (аҳоли) манфаати нуқтаи назаридан;

учинчидан, савдо корхонаси (мулкдор, бошқарув ходимлари ҳамда ишчилар) манфаати нуқтаи назаридан.

Миллий иқтисодиёт манфаати нуқтаи назаридан савдонинг самарадорлиги кўрсаткичи сифатида «Савдонинг мамлакат ялпи ички маҳсулотини яратишдаги ҳиссаси» ёки «миллий даромадни яратишдаги ҳиссаси» қўлланишини тавсия қиламиз.

Истеъмолчилар манфаати нуқтаи назаридан аҳолининг минимал истеъмол саватчасини қондириш (қиймат кўрсаткичларда): аҳоли жон бошига тўғри келадиган товар айланмаси (товар гуруҳлари бўйича) истеъмол товарларининг физиологик ва рационал нормалари билан солиштирма кўрсаткичи; аҳоли ҳарид фондини чакана товар айланиши билан қамраб олиши кўрсаткичларини ишлатиш мумкин.

Савдо соҳаси ёки корхоналари манфаати нуқтаи назаридан: - чакана товар айланишининг (ҳақиқий ва солиштирма баҳоларда) ҳажми ва унинг ўсиш суръатлари; фойдани товар айланишига (ҳақиқий ва солиштирма баҳоларда), капиталга, иш ҳақи фондига нисбатан (рентабеллик кўрсаткичлари); меҳнат унумдорлиги (товар айланишини ишчилар сонига нисбати) миқдорини ортиши ва ўсиш суръатлари (ҳақиқий ва солиштирма баҳоларда); товар айирбошлаш тезлиги (ўртача товар захираларини бир кунлик товар айланишига нисбати – кунлар ҳисобида, товар айланишни ўртача товар захираларига нисбати – маротаба ҳисобида) кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин.

Юқоридагилардан ташқари савдо корхоналари самарадорлигини тадқиқот этишда улар фойдаланадиган ресурсларнинг самарадорлигини ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун савдо корхонасининг ресурслари – асосий фондлар айланма маблағлари, молиявий ресурслар ва меҳнат ресурслари ҳамда капитал қўйилмалар ёки инвестицияларнинг самарадорлигини алоҳида-алоҳида кўрсаткичлар тизими орқали ўлчаш ва баҳолаш зарур бўлади.

Иқтисодий адабиётларда ва амалиётда учта асосий фондлар самарадорлиги кўрсаткичлари тавсия қилинади ва ишлатилади. Улар қуйидагилар:

I. $АФ_к = \frac{ТА}{АФ}$ ($АФ_к$) асосий фоннинг қайтими

II. $АФ_с = \frac{АФ}{ТА}$ ($АФ_с$) асосий фондлар сиғими

III. $АФ_р = \frac{Фх100}{АФ}$ ($АФ_р$) асосий фондлар рентабеллиги, % ҳисобида

Бу ерда: ТА – товар айланиши суммаси;

Ф – фойда суммаси ;

АФ - асосий фондлар суммаси.

Асосий фондлар рентабеллиги кўрсаткичи билан бир қаторда «Асосий фондлар даромадлиги» кўрсаткичи ҳам аниқланиши мумкин. Бу ҳолда «Фойда» ўрнига «Даромад» суммаси ишлатилади.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар адабиётларда ва амалиётда корхонанинг барча мавжуд асосий фондларининг самарасини англатади деб ҳисобланади. Аслида эса фондларнинг бир қисми ишлатилади.

Биз юқорида келтирилган «Самарадорлик» тушунчасидан, яъни сарфланган (ишлатилган), истеъмол қилинган асосий фондларни самарасидан келиб чиқсак, асосий фондларнинг барча суммасини эмас, унинг сарфланган (ишлатилган) истеъмол қилинган қисмини ишлатилса, ҳақиқатга яқинроқ кўрсаткич аниқланган бўлади.

Асосий фондларнинг сарфланган қисми унинг «амортизация-си»да ўз аксини топади ва шу сабабли «Асосий фондлар» ўрнига «амортизация» (А) суммасини ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Истеъмол қилинган асосий фондларни қайтими ($АФ_{и.к}$) қуйидагича аниқланади:

$$АФ_{и.к} = \frac{ТА}{А}$$

Асосий фондлар сиғими эса ($АФ_{и.с}$) қуйидагича аниқланади:

$$АФ_{и.с} = \frac{А}{АТ}$$

Асосий фондлар рентабеллилиги ($АФ_{и.р}$):

$$АФ_{и.р} = \frac{Фх100}{А}$$

Асосий фондлар самарадорлигини таҳлил қилишда юқорида келтирилган кўрсаткичлар билан бирга қуйидагиларни ҳам ишлатишни тавсия қиламиз.

Чакана савдода чакана савдо шохобчалари савдо майдонининг ишлатилиш коэффициенти ($К_с$)

$$К_з = \frac{ЧТА}{S_с}$$

Ушбу кўрсаткич 1 кв.м савдо майдонига қанча чакана товар айланиши тўғри келишини англатади.

Улгуржи савдода омборлар майдони ва улгуржи омбор товар айланиши ишлатилади.

Худди шундай чакана товар айланиши (улгуржи омбор товар айланиши) кўрсаткичлар ўрнига фойда «Ф» ишлатилса, майдонларни рентабеллиги аниқланади.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш тавсия қиламиз.

1. Айланма маблағларни (ёки ўртача товар захираларини) айланиш коэффициенти (Кай. ёки Кз.а) маротаба ҳисобида.

$$Кай. = \frac{ТА}{\overline{АйМ}}; \quad Кз.а = \frac{ТА}{\overline{З}}$$

Бу ерда: ТА- чакана товар айланиши суммаси (кварталга ёки йилга);

$\overline{АйМ}$ - ўртача айланма маблағлар суммаси;

$\overline{З}$ - ўртача товар захиралари суммаси.

2. Ўз айланма маблағларини айланиш тезлиги коэффициенти (Кў.ай.)

$$Ку.ай. = \frac{ТА}{\overline{АйМ}_{ў}}$$

Биринчи ва иккинчи банддаги кўрсаткичлар айланма маблағларни бир томондан бирор-бир даврда ишлатилиш ҳолатини кўрсатади, иккинчи томондан динамик қаторда таҳлил қилинса улардан фойдаланиш самарасини ҳам ифода қилади.

3. Айланма маблағларни (ёки товар захираларини) рентабеллиги (ёки даромадлилиги) (Рай.м) қуйидагича аниқланади.

$$Рай.м = \frac{Ф \cdot 100}{\overline{АйМ}(ёки\overline{З})}; \quad Рай.м = \frac{Д \cdot 100}{\overline{АйМ}(ёки\overline{З})};$$

Иқтисодчи олимлар фикрича савдо корхоналари молиявий ресурсларининг барқарорлигини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар таклиф қилинган ва амалиётда ишлатилади. Бизнинг фикримизча, бу кўрсаткичлар савдо корхоналари молиявий ресурсларининг барқарорлиги жумладан, самарадорлигини ҳам баҳолаш имконини беради.

1. Жорий ликвидлик коэффициенти ($К_{жл}$) $К_{ж.л} = \frac{\sum АйМ}{\sum КММ}$

Бу ерда: АйМ – айланма маблағлар; КММ - қисқамуддатли (жорий) мажбуриятлар

2.Молиявий қарамлик коэффициенти ёки қарздорлик, маблағ билан таъминланиш коэффициенти ($К_{м.к.}$) $К_{м.к.} = \frac{\sum КК}{\sum ХК}$

Бу ерда: КК - қарзга олинган капитал; ХК - хусусий капитал.

3. Молиявий барқарорлик коэффициенти ($К_{м.бар}$)

$$K_{мабар} = \frac{\sum ХК + \sum УМК}{\sum \overline{АК}}$$

Бу ерда: ХК - хусусий капитал; УМК - узоқ муддатли қарзлар; АК - активларнинг ўртача йиллик қиймати.

4. Мулк мустақиллиги коэффициенти (К$_{м.м.}$) $K_{м.м.} = \frac{\sum ХК}{\sum \overline{АК}}$

Бу ерда: ХК - хусусий капитал; АК - активларнинг ўртача йиллик қиймати.

5. Капитални манерв (ҳаракатчанлик) коэффициенти (К$_{к.м.}$)

$$K_{к.м.} = \frac{\sum ИК}{\sum ХК}$$

Бу ерда: ИК - ҳаркатдаги (оборотдаги) капитал; ХК - хусусий капитал.

6. Тўлов қобилияти коэффициенти (К$_{к.м.}$) $K_{т.к.} = \frac{\sum \overline{ЎМ}}{\sum УМ}$

Бу ерда: ЎМ – ўз маблағи; УМ – умумий мажбуриятлар.

7. Товар захираларини хусусий капитал билан қопланиш коэффициенти (К$_{тз.хк.}$)

$$K_{тз.хк.} = \frac{\sum ХК}{\sum \overline{ТЗ}}$$

Бу ерда: ХК - хусусий капитал; ТЗ - йиллик ўртча товар захиралари.

8. Товар захираларини қарзга олинган капитал билан қопланиш коэффициенти (К$_{тз.ёк.}$) $K_{тз.кк} = \frac{\sum КК}{\sum \overline{ТЗ}}$

Бу ерда: КК - қарзга олинган капитал; ТЗ - йиллик ўртача товар захиралари.

Меҳнат ресурсларининг самарадорлиги кўрсаткичлари сифатида қуйидагиларни тавсия қиламиз:

1. Ишчи ходимларни рентабеллиги ёки даромадлиги (Ри.х). Агарда яратилган қийматни С + В + м деб ҳисобласак, рентабеллик қуйидагича ифодаланади:

$$Ри.х = \frac{m}{V}$$

С – доимий капитал ишлаб чиқариш воситалари;

В – ўзгарувчан капитал, иш ҳақи;

м – олинган фойда.

2. Меҳнаткашларнинг бўш вақти (дам олиш, ўқиш, малака ошириш жамоат ишлари, болалар тарбияси, жисмоний тарбия ва спорт, маданий дам олиш, маънавий эҳтиёжларни қондириш);

3. Ходимларни қўнимсизлик коэффициенти (ишдан кетган ва ҳайдалганлар: ўртача рўйхатдаги сонига);

4. Ходимларни қабул қилиш коэффициенти;

5. Меҳнат унумдорлиги;

6. Меҳнат унумдорлиги ва ўртача иш ҳақини солиштирма кўрсаткичи.

Барча соҳада, шу жумладан, савдода ҳам инвестиция фаолияти алоҳида таркибий қисмлардан иборат бўлиб, инвестиция стратегиясини аниқлаш, стратегик режалаштириш, инвестициявий лойиҳалаштириш, лойиҳаларни таҳлил қилиш ҳамда унинг самарасини аниқлаш каби жараёнлардан иборат бўлади.

Савдода ҳам инвестиция стратегиясини аниқлаш деганда келажакда корхоналарнинг асосий фаолиятини ривожлантириш йўлларини, хусусан, ўз маблағлари ёки бошқа инвесторлар ҳисобидан харажатларнинг қопланиш миқдорини аниқлаш тушинилади. Бунда корхона активларининг ҳажмини ва рентабеллигини прогноз қилиш, стратегик режада активларга бўлган эҳтиёжни ва уни таъминлаш учун тегишли ресурсларнии узоқ муддатга аниқлаш жараёни содир бўлади.

Инвестицион лойиҳа бу инвестицияни техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш бўлиб, у инвестицион фаолият иштирокчиларини (мулкдор, тадбиркор, банкир, давлат ва халқаро ташкилотлар кабилар) иқтисодий ахборотлар билан таъминлайди, уларни ўзаро алоқаларини боғлайди ҳамда тушинтиради. Қисқа қилиб айтганда, инвестиция лойиҳаси инвестициядан фойдаланиш режасини англатади.

Савдодо соҳасида инвестиция лойиҳасининг самарадорлигини ҳисоблаш деганда қўйилган инвестициядан келадиган самара миқдорини аниқлаш тушунилади. Инвестиция лойиҳасининг асоси сифатида капитал қўйилмаларга бўлган эҳтиёжнинг миқдори бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун инвестиция лойиҳаси самарадорлиги капитал қўйилмалар самарадорлиги орқали аниқланади.

Буни бир қанча бўғинларда аниқлаш мумкин. Жамият миқёсида капитал қўйилмалар самарадорлиги самарадорлик коэффициентида ўз аксини топади. Бу коэффициент ($К_с$) ялпи ички маҳсулотнинг

ўсиш суръатини (ΔЯИМ) капитал қўйилмалар суммасига ($К_к$) бўлиш йўли билан аниқланади. Яъни:

$$К_с = \frac{ΔЯИМ}{К_к}$$

Корхона миқёсида, шу жумладан, савдо соҳасида ҳам инвестиция (капитал қўйилма) самарадорлиги, яъни унинг коэффициенти ($К_{к.с}$) қуйидагича ҳисобланади.

$$К_{к.с} = \frac{Ф}{К_к}$$

Бу ерда: $Ф$ - йиллик фойданинг миқдори.

Савдо соҳаси амалиётида кўп вариантли капитал қўйилмалар лойиҳаси самарадорлигини аниқлаш лозим бўлади. Бунинг учун ҳар бир вариантдаги харажатларни минимумга келтириш йўли билан аниқланади. Яъни:

$$Т_и + Е_н \cdot К \rightarrow мин$$

Бу ерда: $Т_и$ - и варинатдаги харажатлар;

$Е_н$ - капитал қўйилмалар самарадорлиги коэффициенти;

К - капитал қўйилмалар суммаси.

Солиштирилаётган вариантлар ҳар хил даврга мўлжалланган бўлса, бундай шароитда вариантлар (В) келтирилган коэффициентлар бўйича аниқланади. Яъни:

$$В = \frac{1}{(1+Е_{н.в})} \cdot т$$

Бу ерда: $Е_{н.в}$ - ҳар хил даврдаги харажатларни келтириш нормативи;

$т$ - маблағларни ишга туширишдан самара олгунгача бўлган вақт.

Инвестиция самарадорлигини аниқлашда унинг ўзини қоплаш муддати, хавф даражаси, инфляциянинг ўсиш суръати, келажакда солиқлар миқдорини ўзгариши кабилар ҳисобга олиниши лозим. Чунки инвестицияни қулай ва самарали соҳага қўйиш инвесторлар учун муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон амалиётидан шу маълумки, пулни банкларда сақлаш энг қулай ҳисобланади, чунки омонатчи ундан тегишли даврда тегишли миқдорда фоиз олади.

Пулни инвестиция қилиш (ишлаб чиқаришга, хизмат кўрсатишга ёки савдога қўйиш ёки қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш) инвесторга бошқа фаолиятларга нисбатан кўпроқ фойда келтирсагина нафли бўлади. Бу ҳолат инвесторлар учун биринчи қоида бўлиб ҳисобланади.

Инвесторларнинг иккинчи қоидаси - инвестиция рентабеллиги инфляция даражасидан юқори бўлиши керак.

Шундай қилиб, инвестиция самарадорлигини ҳисоблаганда юқорида келтирилган қоидаларга асосланади. Бунинг учун инвестиция фаолиятини тегишли кўрсаткичлар орқали солиштириш ва қиёсий таҳлили қилиш катта аҳамиятга эга. Чунки харажатлар бирор даврда сарфланади, даромад эса нафақат шу даврда, балки у асосан харажатлар амалга оширгандан кейин кела бошлайди. Шу сабабли инвестиция фаолиятида унинг самарадорлигини баҳолашда даврий пул қиймати деган тушунча ишлатилади. Ушбу кўрсаткич олдин олинган 1 сўм кейин олинган 1 сўмдан қимматроқ туришини англатади.

Шу сабабли иқтисодий ва молиявий таҳлилда сўмнинг жорий ва келажакдаги қийматини ҳисоблайди, таҳлил қилади. Бундай ҳисоб-китоблар дисконтлаштириш, деб юритилади.

Дисконтлаштириш деганда инвестиция ёки пул оқимларини келгусидаги қийматининг жорий баҳода ифодаланиши тушунилади.

Дисконтлаштириш мураккаб фоизни ҳисоблашнинг тескари жараёнидир. Мураккаб фоиз усули орқали инвестициянинг келажак қиймати ($И_{к.қ}$) қуйидагича аниқланади.

$$И_{к.қ}=И_{ж.қ}(1+Ч)^{п}$$

Бу ерда: $И_{ж.қ}$ - инвестицияни жорий қиймати;

Ч - банк фоизи ставкаси;

П - йиллар сони.

Масалан: банк фойизи 10% бўлган ҳолда 5 йилдан кейин 1 сўмнинг қиймати = $1\cdot(1+0,1)^{5}=1\cdot1,55=1,55$ сўмни ташкил қилади.

Мазкур миқдор дисконтлаштириш усули билан инвестициянинг йилдан кейинги жорий қийматини ифодалайди. Бунинг учун инвестицияни келажак қийматини (1+банк фоизи) мўлжалланган йиллар сони даражасига бўлиш билан аниқланади, яъни:

$$И_{ж.қ}=\frac{И_{к.қ}}{}=И_{к.қ}\cdot(1+Ч)^{-п}$$

$(1+Ч)^{п}$

Масалан: банк фоизи 10% бўлган ҳолда 20 йилдан кейинги 1 сўмнинг жорий қиймати $=1:(1+0,10)^{20}=1:1,10^{20}=1:6,7=0,15$ сўмни ташкил қилади.

Шундай қилиб, дисконтлаштириш йилма йил кетма-кетликда даромадлар, харажатлар потокларини дисконт ставкасига асосли бир-бирига келтириш йўли орқали келажакдаги даромад ва харажатларни жорий қийматини белгилаб олиш учун инвестицияни иқтисодий ва молиявий таҳлил қилишда ишлатилади. Бундай усулларни қўллаш инвестициянинг соҳалар бўйича нечоғлик самарадор эканлигига баҳо бериш имконини яратади.

21.3. Савдо корхоналари самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар

Иқтисодиётнинг барча тармокларида, соҳаларида, жумладан, савдода ҳам ўз фаолиятининг самарадорлигини ошириш улар тараққиётининг асосий омилидир.

Самарадорлик натижа деган маънони англатади. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик – чегараланган ресурслардан окилона, тежамли фойдаланган ҳолда эришилган натижани, яъни савдода аҳолининг истеъмол даражасини юксалтириш оркали тегишли рентабелликка эришишни англатади.

Савдонинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги унинг пировард мақсад натижасида уз ифодасини топади. Самарадорлик умуман олганда «натижавийлик» мазмунини билдиради. Қандайдир бир натижага эришиш экстенсив ва интенсив омилларни (22.3.1-чизма) қўллаш асосида эришилади.

Ҳар қандай тармокда, жумладан, савдо соҳасида тараққиётни таъминлашда юқорида келтирилган экстенсив ва интенсив омиллардан оптимал фойдаланиш зарур.

Савдони стратегик ривожланишини белгилашда, уни самарадорлигини ошириш йўналишларини прогнозлашда назарий жиҳатдан қуйидаги самарадорликни ошириш моделлардан фойдаланишни тавсия киламиз.

И – модел К → мах; Мх → мин.

ИИ – модел К → мах; Мх → сонст.

ИИИ – модел К = сонст; Мх → мин.

ИВ – модел К → мах; Мх → мах, агар ΔК>ΔМх бўлса

Бу ерда: Қ– фаолиятни ҳажмий кўрсаткичи (ТА) ёки молиявий натижа – даромад ёки фойда;

Мх – муомала харажатлари

сонст - ўзгармаслик;

Δ - қўшимча ўзгариш миқдори.

21.3.1-чизма

Савдо корхоналари самарадорлигига таъсир этувчи омиллар



Ушбу моделлардан савдони ривожлантириш режалари ёки прогнозлари вариантларини солиштиришда фойдаланиш мумкин.

Савдо фаолияти *мақсадидан бири* бўлмиш талаб ва таклифни мувофиқлаштириш нуқтаи назаридан келиб чиқилса, уни

ривожлантириш модели қуйидагича моделларда ифодаланиши керак.

И – модел $ТА_и < АТ_и$ бўлса $ТА_и - АТ_и = ИМ_и$. бунда $ИМ_и > ЭК_и$

ИИ – модел $ТА_и > АТ_и$ бўлса $АТ_и - ТА_и = ЭК_и$. бунда $ИМ_и < ЭК_и$

ИИИ – модел $ТА_и = АТ_и$ бўлса $ИМ_и = ЭК_и$ бўлади.

Бу ерда: $ТА_и$–и - *товар гуруҳи бўйича чакана товар айланиши;*

$АТ_и$–и – *товар гуруҳига ахолининг талаби;*

$ИМ_и$–и – *товар гуруҳи бўйича товарларни импорти;*

$ЭК_и$–и – *товар гуруҳи бўйича товарларни эксперти.*

Ушбу кўрсаткичлар ҳудуд, республика миқёсида суммалаштирилади.

Савдони асосий мақсади бир томонидан, аҳолининг истеъмол товарларга бўлган талабини ҳар томонлама кидириш бўлса, иккинчи томонда ўз фаолиятидан тегишли фойда (даромад) олишдир. Мақсаднинг биринчисига эришиш натижасида савдо корхоналари ижтимоий самарадорликга эришади. Иккинчисида иқтисодий самарадорлигини оширишни таъминлайди. Иқтисодий самарадорликнинг мезони харажатлар билан белгиланади.

Савдо жараёнида моддий, мехнат, молиявий ресурслар сарфланади ва унинг натижасида маълум хажмда товар айланиши ва хизматларга эришилади ва фойда (даромад) яратилади. Шу сабабли савдонинг иқтисодий самарадорлигини ошириш жамият манфаатини таъминлаш, ахолини талабини, қондириш, такрор ишлаб чикариш жараёнини тезлаштириш каби натижаларни ҳам беради.

Уйинг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг аҳамияти юқоридагилардан келиб чикади.

Савдонинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда унинг умумий фаолиятига баҳо бериш ва унда сарфланган барча ресурсларни алоҳида-алоҳида самарасини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу масалалар дарсликнинг тегишли мавзуларида ёритилган.

Таянч иборалар: *самара, самарадорлик, меъзон, кўрсаткич, самарадорлик кўрсаткичлари, омил, экстенсив омил, интенсив омил, модель.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Савдода самарадорликни моҳиятини ёритиб беринг.
2. Самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичларни санаб ўтинг.
3. Самарадорликка таъсир этувчи экстенсив омиллар.
4. Самарадорликка таъсир этувчи интенсив омиллар.
5. Самарадорликни ошириш йўллари бўйича таклифлар беринг.

XXII боб. САВДО КОРХОНАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

22.1. Савдо корхонаси иқтисодий хавфсизлиги тушунчаси ва таснифи

22.2. Савдо корхонаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг мақсади ва вазифалари

22.3. Савдо корхонаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепцияси

22.4. Савдо корхонаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари, ташкил этиш ва бошқариш

22.5. Савдо корхонасида иқтисодий хавфсизлик хизмати, унинг функцияларива таркиби

* * *

22.1. Савдо корхонаси иқтисодий хавфсизлиги тушунчаси ва таснифи

Хавфсизликни тушиниш учун, энг авволо, хавфлилик нималигини тушиниб олиш лозим. Хавфлиликка қуйидагича таъриф бериш мумкин. **Хавфлилик деганда турли офат, бахтсизлик, ғамғусса, халокат, йўқотиш каби салбий ҳолатларнинг содир бўлиш мумкинлиги тушунилади.** Агар ушбу таърифдан келиб чиқадиган бўлсак, хавфсизлик – бу мавжуд бўлган хавфлиликни бартараф қилинишини англатади. Бу тушунчадан келиб чиқиб, унга қуйидагича таъриф бериш мумкин. **Хавфсизлик деганда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олди олиниб, бирор объектнинг тинч-осойишта фаолият юритиши, табиий офатлардан, ёнғин хавфсизлигидан, рақобатчилар хавфидан сақланиши ва барқарор фаолиятини таъминловчи тадбирлар мажмуаси тушунилади.**

Бу таъриф хавфсизликка берилган умумий таъриф. Мазкур бобда савдо корхонасининг умумий хавфсизлиги билан бирга иқтисодий хавфсизликни мазмуни ва моҳияти ҳам ёритилган. Уни

таъминлаш учун мулкдордан, шу корхона раҳбариятидан жуда катта ташкилотчиликни, билим ва тажрибани талаб қилади.

Савдо корхонасининг иқтисодий хавфсизлигини аниқлаш учун у билан боғлиқ бир қанча тушунчаларнинг таърифларини кўриб чиқиш лозим.Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- хавфсизлик;
- ахборотлар хавфсизлиги;
- объектнинг хавфсизлиги;
- ишлаб чиқариш объектининг хавфсизлиги;
- ёнғин хавфсизлиги;
- товарнинг истеъмол хавфсизлиги;
- хомашё хавфсизлиги;
- корхонанинг хавфсизлиги;
- корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги.

Биз юқорида хавфсизликка кенг маънода таъриф бердик, агар қисқа қилиб айтсак хавфсизлик деганда бирор хавфнинг пайдо бўлишидан ҳимояланган ҳолат тушунилади. Агар шундай ҳолатдан келиб чиқадиган бўлсак, хавфсизликнинг кўлами жуда кенг. Уни ҳаётимизнинг барча жабҳаларига қўллашимиз мумкин. Бизга асосан иқтисодий хавфсизлик билан боғлиқ тушунчалар лозим бўлади. Булардан бири ахборот хавфсизлигидир.

Ахборотлар хавфсизлиги деганда мазкур ахборотларни қўлга киритишга ҳуқуқи бўлмаган шахсларга тасоддифан ёки атайлаб ахтарганда ҳам ошкор бўлмайдиган ҳолатнинг таъминланганлиги тушунилади. Ахборот хавфсизлиги нафақат иқтисодий, балки сиёсий, маънавий ва маърифий ҳаётимизда ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Чунки барча ҳолатлар ахборотларда ўз аксини топади. Шу туфайли корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун ҳам ахборотлар хавфсизлигини таъминлашни тақозо қилади.

Бозор муносабатлари шароитидан ҳар бир объектнинг ҳам хавфсизлиги таъминланган бўлиши лозим. Бунинг учун объект хавфсизлигининг таърифини ишлаб чиқишни тақозо қилади. **Объектнинг хавфсизлиги деганда турли тахдидлардан ҳимояланган ва ўз фаолиятини нормал режимда олиб боришга тегишли шароит яратиб олишга қаратилган тадбирлар мажмуасига эга бўлган объектлар тушунилади.**

Биз ушбу ҳолатда бутун объектнинг хавфсизлиги хусусида гап юритмоқдамиз. Бизга иқтисодий объектларнинг хавфсизлиги муҳимдир. Уларнинг бири, яъни энг муҳими ишлаб чиқариш

объектидир. Бунга биз қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Ишлаб чиқариш объектининг хавфсизлиги деганда шахс ва жамиятнинг манфаатларига мос келмайдиган турли ишлаб чиқаришда содир бўладиган ҳалокатларнинг (авариялариинг) олдини олишга қаратилган тадбирлар мажмуасининг мавжудлиги тушунилади.

Жамиятимиздаги ҳолатлар иқтисодий хавфсизлик қаторига ёнғин хавфсизлигини ҳам қўшишни тақозо қилмоқда. Чунки ҳар хил эҳтиётсизликлар оқибатида юзлаб ёнғин ҳодисалари рўй бермоқда. Натижада минглаб сўм миқдорида моддий зарар кўрилмоқда. Шу туфайли ушбу масала ҳам хавфсизликнинг бир тури сифатида ўз таърифига эга бўлиши лозим.

Ёнғин хавфсизлиги деганда унинг олдини олишга қаратилган барча тадбирларнинг меъёр даражасида амалга оширилганлиги тушунилади. Иқтисодиётда ёнғин хавфсизлигини таъминламас эканмиз корхонанинг умумий хавфсизлигини тўлиқ таъминладик дейиш қийин. Шу туфайли ушбу масалага ҳам алоҳида аҳамият бериш лозимдир.

Савдо корхонаси нуфузи бевосита унинг товарига ва маҳсулотига боғлиқ. Қачонки у ўз товарининг хавфсизлигини таъминламас экан, унинг харидорини топиб бўлмайди. Бу эса уни иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга олиб келади. Бу ҳолатдан ҳам кўриниб турибдики, ҳар бир корхона ўзининг товарининг хавфсизлигини таъминлашлари лозим. Бунинг нималигини билиш учун унинг таърифини ишлаб чиқишни тақозо қилади. **Товарнинг истеъмол хавфсизлиги деганда инсоннинг уни истеъмол қилганда ҳаётининг хавфсизлиги таъминланган ва ҳар қандай ҳолатда зарар қилмаслиги кафолатланган бўлиши тушинилади.**

Савдо корхонаси товарининг хавфсизлиги бевосита унинг маҳсулотининг хавфсизлигига боғлиқ. Иқтисодиётда кўп ҳолларда товар билан маҳсулот бир хил синоним сифатида ишлатилади. Албатта, ушбу тушунчалар бир-бири билан узвий боғлиқ. Аммо уларнинг мазмуни бир-биридан фарқ қилади. Маҳсулот деганда корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳаммаси тушинилади. Товар деганда эса, унинг сотишга мўлжалланган қисми тушинилади. Шу туфайли уларнинг хавфсизлигида ҳам айрим тафовутлар бор. Буни англаш учун уларнинг таърифига назар ташлаймиз.

Маҳсулотнинг хавфсизлиги деганда инсон ҳаётига, соғлиққа ва мулкига хавф солмайдиган сифатга эга бўлган кафолат хизмати ва кафолат муддати давомида истеъмолга яроқли бўлган маҳсулотларнинг мавжуд хусусиятлари мажмуаси тушинилади.

Барча хавфсизликлар корхона хавфсизлиги билан бевосита боғликдир. Шу туфайли ушбу масалани ёритиб ўтамиз. **Савдо корхонаси хавфсизлиги деганда корхонанинг муҳим ҳаётий манфаатларини ғирром рақобатдан, криминал гуруҳлардан, турли ноқобил шахслардан сақлаган ҳолда нормал фаолият кўрсата олиш имкониятларининг мавжудлиги тушинилади.**

Юқорида келтирилган барча тадбирлар амалга оширилсагина корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги маълум даражада таъминланиши мумкин. Булардан келиб чиқиб, ўта мураккаб жараён бўлган корхонанинг иқтисодий хавфсизлигига қуйидагича таъриф бериш мумкин бўлади.

Савдо корхонаси иқтисодий хавфсизлиги деганда унинг мустақиллигини, мустаҳкамлигини, барқарорлиги ва ички имкониятлар эвазига такомиллашиб, тараққий этиб боришини доимий равишда таъминлаб турувчи шароитлар ва омиллар мажмуасининг мавжудлиги тушинилади.

Эркин рақобат шароити корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш объектив заруратга айланмоқда. Чунки бу ишни амалга оширмаса корхоналарнинг банкротликка учраб қолиши табиийдир.

22.2. Савдо корхонаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг мақсади ва вазифалари

Хавфсизликни таъминлаш ҳамиша, ҳамма жойда, ҳамма нарсалар учун муҳим бўлиб келинган. Ҳатто ҳайвонлар ҳам ўзларининг хавфсизлигини таъминлаш учун ўзлари инстингти орқали тегишли чоралар кўрадилар. Инсоният пайдо бўлибдики, хавфсизлик масаласи унинг олдида ҳамиша долзарб бўлиб ҳисобланган. Шу туфайли хавфсизлик масаласи жамият ривожи учун муҳим аҳамиятга эга.

Хавфсизлик тизимида иқтисодий хавфсизлик ҳам тегиши ўринга эга. Чунки, иқтисодий хавфсизлик таъминламас экан, иқтисодий ривожланиш ҳақида ҳам баралла гапириш қийин. Иқтисодий субъектларнинг вужудга келиши кўплаб маблағ ва вақтни талаб

қилади. Буларнинг эркин фаолияти ва ривожланиши таъминлаш учун унинг, энг авволо, ҳар томонлама хавфсизлигининг таъминлаш лозимдир.

Бугунги бозор муносабатлари шароитида ҳамма корхоналарга мустақиллик берилиб, эркинлик таъминланаётан бир пайтда, унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ҳам ўта долзараб ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик бўлган жуда муҳим жараёндир. Бу жараённи тўғри ва тўлиқ англаш учун унинг тушунчаси билан бирга, тамойилларини, максад ва вазифаларини аниқ белгилаб олиши лозим.

Савдо корхонаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ҳам ўз-ўзидан амалга оширилиб қолинавермайди. Бу тадбир ҳам бир қанча ўзига хос тамойилларга асосланган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Бу тамойилларнинг тавсифини қисқача ёритиб ўтамиз.

Савдо корхонаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш вазифалари. Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир корхонанинг вазифаси ўзининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир. Бу ишда боқимандалик кетмайди. Ҳар бир корхона ўзининг хавфсизлигини ўзи таъминламаса бошқа жойдан келиб уни таъминлаб бермайди. Бу жараён анча тадбирларни ўз ичига олади. Буни қуйидаги чизмадан кўриш мумкин (21.2.1-чизма).

Ушбу чизмада савдо корхонаси хавфсизлигини таъминлашнинг 8 та вазифаси келтирилган. Уларнинг ҳар бири нималардан иборат эканлигининг тавсифини кўриб чиқамиз.

1. Савдо корхонаси фаолиятига ташқи субъектлар аралашувларининг кучайишига йўл қўймаслик. Ҳозирги кунда бунинг учун Президентимиз И.Каримов томонидан жуда катта тадбирлар белгиланган ва белгиланмоқда. Тадбиркорлик фаолиятининг эркинликларини кафолатлаш тўғрисида бир қанча қонунлар билан биргаликда Президентнинг Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳам қабул қилинган.

2. Савдо корхонаси ичида самарали меҳнат қилиш муҳитини бузишнинг олдни олиш, ҳар бир ходимнинг меҳнатини холисона баҳолай олиш. Холислик, ҳалоллик бўлган жойда меҳнат жамоалари ўртасида руҳий муҳитнинг барқарорлиги таъминланади. Бундай шароитда меҳнатнинг самарали бўлиши тайин. Шу туфайли бугунги корхона раҳбари ходимлар ва ишчилар руҳиятини яхши биладиган, уни тўлиқ таъминлайдиган, меҳнат жамоаси ўртасида адолатни ўрната оладиган зукко бўлиши лозим. Адолат тарозиси бузилган жойда корхонанинг хавфсизлигини таъминлаш жуда қийин кечади.

Чунки корхонанинг хавфсизлиги ташқи хавфдан кўра ички хавфнинг мавжудлиги ёмонроқдир.

3. Ходимлар ўртасида ахлоқий-руҳий муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш, корхонанинг муваффақияти уларнинг ҳар бирининг муваффақияти эканлигини сингдириш ва шунга амал қилиш. Ҳозирги шароитда кўпгина кичик корхоналарда меҳнат жамоаси асосан қариндош-уруғлардан таркиб топган оилавий корхона жамоаларидан иборат. Уларнинг мақсади, қизиқиши ва рағбатлантирилиши кўп жиҳатдан бир-бирига тўғри келади. Бундай шароитда масалани ижобий ҳал қилиш бир мунча осон кечиши мумкин. Аммо ҳамиша ҳам ишни юритиш учун оилалар таркибидан мутахассисларни топиш қийин. У ҳолди кимларнидир ёллашга тўғри келади. Бу ҳолда меҳнатни ташкил қилишда умум эътироф этилган тартиб ва тамойилларга амал қилишни тақозо қилади.



22.2.1-чизма. **Савдо корхонаси хавфсизлигини таъминлаш вазифалари**

4. Бозордаги ўз рақобатчиларидан маҳсулотнинг (иш, хизматнинг) сифати, нархи бўйича орқада қолиб кетмаслик чораларини кўриш. Бугунги эркин рақобат шароитида корхоналар хавфсизлигини таъминлаш учун ўзларининг рақобатчилари тўғрисида етарлича маълумотга эга бўлишлиги лозимдир. Агарда бир хил товар ёки хизмат ишлаб чиқараётган корхоналарда сифат юқори бўладиган бўлса, бир хил нарх билан рақобатда ютказиб қўйиши мумкин. Агарда нархи катта бўлиб, сифати бир хил бўлса ҳам шу ҳолатнинг такрорланиши мумкин. Бундай шароитда корхона раҳбарияти маҳсулотининг ва хизматининг сифатини муттасил ошириб боришлари билан бирга нархини ҳам назорат қилиб боришлари лозимдир. Нархни сунъий равишда камайтириб бўлмайди. Бунинг учун маҳсулотнинг таннархини камайтириш орқали эришиш лозимдир.

5. Бозор конъюнктурасининг тез ўзгаришидан ҳамиша воқиф бўлиш ва унга мослашган ҳолда тараққиётни таъминлаш. Бу вазифа ҳам бозор муносабатлари ҳукм суриб турган ва нинг таъмойиллар тоборо чуқурлашиб бораётган шароитда ўта муҳимдир. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда бозордаги муҳитни мунтазам ўрганиб боришни тақозо қилади. Бу ҳолат ҳам корхона раҳбарияти ва мутахассисларидан катта билим ва тажрибани талаб қилади. Булардан кўриниб турибдики, корхонанинг хавфсизлигига ўз-ўзидан эришиш қийин.

6. Ишлаб чиқариш, технологик, тижорат каби сирларини сақлаш. Нодир мутахассислар қўнимсизлигининг олдини олиш. Корхоналарнинг хавфсизлигини таъминлашда унинг тижорат сирини сақлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки бир корхона мувоффақиятга эришса, у рақобатда олдинги ўринларда турган бўлса, албатта, унинг маълум даражада ўзигагина хос сир-синоатлари бор. Уларни имкон қадар асрашга, атрофга ошкор қилмасликка ҳаракат қилиш лозим. Бунинг учун ўзида фаолият кўрсатаётган ўта ноёб ва тажрибали кадрларни асраб-авайлаш лозим. Бундай кадрларнинг қўнимсизлигига йўл қўйиб бўлмайди. Уларни ўз иш жойларида муқум ушлаб туриш чораларини кўриш лозимдир.

7. Савдо корхонаси ҳудуди, мулки ва бошқа моддий ресурсларнинг сақланишиини таъминлаш, уларнинг ўғирланиши ва йўқолшининг олдини олиш чораларини кўриш. Корхоанинг иқтисодий хавфсизлигининг муҳим жиҳатларидан бири уларнинг мол-мулкининг сақланишига ҳам бевосита боғлиқ. Маҳсулотни сақлаш учун тегишли шароитни яратиш керак. Товарларнинг

яроқлилик муддатидан олдин бузилиб, айниб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Агар ушбу маҳсулотлар синадиган бўлса, уларнинг бутлигини таъминлаш чораларини ҳам кўриш керак. Шунингдек, маҳсулотларнинг ўғирланишига йўл қўйилмайдиган, йўқолишининг олдини оладиган ҳолатларга ҳам ҳамиша аҳамият бериб боришни тақозо қилади.

8. Ҳамкорларини танлашда уларнинг молиявий аҳволини ўрганиш ва ўзининг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун тегишли ташкилий ишларни доимий равишда эътибордан қолдирмаслик. Бу вазифа ҳам корхоналарнинг хафсизлигини таъминлашга қаратилган муҳим чоралардан биридир. Аммо ҳозирги пайда кўпгина корхоналарда молиявий хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотлар, унинг ҳақиқий молиявий аҳволидан дарак бермайди. Чунки солиқдан қочиш учун улар шу даражада кўп "ҳунарларни" қилмоқдаки, уларни махсус назорат органи ходимларисиз аниқлаш қийин. Шу туфайли бу масала ҳам корхона раҳбариятининг диққат марказида бўлмоғи лозим. Бунинг учун корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун, энг авволо, унинг раҳбарияти ва мутахассислари ҳалол-покиза иш кўмоқлари лозим. Қинғир ишнинг қийиғи бир кун чиқиб қолиб, бор мол-мулкни турли жарималарга мажбуран тўлаб бир кунда банкрот ҳолатига тушиб қолиш мумкин. Шу туфайли ҳамиша бойликни орттиришни ҳалол йўл билан қилишга ўрганилса бу аста-секинлик билан бой борилади ва иқтисодий жиҳатдан хавсиз бўлади. Ҳеч қандай жарима ва бошқа мажбурий тўловлардан қўрқмаслигингиз мумкин. Шу ва шу каби вазифаларнинг бажарилиши корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий тадбирларидир. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги, албатта, ўз-ўзидан таъминланиб қолмайди. Шу туфайли бу масала корхонага дахлдор бўлган мутасаддиларнинг (мулкдор, раҳбар, менежер, мутахассислар ва барча ходимлар ҳамда солиқ, молия, банк каби манфаатдор ташкилотлар) ҳамиша диққат эътиборида бўлмоғи лозим.

22.3. Савдо корхонаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепцияси

Савдо корхонаси иқтисоий хавфсизлигини таъминлаш концепциясини ишлаб чиқиш учун бир қанча йўналишларни кўриб чиқишни тақозо қилади. Булар қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

1. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлик концепцияси;
2. Ҳудуднинг иқтисодий хавфсизлик концепцияси;
3. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлик концепцияси.

Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги бевосита давлат ва унинг ичидаги субъектлар хавфсизлигини таъминлаш билан характерланади. Чунки ҳар бир давлат, ҳатто шахсларнинг ҳам эркин фаолияти учун улар турли таҳдидлар қуршовида эканлигини ёдидан чиқармасликлари лозим. Шулардан ҳимояланиши учун ҳамиша ҳар бир субъект, шу жумладан, давлат ҳам ўзининг хавфсизлигини таъминлаб бориши лозим. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги бевосита унинг иқтисодий манфаатларининг қондирилиши билан боғлиқ.

Давлатнинг иқтисодий манфаатларининг қондирилиши фақат иқтисодий омилларга боғлиқ бўлмасдан бир қанча кенг қамровли йўналишларга ҳам боғлиқ. Булар ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

- мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги;
- давлатнинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўринга эга бўлишлиги;
- давлат сиёсий мустақиллигининг тўлиқ таъминланганлиги ва ўзининг давлатчилиги шаклланиб, ўзини-ўзи бошқариш қобилиятининг мавжудлиги;
- мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ва барча фуқароларининг тинч-тотув яшаши учун тегишли шароитларнинг яратилганлиги;
- барқарор иқтисодий ўсишнинг таъминланганлиги;
- мамлакат равнақи учун инвестицияларни жалб қилиш имкониятининг мавжудлиги ва иқтисодиётни инновацион омиллар эвазига ривожлантириш йўлига ўтганлиги;
- баҳонинг барқарорлигини, миллий валютанинг мустаҳкамлигини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таннархининг ошиши аҳоли даромадлари ўсиш суръатидан ошиб кетмаслик кабиларнинг таъминланганлиги;
- меҳнат унумдорлигининг муттасил ошиб боришининг таъминланганлиги;
- янги иш ўринларининг тизимли равишда яратилиши в ишсизликнинг минимал даражада бўлишлиги билан бирга бандлик муаммосининг ҳал бўлганлиги кабиларни.

Юқорида қайд этилган барча йўналишлар ҳудуд ва хўжалик юритувчи субъектлар хавфсизлик концепциясига ҳам тўғри келади.

Чунки корхонанинг ёки ҳудуднинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш фақат корхона ёки ҳудуд доирасида содир бўлмасдан, бевосита мамлакат миқиёсидаги иқтисодий ҳолатга ҳам боғлиқдир.

Мамлакатнинг равнақини таъминлаш учун унинг маълум бир қисмини гуллаб-яшнашини таъминлаб, бошқа қисмини эътиборсиз ҳолда ташлаб қўйиб бўлмайди. Бу мамлакатда ижтимоий беқарорликни юзага келтиради. Одамлар миграциясидаги бузилишларга олиб келади. Қайси ҳудудда аҳвол яхши бўлмаса, яхши ҳудудга кўчиб кетиш ёки бошқа миграцион жараёнлар юз бериши мумкин. Шу туфайли барча ҳудудларнинг ҳам иқтисодий хавфсизлигини таъминлашни тақозо қилади.

Ҳудуднинг иқтисодий хавфсизлик концепцияси ўз ичига қуйидаги йўналишларни қамраб олади. Буларга:

- ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудлар бўйича аҳолининг сонига мос равишда жойлаштирилиши ва унда ҳудуд манфаатларининг инобатга олинганлиги;
- ҳудуд аҳолисининг иш билан таъминланганлиги, мазкур ҳудудда бандлик муаммосининг ҳал бўлганлиги;
- ҳудуднинг имкон қадар иқтисодий жиҳатдан бошқа ҳудудларга ва ташқи омилларга қарам бўлиб қолмаслиги;
- ҳудуднинг ўз бозорига эга бўлишлиги ва унинг барқарорлигининг таъминланганлиги;
- ҳудудда эркин рақобатнинг шаклланганлиги;
- ҳудудда инновацияни жорий қилиш имкониятининг мавжудлиги ва уни амалга ошириш учун тегишли инвестициянинг етарлилиги:
- ҳудуднинг ташқи бозор билан алоқасининг яхши йўлга қўйилганлиги ва унга ўз маҳсулотини эркин чиқара олиш имкониятининг мавжудлиги;
- ҳудудий бюджетнинг етарли даражада шаклланганлиги ва унда аҳоли ижтимоий-иқтисодий ҳаётини сифат даражасига кўтариш имкониятининг мавжудлиги;
- ҳудудий корхоналар ходимларида юқори меҳнат унумдорлигининг таъминланганлиги кабиларни киритиш мумкин.

Энди бевосита корхона иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепцияси хусусида гапириш мумкин. Чунки юқоридаги икки пағонадаги ҳолат ҳам бевосита савдо корхонасида иқтисодий

хавфсизликни таъминлаш имконини яратади. Бундай концептуал йўналишларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

• *савдо корхонаси технологияларининг узлуксиз инновация*ларга таянган ҳолда янгиланиб бориши;

• ривожланишида илмий-техник ютуқларга таяниши;

• сифат ва самарадорликка эришиш кундалик фаолият тарзига айланиши;

• ходимларни рағбатлантиришнинг илғор усулларидан фойдаланган ҳолда, уларнинг илмий ва профессионал салоҳиятини ошиб боришга эришиш масалаларининг ҳал қилиниши;

• корхонада руҳий муҳитнинг яхшилиги ва улар ҳамжиҳатлигининг тўлиқ таъминланганлиги;

• кадрлар қўнимсизлигига барҳам берилганлиги;

• корхона маҳсулотларининг бозоргирлиги, бозорнинг барқарорлиги, янги бозорларнинг кашф қилиниши;

• кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш имкониятининг мавжудлиги кабиларни киритиш мумкин.

Кўриниб турибдики, савдо корхонаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепцияси ҳам бевосита ички ва ташқи омилларга боғлиқ. Ички омиллар таъкидланган йўналишлардан иборат. Ташқи омиллар йўналишларига бевосита давлатнинг ва ҳудуд иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ концептуал йўналишларни киритиш мумкин.

Эндиги вазифа хўжалик юритувчи субъектларда корхона иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидаги мулоҳазаларга эътибор қаратилиши керак:

Биринчидан, ҳар бир корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш кўрсаткичларини баҳолаш ва бу борада тегишли ташхисларни қўйиб боришни таъминлаш лозим. **Иккинчидан**, хўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида муттасил равишда уларда меҳнат унумдорлигининг ошиб боришига эришиш. **Учинчидан**, корхонанинг ликвидлиги ва даромадлилик даражасини ҳамиша назорат қилиб бориш ва уларнинг пасаймаслик чораларини кўриш. **Тўртинчидан**, корхонадаги турли рискларни баҳолаш ва уларнинг олдини олиш чораларини кўриш, унда бозор, баҳо, таннарх масалаларига эътиборни қаратиш. **Бешинчидан**, корхонанинг молиявий

мувозанатини назорат қилиб бориш, олинган даромадларига яраша буромадни таъминлаш, ортиқча сарфларга йўл қўймаслик. **Олтинчидан**, ҳар бир корхонада иқтисодий хавфсизликни таъминлашни бошқаришни йўлга қўйиш ва буни бирор кун ҳам назардан қолдирмаслик кўникмасини шакллантириш. **Еттинчидан**, инновацион жараёнларни бошқариш билан бирга корхонанинг стратегик йўналишини белгилаб олиш.

Юқорида келтирилган чораларнинг ҳаммаси корхоналарда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ концепцияни амалга оширишга хизмат қилади.

Савдо корхонаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари, ташкил этиш ва бошқариш

Савдо корхонасининг иқтисодий хавфсизлиги тамойиллари ҳам иқтисодий адабиётларда кам ёритилган масалалар сирасига киради. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларда хавфсизликни, шу жумладан, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун уни амалга оширишда маълум тамойилларга таянилади. Бу тамойиллар корхона ишининг тактикаси ва стратегиясини, аниқ мақсад ва вазифалар билан фаолият кўрсатишини белгилаб олишида намоён бўлади. Савдо корхонаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари, уларни ташкил этиш ва бошқариш масаласи қаралганда унинг иқтисодий, сиёсий ва социал, техник, экологик, ахборот соҳаларини инобатга олиш лозим бўлади. Хавфсизликни таъминлашда қатъий қонунга амал қилиш тамойилига асосланиши лозим. Қонун бузилган жойда хавфсизлик ҳақида гапиришнинг ўзи бефойда. Шу туфайли қонунга амал қилиш масаласи ҳар бир корхонанинг қонуни даражасида бўлиши керак.

Яна шуни эътироф этиш керакки, хўжалик фаолиятида қонун доирасида ҳаракат қилиш корхонанинг барқарорлигини ҳам таъминлайди. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлса, корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги қуйидаги тамойилларга таянади (22.4.1-расм).

Чизмадан кўриниб турибдики, корхонанинг хавфсизлиги еттита таъмойилга асосланган ҳолда ташкил қилиниши зарур. Буларнинг таснифи қуйидагича.

1. Узоқ истиқболга мўлжалланган дастур ва мақсадли режанинг мавжудлиги. Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида ҳар бир корхона ўз млкий жавобгарлигига асосланди, у узоқни кўзлаб аниқ

стратегик мақсад билан ва шу мақсадга эришиш учун узоқ муддатга мўлжалланган дастур асосида фаолият кўрсатиши лозим.



22.4.1-расм. **Савдо корхонаси хавфсизлиги тамойиллари**

2. Қонунийликни таъминлаш тамойили. Ҳозирги пайтда жуда кўп корхоналар қонунни четлаб маълум вақт ноқонуний фойда олиш эвазига фаолият кўрсатмоқда. Улар фаолиятидаги қонунбузарлик фош бўлгач (албатта шундай бўлади) жуда кўп жарималар тўлаши эвазига бирданига синиб инқирозга учрамоқда. Оқибатда корхона банкрот бўлмоқда. Бу ҳолат жамият учун ҳам, давлат учун ҳам, шу ерда ишлаган меҳнат жамоаси учун ҳам, пировардида корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги учун ҳам катта зарар келтириши эҳтимолдан ҳоли эмас.

3. Мустақиллик ва масъулиятлилик таъмойили. Корхона иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун, энг аввало, ўз фаолиятини мустақил бошқариши лозим. Аммо мустақиллик - бу

ўзбошимчалик эмас. Мустақил фаолият ўта масъулиятни ҳам талаб қилади. Зеро, савдо корхонасининг фойдаси ўзиники бўлганидек, зарар ҳам ўзлари ҳисобидан қопланади. Кўп зарар кўриш корхонани иқтисодий жиҳатдан хавф туғдириши табиий.

4. Меҳнат ва ижро интизоми. Барча муваффақиятлар калити интизомда. Агар меҳнат жамоаси корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мақсади билан ишласа, албатта, у қаттиқ меҳнат ва ижро интизомига риоя қилиши лозим. Интизом орқали қонунийлик, мустақиллик, масъулият, мақсадлилик каби тамойилларга ҳам амал қилишни таъминлайди.

5. Касбий ва технологик такомиллашув. Бозор муносабатлари шароитида эркин рақобат муҳити корхонанинг кундалик ўзгаришлар ва янгиланишларга, бозор коньюнктурасига мослашиб боришни талаб қилади. Бу эса, ўз навбатида, корхонанинг тез ўзгаришларга мослашувчанлигини таъминлашни, бозор талабига мослашиш каби ҳолатларни талаб қилади.

6. Маҳсулот (иш, хизмат) сифатининг доим ошиб боришини, таннархнинг нисбий камайишини таъминлаш. савдо корхонасининг нуфузи ва иқтисодий қудратини ошириб бориши учун, энг аввало, ҳар бир корхона ўз маҳсулотининг (иш, хизматининг) сифатини ошириш учун курашиб яшаши керак. Сифат кўрсаткичининг яхшиланиши корхонанинг нафақат иқтисодий хавфсизлигини, балки унинг рақобатбардошлигини ҳам таъминлайди. Маҳсулотнинг (иш, хизматнинг) сифатини ошириш кўп ҳолларда таннархни ошириш эвазига амалга оширилади. Аммо корхона ҳозирги эркин иқтисодиёт шароитида шундай натижага эришиш лозимки, қайсики сифатнинг яхшиланиши таннархнинг ошишига нисбатан устувор бўлиши таъминлансин. Бунда маҳсулот (иш, хизмат) сифатининг ошиши эвазига олинадиган даромад 100 минг сўмни ташкил қилса, шунга боғлиқ таннарх 50-60 минг сўмга кўпайишини таъминлаш лозим бўлади.

7. Фойдалиликни таъминлаш. Ҳар бир корхона иқтисодий жиҳатдан қудратли бўлишига, ўз хавфсизлигини таъминлашга эришмоқчи бўлса барча фаолиятини шундай ташкил қилиш керакки, унинг ҳар бир ҳаракатидан фойда олиш таъминлансин. Бозор муносабатлари, тадбиркорлик ва фойда бир-бири билан ажралмас тушунчалардир. Бу дегани, бозор муносабатлари шароитида ҳар бир корхона тадбиркорлик билан иш кўриб,

фаолияти натижасида етарли даражада соф фойдага эришишни таъминлашдан иборатдир.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб корхона иқтисодий хавфсизлиги тамойилларига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Савдо корхонасининг иқтисодий хавфсизлик тамойили деганда уни таъминлашга мўлжалланган мақсадли стратегик ва тактик дастурларни бажаришга қаратилган иқтисодий дастаклар мажмуаси тушунилади.

22.5. Савдо корхонасининг иқтисодий хавфсизлик хизмати, унинг функциялари ва таркиби

Бозор муносабатлари шароитида корхонанинг умумий хавфсизлигини, айниқса, унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Зеро, корхона банкротликга учрамаслиги, барқарор фаолият кўрсатиши, мунтазам равишда иқтисодий ўсишни таъминлаб бориши учун, энг аввало, унинг хавфсизлиги таъминланиши лозим. Аммо ҳозирги пайтда турли мулк шаклида фаолият кўрсатувчи жуда кўп корхоналар таркибида хавфсизлик хизмати ташкил қилинмаган. Бу билан асосан корхона раҳбарияти шуғулланади. Аммо бу эркин рақобат шароитида етарли эмас. Хавфсизлик хизмати жуда кўп функциялар билан шуғулланади ва бир қанча муҳим вазифаларни бажаради. Шу туфайли ҳар бир корхона таркибида махсус хавфсизлик хизмати бўлими фаолият кўрсатиши лозим.

Хавфсизлик хизмати ўз фаолияти давомида жуда кўп меъёрий ҳужжатларга таянади. Бу ҳужжатлар давлат миқёсида ишлаб чиқилиб тасдиқланган бўлса шу меъёрий ҳужжатга таянилади, агар бундай ҳужжат бўлмаса ташкилотнинг (корхонанинг) ўзида хавфсизлик хизмати бўйича Низом ишлаб чиқилиб шунга амал қилинади. Умуман олганда, корхона хавфсизлиги билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар қуйидагилардан иборат бўлмоғи лозим:

* савдо корхонаси хавфсизлик хизмати тўғрисида умумий Низом;
* хавфсизлик хизмати ходимларининг функционал мажбуриятлари;
* тартиб (режим) ва соқчиликни ташкил этиш бўйича Низом;
* Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича Йўриқнома;

* раҳбарлар, мутахассислар ва техник ходимларнинг махфий ахборотлар билан ишлашлари бўйича мансабдорлик қўлланмалари;
* ёнғин хавфсизлиги тўғрисида Низом;
* Махфий ахборотлар мавжуд бўлгани ҳужжатларининг архивда сақланишини ташкил этиш бўйича мансабдорлик қўлланмалари;
* техник хавфсизлик тўғрисида Низом;
* ахборотларни мухандислик-техник жиҳатдан ҳимоя қилишни ташкил этиш бўйича мансабдорлик қўлланмалари;
* хорижий вакиллар ва ваколатхоналар билан ишлаш тартиби бўйича мансабдорлик қўлланмалари.

Корхонанинг хавфсизлик хизмати таркибида уни турли хавф-хатарлардан сақлаб қолиш мақсадида ахборот-таҳлил бўлинмаси, хавфсизликни таъминлаш йўналиши бўйича аниқ вазифаларни ечиш учун тажрибали мутахассислардан иборат вақтинча тузилмалар ташкил этилиши мумкин.

Корхонанинг хавфсизлик хизмати ўз фаолияти давомида жуда кўплаб вазифаларни бажаради.

Ушбу вазифаларни бажариш учун бир қанча функцияларни ҳам ижро этади. Буларга қуйидагилар киради (22.5.1-расм).

Қайд этилган функцияларни бажариш бевосита корхонанинг хавфсизлик хизмати орқали амалга оширилади. Мазкур хизматнинг таркибига қуйидагилар киради: хавфсизлик хизмати бошлиғи, тартиб (режим) ва соқчилик бўлими, махсус бўлим, мухандислик-техник ҳимоя бўлими, ташқи фаолият хавфсизлигини таъминлаш бўлими, ички назорат-тафтиш бўлими каби бўлинмалар.

Ушбу бўлинмаларнинг бевосита аниқ вазифалари корхона ходимларининг функционал мажбуриятларида, унинг низомида ўз аксини топади. Ҳар бир бўлимда махсус хизмат секторлари ҳам бўлиши мумкин.

Масалан, тартиб (режим) ва соқчилик бўлимида тартиб сектори ва соқчилик сектори, махсус бўлимда махфий ҳужжатлар сектори ва ҳ.к.

Савдо корхонаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун хавф-хатарларни бартараф қилишга эришиш лозим. Иқтисодий хавф-хатарлардан бири банкротлик хавфидир. Чунки бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт тасодифлардан ҳоли эмас. Бозорда фаолият кўрсатаётган корхона ёки фирма ҳар хил вазиятга тушиб қолиши мумкин. Бу ҳолат ҳар қандай корхонани ҳушёрликка чорлайди.



22.5.1-расм. **Савдо корхонаси иқтисодий хавфсизлиги хизмати функциялари**

Банкротлик деганда, одатда, корхонанинг синиши тушунилади, яъни у маблағли йўқлигидан ўз мажбуриятлари бўйича қарзларни тўлашга қурби етмай қолади. Табиийки, бундай ҳолатда корхона ёпилади. Эркин иқтисодиёт шароитида, олдингидек, барча зарарлар давлат ҳисобидан қоплаб берилмайди, чунки корхона мулкида давлатнинг улуши умуман бўлмаслиги мумкин. Шу туфайли корхонанинг қарзларини қоплаши учун бор мол-мулкини сотишдан бошқа чораси қолмайди. Бу эса корхонага ҳам, мулкдорга ҳам, шу ерда ишлаётган ходимларга ҳам, давлат ва жамиятга ҳам катта зарардир.

Шу туфайли, фаолият кўрсатиб яхшигина даромад қилиб ишлаётган корхоналарга банкротлик хавфини бартараф қилиш имконияти яратилган бўлши лозим. Албатта, бу имкониятлар давлат томонидан тартибга солинади. Аммо корхонанинг ўзлари эса тегишли чора-тадбирлар асосида бундай шароитни ўзларига яратиб олишлари лозим.

Банкротлик хавфини бартараф қилиш учун, унинг турларини билишни тақозо қилади. Ҳозирги пайтда банкротлик хавфининг учта тури мавжуд (22.5.2-расм).



22.5.2-расм. **Савдо корхонасининг банкротлик хавфи**

Мазкур хавфларнинг ҳаммаси ҳам хавфли. Аммо уларнинг олдини олиш мумкин. Шу туфайли уларнинг тавсифига тўхталиб ўтамиз.

1. Ишлаб чиқариш банкротлиги хавфи. Бу хавф корхонанинг мўлжалдаги маҳсулотини тегишли ҳажмда ва нархда ишлаб чиқариш имкониятининг чекланганлиги туфайли содир бўлади. Уни бартараф қилиш учун корхона доимий равишда бозор коньюнктурасини ўрганиш, маркетинг хизматини яхши йўлга қўйиш, технологик жараёнларни тезликда бошқа маҳсулотни ишлаб

чиқариш учун ўзгартира олиш каби имкониятларга эга бўлиши лозим.

2. Молиявий банкротлиги хавфи. Бу корхонанинг молиявий бозорда, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларини амалга ошира олмай қолиш хавфидир. Бу корхонанинг ўзига керак бўлган кредитни унинг фойизи ошганлиги туфайли олиш имкониятининг чекланганлиги, корхона акциясининг нархи тушганлиги, нуфузининг пасайиб кетганлиги, кредитор қарзларининг ошганлиги эвазига содир бўлиши мумкин. Бундай хавфларнинг олдини олиш, албатта, жуда мураккаб. Чунки ушбу жараёнларнинг кўп қисми корхонанинг фаолиятига бевосита боғлиқ эмас.

3. Тижорат банкротлиги хавфи. Бу хавф ишлаб чиқарувчи, савдо ва хизмат кўрсатувчи корхоналарда ҳам содир бўлиши мумкин. Ишлаб чиқарувчилар, ўз фаолиятини амалга ошириш учун, энг аввало, хомашё ва материалларни бозордан сотиб олади ва ишлаб чиқарилган маҳсулотини бозорда сотади. Савдо корхонаси эса, маълумки, товарларни сотиб олиб сотади. Бу жараёнда бозордаги талаб ва таклифнинг ўзгариши оқибати унинг баҳоси ҳам тез ўзгариб кетган бўлиши мумкин. Натижада, бир томондан хомашё ва материаллар тахчиллиги рўй берса, иккинчи томондан, ишлаб чиқарилган (агар савдо корхонаси бўлса олдин сотиб олинган) товарини бозорда ортиқчалиги рўй бериб тегишли нархда сотиш имконияти чекланган бўлиши мумкин. Бу ҳолатдан ҳам чиқиш, ушбу хавфларнинг ҳам олдини олиш ўта мураккаб бўлиб корхона раҳбариятидан тажриба, билим ва тадбиркорликни талаб қилади.

Бу хавф-хатарларни бартараф қилишдан давлат ҳам манфаатдир. Чунки корхоналарнинг синиши ишсизликнинг кўпайишига, бюджетга тушумларнинг кескин камайишига, боз устига ишсизлик нафақасини тўлаш учун сарфларнинг ошиб кетишига олиб келади.

Савдо корхонасининг хавфсизлигини таъминлаш ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бу учун жуда мукаммал ишланган чора-тадбирлар дастури бўлиши лозим. Бу дастур, ўз навбатида, бир қанча фаолиятларни қамраб олиши мумкин.

Улар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

1. Моддий ва интеллектуал мулкни сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш дастури.

2. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш дастури.

3. Савдо корхонаси махфий-тартиб фаолиятини ташкил қилиш дастури.

4. Меҳнат жамоасида ахлоқий-руҳий муҳитни сақлаш, салбий ҳолатларга йўл қўймаслик дастури.

5. Алоҳида мухандислик-техник воситаларнинг махфийлигини ҳимоя қилиш дастури.

6. Савдо корхонаси тижорат сирини сақлаш дастури кабилар.

Ушбу дастурларни амалга оширишда, энг аввало, асосий масъулият корхонанинг хавфсизлик хизмати зиммасига тушади. Аммо ундан ҳамма манфаатдор бўлганлиги учун корхонада ишлайдиган барча ходимлар, раҳбардан тортиб то оддий хизматчиларга қадар унинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоғи лозим.

Таянч иборалар: *хавфсизлик, иқтисодий хавфсизлик, хавфсизлик хизмати, корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги, иқтисодий хавфсизлик таснифи, концепция, хавфсизликни бошқариш, хавфсизликни ташкил этиш, хавфсизлик хизмати функциялари.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Савдо корхонаси иқтисодий хавфсизлиги нима?

4. Иқтисодий хавфсизлик тушунчаси ва таснифи.

3. Савдо корхонаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг мақсади.

4. Савдо корхонаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг вазифалари.

5. Савдо корхонаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепцияси.

6. Савдо корхонаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари.

7. Савдо корхонаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш.

8. Савдо корхонаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлашни бошқариш.

9. Савдо корхонасида иқтисодий хавфсизлик хизмати.

10. Савдо корхонасида иқтисодий хавфсизлик хизматининг функциялари.

11. Савдо корхонасида иқтисодий хавфсизлик хизмати таркиби.

12. Савдо корхонасида иқтисодий хавфсизлик хизматининг мақсади ва вазифалари.

XXIII боб. САВДО КОРХОНАЛАРИДА ТИЖОРАТ СИРИ ВА УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

23.1. Савдо корхоналарининг тижорат сири ва улар билан боғлиқ тушунчаларнинг моҳияти ва таърифлари

23.2. Тижорат сирининг махфийлиги тушунчаси ва уларни таъминлашнинг айрим йўналишлари

23.3. Тижорат сирининг мулкдори тўғрисида тушунча ва унинг қонуний ҳуқуқлари

23.4. Тижорат сирини ошкор этишнинг мазмуни ва уни амалга ошириш йўллари

23.5. Тижорат сири режими, унинг мазмуни, ўрнатилиши, ўзгартирилиши ва бекор қилиш тартиблари

23.6. Савдо корхоналари тижорат сирини ҳимоя қилиш механизми

23.7. Рақобатчилар тўғрисида ахборот олиш услублари

23.8. Тижорат сирини тақдим этиш, унда махфийликни таъминлаш ва тижорат сирига кирмайдиган ахборотлар

* * *

23.1. Савдо корхоналарининг тижорат сири ва улар билан боғлиқ тушунчаларнинг моҳияти ва таърифлари

Бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида янги йўналишлар ва жараёнлар пайдо бўлди. Булардан бири корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда унинг фаолиятига доир айрим ҳужжатлар, технологик жараёнлар, бошқарув усуллари бошқа рақобатчилардан сир сақланишини тақозо қилиниши билан белгиланади. Бу ҳодисани таомилга кўра тижорат сири деб атайдилар. Ушбу масалада ҳам маълум тартиб бўлишлигини инобатга олиб яқинда "Тижорат сири тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 18 июнда қабул қилинган бўлса, Сенат томонидан 2014 йил 28 августда маъқулланган. Унда тижорат сирининг кўп жиҳатлари инобатга олинган. Ушбу қонундан келиб чиқиб, тижорат сирининг мазмун-моҳиятини, ҳимоя

қилиш механизмини, ахборот олиш йўлларини очиб беришни лозим деб топдик.

Маъруза матнининг таркибига корхоналарнинг тижорат сири билан боғлиқ қонунда таъкидланган ва амалиётда қўлланилаётган айрим масалалар киритилган. Мазкур ишда тижорат сири билан боғлиқ тушунчаларнинг моҳияти ва таърифлари берилган бўлиб, улар назарий жиҳатдан асосланган. Масаланинг муҳимлигидан келиб чиқиб, тижорат сирининг махфийлиги ва уларни таъминлашнинг айрим йўналишларига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Бозор муносабатларининг ўзига хос хусусиятларидан бири, барча қимматга эга бўлган нарсаларнинг мулкдори бўлади. Шу жиҳатдан тижорат сирининг ҳам мулкдори мавжудлиги қайд қилинган. Ушбу тушунчанинг таърифи ва мулкдорнинг қонуний ҳуқуқлари келтирилган.Ҳозирги шароитда тижорат сирини ошкор этиш масаласи ҳам ўта жиддий масалалар сирасига киришини инобатга олиб, унинг мазмуни ва амалга ошириш йўлларига ҳам алоҳида параграф ажратилган. Ҳар бир масалани амалга оширишда маълум тартиб ўрнатилган бўлиши лозим. Буни таъминлаш учун тижорат сири режими масаласи қараб чиқилган. Ишда унинг мазмуни, уни ўрнатиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиблари ҳам ёритилган. Ҳар қандай сир сингари тижорат сири ҳам ҳимояга муҳтожлигини инобатга олиб, уни ҳимоя қилиш механизмига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг яшовчанлигини, иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишини таъминлаш учун тижорат сирини сақлаш билан бирга рақобатчилар тўғрисида тегишли ахборотга ҳам эга бўлиши лозим. Уларда қандай ўзгаришлар, янгиликлар, инновацион жараёнлар кечаётганлиги каби масалалардан воқиф бўлиб туриши керак. Акс ҳолда, орқада қолиб кетиши, рақобатда ютқазиб қўйиши ва пировардида банкротга учраши мумкин. Шу туфайли рақобатчилар тўғрисида тегишли ахборотларга эга бўлиш услублари ҳам қараб чиқилган.

Савдо корхоналарининг тижорат сирини сақлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш дегани. Чунки ҳозирги рақобат шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг ўзига хос услуби, ривожланиш механизми, стротегик йўналиши бўлиши мумкин. Булар ўзлари ишлаб чиққан ёки маълум қийматга сотиб олинган бўлиши тайин. Шу туфайли улар тижорат қийматига эга бўладилар. Бу эса уларни сир сақлаш заруратини туғдиради. Шу

туфайли ушбу атаманинг мазмуни ва моҳиятини очиб бериш учун унинг луғавий маъносига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида "Тижорат сири"га изоҳ берилмаган. Чунки ушбу атама сўз бирикмасидан иборат. Шу туфайли ҳар бирининг изоҳига алоҳида тўхталамиз.

Ҳозирги пайтда сир сўзига иқтисодий луғатларда ва унга асосланган ўқув адабиётларида уч хил таъриф бериган:

1) ҳали топилмаган, аниқланмаган нарса;

2) бошқаларга ошкора қилинмасдан махфий сақланадиган, ҳаммага маълум бўлмаган нарса;

3) бирор ҳодиса ёки жараён сабабларининг махфий тутилиши"[84].

Беш жилдлик "Ўзбек тилининг изоҳли луғатида" ҳам мазкур атаманинг изоҳи берилган. Бунда алоҳида "тижорат" сўзига ва алоҳида "сир" сўзларига изоҳ берилганлигини кўрамиз ва уларни бирма-бир қараб чиқамиз. Ушбу луғатда кўрсатилишича "Сир" атамаси араб тилидан олинган бўлиб "махфий нарса, яширин иш ёки гап; қалб, кўнгил"[85] маъноларини англатиши қайд қилинган. Шу ернинг ўзида унга учта изоҳ берилган. "1. Ўзгалардан махфий тутилган ёки ўзгаларга номаълум бўлган бирор иш, гап, нарса ва б. 2. Ҳали очилмаган, аниқланмаган, илм-фан ҳали ўрганиб етмаган, инсон учун ҳали номаълум нарса. 3. Бирор соҳа ёки фаолият турининг ўзигагина хос бўлган хусусият; малака"[86], деб кўрсатилган. Юқорида номи зикр этилган луғатда "Тижорат" атамасининг изоҳи ҳам келтирилган. Ушбу сўз араб тилидан олинган бўлиб "савдогарлик, *олди-сотди иши*. Савдо-сотиқ, савдо (савдогарлик) ишлари"[87], деган маъноларни англатади, дейилган. Энди сўз бирикмасини (тижорат + сир) оладиган бўлсак, ундан ягона маъно чиқариш мумкин, яъни тижорат сири – савдо-сотиқ ёки савдогарлик ишларининг ўзгалардан махфий тутилган, уларга аниқ бўлмаган жиҳатлари ҳисобланади.

Ушбу масала юқорида келтирилган, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 18 июнда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2014 йил 28 августда маъқулланган "Тижорат сири тўғрисида"ги қонунида тижорат сирига нафақат савдо-сотиқ,

---

[84] Абдукаримов Б.А., Бектемиров А.Б., Пардаев М.Қ., Салимов Ш.С., Шавқиев Э.Ш., Абдукаримов Б. *Корхона иқтисодиёти*. Дарслик. 2-нашри.–Т.: "Фан ва технология", 2013. – 323-бет.

[85] "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. Ш. Н-Тартибли. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ДИН, 2006. – 519-бет.

[86] "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. Ш. Н-Тартибли. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ДИН, 2006. – 519-бет.

[87] "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. Тартибот-Шукур. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ДИН, 2006. – 82-бет.

балки жуда кенг маънода қаралади. Хусусан, мазкур қонунда "**тижорат сири** — учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли фан-техника, технология, ишлаб чиқариш, молия-иқтисодиёт соҳаларида ҳамда бошқа соҳаларда тижорат қимматига эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланилмайдиган ахборот бўлиб, ушбу ахборот мулкдори унинг махфийлигини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни кўради[88]", деб кўрсатилган.

Мамлакатимизда тижорат сирининг ҳимояси Фуқаролик кодексида (ФК) ҳам ифодаланган. Ушбу кодекснинг 98-моддасида тижорат сири кафолатланган. ФКнинг мазкур моддасида "Фуқаролик қонун ҳужжатлари хизмат ёки тижорат сири бўлган ахборотни, башарти бу ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қийматига эга бўлган, қонун йўли билан ундан эркин бахраманд бўлиш мумкин бўлмаган ҳамда ахборот эгаси унинг махфийлигини сақлашга доир чоралар кўрган ҳолларда ҳимоя этилади"[89], деб кўрсатилган.

Кўриниб турибдики, тижорат сири қонунчилигимизда савдо-сотиқ сирига нисбатан анча кенг маънони англатади. Шу туфайли, ушбу тушунчаларни ҳамма соҳага татбиқ қилиш мумкин. Зеро, тижорат сири деганда, одатда, хўжалик юритувчи субъектларнинг тижорат, ишлаб чиқариш, молиявий операциялари, режа, маркетинг, илмий ишланмалар ва бошқа жараёнлар ифода этилган ошкор қилиниши мумкин бўлмаган маълумотларнинг (ахборотларнинг) махфий сақланиши тушунилади.

Биз мазкур масалага қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда, уларни бевосита корхоналар доирасида қараб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Шу нуқтаи назардан унга қуйидагича таъриф бериш мумкин, деб ўйлаймиз.

Тижорат сири дейилганда, фан-техника, технология, ишлаб чиқариш, молиявий ва иқтисодий каби соҳаларда тижорат қимматига эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланилмайдиган,бошқа шахслар томонидан ошкор қилиниши мумкин бўлмаган бирорта шахсга (корхонага, муассаса, ихтирочи, мулкдор кабиларга) тегишли ахборот тушунилади. Мазкур таъриф тижорат сирининг кенг маънодаги мазмуни ва корхоналар миқиёсида қўлланилиши мумкинлиги

[88]Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 18 июнда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2014 йил 28 августда маъқулланган "Тижорат сири тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддаси.
[89]Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролик кодекси" 98-моддаси.

бўйича унга қўйилган талабга тўлиқ жавоб беради. Буни қуйидаги назарий қарашлар билан асослаш мумкин.

Биринчидан, тижорат сири фан-техника, технология, ишлаб чиқариш, молиявий ва иқтисодий каби соҳаларга дахлдорлиги кўрсатилган. Чунки ушбу иқтисодий жараёнлар бевосита корхоналарда содир бўлади. Демак, ушбу бўғинда, яъни корхоналарнинг барча фаолиятига дахлдор тарзда ҳам тижорат сирини сақлаш лозимлиги ўз ифодасини топган.

Иккинчидан, тижорат қимматига эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланилмайдиган ахборот ҳисобланиши ҳам эътироф этилган. Чунки тижорат қимматига эга бўлиб фақат битта корхонага дахлдор бўлган ахборотлар бошқа шахслар томонидан ошкор қилиниши ва рухсатсиз фойдаланиши ҳам мумкин эмас. Зеро, ушбу тижорат қимматига эга бўлган ахборотларга эгалик ҳуқуқи ушбу ахборотлардан фойдаланаётган шахсларга тегишлидир.

Учинчидан, бошқа шахслар томонидан ошкор қилиниши мумкин бўлмаган бирорта шахсга (корхонага, муассаса, ихтирочи, мулкдор кабиларга) тегишли ахборот тушунилади, дейилганки, ундан фақат эгалик ҳуқуқи борларгина фойдаланади, тасарруф этади ва зарур бўлса ошкор қилиши мумкин. Бошқа шахсларга тижорат сирини ошкор қилишга йўл қўйилмайди. Кўриниб турибдики, мазкур тижорат сирига берилган таъриф назарий жиҳатдан унинг мазмунига қўйилган талабга тўлиқ жавоб беради.

"Тижорат сири тўғрисида"ги қонунда тижорат сирига доир тегишли талаблар ҳам ўрнатилганлигини қайд қилиш лозим. Мазкур қонунда кўрсатилишича, тижорат сири қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

- "учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ўз мулкдори учун ҳақиқий ёки потенциал тижорат қийматига эга бўлиши;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳаммага маълум ёки ҳамма учун очиқ бўлмаслиги;
- унинг махфийлиги муҳофаза қилиш чора-тадбирлари билан таъминланган бўлиши;
- давлат сирлари ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сир белгиларига эга бўлмаслиги"[90].

Тижорат сирининг мулкдорига булардан ташқари ҳам бир қанча ҳуқуқ ва эркинликлар берилган. Қонунда эътироф этилишича, унинг

[90] Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 18 июнда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2014 йил 28 августда маъқулланган "Тижорат сири тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддаси.

мазмуни ва ҳажмига тижорат сирининг мулкдори томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин.

"Тижорат сири тўғрисида"ги қонунда конфидент деган тушунча киритилган. Унда эътироф этилишича, "конфидент – тижорат сирини унинг мулкдори билан тузилган шартнома асосида эгалик қилишга ва фойдаланишга олган юридик ёки жисмоний шахс", деб кўрсатилган. Демак, ушбу тижорат сирига эгалик қилишга ва фойдаланишга олган юридик ёки жисмоний шахсни мазкур тижорат сирининг иккинчи эгаси дейиш мумкин. Ушбу қонунда келтирилган таърифга асосланиб, унинг корхоналарга мослаштирилган таърифини беришни мақсад қилдик ва қуйидаги таҳрирда тавсия қилмоқдамиз.

Тижорат сирининг конфиденти дейилганда, тижорат қимматига эга бўлган тижорат сирини унинг мулкдори билан тузилган шартнома асосида эгалик қилишга ва фойдаланиш ҳуқуқини олган юридик ёки жисмоний шахс тушунилади, деган таърифни беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Ушбу таъриф ҳам тижорат сири конфидентининг мазмунини тўлиқ ифодалайди. Мазкур таърифни ҳам назарий жиҳатдан асослаш учун қуйидаги далилларни келтиришимиз мумкин.

Биринчидан, тижорат сирининг конфиденти таърифида тижорат қимматига эга бўлган тижорат сири ҳақида гап кетади. Чунки қимматга эга бўлмаган нарсани тижорат сири сифатида сақлаш, уни ҳимоя қилиш ёки бировга шартнома асосида беришдан мазмун йўқ. Шунинг учун тижорат сири, албатта, тижорат қимматига эга бўлиши кераклиги қайд қилинган.

Иккинчидан, тижорат сирининг мулкдори билан тузилган шартнома асос қилиб олиниши кўрсатилган. Чунки бир кишига дахлдор нарсани иккинчи кишига шунчаки бериб юбориб бўлмайди. Эртанги кунда уни тан олмаса, исбот қиладиган ҳужжат бўлмаслиги мумкин. Шу туфайли албатта шартнома тузилиши кўзда тутилган.

Учинчидан, тижорат сирига эгалик қилишга ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳақида гап кетмоқда. Чунки мулкдор бир вақтнинг ўзида эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлади. Аммо конфидентда фақат эгалик қилишга ва фойдаланиш ҳуқуқигина мавжуд. Унда тасарруф этиш ҳуқуқи йўқ.

Тўртинчидан, тижорт сирининг конфиденти юридик ёки жисмоний шахс бўлиши эътироф этилган. Чунки ҳозирги шароитда иккаласи ҳам мулкдор, иккаласи ҳам ишлаб чиқариш, хизмат

кўрсатиш ҳуқуқига эга. Шу туфайли тижорат сиридан ҳам фойдаланиш ва уларга ҳам эгалик қилиш ҳуқуқи мавжуд.

Шундай қилиб, тижорат сирининг конфиденти тушунчасига берилган таъриф, бизнинг фикримизча, унинг мазмунини тўлиқ ифодалайди.

23.2. Тижорат сирининг махфийлиги тушунчаси ва уларни таъминлашнинг айрим йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 18 июнда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2014 йил 28 августда маъқулланган "Тижорат сири тўғрисида"ги қонунида тижорат сирининг махфийлиги деган тушунча киритилган ва унга қуйидагича изоҳ берилган."Тижорат сирининг махфийлиги— тижорат сирининг тарқалиб кетиши, ошкор этилиши ва ундан рухсатсиз фойдаланилиши хавфсизлиги таъминланганлиги ҳолати" дейилган. Одатда сир сақланадиган нарсалар махфий бўлади ва мос равишда, махфий нарсаларга у ҳақда сир сақланганлиги туфайли эришилади. Ушбу тушунчанинг ҳам таърифини юқоридаги қонунда берилган таърифга асосланган ҳолда, беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Тижорат сирининг махфийлиги дейилганда, тижорат сирининг тарқалиб кетиши, ошкор этилиши ва ундан рухсатсиз фойдаланиш бўйича хавфсизлиги таъминланган, тижорат қимматига эга бўлган бирорта тижорат сири мулкдорига тегишли ахборотлар тушунилади.**

Мазкур таърифнинг назарий жиҳатдан тўлиқлигини қуйидагича асослаш мумкин. Биринчидан, таърифда тижорат сирининг махфийлиги тижорат сирининг тарқалиб кетишини муҳофаза қилиниш кўзда тутилган. Чунки у тижорат сири бўлгач, бу ҳақдаги ахборотлар тарқалиб кемаслиги керак. Шундагина унинг махфийлиги сақланади.

Иккинчидан, мазкур таърифга тижорат сирининг ошкор этилилиши ҳам мумкин эмаслиги киритилган. Чунки ошкор этилиши сирнинг фош бўлишига олиб келади. Агар тижорат сири тижорат қимматига эга бўлса, унинг ошкор этилиши билан жуда катта моддий ва маънавий зарар ҳам кўриши мумкин.

Учинчидан, мазкур таърифда рухсатсиз фойдаланиш бўйича хавфсизликни таъминлаш масаласи ҳам ўрин олган. Чунки тижорат

сири сақланиб қолган ҳолда бошқа шахслар шартнома асосида фойдаланишлари мумкин. Аммо ҳеч қанақа рухсатсиз, келишилмасдан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Бу ҳолат корхонанинг хавфсизлигини ҳам таъминлайди.

Тўртинчидан, таҳлил қилинаётган таърифда тижорат қимматига эга бўлган ахборотлар ҳақида ҳам гап кетмоқда. Тижорат сири бўла туриб, маълум қимматга эга бўлмаса, уни муҳофаза қилишга ҳам ҳожат бўлмайди. Шу туфайли ушбу масала ҳам мазкур таърифга бежиз киритилмаган.

Бешинчидан, бирорта тижорат сири мулкдорига тегишли бўлишлиги ҳам эътироф этилган. Чунки ҳар бир қимматга эга бўлган нарса кимгадир тегишли ёки кимнингдир мулки бўлиши керак. Бу бевосита тижорат сирига ҳам дахлдор. Эгаси бўлмаган нарсани ким қўриқлайди ва кимдан қўриқлайди. Шу туфайли у ҳам маълум мулкдорга тегишли бўлиши керак.

Кўриниб турибдики, тижорат сирининг махфийлигини таъминлаш учун барча талаб қилинадиган жиҳатлар мазкур таърифга киритилган. Шу туфайли уни ҳозирги кун талабига ва ушбу тушунчанинг мазмунини очиб беришга тўлиқ жавоб беради, деб ўйлаймиз.

Тижорат сирининг махфийлигини таъминлашнинг бир қанча йўналишлари мавжуд. Улардан бири, меҳнат муносабатлари жараёнида муҳофаза қилишдан иборатдир.

Қонунда белгиланишича, тижорат сирининг муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадида иш берувчи (тижорат сирининг мулкдори, конфидент) қуйидаги тартибга риоя қилиши ва уни амалга ошириши лозим:

"ўз меҳнат вазифаларини бажариш учун тижорат сиридан фойдаланиши зарур бўлган ходимни тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати билан тилхат олган ҳолда таништириши;

ходимни иш берувчи томонидан ўрнатилган тижорат сири режими ва уни бузганлик учун жавобгарлик чоралари билан тилхат олган ҳолда таништириши;

- иш берувчи томонидан ўрнатилган тижорат сири режимига риоя этиши учун ходимга зарур шарт-шароитларни яратиши шарт"[91].

[91] Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 18 июнда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2014 йил 28 августда маъқулланган "Тижорат сири тўғрисида"ги қонуннинг 11-моддаси.

Агар ходимнинг меҳнат вазифаларида тижорат сиридан фойдаланиши назарда тутилмаган бўлса, ундан фойдаланиш ходимнинг розилиги билан амалга оширилади. Бунда ходим олдида ҳам бир қанча тартибга амал қилиш мажбурияти мавжуд. Ходим мазкур корхонада фаолият кўрсатаётган вақтда ва у ишдан кетаётган пайтдага ҳолатларда ҳам инобатга олинади. Тижорат сирининг муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадида ҳар бир ходим қуйидагиларга амал қилиши шарт:

"иш берувчи томонидан ўрнатилган тижорат сири режимига риоя этиши;

иш берувчининг розилигисиз тижорат сирини ошкор этмаслиги ва ундан шахсий мақсадларда фойдаланмаслиги;

меҳнат шартномаси (контракт) бекор қилинганда ўз фойдаланишида бўлган, тижорат сири акс этган моддий жисмларни иш берувчига топшириши ёки уни мазкур жисмлардан иш берувчининг назорати остида йўқ қилиб ёхуд ўчириб ташлаши"[92].

Қонунда кўзда тутилган талаблардан яна бири, тижорат сирининг муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадида меҳнат шартномаси (контракт) ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномасини тузиш имзоланганда қуйидагилар назарда тутилиши керак:

"ходимнинг ва тижорат сири мулкдори ёки конфидент бўлган иш берувчининг тижорат сири муҳофаза қилинишини таъминлаш бўйича мажбуриятлари;

- меҳнат шартномаси (контракт) ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бекор қилингандан кейин собиқ ходим тижорат сирини ошкор этмаслиги шарт бўлган муддат.

Ходим меҳнат шартномаси (контракт) ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномада назарда тутилган вазифаларни бажариши муносабати билан фойдаланишга ижозат олган тижорат сирига қонунга хилоф равишда тижорат сири режими ўрнатилганлиги устидан суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқига эга"[93]. Шундай қилиб, тижорат сирининг махфийлиги тушунчаси ва уларни таъминлашнинг айрим йўналишлари шуни кўрсатдики, мазкур масалани корхоналарда ҳал қилиш учун бир қанча ташкилий-ҳуқуқий ишларни амалга ошириш лозим экан.

---

[92] Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 18 июнда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2014 йил 28 августда маъқулланган "Тижорат сири тўғрисида"ги қонуннинг 11-моддаси.
[93] Ўша жойда. 11-модда.

23.3. Тижорат сирининг мулкдори тўғрисида тушунча ва унинг қонуний ҳуқуқлари

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 18 июнда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2014 йил 28 августда маъқулланган "Тижорат сири тўғрисида"ги қонунида тижорат сирининг мулкдори деган тушунчани ҳам киритган. Унда таъкидланишича, тижорат сирига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда тасарруф этишни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс унинг мулкдори бўлиб ҳисобланади. Чунки мулк бўлсаю, унинг эгаси бўлмаса ёки мулкка кўп киши эгасиман деб даъво қиладиган бўлса, мулк кимга тегишли эканлигини исботлаш қийин. Шу туфайли ҳар бир мулкдорнинг, шу жумладан, тижорат сири мулкдорининг ҳам мулкдорликка қонуний ҳуқуқи бўлиши керак.

Мулкдорликка эгалик қилиш амалдаги қонунлар билан тартибга солинади. Тижорат сирининг мулкдори эса, тижорат сирига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлади.Бундай ҳуқуқ мулкка эгалик қилишни тасдиқловчи тегишли ҳужжат билан расмийлаштирилади. Шундай қилиб, ушбу тушунча ва қарашлардан келиб чиққан ҳолда унинг ҳам таърифини беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Тижорат сирининг мулкдори дейилганда, тижорат сирига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда тасарруф этишни амалга ошириш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс тушунилади.**

Буни назарий жиҳатдан қуйидагича асослаш мумкин. Биринчидан, тижорат сирининг мулкдори энг аввало, тижорат сирига эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлиш керак. Чунки у эгалик қилмаса мулк эгаси, шу жумладан, тижорат сирининг ҳам мулкдори бўла олмайди.

Иккинчидан, мазкур шахс тижорат сиридан фойдаланиш ҳуқуқига ҳам эга бўлиши керак. Чунки мулкдор фақат уни кўрибгина турмайди, балки ундан, албатта, ўзининг мақсади ва манфаатига мос ҳолда фойдаланиши керак. Шу жиҳатдан, ушбу масала ҳам таърифда ўз аксини топган.

Учинчидан, мулкдор тасарруф этишни амалга ошириш ҳуқуқига ҳам эга бўлиши лозим. Чунки мулкдор, албатта, тасарруф этиши лозим. Акс ҳолда, унга эгалик қилишга ҳожат қолмайди. Ҳар қандай мулкнинг эгаси, шу жумладан, тижорат сирининг ҳам эгаси, уни тасарруф этишга қонуний ҳақи бўлиши лозим.

Тўртинчидан, таърифда келтирилган тижорат сирининг мулкдори юридик ёки жисмоний шахс бўлиши ҳам муҳимдир. Чунки тижорат сирига эгалик қилиш фақат юридик шахсгина бўлиб қолмасдан, балки жисмоний шахснинг ҳам бўлганлиги бугунги талабга тўлиқ жавоб беради. Зеро, юридик шахс ҳам, жисмоний шахс ҳам мулкдор бўлиш, шу жумладан, тижорат сирига ҳам эгалик қилиш ҳуқуқига эга. Чунки ҳар бир корхона ёки жисмоний шахс ўзининг кўп қиррали фаолиятининг хавфсизлигини таъминлаши лозим.

"Тижорат сири тўғрисида"ги қонунда тижорат сири мулкдорининг ҳақ-ҳуқуқлари кўрсатилган. Қонунда кўрсатилишича, мулкдор томонидан ахборотга нисбатан тижорат сири режими ўрнатилган пайтдан эътиборан вужудга келади. Тижорат сирининг мулкдори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- "тижорат сири режимини ёзма шаклда белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилиш;
- тижорат сиридан фойдаланиш тартиби ва шартларини белгилаш;
- меҳнат муносабатлари жараёнида тижорат сиридан фойдаланишга ижозат бериш ёки ижозат беришни тақиқлаш;
- тижорат сиридан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;
- тижорат сирини унинг махфийлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги шартлар киритилишини назарда тутадиган шартномалар асосида фуқаролик муомаласига киритиш;
- тасодифан ва (ёки) янглишиб амалга оширилган ҳаракатлар натижасида тижорат сирини қўлга киритган шахслардан унинг махфийлиги муҳофаза қилинишини талаб қилиш;
- тижорат сири учинчи шахслар томонидан ошкор этилган, қонунга хилоф равишда олинган ёки ундан қонунга хилоф равишда фойдаланилган ҳолларда ўз ҳуқуқларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилиш, шу жумладан, ўз ҳуқуқлари бузилиши натижасида етказилган зарарнинг ўрни қопланишини талаб қилиш"[94].

Ҳозирги пайтда тижорат сирининг мулкдори қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Бундай ҳуқуқларни заруратдан келиб чиқиб ўзлари белгилайди. Чунки тижорат сирининг мулкдорига уни шакллантириш, сақлаш ва фойдаланишда жуда катта имтиёз ва эркинликлар берилган.

[94] Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 18 июнда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2014 йил 28 августда маъқулланган "Тижорат сири тўғрисида"ги қонунининг 6-моддаси.

23.4. Тижорат сирини ошкор этишнинг мазмуни ва уни амалга ошириш йўллари

Бу ёруғ оламда ҳеч нарса абадий бўлмаганидек, тижорат сири ҳам абадий эмас. У маълум вақт ўтгач ошкор этилади. Бу вақт ўтиши билан маънавий эскириб қолса, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг булардан бошқа кучли усуллар яратилса, эскилари табиий ҳолда ошкор бўлишни талаб қилади. Шу жиҳатдан тижорат сири икки хил йўл билан ошкор қилинади. Биринчиси, ихтиёрий тарзда тижорат сирининг мулкдори томонидан амалга оширилса, иккинчиси, унинг рақобатчилари томонидан ғаразли мақсадлар билан ноқонуний ҳолатда ошкор қилинади.

Тижорат сирини ошкор этиш, иккинчи йўналиш бўйича, асосан тижорат сирини ташкил этувчи ва тижорат қимматига эга бўлган ахборотларни мулкдорнинг розилигисиз ноқонуний тарзда ошкор этилишига олиб келадиган ҳаракат натижасида рўй беради. Шу жиҳатдан тижорат сирини ошкор этишда ноқонуний йўллар билан ошкор этишга асосий урғу бериш лозим. Буни инобатга олиб ноқонуний ошкор этишнинг таърифини беришни мақсадга мувофиқ деб топдик. **Тижорат сирини ошкор этиш дейилганда, тижорат сирини ташкил этувчи ахборотлар мулкдорининг розилигисиз тижорат қимматига эга бўлган ахборотларни ноқонуний тарзда ошкор этилишига олиб келадиган ҳаракат тушунилади.**

Мазкур таъриф ҳам ушбу тушунчанинг мазмунини тўлиқ очиб беради, деб ўйлаймиз. Буни қуйидаги назарий далиллар билан асослаш мумкин.

Биринчидан, тижорат сирини ошкор этишда асосий урғу тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларга қаратилган. Чунки тижорат сири мавҳум нарса эмас, у маълум нарса бўлиб, шу ҳақдаги ахборотларда ифодаланади. Аммо у билан боғлиқ ахборотлар ошкор қилинмайди. Агар улар ошкор қилинса, табиийки, ҳеч қандай сир ҳам қолмайди.

Иккинчидан, ахборотларни ошкор қилиш мулкдорининг розилигисиз амалга оширилса, дейилган. Албатта, тижорат сирининг эгаси, мулкдори бор. Ундан "сўрамасдан", унинг розилигини олмасдан тижорат синни ошкор қилиб бўлмайди. Агар ошкор қилинса, табиийки, мазкур корхонанинг хавфсизлигига таъсир қилади, рақобатда кўп нарсани ютқазиши мумкин.

Учинчидан, ахборотлар шунчаки ахборот бўлиб қолмасдан, балки тижорат қимматига эга бўлган бўлиши керак. Агар улар тижорат қимматига эга бўлмаса, уни тижорат сири сифатида сақлашга ҳам ҳожат бўлмайди. Шу жиҳатдан, ҳар бир нарсанинг ташувчиси ахборот бўлгани сингари, тижорат сирининг ҳам ташувчиси маълум тижорат қимматига эга бўлган ахборотлардир. Бежиз мазкур масала ҳам таърифга киритилган эмас.

Тўртинчидан, таърифга ахборотларни ноқонуний тарзда ошкор этилишига олиб келадиган ҳаракат киритилган. Бундай ҳаракат кўп ҳолларда рақобатчилар томонидан амалга оширилади. Агар уни ошкор қилган ходим мазкур корхонада фаолият кўрсатаётган бўлса, рақобатчиларга "сотилган" бўлади. Чунки у ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам мазкур корхонанинг сири фош бўлишидан манфаатдор шахслар турганлигини инобатга олиш лозим.

Кўриниб турибдики, тижорат сирини ошкор қилишга қаратилган таъриф мазкур масаланинг мазмунини тўлиқ қамраб олган. Шу туфайли ушбу таърифга бугунги кун талабидан келиб чиққан, такомиллашган таъриф сифатида қарашимиз мумкин.

Корхонанинг хавфсизлигини таъминлашнинг яна бир йўли, хизмат сирини сақлашда ҳам намоён бўлади. Корхонани бошқаришда, унинг самарали фаолиятини таъминлашда турли восита ва вариантлардан фойдаланиш мумкин. Бу ҳам маълум шахснинг (раҳбарнинг) ихтироси сифатида баҳоланади. Бу усулни ҳам ҳимоя қилиш, уни махфий тутиш лозим. Аммо бу жраённи муаллиф қонун ҳужжатлари билан расмийлаштириб, унинг эгаси эканлигини тасдиқлаб олиши лозим. Бунда тегишли ташкилотлардан патент ёки сертификат олинади. Бундай ҳолда у мазкур ҳуқуқни тўлиқ қўлга киритган ва номоддий, яъни интеллектуал мулк эгаси сифатида намоён бўлади.

Бу ҳолатда муаллиф учинчи шахсга маълум бўлмаган техникавий, ташкилий ёки тижорат сири бўлган ахборотга, шу жумладан, ишлаб чиқариш сирларига (ноу-хау) қонунан эга бўлиб турган шахс башарти бу ошкор этилмаган бўлса, бундай ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга.

Тижорат сири тўғрисидаги масалалар қонун қабул қилингунча Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (ФК) орқали тартибга солиниб турилган эди. Мазкур қонун қабул қилингандан кейин ҳам ундаги нормалар сақланиб қолди. ЎзРнинг ФКда таъкидланишича, ошкор этилмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш ҳуқуқи бу ахборотга нисбатан бирон-бир расмиятчиликни

бажаришдан (уни рўйхатдан ўтказиш, гувоҳнома олиш ва ҳоказодан) қатъи назар вужудга келади.

Таъкидлаш жоизки, ошкор этилмаган ахборотни муҳофаза қилиш қоидаси қонунга мувофиқ хизмат ёки тижорат сири бўла олмайдиган маълумотларга нисбатан татбиқ этилмайди. Буларга юридик шахслар тўғрисидаги, мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар ва мол-мулк хусусида тузилиб, давлат рўйхатидан ўтказиладиган келишувлар тўғрисидаги маълумотлар, давлат статистика ҳисоботи тарикасида тақдим этиладиган кўрсаткич каби ахборотлар киради.

Яна бир жиҳат, юқорида таъкидланганидек, ошкор этилмайдиган ахборотларнинг айримлари вақтинча бўлиши мумкин. Бундай ҳолда вақт тугагач у ошкор бўлиши мумкин ва у қонун билан муҳофаза қилинмайди. Вақт тугагач у ҳам оддий ахборотлар сингари ҳамманинг фойдаланиш ҳуқуқини чекламайди.

ФКда белгиланб қўйилишича, ошкор этилмаган ахборотни қонуний асоси бўлмай туриб олган ёки тарқатган ёхуд ундан фойдаланаётган шахс бу ахборотга қонунан эга бўлиб турган шахсга ахборотдан ноқонуний фойдаланганлик натижасида етказилган зарарни тўлаши шарт.

Яна бир тартиб, ошкор этилмаган ахборотдан ноқонуний фойдаланаётган шахс бу ахборотни уни тарқатишга ҳуқуқи бўлмаган шахсдан олган бўлса, ахборотни қўлга киритувчи шахс бундан бехабар бўлса ҳам ахборот эгаси бундай шахсга даво қилиши мумкин. Ошкор этилмаган ахборотдан фойдаланганлик натижасида ахборот мулкдорига етказилган зарарларни, ахборотни қўлга киритган шахс бундан бехабар бўлса ҳам, қоплашига мажбур.

Амалдаги тартиб бўйича ошкор этилмаган ахборотга қонунан эга бўлиб турган шахс бу ахборотдан ноқонуний фойдаланаётган шахсдан ахборотдан фойдаланишни дарҳол тўхтатишни талаб қлишга ҳақлидир. Агар ошкор этилмаган ахборотни бошқа бир киши мустақил тарзда тадқиқот йўли билан аниқлаган бўлса, бундай ахборотдан тадқиқотчи бемалол фойдаланиши мумкин. Бу учун у олдинги муаллиф ёки тижорат сири мулкдори олдида жавобгар бўлмайди.

Ошкор этилмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши ҳам мумкин. Бу ошкор этилмаган ахборотга эга бўлган шахснинг ушбу ахборотнинг ҳаммасини ёки бир қисмини бошқа шахсга лицензия шартномаси асосида бериши мумкинлигида намоён бўлади. Аммо лицензиат ушбу ахборотдан фақат ўзи фойдаланишга ҳақли. У шартнома

бўйича олган ахборотларнинг махфийлигини муҳофаза қилишга доир керакли чораларни кўриши шарт. Агар лицензиянинг вақти тугаб лицензиат бу ахборотдан фойдаланишни тўхтатса ҳам ушбу ахборот ҳали махфий бўлиб, уни ошкора қилиш мумкин бўлмаса, лицензиатнинг уни ошкора қилишга ҳақли бўлмайди. Корхонанинг хавфсизлигини таъминлаш учун унинг сирини, айниқса, тижорат сирини сақлашни тақозо қилади. Бу сирни сақлаш эса, юқорида кўрганимиздек, мамлакатимизда тегишли қонунлар билан кафолатланган ва уни бузганлар қонунбузарлар сифатида баҳоланади.

24.5. Тижорат сири режими, унинг мазмуни, ўрнатилиши, ўзгартирилиши ва бекор қилиш тартиблари

Ҳар қандай нарсадан фойдаланишда маълум тартиб ва чегара бўлиши керак. Бу ҳозирги тил билан айтганда маълум режим орқали бошқарилади. Худди шундай "Тижорат сири тўғрисида"ги қонунда эътироф тилганидек, тижорат сири режими ҳам мавжуд. Бунда тижорат сиридан фойдаланишни чеклайдиган бир қанчи жиҳатларни ўз ичига олади.

Мазкур сўзнинг маъносини тўлиқ тушуниш учун беш жилдлик "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"га мурожаат қиламиз. Унда режим сўзи ўзбек тили луғатига киритилганлигини ва унинг изоҳини кўриш мумкин. Унда эътироф этилишича француз тилидан региме сўзидан олинган бўлиб, "давлат тузуми, бошқариш тарзи[95]" маъноларини англатади. Ушбу сўз лотин тилидаги рего сўзига мослиги ҳам ушбу луғатда кўрсатилган. Бунда "бошқараман, раҳбарлик қиламан"[96] деган маъноларни англатиши қайд этилган. Сўнгра уларга учта изоҳ берилган: "1. Давлатни бошқариш, идора этиш усули; тузум. 2. Меҳнат, дам олиш, овқатланиш, ухлаш ва умуман ҳаётнинг аниқ белгиланган тартиби". 3. Иш фаолияти ёки ҳаёт шароити[97], дейилган. Булардан кўриниб турибдики, режим сўзи яшаш асносида маълум тартиб бўлишликни ва унга амал қилишликни англатади.

Ушбу ҳолатни корхоналарга жорий қиладиган бўлсак тартибнинг таркибига ҳуқуқий, ташкилий, техник ва бошқа чора-

---

[95] "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II. Н-Тартибли – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ДИН, 2006. – 370-бет.
[96] Ўша жойда. – 370 бет.
[97] Ўша жойда. – 370 бет.

тадбирлар тизимини киритиш мумкин. Агар ушбу унсурлар мазкур тушунчанинг таърифига киритилса, ўйлаймизки, унинг мазмуни тўлиқ қамраб олинган бўлади. Шундай қилиб, юқоридаги назарий қарашлар ва "Тижорат сири тўғрисида"ги қонун талабларидан келиб чиқиб, унга қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Тижорат сири режими дейилганда, тижорат сиридан фойдаланишни чеклайдиган ҳуқуқий, ташкилий, техник ва бошқа чора-тадбирлар тизимини ўзида мужассамлаштирган тартиб тушунилади.**

Мазкур таърифни назарий жиҳатдан асослаш учун қуйидаги далилларни келтириш мумкин. Биринчидан, тижорат сири режимининг таърифига маълум чекловлар борлиги инобатга олинган. Чунки тартиб маълум нарсаларга рухсат бериш ва маълум чекловларни ўрнатиш ва уларга амал қилиш билан белгиланади. Шу жиҳатдан тижорат сирининг ошкор бўлмаслигини таъминлаш учун чеклов тадбиридан фойдаланилади.

Иккинчидан, тижорат сиридан фойдаланишда биринчи галда ҳуқуқий чеклов инобатга олинган. Чунки чекловлар қонун йўли билан тартибга солинмаса, уни чеклашнинг ҳам имкони бўлмайди.

Учинчидан, мазкур таърифда чеклашнинг ташкилий жиҳати ҳам инобатга олинган. Чунки барча тартиб маълум даражада ҳуқуқий меъёрлар билан бирга ташкилий жиҳатларни ҳам ўз ичига олади. Тижорат сирининг режимини ўрнатиш учун ташкилий жиҳат ўта муҳим ва нозик жараёндир. Зеро, тижорат сирини ташкил қилишда мазкур ташкилотда қандайдир нарсалар атайлаб сир тутилаётганлиги тўғрисида ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмаслиги керак.

Тўртинчидан, ушбу таърифнинг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида техника воситалари ва бошқа чора-тадбирлар тизимини ўзида мужассамлаштирганлигини кўрсатиш мумкин. Ҳозирги пайтда барча жараёнларни ҳисобга олишда, ахборотларни сақлаш, ташиш, махфийлигини таъминлаш, ошкор қилиш кабилар техника воситалари, айниқса, копьютерлар орқали амалга оширилади. Шу жиҳатдан ушбу масалалар ҳам юқоридаги таърифда эътибордан четда қолган эмас.

Бешинчидан, юқоридагиларнинг ҳаммаси маълум бир тартибга амал қилиши лозим. Шу жиҳатдан мазкур таърифга тартиб масаласи ҳам киритилган. Ўйлаймизки, мазкур таъриф тижорат сири режимининг мазмунини тўлиқ ифода этади.

Қонунда эътироф этилишича тижорат сири режими тижорат сирининг мулкдори томонидан ўрнатилади. Тижорат сирининг

мулкдори тижорат сири режимини бошқа шахслар зиммасига ҳам юклаши мумкин. Қонунда кўрсатилишича, тижорат сири режимини ўрнатишни шартнома асосида конфидент зиммасига юклатилиши ҳам кўзда тутилган.

Қонунда тижорат сирининг мулкдорига кенг ҳуқуқ берилган. Жумладан, у «тижорат сири» грифини қўйиш ва олиб ташлашни, тижорат сирини қўлга киритиш, ундан фойдаланиш ва уни ошкор этиш шартларини, муҳофаза қилиш усулларини, тижорат сирини топшириш воситаларини танлашни мустақил равишда белгилайди[98].

Тижорат сири режими тижорат сирининг мулкдори ёки конфидент томонидан "Тижорат сири тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасида назарда тутилган чора-тадбирлар кўрилганидан кейин ўрнатилган деб ҳисобланади. Мазкур моддада тижорат сирини муҳофаза қилиш чора-тадбирлари қуйидагиларни ўз ичига олиши қайд этилган:

- "тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларнинг рўйхати ва ҳажмини белгилаш;

- тижорат сири билан муомалада бўлиш тартибини белгилаш ва бундай тартибга риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш;

- тижорат сиридан фойдаланишга ижозат олган шахсларни ҳисобга олиш;

- тижорат сири акс этган моддий жисмларга ёки тижорат сирини ўз ичига олган ҳужжатларнинг реквизитлари таркибига унинг мулкдорини кўрсатган ҳолда «тижорат сири» грифини қўйиш"[99].

Ўрнатилган тартиб бўйича тижорат сирининг мулкдори ва конфидент тижорат сирини муҳофаза қилиш бўйича қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни ҳам қўллашга ҳақли. Кўриниб турибдики, тижорат сири мулкдорига янада эркинлик ва мустақиллик берилган. Шунингдек, тижорат сирини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиш тижорат сирининг мулкдори ва конфидент зиммасига юклатилган. Шуни инобатга олиш жоизки тижорат сирининг мулкдори билан конфидент тижорат сири режимини ўрнатиш ва назорат қилишда иккаласи ҳам деярли бир хил ҳуқуққа эга.

Қонунда алоҳида таъкидланганидек, "Тижорат сири режимидан мамлакат конституциявий тузуми асосларини ҳимоя қилиш, давлат

---

[98] Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан *2014 йил 18 июнда* қабул қилинган ва Сенат томонидан *2014 йил 28 августда* маъқулланган "Тижорат сири тўғрисида"ги қонунининг 8-моддаси.

[99] Ўша жойда. – 10-модда.

мудофааси ва хавфсизлигини, фуқароларнинг ахлоқини, соғлиғини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш талабларига зид мақсадларда фойдаланилиши мумкин эмас"[100]. Кўриниб турибдики, тижорат сирини ўрнатиш ва ундан фойдаланиш ўта нозик масалалар сирасига киради. Ундан жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланишни талаб қилади. Чунки у давлат сиёсатининг бир йўналиши ҳамдир. Бунга яна бир далил махфийлик ҳақидаги қоидаларни фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларга киритиш тижорат сири режимини ўрнатишнинг зарурий шарти сифатида белгилаб қўйилган.

Тижорат сири режимини ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳам мумкин. Бундай ҳуқуқ ҳам тижорат сирининг мулкдорига берилган. Улар ўзлари тузган шартномаларда қабул қилинган мажбуриятларни бузмаган ҳолда тижорат сири режимини ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳуқуқига ҳам эга. Агар тижорат сири режими тижорат сирининг мулкдори томонидан мустақил равишда ўзгартирилиши ва бекор қилиниши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда тижорат сирининг мулкдори бу ҳақда конфидентни шартномада назарда тутилган муддатда ёзма шаклда хабардор қилиши шартлиги ҳам қонуний талаблардан биридир.

23.6. Савдо корхоналари тижорат сирини ҳимоя қилиш механизми

Мамлакатимизда очиқ демократик жамият қурилмоқда. Бу ҳамма нарса "очиқ" бўлади дегани эмас. Бозор муносабатлари шароитида эркин рақобат мавжуд экан тижорат сирининг ҳам сақланиб қолиши муқаррар. Шу туфайли корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун унинг тижорат сирини сақлай билиши лозим. Чунки юртимизда бозор муносабатлари чуқурлашиб, хўжалик юритувчи субъектлар сони кўпайиб, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш корхоналари жадал ривожланмоқда.

Пировардида иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан ўсиши таъминланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, қулай ишбилармонлик ва рақобат муҳитини шакллантиришни ва уларнинг ривожланишини тақозо қилмоқда. Ушбу жараён хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида тижорат сирини ташкил қилувчи

[100] Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 18 июнда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2014 йил 28 августда маъқулланган "Тижорат сири тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддаси.

ахборотларнинг аҳамиятини ошириб юборди. Ушбу ахборотларнинг ошкор бўлмаслигини таъминлаш жараёни ҳам ўта нозик масалалардан биридир

Мазкур ҳолатлар пировардида савдо корхоналарида тижорат сирини ҳимоя қилиш заруратини туғдиради. Аммо бу ҳолат ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бунинг бир қанча йўллари ва амалга ошириш механизмлари мавжуд (23.6.1-расм).



23.6.1-расм. **Тижорат сирини ҳимоя қилиш механизмлари**

Мазкур расмда келтирилган тижорат сирини ҳимоя қилиш механизмлари алоҳида кўриб чиқамиз.

Энг аввало, **ташкилий тадбирлар** хусусида. Бунда савдо корхоналарининг барча ходимлари зиммасидаги масала. Чунки у билан корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш чораларидан биридир. Айрим йирик корхоналарда ушбу вазифани бажариш учун алоҳида хавфсизлик хизмати ҳам ташкил қилинади. Уларнинг вазифаларидан бири тижорат сирини ҳам ошкор қилмасликдан иборатдир. Бу хизмат корхонада тегишли ахборотларининг махфийлигини сақлаш чора-тадбирларини кўради. Одатда, хавфсизлик хизматига корхонанинг мулкини сақлайдиган соқчилар ҳам киритилиши лозим.

Иккинчидан, **"Очиқ тестлар" ўтказиш** тадбирлари. Савдо корхоналарига ходимларни ишга қабул қилишда ишлаётганларини эса вақти-вақти билан тест орқали синаб турилади. Бу тест орқали ходимнинг мазкур корхонага содиқлиги, ахборотларга, айниқса, махфий ахборотларга эътибори аниқланади. Чунки нуфузли корхоналарга рақобатчи корхона айғоқчилари, махфий хуфиёна иқтисодиёт вакиллари кириб олишга ҳаракат қиладилар. Бу

вакилларнинг ходимлар таркибига кириб қолиши ушбу жамоада ахлоқий, руҳий муҳитни бузишга, тегишли ахборотларни ўғрилаб олишга харакат қилади. Табиийки, бундай ҳолат корхонанинг ишини орқага кетказади, кўзда тутилган фойдани олиш имкони бўлмайди. Хуллас, мазкур корхона банкротга учрайди. Шу туфайли "Очиқ тестлар" ушбу хавфнинг олдини олишда аҳамияти муҳим.

Учинчидан, техник тадбирлар. Ҳозирги пайтда рақобатчилар, турли уюшган жиноят гуруҳлар, рекетчилар корхона ҳақидаги махфий ахборотларни техника орқали олишга ҳаракат қиладилар. Бунга корхонанинг сайтига кириб тегишли ахборотни компьютер орқали олиши мумкинлигини, телефонда гаплашган гапларни эшитиш, орқали муҳим шартномаларга оид ахборотларни олишлиги кабиларни киритиш мумкин. Бу ҳолатларга қарши тегишли техник тадбирларни қўллаш лозимки, токи бундай йўллар билан махфий ахборотларнинг четга чиқиб кетишига йўл қўйилмасин. Ҳозирги пайтда кўпгина ахборотлар компьютер орқали ошкор бўлиб бормоқда. Бунинг ҳам йўлини қилиш ва адолатни ўрнатишга ҳамма жон-жаҳди билан киришишлари лозим.

Тўртинчидан, рағбатлантирувчи тадбирлар. Савдо корхонаси хавфсизлиги билан шуғулланадиган ўз ходимларини хавфсизликни таъминлаганлиги учун доимий равишда рағбатлантириб бориши лозим. Одамларга корхона қанчалик ғамхўрлик қилса, одамлар ҳам шунга жавобан корхонани асраб-авайлашга ҳаракат қилади. Бунда корхонанинг хавфсизлиги билан боғлиқ жараёнларга фақат корхонага содиқ кишиларни жалб этиш лозим бўлади. Зеро ходимда содиқлик бўлмаса корхонанинг ташқи рақобатчилари, энг аввало, шу корхонанинг ходимларини қўлга олишга ҳаракат қиладилар. Шу туфайли махфий ахборотларга ҳар кимни ҳам яқинлаштириб бўлмайди.

Бешинчидан, текширув тадбирлари. Корхона ўз фаолияти давомида юзлаб ҳамкор ташкилотлар, корхоналар билан муносабатда бўлади. Аммо уларга мол жўнатишда, пул ўтказишда қайтишига ишонч ҳосил қилинган бўлиши лозим. Аммо ҳаммага ишониш мумкинми. Албатта, йўқ. Бунга мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган якка тартибдаги жисмоний ва юридик шахслар ҳаётида содир бўлаётган кўплаб ҳодисаларни мисол келтириш мумкин. Шу туфайли бошқа корхоналар билан ҳамкорлик қилинган пайтда, албатта, уларга ишонч ҳосил қилиш учун уларнинг аҳволини, ўзини тутишини текшириб кўриш лозим. Биз ким билан, қанчагача ва қайси муддатга

шартнома тузилиши лозимлигини олдиндан билсак бундай операцияларни амалга ошириш, ҳар ҳолда, маълум маънода, ишончли бўлади.

Албатта, бозор муносабатлари ҳар бир корхона ходимларини ўта ҳушёр бўлиш билан бирга кўп ҳолларда риск (таваккал) қилишга ҳам мажбур қилади. Чунки бозор муносабатларининг табиати шундай. Аммо таваккал қилиш билан бирга корхонанинг хавфсизлигини таъминлаш учун тегишли ҳимоя механизмларидан ҳам фойдаланиш зарур.

Бозор муносабатлари шароитида ишлаш, эркин рақобат муҳитининг ҳукм суриши шундайки, ўзингни эҳтиёт қил, аммо ҳамиша огоҳ бўл, яъни рақобатчи корхоналарнинг ҳол аҳволидан ҳамиша воқиф бўлиб туриш лозимлигини тақозо қилади. Бунинг учун улар тўғрисидаги маълумотларни доимий равишда олиб туришга ҳаракат қилиш керак. Аммо бу иш ҳам унчалик осон иш эмас. Шу туфайли, рақобатчилар тўғрисида ахборот олиш услублари ва уларнинг корхоналар иқтисодий хавфсизлигига таъсирини алоҳида ўрганишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Ўзбекистон Республикасининг "Тижорат сири тўғрисида"ги қонунининг қабул қилиниши хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, тижорат сирини нохолис рақобатчилардан ҳимоя қилиш, юридик ва жисмоний шахсларни тижорат сирининг мулкдори сифатида тегишли ҳуқуққа эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ваколатларини амалга ошириш каби тадбирларда турли ҳуқуқий, ташкилий муносабатларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

23.7. Рақобатчилар тўғрисида ахборот олиш услублари

Бозор муносабатлари шароитида бизнес тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлиш бу муваффақиятнинг ярми. Бундай шароитида бозор ҳақидаги ахборотлар тижорат қимматига эга бўлган товар ҳисобланади. Рақобатчилар ичидан муваффақиятли чиқиш, бизнесга жиддий тус бериш, тадбиркор ўз тактикаси ва стратегиясини белгилаши учун энг қимматли ва зарур нарса бозор ҳақидаги, бозор субъектлари, яъни рақобатчилар ҳақидаги ахборотлардир. Чунки ушбу ахборотлар тижорат сирини ташкил қилади. Бу сир эса ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда сир сақланади. Шу туфайли

рақобатчилар фаолияти тўғрисидаги тўлиқ ахборотни олиш ўта мураккаб жараёндир.

Аммо ахборот ўз-ўзидан қўлга киритилиб қолинмайди. У маълум миқдорда харажатни, вақтни, эътиборни талаб қилади. Лекин ахборотга сарф қилинган харажат ўн маротаба кўп фойда келтириши мумкин. Товарга қилинган харажат 1,5-2,0 баробар фойда келтирса ахборотга қилинган харажатнинг қанчалик самарали эканлигини баҳолаш қийин эмас. Шу туфайли ахборотдан тежалган маблағ ўзига нисбатан қимматга тушади дейиш мумкин. Шу туфайли рақобатчилар ҳақидаги ахборотлар ҳар бир тадбиркор учун ўта муҳимдир.

Замонавий тадбиркор ўз ишини бозор ва рақобатчилар тўғрисидаги ахборотларни тўплашдан бошлаши лозим. Агар унда аниқ ахборот бўлмаса кўр-кўрона иш бошлаш билан бизнесда тегишли муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Тадбиркор, энг аввало, ўзи ишлаб чиқармоқчи бўлган товарининг шу ҳудудда бир қанча ҳаридори борлигини аниқлаши, шу товарга бозорнинг тўйинганлик даражасини, мазкур товарни кимлар ишлаб чиқаётганлигини, ўзи қанча ишлаб чиқариш мумкинлигини, рақобатчилар қанчадан сотаётганлиги, бу эса ундан арзонроқ сотиб қанча фойда қилиш мумкинлиги кабиларни обдон ўрганиб, аниқ ҳисоб-китобларга эга бўлиши лозим.

Ахборотлар қўлга киритилиши нуқтаи назаридан уч гуруҳга бўлинади:

* эркин оладиган ахборотлар;
* сотиб олинадиган ахборотлар;
* ўта зарур аммо олши қийин бўлган тижорат сирига мансуб махфий ахборотлар. Режали иқтисодиёт шароитида махфий ахборотлар фақат давлатники бўлиб, улар давлат сири билан боғлиқ бўлган. Уни сақлаш учун айрим ахборотлар махфий ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлар эркинлиги принциплари ва ҳолатлари тўғрисида"ги 2003 йил 12 декабрда қабул қилинган қонунда ахборот эркинлиги, унинг принциплари, очиқлиги, ошкоралиги, олиш ва беришни рад этиш тартиблари, муҳофаза этиш кабиларнинг ҳуқуқий асослари ўз ифодасини топган. Ушбу қонуннинг 6-моддасига биноан қуйидаги ахборотлар махфий ҳисобланади:

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларни рўёбга чиқариш тартиби тўғрисидаги, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат

бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи қонун ҳужжатлари;

- экологик, метеорологик, демографик, санитария-эпидемиологик, фавқулодда вазиятлар тўғрисида маълумотлар ҳамда аҳолининг, аҳоли пунктларининг, ишлаб чиқариш объектлари ва коммуникацияларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа ахборотлар;

- кутубхоналарнинг, архивларнинг ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган юридик шахсларга тегишли ахборот тизимларининг очиқ фондларидаги мавжуд маълумотлар[101].

Махфий ахборотларни беришни рад этиш қонуннинг 10 моддасида белгилаб қўйилган.

Эркин бозор муносабатлари шароитида махфий ахборотлар нафақат давлатга, балки барча тадбиркорларга, корхоналарга, бирлашма каби хўжалик юритувчи субъектларга ҳам дахлдордир. Олдин махфий ахборотларни фақат давлат ҳимоя қилган бўлса, энди ахборотларни ҳимоя қилиш ҳам қуйидаги субъектлар ўртасида тақсимланади:

* давлат ҳимоя қиладиган ахборотлар;
* тижорат тизими ҳимоя қиладган ахборотлар;
* иккаласи биргаликда ҳимоя қиладиган ахборотлар.

Ҳозирги пайтда давлат сирини сақлаш бўйича махсус "Давлат сири тўғрисида"ги қонун мавжуд. Мазкур қонунда давлат сири, уни сақлаш, ошкор қилмаслик, ошкор қилинганда жавобгарлик каби тартиблари аниқ ўрнатилган. Яқиндан бошлаб корхона, ташкилот тадбиркорлар каби хўжалик юритувчи тижорат субъектлари сирларига нималарнинг кириши, уларни ҳимоя қилиш йўллари бўйича аниқ қонуний нормалар ҳам "Тижорат сири тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинадиган бўлди. Шу йилгача мамлакатимизда амал қилиб турган Фуқаролик Кодекси (ФК)да унинг айрим нормалари ёритилган эди.

Тараққий этган мамлакатларда уларни тажрибасидан келиб чиқиб бизда ҳам, тадбиркорлар, бозор субъектлари тўғрисидаги ахборотларни тўплаб сотадиган махсус компаниялар, фирмалар бор. Улар ўзлари тўплаган ахборотларни сотадлар. Буларга қуйидаги ахборотларни киритиш мумкин:

* корхонанинг молиявий аҳволи;

---

[101] Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлар эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги 2003 йил 12 декабрда қабул қилинган қонуни. 6-модда.

* бошқа ҳамкорлари билан ҳисоб-китоб олиб боришдаги интизоми;
* дебитор ва кредитор қарзлари;
* қандай бизнес билан шуғулланиши;
* шериклари билан судланиш даражаси;
* раҳбарнинг нуфузи;
* жамоадаги ахлоқий-руҳий муҳит кабилар.

Шуни унутмаслик керакки, ҳаётда майда-чуйда бўлмаганидек, бизнесда ҳам бу ўта муҳим. Баъзан бизнинг тасаввуримизда ҳеч нарсага арзимайдиган, майда-чуйдадек туюлган нарса бизнесда жуда катта муваффақият олиб келиши ёки бизнесменни синдириб, инқирозга юз тутишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Шу туфайли рақобатчилар тўғрисидаги барча катта-кичик ахборотлар мазкур корхона учун ўта муҳим ва қимматли ҳисобланади.

Савдо корхонаси ўз рақобатчилари тўғрисида ахборот тўплаши учун қандай ишларни амалга оширади? Энг аввало, у рақобатчилари тўғрисида умумий маълумотларни олади. Бу ахборотлар умумий хулоса қилиш учун асос бўлади. Иккинчидан, корхонага керак бўлган тўлиқроқ ахборотларни ахтара бошлайди. Буларга:
* корхона фаолиятининг самарадорлиги;
* уларнинг истиқболи;
* молиявий аҳволи;
* таваккал қилиш қобилияти кабилар киради.

Учинчидан, мазкур корхона қайси бири билан алоқа қилиш мумкинлигини аниқлаб олгандан сўнг, ўша корхона, унинг раҳбари ҳақида батафсил маълумотларни тўплашга киришади. Чунки корхонанинг раҳбаридаги инсоний ва тадбиркорлик сифатлари бизнес борасида алоқа қилиш учун жуда муҳим.

Тўпланган маълумотлар экспертлар томонидан ўрганиб чиқилади ва улар яна қандай ахборотларни олиш мумкин ёки қандай ҳаракат қилиш лозимлиги хусусида ўз хулосаларини беради.

Корхоналар ўз шериклари тўғрисида, уларнинг бозордаги мавқеи ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиши лозим. Корхоналар бозордаги мавқеига қараб 3 гуруҳга бўлинади:

1. Рақобатчи корхоналар. Уларнинг мазкур бозордаги улуши 25%гача бўлиши мумкин.

2. Ҳукмрон корхоналар. Уларнинг бозордаги улуши 25 дан 70 фоизгача бўлиши мумкин.

3. Монопол корхоналар. Уларнинг мазкур бозордаги улуши 70% дан ортиқ бўлади.

Агар мазкур савдо корхонасининг бозордаги улуши жуда кам бўлса эркин рақобатга чиқишда жуда эҳтиёт бўлишлари лозим. Ҳамиша "китлар" "майда балиқлар"ни ютиб келганлар.

Савдо корхоналари тўғрисида ахборот тўплаб, уларнинг рақобатбардошлиги ва рақобат майдонидаги ўрнига қараб тўрт гуруҳга бўлинишини ҳам инобатга олиш лозим:

1. Халқаро бозорда рақобат қиладиган корхоналар. Бу корхоналарнинг бозори нафақат мамлакатда, балки узоқ ва яқин хорижий мамлакатларда бўлиши мумкин. Булар ҳамиша ўз маҳсулотини халқаро андозалар даражасида ишлаб чиқаришга эришиши лозим. Оддий корхоналар бундай корхона билан рақобатга киришмайди. Демак, "ким ким билан ўйнаши мумкинлигини" тўғрисида ҳар бир корхона раҳбарияти аниқ хулосага эга бўлиши лозим.

2. Халқаро бозорда рақобат қилиш қобилиятига эга бўлмаган корхоналар. Булар ҳам юқоридаги корхоналар сингари маҳсулот ишлаб чиқиши мумкин. Аммо у халқаро стандартлар талабига тўлиқ жавоб бермайди. Бу юқори босқичга ўтиши учун ҳам анча ишларни бажаришлари лозим. Яъни илғор технологияларни, фан ва техника ютуқларига асосланган инновацияларни жорий қилиши каби.

3. Табиий монополияга эга бўлган корхоналар. Бундай корхоналар фақат ўзларига ўхшаш корхоналар билан рақобат қилиши мумкин. Бу турдаги корхоналар учун алоҳида "Табиий монополиялар тўғрисида" қонун қабул қилинган.

4. Хорижий рақобатчиларга боғлиқ бўлмаган корхоналар. Буларга мамлакат хомашёсига таяниб, мамлакат бозори учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар киради. Масалан, нон, сут, гўшт саноати заводлари кабилар. Улар ўртасидаги рақобат ички рақобат бўлиб ҳисобланади. Бу ҳақдаги маълумотлар ҳам хулоса қилиш учун ўта муҳимдир.

Бозор муносабатлари шароитида рақобат муҳити ҳам, бозор коньюктураси ҳам, рақобатчиларнинг сони, мавқеи ҳам тез ўзгариб туради. Бундай ўзгаришларга ҳар қандай корхона тайёр туриши лозим. Шу туфайли, ҳар бир корхона бир қанча вазифаларни бажариши лозим.

1. Ҳар бир корхона ўзининг ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ фойдаланган ҳолда бозорбоп, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариб бозордаги мавқеини доимий равишда мустаҳкамлаб боришга ҳаракат қилмоғи лозим.

2. Маҳсулотнинг ҳажмини кўпайтириш билан бирга, сифатини ошириш, нархини пасайтириш чораларини кўриши доимий равишда диққат эътиборидан четда бўлмаслиги керак.

3. Рақобатчиларига нисбатан фойдани кўпроқ олиш чораларини кўриш лозим, чунки эркин рақобат корхонани модернизация ва реконструкция қилиш учун ҳамиша имконият бўлишини таъминлашни талаб қилади.

4. Корхона ижтимоий ячейка сифатида илғор, янгиликларга ташна ходимларни рағбатлантиришнинг ноанъанавий усулларидан фойдаланиш устида тинимсиз ишлаши лозим. Чунки корхонага юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш имкони туғулади. Ишлаётган кишилар ўз касбий маҳоратини оширишга ички туйғу ҳосил бўлади. Бу ҳам жуда катта муваффақиятларнинг калити ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар эркинлиги босқичма-босқич таъминланиб борилади. Аммо эркинликни ҳеч маҳал ўзбошимчалик деб тушунмаслик керак. Ҳар қандай корхонанинг фаолиятини давлат ўзининг дастаклари билан тартибга солиб туради. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

* солиқлар, уларнинг турлари ва табақаланган ставкалари;
* амортизациянинг намунавий нормалари;
* валюта курси;
* давлат бюджетига солиқсиз турли мажбурий тўловлар;
* божхона тарифи;
* экологик меъёрлар, ташқи муҳитни ифлослантирилганлик бўйича тўловлар;
* банк кредити фоизлари;
* стандартлар, техник шартлар ва ҳ.к.

Савдо корхоналари тўғрисида ахборот олганда унинг давлат билан бўлган муносабатини, албатта, текшириб кўриш керак. Чунки ҳар қандай корхона давлатга хиёнат қилса ҳамкорини алдамасликнинг иложи йўқ. Шу туфайли корхонанинг хавфсизлигини таъминлаш учун шерикларга жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиши лозим.

Бозор муносабатлари шароитида етти ўлчаб эмас етмиш ўлчаб кейин эса экспертлар хулосасига асосланган ҳолда "кесиш" керак. Шундагина, у ўзининг яшовчанлигини сақлаб қолади ва маълум маънода умумий хавфсизлигини, айниқса, иқтисодий хавфсизлигини таъминлайди.

23.8. Тижорат сирини тақдим этиш, унда махфийликни таъминлаш ва тижорат сирига кирмайдиган ахборотлар

Ўзбекистон Республикасининг "Тижорат сири тўғрисида"ги қонунининг 15 моддасида[102]тижорат сирини тақдим этиш масаласи келтирилган. Унга кўра тижорат сирини талаб қилиб олиш қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органининг ваколатига киради. Бироқ, тижорат сирини тақдим этиш тижорат сирининг мулкдори ёки конфидент томонидан амалга оширилади. Ушбу ҳолат давлат органининг асослантирилган талабига кўра тижорат сирининг мулкдори ёки конфидент томонидан текин амалга оширилади.

Ваколатли давлат органи тижорат сирини тақдим этиш тўғрисидаги асослантирилган талабга шу органнинг мансабдор шахси томонидан имзо чекилиши ва тегишли муҳр билан тасдиқланади. Унда тижорат сирини талаб қилиб олишнинг мақсади ва ҳуқуқий асоси, уни тақдим этиш муддати кўрсатилган бўлиши керак. Агар қонунда бошқача қоида белгиланган бўлса шундай тартибга амал қилинади.

Шундай ҳоллар ҳам бўлиши мумкинки, тижорат сирини тақдим этишдан тижорат сирининг мулкдори ёки конфидент бош тортиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда, давлат органи уни суд тартибида талаб қилиб олишга ҳақли.Тижорат сирини тақдим этиш жараёнида кимга ва қандай вазиятда бўлмасин унинг махфийлигини таъминлаш лозим бўлади."Тижорат сири тўғрисида"ги қонуннинг 16-моддасида тижорат сирини тақдим этишда унинг махфийлигини таъминлаш масаласи қараб чиқилган. Қонуннинг мазкур моддасига кўра давлат органлари ўзларига тижорат сирининг мулкдори ёки конфидент томонидан тақдим этилган тижорат сирининг махфийлигини таъминловчи шарт-шароитларни яратган бўлиши шарт[103]. Чунки тижорат сири сир сифатида сақланиб қолишини, кимлигидан қатъи назар, таъминлаши лозим. Агарда давлат органларининг ходимлари хизмат вазифаларини бажариш пайтида турли сабабларга кўра тижорат сири уларга маълум бўлиб қолган тақдирда, мазкур қонунда таъкидланишича, уни ошкор этишга ёки бошқа шахсларга, шу жумладан, давлат органларига топширишга, ундан ғаразли ёки бошқа шахсий мақсадларда фойдаланишга ҳақли

---

[102]Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 18 июнда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2014 йил 28 августда маъқулланган "Тижорат сири тўғрисида"ги қонуннинг 16-моддаси.
[103]Ўша жойда. 16-модда.

эмас[104]. Агар уни ошкор этиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, у ҳам тегишли тартибда амалга оширилади.

Юқорида номи зикр этилган қонуннинг 17-моддасида тижорат сири билан судда таништириш чегаралари ҳам белгиланган. Унга кўра, суд муҳокамаси чоғида судни ва ишда иштирок этувчи шахсларни тижорат сири билан таништиришга тижорат сирининг мулкдори ёки конфидент даъвогар ёки жавобгар сифатида иштирок этаётган бўлса, низонинг мазмунига бевосита тааллуқли бўлган қисминигина таништиришга йўл қўйилади. Шу туфайли барча масалалар сингари тижорат сирини сақлаш ҳам маълум тартибга эга.

Қонунда кўрсатилишича, суднинг тижорат сиридан чекланмаган ҳолда фойдаланишига фақат қуйидаги ҳолларда рухсат берилади:

- "тижорат сири мулкдорининг ёки конфидентнинг давлат органлари билан низоларида;
- тижорат сири мулкдорининг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатилганда, тижорат сирининг мулкдори тугатилганда ёхуд унинг фаолияти тугатилганда;
- тижорат сири ворислик объекти бўлганда ворислик ҳуқуқи хусусидаги низоларда;
- эр-хотин ёки улардан бири тижорат сирининг мулкдори бўлганда уларнинг умумий мол-мулки бўлиниши хусусидаги низоларда;
- тижорат сирининг мулкдори ва конфидент ўртасидаги низоларда;
- тижорат сири мулкдорининг ва (ёки) конфидентнинг муассислари ўртасидаги низоларда"[105]. Қолган барча ҳолларда тижорат сирини ошкор қилишга қонунда кўзда тутилишига ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Аммо шуни эътироф этиш керакки, корхоналар бозор муносабатлари шароитига ўтилгандан бошлаб фаолиятининг барча натижалари тўғрисидаги ахборотларни тижорат сири сифатида махфий тутишга ҳаракат қилади. Натижада очиқ бўлиши лозим бўлган ахборотларни ҳам олишда бироз мурккабликлар пайдо бўлиш ҳоллари учрамоқда. Айниқса, илмий-тадқиқот ишларида ахборотлардан фойдаланиш масаласи ўта мураккаб ҳолга айланган. Буни инобатга олиб қонуннинг 5-моддасида тижорат сирини

---

[104] Ўша жойда. 16-модда.

[105] Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 18 июнда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2014 йил 28 августда маъқулланган "Тижорат сири тўғрисида"ги қонуннинг 17-моддаси.

ташкил этиши мумкин бўлмаган маълумотларнинг рўйхати келтирилган. Қонунга кўра қуйидаги маълумотлар тижорат сирини ташкил этиши мумкин эмас:

- "давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкка доир ҳуқуқлар ва бу ҳуқуқлар бўйича битимлар тўғрисидаги;

- юридик шахснинг таъсис ҳужжатларидаги, юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс ташкил этмаган деҳқон хўжаликлари ҳақидаги ёзувлар тегишли давлат реестрларига киритилганлиги фактини тасдиқлайдиган ҳужжатлардаги;

- тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлардаги;

- давлат унитар корхонасининг, давлат муассасасининг мол-мулки таркиби тўғрисидаги ва улар томонидан тегишли бюджет маблағларидан фойдаланилиши ҳақидаги;

- атроф-муҳитнинг ифлосланиши, ёнғин хавфсизлигининг ҳолати, санитария-эпидемиологик ва радиациявий вазият, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ҳамда ишлаб чиқариш объектларининг хавфсиз фаолият кўрсатишини, ҳар бир фуқаронинг ва бутун аҳолининг хавфсизлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатувчи бошқа омиллар ҳақидаги;

- ходимларнинг сони ва таркиби, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ва меҳнат шароитлари тўғрисидаги, шу жумладан, меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ва касб касалликлари кўрсаткичлари, шунингдек, бўш иш ўринлари бор-йўқлиги ҳақидаги;

- иш берувчиларнинг иш ҳақи тўлаш ва ижтимоий тўловлар бўйича қарздорлиги тўғрисидаги;

- қонун ҳужжатлари бузилишлари ва бундай бузилишларни содир этганлик учун жавобгарликка тортиш фактлари тўғрисидаги;

- давлат мулки объектларини хусусийлаштириш бўйича танловларнинг ёки ким ошди савдоларининг шартлари ҳақидаги;

- нотижорат ташкилотлар даромадларининг миқдорлари ва тузилиши, ушбу ташкилотларнинг мол-мулки миқдорлари ва таркиби ҳақидаги, уларнинг харажатлари, бу ташкилотлар ходимларининг (аъзоларининг) сони ва меҳнатига ҳақ тўлаш, нотижорат ташкилотнинг фаолиятида фуқароларнинг текин меҳнатидан фойдаланилиши тўғрисидаги;

- юридик шахс номидан ишончномасиз иш юритиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхати ҳақидаги;

- давлат статистика ҳисоботи сифатида тақдим этилиши лозим бўлган маълумотлар"[106].

Қонунда тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларнинг ошкор этилиши шартлиги ёки фойдаланишни чеклашга йўл қўйилмаслиги аниқ кўрсатилган. Қонунда ифодаланишича бошқа қонун билан қандайдир чекловларни киритиш ҳам мумкин эмас. Шундай экан тижорат сири бўлмаган ахборотлардан бемалол фойдаланиш учун имконият яратилиши лозим. Бу жамиятимиз равнақи учун фақат фойда келтиради.

Таянч иборалар: *тижорат сири, тижорат сирининг махфийлиги, тижорат сирининг мулкдори, тижорат сирини ошкор этиш, тижорат сири режими, тижорат сири режимини ўрнатиш, тижорат сири режимини ўзгартириш, тижорат сири режимини бекор қилиш тартиблари, тижорат сирини ҳимоя қилиш механизмлари, рақобатчилар тўғрисида ахборот, аборот олиш услублари, ахборот олиш принциплари.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Савдо корхонасининг тижорат сирининг мазмуни.
2. Тижорат сири билан боғлиқ тушунчаларнинг таърифлари ва уларни асослашнинг назарий масаллари.
3. Тижорат сирининг махфийлиги тушунчаси ва уларнинг назарий масалалари.
4. Тижорат сирини таъминлашнинг айрим йўналишлари.
5. Тижорат сирининг мулкдори тўғрисида тушунча ва унинг қонуний ҳуқуқлари.Тижорат сирини ошкор этишнинг мазмуни.
7. Тижорат сирини ошкор этишни амалга ошириш йўллари.
8. Тижорат сири режимининг мазмуни.
9. Тижорат сири режимининг ўрнатиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиблари.
10. Тижорат сирини ҳимоя қилиш механизмлари.
11. Рақобатчилар тўғрисида ахборот олиш услублари.
12. Рақобатчилар тўғрисида ахборот олиш принциплари.

---

[106] Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 18 июнда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2014 йил 28 августда маъқулланган "Тижорат сири тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддаси.

XXIV боб. САВДО КОРХОНАЛАРИДА РАҚОБАТ, УНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТУРЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ, МАЪНАВИЙ ВА ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ

24.1. Рақобат ва у билан боғлиқ тушунчаларнинг таърифлари

24.2. Савдо корхоналарида рақобатбардошлик ва у билан боғлиқ тушунчаларнинг таърифлари

24.3. Рақобат, унинг турлари, таснифи ва тавсифини очиб беришнинг иқтисодий, маънавий ва фалсафий масалалари

24.4. Савдо корхоналарида рақобатнинг ижобий ва салбий томонлари

* * *

24.1. Рақобат ва у билан боғлиқ тушунчаларнинг таърифлари

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида рақобатбардошликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Эркин иқтисодиёт шароитида хўжалик юритувчи субъектлар мулкдорлари ва раҳбарларида масъулият ошади ва улар корхона ҳамда маҳсулотининг рақобатбардошли бўлишига ҳаракат қилади.

Эркин рақобат асосида ривожланадиган иқтисодиёт шароитида корхона ва улар маҳсулотининг рақобатбардошлигини таҳлил қилишнинг назарий ҳамда методологик муаммоларини тадқиқ қилиш зарур ҳисобланади.

Рақобат масаласини таҳлил қилиш учун фикримизча, аввало унинг мазмунини тўлиқ очиб бериш зарурдир. Шу сабабли биринчи ўринда рақобат сўзининг луғовий маъносига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбек тилининг 5 томлик изоҳли луғатида "рақобат" сўзи араб тилидан олинган бўлиб "кузатиш, назорат" деган маъноларни англатиши келтирилиб, қуйидаги 3 та изоҳ берилган:

- басма-басликка беллашув; ким ўзди;
- талабгорлар, рақиблар кураши.
- мустақил товар ишлаб чиқарувчи (корхона)лар ўртасида товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда

келтирадиган нархда сотиш, умуман, иқтисодиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун кураш"[107], дейилган.

Иқтисодиёт нуқтаи назаридан қаралганда рақобат сўзининг мазмунига луғатда берилган учинчи изоҳ мосдир. Лекин иқтисодий атамалар ва жараёнларни ўрганишда бундан ташқари "рақобатбардош", "рақобатбардошлик", "рақобатлашмоқ", "рақобатчи", "рақобатчилик" каби сўзларга ҳам дуч келинади. Биз мазкур ҳолатда рақобат тушунчаси тўғрисида гап юритамиз. Чунки, рақобат тўғрисидаги қарашлар бўйича олимлар ҳам ҳамон бир фикрга, тўхтамга келинган эмас. Шу боис айрим олимларнинг мазкур атама тўғрисидаги қарашларига тўхталиб ўтамиз.

А.Н.Азрилян раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган иқтисодий луғатда, рақобатга "Товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги капитал, хомашё ва бозорни таъминлаш учун қулай соҳани эгаллашга қаратилган мусобақа"[108], деб таъриф беради. Ушбу таърифда муаллифлар томонидан рақобат атамасининг мазмунига бир мунча чегараланишга йўл қўйилган. Чунки, рақобат фақат товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида бўлмайди, балки бошқа соҳаларда ҳам амал қилади. А.М.Румянцев раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси эса "Товар ишлаб чиқаришга хос, хусусий мулкчиликка асосланган бўлиб, хусусий товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида товарни ишлаб чиқариш ва сотишда қулай шароит учун муросасиз кураш жараёни"[109]ни рақобат – деб таъкидлайдилар. Бу ерда ушбу атаманинг мазмунига А. Азрилян раҳбарлигидаги муаллифлардан анча кенгроқ тавсиф берилган. Муаллифлар томонидан рақобат фақат товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида эмас, балки сотиш жараёнида ҳам содир бўлиши эътироф этилган.

Айрим олимлар эса, рақобатни бозордаги кураш тарзида таърифлайди. Хусусан, А.Г.Грязнова раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси рақобатни "Истеъмолчиларнинг чегараланган талабини қондириш учун турли фирмалар ўртасида ўзларига мақбул бўлган бозордаги кураши"[110] – деб тавсифлайдилар. В.И.Видяпин ва Г.П.Журавлёвалар раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси рақобатни "Бозор муносабатлари иштирокчиларининг товарни ишлаб чиқариш ва сотишда қулай шароитга эга бўлиши учун кураш жараёни"[111] –

---

[107] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. Ш. ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. – 360-361 бетлар.

[108] Большой экономический словарь. М.: Институт новой экономики. 1999. – 375 бет.

[2] Экономическая энциклопедия. Политическая экономия. М.: СЭ. 1975. – 214-215 бетлар

[110] Микроэкономика. Теория и Российская практика. М.: ИТД КноРус., 1999. – 248 бет.

[111] Общая экономическая теория.Учебник. М.: Промо-Медиа., 1995. – 117 бет.

сифатида баҳолайдилар. Юқорида келтирилган барча таърифларда рақобат товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнидаги кураш сифатида қаралган.

Иккинчи бир гуруҳ олимлар эса ушбу масалага бошқача мазмунда ёндашадилар. Масалан, Н.Грегори Монкью "Бозор рақобати – кўп сотувчи ва кўп харидорга эга бўлган бозор бўлиб, уларнинг ҳар бирининг бозор баҳосига маълум миқдорда таъсир этишидир"[112] – деб таърифлайди. Ушбу қарашда рақобат атамасининг мазмуни бойитилиб, унда ишлаб чиқариш, сотиш билан биргаликда нарх масаласи ҳам ўз ифодасини топган. Рақобат тушунчасига олимлар томонидан берилган таърифларни ўрганиш мазкур атаманинг мазмуни юзасидан назарий ва амалий жиҳатдан асосланган аниқ таърифни ишлаб чиқиш ҳам долзарб масала эканлигидан далолат бермоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир янги жараённи амалиётга жорий қилиш учун олдин унинг назарияси ишлаб чиқилиши лозим. Аммо Ўзбекистонда рақобатни шакллантириш, бунинг учун эса рақобат муҳитини яратиш, эркин рақобат шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектининг табиати қандай бўлишлиги хусусида ўзимизга хос назарий концепция яратилган эмас эди. Чунки режали иқтисодиёт шароитида бунга ҳожат ҳам йўқ эди.

Мамлакатимизда нашр қилинаётган адабиётларда эркин рақобатни бозор муносабатлари бундан юз йиллар олдин шаклланган тараққий этган давлатларда қандай бўлса шундай тушунтирилмоқда. Бироқ, Ўзбекистон ўзига хос тараққиёт йўлига, ўзига хос менталитетига, қадриятига, маънавий ва ахлоқий принципларга асосланган урф-одатларига эгаки, булар эркин рақобатни ҳам ўзига хос бўлишини тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, эркин рақобатнинг Ўзбекистонга хос назарий асосини яратиш заруриятини туғдиради.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ўзига хослиги, унинг эркин рақобат муҳитига таъсирининг ҳам ўзига хослигини тақозо қилади. Мазкур хусусиятлар, бизнинг фикримизча, қуйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, мамлакатимизда эркин рақобат субъектларининг шаклланиши асосан хусусий мулк негизида эмас, балки давлат мулкини хусусийлаштириш эвазига амалга оширилганлигидир. Бу корхоналар қаттиқ режа асосида фаолият кўрсатишга мослашган

[112] Принципы экономикс. Санкт-Петербург Питер., 1999. – 88 бет.

корхоналар эди. Уларни бозор шароитига кўниктириш, албатта, унчалик осон иш эмас. Шу туфайли уларнинг кўпи инқирозга учраб синиб улгурди. Оқибатда ҳозирги кунда хўжалик юритувчи субъектларнинг янги, бозор муносабатларига мос авлоди шаклланди.

Иккинчидан, корхоналар хомашё, ускуналарни қатъий фонд асосида олишга одатланган бўлиб, ишлаб чиқарган товарларини давлат буюртмаси асосида тақсимлар эди. Унда эркин сотиш, ҳаридорни топиш, маркетинг хизмати каби бозор муносабатлари тамойилларига асосланмас эди. Бу тамойилларнинг жорий қилиниши ҳам кўплаб корхоналарнинг ўз ўрнини топиб кетиши учун катта қийинчиликлар туғдирди. Шу туфайли ҳозирги кунда иқтисодиётни эркинлаштириш масаласида маълум ютуқлар қўлга киритилди. Нимани, қанча ишлаб чиқариш, кимга ва қаерда сотиш масалаларини ҳар бир иқтисодиёт субъекти мустақил ҳал қилмоқда..

Учинчидан, олдин товар олишда олдиндан тўлаш усули кам қўлланилар эди. Ишлаб чиқарувчи корхоналарга савдо корхоналари томонидан товарни сотиб пулини тўлашдек савдо хизмати кўрсатиларди. Энди эса, ҳар қандай товар учун олдин пули тўланиб, кейин сотиб олинадиган бўлди. Бу жараён ҳам бозор тизимидаги барча хўжалик юритувчи субъектларни молиявий жиҳатдан барқарор ва мустаҳкам бўлишини тақозо қилмоқда.

Тўртинчидан, мустақилликнинг дастлабки йилларида ўзимизда ишлаб чиқарилган товарлар омборларда қолиб, четдан жуда кўп сифатсиз товарлар кириб келди ва улар ўзимизнинг товаримизни касодга учратди. Бу жараён товаримизнинг сифатсизлигидан ёки ҳаридор талабидан ортиқчалигидан эмас, балки бозор муносабатлари шароитида фаолият кўрсатиш сир-асрорларини билмаслик оқибатида келиб чиққан эди. Бугунги кунда ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларда маркетинг хизматлари яхши йўлга қўйилди. Улар сотиш бозорлари, талаб ва таклиф, ҳаридорлар диди ва эҳтиёжларини чуқур ўрганган ҳолда ишлаб чиқармоқдалар.

Бешинчидан, бу юқорида қайд қилинган омиллар натижасида, ўзимизда ишлаб чиқарилган товарларнинг сотилмаслиги оқибатида жуда кўп ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган тадбиркорлар, корхона ва фирмалар ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган эдидилар. Бу эса, жуда кўп корхоналарнинг рақобатда бой берганлигидан эмас, балки бозор муносабатларига мослаша олмаганлиги натижасида инқирозга учраб, синиб кетишига сабаб бўлганди.

Бу ҳолатлардан кўриниб турибдики, бозор муносабатларининг тўлиқ амал қилиши учун эркин рақобатни таъминловчи жуда кўп тадбирларни амалга ошириш лозим бўлди. Муҳими рақобатнинг шаклланиш шароитида масаланинг маънавий ахлоқий жиҳатлари инобатга олинмаган эди. Масалага бир ёқлама қаралиши натижасида ушбу масалада бироз қийинчиликлар ҳам юзага келди. Иқтисодиётда рақобат муҳитининг яратилиши ҳам бир мунча вақтни талаб қилди.

Корхоналар фаолиятида иқтисодий эркинликнинг таъминланиши эркин рақобат муҳитини шакллантиради. Бу учун эса корхоналарда давлат буюртмаси, уни бошқаришда ва назорат қилишда давлатнинг аралашуви кескин камаймоғи лозим. Бу борада жуда кўп ишлар қилинди ва давом этмоқда. Жуда кўп тадбирларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини кафолатловчи бир қанча қонунлар қабул қилинди. Жумладан, 2011 йил 14 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси «Рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини қабул қилиниши ҳамда 2011 йил 5 декабрда Сенат томонидан маъқулланиши ҳам шулар жумласидандир.

Бу қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг ҳаммаси мамлакатимизда рақобат муҳитини яратишга қаратилмоқда. Ҳақиқатда эркин рақобат муҳити яратилса, бу бир қанча муҳим қонуниятларни амалга оширади ва тартибга солади. Булар жумласига товарларнинг жойланиши, нархнинг маълум меъёр даражасига келиши, унинг доимий равишда ошиб боришига барҳам бериши, талабга қараб ҳудудлар бўйича жойланиши, ишлаб чиқариш ва сотиш ўртасидаги мутаносибликни назорат қилиниши кабиларни киритиш мумкин.

Лекин Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонунида «рақобат» атамасига қуйидагича таъриф берилган. "**Рақобат — хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди".** Мазкур таъриф, бир қарашда рақобат атамасининг мазмунини тўлиқ ифода этади. Аммо бизнинг фикримизча, уни янада такомиллаштириш бўйича имкониятлар мавжуд.

Биринчидан, унда фақат "товар ёки молия бозоридаги товар муомаласи" назарда тутилмоқда. Ваҳоланки хўжалик юритувчи

субъектлар нафақат булар билан чекланиб қолади, балки ўз фаолияти давомида иш бажаради ва турли хизматлар ҳам кўрсатади. Улар мазкур таърифда ўз ифодасини топмаган.

Иккинчидан, рақобатнинг асосий мақсади кўпроқ сотиш ва фойда олиш учун курашдан иборат, аммо мазкур таърифда ушбу муҳим жиҳат ҳам ўз аксини топмаган.

Учинчидан, мазкур таърифда келтирилган "умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди" деган иборалар ортиқча, деб ўйлаймиз. Кўриниб турибдики, қонунда кўрсатилган рақобатнинг таърифи ҳам такомиллаштиришни талаб қилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, рақобат атамасининг такомиллашган таърифини келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Рақобат деганда, хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулот (иш хизмат)ларини кўпроқ сотиш, юқори фойда олиш ва нафлиликка эришиш учун иқтисодий манфаатларининг тўқнашишида бир хил иқтисодий эркинликнинг таъминланганлиги тушунилади.**

Рақобат атамасининг таърифини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Биринчидан, унининг мазмунида, хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулот (иш хизмат)ларини кўпроқ сотиш ўз аксини топган. Чунки рақобатда фаолият қандай бўлмасин, натижаси яхши бўлиши керак. Бу эса энг аввало, кўпроқ сотишда ўз аксини топади.

Иккинчидан, юқори фойда олиш ва нафлиликка эришиш масаласи ҳам таърифда ўз ифодасини топган. Чунки, бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект, мулк шаклидан қатъий назар, ўз фаолияти давомида маълум миқдорда фойда олиб турмаса бўлмайди. Зеро, иқтисодиёт субъектларининг барча ҳаракатлари айнан ушбу натижага эришишга қаратилганлигини унутмаслик керак.

Учинчидан, ушбу ҳолатларга эришиш учун ҳар бир иқтисодий субъект манфаатларига тўсиқ бўладиган омиллар барҳам топган бўлишлиги лозим. Бунинг учун уларнинг ҳар бирига бир хил иқтисодий эркинлик таъминланган бўлиши лозим. Масаланинг бу жиҳатлари ҳам муҳим бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли ушбу таъриф нафақат назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга ҳам эга.

Рақобатни амалга ошириш учун рақобат муҳити керак бўлади. Аммо рақобат муҳити ҳам ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди, балки у бир қанча босқичларни босиб ўтишига тўғри келади. Буларга биринчидан, мулклар хусусийлаштирилиб, "бизники"дан,

“меники”га айланиши лозим бўлди. Натижада кўпмулкчиликка асосланган иқтисодиёт шаклланади. Иккинчидан, бу иқтисодиёт маъмурий буйруқбозлик исканжасидан қутилган бўлиши лозим эди. Бунга ҳам эришилда ва янада чуқурлашмоқда. Учинчидан, эркин фаолият учун барча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган ва улар амалиётга жорий қилинган бўлишлигини ҳам тақозо қилади. Бу борада ҳам тегишли мувоффақиятларни қўлга киритишга муваффақ бўлинди.

Мамлакатимизда бу борада барча босқичлар амалга оширилди, рақобат муҳити яратилди. Аммо “Рақобат тўғрисида”ги қонунда ушбу атаманинг таърифи келтирилмаган. Иқтисодиётга оид адабиётларда ҳам мазкур атаманинг таърифи деярли ёритилмаган. Мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб унга қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Рақобат муҳити деганда, хўжалик юритувчи субъектларнинг, айниқса, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий тенглигининг таъминланганлиги, табақаланмаган бир хил иқтисодий эркинликнинг жорий қилинганлиги, уларнинг фаолиятига турли маъмурий давлат идоралари аралашувининг бартараф қилинишига қаратилган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар яратилганлиги ва уларнинг амал қилинаётганлиги тушунилади.**

Мазкур таърифни назарий жиҳатдан қуйидагича асослаш мумкин.

Биринчидан, рақобат муҳити асосан хўжалик юритувчи субъектлар учун бўлганлиги туфайли, уларнинг эътироф этилганлигини кўрамиз. Бунда мазкур субъектлар турли мулк шаклига асосланган бўлиши кераклиги ҳаммага аён.

Иккинчидан, мазкур хўжалик юритувчи субъектлар тизимида рақобат тадбиркорликка асосланган субъектлар ўртасида содир бўлишини инобатга олиб, тадбиркорлик субъектлари алоҳида қайд қилинди.

Учинчидан, ушбу субъектларнинг ҳуқуқий тенглигига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Чунки улар ҳуқуқий жиҳатдан тенг бўлмаса, ҳеч қандай эркин рақобат бўлиши мумкин эмас ва мос равишда рақобат муҳити яратилмаган бўлади. Шу туфайли таърифда субъектлар ҳуқуқий тенглигининг таъминланганлиги эътироф этилган.

Тўртинчидан, улар учун табақаланмаган бир хил иқтисодий эркинликнинг жорий қилинганлиги ҳам муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг фаолиятига турли

маъмурий давлат идоралари аралашувининг бартараф қилинишига қаратилганлигида намоён бўлади. Шу туфайли мазкур масалалар ҳам таърифда ўз ифодасини топган.

Бешинчидан, барча ҳолатлар маълум даражада қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинишини тақозо қилади. Шу туфайли ушбу жараёнлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар яратилганлиги ва улар амалиётда қўлланилаётган бўлишлиги лозим.

Буларнинг ҳаммаси юқоридаги таърифда ўз ифодасини топган. Шу жиҳатдан мазкур таъриф ҳам назарий жиҳатдан асосланганлигидан далолат бериб турибди. Келажакда "Рақобат тўғрисида"ги қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда ушбу масалалар ҳам инобатга олинса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонунида «рақобатга қарши харажатлар» атамаси келтирилган ва унинг қуйидагича таърифи ҳам берилган: "**Рақобатга қарши ҳаракатлар — рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида хўжалик юритувчи субъектлар учун ман этилган ҳаракатлар, шунингдек, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг рақобатни чеклашга қаратилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)",** дейилган. Рақобат билан боғлиқ бўлган ушбу атаманинг таърифи ҳам диққатга сазовар. Чунки булар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан турли ғирром йўллар билан бошқалардан устунликка эришиш учун қилинган харакатларидир. Бу ҳолатнинг мавжудлиги ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларни маълум даражада ҳушёрликка чақиради.

Шу билан бирга, мазкур таърифда ҳам айрим такомиллашишни талаб қиладиган жиҳатлар мавжуд. Хусусан, таърифда "рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида хўжалик юритувчи субъектлар учун ман этилган ҳаракатлар", деб ёзилган. Бироқ қонунда бундай харакатлар рўйхати келтирилмаган. Шу туфайли ушбу иборани "хўжалик юритувчи субъектлар учун қонун ҳужжатларида кўзда тутилмаган ноқонуний ҳаракатлар", деб кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. У ҳолда мазкур таърифни такомиллашган ҳолда қуйидагича ифодалаш мумкин. "**Рақобатга қарши ҳаракатлар деганда, хўжалик юритувчи субъектлар учун кўзда тутилмаган ноқонуний ҳаракатлар, шунингдек, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг рақобатни чеклашга қаратилган**

ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) тушунилади", деган таъриф маъқул бўлади, деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда рақобат ва у билан боғлиқ бўлган айрим тушунчалар бўйича уларнинг назарий жиҳатдан асосланган ва такомиллашган таърифига эга бўлинди. Уларнинг амалиётда ва янги авлод ўқув адабиётларида қўлланилиши мазкур масаланинг мазмунини очиб беришда тегишли аниқликларни қўлга киритиш учун назарий асос бўлади, деб ўйлаймиз.

24.2. Савдо корхоналарида рақобатбардошлик ва у билан боғлиқ тушунчаларнинг таърифи

Хўжалик юритувчи субъектлар рақобатлашган шароитда ҳар бирининг рақобатбардошлигини таъминлаш зарурати келиб чиқади. Шу туфайли рақобатбардошлик масаласига ҳам этиборни қаратишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки маҳсулотнинг, иш, хизмат, корхона, ҳудуд, давлатнинг ҳам рақобатбардошлиги таъминланган бўлиши лозим. Бу эса, энг аввало, уларнинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичида намоён бўлади. Агар ушбу кўрсаткич мунтазам бир меъёрда амалга оширилса, унда мазкур субъектининг барқарорлиги таъминланади. Бу жараён, ўз навбатида, яна маҳсулотлар (иш, хзматлар) баҳосининг нисбатан пастлигини ва сифатининг юқорилигини таъминлайдиган тадбирлар мажмуасининг мавжудлигини ҳам тақозо қилади. Буларнинг ҳаммаси пировардида, мазкур субъектларнинг бошқаларга нисбатан устунлигини таъминлайди. Айнан шу устунлик уларнинг рақобатбардошлигининг асосини ташкил қилади. Шу жиҳатдан рақобатбардошлик масаласи ҳам ўта мураккаб ва жиддий масалалар сирасига киради.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида "рақобатбардош" сўзига "рақобат + бардош", деб ёзиб, "рақобатлаша оладиган, рақобатга чидайдиган" маъноларга эгалигини кўрсатган[113]. Ушбу луғатда ифода этилган мазкур тушунча билан боғлиқ "рақобатбардошлик" сўзини "рақобат қила олишлик, рақобатга чидашлик; рақобатга кириша олиш қобилияти" деган нисбатлар билан изоҳлаган[114].

---

[113] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. Ш. ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. – 361 бет.

[114] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. Ш. ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. – 361 бет.

Ушбу ҳолат бўйича навбатдаги "рақобатлашмоқ" сўзини "беллаша олмоқ, тенг келмоқ, рақобат қила олмоқ" сўзлари билан изоҳлаган[115]. Мазкур тушунчага янада аниқлик киритиш учун "рақобатчи" сўзига берилган изоҳга ҳам бир назар ташланганда, унга 2 та изоҳ берилган бўлиб, биринчисида, "рақобат қилувчи киши ёки томон", дейилган бўлса, иккинчида, "бозор иштирокчилари, товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида курашувчи шахс", деб изоҳ берган[116]. Ушбу тушунчага дахлдор яна бир сўзга, яъни "рақобатчилик" сўзига ҳам "ўзаро рақобат қилишлик, рақобатбардошлик", деб изоҳ берилади[117]. Демак ўзаги рақобат билан боғлиқ сўзларнинг ҳаммасида бошқа субъектларга нисбатан қиёсланадиган кўрсаткич ва жараёнларда устунлик тушунилар экан.

Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат тўғрисида"ги қонунида рақобат категорияси билан боғлиқ «рақобатбардошлик» атамасига таъриф берилмаган. Демак хўжалик юритувчи субъектлар рақобатбардошлиги ёки маҳсулотлар (иш, хизматлар) рақобатбардошлиги тушунчаси масаласи ҳамон очиқлигича қолмоқда. Бу эса мазкур атама ва ҳолат билан боғлиқ муносабатларда турли қарама-қаршиликлар ҳамда муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Шу туфайли рақобатбардошлик атамасининг таърифини ишлаб чиқиш бугунги кунда объектив зарурият бўлиб ҳисобланади. Ушбу заруриятдан келиб, чиқиб рақобатбардошлик сўзининг таърифини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик ва ушбу атамага қуйидагича таъриф бердик. **Рақобатбардошлик деганда, маҳсулотнинг, иш, хизмат, корхона, ҳудуд, давлатнинг рақобатчиларга нисбатан иқтисодий ўсишининг барқарорлигини, баҳосининг нисбатан пастлигини ва сифатининг юқорилигини таъминлайдиган тадбирлар мажмуасининг мавжудлиги ва уларнинг бошқаларга нисбатан устунлиги тушунилади.**

Рақобатбардошликка берилган ушбу таърифнинг афзаллигини назарий жиҳатдан қуйидагича асослаш мумкин. **Биринчидан,** рақобат нафақат маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар ўртасида, балки иш бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар ўртасида ҳам мавжуд. Шу

---

[115] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. Ш. ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. – 361 бет.

[116] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. Ш. ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. – 361 бет.

[117] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. Ш. ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. – 361 бет.

туфайли, унда маҳсулот (товар) билан бирга иш, хизматлар ҳам *инобатга олинган.*

Иккинчидан, рақобат корхоналар ва ҳудудлар ўртасида ҳам содир бўлади. Шунинг учун ҳам ушбу таърифда корхона, ҳудуд ҳам ўз аксини топган.

Учинчидан, ҳозирги интеграциялашган шароитда рақобат нафақат битта давлат доирасида, балки давлатлараро даржага ҳам кўтарилган. Шу жиҳатдан рақобатчи субъектлар таркибига давлат ҳам киритилиши зарурлигидан келиб чиқиб, ушбу тушунча ҳам киритилган.

Тўртинчидан, корхона, ҳудуд ва давлатнинг рақобатчиларга нисбатан иқтисодий ўсишининг барқарорлигини таъминлаш масаласи ҳам ўта муҳимдир. Барқарор иқтисодий ўсишга эришмаган бирорта давлат ёки корхона рақобатбардош бўла олмайди. Шу туфайли ушбу масала ҳам таърифда ўз аксини топган.

Бешинчидан, рақобатда ким ютади, қайси субъектнинг товари (иши, хизмати) баҳоси рақобатчиларига нисбатан паст бўлиб, уларнинг сифати юқори бўлса ўшалар ютади. Шу туфайли мазкур таърифда ушбу ҳолатларни таъминлайдиган тадбирлар мажмуасининг мавжудлиги инобатга олинган. Бу тадбирлар барча рақобатчиларда бўлиши мумкин. Фақат улар бошқа рақобатчиларга нисбатан албатта устун бўлиши керак. Шу туфайли таърифда уларнинг бошқаларга нисбатан устунлигини инобатга олиш лозимлиги ҳам кўрсатилган. Барча субъектлар рақобатбардошлигини белгилашда ушбу такомиллашган таърифга асосланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир тадбиркор рақобат майдонида фаолият кўрсатади. Рақобат майдони – у ҳалол-покиза яшаш, ғалаба қилиш учун кураш майдонидир. Бу майдонда ҳар бир тадбиркор рақибининг, яъни рақобатчининг шаънига, нуфузига тегмаган ҳолда ўзининг товари (иш, хизмати)ни харидоргир қилиб ўз иқтисодиётини тиклаб, товарининг ҳам, ўзининг ҳам рақобатбардошлигини таъминлашга эришмоғи лозим. Бировнинг маҳсулоти (иш, хизмати)ни пастга урмасдан, ўзиникини мақтаб сотиши – бу ҳалол рақобатдир. Амалиётда шундай ҳоллар ҳам кўп учрайдики, бир корхона ўзининг маҳсулотини бошқаларникидан устун кўрсатиш учун, уларда йўқ нухсонларни тарқатиб, уни касодга олиб келишига уринадилар. Бундай шароит ҳақиқий рақобатга ҳам, рақобатбардошлик талабларига ҳам тўғри

келмайди. Бундай рақобатлар қонунда кўзда тутилмаган ғирром рақобатлар сирасига киради.

Иқтисодиёт фанларнинг муҳим вазифаларидан бири – фаолият кўрсатиб келаётган тадбиркорларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш, таҳлил қилиш ва уни мустаҳкамлаш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш йўлларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Аммо бу масала иқтисодиётга оид адабиётларда етарли даражада ёритилмаган. Бу соҳа ҳозирги замон талабидан келиб чиққан ҳолда кам тадқиқ қилинган. Тадқиқотлар кўрсатдики, рақобатбардошликни таҳлил қилганда икки нарсага аҳамият бериш лозим. Биринчидан, тадбиркор фаолиятининг рақобатбардошлиги ва иккинчидан, унинг ишлаб чиқараётган (сотаётган) товари (иш, хизмати) рақобатбардошлигидир. Аммо иқтисодий адабиётларда бу масалалар ҳам иқтисодий таҳлил нуқтаи назаридан алоҳида ўрганилмаган. Шу боис, аввало, ушбу атамалар мазмуни бўйича ўз қарашимизни баён этишни зарур, деб ўйлаймиз.

Тадбиркор фаолиятининг рақобатбардошлиги деганда, рақобатбардош субъектларга (тадбиркорларга) нисбатан фаолиятининг кенг кўламлилиги ва истиқболлилиги, харажатлардан мақсадли мувофиқ фойдаланиб, кўпроқ фойда олиш қобилиятининг кучлилиги, маҳсулотининг (иш, хизматининг) баҳоси оптималлиги в сифатининг юқорилиги билан ўз устунлигини таъминлай олиш қобилияти тушунилади.

Мазкур таърифни назарий жиҳатдан қуйидагича асослаш мумкин. **Биринчидан**, кўриниб турибдики, ҳар бир тадбиркор кенг кўламда фаолият кўрсата олсагина рақобатбардош бўлади. Энг муҳими, у бошлаган фаолият бугунги кун билан чекланиб қолган бўлмаслиги керак. Албатта, келажак истиқболини кўзда тутган, унга мўлжалланган бўлиши лозим. Масалан, тадбиркор тегирмонга эга. У ўз фаолияти натижасида ун маҳсулоти ишлаб чиқаради ва сотади. Кўлами кенгроқ бўлиши учун тадбиркор, энг аввало, шу тегирмондан ишлаб чиқарадиган ундан нон ишлаб чиқаришни йўлга қўйса ва шу нонни сотиш учун бир қанча ҳудудларда савдо дўконини ташкил қилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчидан эса, ун ва нон ишлаб чиқариш истиқболли соҳа. Ҳамиша истеъмол қилиниб туриладиган маҳсулотлардир. Аммо бошқа рақобатчиларига нисбатан ўз маҳсулотининг сифатини ошириш ва нархини ҳаддан зиёд кўтариб юбормаслик чораларини

кўриши керак. Шундагина у рақобатбардош ва рақобат майдонида инқирозга учрамайдиган бўлади.

Иккинчи йўналиш, бу тадбиркорнинг товари (иши, хизмати) рақобатбардошлигидир. **Тадбиркорларнинг товари (иши, хизмати) рақобатбардошлиги деганда, рақобатдош субъектлар товари (иш, хизмати) сифати ва нархга нисбатан истеъмолчига (харидорга) кулайлиги, унга кетадиган харажатнинг самарадорлиги ва шу товардан оладиган фойданинг кўплигини таъминловчи омиллар тизимининг мавжудлиги тушунилади.**

Таърифлардаги рақобатнинг хусусиятларидан кўриниб турибдики, у бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи асосий куч сифатида намоён бўлади. Шу туфайли ҳозирги даврда давлатнинг асосий функцияларидан бири мамлакатимизда эркин рақобат муҳитини яратишдан иборатдир. Бу борада неча ишлар қилинмоқда. Мазкур масала бўйича қонунлар ва қонуности меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Мазкур масалани бошқариш учун тегишли давлат идораси ҳам ишлаб турибди. Булардан бари айнан иқтисодиётда рақобат муҳитини яратишга қаратилгандир.

24.3. Рақобат, унинг турлари, таснифи ва тавсифини очиб беришнинг иқтисодий, маънавий ва фалсафий масалалари

Эркин рақобат, энг аввало, иқтисодиётнинг қуйи бўғинида, яъни фирма, корхоналар ва корпорациялар каби хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида содир бўлади. Бу эса, ўз навбатида, айнан иқтисодиётнинг шу қуйи бўғинида хўжалик фаолиятини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилишни тақозо қилади. Аммо иқтисодий, ижтимоий, фалсафий фанларнинг уйғунлигини таъминлайдиган, ҳозирги пайтда шаклланган ва кундан-кунга чуқурлашиб бораётган эркин рақобат шароитига мос бўлган назарий ва методологик асослари ҳамон кам тадқиқ қилинган. Айниқса, корхона, фирма каби хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш, унинг маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатларини таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳам комплекс ҳолда ўрганилмаган.

Аммо шуни эътироф этиш керакки, бозор муносабатлари шароитида рақобатни баҳолаш ва таҳлил қилиш учун, унинг турлари ва шаклларини аниқлаш зарурлигини инобатга олиб, масаланинг

иқтисодий жиҳати хорижий ва мамлакатимиз олимлари (Стоянов Е.А., Стоянова Е.С., Расулов М.Р., Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Абдукаримов Б.А., Бектемиров А.Б., Салимов Ш.С., Шавқиев Э.Ш., Абдукаримов Ф.Б., АбдиевА.А., Исроилов Б.И., Волжик И.О., Эргашбоев В.В., Ҳасанов Н., Нажбиддинов С., Мисаков В.С., Савицкая Т.В.) томонидан етарли даражада тадқиқ қилинган. Бироқ юқоридаги олимлар асарларида ҳам рақобатнинг у ёки бу шаклига тўхталган. Барча турлари ва шакллари жамланган ҳолда қараб чиқилмаган. Мазкур ишда олимларимиз томонидан яратилган асарларни ўрганиш натижасида рақобатнинг бир қанча шакли мавжудлигини инобатга олиб, уларни бир тизимга келтиришга ҳаракат қилдик[118].

Рақобатнинг ҳар бир тури маълум даражада бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиш билан бирга, ҳар бирининг бошқаларига нисбатан ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Уларни аниқлаш учун рақобатнинг ҳар бир шакли таърифини назарий жиҳатдан ўрганишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Изланишлар натижасида рақобатнинг барча турлари бўйича адабиётларда мавжуд таърифларга таянган ҳолда улар такомиллаштирилиб, муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, мазкур масаланинг алоҳида маънавий, ахлоқий ва фалсафий жиҳатларига ҳам эътибор қаратилди.

Ҳозирги пайтда жаҳон амалиётида ва мамлакатимизда рақобатнинг очиқ ва яширин жуда кўп турлари ва шакллари мавжуд. Уларнинг бир қисми адабиётларда ёритилган ва амал қилиши эътироф этилган. Аммо айримлари борки, улар яширин ҳолда намоён бўлади. Уларнинг мазмуни тўғрисидаги қарашларни тизимли тартибда қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин (1-жадвал).

---

[118] Стоянов Е.А., Стоянова Е.С. Экспортная диагностика и аудит финансово-хозяйственного положения предприятия. - М.: НКЦ «Перспектива», 1992; Расулов М.Р. Бозор иқтисодиёти асослари. Т.: Ўзбекистон, 1999; Абдукаримов Б.А., Бектемиров А.Б., Пардаев М.Қ., Салимов Ш.С., Шавқиев Э.Ш., Абдукаримов Ф.Б. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. 2-нашри. –Т.: "Фан ва технология", 2013. – 368 бет., Пардаев М.К., Абдукаримов И.Т., АбдиевА.А., Исроилов Б.И. Корхоналарда молиявий ҳисоботлар таҳлили. Самарқанд: СамИСИ, 2007. – 12,1 б.т. – 194 бет., Пардаев М.К., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. Т.: 'Fan va texnologiya', 2007. – 10,25 б.т. – 164 бет., Волжик И.О., Эргашбоев В.В. Молиявий таҳлил. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1998; Ҳасанов Н., Нажбиддинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш: муаммолар ва уларни ҳал қилиш. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999; Мисаков В.С Анализ конкурентоспособности фирмы. - М.: Финансы и статистика, 1998; Савицкая Т.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Минск. ООО «Новое знание», 2000. ва ҳ.к.

1-жадвал

Бозор муносабатлари шароитида рақобатнинг шакллари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ҳамда маънавий, ахлоқий ва фалсафий жиҳатлари[119]

Рақобат шакллари	Рақобатнинг иқтисодий-ижтимоий мазмунидан келиб чиққан таърифи	Рақобатнинг маънавий, ахлоқий ва фалсафий жиҳатлари
Такомиллашган рақобат	Эркин бозорда жуда кўп субъектларнинг бир хил маҳсулотлар билан бир хил мавқега эга бўлган ҳолда иштирок этиши.	Рақобатчилар ўртасида дўсто-на муносабат бўлади, бир-бирига ғараз бўлмайди. Ким ҳалол бўлса, яшасин, ошини ошасин қабилида иш тутади.
Олигополь-лашган рақобат	Маълум даражада чегараланган бўлиб бозордаги товарни ишлаб чиқариш ва сотишда етакчиликни ташкил қиладиган бир қанча йирик корхоналар иштирок этади.	Йирик корхоналар анча рақобатбардош бўлганлиги учун бир-бирига зўрлик қилиш хиссиёти бўлмайди, аммо майда рақобатчиларни писанд қилмайди.
Монополь-лашган рақобат	Бозорда 469та йирик корхонанинг бир хил товар бўйича юз фоиз ишлаб чиқариб сотишда ўз назорати ва ҳукмронлигини ўтказиши	Ҳукмронлик туйғуси устун туради, мен ягонаман, деган руҳиятга чулғанган бўлади.
Такомил-лашмаган рақобат	Бозорда чегараланган сотувчи, чегараланган харидор ва чегараланган ахборот билан иштирок этиши. Масалан, бир ҳудудда фақат шу ҳудудга мансуб маҳсулотларнинг сотилиши. Бунда бошқа жойдан ҳам борган киши айнан шу маҳсулотни харид қилиш мақсадининг шаклланиши.	Рақобатчилар ўртасида маъна-вий жиҳатдан самимий муносабат бўлмайди. Рақобатчилар бозорда ўз ўрнини йўқотиш хавотирида бўлади.
Ҳалол рақобат	Жуда кўп майда сотувчи ва харидорларнинг бозорда тегишли тўлиқ ахборотларга эга бўлсада бозорнинг талабини, товар ҳажми ва нархини назорат қилиш имкони бўлмаган ҳолда иштирок этиши. Бунда битта бозорда бир хил товар билан кўплаб сотувчиларнинг иштирок этиши. Бунга *нон сотиш бозорини мисол* келтириш мумкин.	Рақобатчилар ўртасида бир-бирига тўсқинлик қилиш истаги бўлмайди, чунки уларнинг сони жуда кўп. Шунинг учун ҳаммаси ўзининг мавқеини кучайтириш учун курашади. Бозор одобига кўра бир-бирининг молини қораламасдан, имкон қадар ўзининг молини ўтказишга ҳаракат қилиш руҳияти билан яшайди.
Ғирром рақобат	Субъектларнинг бозорда ўрнатилган рақобатга оид тартиб ва қоидаларига амал қилмасдан, ўз манфаатини устун қўйган ҳолда, ғирромлик йўлини тутиб иштирок этиши.	Ўз мавқеини кучайтиришга эришиш учун бировларни йиқитишни, ортга қолдиришни афзал деб билади ва нима бўлса ҳам ўзининг ишини ўнглашдан кўра шеригининг мавқеини пасайтириш учун бош қотиради. Бунда кўп ҳолларда ижтимоий ҳаёти ҳам ютқазади.

[119] Турли адабиётларда келтирилган рақобатнинг шаклларини тўплаб, уларга муаллиф томонидан таъриф берилди ва айримлари такомиллаштирилди.

Хорижий рақобат	Мазкур мамлакат субъектлари-нинг хориждан импорт қилинган товарлари таъсирида бўлиши, яъни одамларнинг ўзимизда шундай нарсалар-нинг ишлаб чиқарилганлигига қарамасдан, фақат хорижда ишлаб чиқарганини олишга бўлган иштиёқи.	Бу одамларнинг нечоғлик ватанпарварлигига боғлиқ. Айрим кишиларда хориждан албатта яхши мол келади, деган ёлғон тушу шаклланган. Уларнинг маънавий олами кўпинча иморт моллари ҳар-ид қилишни афзал кўрадиган даражада шаклланган бўлади.
Жаҳон бозори рақобати	Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг энг қулай ва фойдали вариант-ларини ахтариш борасида бир қанча мамлакатлар ишлаб чиқарувчилари ва товар жўнатувчиларининг бир-бирига узвий боғлиқ ва таъсир этувчи иқтисодий жараёнларда иштирок этиши.	Бунда рақобатчилар ўртасида ўзаро манфаатдорлик шаклланганлиги туфайли, бир-бири билан шуриксчилик руҳиятида муносабатда бўладилар.
Очиқ рақобат	Бир хил маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчи субъектлар ўртасида уларнинг баҳоси тўғрисида ахборотларининг очиқ бўлишини таъминлаган ҳолда фаолият кўрсатиши.	Бунда рақобатчилар ўртасида кескин руҳий қарама-қаршилик бўлмайди, уларда ким қандай ва нимага эришса, ҳалоли бўлсин қабилида иш тутади.
Хаёлий рақобат	Харидорларнинг рақобатчилар ўртасидаги энг паст баҳоли товари (иш, хизмат)ни хаёлан ҳарид қилишга йўналтирилган ҳаракати. Бунда харидор олдиндан фалон фирманинг маҳсулотини ҳарид қилишим керак, деган мазмунда фақат шу фирманинг маҳсулотини ахтариб топади ва ҳарид қилади.	Ҳамиша инсонлар бирор нарсани ҳарид қилишдан бирорта ишни бажаришдан олдин уни хаёлидан ўтказади, бунда рекламанинг, таниш одамларнинг, кўчанинг гапла-ри кишининг маълум даражада бирорта товарга ва ишга бўлган иштиёқини уйғотади. Хаёлан шунга мойиллиги туфайли шу ишни қилади.
Баҳоли рақобат	Рақобатчиларнинг бир хил сифатдаги товар (иш, хизмат)ларига нисбатан кам баҳода сотиш эвазига харидорларни жалб қилиш жараёни.	Камроқ баҳога сотилса ҳам, ўзимнинг маълум даражада зараримга бўлса ҳам ўз мавқеимни тиклаб олишим, одамларга мен манзур бўлишим керак, деган руҳият билан ҳаракат қилади.
Баҳосиз рақобат	Баҳони инобатга олмасдан маҳсулот (иш, хизмат) нинг сифатини ошириш, илғор технологияларни жорий қилиш эвазига харидорларни жалб қилиш эвазига кўпроқ сотишга эришиш жараёни.	Рақбатчилар ўз мавқеи учун фақат маҳсулотимнинг сифатини оширишим керак, деган руҳият билан ҳаракат қилади. Булар сифатли товарларга, хизматларга талаб бўлган жойда албатта устунликка эришади.
Бозор рақобати	Ҳар бир субъектнинг бозорда ўз мавқеини сақлаб қолиш учун ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида қиладиган ҳаракатлар жараёни билан боғлиқ рақобат.	Бу, кўпинча, такомиллашган, очиқ каби ҳалол рақобатлар сингари рақобатчилар ўртаси-да руҳиятни шакллантиради. Бунда ишлаб чиқаришда ҳам, хизмат кўрсатишда ҳам фақат бозорни ўйлаб иш тутади. Бу ҳам ҳалол рақобатнинг бир кўринишидир.

Маркетинг рақобати	Харидорларнинг талабидан келиб чиқиб, товар (иш, хизмат)лар баҳосини ўзгартириш, баҳосини ўзгартирмаган ҳолда, уларнинг сифатини яхшилаш-га қаратилган рақобат.	Рақобатчилар бозорни чуқур ўрганиш учун билимдон ва сабрли бўлиши, маънавий етук бўлиб, тегишли тарзда товари ёки хизматини сота оладиган қобилият соҳиби бўлишлигини тақозо қилади.
Шафқатсиз рақобат	Рақобатчиларнинг бозорда шафқатсизларча ҳаракатига асосланган бўлиб, товарни (иш, хизматни) таннархидан паст баҳода сотиш, бошқа рақобатчиларни ғайри қонуний йўллар билан синдиришга ҳаракат қилиш, савдода махфий келишувлар орқали бошқалар фаолиятига салбий таъсир кўрсатиш, ёлғон ахборотлар тарқатиш кабиларда намоён бўлади	Рақобатчиларнинг савияси паст бўлиб, фақат ўзининг муваффақиятини бировнинг мағлубияти ҳисобига амалга оширишни ўйлайдиган худбин кишилар қиёфасида намоён бўлади. Булар нима бўлса ҳам рақиби ғалаба қилмасин йўсинида иш кўради. Одатда бировнинг ўлимини тилагунча ўзининг умрининг тила деган гапга зид ҳаракат қилади.
Жойлашиш рақобати	Бир хил сифат ва бир хил нархдаги маҳсулотларни харидорлар ўзларига маъқул ва қулай бўлган жойдан сотиб олади. Бунда сотиш корхонасининг жойлашиши муҳим аҳамият касб этади.	Бунда одамлар товарининг сифати ва нархидан кўра яхшироқ одам гавжум жойларга жойлашиб олишни ўйлайди. Шу мақсадда ҳатто ноқонуний ишларни қилишга тайёр бўлиши мумкин.
Сифат рақобати	Айрим тоифадаги харидарлар учун маҳсулотнинг фақат сифати муҳимлигини инобатга олиб, уларнинг талаби даражасида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва бозорда сотиш жараёни. Бунда харидор учун нархнинг аҳамияти бўлмайди. Аммо харидорлар чегараланган бўлади.	Бундай рақобатчилар барча эътиборни юқори даромадли харидорлар кўнглини топиш учун маҳсулоти ва хизматининг фақат сифатига катта эътибор қаратадиган руҳиятга эга бўлади.
Инсофсиз рақобат	"Рақобат тўғрисида"ги қонунда келтирилганидек: хўжалик юритувчи субъек-тнинг ёки шахслар гуруҳининг иқтисодий фаолиятни амалга оширишда афзалликларга эга бўлишга қаратил-ган, қонун ҳужжатларига, иш муомаласи одатларига зид бўлган ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ёхуд уларнинг ишчанлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатларни содир этиши тушунилади.	Рақобатчилар руҳиятида қонун ҳужжатларига, иш муомаласи одатларига зид бўлса ҳам бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ҳаракатларни қилишга мойил руҳиятга эга, маънавияти паст бўлиб, нима бўлганда ҳам рақобатчиларнинг ишчанлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатларни содир этишга бўлган маънавий иштиёқи бўлади.

Ушбу жадвалда рақобатнинг 18 та тури келтирилган бўлиб, уларнинг турлари ва мазмуни тўғрисидаги қарашлар турли адабиётларда турлича ёритилган. Рақобатнинг таърифи бўйича олимлар ва мутахассисларнинг қарашлари турлича бўлганлиги сингари, унинг шакллари хусусида ҳам бир хил тўхтамга келинмаган. Шу жиҳатдан мазкур масала бўйича ечимини кутаётган муаммолар анча. Рақобатнинг турлари бўйича унинг фалсафий, маънавий жиҳатлари умуман ўрганилган эмас.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификация қилиш ва иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизга инновацияларни жорий қилиш эвазига ривожлантириш шароитида ҳам бир рақобат иштирокчиларнинг хилма-хиллигини, нархларнинг турли даражада шаклланганлигини, товарларнинг табақаланишини, рақобатбардошлик даражасининг ҳам турлича шаклланган бўлишлигини кузатиш мумкин. Ушбу жараёнларнинг ҳар бири маълум даражада масаланинг фалсафий ва маънавий жиҳатларини ҳам қараб чиқишни тақозо қилади. Тадқиқотларимиз натижасида бозор муносабатлари шароитида рақобат бозорлари тавсифи ва хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлик ҳолати тўғрисидаги қарашларни тизимлаштириб, уларга масаланинг маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатларини уйғунлаштирган ҳолда ўз қарашларимизни ҳам шакллантирдик. Чунки ҳар қандай иқтисодий ўзгариш маълум маънода маънавий ўзгаришга олиб келса, маънавий юксалиш мос равишда иқтисодий ўсишга ҳам олиб келади. Шу жиҳатдан ушбу масалаларни айри ҳолда эмас, балки уйғун ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Рақобатнинг яна бир жиҳати ва йўналиши иштирокчиларнинг ахлоқий ва ҳуқуқий савияси ва маданиятининг шаклланганлигига ҳам боғлиқдир. Шу жиҳатдан, мазкур масала бугунги кунда ўзининг долзарблиги билан ҳам ўта муҳимдир. Булар тўғрисида тасаввурга эга бўлиш учун рақобат турларининг рақобатчи субъектларда рақобат мазмуни, улар ўртасида нархларнинг шаклланиши ва уни назорат қилиш, рақобатнинг маънавий, ахлоқий ва фалсафий жиҳатлари билан уйғунлигини ҳам қараб чиқишни мақсад қилиб қўйдик. Рақобатнинг турлари, уларнинг тавсифи ва хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигининг маънавий, ахлоқий ва фалсафий жиҳатлари билан ўзаро боғлиқлигини қуйидаги жадвалда ифодалашни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва рақобат муҳитини яратиш мақсадида мамлакатимизда давлат мулки хусусийлаштирилиб, кўп

мулкчиликка асосланган иқтисодиёт барпо қилинди. Бироқ, жуда кўп тадбиркорлар хусусийлаштиришни фақат мулкка эгалик қилиш, деб тушуниб, мулкни арзонга сотиб олиб, бир марталик фойдасини кўзлаб фойдаланиши мумкин бўлган биноларни бузиб сотиб юбордилар. Айримлари маълум фойда билан бошқа кишига сотди. Натижада қўлма-қўл бўлган ишлаб чиқарувчи (хизмат кўрсатувчи) субъект банкрот ҳолатига келиб қолди. Буларнинг ҳаммаси мамлакат иқтисодий ўсишига бирмунча таъсир қилди.

Ушбу жараёнларга аниқлик киритиб мамлактимиз Президенти И.А.Каримов: Хусусийлаштириш деганда гап, "...ўзига теккан мулкни шамолга совурмасдан ёки шахсий бойлик орттириш манбаига айлантириб юбормасдан, балки ана шу мулкни кўпайтира биладиган, техника билан қайта жиҳозлайдиган ва замон талабларига мувофиқ такомиллаштира оладиган, унинг негизида рақобатга бардошли маҳсулот чиқаришни йўлга қўя оладиган мулкдор хақида бораётир. Шунингдек, иш билан банд бўлмаган аҳолини иш ўринлари билан таъминлайдиган, ўзига ҳам, ишловчиларга ҳам, давлатга ҳам даромад келтирадиган ишлаб чиқаришни ташкил қила оладиган мулкдор хақида бораётир"[120], деб таъкидлади. Бу ҳолатлар мамлакатимиз тараққиётида хусусийлаштиришнинг рақобатни вужудга келтиришидаги жуда катта ижобий жиҳатларидан далолат бериб турибди.

Хусусийлаштиришнинг маънавий, ахлоқий ва фалсафий жиҳатлари ҳам кўплигини назарда тутиш мақсадга мувофиқ. Турли хил рақобат бозорларининг тавсифи, ундаги субъектларнинг рақобатбардошлик ҳолати, маҳсулот нархларнинг шаклланиши ва уни назорат қилишда рақобатнинг маънавий ва ахлоқий жиҳатларини ҳам инобатга олиш лозим, деб ўйлаймиз. Буларнинг ўзаро боғлиқлигини тавсифлаш учун қуйидаги жадвални келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик (2-жадвал).

Кўриниб турибдики, бир қисм рақобат мавжуд бўлиб амал қилсада, улар қонунларда кўзда тутилмаган. Шу туфайли, мазкур масалаинг айрим такомиллашиши лозим бўлган жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Рақобат масаласининг навбатдаги босқичида уларнинг ижобий ва салбий томонларини ҳам кўриб чиқишни тақозо қилади. Чунки кўпгина адабиётларда рақобатнинг асосан ижобий томонлари хусусида ёзилган. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, унинг айрим салбий жиҳатлари ҳам йўқ эмас экан.

---

[120] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон – 1995. – 181 б.

2-жадвал

Турли хил рақобат бозорларининг тавсифи ва ундаги субъектларнинг рақобатбардошлик даражаси ва ҳуқуқий жиҳатлари[121]

Рақобат турлари	Товарларнинг табақала-ниши	Рақобатбардошлик даражаси	Рақобатнинг ҳуқуқий жиҳатлари
Такомилла-шган рақобат	*Маҳсулотлар сифати ва хусусияти бўйича бир-бирига яқин*	*Етарли, фақат ҳаракат қилиши керак*	*"Рақобат тўғрисида"ги қонунда кўрсатилган*
Олигополлаш-ган рақобат	Сертификатланган товарлар учун бир хил ҳолат таъмин-ланган бўлади	Кучсиз, чунки рақобатчилар кам бўлади	"Рақобат тўғрисида"ги қонунда кўрсатилган
Монополлаш-ган рақобат	Табақаланмайди	Йўқ, чунки рақобатчи *бўлмайди*	*"Рақобат тўғри-сида"ги қонунда кўрсатилган*
Такомил-лашмаган рақобат	Чегараланган ҳолда табақаланади	*Етарли, кўрила-ниган* тадбир-ларига боғлиқ	*Қонунларда кўзда тутилмаган*
Ҳалол рақобат	Маҳсулотлар сифати ва хусусияти бўйича бир-бирига яқин	Кучли, фақат ҳаракат қилиши керак	"Рақобат тўғрисида"ги қонунда кўрсатилган
Гирром рақобат	Товарлар бир-биридан *кескин фарқ қилади*	Кўриладиган *тадбирларига боғлиқ.*	Қонунларда кўзда тутилма-ган, ҳаракатлар ноқонуний
Халқаро рақобат	Товарлар маълум даражада табақа-ланган бўлади	Етарли, фақат ҳаракат қилиши керак	Халқаро шартномаларда ифода этилган
Жаҳон бозори рақобати	Товарлар маълум даражада табақа-ланган бўлади	Етарли, фақат ҳаракат *қилиши керак*	Халқаро шартномаларда ифода этилган
Очиқ рақобат	Маҳсулотлар сифати ва *хусуси-яти бўйича бир-бирига яқин*	Кучли, фақат ҳаракат қилиши керак	"Рақобат тўғрисида"ги қонунда кўрсатилган
Ҳаёлий рақобат	Товарлар маълум даражада табақа-ланган бўлади	Кўриладиган тадбирларига боғлиқ	*Қонунда кўзда тутилмаган, рекламага асосланган*
Баҳоли рақобат	Товарлар маълум даражада табақа-ланган бўлади	Етарли, фақат ҳаракат қилиши керак	Қонунда кўзда тутилмаган, нарх-соднй механизм-нинг *ишлашига боғлиқ*
Баҳосиз рақобат	Товарлар маълум даражада табақа-ланган бўлади	*Кучли, гап шун-да мос* харидор-ларнинг мавжуд-лигида	*Қонунда кўзда* тутилмаган, ахоли даромадларига асосланган
Бозор рақобати	Маҳсулотлар сифати ва хусусияти бўйича бирбирига яқин	Кучли, фақат ҳаракат қилиши керак	"Рақобат тўғрисида"ги қонунда кўрсатилган
Маркетинг *рақобати*	Маҳсулотлар сифати ва *хусусияти бўйича бир-бирига яқин*	*Яхши, фақат ҳаракат қилиши керак*	Иқтисодий дастак сифатида майдонга чиқади
Шафқатсиз рақобат	Товар (иш, хизмат)лар сифати ва хусусияти бўйича бир-бирига яқин	Кўриладиган тадбирларига боғлиқ, *лекин хатарли*	Қонунда кўзда тутилмаган, ҳаракатлар ноқонуний
Жойлашиш рақобати	Товар (иш, хизмат)лар сифати ва хусусияти бўйича *бир-бирига яқин*	Кучли, ҳамма-нинг кулай жой топиш имкони бўлмайди	Қонунда кўзда тутилмаган ҳолда кулай жойлашган
Сифат рақобати	Товарлар бир-биридан кескин фарқ қилади	Аҳолининг ижтимоий қатламига боғлиқ	*Қонунда кўзда* тутилмаган, ахоли даромадларига асосланган
Инсофсиз рақобат	Товар (иш, хизмат)лар сифати ва хусусияти бўйича бир-бирига яқин	Ўртача, лекин кучли бўлиш учун ноқонуний *ҳаракатларни қилишга мойил*	Қонунда кўзда тутилмаган ҳаракатларни амалга оширади

[121] Олдинги нашр қилган ишларимиздаги қарашларимизни такомиллаштирган ҳолда бермоқдамиз. Қаранг: Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И.хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. – Т.: "Fan va texnologiya" нашриёти, 2007. – 105-107 бетлар

24.4. Савдо корхоналарида рақобатнинг ижобий ва салбий томонлари

Шуни инобатга олиш керакки, иқтисодий тараққиётнинг муҳим шартларидан бири рақобат муҳитини яратишдир. Чунки у нафақат инсон учун, балки юқорида таъкидланган барча субъектлар учун ҳам катта наф келтиради. Бозор муносабатлари шароитида рақобат фақат ижобий натижалар беради деб ўйлаш тўғри бўлмайди. Унинг салбий оқибатлари ҳам мавжуд бўлиб, улар хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ва манфаатига ноқулайлик ёки зарар ҳам етказиши мумкин.

Одатда, рақобатнинг ижобий томонлари кўп тадқиқ қилинган ва ёзилган. Аммо рақобатнинг салбий жиҳатлари ҳам мавжудлиги хусусида кам ёзилган. Булар биринчидан, рақобатнинг натижасида ортиқча харажатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлса, мос равишда, иккинчидан, иқтисодиёт субъектларининг тегишли миқдорда фойда олиш имкониятини ҳам чеклайди. Бу эса, ўз навбатида, ушбу корхонани банкротлик ҳолатига олиб келади. Натижада корхонанинг ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлиши, кишиларда руҳий ноборқарорликнинг вужудга келиши, жамоанинг маънавий тушкунлиги кабилар намоён бўлади.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар ўртасидаги рақобатнинг, юқорида таъкидланганидек, анчагина ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд. Ушбу ҳолатларига тўғри баҳо бериш учун ҳар бирининг ижобий қирраларини алоҳида қараб чиқамиз. Буларнинг батафсил тафсилоти тўғрисидаги қарашларни жадвал тарзида қуйидагича ифодалаш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал жадвалда кўрсатилганидек, бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётнинг ривожланишидан манфаатдор субъектлар бевосита рақобатдан ҳам манфаатдордир. Шу туфайли, уларнинг манфаатдорлиги ҳам рақобатнинг амал қилиши билан бевосита боғлиқ. Шуни эътироф этиш керакки, рақобатнинг иқтисодий манфаатдорлиги билан бирга маънавий манфаатдорлиги ҳам мавжуд. Бу икки омил бирлашиб масаланинг ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатларини ҳам ҳаракатга келтиради. Буни қуйидаги жадвалдан ҳам кўриш мумкин (4-жадвал).

3-жадвал

Рақобатнинг ижобий томонлари (РИТ)[122]

Т/р	Манфаатдорлар учун	Рақобат ҳар бир турининг ижобий томонлари изоҳи
1.	**Истеъмолчи учун**	Энг авволо истеъмолчига нафлилиги товар (иш, хизмат)лар сифатининг ошишида, баҳосининг пасайишида намоён бўлади.
2.	**Аҳоли учун**	Аҳоли иш билан таъминланиши билан малакаси муттасил ошиб боришлиги талаб қилинади, чунки улар модернизация ва инновацион жараёнларга мос ҳолда касбий такомиллашишга эга бўлиб боради.
3.	**Жамият учун**	ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади, истеъмол бозори товарга (иш, хизматга) тўйиниб боради. Мамлакат иқтисодий салоҳиятидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун бозор талабидан келиб чиқадиган одилона тақсимотга эришилади
4.	**Давлат учун**	Барқарор ва самарали иқтисодиёт шаклланади, давлат бюджетига солиқ ва бошқа тушумлар барқарор равишда тушиб туриши таъминланади, пировардида унинг экспорт салоҳиятининг ошиши эвазига рақобатбардошлигининг кўтарилишига эришилади.
5.	**Корхона учун**	Рақобатбардошликни таъминлаш учун кўрилган чора-табирлар эвазига ишнинг самарадорлиги ошади, маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми ошиб боради. Бу эса, ўз навбатида корхонанинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш имконини туғдиради.
6.	**Инвесторлар учун**	Фойда олиб туриш ва инвестициянинг самарадорлиги таъминланади. Инвесторнинг ҳаётийлик ҳалқасининг миқдори кўпайиб вақти қисқаради.
7.	**Ҳар бир ходим учун**	Ҳар бир ходим ўз иш ўрнини йўқотмаслиги учун ҳаракат қилади ва малакасини ошириб бориш баробарида, корхонанинг барқарор фаолият кўрсатиши учун муттасил курашиб боради. Корхонанинг мувоффақиятларига бефарқ бўлмайди.

[122] *Олдинги нашр қилган ишларимиздаги қарашларимизни такомиллаштирган ҳолда бермоқдамиз. Қаранг:* Пардаев М.Қ., *Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. – Т.: "Fan va texnologiya" нашриёти, 2007. – 104-105 бетлар.*

4-жадвал

Рақобатнинг салбий томонлари (РСТ)[123]

Т/р	Манфаатдорлар учун	Рақобат ҳар бир турининг салбий томонлари изоҳи
1.	**Истеъмолчи учун**	Кўп корхоналар синиб кетиши натижасида бозорда товарлар (иш, хизматлар) камаяди, унинг баҳоси ошади, бозорда нобарқарорлик вужудга келади.
2.	**Аҳоли учун**	Корхоналарнинг синиши ишсизлар сонини кўпайтиради, бандлик муаммосини келтириб чиқаради.
3.	**Жамият учун**	Маълум муддатда бозорда товар массаси камаяди, бозор қашшоқлашади, бекорчиларнинг кўпайиши ижтимоий нобарқарорликка олиб келиши мумкин.
4.	**Давлат учун**	Субъектнинг банкротга учраши натижасида бюджетга тушадиган солиқ ва бошқа мажбурий тушумлар миқдори камаяди. Бозорни тегишли товарлар ва хизматлар билан тўлдириш учун қўшимча инвестициялар манбаларини топишига тўғри келади.
5.	**Корхона учун**	Ишлаб чиқарилган товарининг баҳосини пасайтиришга мажбур бўлади, сотишдан келадиган тушум унинг харажатларини қопламасдан қолади, банкротлик ҳолатига олиб келади.
6.	**Инвесторлар учун**	Субъектнинг банкротга учраши натижасида қўйилган инвестицияси учун барқарор фойда олиши сусаяди, агар қарзи кўпайиб кетган бўлса, мулкини сотиб бериши эвазига мулкидан ҳам айрилиб қолиш хавфи туғилади.
7.	**Ҳар бир ходим учун**	Ишсизлар армиясига қўшилади, янги иш излашга тушади, малакасига мос ишни топиш мураккаблашганлиги туфайли бошқа мутахассисликни ўрганиш учун қўшимча вақт ва маблағ сарфлашига тўғри келади.

Шуни таъкидлаш лозимки, РИТ > РСТ бўлса, бу ҳолат, умуман олганда, жамият учун нафақат иқтисодий, балки маънавий ва ахлоқий жиҳатдан ҳам катта манфаат (наф) келтиради. Шу туфайли

[123] Олдинги нашр қилган ишларимиздаги қарашларимизни такомиллаштирган ҳолда бермоқдамиз. Қаранг: Пардаев М.К., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. – Т.: "Fan va texnologiya" нашриёти, 2007. – 104-105 бетлар.

кишилар, рақобатнинг ижобий тарафларига ҳамиша интилиб яшайдилар. Аммо рақобатнинг салбий тарафларига ҳамма мажбур бўлади, улар хоҳламаган ҳолда дуч келишади.

Кўриниб турибдики, рақобат муқаррар жойда ҳар бир корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти натижаларини чуқур таҳлил қилиб бориш зарур бўлади. Бу эса, корхона раҳбарлари, мулкдорлари хўжалик юритувчи субъектлар банкротлигини баҳолаш ва унинг фаолиятининг ҳар бир жиҳатини яхшилаш учун тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш йўлларини яхши билишлари лозим бўлади. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятига иқтисодий ташхис қўйиш эса, унинг фаолиятини ҳар томонлама назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилишни тақозо қилади.

24.5. Савдо корхоналарида рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни аниқлаш ва таҳлил қилишнинг назарий ҳамда методологик муаммолари

Хўжалик юритувчи субъектларда, хусусан, савдо корхоналарида ҳам рақобат ва рақобатбардошликни таҳлил қилиш, бошқариш ва мустаҳкамлаш масалаларини ўрганишда, аввало, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимининг ишлаб чиқилиши лозим. Бунинг учун эса, таҳлил жараёнида хўжалик юритувчи субъектлардаги рақобат ва рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишда ушбу тушунчалар мазмуни ва улар ўртасидаги боғлиқликларни назарий асос қилиб олиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Савдо билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятини таҳлил қилишда муҳим босқичларидан бири ҳар бир категорияни тегишли кўрсаткичларда ифодалаб олишдан иборатдир. Бу эса, ўз навбатида, рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқишни тақозо қилади. Аммо ушбу масала иқтисодий адабиётларда ҳамон ўз ечимини топган эмас. Бу муаммонинг ҳал қилиниши бўйича турли қарашлар мавжуд.

Савдо билан шуғулланувчи субъектлар фаолияти иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан бири, тадбиркор фаолияти ва товарининг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда уларни аниқланиш йўлларини кўрсатиб беришдан иборатдир.

Ўзбекистонда тадбиркорлик ва уларнинг рақобатбардошлигига бағишланган жуда кўп асарлар[124] чоп этилган. Аммо уларда савдо билан шуғулланувчи субъектлар фаолияти рақобатбардошлигини баҳоловчи, таҳлил қилиб тегишли хулоса чиқариш учун асос бўладиган миқдорий кўрсаткичлар деярли тадқиқ қилинмаган. Бироқ, бу борада жаҳон тажрибаси маълум даражада шаклланган. Кўпгина хорижий адабиётларда[125] иқтисодиётнинг кўп соҳаларида хўжалик юритувчи субъектлар рақобатбардошлигини баҳолаш учун тегишли тавсиялар келтирилган.

Жумладан, Г.В.Савицкая[126] тадбиркор товарининг рақобатбардошлигини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичларни тавсия қилади:

1. Ҳар бир йўналишни баҳоловчи алоҳида кўрсаткич. Буни аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинган:

$$к = \frac{П}{Р_{100}} x\ 100$$

Бунда: *к - товар рақобатбардошлигини белгиловчи ҳар бир йўналишни баҳоловчи алоҳида кўрсаткич;*

Р - ҳар бир йўналиш бўйича мазкур товарга тегишли кўрсаткич;

$Р_{100}$ *- истеъмолчи (ҳаридор) эҳтиёжини тўла (100 %) қондириши учун ҳар бир йўналиш бўйича белгиланган меъёр.*

2. Алоҳида бир-бирига боғлиқ йўналишлар бўйича гуруҳнинг жамланган кўрсаткичи (Г). Бу кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинган.

$$Г = \Sigma\ а_и\ x\ к_и$$

Бунда: $к_и$ *- бир гуруҳга кирувчи и- кўрсаткичнинг миқдори;*

$а_и$ *- ҳар бир и-кўрсаткичнинг салмоқлилик коэффициенти.*

3. Умумлаштирилган кўрсаткич (Ж). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун товарнинг техник йўналиши бўйича аниқланган гуруҳ кўрсаткичнинг миқдорини (Гм) иқтисодий йўналиш бўйича гуруҳ кўрсаткичлар миқдорига (Гиқ) бўлиш йўли билан аниқлаш тавсия қилинган:

$$Ж = Гм / Гик$$

---

[124] Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Ўқув қўлланма. Т.: Шарқ, 2002.; Абдуллаев Ё.А., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. Т.: Меҳнат, 2000.; Хўжаев Э., Юсупова Р., Ражабов Э. ва бошқалар. Тадбиркорлик ва бизнес асослари. Самарқанд, 1997.; Тўхлиев Н., Ўлмасов А. Ишбилармонлар луғати. Т.: Қомуслар бош таҳририяти. 1993, Мухаммедов М. ва бошқалар. Тадбиркорлик иқтисодиётининг асослари. Самарқанд, 1998 ва ҳ.к.

[125] Савицкая Т.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Минск. ООО «Новое знание», 2000. - 435-439 бетлар.

[126] Ўша жойда. 437 бет.

Агар Ж<1 бўлса таҳлил қилинаётган товарнинг рақобатбардошлиги унинг намунасига нисбатан паст эканлигидан, агар Ж>1 бўлса мазкур товар анча рақобатбардош эканлигидан далолат беради.

Таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан бири ушбу кўрсаткичларни амалий маълумотларни қўллаган ҳолда аниқлашдан иборат. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир йўналиш бўйича тегишли ахборотларни тўплашни, уларни рақамлар билан ифодалашни тақозо қилади. Бу эса бошқарув таҳлилида қўшимча ахборотларни олиш, унинг қўшимча ҳисобини юритишни тақозо қилади.

Ушбу масала бўйича бошқа олимларнинг ҳам қарашлари мавжуд бўлиб, уларнинг кўпи бизнинг ўзимизга хос бўлган иқтисодиётимизга мос келмайди. Шу туфайли бошқа олимларнинг мазкур масалаларга оид қарашлари ва фикрларига тўхталмасдан ўз қарашларимизни, миллий иқтисодиётга мос тарзда баён қилмоқчимиз.

Бизнинг олдинги нашр қилган ишларимизда, хўжалик юритувчи субъектлар рақобатбардошлигини ифодалаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мумкинлиги асосланган эди[127].

1. Корхона маҳсулотининг бозордаги бир хил маҳсулотлардаги улуши (Кмбу).

2. Бозордаги энг кучли рақобатчи корхона маҳсулотининг улушига (ЭКму) нисбатан шу корхона маҳсулоти улуши (Кму).

3. Рақобатдаги маҳсулотни сотиш ҳажмининг ўсиш суръати (Рмўс).

4. Корхона маҳсулоти баҳосининг бозордаги шундай маҳсулот баҳосига нисбатан коэффициентдаги миқдори (Кбах).

5. Корхона маҳсулотининг сертификатланганлик даражаси (Ксер)

6. Корхонада маҳсулотни реклама қилишдан олинган фойданинг реклама харажатларига нисбати (Крек)

7. Корхонанинг рақобатбардош товарларининг рентабеллик даражаси (Ррб)

8. Корхонада умумий рентабеллик даражаси (Р)

9. Корхона балансининг жорий ликвидлик даражаси (Лж)

10. Корхона маҳсулоти рақобатбардошлигини ифодаловчи умумлашган кўрсаткич (Мрук).

---

[127] Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари: Монография. – Т.: "Фан ва технология", 2007.-107-109 бетлар.

1.4.-жадвал

Корхона[128]нинг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари[129]

Т/р	Кўрсаткичларнинг номи	Кўрсаткичларни ҳисоблаш йўллари	Изоҳ
1.	Корхона маҳсулотининг бозордаги бир хил маҳсулотлардаги улуши (Кмбу)	$К_{МБУ} = \frac{К_М}{Б_{ЖМ}}$	*Км – корхона маҳсулоти; Бжм – бозордаги шу маҳсулотнинг жами ҳажми*
2.	Бозордаги энг кучли рақобатчи корхона маҳсулотининг улушига (ЭКму) нисбатан шу корхона маҳсулоти улуши (Кму)	$К_{МУ} = \frac{К_{МБУ}}{ЭК_{МУ}}$	*(ЭКму)-энг кучли рақобатчи корхона маҳсулотининг улуши; (Кмбу) - корхона маҳсулотининг бозордаги бир хил маҳсулотлардаги улуши;*
3.	Рақобатдаги маҳсулотни сотиш ҳажмининг ўсиш сурьати (Рмўс)	$Р_{МЎС} = \frac{Р_{М.Х}}{Р_{М.АЙ}}$	*Рм.ҳ – рақобат йилидаги сотилган маҳсулот ҳақиқий миқдори; Рм.ай – шу маҳсулот асос йилидаги миқдори*
4.	Корхона маҳсулоти баҳосининг бозордаги шундай маҳсулот баҳосига нисбатан коэффициентдаги миқдори (Кбах)	$К_{БАХ} = \frac{К_{МБ}}{Б_{ШМБ}}$	*Кмб – корхона маҳсулотининг баҳоси; БШМБ – бозордаги шундай маҳсулотлар баҳоси*
5.	Корхона маҳсулотининг сертификатланганлик даражаси (Ксер)	$К_{СЕР} = \frac{С_М}{Ж_М}$	*См – сертификатланган маҳсулотлар; Жм – жами маҳсулотлар*
6.	Корхонада маҳсулотини реклама қилишдан олинган фойданинг реклама харажатларига нисбати (Крек)	$К_{РЕК} = \frac{Р_{ЕКФ}}{Р_{ЕКХ}}$	*Рекф – реклама қилинган товарлар бўйича олинган фойда; Рекх – шу товарни реклама қилиш учун кетган харажатлар*
7.	Корхонанинг рақобатбардош товарларининг рентабеллик даражаси (Ррб)	$Р_{РБ} = \frac{Р_{ТФ}}{Р_Т}$	*Ртф – рақобатдаги товарлардан олинган фойда; Рт – рақобатдаги товарларнинг умумий ҳажми*
8.	Корхонада умумий рентабеллик даражаси (Р)	$Р = \frac{С_Ф}{Q}$	*Сф – соф фойда; К – сотилган маҳсулот ҳажми*
9.	Корхона балансининг жорий ликвидлик даражаси (Лж)	$Л_Ж = \frac{Ж_А}{Ж_М}$	*Жа – Жорий активлар; Жм – Жорий мажбуриятлар*
10	Корхона маҳсулоти рақобатбардошлигини ифодаловчи умумлашган кўрсаткич (Мрук)	$М_{РУК} = \frac{М_{ТЙ}}{М_{ИЙ}}$	*Мтй – маҳсулотнинг техник йўналиши бўйича умумлашган кўрсаткичи; Мий – маҳсулотнинг иқтисодий йўналиши бўйича умумлашган кўрсаткичи;*

[128] Корхон деганда барча корхоналар билан бирга савдо билан шуғулланувчи корхоналар ҳам кўзда тутилган. Бошқа соҳалар учун ҳам методологик асос бўлишлигини инобатга олиб корхона атамасини ишлатдик.

[129] Мазкур кўрсаткичлар тизими олдинги нашр қилган ишларимизда чоп қилинган. Қаранг: Пардаев М.Қ., *Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари.* Монография. – Т.: "Фан ва технология", 2007.-107-109 бетлар.

Мазкур кўрсаткичлар асосида корхоналар рақобатбардошлигининг ҳолатига баҳо берилади, уни мустаҳкамлаш учун тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти ҳам туғилади. Муҳими биз тавсия қилган кўрсаткичларни аниқлаш учун деярли барча маълумотлар молиявий ва бошқа ҳисоботларда ўз аксини топган. Ушбу ҳолат мазкур кўрсаткичларни таҳлил қилиш зарурати туғилади.

Таҳлил жараёнида ушбу кўрсаткичларни аниқлаш йўллари, уларни тегишли ҳужжатлар асосида ифодаланиб, режага, меъёрга нисбатан фарқи, ўтган йилларга нисбатан ўзгариши суръати, қатор йилларга динамикаси каби мутлақ ва нисбий миқдорларни аниқлаш ҳамда ҳар бирининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш лозим бўлади. Бунинг учун юқорида келтирилган кўрсаткичларни аниқлаш йўлларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Чунки иқтисодий адабиётларда рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар деярли келтирилмаган ва мос равишда амалиётда ҳам қўлланилмайди. Бунинг учун мазкур кўрсаткичларни аниқлаш йўллари бўйича ўзимизнинг фикрларимиз ва ишланмаларимиз қуйидаги жадвалда келтирилган.

Бизнинг фикримизча, ушбу кўрсаткичлар тизими корхоналарнинг рақобатбардошлигини тўлиқ қамраб олади. Аммо у бошқарувда қўлланилишига бироз ноқулайлик туғдириши мумкин. Чунки, бир кўрсаткич бўйича битта корхона яхши ўринга эга бўлса, иккинчи кўрсаткич бўйича бошқа корхона яхши ўринни эгаллаган бўлиши мумкин. Худди шундай ҳолат битта корхона мисолида қараладиган бўлса даврлар бўйича ҳам худди шундай ҳолатга дуч келиш табиий. Шу туфайли адабиётларда кўрсаткичлар тизимидан комплекс кўрсаткични аниқлаш усуллари бўйича бир қанча ёндашувлар айтилган ва уларнинг айримлари амалиётда ҳам мувоффақиятли қўлланилиб келинмоқда.

Аммо шуни эътироф этиш керакки, савдо соҳаси ўзига хос хусусиятларга эга. Улардан бири мазкур соҳа субъектлари ўртасидаги ўзаро рақобатдир. Ушбу соҳанинг бошқа соҳаларда учрамайдиган ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Булардан бири бировларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотини сотишдан иборатдир. У ишлаб чиқарувчилардан ҳарид қилиб олиб сотади. Бу ҳамма савдо корхоналарига хос. Агар товар сифатсиз бўлса, у сотиб олиб қўйган, пулини тўлаган. Агар товар хориждан келтирилган бўлса, бу ҳолат янада мураккаблашади.

Аммо сотиш билан шуғулланувчи корхоналарда мазкур товарнинг сифатини ошириш имконияти йўқ.

Шу туфайли мазкур савдо соҳасида рақобатбардошликни 2 босқичда аниқлаш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- савдо билан шуғулланувчи субъектларнинг сифатли товарлар билан савдо қилиш бўйича рақобатбардошлик;
- савдо билан шуғулланувчи субъектларнинг фаолияти давомида эришилган молиявий-хўжалик фаолиятини баҳолайдиган рақобатбардошлик.

Тадқиқотлар натижасида савдо билан шуғулланувчи фирмалар ёки компанияларнинг рақобатбардошлигини баҳолашда ушбу кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозим, деган хулосага келдик. Аммо рақобатда бир қанча субъектлар бўлишини инобатга олиб, кўрсаткичлар тизимидан комплекс кўрсаткични аниқлаш усулини ҳам келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Бунинг учун комплекс кўрсаткичларни аниқлашнинг жамлаш усулидан мувоффақият билан фойдаланиш мумкинлиги ҳам асосланди. Жамлаш усулидан фойдаланган ҳолда комплекс кўрсаткични *(Рбк)* аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Rбк = \sum_{i=1}^{n} ai$$

Бунда: $\sum_{i=1}^{n}$ *– жамлаш белгиси;*

и – жамланадиган кўрсаткичларнинг тартиб рақами;

н – жамланадиган кўрсаткичларнинг умумий сони;

a_u *– и-кўрсаткичнинг миқдори.*

Ушбу формулани қўллайдиган бўлсак, юқорида келтирилган барча кўрсаткичларнинг коэффициентларини жамлаб, умумий кўрсаткични аниқлаш мумкин. Аммо барча кўрсаткичлар рақобатбардошликка баҳо бериш учун бир хил моҳиятга эга эмас. У ҳолда ҳар бир кўрсаткичнинг моҳиятлилик коэффициентини аниқлаб, уларни ҳақиқий миқдорига кўпайтириб жамлашга тўғри келади. Бу ҳолда комплекс кўрсаткич (Ккм) қуйидагича ҳисобланади:

$$Ккм = \sum_{i=1}^{n} ai * km;$$

Бунда: Ккм – ҳар бир кўрсаткичнинг моҳиятлилигини инбатга олган ҳолдаги комплекс кўрсаткичнинг миқдори;

км – ҳар бир кўрсаткичнинг моҳиятлилик коэффициенти.

Иккинчи йўналиш бўйича савдо билан шуғулланувчи субъектларнинг фаолияти давомида баҳоланадиган рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Юқорида келтирилган рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими (6.4-жадвалда келтирилган) асосан ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятига баҳо беришга мўлжалланган. Аммо савдо ташкилоти кечаги савдо ташкилотидан ва бошқа тармоқлардан фарқ қилади. Шу туфайли ушбу масалага ўзгача, савдо ташкилотларининг барча хусусиятларини инобатга олган ҳолда ёндашиш ва шунга мос кўрсаткичларни ишлаб чиқишни тақозо қилади. Бундай кўрсаткичлар тизимига қуйида келтирилган 5 та кўрсаткични тавсия қилмоқдамиз. Уларнинг қулайлиги ва афзаллиги шундаки, барча кўрсаткичлар бир хил ўлчамда, яъни коэффициентда ифодаланган[130]. Бундай ҳолларда кўрсаткичларни жамлаш ва бошқа амалларни бажариш унчалик қийинчилик туғдирмйди. Ушбу кўрсаткичлар тизимига қуйидагиларни киритишни мақсадга мувофиқ, деб топдик (1.6-жадвал).

Рақобатбардошлик ва уни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида ҳозирги пайтда савдо ишлари мамлакатимизда ҳам ва Самарқанд вилоятида ҳам кенг кўламда олиб борилаётгани аниқланди. Бунда асосан нодавлат ташкилотлари, хусусан, хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳам катта кўламда иш бажармоқдалар. Буларнинг фаолиятини ташкил қилиш ва такомиллаштириш бугунги кунда ўта муҳим бўлиб, ҳар бир субъектнинг фаолиятини муттасил ўрганиб борадиган таҳлил усуллари ҳам паралел равишда яратилиб борилмоғи лозим.

Савдо соҳасида қанча ўзгаришлар юз берса, мос равишда таҳлил қилиш усуллари ҳам шунга мос тарзда такомиллашиб боришни талаб қилади. Шу туфайли иқтисодиёт субъектлари фаолиятини тезкор тарзда ўрганадиган, вазиятга тез мослашадиган таҳлил усулини яратишни тақозо қилади. Акс ҳолда, савдо соҳасида тез ўзгариш ва такомиллашиш рўй берганда таҳлил усуллари амалиётдан орқада қолиб кетиши мумкин.

---

[130] Айрим фоизда ифодаланган кўрсаткичларни жамлаш пайтида коэффициентга айлантириб ҳам ҳисоблаш мумкин.

1.6-жадвал

Савдо билан шуғулланувчи фирмаларнинг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари[131]

Т/р	Кўрсаткичларнинг номи	Кўрсаткичларни ҳисоблаш йўллари	Изоҳ
1.	Савдо ташкилотининг барқарор иқтисодий ўсишга (5%дан кам бўлмаган) эгалиги (Қми)	$Қми = \frac{Қи1}{Қи0} * 100$	*Бунда: Қми-савдо-мантаж ишлари ҳаж-ми; 0 ва 1 индекслар асос ва ҳисобот йиллари маълумотлари.*
2.	Савдо ташкилоти балансининг жорий ликвидлиги (Лж)	$Л_ж = \frac{Ж_а}{Ж_м}$	*Жа – Жорий активлар; Жм – Жорий мажбуриятлар*
3.	Савдо ташкилотининг рентабеллик даражаси (Р)	$P = \frac{C_ф}{Q} * 100$	*Сф – соф фойда; К – савдо-мантаж ишларининг умумий ҳажми*
4.	Объектни белгиланган муддатда ишга тушириш коэффициенти (Кит)	$Кит = \frac{Итв}{Бм}$	***Итв** – объектнинг ишга туширилган вақти; **Бм**-ҳақиқатда ишга туширилган вақти.*
5.	Объект ҳақиқий қиймати-нинг сметага мослик коэффициенти (Ксм)	$Ксм = \frac{Охб}{Осб}$	***Охб** – объектнинг ҳақиқий баҳоси; **Осб**-объектнинг сметадаги баҳоси.*
6.	Савдо ташкилоти фаолияти рақобатбардошлигини ифодаловчи комплекс кўрсаткич (Рбк)	$Rbk = \sum_{i=1}^{n} ai$	*Бунда: $\sum_{i=1}^{n}$ - жамлаш белгиси; и-жамланадиган кўрсат-кичларнинг тар-тиб рақами; н – жамла-надиган кўрсаткичлар-нинг умумий сони; $a_и$–и-кўрсаткичнинг миқдори.*

Савдо соҳасини молиялаштириш асосан хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилмоқда. Жамият тараққиётининг маълум босқичида объектив заруратдан келиб чиқиб, кўплаб касб-ҳунар коллежлари ва мактабларни қуриш масаласи энг устувор вазифалардан бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Булар сингари кўпгина бошқа ижтимоий объектлар ҳам давлат томонидан молиялаширилмоқда. КҲКларини битирувчи талабаларнинг бир қисми ҳам шу соҳада ишга жойлашмоқда.

Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда амалга оширилаётган давлатимизнинг иқтисодий сиёсати социал соҳага

[131] Мазкур кўрсаткичлар тизими олдинги нашр қилган ишларимизда чоп қилинган. Қаранг: Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. – Т.: "Фан ва технология", 2007.-107-109 бетлар.

йўналтирилганлигидаги ўзига хос хусусиятлардан бири эканлигидан далолатдир. Шу туфайли савдо соҳасидаги иқтисодий таҳлил мазмуни жиҳатидан иқтисодий-ижтимоий таҳлил бўлмоғи лозим. Бундай таҳлилда фақатгина иқтисодий соҳа ўрганилиб қолмасдан, балки ижтимоий соҳа ҳам биргаликда яхлит тарзда ўрганилади. Бу эса иқтисодий самарадорлик билан бирга соҳанинг ижтимоий самарадорлигини ҳам инобатга олиш лозимлигини кўрсатади. Бу масала бевосита ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ҳосиласи эканлигидан далолат беради.

Шунингдек, тадқиқотларимиз савдо билан шуғулланадиган фирмалар биринчидан, махсус бирорта йўналишга мослашган иқтисодиёт субъектлари бўлиши лозимлигини, иккинчидан, савдо билан шуғулланувчи фирмалар кооперациясини тузиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Аммо савдо кооперациясини яхлит тарзда таҳлил қиладиган усул ҳам ҳамон ишлаб чиқилмаган. Бу эса, ўз навбатида, савдо кооперациясини таҳлил қилиш усулларини яратишни тақозо қилади.

Савдо билан шуғулланувчи фирмаларнинг моддий-техника базаси асосан эскирганлиги учун махсус иқтисослашган, савдо билан шуғулланувчи фирмалар буюртмаси асосида фаолият кўрсатадиган моддий-техника таъминот базаларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Чунки, кўпгина техникалар ўзимизда ишлаб чиқарилгани билан, анча қисми Россия ва бошқа МДҲ мамлакатларидан, Хитой каби давлатлардан олиб келинади. Табиийки, ҳар бир фирманинг буларни олиб келишни мустақил равишда ташкил қилиши ўта мураккаб ва қимматга тушади. Савдо ташкилотларининг моддий-техника таъминоти базалари фаолиятини таҳлил қилиш усуллари ҳам бевосита шу тизимнинг шаклланиши билан бирга ишлаб чиқилиши лозим.

Савдо ишларини ташкил қилишда яна бир нарсага эътиборни қаратиш керакки, бунда нарх жуда тез ва кескин ўзгариб турибди. Бундай шароитда фирмаларнинг молиявий барқарорлиги бироз хавфли бўлиб қолади. Шу туфайли бошқарув таҳлилининг тегишли усулларидан фойдаланиб савдо соҳасидаги товарлар нархнинг ўзгаришини ва шу асосда баҳодаги фаркларни аниқ ҳисоблашни яхши йўлга қўядиган таҳлил усули ҳам ишлаб чиқилмоғи лозим. Чунки барча иқтисодий кўрсаткичлар пировардида олинган ва сотилган нархнинг ҳажмига боғлиқ бўлиб қолади.

Ҳозирги пайтда, кўпгина сотувчилар умумий тадбиркорлардир. Уларнинг кўпи савдо бўйича мутахассис эмаслигини инобатга олиб, савдо билан шуғулланадиган тадбиркорликка рухсат беришда уларнинг савдо соҳасида билими ва тажрибаси борлигигига ҳам аҳамият бериш лозим, деб ўйлаймиз. Чунки, ҳозирги давр савдо хизматлари сифатини муттасил ошириб боришни тақозо қилмоқда. Бу ўта нозик масала. Ҳаридорлар руҳияти ва даромади, бугунги кун талаби ҳар бир савдо ходимидан юқори малака ва савияни талаб қилади. Агар шу талабга жавоб бермайдиган бўлса, табиийки, унга ҳаридорлар кирмасдан қўяди. Натижада мазкур тадбиркор касодга учрайди.

Бугунги кунда ҳар йили юзлаб савдо билан шуғулланиш истагидаги тадбиркорлар рўйхатдан ўтказилмоқда. Шулардан бир қисми, албатта, фаолият кўрсата олмаяптилар. Булар товарнинг йўқлиги ёки пулининг камлиги учун эмас, балки савдо хизмати сифатининг бугунги мезонларини билмаслигидандир. Бу ҳолат келажакда янада кучайиб бораверади. Бунинг учун савдодаги кадрлар таъминотини таркибий жиҳатдан таҳлил қилиб, штат жадвалидаги ҳар бир мутахассиснинг тегишли малака ва тажрибага эга бўлган кадрлар билан тўғри ва тўлиқ таъминланганлигини инобатга олиш лозим. Бу, албатта, ҳозирги кунда инвестор ва йирик савдо корхоналари раҳбариятининг зиммасидаги ишдир.

Мазкур тавсиялар савдо билан шуғулланувчи фирмаларнинг фаолиятини, ишининг сифати янада яхшилаш ва фаолият самардорлигини оширишга хизмат қилади.

Таянч иборалар: *рақобат, товар рақобати, рақобатбардошлик, савдо корхоналарида рақобатбардошлик, рақобатнинг турлари, рақобатнинг таснифи, рақобатнинг тавсифи, рақобат назарияси, савдо корхоналарида рақобат, рақобатнинг ижобий томонлари, рақобатнинг салбий томонлари.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Рақобат нима?
2. Рақобат билан боғлиқ тушунчаларнинг таърифлари.
3. Товар рақобати.
4. Савдо корхоналарида рақобатбардошлик.

5. Рақобатбардошлик билан боғлиқ тушунчаларнинг таърифлари.
6. Рақобатнинг турлари.
7. Рақобатнинг таснифи.
8. Рақобатнинг тавсифи.
9. Рақобатнинг назарий масалалари.
10. Савдо корхоналарида рақобатнинг ижобий томонлари.
11. Савдо корхоналарида рақобатнинг салбий томонлари.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Мулкчилик тўғрисидаги Қонуни. 1990 йил 31 октябр Ўзбекистон Олий Советининг Ведомостлари, 1990 йил №31-33.

2. Ўзбекистон Республикасида Мулкчилик тўғрисидаги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 май Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил, 5-сон.

3. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябр Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил, 1-сон.

4. Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил, 2 июл Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил, 10-сон.

5. «Хусусий корхоналар тўғрисида» Қонуни. 2003 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш ахборотномаси 2004 йил 3-сон.

6. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1991 йил 15 феврал (7-май 1993 йил ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган). Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисида Қонун ҳужжатлари. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1999 йил.

7. Ўзбекистон Республикаси «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида» Қонун. 1991 йил 21 декабр. 1998 йил 29 августда ўзгартиришлар киритилган.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1999 йилги 5 ноябрь 54-сонли «Маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажат таркиби ва молиявий натижаларни аниқлаш тартиби тўғрисида низом»ни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори.

9. Банкротлик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрел Қонуни. Халқ сўзи 2004 йил 2-июл.

10. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрел Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ахборотномаси 1996 йил 5-6 сон.

11. Товар бозорларида монополистик рақобатни чеклаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабр Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997 йил 2-сон.

12. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил, 24 декабр Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси 1999 йил, 1-сон.

13. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2000 йил, 25 май. Ўзбекистон Республикаси молиявий Қонунлари. 8-сон 2000.

14. «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида « Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2001 йил, 6 декабр.

15. Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил, 12 декабр Қонуни. Халқ сўзи 2003 йил 13 декабр.

16. Ўзбекистон республикаси «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» ги Қонуни. Халқ сўзи, 2012 йил, 27 апрель.

17. Ўзбекистон республикаси «Рақобат тўғрисида» ги Қонуни. Халқ сўзи, 2012 йил, 7 январь.

18. Ўзбекистон республикаси «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларини кафолатлари тўғрисида» ги Қонуни. Халқ сўзи, 2012 йил, 25 сентябрь.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Фармон ва қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2006 йил 23 февралдаги Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги 2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754-сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзулгуржисавдоинвест" *уюшмаси тузилмасини ислоҳ қилиш ва фаолият* самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги 2011 йил 30 мартдаги ПҚ-1514 – сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китоблар механизмини янада тартибга солиш тўғрисида"ги 2013 йил 24 январдаги ПҚ-1910 – сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон савдо-саноат палатасини ташкил қилиш тўғрисида"ги 2004 йил 7 июль Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». 2006 йил 18 апрель Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». 2007 йил 23 май Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2013 йил 8 август Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2012 йил 28 августдаги 253 – сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг "2003-2006 йилларда чакана савдо, умумий овкатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармокларини ривожлантиришга доир қўшимча чора – тадбирлар тўгрисида"ги 2003 йилги 13 феврал Карори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасинин "Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисида

Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги 2012 йил 25 сентябрь 274 – сонли Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон. Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 1. - Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 1996. - 364 бет.

2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 2. - Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 1996 - 380 б.

3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 3. - Т.: "Ўзбекистон" НМИУ.1996 - 366 бет.

4. Каримов И.А. *Бунёдкорлик йўлида 4 - том.* Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 1996 - 349 бет.

5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби./ Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 5. - Т.: "Ўзбекистон", 1997 – 330 б.

6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 6. - Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 1998 - 429 бет.

7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 7. - Т: "Ўзбекистон" НМИУ, 1999 - 412 б.

8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 8. - Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2000 -528 б.

9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 9. - Т.: "Ўзбекистон", 2001- 432 бет.

10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. ./ Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 10. Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2002 432 б.

11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 11- Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2003 -318 б.

12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 12.. - Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2004 - 400 б.

13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 13. - Т.: "Ўзбекистон", 2005. - 448 б.

14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. - Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2006. - 280 бет.

15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир./ Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 15. –Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2007. - 320 б.

16. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлiда. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 16. – Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2008. - 368 б.

17. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. / Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 17. –Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2009. - 280 б.

18. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. /И.А.Каримов,– Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2010. – Ж. 18. - 280 б.

19. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир.// И.А.Каримов,– Т.: "Ўзбекистон", 2011. – Ж. 19. - 360 б.

20. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир: Т. 20.// И.А.Каримов,– Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2012. – 320 б.

21. Каримов И.А. Мамлакатимизни янада озод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида: Т. 21.// И.А.Каримов,– Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2013. – 384 б.

22. Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган ислоҳотлар йўлининг тасдиғидир: 22-жилд.//И.А.Каримов,– Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2014. – 368 б.

23. Каримов И.А. Эришган марралар билан чегараланмасдан, бошлаган ислоҳотларимизни янги босқичга кўтариш – бугунги кундаги энг долзарб вазифамиздир: 23-жилд.// И.А.Каримов,– Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2015. –408 б.

24. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 1995. - 269 б.

25. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 1997. - 326 б.

26. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2008. - 176 б.

27. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2008. - 56 бет.

28. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида./ И.А.Каримов. – Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2011. - 440 б.

29. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир./ И.А.Каримов. – Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2015. - 304 бет.

Дарслик, ўқув қўлланма, Монография ва бошқа китоблар

1. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. I қисм. Т.: «Фан ва технология», 2007.

2. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. (2-қайта ишланган ва тўлдирилган лотин алифбосидаги нашри). Дарслик I қисм. –Т.: «Иқтисод-молия», 2010.

3. Абдукаримов Б.А ва бошқ. Савдо иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. I қисм. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2013.

4. Абдукаримов Б.А ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. (2-қайта ишланган ва тўлдирилган лотин алифбосидаги нашри). Дарслик. – Т.: "Фан ва технология" нашриёти, 2013.

5. Абдукаримов Б.А., Комилова Н.А., Абдукаримов Ф.Б. Актуальные вопросы развития торговли в Узбекистане. Монография. – Т.: "Иқтисодиёт", 2010. – 96 б.

6. Акрамов Э.А. Анализ финансового состояния предприятия. Т.: ТГЭУ, 2000.

7. Жўраев И. «Кўча савдоси: унга барҳам бериш вақти келмадими?». Самарқанд газетаси, 2012 йил 26 июль.

8. Ибрагимов Р. Маркетинг. Дарслик. - Т.: Шарқ.-2002. – 256 б.

9. Йўлдошев Н.Қ. Савдо корхонаси иқтисоди. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2005.

10. Как торговаться на восточном базаре. / Авт. – сост. А.И.Брестский. М.: АСТ; Мн.: Харвест, 2006. – 96 с.

11. Муҳаммедов М.М., Абдукаримов Б.А., Алтинбаев Р.И., Қутбетдинов А.Т. Экономика торговли. Учебное пособие. – Самарканд, 1998.

12. Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Меҳнат иқтисоди ва социологияси. Боб матни. Самарқанд, 2002.

13. Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. – Т.: "Иқтисод-молия", 2011. – 172 б. – 11,0 б.т.

14. Пардаев М.Қ., Ҳасанов Б.А., Исроилов Ж.И., Пулатов М.Э., Эшбоев Ў.Т., Холиқулов А.Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: "Чўлпон" нашриёти, 2012.- 400 бет.

15. Пардаев М.К., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И.Корхонанинг иктисодий салохияти таҳлили. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2003.- 256 бет.

16. Пардаев М.К., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. Т.: «Фан ва технология», 2007. – 164 бет.

17. Пардаев М.Қ., Бердикулова И.Р., Пардаев О.М., Маркетинг тадқиқотида статистик таҳлил. Самарқанд, СамИСИ, 2013. – 144 бет.

18. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Ўзбекистон саноати ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожланиш босқичида: иқтисодий хавфсизлик масалалари. Самарқанд, СамИСИ, 2008 . – 20 б. – 1,25 б.т.

19. Пардаев М.Қ., Аминов З.Ю. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ва уни таъминлаш йўллари. Рисола. Самарқанд, "Зарафшон", 2008. – 47 б. – 3,0 б.т.

20. Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Ғаппаров А.Қ. Хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш муаммолари. Рисола. Самарқанд. "Зарафшон", 2009. - 66 б.- 4,1 б.т.

21. Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М.. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: "Иқтисод-молия", 2014. – 384 б.- 24,0 б.т.

22. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётининг айрим муаммолари. Монография. – Т.: "Наврўз" нашриёти, 2014. – 264 бет.

23. Пардаев О.М. Маҳсулотларни сақловчи корхоналарда самарадорлик. Монография. – Т.: "Иқтисодиёт" нашриёти, 2012. – 162 б. – 10,2 б.т.

24. Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2001 й.

25. Пигу А. Экономическая теория благосостояния.: Пер. с англ. Т. 1-2 М.: Прогресс, 1985.

26. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий. – Мн.: ИП «Экоперспектива», 1997.

27. Солиева Г.А. Ўзбекистонда китоб нашри, савдоси ва маркетинги. Монография. – Т.: "Иқтисод-молия" нашриёти, 2013. – 128 бет. – 8 б.т.

28. Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг долзарб муаммолари. Монография. – Т.: "Иқтисодиёт" нашриёти, 2012. – 260 бет.

29. Ураков Ж.Р. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш. Монография. – Т.: "Иқтисодиёт" нашриёти, 2013. – 127 бет.

30. Урунбаева Ю.П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари. Монография. – Т.: "Фан" нашриёти, 2013.

31. Усманова Д.И. Пути повышения социально-экономической эффективности торгового обслуживания сельского населения. Монография. – Издательство «Навруз» ГУП, 2014. – 160 с.

32. Учебник по основам экономической теории. М.: ВЛАДОС, 1994

33. Фридман А.М. Экономика предприятий торговли и питания потребительского общества. Учебник. М.: «Дашков и К°», 2008.

34. Файзиев Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Ўқув қўлланма. Самарқанд: "Зарафшон" нашриёти, 2010. – 244 б.-15,25 б.т.

35. Ходиев Б.Ю ва бошқалар.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. – 2010.

36. Худайберганов Д., Бердикулова и. Товарлар ва хизматлар бозори самарадорлигини ошириш масалалари. – Самарқанд, СамИСИ. 2011. – 116 бет. – 7,25 б.т.

37. Чжен В.А. ва бошқалар. Бозор Қонунияти асослари. III том. Тошкент: «Бизнес каталог», 1996.

38. Чжен В.А. ва бошқалар. Бозор ва очиқ иқтисодиёт IV том. Тошкент. «Бизнес каталог».1996.

39. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. Ш Н-тартибли. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ДИН, 2006.

40. Ўразов К.Б. Савдода бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2004.

41. «Инструкция по статистике численности и заработной плате работающих по нейму». Утверждена Постановлением Макроэкомики и статистики Республики Узбекистан №33 от 26 октября 1998 г.

42. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

43. Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Худайбердиев У.Х., Пардаева О.М. Оилавий корхона иқтисодиёти. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2012. –232 б.

МУНДАРИЖА

КИРИШ **3**

I боб. САВДО ИҚТИСОДИЁТИ МУАММОЛАРИ КУРСИНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ **6**
1.1. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий фанларнинг ўрни ва аҳамияти 6
1.2. Савдо иқтисодиёти муаммолари курсининг предмети, мазмуни ва вазифалари 14
1.3. Савдо иқтисодиёти муаммолари курсининг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлиги 17
1.4. Савдо иқтисодиёти муаммолари курсининг усуллари 22

II боб. САВДО СОҲАСИ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ТИЗИМИДА .. **26**
2.1. Товар муомаласи соҳасининг моҳияти 26
2.2. Бозор муносабатлари тушунчаси, қонунлари ва қоидалари 28
2.3. Ўзбекистонда бозор муносабатларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари 37
2.4. Бозор муносабатлари шароитида савдонинг моҳияти, аҳамияти, функциялари, вазифалари ва ривожланиш босқичлари 40

III боб. САВДО СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ, ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ **50**
3.1. Тадбиркорликни моҳияти ва аҳамияти 50
3.2. Тадбиркорликнинг умумий қоидалари, субъектлари, шакллари ва турлари 60
3.3. Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий-иқтисодий асослари 62
3.4. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўналишлари 67
3.5. Тадбиркорлик фаолияти самарадорлиги мезони ва кўрсаткичлари 70

IV боб. САВДО СОҲАСИНИНГ ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗМЛАРИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ **73**
4.1. Хўжалик механизми тушунчаси ва унинг моҳияти 73
4.2. Савдонинг хўжалик механизмининг элементлари, ўзига хос хусусиятлари ва муаммолари 76
4.3. Иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш шароитида савдо хўжалик механизмини такомиллаштириш йўналишлари 79

V боб. САВДО СОҲАСИДА ИҚТИСОДИЙ ИШ ВА УНИ ЯХШИЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎЛЛАРИ 100
5.1. Иқтисодий ишнинг моҳияти ва муаммолари 100
5.2. Савдода хўжалик фаолиятини режалаштириш қоидалари ва усуллари 101
5.3. Савдода хўжалик фаолиятини таҳлилининг мазмуни, вазифалари ва усуллари 103
5.4. Иқтисодий ахборотлар тушунчаси, турлари ва унда статистиканинг аҳамияти 106

VI БОБ. ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ ТОВАРЛАРИ БАҲОСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ 113
6.1. Баҳо ва баҳолаштиришнинг моҳияти ва аҳамияти 113
6.2. Баҳонинг функциялари ва турлари 118
6.3. Баҳони аниқлашни методологик масалалари (баҳолаштириш) 121
6.4. Баҳони давлат томонидан тартибга солиниши 127

VII боб. ТАЛАБ ИҚТИСОДИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА ВА ТОВАР ТАКЛИФИ 131
7.1. Эҳтиёж тушунчаси, таркиби ва турлари 131
7.2. Талаб тушунчаси унга талабга таъсир қилувчи омиллар 133
7.3. Талабни ўрганиш ва прогнозлаш усуллари 135
7.4. Аҳолининг минимал истеъмол саватчаси тушунчаси 136
7.5. Аҳолининг даромадлари ва харажатлари баланси 141
7.6. Таклиф тушунчаси, манбалари ва Ўзбекистонда уни шаклланиш тенденциялари 144

VIII боб. ЧАКАНА ТОВАР АЙЛАНИШИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ 149
8.1. Чакана товар айланиши тушунчаси ва моҳияти 149
8.2. Чакана товар айланишининг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти 152
8.3. Чакана товар айланишининг ривожланиш тенденциялари 154

IX боб. ЧАКАНА ТОВАР АЙЛАНИШИНИ ТАҲЛИЛИ ВА РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ 162
9.1. Чакана товар айланишининг кўсаткичлари ва уларни баланс боғлиқлиги 162
9.2. Чакана товар айланишининг таҳлили ва режалаштиришнинг вазифалари ва усуллари 163
9.3. Чакана товар айланишига таъсир қилувчи омиллар 165
9.4. Чакана товар айланишини умумий ҳажмининг таҳлили ва режалаштириш 165

9.5. Чакана товар айланиши микро таркибининг таҳлили ва режалаштириш 172
9.6. Чакана товар айланишини таркибини режалаштириш 176

X боб. ТОВАР ЗАХИРАЛАРИНИ ТУШУНЧАСИ, КЎРСАТКИЧЛАРИ, УЛАРНИ ТАҲЛИЛИ ВА НОРМАЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ..... 181
10.1. Товар захираларини тушунчаси, кўрсаткичлари, таҳлили ва режалаштириш масалалари 181
10.2. Товарларнинг келиши, уларни таҳлили ва режалаштириш масалалари 196
10.3. Товар захираларини нормалаштириш ва режалаштириш масалалари 199

XI боб. УЛГУРЖИ САВДО ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ 208
11.1. Улгуржи савдонинг зарурияти моҳияти ва аҳамияти 208
11.2. Улгуржи савдонинг товар айланиши кўрсаткичлари, уларни таснифи ва тавсифи 213
11.3. Улгуржи савдонинг товар айланиши ва уларнинг таҳлили 215
11.4. Улгуржи савдонинг товар айланишини режалаштириш 218

XII боб. САВДО КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ, УНИНГ ТАРКИБИ, САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ 226
12.1. Иқтисодий салоҳият тушунчаси ва унинг назарий масалалари 226
12.2. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлиги, унинг мазмуни, умумий ҳажми ва баҳолаш йўллари 231
12.3. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти ва унинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларнинг таснифи ва аниқланиш йўллари 239

XIII боб. САВДО КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ХАРАЖАТЛАР НУҚТАИ НАЗАРИДАН БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ 245
13.1. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳиятини харажатлар нуқтаи назаридан баҳолаш усуллари 245
13.2. Савдо корхонасида иқтисодий салоҳиятнинг умумий ҳажми ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили 249
13.3. Савдо корхонасида иқтисодий салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни таҳлил қилиш йўллари 251
13.4. Савдо корхонасида иқтисодий салоҳияти билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни таҳлил қилиш йўллари 253

XIV боб. САВДО КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР, УЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ 256
14.1. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили 256
14.2. Савдо корхонаси иқтисодий салоҳияти ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари 259
14.3. Савдо корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлигини ошириш йўллари 269

XV боб. САВДО КОРХОНАЛАРИ АСОСИЙ ВОСИТАЛАРИ, УЛАРНИНГ МАЗМУНИ, ТАРКИБИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ 275
15.1. Савдо корхоналарида асосий воситалар, уларнинг таркиби ва мазмуни 275
15.2. Савдо корхоналарида асосий воситаларни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари 278
15.3. Савдо корхоналарида асосий воситалар 282
самарадорлиги, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар, аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари 282

XVI боб. САВДО КОРХОНАЛАРИ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРИ, УЛАРНИНГ МАЗМУНИ, ТАРКИБИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ 285
16.1. Савдо корхоналари айланма маблағлари, уларнинг таркиби ва мазмуни 285
16.2. Савдо корхоналари айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари 290
16.3. Савдо корхоналари айланма маблағлар самарадорлиги, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар, аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари 294

XVII боб. САВДОДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ, САМАРАДОРЛИГИ, УЛАРНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ 296
17.1. Савдода меҳнат ресурсларини ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти 296
17.2. Савдода меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги мезони ва кўрсаткичлари 299
17.3. Меҳнат ресурслари кўрсаткичларининг таҳлили, прогнозлаш ва режалаштириш 304

17.4. Савдода иш ҳақи тўлашнинг асосий қоидалари, уларни ҳисоблаш усуллари, тариф тизими тушунчаси ва унинг элементлари 308

XVIII боб. САВДО КОРХОНАЛАРИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ, САМАРАДОРЛИГИ, УЛАРНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ 324
18.1. Савдо корхоналари даромадларининг моҳияти ва аҳамияти 324
18.2. Савдо корхоналари даромадлари турлари 326
18.3. Савдо корхоналари даромадларига таъсир қилувчи омиллар 329
18.4. Савдо корхоналарининг даромадларини таҳлили ва режалаштириш 330
18.5. Савдо корхоналари даромадларини ошириш йўллари 334

XIX боб. САВДОДА ДАВР ХАРАЖАТЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ, ТАСНИФИ, ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ 337
19.1. Товар муомаласидаги ижтимоий зарурий харажатларнинг моҳияти 337
19.2. Муомала харажатларининг мазмуни ва таснифланиши 343
19.3. Муомала харажатларининг даражасига таъсир қилувчи омиллар 346
19.4. Муомала харажатларининг таҳлили 348
19.5. Муомала харажатларини режалаштириш 361

XX боб. САВДО КОРХОНАЛАРИ ФОЙДА ВА РЕНТАБЕЛЛИК ТУШУНЧАЛАРИНИНГ МАЗМУНИ, ШАКЛЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ ВА УЛАРГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР 369
20.1. Савдо корхоналарининг фойдаси, унинг мазмуни ва аҳамияти 369
20.2. Савдо корхоналари фойдасининг шаклланиши ва ишлатилиши 372
20.3. Савдо корхоналарининг фойдаси ва рентабеллигига таъсир қилувчи омиллар 373
20.4. Савдо корхоналарининг фойдаси ва рентабеллигининг таҳлили ва режалаштириш 375

XXI боб. САВДО КОРХОНАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ, КЎРСАТКИЧЛАРИ, УЛАРГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ 386
21.1. Савдо корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигининг моҳияти ва унинг аҳамияти 386
21.2. Савдода самарадорлик, унинг мезони ва кўрсаткичлари 392
21.3. Савдо корхоналари самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар 401

XXII боб. САВДО КОРХОНАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ 405
22.1. Савдо корхонаси иқтисодий хавфсизлиги тушунчаси ва таснифи 405

22.2. Савдо корхонаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг мақсади ва вазифалари 408
22.3. Савдо корхонаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепцияси 412
22.5. Савдо корхонасининг иқтисодий хавфсизлик хизмати, унинг функциялари ва таркиби 419

XXIII боб. САВДО КОРХОНАЛАРИДА ТИЖОРАТ СИРИ ВА УНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ 425
23.1. Савдо корхоналарининг тижорат сири ва улар билан боғлиқ тушунчаларнинг моҳияти ва таърифлари 425
23.2. Тижорат сирининг махфийлиги тушунчаси ва уларни таъминлашнинг айрим йўналишлари 431
23.3. Тижорат сирининг мулкдори тўғрисида тушунча ва унинг қонуний ҳуқуқлари 434
23.4. Тижорат сирини ошкор этишнинг мазмуни ва уни амалга ошириш йўллари 436
24.5. Тижорат сири режими, унинг мазмуни, ўрнатилиши, ўзгартирилиши ва бекор қилиш тартиблари 439
23.6. Савдо корхоналари тижорат сирини ҳимоя қилиш механизми 442
23.7. Рақобатчилар тўғрисида ахборот олиш услублари 445
23.8. Тижорат сирини тақдим этиш, унда махфийликни таъминлаш ва тижорат сирига кирмайдиган ахборотлар 451

XXIV боб. САВДО КОРХОНАЛАРИДА РАҚОБАТ, УНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТУРЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ, МАЪНАВИЙ ВА ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ 455
24.1. Рақобат ва у билан боғлиқ тушунчаларнинг таърифлари 455
24.2. Савдо корхоналарида рақобатбардошлик ва у билан боғлиқ тушунчаларнинг таърифи 463
24.3. Рақобат, унинг турлари, таснифи ва тавсифини очиб беришнинг иқтисодий, маънавий ва фалсафий масалалари 467
24.4. Савдо корхоналарида рақобатнинг ижобий ва салбий томонлари 475
24.5. Савдо корхоналарида рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни аниқлаш ва таҳлил қилишнинг назарий ҳамда методологик муаммолари 478

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР 489

**Ғ.Ҳ.Қудратов, Б.А.Абдукаримов, М.Қ.Пардаев, А.Бектемиров,
Т.С.Шарипов, Ш.А.Султонов, Ф.Б.Абдукаримов, У.Н.Нормуродов,
З.С.Артиков, О.М.Пардаева, Ш.Ш.Негматова**

САВДО ИҚТИСОДИЁТИ МУАММОЛАРИ

Ўқув қўлланма

Муҳаррир Э. Бозоров
Бадиий муҳаррир М. Одилов
Компьютерда саҳифаловчи У. Рахматов

Нашр. лиц. AI № 174.
Босишга рухсат 24.06.2016-йилда берилди.
Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$. Ofset қоғози №2. «Times» гарнитураси.
Шартли б.т. 29,0. Нашр ҳисоб т. 30,2.
Адади 200 дона. 13-buyurtma.

"IQTISOD-MOLIYA" нашриёти
100084, Тошкент, Кичик ҳалқа йўли. 7.

"HUMOYUNBEK-ISTIQLOL MO'JIZASI"
босмахонасида чоп этилди.
100000, Тошкент, Амир Темур 60$^{«A»}$.